

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**“ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ – МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ТИЗИМИДА”
(ҚАДИМГИ ДАВРЛАРДАН ҲОЗИРГИ КУНГАЧА)**

*2020 йил 20 апрелда онлайн тарзида ўтказилган Республика миқёсидаги илмий-амалий
конференция материаллари*

“Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида (қадимги даврлардан ҳозирги кунгача)” мавзудаги Республика илмий-амалий конференция материаллари.
– Жиззах, 2020. – 288 б.

Масъул муҳаррир: Пардаев М.Ҳ.

Масъул котиб: Тошбоев Ф.Э.

Таҳрир хайъати: Асқаров А.А., Сағдуллаев А.С., Аширов А.А., Раимқулов А.А., Қудратов С.С.,
Тўйчибоев Б.Б., Пардаев А.Ҳ., Холматов Н.Ў., Гофуров Ж.И.

Такризчилар: Матбобоев Б.Ҳ.
Ахмедшина Ф.А.

Техник саҳифаловчилар:
Пардаев Ш., Мирзаев Б., Ахмедова Д.

Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материалларига оид мазкур тўпламда, аввало Марказий Осиёнинг муҳим тарихий маданий ўлкаларидан бири бўлган Жиззах воҳасининг энг қадимги даврларидан ҳозирги кунга қадар ўтмишининг турли масалалари – тарих, археология, этнология, манбашунослик каби фанлар янги маълумотлари асосида ёритилган. Шунингдек, тўпламда конференция шўбалари бўйича Ўзбекистоннинг бошқа тарихий - маданий воҳаларининг қадим тарихи, этнографияси, этногенези ва этник жараёнларига доир масалаларга ҳам кенг ўрин берилган. Тўплам тарих йўналиши бўйича мутахассис ва талабалар ҳамда Ватанимиз ўтмиши билан қизиқувчи барча ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган.

Илмий-амалий анжуман материаллари Жиззах давлат педагогика институтининг 14 март 2020 йилдаги навбатдан ташқари Кенгаш йиғилишида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган.

Маърузалар материалларида ёритилган тарихий воқеаликлар, ёзма ва моддий маълумотлардан чиқарилган илмий хулосаларнинг ҳаққонийлигига муаллифлар жавобгар.

СЎЗ БОШИ

Мамлакатимиз жаҳонда ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиб бораётган бир пайтда, ўзбек давлатчилиги тарихида ўз ўрнига эга бўлган тарихий, маданий воҳалар қадимиятини ҳам ўрганиш муҳим ижтимоий гуманитар фан соҳаларининг масалаларидан биридир. Давлатчилигимиз тарихига оид турли тилларда битилган, қадимги даврга оид тарихий асарлар, уларда қайд этилган воқеалар, йилномалар, келтирилган ҳужжатлар ва олиб борилган кенг қамровли археологик тадқиқотлар ўзбек халқи давлатчилиги, шаҳарсозлиги, моддий маданияти тарихи қадим ва узоқ тараққиёт йўлига эга эканлигини илмий асослайди.

Ўрта Осиёда давлатчилик анъаналари шаклланишида ҳар бир тарихий маданий воҳанинг ўзига хос ўрни бўлган. Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган давлатларнинг ўзаро алоқалари, уларнинг тарихий географик ҳудудлари, чегаралари, моддий ва маънавий ҳаёти билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш, қадим тарихимизни ҳар томонлама ўрганишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шундай тарихий маданий воҳалардан бири Уструшона мамлакати ҳисобланиб, унинг муҳим сиёсий, иқтисодий, маданий таркибий қисми сифатида бугунги Жиззах воҳаси муҳим аҳамият касб этган. Уструшонанинг географик қулайликлари туфайли унинг илк ўзлаштирилиш тарихи узоқ ўтмиш билан бевосита боғлиқ. Дастлабки уруғ жамоалар чорвадор ҳамда ўтроқ деҳқонлар учун қулай табиий шарт-шароит ва унумдор ерлар, айниқса оқар сув манбалари мавжудлиги воҳада инсон фаолияти билан боғлиқ ижтимоий-маданий жараёнларнинг жадал ривожланишига асосий сабаб бўлган. Бу имкониятлар туфайли антик даврдан бошлаб шаҳарсозлик маданияти, антик даврнинг охири ва илк ўрта асрларга келиб эса мустақил давлатчилик анъаналари шаклланади. Тарихий ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, IX-X асрларда Уструшона ўзининг обод шаҳарлари ва қарвонсаройлари билан бутун халифаликка машҳур бўлган.

Кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан халқимизнинг маданий меросини чуқур ўрганиш, уни асраб-авайлаш ва келажак авлодга етказиш, ёдгорликларни қайта тиклаш, таъмирлаш, реставрация қилиш, археологик изланишлар олиб бориш ва натижаларини жаҳон ҳамжамиятига етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 17 январдаги “Моддий маданий ва археологик мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”ги Ф-5181-сон фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Археологик тадқиқотларни тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 21 сентябр 2019 йил 792-сонли қарори шулар жумласидандир.

Маданий мерос объектларидан фойдаланиш борасидаги фармойишларнинг ижроси сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Маънавият ва тарих, археология йўналишларидаги дарсларини ўқув йили давомида музейлар, маданий мерос объектларида тизимли олиб борилишини таъминлашнинг қўшма чора-тадбирлари режасини (2019 йил 7 декабр, № 87-03-4783) ишлаб чиқилганлиги таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини амалга оширишда дастурил амал бўлди.

Шу жиҳатдан олиб қараганда ҳам Жиззах давлат педагогика институтида “Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида”, деб номланган ушбу республика илмий - амалий анжумани уюштирилиши, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббусларни амалга оширишда ва энг асосийси эса, Жиззах воҳаси тарихини ўрганишда катта аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

Жиззах давлат педагогика институтида фаолият кўрсатаётган тарихчи олимларимиз томонидан ташкил этилган ва бугун анъанавий кўриниш касб этаётган ушбу конференцияда археология, тарих, этнология, манбашунослик ва тарихшунослик йўналишларида, нафақат

республикамизда, балки хорижда ҳам машҳур бўлган академикларимиз, профессорларимиз, ўз соҳасининг билимдони, тажрибали етакчи илмий ходимларининг ўз мақолалари билан иштирок этаётганлиги анжуман нуфузини ва конференцияда кўтарилган масалаларнинг нақадар долзарб эканлигини яққол кўрсатади. Бу борада Ўзбекистон фанлар академиясининг академиги А.А.Асқаров томонидан Советлар империяси даврида ўзбек халқининг этник тарихи билан боғлиқ масалаларнинг ёритилиши, А.С.Сагдуллаевнинг “Археологическая и историческая география (на примере древней Бактрии)” номли мақоласи ва етакчи илмий ходимлар, профессор-ўқитувчилар Б.Х. Матбобоев, М.Х. Пардаев, А.А.Аширов, А.А. Раимқулов, Н.У. Холматов, О.Б. Бўриев, С.Т.Давлатова С.Б. Шодмонова., Р.Р. Нурқулова ва бошқа қатор олимларимиз томонидан илгари сурилган илмий муаммоларда Ўзбекистон тарихи хусусан, Уструшона – Жиззах воҳаси тарихига оид муҳим масалаларнинг кўтарилганлиги биз учун аҳамиятлидир.

Тарихий-маданий обидаларни тадқиқ этиш, тарихий воқеаларни ҳаққоний ўрганиш ва уларга холис баҳо бериш борасида тарих фани соҳаларида инновацион жараёнларни жадаллаштириш бугунги кунда долзарб вазифадир. Шу жиҳатдан олиб қараганда ҳам Жиззах давлат педагогика институтида “Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида” деб номланган ушбу республика илмий - амалий анжуманининг уюштирилиши, Жиззах воҳаси тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Ш.С. ШАРИПОВ

Жиззах давлат педагогика институти ректори,
педагогика фанлари доктори, профессор

**АРХЕОЛОГИЧЕСКАЯ И ИСТОРИЧЕСКАЯ ГЕОГРАФИЯ
(НА ПРИМЕРЕ ДРЕВНЕЙ БАКТРИИ)**

акад. А.С. Сагдуллаев, Ж.Э.Тогаев,
НУУз, Ташкент

Широкие археологические исследования, проведенные на юге Средней Азии (Маргиана, Бактрия, Согд) существенно изменили представления об исторической географии рассматриваемого региона. Археологические материалы, полученные здесь, особенно, начиная с 70-80-х годов прошлого века, имели большое значение для изучения характера, особенностей и типов древнего расселения.

Известно, что сведения историков и географов походов Александра Македонского показывают весьма общую картину территориального размещения отдельных народностей. Еще более трудно определить границы оседлого расселения в Средней Азии по древнеперсидским надписям. И нет никаких письменных данных о районах древнего расселения населения в эпоху бронзы. Поэтому археологические материалы имеют значение первостепенного источника картографии древних территорий и границ оседлого расселения.

Уже во второй половине XIX в. на основе изучения письменных источников, исследователи ставили вопрос о границах расселения восточноиранских народностей на юге Средней Азии (В.Томашек, В.Гейгер). Этот вопрос поднимался и в начале XX в. (И.Маркварт, А.Херманн), и в последующие годы, но уже с учетом археологических данных (М.М.Дьяконов, В.М.Массон, Б.Я.Ставиский) и особенно, в 70-80-е годы прошлого века вопрос о географических границах южных областей Средней Азии получил отражение в работах ряда исследователей (П.Бернар, Г.П.Франкфор, Ж.К.Гарден, И.В.Пьянков, Э.В.Ртвеладзе и др.). Историография вопроса достаточно полно была изложена И.В.Пьянковым, в трудах которого одно из самых видных мест занимает изучение греко-римских источников по истории и исторической географии Бактрии, в том числе представления античных авторов о границах Бактрии по горам и рекам.

Обобщающим итогом проблемы на сегодняшний день являются монографические исследования Э.В.Ртвеладзе, посвященные походу Александра Македонского в Бактрию и Согдиану или в Трансоксиану, в которых археологические и письменные материалы рассмотрены в неразрывном единстве, как основные источники картографии древних территорий расселения и локализации исторических областей.

В настоящем докладе ставится задача кратко осветить некоторые аспекты вопроса, сравнить археологическую картографию памятников Бактрии эпохи бронзы и раннего железа с исторической географией.

Письменные источники античности, в основном, исключают расположение бактрийских земель северной Окса-Амударьи, которая выступает в роли границ Бактрии и Согда на пути армии Александра Македонского в Наутаку и Мараканду. Страбон считал, что река Окс отделяет «страну бактрийцев от Согдианы». По его представлению, Бактрия располагалась вдоль границ Ареи по направлению на север между Маргианой и Согдианой, но к югу от Окса. Это совпадает с данными ахеменидских надписей, где Бактрия фигурирует между Согдом и Ареей или Согдом и Парфией. Но древне-персидские источники конкретные географические границы восточных сатрапий не называют.

По Арриану, Согдиана начинается сразу за рекой Окс. Курций Руф, описывая бегство Бесса, замечает: «Он сам решил удалиться к согдийцам и укрыться от врагов, как за стеной за рекой Окс».

Страбон указывает весьма широкие границы Согдианы, помещая ее «выше Бактрианы по направлению к востоку» между Оксом и Яксартом. В таком случае в состав Согды можно включить все правобережье Амударьи – долины Вахша, Кафирнигана и Сурхана, такой подход нашел отражение в работах некоторых исследователей.

Представления античных авторов о зонах расселения на юге Средней Азии и границах исторических областей были весьма общими. Об этом свидетельствует замечание Курция: «Танаис отделяет бактрийцев от скифов» или историк отмечает, что бактрийцы «жили недалеко от весьма воинственного племени скифов».

Арриан помещает между Оксом и Яксартом горную «страну» Паритакену, но не включает ее в состав Согдианы. Он пишет: «Александр, покончив делами в Согдиане и овладев Скалой, пошел на паритаков». Не включена в состав Согды и другая область за Амударьей – Бубакена, о которой сообщает Курций, тогда как согдийскими землями названы Наутака, Ксениппа и, видимо, Баги, описанная Аррианом, как «неприступное место на границе между согдийской землей и скифами-массагетами». Это свидетельствует о том, что Согдиана включала в свой состав отдельные подобласти или области расселения.

Против достоверности трактовки греко-римскими авторами географических границ по крупным среднеазиатским рекам в свое время высказывался В.Томашек, а затем и М.М.Дьяконов. Эта традиция может объясняться склонностью античных историков и географов, не имевших достаточно полного представления о зонах и границах расселения восточноиранских народностей, выделять рубежи по рекам.

Как показали исследования, анализ исключительно письменных источников в отрыве от археологических материалов приводил к совершенно неожиданным вариантам решения проблемы. Так в работе П.Бернара и Г.П.Франкфора, изданной в 1978 г. в состав Согдианы включены Бадахшан и долина Сурхана. Поиск «точек соприкосновения» Маргианы и Бактрии или Согды и Бактрии по географическим параметрам не лишен интереса, но если при этом не учитывается археологическая география, не всегда оправдан.

Территориальные рубежи отдельных зон расселения на юге Средней Азии проявляются по районированию оседлых поселений и концентрации культурно-хозяйственных районов – оазисов на изолированных площадях, которые ограничены бассейнами рек, имеющими естественно-географические рубежи с соседними освоенными землями.

И.В.Пьянков, рассматривая вопрос о границе Бактрии и Согды по Оксу-Амударье, специально отмечал здесь два положения: «река как граница культурная» и «река как граница административная или политическая». В оценке указанных положений он присоединяется к П.Бернару, который считал, что Амударья никогда не выступала в качестве границ культурных, хотя и часто служила административно-политическим рубежом. С данной оговоркой едва ли можно согласиться полностью, так как для разных периодов древней истории (ахеменидской, эллинистической) Амударья не была границей государств.

Всестороннее источниковедческое исследование вопроса о границах Бактрии, проведенное И.В.Пьянковым, значительно бы выиграло при синтезе исторических и археологических фактов. Как было сказано, такая работа проведена Э.В.Ртвеладзе, который буквально прошел по следам Александра Македонского и пересмотрел основные положения, связанные с походом греко-македонцев в Согдиану (пути движения армии, переправы через Окс, локализация отдельных областей и др.). На картах видно, что именно район Керки следует считать крайней западной зоной бактрийского оседлого расселения, за которой начинались обширные незаселенные

(слабонаселенные) «ничи» степи и пустыни. И такие «границы» простирались на сотни километров. Не случайно поэтому «земли» и «области», названные в античных письменных источниках собственно согдийскими (Ксениппа и Наутака), находились на значительном удалении от Окса, например, Наутака – на расстоянии десятидневного пути. Все это подтверждается и археологическими материалами. В Южном Согде (бассейн Кашкадарьи) более 30 оседлых поселений датируется V-IV вв. до н.э., но все они расположены на большом расстоянии от Амударьи и образуют две отдельные области расселения в восточной части долины Кашкадарьи и в низовьях реки – Наутака – Киш и Никшапа – Ксениппа (в средневековых письменных источниках они известны как области Кеш и Насаф). Согд в ахеменидское время не начинался сразу за Оксом, поэтому могла ли река служить рубежом Бактрии и Согдианы?

Пустынные районы по правобережью и левобережью Окса (выше Керки) не имели прямого отношения к оседлым районам расселения Бактрии, Маргианы и Согдианы.

Неизвестно также как назывались эти районы. Поэтому территориальные границы между Бактрией и Согдом должны были проходить далеко не по Оксу – в районе от Термеза до Керки, а тем более в бассейне рек Кокча, Пяндж – Бадахшане. В качестве рубежей выступали пустыни и горы, как естественно-географические разделители смежных территорий оседлого расселения. Не случайно поэтому пустыни и горы нередко становились зонами смешанного расселения у этнических границ. Горная система Гиссара, Байсуна и Кугитанга, и есть географическая граница Бактрии и Согда. Это положение обосновано в трудах исследователей разных поколений.

Археологическая география и картография древних памятников уже давно перестали служить лишь и иллюстрацией к тексту, они стали методом исследования и передачи информации. На примере Бактрии и других областей, археологическая география и картография позволяют проследить динамику территориального размещения оседлого населения (в данном случае с эпохи бронзы), выявить территориальные границы и особенности расселения, формы и типы поселений, а также степень освоенности территорий.

В настоящее время актуальной задачей является усовершенствование принципов выделения или определения этнических территорий, установления этнических границ, т.е. территориальных границ расселения этносов, известных в письменных источниках.

В сообщении Геродота «бактрийской народ», видимо, обобщается определенное этническое единство, общность. По подсчетам исследователей, термин «этнос» - народ, в своем труде «История» Геродот употребил 145 раз и в двух случаях применительно к Бактрии. Благодаря археологическим открытиям, исследованиям ученых – археологов прошлого и настоящего времени, на карте можно выделить семь областей расселения, условно названных Балхаб, Сурхан, Кафирниган, Вахш, Саманган, Кундуз, Кокча – Пяндж. Это и есть та самая страна, окруженная горами, названная в разных источниках Бахди, Бактриш, Бактриана. Здесь, в долинах рек, берущих начало в горах Гиндукуша, Гиссара и Памира, сформировалась этническая общность – бактрийцы.

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ АРХЕОЛОГИЯСИ: ЮТУҚЛАР, МУАММОЛАР, ВАЗИФАЛАР

М.Х. Пардаев

ЎзР ФА Миллий Археология маркази,
Жиззах экспедицияси бошлиғи

Ўзбекистоннинг йирик тарихий-маданий ўлкалари қаторидан қадим ва ўрта асрларда фаолият кўрсатган Уструшона мамлақати ва унинг шимолий, шимоли-ғарбий ва ғарбий ҳудудлари ҳисобланмиш Жиззах воҳаси ҳам муносиб ўрин олган. Воҳанинг географик жihatдан қулай жойлашуви, табиий иқлим шароити, Туркистон тизмаларидан бош олган Сангзор ва Зоминсув

дарёлари водийсида, Моргузар, Нурота тоғларидан бошланувчи ўнлаб сой, чашма ва булоклар ҳавзасида деҳқончилик учун обикор (сувли) ва лалмикор ерларнинг мўллиги, чорвабоп тоғ олди ва дашт яйловларининг бепоёнлиги сабабли, суғорма деҳқончиликка асосланган ўтроқ ҳаёт, чорвачилик замиридаги кўчманчи турмуш тарзи архаик замонлардан бошланган. Инсоният тараққиёт даражасининг олий ўлчов меъзони бўлмиш шаҳар ҳаёти, шаҳарсозлик маданияти мил. эр. авв. VII-VI асрларда шаклланган, V-IV асрлардан ривожланишни бошлаган. Воҳа аҳолиси томонидан асрлар давомида бунёд этилган қадимий шаҳарлар, кўҳна кентлар, қишлоқ, кўрғон, работ, карвонсарой ва ибодатхоналар, чўл-дашт мавзеларда истикомат қилган чорвадорлар маданиятига тегишли мазоркўрғонлар бизнинг давримизгача турли ўлчам ва кўринишлардаги тепаликлар шаклида етиб келган. Фанда археология ёдгорликлари, деб аталадиган Жиззах воҳасига тегишли маданий мерос объектларини ўрганиш Туркистон генерал-губернаторлиги даврдан бошланган бўлиб, бу изланишлар бугунги кунга қадар давом этмоқда. Шу нуқтаи назардан, воҳанинг археологик ўрганилиши тарихига қарийб 150 йил бўлганлигини эътироф этган ҳолда, бу даврни 5 босқичга бўлиб ўрганиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

I босқич 1860 йиллардан 1917 йил оралиғидаги давр билан белгиланади. Бу босқичда Жиззах воҳасининг табиий ва сунъий оқар сув ўзанлари (Санзор, Туятортар, Қили) ҳавзасидаги археологик ёдгорликлар XIX асрнинг иккинчи ярмидан ўрганила бошлайди. Хусусан, 1869-70 йилларда ҳарбий топограф Г.Аминов томонидан Жиззах Ўрдасининг топографик харитаси тузилади, Эски Туятортар канали сувларини ўтмишда Жиззах чўллари сарҳадларигача етиб борганлиги аниқланади. 1867 йилда эса Россия Археология Комиссияси махсус топшириғи билан таниқли шарқшунос ва археолог П.И.Лерх Петербургдан Жиззахга ташриф буюради ва Илонўтти дарасидаги қояга битилган 2 та тарихий ёзув Мирзо Улуғбек (1425 й.) ва Абдуллахон II га (1572 й.) тегишли тош битик – Зафарномалардан нусха олади, матнларни ўқийди, рус тилига таржима қилиб, даврий санасини аниқлайди [Валиев, Пардаев, 1990, с. 39]. 1870 йил Россия давлати миссияси томонидан Бухорога сафар қилган Л.Ф. Костенко Жиззах ва Чиноз ўртасида сақланиб қолган сардоба, работ ва карвонсаройлар ўрнини аниқлайди, уларга оид маълумотларни келтиради [Костенко, 1871, с. 16-17]. 1876 йилда Туркистон ўлкасига тегишли мақолалар тўпламини чиқарган А.П.Хорошхин ҳам ушбу ёдгорликлар, уларнинг жойлашган ўрни ва функцияси ҳақида фикр юритади [Хорошхин, 1876, с. 26-28]. Бу даврда таниқли шарқшунос В.В.Бартольд ислом даври ёзма манбалари маълумотларига асосланган ҳолда Жиззах воҳасини - “Самарқанд ва Хўжанд оралиғидаги ҳудуд қадимда Острушана ёки Сутрушана (Уструшона – П.М.) давлати таркибига кирган”лигини биринчилардан бўлиб қайд этади [Бартольд, 1963, с. 221]. Айнан В.В. Бартольд ташаббуси билан 1895 йилда тузилиб 1918 йилгача фаолият кўрсатган Туркистон ҳаваскор археологлар тўғараги аъзоларининг саъй-ҳаракати билан ўлканинг турли маданий воҳаларида археологик қазув, қидирув ишлари жонлансада, Жиззах воҳасида бундай изланишлар ўтказилмайди. Тўгарак аъзоларининг айрим ишларида Чоч, Суғд, Фарғона ёдгорликлари билан Жиззах воҳаси археологик ёдгорликлари ўртасидаги умумий ўхшашлик ва баъзи бир маданий алоқалар ҳақида қисқача маълумотлар берилган, холос [Пардаев, 1995, 26 б.].

II босқич 1917 йилги Октябр давлат тўнтаришидан 1940 йил, яъни II жаҳон урушининг бошланишига қадар бўлган тарихий санани ўз ичига олади. Собиқ Совет иттифоқининг дастлабки йилларида барча соҳаларда бўлгани каби Туркистон ўлкасининг қадимги тарихи, маданий ёдгорликларини ўрганиш, муҳофаза қилиш ишларига мутассадди бўлган “Средазкомстарис” (Среднеазиатский комитет по старины истории) ташкилоти тузилади. Кейинги сиёсий ва маъмурий ўзгаришлар туфайли, ушбу ташкилотнинг номи дастлаб “Турккомстарис”га, кейинчалик “Узкомстарис”га ўзгаради. Натижада, ўтган асрнинг 20-30 йилларида, Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё вилоятларида археологик тадқиқотларга аҳамият берила бошлайди.

Бундай эътибордан қадимги Уструшонанинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган Хўжанд, Ўратепа, Жиззах шаҳарлари ва унинг атрофидаги тарихий манзиллар ҳам четда қолмайди. Хусусан, 1930 йил ўрталарида археолог М.Е.Массон томонидан Шахристон, Ўратепа атрофидаги қадимий ёдгорликлар рўйхатга олинган, Жиззах дашти ва Мирзачўлдаги Оғочти, Мирзаработ, Якка сардоба каби тарихий иншоотлар пухта ўрганилган. М.Е.Массон ўзининг ушбу иншоотлар тарихига бағишланган рисоласида сардоба, работ, карвонсаройларнинг даврий санаси, функцияси ҳақидаги фикрлар билан чекланиб қолмай, уларнинг Буюк Ипак йўли фаолиятидаги ўрни ва асосийси Жиззахдан шарқий, шимоли-шарқий, шимолий томонлардаги ўлкаларга йўл олган савдо карвонларининг йўналишларини ўша давр имкониятларидан келиб чиққан ҳолда аниқлашга ҳаракат қилади [Массон, 1935, с. 10-12].

III босқич Жиззах археологиясини ўрганиш учун дастлабки катта ва муҳим қадамлар қўйилган давр ҳисобланиб, бу воқелик табиий равишда 1946 йилдан 1970 йилгача бўлган тарихий санани ўз ичига олади. Таъкидлаш жоизки, Жиззах воҳаси археологиясини тизимли тарзда ўрганиш тамал тоши таниқли ўзбек қадимшуноси, академик Я.Ғ. Ғуломов раҳбарлигидаги Ўзбек-Зарафшон (кейинчалик Мохандарё – П.М.) аъзолари томонидан қўйилган бўлиб, мазкур илмий гуруҳ томонидан 1948 йилда Сангзорни ўрта оқими ҳавзасида жойлашган Нушкент қишлоғи худудидан милодий I-II асрларга оид Будда ибодатхонаси қолдиқларини, 1951 йилда Тузкон кўли атрофидаги Хончорвоқ, Қолгансир, Тузкон мавзеларидан неолит даври ёдгорликларини топилиши, нафақат Жиззах, балки Ўзбекистоннинг ўша давр археологияси учун катта муваффақият бўлди [Альбаум, 1955, с. 57-59; Анбоев, 1963, с. 55]. Бундай муваффақиятли тадқиқотлар кейинги йилларда ҳам давом эттирилиб 1956 йилда Сангзорнинг куйи дельтасида маркази I-II асрлардан X асрларга қадар фаолиятда бўлган Дунётепа шаҳарчаси ва уни атрофидаги қишлоқ маконлари ўрганилади, бу ердан ҳозиргача Ўрта Осиёда ягона бўлган тош қабр – дольмен ва тош қурбонгоҳ топилади. Маънавий ҳаёт билан боғлиқ ушбу диний-руҳоний комплексида исломга қадар даврларда турли маросим ва урф-одатлар ўтказилиб, у Ўрта Сирдарёдан Каспий бўйларига қадар чўзилган улкан худуддаги чорвадорларнинг марказий саждагоҳларидан бири ҳисобланган [Гулямов, 1961, с. 92-96]. Фикримизча, бу ерда Кабудан рустоқининг Хитой манбаларида қайд этилган улкан санам ўрнатилган марказий саждагоҳи ўрнатилган.

Айнан шу 1956 йили экспедициянинг А. Муҳаммаджонов бошлиқ отряди Моргузар тоғи Сайхонсой дарасидаги Такатош манзилдан турли жонзотлар тасвири билан бирга оломон бўлиб ов қилиш жараёни, диний маросимларни ўтказиш манзаралари акс эттирилган, неолит давридан ўрта асрларгача узоқ даврий санага тегишли қоятош суратларини топишга муваффақ бўлади [Муҳаммаджонов, 1957, 16 б; Хўжаназаров, 1985, с. 9]. Шунингдек, 1957-59 йиллардан 1967-68 йилларга қадар Жиззах шаҳри ва уни атрофидаги манзилларни ўраб олган V-VIII асрларга оид Канпирак девори [Мухамедов, 1961, 51-53 б.], Зоминсувнинг куйи оқимида шаҳар ва қишлоқ қурилиши маданиятига тааллуқли ўнлаб ёдгорликлар, Ғаллаорол туманида “Сак таквими” номи билан шов-шувли хабарларга сабаб бўлган кўп сонли мозоркўрғонлар гуруҳи қайд этилган, атрофлича ўрганилган ва фан муомаласига киритилган [Касымов, 1968, с. 331-332 ; Аминджанова, 1969, с. 137-142; Булатов, 1982, с. 23-25; Ремпель, Ртвеладзе, 1969, с. 2-9].

IV босқич Ўзбекистоннинг ижтимоий-гуманитар фан соҳасида юз берган ижобий ўзгаришлар натижаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, унинг даврий санасини 1970-1990 йиллар ораси билан белгилаш лозим. Маълумки, 1970 йил сўнгги чорагида ҳукуматнинг махсус қарорига мувофиқ, ЎзР ФА тизимида мустақил Археология институти ташкил этилади. Самарқанд шаҳрида очилган ушбу институтнинг биринчи директори, ҳозирда машҳур археолог, академик А.А.Асқаровнинг ташаббуси билан 1978 йилда “Шимолий Уструшона” экспедицияси ташкил этилади. Экспедициянинг дастлабки бошлиғи Э.Б. Қодиров зиммасига институт раҳбарияти томонидан аввало Жиззах ва

Сирдарё вилоятлари худудидаги мавжуд археология ёдгорликлари мажмуини тузиш, археологик харитасини яратиш, давлат муҳофазасига олиш, шаҳар ва қишлоқ маданиятига оид таянч ёдгорликларини аниқлаш ва уларда аниқ илмий режа ва мақсад асосида қазув тадқиқотларини ўтказиш вазифаси қўйилади. Натижада, 1978-1982 йиллар мобайнида воҳанинг Ғаллаорол, Бахмал, Зомин, Фориш, Жиззах тумани ва шаҳри худудидаги мавжуд 200 дан ортиқ археология ёдгорликлари рўйхатга олинади. Жиззах шаҳридаги Қалиятепа, Ғаллаорол туманидаги Қўрғонтепа каби тарихий шаҳарларнинг стратиграфияси, планиграфиясини ўрганиш учун дастлабки қазув ишлари бошлаб юборилади, Қинғиртепа, Ёқубботтепа каби қишлоқ маконлари ўрганилади. 1983 йилдан Жиззах экспедицияси (раҳбари М.Х. Пардаев) номи билан ўз фаолиятини давом эттирган ушбу илмий гуруҳ таркибидаги Жиззах, Зомин, Сирдарё отрядлари (раҳбари А.А. Грицина) Сангзор, Зоминсув, Хўжамушкентсой, Шўрбулоқсой ҳавзаларидаги илк антик даврдан ўрта асрларга қадар фаолият кўрсатган Қалиятепа, Қўрғонтепа, Хонтепа, Култепа, Эски Ховос шаҳар ёдгорликлари, Сангзорнинг ўрта оқими водийсидаги Алмантепа, Жалмантепа, Лапахтепа каби илк ўрта асрларга оид қалъа ва қўрғонлар археологик қазув тадқиқотлари орқали ўрганилди, илмий натижалар фан муомаласига киритилди.

1980 йилларнинг иккинчи ярми, айниқса, ушбу ўн йилликнинг сўнгги даврлари, яъни Совет иттифоқи тарқаб кетиши арафасида, нафақат сиёсий инқироз, балки иқтисодий танглик ҳам барча соҳалар каби илм-фанга ҳам ўзининг салбий таъсирини ўткази бошлади. Археология институтининг йирик экспедицияларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида нисбатан кичик илмий гуруҳлардан иборат экспедициялар фаолияти тўхтатила бошланди. Булар қаторида Жиззах экспедицияси ҳам бор эди. Лекин тез орада экспедиция раҳбари ва аъзолари саъй-ҳаракати билан дастлаб Республика тарихий ёдгорликларни сақлаш жамияти Жиззах вилоят бўлими, кейинчалик Жиззах шаҳар ижроия кўмитаси билан хўжалик шартномалари тузилди. 1986-88 йилларда Қалиятепанинг қишлоқ хўжалиги округида жойлашган Пардакултепа, 1989-90 йилларда Комилботтепа қалъа қўрғонларининг марказий меъморий қурилиш комплекслари тўлиқ очилди ва милодий IV-VIII асрларда Жиззах воҳасида қишлоқ қурилиши жадал суратлар билан ривожланганлиги, моддий маданият, меъморий усул ва ечимлардаги маҳаллий ўзига хослик, яқин ва узоқ ўлкалар билан ўзаро алоқа ва ҳамкорлик хусусиятлари аниқланди. Жиззах археологияси тарихининг ушбу босқичида воҳанинг қадим тарихи ва маданиятига бағишланган дастлабки диссертациялар археология йўналишидаги номзодлик тадқиқотлари ҳимоя қилинди. Хусусан, 1985 йилда Жиззах экспедицияси аъзолари А.Э. Бердимуродов Москвада, СССР ФА Археология институти қошидаги Ҳимоя Кенгашида Жиззах воҳасининг V-X асрларда фаолият кўрсатган археология ёдгорликлари моддий маданиятига; А.А. Грицина 1990 йилда ЎзР ФА Археология институти Ҳимоя Кенгашида Шимолий Уструшона (Ховос, Зомин воҳаси)нинг антик даврдан XIII аср бошларигача даври тарихий топографиясига бағишланган номзодлик диссертацияларини муваффақият билан ёқладилар [Бердимуродов, 1985, с. 23; Грицина, 1990, с. 24]. Бу диссертациялар Жиззах воҳасида қидирув, қазув ишлари олиб борилаётган қарийб эллик йил мобайнида ёқланган дастлабки, расмий илмий ишлар бўлиб, воҳа археологияси тарихидаги илк муваффақиятлар эди.

V босқич Ўзбекистоннинг Давлат Мустақиллиги йиллари билан белгиланган ушбу даврда Жиззах археологияси тарихи саҳифалари турли илмий янгиликлар, кашфиётлар билан янада бойиди. Бу янгиликлар Жиззах археологияси ютуқларини асосини ташкил этгани сабабли ушбу босқич муваффақиятлари ҳақидаги фикрларни қўйидаги умумий ютуқлар билан бирга қайд этишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисобладик.

Ютуқлар. Демак, юқоридаги маълумотлардан маълум бўлдики, Жиззах воҳаси археологияси бўйича асосий тадқиқотлар 1970-1980 йилларда, яъни Археология институти ташкил қилингандан

кейинги 20 йил мобайнида ва албатта, Ўзбекистон Мустақиллиги йилларида амалга оширилган бўлиб, ушбу тадқиқотларнинг муҳим илмий ютуқлари сифатида қуйидагиларни қайд этиш лозим:

1. 2000 йилларни бошида Жиззах шаҳридан 30 км шимоли-ғарбда жойлашган қум қарьеридан ўрта палеолит даврига оид (мил. авв. 100-40 йиллик) “классик” усулда ишланган тош қуролларни, 2014 йилда Фориш тумани, Учма, Қамиш қишлоқлари сой бўйи ҳудудидан сўнгги палеолит (мил. авв. 40-15 минг йиллик) даврига оид жойларнинг топилиши, Моргузар, Нурота тоғ тизмаларидан неолит, энеолит, бронза асри билан даврланган қоятош суратларини қайд этилиши натижасида, Жиззах воҳасида ҳам антропогенез жараёнлари энг қадимги даврларда содир бўлгани, инсоният шаклланиб ўзининг ибтидо даврини босиб ўтгани исботланди;

2. Воҳанинг Туркистон, Моргузар тоғларидан бош олувчи сув манбалари ҳавзасида, тоғ олди мавзеларда камида илк темир даврдан (мил. авв. VIII-VII аср) бошлаб ўтроқ деҳқон маданиятига асосланган муқим ҳаёт шаклланиши, Нуртепа, Хонтепа, Сағанактепа I, II, Кўрпасой ёдгорликлари мисолида ўз тасдиғини топди;

3. Мил. авв. III аср охири II аср бошларидан воҳада шаҳарлашув жараёнлари тезкорлик билан амалга оширила бошлаган. Бу муҳим тарихий воқелик Кўрғонтепа (Ғаллаорол), Қалиятепа (Жиззах), Кўрғонтепа (Зомин), Тўрткўлттепа (Ш. Рашидов, Равот қишлоғи) каби шаҳар ёдгорликларининг илк қурилиш даври материаллари асосида аниқланди;

4. Воҳанинг қадим ва илк ўрта асрлардаги қишлоқ маданияти тарихи, моддий маданиятининг локал хусусиятлари, ўтроқ деҳқон ва кўчманчи чорвадор аҳолининг ўзаро алоқалари, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳамкорлиги, этник қоришуви масалалари махсус тадқиқотлар асосида ўрганилди, чорвадорларнинг дафн маросими билан боғлиқ урф-одатлар мавжуд ёзма манбалар ва археологик артефактлар асосида аниқланди. Қарийб 40 йилдан буён илмий мавзулар доирасидан четга чиқазиб қўйилган, Ўрта Осиёнинг қадимги кўчманчи чорвадорлар маданиятига оид илмий муаммолар бўйича тадқиқотлар катта танаффусдан кейин Жиззах воҳаси археология объектлари мисолида ўрганилди. Бу изланишлар монография чоп этиш ва муваффақиятли ҳимоя (PhD) билан яқунланди (2018);

5. 2010 йилда Ғаллаорол тумани Тепа Мулкуш қишлоғи ҳудудидан VI-VII асрларда фаолият кўрсатган зардуштий қавмлар хилхонаси аниқланди ва ундан 10 дана археологик бутун остидонлар комплекси қўлга киритилди. Натижада, Уструшона халқларининг маънавий ҳаёти масаласида мавҳум бўлган диний мансублик муаммосига аниқлик киритилди. Ўлка аҳолисининг исломга қадар сиғинган оммавий дини зардуштийлик эканлиги ўз илмий тасдиғини топди;

6. 2011 йилда Жиззах археологияси тарихида янги саҳифа очилди. Ўзбекистон-АҚШ (Сент Луисдаги Вашингтон Университети) халқаро экспедицияси Зомин туманининг тоғли ҳудудида кидирув ишларини бошлади. Натижада, Тошбулоқ дараси ҳудудидан денгиз сатҳидан 2200 м баландликда Қорахонийлар даврига оид, майдони 7 га дан ортиқ шаҳар ўрни топилди ва у ердага қазув тадқиқот ишлари бугунги кунга қадар олиб борилмоқда. Таъкидлаш жоизки, Тошбулоқтепа бугунги кунда Марказий Осиёдаги денгиз сатҳидан 2200 м баландликда топилган ягона ўрта аср шаҳар ёдгорлиги сифатида эътироф этилди;

7. Юқорида қайд этилган муваффақиятларнинг узвий давоми, муайян якуний ҳулосаси сифатида Жиззах воҳасидаги мавжуд рустаклар, шаҳарлар, кент ва қарвонсаройлар ўрни ёзма ва археологик манбалар асосида аниқланди. Хусусан, Уструшона мамлақати таркибидаги маъмурий округ (рустак)лар Харакана – Ғаллаорол, Фекнон – Жиззах, Бурнамад – Равот, Шағар – Пишағор, Замин – Зомин, Сабат – Сават билан “локализация” қилинган бўлса, ёзма манбаларда қайд этилган Дизак шаҳри VIII аср охиригача Қалиятепа, IX асрдан Ўрда, Харакана шаҳри – Кўрғонтепа, Замин шаҳри – Кўрғонтепа, Жарттепа, Октепа (турли даврларда), Сабат шаҳри – Култтепа (Янгибод

тумани), Марсманда қалъаси – Миқ кўрғони, Худайсар работи – Кўкрават (Ш.Рашидов тумани) археология ёдгорлиги билан муқоясаланди;

8. Мустақиллик даврида, (1995-96 ўқув йилидан бошлаб) ЖиззахДПИ билан ЎзР ФА Археология институти ўртасида расмий шартнома асосида ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Натижада, Жиззах археологияси тараққиёти учун катта муаммолардан бири бўлиб турган малакали кадрлар масаласи сезиларли даражада ижобий томонга ўзгаришни бошлади. Жиззах археологиясига маҳаллий ёш, истеъдодли кадрлардан ташкил топган профессионал мутахассисларни кириб келиши кучайди. Бу эса сўнгги йилларда Жиззах ДПИ тарих факультети қошида ўзига хос, устуронашунос, жаззахшунос археологлар мактабини шаклланишига туртки бўлди;

9. Бу давр мобайнида Жиззах экспедицияси аъзоларидан 9 нафари воҳа археологияси, қадим тарихининг долзарб мавзулари бўйича номзодлик ва докорлик (PhD) диссертацияларини ёқлади. Бу рақам камтарона кўринсада, Жиззах археологиясининг Мустақилликкача ўтган сўнгги 50 йили билан солиштирганда (2 та номзодлик диссертация), нисбатан яхши кўрсаткич эканлиги аён бўлади. Бугунги кунда илмий муваффақиятларни бундан самарали ва давомли бўлиши учун йўл хариталари асосида барча имкониятлар ишга солинмоқда, чора ва тадбирлар кўрилмоқда.

Муаммолар. Ўтган давр мобайнида Жиззах археологияси тарихи саҳифалари нафақат муваффақият ва ютуқлардан, балки бир қатор муаммолардан ҳам иборат бўлди. Қуйида шундай муаммоларнинг асосийларини баён этамиз:

1. Таъкидлаш лозимки, археология объектлари узок даврларда яшаган аجدодлардан бугунги авлод вакилларига қолдирилган бебаҳо, маданий мерос, нодир тарихий осори-атиқалар намуналаридир. Уларни асраш, муҳофаза зоналарини белгилаш, давлат тасарруфига ўтказишни қонуний талабларини (каталогини тузиш, кадастрдан ўтказиш) амалга ошириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Бугунги кунда республика миқёсида археология ёдгорликларини муҳофаза қилиш ишлари қоникарли аҳволда, деб бўлмайди. Афсуски, Жиззах воҳаси ёдгорликлари ҳам бундай қонуний ҳаракатлардан мустасно эмас. Бунга биргина Жиззах шахрининг қадимий ўрни Қалиятепа ва уни атрофида айна бугунги кунларда содир этилаётган қонунбузарлик ҳолатларини мисол қилиб келтириш мумкин. 2015-2019 йиллар орасида Қалиятепанинг жанубий қисмидаги 5-рабод муҳофаза зонасида оҳак завод ва бошқа қурилишларнинг амалга оширилиши, шимоли-шарқий қисмидаги 1 ва 2- рабодлар оралиғида (12 м) 2 та мобил алоқа антенналарини ўрнатилиши, 2020 йилда содир этилган энг ачинарли ҳолат ёдгорлик атрофидаги ташкилотлар томонидан 3-рабодни узунлиги 200 м.га яқин шимолий мудофаа деворини – 2,5-3,0-3,5 м кенгликда бошидан охиригача кесиб ташлаб ўз муассасалари ҳудудини кенгайтириши, катта ҳажмдаги қурилиш ишларини бошлаб юборганларини қандай изоҳлаш мумкин? Мутасадди ташкилотлар нега жим? Айна пайтда кўплаб идоралар фаолияти қоронавирус пандемияси билан боғлиқ ҳолда чеклангани ёки асосий фаолияти шу масалаларни бартараф қилишга қаратилганидан фойдаланган ҳолда содир этилаётгани бундай қонуний ишлар? Афсуски, йўқ, 3-мудофаа девори жорий йилнинг феврал ойидаёқ қорат қилинган эди. Шунингдек, Қалиятепанинг ён атрофида жойлашган Астонтепа, Комилбоботепа, Қизлартепа, Оқсоқолтепа каби V-VIII; X-XII асрга оид қишлоқ маконларининг муҳофазаси ҳам қоникарсиз аҳволда бўлиб, бунинг сабаби ҳам инсон омилининг қонуний ҳаракатлари билан боғлиқдир. Бу бир-икки ҳолат вилоят маркази, гавжум шаҳар Жиззахда содир этилганини мисол қилиб келтиришимиз, воҳанинг узок туманлари, тоғ, тоғ олди мавзелари, овлоқ масканларида жойлашган ўнлаб археология объектларининг сақланиши қай даражада эканлигини яхши тасаввур қилишга ҳам бир ишорадир;

2. Сўнгги йилларда Жиззах воҳасининг таянч ёдгорликларида ўтказилаётган комплекс археологик қазув тадқиқотлари деярли тўхтаб қолди. Бунинг асосий сабаби 2019 йилларгача

тасдиқланган, ҳозиргача амалда бўлган грант лойиҳалар сметасига археологик қазув тадқиқотлари учун мақсадли маблағларни киритилмаганлигидир. Қолаверса, маҳаллий мутасадди ташкилотлар (маданият бошқармаси, инспекция, туризм...) раҳбарларини ўз ҳудудидаги археология объектларини ўрганишга эътиборсизлиги, ички ва ташқи туризмни ривожлантиришда археология ёдгорликларининг ўрни ва аҳамиятини тушунмаслигини ҳам бунга сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Бунинг устига ЎзР ФА Миллий Археология маркази Самарқанд археология институти билан Жиззах ДПИ ўртасида илмий ва илмий педагогик ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома бандларига мувофиқ, ЖДПИ тарихчи талабаларининг Археология фанидан ўқув режа бўйича дала амалиётини Жиззах экспедицияси таркибида, Қалиятепада ўтказиш тажрибаси ҳам сўнгги йилларда тўхтаб қолди;

3. Жиззах шаҳрида ҳанузгача замонавий усулда, ихтисослашган ўлкашунослик музейи бунёд этилгани йўқ. Зеро, археологик қазув тадқиқотлари натижасида топилган, ҳозир фаолиятдаги музей фондида топширилган, воҳа тарихини ўзида намоён қилган экспонатлар бугунги кун талабида халққа, айниқса ёш авлодга намоёиш этилаётгани йўқ;

4. Жиззах воҳаси қадим тарихи, археологияси ҳақида ОАВдаги чиқишлар сўнгги йилларда биров жонланган бўлсада, назаримда ҳанузгача қониқарли аҳволда эмас. Айниқса, марказий радио ва телевидение, газета ва журналлардаги эшиттириш, кўрсатув ва илмий-оммабоп мақолалар сони бармоқ билан санагудек, уларни ҳам аксарияти қисқа вақтли “навбатчи” чиқиш характеридадир.

Вазифалар. Юқорида қайд этилган муаммоли ҳолатларни бартараф этиш, узвий, кенг камровли археологик тадқиқотларни давом эттириш, Жиззах воҳаси халқлари қадим тарихини кенг оммага етказиш мақсадида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш тақозо қилинади:

1. Бугунги кунда Жиззах экспедицияси томонидан вилоятнинг барча туманларидаги мавжуд 400 га яқин археология ёдгорликларининг мажмуи тузилган, координаталари замонавий технологиялар (Google, GPS, лазерли теодолит, рақамли фотоаппарат ...) асосида аниқланган, фотосуратлари олинган. Ушбу маълумотларни туманлар кесимида, каталог-китоб сифатида нашр қилиш, ёдгорликларнинг жойлашган манзили асосида МФЙ, турли ташкилот ва муассасаларга (ОЎЮ, коллеж, фермер хўжалиги ва бошқа) бириктириш ва шу йўсинда уларни максимал даражада муҳофаза қилишга эришиш;

2. Воҳанинг қадим ва илк ўрта асрларга оид шаҳарсозлик, қишлоқ қурилиши маданияти, работ ва карвонсаройлар, ибодатхоналар тарихи мавзусидаги лойиҳалар билан Инновацион ривожланиш вазирлиги танловларида қатнашиш, таянч ёдгорликларда узвий, стационар тадқиқотларни ўтказиш, очиб ўрганилган объектларни музейлаштириш амалиётига тайёрлаш;

3. Ёш археолог-тарихчи кадрларни тайёрлаш баробарида уларнинг сонидан ҳам кўра сифатига алоҳида эътибор қаратиш, уларни воҳа археологияси муаммоларига бағишланган мавзуларга жалб қилиш, авлодлар алмашинуви даврида салоҳиятли мутахассислар давомийлигини таъминлаш;

4. А. Қодирий номидаги Жиззах ДПИ қошида анча йиллар давомида режалаштирилган, лекин ҳанузга қадар бажарилмаган “Жиззах воҳаси тарихи моддий маданияти ва этнографияси”га бағишланган экспозицион зал-музейи ташкил қилиш бўйича ишларни амалга ошириш;

5. Жиззах воҳаси қадим тарихи ва археологиясининг турли даврлари йўналишлари, илмий муаммолари мавзуси бўйича тадқиқотлар олиб бораётган докторантлар, мустақил изланувчиларга тезкор амалий ёрдам бериш, уларни химояга чиқариш;

6. Воҳа археологияси, тарихига оид янги маълумот ва материалларни йил давомида маҳаллий, марказий ОАВ да бериш, Жиззах замини халқларининг узоқ ўтмиши, маданияти, маънавий дунёси, анъана ва кадриятлари билан халқимизни яқиндан таништириш.

Хулоса. Биз юқорида келтирган маълумотлар, илмий янгилик ва кашфиётлар, аввало қадимги Уструшонада, қолаверса унинг шимоли-ғарбий ҳудудидаги Жиззах воҳасида тадрижий таракқиёт

асносида қадим ва ўрта асрларда содир бўлган. Бу эса Жиззах воҳасида ҳам Марказий Осиё халқларининг давлатчилик, шаҳарсозлик, қишлоқ қурилиши маданияти, маънавий ҳаёт тамойиллари каби юксак маданият яратилганидан гувоҳлик беради. Шу боис, Жиззах воҳаси Марказий Осиё цивилизацияси тизимидаги ҳар жиҳатдан ўз ўрни, нуфузи ва мавқеига эга тарихий-маданий ўлкалардан бири эканлиги бугунги куннинг айна ҳақиқатидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Альбаум Л.И. Буддийский храм в долине Сангзар // ДАН УзССР, Ташкент, 1955.
2. Аминжанова. М. Археологическая разведка в Зааминском районе // ИМКУ. Вып.8. Ташкент, 1961.
3. Анбоев И.А. Древности голодной степи // ИМКУ, Вып.4. Ташкент, 1963.
4. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. I. Москва. 1963.
5. Бердимуратов А.Э. Раннесредневековые археологические памятники Джизакского оазиса. АКД. Москва. 1985.
6. Бердимуратов А.Э., Пардаев М.Х. Замок Кингиртепа // ИМКУ, Вып.22. Ташкент, 1988.
7. Бердимуратов А.Э. Пардаев. М.Х. Раскопки верхнего здания Алмантепа // ИМКУ. Вып. 23. Ташкент, 1990.
8. Буряков Ю. Грицина А.А. Мавераннахр на Великом Шелковом пути. Самарканд-Бишкек, 2006.
9. Валиев П., Пардаев М.Надписи Илан-уттинского ущелья // Халқаро конференция материаллари, Самарканд, 1994.
10. Грицина А.А., Пардаев М.Х. Археологическое изучение Кизилинского массива // Археологические работы на новостройках Узбекистана. Ташкент, 1990.
11. Гулямов. Я.Г. Кладбище Кулпи-Сар // ИМКУ. Вып.2. Ташкент, 1961.
12. Касымов М.Р. Археологические работы в Узбекистане // АО в СССР 1967, Москва, 1968.
13. Массон М.Е. Проблемы изучения цистерн сардоба. Ташкент, 1935.
14. Мухамедов Х. Қадимий мудофаа деворлари (эрамиздан олдинги III асрдан бошлаб X асргача). Тошкент, 1961.
15. Мухаммаджанов А.Р. Сирли тошлар изидан // Фан ва турмуш. №1. Тошкент, 1957.
16. Пардаев М.Х. Северо-западная Уструшана в эпоху раннего средневековья (по материалам нижнего течения р. Сангзар). АКД. Ташкент, 1995.
17. Ртвелезде Э.В., Исхаков М.Х., Маликов О.С. Исследования в Сурхандарьинской и Джизакской областях. АО 1977 г. Москва, 1978.
18. Хужаназаров М. Наскальные изображения Северо-Восточного Узбекистана. АКД. Ленинград, 1985.

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИНИНГ ЯНГИ ҚОЯТОШ РАСМЛАРИ

А.Н. Холматов., М. Хўжаназаров
ЎЗР ФА Миллий археология маркази

Ватанимизнинг мустақиллик йилларида инсониятнинг палеолит давридан бошлаб ҳозирги кунга қадар ривожланиб борган дунёқараши, этномаданиятини ўрганиш борасида олиб борилаётган тадқиқотларга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Ўтган вақт мобайнида янги археологик материалларнинг тўпланиши, уларни қайта ишлашдаги услуб ва услубиятларнинг такомиллашуви бу борада янги илмий хулосалар қўлга киритишни тақазо этмоқда (Хўжаназаров, 2018. Б. 22).

Хусусан, Мухтарам Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида ҳам «Миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим» (Электрон ресурс) деб, таъкидлаб ўтганлар. Ватанимиз тарихини янада чуқурроқ ўрганишга қаратилган катта эътибор ва бунинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши ЎЗР ФА Археологик тадқиқотлар институти “Қоятош расмларини ўрганиш гуруҳи” зиммасига ҳам катта маъсулият юклади.

Шу нуқтаи назардан, кейинги йилларда қадимий Жиззах воҳасида олиб борилган археологик илмий тадқиқотлар натижаси айниқса диққатга сазовардир. Маълумки, Жиззах вилояти ҳудудининг жанубий ва ғарбий томонлари тоғ ва тоғолди минтақаларидан иборат бўлиб, овчи ва кўчманчи чорвадор халқлар яшаши учун жуда қулай бўлган. Шу жиҳатдан, бу ҳудудлар қадимги овчи ва кўчманчи чорвадор аجدодларимиздан мерос қолган кўплаб археологик ёдгорликларга бой ҳисобланади. Ўзбекистон қоятош расмлари тадқиқотида Жиззах вилояти ҳудуди жуда истиқболли ўлкалардан бири ҳисобланади. Жиззах воҳасида қадимги қоятош расмлари тадқиқоти ўтган асрнинг 50-йилларидан бошланган бўлиб, Сайхонсой, Такатош каби қоятош суратлар комплекси ўрганилган ва фан муомаласига киритилган (Мухамеджонов, 1957. Б. 16-19).

Хусусан, ушбу ҳудудидаги қоятош расмларни ўрганиш ва уларни тадқиқ этиш ишлари ўтган асрнинг 90-йилларида бироз сусайган бўлсада, сўнги йилларда ушбу воҳа тадқиқот гуруҳи аъзолари иштирокида муаллиф томонидан олиб борилган дала археологик кидирув тадқиқотлари натижасида Шароф Рашидов тумани Жиллиғулли қишлоғи шимолий томонидаги тоғ ва қирлардаги Сузмойилота қоятошларида, Ғаллаорол тумани ҳудудидаги Нахраж қишлоғи жойлашган Нахражсой (Каттасой) дарасида, Фориш тумани Эски Фориш қишлоғи Юкорисой (Сойиболо) ҳавзасида, ҳамда Учма қишлоғидан оқиб ўтувчи Учмасойга туташ бўлган Сиғомсой каби йирик сой ва даралар атрофларида кўплаб янги қоятош расмлари ёдгорликлари рўйхатга олиниб илмий муомалага киритилди (Холматов., Хўжаназаров, 2018. Б. 122-124; Холматов, 2018. С. 230-233; Холматов., Пардаев., Тошбоев, 2018. Б. 254-258).

Ушбу расмларининг турлари хилма-хил бўлиб, қояларга асосан алоҳида ёки композицион мазмунга эга бўлган антропоморф ва зооморф ҳамда турли геометрик белги тасвирлар маҳорат билан акс эттирилган.

Қоятошларга ишланган одам тасвирларини ўзига хос хусусиятларига қараб бир нечта гуруҳларга ажратиб ўргандик. Буларга алоҳида (ёлғиз) чизилган одамлар, овчи, жангчи, сувори ва турли маросимлар жараёнида ишланган одам тасвирларини киритиш мумкин.

Қоятошларда алоҳида (ёлғиз) ёки композицион манзараларда тасвирланган одам расмларининг манба сифатида аҳамияти бекиёс. Улар қадимги расмлар томонидан турли кўринишларда, тик ва ён томонларга қараб турган кўринишда уриб-чўкичлаб ишланган бўлиб, реалистик (соя услубида), ярим реалистик, схематик (чизикли) услубларда акс эттирилган. Булар орасида реалистик тарзда чизилган расмлар айниқса диққатли бўлиб, улар танасининг бутун қисми уриб чўкичланган, кичик бошли, калта бўйинли, кенг елкали, қўллари икки ёнига тушган ёки баландга кўтарилган, оёқлари бақувват ва баъзиларида учи бироз қайрилган, кўпчилигида эркаклик белгиси бўрттириб кўрсатилган. Бундай кўринишда ишланган одам расмлари Нурота тоғ тизмасидаги шу каби бошқа қоятош расмлари ёдгорликларининг деярли барчасида учрайди. Улар бошқа расмлардан ўзининг ҳаққоний тасвирланганлиги билан ажралиб туради. Схематик тарзда ишланган одам тасвирлари ҳам бу қоятош расмлари ёдгорликларининг барчасида учрайди. Уларнинг барчаси деярли бир хил кўринишда боши юмалоқ, қўл, оёқ ва бутун гавдаси оддий схематик услубда яъни, чизикли тарзда ишланган.

Шунингдек, қоятошларда «Ф» ҳарфи шаклида тасвирланган одам расмлари ҳам учрайди. Бунда улар олд томондан тасвирланган бўлиб, икки қўли белига тиралган, оёқлари елка кенглигида ёзилган бўлиб, соя, схематик ёки ярим схематик услубларда алоҳида (ёлғиз) ҳамда от ва туяда ўтирган ҳолатларда ишланган. Жумладан, бундай кўринишдаги одам расмларини Нурота тоғ тизмасидаги Сармишсой (Кабиров, 1976. Б. 17-18. Расм. 36,37,44.), Қорақиясой (Хўжаназаров., Холматов, 2012. Б. 53-56) ва Бекларсой (Холматов, 2015. Б. 5-8) Архарпўштсой қоятошларида кузатиш мумкин.

Тадқиқотлар натижасида, Сузмойилота ва Юқорисой ёдгорликларида ҳам бош кийими билан бирга акс эттирилган одамлар тасвири аниқланди. Уларни баъзиларининг бош кийимлари чўққи учли ва кулоқчинли кўринишда ишланган. Бу бош кийимлар Марказий Осиё ва унга туташ бўлган жойларда яшаган қадимги сак қабила вакиллари киядиган учли телпак ёки дубулғага ўхшашдир (Артамонов, 1973. С. 9. Рис. 3,5; Руденко, 1960. Табл. 1. Рис. 2). Бундай одам тасвирларини яна шу тоғ тизмасидаги Сармишсой (Кабиров, 1976. Б. 54. Расм. 30,36), Қорақиясой, Тошқўрғонсой, Чорбоғсой, Илонбулоксой, Қудуқчасой ва бошқа қоятош расмлари ёдгорликларида ҳам учратиш мумкин.

Шунингдек, Юқорисой (Сойиболо) қоятош расмлари орасида одамлар шаман образида ёки бирор диний маросим сахнаси акс эттирилган композицион манзарада маҳорат билан тасвирланган. Шомон образида тасвирланган одам қадимги рассом томонидан соя услубида, гавдаси тўлиқ кўринишда уриб-чўкичланган бўлиб, бош кийимда, оғзига никоб таққан, елкаси кенг ва белига томон ингичкалашиб борган бўлиб, белига нимадир тақиб олган, чап қўлида ниманидир ушлаб турибди, ўнг қўли усти мох ва лишайниклар билан қопланиб кетгани сабабли кўринмай қолган. Унинг оёқлари узун, тиззалари бироз букилган бўлса, оёқ учлари бироз қайрилиб турибди. Шунингдек, шу қоятошнинг ўнг томон пастки бурчагида бир-бирига юзма-юз турган иккита одам тасвирланган бўлиб, улар баъзи диний амалларни бажариш мобайнида амалга ошириладиган рақс жараёнлари билан уйғунлашган ҳолатда, маҳорат билан акс эттирилган.

Ушбу янги ёдгорликлар қоятошларида овчилар асосан ов жараёнида акс этган, яъни, қўлларида ёй билан ёввойи ҳайвонларга ўқ узаётган ҳолати, овчи итлари ёрдамида тоғ эчкилари ва архарлар ортидан таъқиб қилаётгани ёки овчи итларини етаклаб овга кетаётган ёки баъзи ҳолатларда эса ёввойи ҳайвонларни четдан кузатиб турган тарзда тасвирланган. Бу овчиларнинг қўлларида оддий ёки мураккаб ўқ-ёйлар акс эттирилган бўлиб, улар асосан композицион манзараларда ёввойи ҳайвонларнинг олд ёки орқа томонларида айрим ҳолларда эса улар билан ёнма-ён кўринишда учрайди. Бу каби овчилар тасвирларини Республикамиз ва унга қўшни ҳудудлардаги барча қоятош расмлари ёдгорликларида ҳам кузатиш мумкин (Окладников, 1980. С. 66-67. Табл. 149; Хўжаназаров, 2008. С. 17-22). Бундан кўриниб турибдики, бу ерда яшаган қадимги қабила ва элатлар ҳаётида овчилик муҳим аҳамиятга эга ҳисобланган.

Шунингдек, бу ёдгорликлар қоятошларида овчи ва дашт кўчманчи чорвадор халқлар ҳаётида муҳим ҳисобланган суворилар тасвирлари ҳам кўплаб учрайди. Улар отда ёки туяда кетаётган ҳолатларда чизилган. Жумладан, отликлар турли хил кўринишларда тасвирланган бўлиб, реалистик, ярим реалистик ва схематик тарзда ишланган. Суворилар рассомлар томонидан эгар-жабдукли от устида ва қўлларида юган билан ёки эгар-жабдуксиз, фақатгина қўлларида юган ушлаган кўринишларда тасвирланган. Баъзи ҳолатларда улар от устида эгар-жабдуксиз ва югансиз ҳам чизилган қоятошлардаги одам тасвирларининг аксарияти эркак кишиларга оидлиги, эркак кишиларга оидлиги, айрим ҳоллардагина аёл кишилар билан боғлиқлиги аниқланди. Бу эса қадимги овчи ва чорвадор қабилалар ижтимоий ҳаётида эркак кишилар мавқеининг юқори бўлганлигини кўрсатади. Таъкидлаш керакки, бу ёдгорликлардаги расмлар орасида турли ҳайвон тасвирлари айниқса кўпчилигини ташкил этади. Улар тадқиқотлар натижасида бир нечта кичик гуруҳларга

ажратиб ўрганилди. Бунда ёввойи ҳайвонлар тоғ ва тоғ олди ҳудудларида қадимда ва ҳозирги кунда яшаётган ҳайвон турлари бўлса, хонаки ҳайвонлар мана шу ўтган узоқ даврлар мобайнида инсоният томонидан қўлга ўргатилган ҳайвонлар тасвири киритилган. Ёввойи ҳайвонлар сирасига ибтидоий бука, ибтидоий сигир, тоғ эчкиси, архар, жайрон, сайғоқ, асл буғу, ёввойи от, кулон, ёввойи чўчка шунингдек, йиртқич ҳайвонлардан шер, йўлбарс, гепард, леопард, бўри, тулки, чиябўри ва бошқаларни киритиш мумкин. Қояларда баъзан илон ва қуш тасвирлари ҳам учраб туради. Улар орасида ибтидоий хўкиз (бука) тасвирининг қоятошларда акс этиши бу ёдгорликнинг хронологик ёшини белгилашимизда ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Мана шундай тасвирлардан бири Сузмойилота қоятош расмлари орасида мавжуд бўлиб, бу ёввойи бука тасвири қадимги рассом томонидан реалистик ва ярим реалистик кўринишларда йирик бошли, узун шохли, калта бўйинли, елкадор (ўрқачли), узун белли, вазмин танали, думининг учи попукли кўринишда уриб-чўкичлаб ишланган. Бу расмларнинг усти куёш нури таъсирида куйиб-униқиб, тошнинг асл юзаси сингари қорайиб кетган. Бу еса унинг Сузмойилота қоятош расмлари орасидаги энг қадимий тасвирлардан бири эканлигидан далолат беради. Шунингдек, баъзи зооморфолог олимларнинг фикрига кўра, бу каби ёввойи бука (ибтидоий бука) лар мил.авв. I минг йиллик арафасида қирилиб кетган (Батиров, 1969. С. 20). Қадимги рассомлар ўзлари кўрган билан ҳайвон ва улар иштирокидаги манзараларни реал тасвирлаганлигини ҳисобга олсақ, бундай ёввойи бука тасвирларини бронза даврига тааллуқли, деб айтишимиз мумкин. Ёввойи ҳайвонлар тасвири орасида мушуксимонлар оиласига мансуб гепард ёки леопард тасвирлари ва улар билан боғлиқ жонли композицион манзаралар айниқса диққатлидир. Одатда, бизнинг маҳаллий ва атроф халқлар бу ҳайвонларни; илвирс, леопард, гепардларни қоплон ёки қор барси каби номлари билан атаб келишган. Шу жиҳатдан, бу ҳайвонларнинг қоятошлардаги тасвирларидан уларни айнан юқоридаги қайси турга тегишли эканлигини ажратиб олиш бироз мушкул. Сабаби, мазкур ҳайвонлар ташқи кўриниши, баъзи анатомик тузилиши ва яшаш тарзи каби жиҳатлари билан бир-бирига ўхшайди. қоятош расмлари ёдгорликларининг барчасида ҳам бу ёввойи йиртқичларнинг тасвирлари учрамайди. Улар қадимги рассомлар томонидан якка тарзда тўмтоқ тумшукли, қисқа бўйинли, узун танали, икки оёқли, ингичка қайрилма думли, баъзида танасидаги холлари билан бирга ёки соя услубида жуда моҳирлик билан тасвирланган. Тадқиқотлар давомида шундай тасвирлар Юқорисой ва Каттасой қояларида аниқланди. Бу ёввойи йиртқич ҳайвонлар қояларда алоҳида ёки ов манзараларида тоғ эчкилари ва бошқа ёввойи ҳайвонлар билан бирга уларни таъқиб қилиб кетаётган ёки уларга човут солаётган ҳолатларда тасвирланган. Ҳатто, баъзи қоятошларда уларнинг ўзларига қарата ўқ-ёй билан қуролланган овчилар ўқ узиб ҳужум қилаётган тасвирлар ҳам учрайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тезлик жиҳатидан гепардга тенг келадиган ҳайвоннинг ўзи йўқ. У соатига 110-130 км тезликда чопа олади. Шунинг учун бўлса керак, тадқиқотларда уларни қўлга ўргатиш мил. авв. 3-2 минг йилликлардаёқ бошланганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд бўлиб (Кабиров, 1976. Б. 20), сабаби қадимги одамлар улардан ёввойи ҳайвонларни ов қилишда фойдаланган бўлиши мумкин. Чунки қўлга ўргатилган гепард ҳар қандай овчи този итдан афзалроқ бўлган. Шундай экан, бу ҳудудларда ҳам қадим замонларда бу ёввойи йиртқич ҳайвон турлари яшаган. Қадим замонларда Нурота тоғ тизмаси ҳудудларида йирик тўқайзорлар, қамишзорлар ва чала саҳролар мавжуд бўлганлиги ёки бу тизмага Қизилқум саҳроси туташ бўлганлиги боис, уларнинг яшаши учун қулай шароит мавжуд бўлган. Буни уларнинг қоятошларда акс этган ажойиб тасвирлари ҳам исботлаб турибди.

Таъкидлаш жоизки, бу йиртқич ҳайвонлар расмларининг даврий ёшини аниқлашимизда Жанубий Туркманистон ва Яқин Шарқ ҳудудларида амалга оширилган археологик қазишмалар вақтида топилган сопол идишларнинг ички ва ташқи деворларига чизилган бундай йиртқич ҳайвон тасвирларининг учраши, айниқса муҳим ҳисобланади. Хусусан, бундай йиртқич ҳайвонлар

суратлари Марказий Эрон худудида жойлашган Сиалк III (Массон, 1964. С. 204-205. Рис. 34), Қоратепа (Массон, 1962. С. 30), Ялонғочтепа (Сарианиди, 1961. Табл. IX. Рис. 9; Массон, 1964. С. 148-149. Рис. 25) ёдгорликларининг мил.авв. III минг йилликга оид сопол идишлари деворларига кизил ва тўқ жигар ранг бўёқда маҳорат билан ишланган.

Бу қоятош расмлари ёдгорликлари тасвирлари устида олиб борилган илмий тадқиқотларимиз натижасидан маълумки, бу янги қоятош расмлари ёдгорликларидаги тасвирлар қадимги Жиззах воҳасида бундан 5-3 минг йиллар аввал яшаган қадимги аждодларимизнинг кундалик турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, маънавий кечинмалари, диний эътиқодлари ва хўжалик машғулотларини тадқиқ этишимизда муҳим маълумотлар беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси [Электрон ресурс] // <https://president.uz/uz/lists/view/2228>
2. Артамонов М.И. Сакровища саков. – Изд-во «Искусство». - М., 1973.
3. Батиров Б.Х. Характер изменения видового состава и ареалов млекопитающих юга Узбекистана. - изд-ва. СамГУ им А.Навои. - Самарканд, 1969.
4. Кабиров Ж. Сармишсойнинг қоятошларидаги расмлар. - Тошкент, 1976.
5. Массон М.Е. Памятники развитою энеолита Юга-Западной Туркмении. – М.,-Л, 1962.
6. Массон М.Е. Средняя Азия и Древний Восток. - М-Л, 1964.
7. Мухамеджонов А. Р. Сирли тошлар изидан. 1957.
8. Окладников А.П. Петроглифы Центральной Азии. – Л., «Наука» 1980.
9. Руденко С.И. Культура населения Центрального Алтая в скифское время. – М. – Л., 1960.
10. Холматов А.Н. Бекларсой қоятош суратлари тадқиқотининг дастлабки натижалари.// Илмий ахборотнома. СамДУ, № 6 (94). - Самарқанд, 2015.
11. Холматов А.Н. Наҳрачсой янги қоятош расмлари тадқиқотининг дастлабки натижалари хусусида // Материалы II Международной научно-практической конференции «Global science and innovations 2018: Central Asia». Астана, 2018.
12. Холматов А.Н., Пардаев М.Х., Тошбоев Ф.Э. Сузмойилота қоятош расмлари тадқиқотининг дастлабки натижалари // Археологические исследования в Узбекистане. Самарканд, 2018.
13. Холматов А.Н., Хўжаназаров М. Сузмойилота қоятош расмлари тадқиқотининг дастлабки натижалари хусусида // Марказий Осиё тарихи ва археологияси муаммолари (Республика илмий конференция материаллари) 2018 йил 28 март. Самарқанд, 2018.
14. Хужаназаров М. Наскальные изображения сцены танца из Сайхансая. ОНУ, №5. Ташкент, 1988.
15. Хужаназаров М. Наскальные изображения древних кочевников Каратау // Култура номадов Центральной Азии: Материалы международной конф, - Самарқанд, 2008.
16. Хўжаназаров М. Сармишсой (қоятош расмлари илмий тадқиқотлар). -Тошкент, 2018.
17. Хўжаназаров М.М, Холматов А.Н. Қорақиясой қоятош ёдгорлиги тадқиқотларидан // Ўзбекистон моддий маданияти тарихи. №37. Тошкент, 2012.
18. Сарианиди В.И. Энеолитическое население Геоксюр. - Тр. ЮТАКЭ. - Т. X. - Ашхабад, 1961.

ЗААМИН КАК ИДЕОЛОГИЧЕСКИЙ ЦЕНТР РАННЕСРЕДНЕВЕКОВОЙ УСТРУШАНЫ

А.А. Грицина,

Национальный археологический центр АН РУз, Ташкент

В период раннего средневековья, когда в Средней Азии широко распространялся обряд погребения в керамических ящичках (оссуариях), население горных районов и обособленно расположенной Ферганы в основной своей массе оставалось приверженцами древнего обряда погребения именно в сосудах (Грицина, 1998, с. 89-94). Аналогичная картина наблюдается, к примеру, и в отношении Тохаристана, где оссуарный обряд так и не получил достаточно широкого распространения (Ртвеладзе, 1989, с. 65). Только относительно недавно здесь был найден первый оссуарий (Тургунов, 2007, с. 194-197, рис. 1). О единичных оссуарных находках сообщает и Б.А. Литвинский (Литвинский, 1977, с. 197).

Долгое время оссуарий из могильника Коштепа, расположенного близ Заамина, являлся единственным, найденным на территории Уструшаны, расположенной в пределах Узбекистана. В последние годы количество их значительно возросло и приближается к двадцати. Несколько костехранилищ найдено и в округе Заамина.

Заамин в период раннего средневековья, играл важную роль в политической и особенно экономической жизни Уструшаны, являясь крупнейшим населенным пунктом. Этому способствовала соответствующая экономическая база, связанная с горнодобывающим промыслом, металлургическим ремеслом и сельским хозяйством. Об этом свидетельствуют и остатки мощной цитадели с прилегающей территорией (городище Актепа на правом берегу Зааминасу). Поэтому неслучайно вокруг Заамина концентрируются массовые погребения по маздеистскому обряду в хумах и оссуариях.

Как и повсеместно, в Уструшане значительно преобладают погребения в хумах. Поэтому уникальной является находка погребения в саркофагоподобном оссуарии. Оссуарий имеет две «рабочие» поверхности: в наусе он находился в лежачем положении, но при свершении обряда мог ставиться и вертикально. Видимо, это было сделано намеренно, так как считается, что оссуарий (тупанкук) после погребения выставлялся родственниками для совершения обряда, посвященного духам предков.

Оссуарий сформован ленточным способом из хорошо перемещанной глины качественного обжига и украшен с лицевой стороны наклепными лентами с пальцевыми вдавлениями – характерным приемом орнаментации для оссуариев. В верхней части имеется круглое впускное отверстие, вырезанное ножом при завершении формовки. Вероятно, мастер сначала проделал сквозное отверстие, а потом вырезал крышку. С тыльной стороны имеется едва заметная метка мастера в виде круга, прочерченного пальцем. В центре круга имеется отпечаток большого пальца, т.е. свою руку он использовал как своеобразный циркуль. Размеры метки практически совпадают с размерами впускного отверстия.

Другой не менее интересной находкой является погребение в хуме (городище Культепа). Судя по форме и качеству изготовления сосуда, он может быть датирован VII-VIII вв. В сосуде, кроме сильно раздробленных человеческих костей, находилось несколько бронзовых изделий и монета. Монета отчеканена в подражание драхам сасанидского правителя Пероза (459-484 гг.). Браслет изготовлен из бронзового круглого с сечением прута с утолщениями на концах. Боковины концов плоские. Подобные браслеты известны по находкам из Пенджикента. Другие бронзовые подвески в виде животного (козла), колокольчика и фигурки человека, также известны по находкам в Пенджикенте. Как известно, козел – один из древнейших символов в искусстве Средней Азии. В

период раннего средневековья козел, на ряду с бараном, являлся жертвенным животным из парадиза, знаком Зодиака, одним из ведущих орнаментальных символов (Ремпель, 1987, с. 29).

Фигурка человека, судя по ярко выраженным атрибутам, явно связана с фаллическим культом. Подобные бронзовые идольчики, как правило, происходят из погребений и известны по находкам в различных регионах Центральной Азии и датируются от второй половины I по VI-VIII вв. н.э. (Левина, 1968, с. 170-172; Мусакаева, 2003, с. 112-113).

И самой интересной находкой является крестообразная подвеска в виде фигурки человека с распростертыми руками. Ноги сложены вместе. Концы рук загнуты вверх. Снизу рук либо складки одежды, либо, скорее всего, оперенье крыльев. Сверху фигурки имеется петелька для подвешивания. Скорее всего, перед нами образ крылатого человека (гения), ангела-хранителя широко распространенного в искусстве древнего и средневекового мира (Ремпель, 1987, с. 54-57). В Центральной Азии ангелов-хранителей называли по авестийской традиции фравашами. В данном случае, крылатый ангел, скорее всего, заимствован из Старого света.

Оссуарный могильник обнаружен и близ Галляарала. Оссуарии здесь типичные, ящичного облика, на которых превалируют ленточный и «елочный» орнаменты. Самым интересным является то, что здесь впервые был обнаружен детский оссуарий (Пардаев, Гафуров, 2016, с. 336, рис. 61).

Важными находками, проливающими свет на некоторые идеологические воззрения древних уструшанцев, являются терракотовые фигурки идольчиков, найденные близ Заамина. Статуэтки можно интерпретировать как домашних идольчиков, изображающих местных уструшанских божеств в позе почитания, «служения» и сотворения молитвы с элементами заимствования приемов художественного оформления из сопредельных стран, включая Индию (Буряков, Грицина, 2006, с. 121-125).

Интересно, что Заамин - слово согдийское и трактуется как «Земляное селение» (Абдунабиев, 1989, с. 164; Лурье, 2004). Есть и другая точка зрения. Предполагается, что снесенная арабами мечеть в Старом Заамине являлась первоначально храмом, посвященным зороастрийскому божеству – Заму (может быть это отразилось и в названии города), и переделанный затем арабами в мечеть. Если прибавить к этому и массовые находки хумных погребений, две уникальные терракотовые фигурки идольчиков в Заамине, то можно предположить, что Заамин в период раннего средневековья являлся не только крупным экономическим, но и идеологическим центром (Древний Заамин, 1994, с. 98-99); Gritsina, 2001, p. 9-11; Gritsina, Mamadjanova, Mukimov, 2014, p. 96-99).

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

- Абдунабиев А.** Топонимия района Уратюбе // АКД. Душанбе, 1989.
- Буряков Ю.Ф., Грицина А.А.** Мавераннахр на Великом шелковом пути. Самарканд-Бишкек, 2006.
- Грицина А.А.** Об оссуарном обряде в Уструшане // ОНУ. 1998. № 1.
- Грицина А.А.** Терракотовая статуэтка из Уструшаны // Средняя Азия. История. Культура. Материалы международной конференции, посвящённой 50-летию научной деятельности Г.В. Шишкиной. М., 2001.
- Древний Заамин** (история, археология, нумизматика, этнография). Ташкент, 1994.
- Литвинский Б.А.** Из области идеологии Кушанской Бактрии (зороастрийские наусы на берегах Окса-Аму-дарьи) // Acta antiquae. A magyar tudományokos academia klasszika-filologiai kozlomenyei. Budapest, 1977.
- Лурье П.Б.** Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии // АКД. С-Пб, 2004.
- Пардаев М.Х., Гофуров Ж.И.** Уструшонанинг илк ўрта аср кишлок маконлари (ёзма ва археология манбалари асосида). Тошкент, 2016.

Ремпель Л.И. Цепь времён: вековые образы и бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии. Ташкент, 1987.

Ртвеладзе Э.В. Погребальные сооружения и обряды в Северном Тохаристане // Античные и раннесредневековые древности Южного Узбекистана. Ташкент, 1989.

Левина Л.М. К вопросу об антропоморфных изображениях в джетыясарской культуре // История, археология и этнография Средней Азии. М., 1968.

Мусакаева А. Фаллическая фигурка из селения Сарай // Археологические исследования в Узбекистане – 2002 год. Ташкент, 2003.

Тургунов Б.А. Находка первого оссуария в Северной Бактрии // Трансоксиана – Мавераннахр. Сборник статей. Ташкент, 2007.

Gritsina A. A smol idol from Ustrushana // Sanat, № 1. Т., 2001.

Gritsina A.A., Mamadjanova., Mukimov R.S. Archeology, History and Architecture of Medieval Ustrushana. Samarkand, 2014.

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ ЧОРВАДОРЛАРИ КАТАКОМБА ҚАБРЛАРИНИНГ ТАСНИФИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ф.Э.Тошбоев,
ЖДПИ, Жиззах

Катакомба қабрлар Уструшонадаги антик давр мазорқўрғонларининг асосий қисмини ташкил этади. Бу каби қабрларни ўрганишда биринчи навбатда уларда лаҳаднинг дромос (айвон)га нисбатан ҳолати, узунлиги, йўналиши ва лаҳадни қайси томонда бўлишига эътибор берилган. Иккинчидан, дромосдан лаҳадга ўтиш йўлагини ўлчами, зинали (ёки зинасиз қия) ҳолатда бўлиши, дромосдан лаҳадга ўтиш йўлининг бекитилиши (тупроқ, гувала, тош ва ҳ.к.) қандай кўринишда эканлигига қараб таснифланган [Горбунова, 1981. С.87.]. Юқоридаги хусусиятларга қараб катакомба қабрларнинг 12 дан ортиқ тури аниқланган.

Уструшона (Ғулбо, Ширинсой ва Сағаноқ) мазорқўрғонларини Кенқўл катакомба қабрлари каби икки турга ажратиш мумкин. Биринчиси, ғарбдан келувчи дромос перпендикуляр тарзда шимол жануб йўналишида жойлашган лаҳадга келиб туташадигин қабрлар бўлиб, улар Сағаноқ ва Ғулбо мазорқўрғонларида ўрганилган, Иккинчи хили эса дромоснинг жанубдан шимолга қазилиб, шарқ-ғарб йўналишида қабр лаҳадига перпендикуляр тарзда келиб туташидан ҳосил бўлган қабрлар. Бу кўринишдаги катакомба қабрлар Жиззах яқинидаги Учтепа ва Ғулбо мазорқўрғонларида қайд этилган.

Шунингдек, дромоси жанубдан шимолга қараб ясалган ва унинг шимолида шарқ-ғарб йўналишида перпендикуляр тарздаги лаҳади бўлган қабрлар Тошкент вилоятидаги Вревский ва Фарғона водийсидаги Кугай-Қорабулоқ маданиятига мансуб мазорқўрғонларда кузатишган [Алимов, 1975. 19., Агзамходжаев, 1961, С. 223, Горбунова, 1984. –С. 102]. Ҳар иккаласида ҳам дромос лаҳадга томон қиялаб, пасайиб келиб туташган. Вревский мазорқўрғонидаги марҳумнинг дафн этилиш ҳолати (боши шарқда), Ғулбо 4- мазорқўрғонидаги ҳолатга жуда ўхшаш. Б.А. Литвинскийнинг ёзишича, Фарғона водийсидаги катакомба қабрларда "Айвоннинг эни лаҳад узунлигидан 3 баробар (мос равишда 0,95 ва 2, 97 м) тор. Бундай катакомба қабрлар одатда "Т" харфи кўринишида бўлади" [Литвинский, 1972. – С.59].

Уструшонадаги дромос (айвон)ли қабрларда унинг анча тор бўлиши кузатилади. Ўрта Осиё учун ўзига хос бўлган бундай қабрлар районлаштирилган [Сорокин, 1956.– С. 83]. Улардан биринчиси Фарғона, Тошкент, Жанубий Туркманистон, Бухоро ва Талос водийларида ёйилган. Уструшонадаги катакомба қабрларни ҳам ана шу биринчи гуруҳга киритиш мумкин.

Ўрта Осиёда ўрганилган катакомба қабрларнинг бошқа минтақалардан фарқи катакомбали қабрларни дромосга нисбатан жойлашишида кўринади. Бунда лаҳад ўзининг асоси билан дромосга перпендикуляр жойлашган. Бироқ, Лавандоқ ва Қуйимозор қабрларида лаҳад айвоннинг давоми сифатида қазилган (Лавандакский тип) [Обельченко, 1961. –С. 99-100]. Фарғона водийсида изланишлар олиб борган Ю.А. Заднепровский қабр иншоотларини бир қанча гуруҳга бўлишни таклиф қилган. Булар Кенгкўл – лаҳади дромосга перпендикуляр жойлашган. Лавандоқ – лаҳад дромоснинг давом этишида жойлашган. Тулхар – лаҳадга кириш эшигининг ғарбий деворда бўлиши. Айғиржол – хилхонанинг шимолий ёки жанубий деворда бўлиши. Чилпек – ўра қабрлар ва ер усти тош иншоотлари қурум ва муғхоналар [Заднепровский, 1975. Т.2, -С. 293-296].

Дафн иншоотларини бу тарзда гуруҳларга ажратиш уларни таснифлашда анча енгиллик беради ва тасаввурни кенгайтиради. Бироқ қабр тузилишлари Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида ягона қонуниятга эга бўлмай ўзига хос кўринишларга эга. Масалан, Б.А. Литвинскийнинг ёзишича, “Ворух мозоркўрғонларидаги кўплаб лаҳадли қабрларда дромос катта эмас, уларнинг узунлиги кўпинча 1,5-3,0 м, баъзан 4,0 м гача боради... катакомба қабрларда дромос лаҳадга перпендикуляр бўлиб, Кенгкўлнинг кўндаланг ҳолатда ён томонидан симметрик равишда келиб туташган бўлади” [Литвинский, –С.58]. Шимолий Бақтриядаги дафн иншоотлари тўрт гуруҳга бўлиниб, уларнинг кўпчилигини кўчманчиларга мансуб катакомба қабрлар (Тулхар, Арактау, Бабашов ва бошқа) ташкил этади [Богомолов, Миносянц, Гендельман, 2008. – С. 149]. Бу минтақада ўрганилган қабрлар конструкцияси ва дафн удумларида Уструшона катакомба қабрларидагига ўхшаш (моддий манбалар, марҳумларни ёқиш ва ҳ...) ҳолатлар кўп.

Уструшонада жойлашган мозоркўрғонлар конструкциясида ҳудудлар бўйича сезиладиган фарқни Н.Г. Горбунова томонидан Фарғона водийсида ўрганилган қабр иншоотлари билан солиштириш мумкин. Н.Г. Горбунова ландшафт зоналарига қараб Фарғона водийсидаги қабр иншоотларини 5 та гуруҳга ажратган. Унга кўра, биринчи гуруҳ, водийнинг тоғолди минтақаларида мурдани қабр қазимай ер устига қўйиб, жасад устига тош терилган, тош иншоотлари (қурум ва муғхона) шаклида, иккинчи гуруҳи, водийнинг чегара туманлари шимол ва энг ғарбий ҳудудларида – Кенгкўл типидagi катакомба қабрлар, учинчи гуруҳи жанубий-шарқий томондаги текис қир-адир мавзеларда – Хангиз типидagi катакомба, ёрма ва ўра қабрлар. Тўртинчи гуруҳи жануби-ғарбий туманларда ҳар хил кўринишдаги ёрма қабрлар – Хангиз ва Кенгкўл типидagi катакомба қабрлар ва ёғоч билан ёпилган чуқур ўра қабрлар, бешинчи гуруҳи эса водийни жануб томонидаги тоғ олди районларида учрайдиган ҳар хил йўналишда қазилган ўра қабрлар [Горбунова, Л.: 1981. –С.94]. Фарғона водийсида қабр типлари асосида хулоса чиқарадиган бўлсак, Уструшонадаги қабрлар аҳоли дафн анъаналари билан биргаликда ўша ернинг табиий шароитига боғлиқ ҳолда оммалашиб борганлиги кўринади.

Бронза даврига келиб айвонли лаҳад қабрлар дафн маросимларида асосий типни ташкил этган. Улар Замонбобо, Саполли, Сумбар, Бешкент ва Вахш ёдгорликларида кузатилади. Ўрта Осиёда марҳумларни айвонли лаҳад қабрларга дафн этиш, сўнгги бронза, темир даври, антик ва илк ўрта асрлардан иборат анча узоқ ва қатъий тараққиётга эга [Абдуллаев, 1979. С. 22-34]. Бироқ, Ўрта Осиёда илк темир даврдан милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг сўнгги чорагигача айвонли лаҳад кўринишдаги қабрлар камайганлиги сезилади. Антик даврдан бошлаб эса, қабр тузилишида катакомба шаклдаги қабрлар оммалашган. Шу билан биргаликда, моддий манбаларда кучли сифат ўзгаришлари кузатилиб, маънавий ҳаётда ҳам янгича анъаналар пайдо бўлган. Антик даврда кечган бу ўзгаришлар тарихчи археологларни қарийиб 250 йилдан буён қизиқтириб келади. Милоддан аввалги I минг йилликнинг сўнгги чорагидан бошлаб Ўрта Осиёда кўплаб учрайдиган катакомба қабрларнинг кенг ёйилишини олимлар турлича асослашади. Бу ҳақдаги илмий фикрларга кўра, бу қабрлар соврадатлар, прохоровск-сарматлари, шимолий хунлар, юечжилар, усунлар

боғлиқ, дейилади. Жумладан, С.С.Сорокин катакомба қабрларнинг Ўрта Осиёда кенг ёйилиши хунлар билан боғлиқлигини “ўта ногўғри ва тарихий жараёнга мос келмайди”, деган кескин фикрни билдириб, қабрларни катакомба шаклини Ўрта Осиё туб жой аҳолиси учун хослигини [Сорокин, 1956. – С. 116] таъкидлайди. Аммо, у қабрлар тузилишидаги айвонли лаҳад шаклини бошқа археологлар қаторида катакомба қабрлар сифатида аралаш талқин этиб, кўп хатоликка йўл қўйган. Афсуски, айвонли лаҳад қабрлар билан катакомба қабрларни аралаш талқин этиш борасидаги тушунмовчилик Россия археологлари орасида ҳозиргача давом этмокда.

Ю.А.Заднепровский ўзининг тадқиқотларида Фарғона катакомба ва айвонли лаҳад қабрларининг келиб чиқиши масаласига тўхталиб “менимча уларнинг келиб чиқишига ёндашишда маҳаллий илдизларни ғарбий (сармат-алан) ва шарқий (хун) таъсирлардан фарқлаш керак... мил. авв. III II асрларда Фарғона водийсида олдинги вақтларда кузатилмайдиган қабр иншоотлари – катакомба қабрлар пайдо бўлади.

Археологик ва антропологик материаллар катакомба ва ёрма қабрларнинг маҳаллий илдизларга эга, деган фикрга қарши ўлароқ, уларни ташқаридан кириб келганлиги ҳақида маълумот бермокда”, деб катакомба қабрларнинг юэчжилар билан боғлиқлигини таъкидлайди [Заднепровский, 1956. – С. 98].

Б.А. Литвинский эса катакомба қабрлар маҳаллий илдизларга эга, улар хунлар ёки юэчжиларни Ўрта Осиёга кириб келиши билан боғлиқ эмас балки, сарматлар билан моддий, маданий алоқалар натижасида тез оммалашган, дейди [Литвинский, 1968. –С. 68-70]. А.Н.Бернштам Еттисув ва Фарғонада катакомба кўринишидаги қабрларининг пайдо бўлишини шимолий хунлар билан, К. Йетмар эса ғарбий қабилалар, яъни сарматлар билан боғлиқ, деган фикрларни билдирган [Бернштам, С.69].

Уструшона мозоркўрғонларининг тузилишида қўшни Суғд ҳудудида ўрганилган қабрлар билан ўхшашлик кузатилади. Суғд мозоркўрғонларининг вужудга келишини таҳлил қилган О.В. Обельченко, уларни фақатгина Оролбўйи, Қуйи Сирдарё ва Қизилқум орқали Суғдга томон силжиган сарматлар билан боғлайди. Бироқ, бу қабрларнинг пайдо бўлишини синчиклаб таҳлил қилиш икки хил таъсирни кўрсатмокда. Уларнинг биринчисида, Ўрта Сирдарё бўйи ва Уструшона ҳудуди орқали жанубга силжиган юечжи, усун ва хун қабилаларининг таъсири. Бу ҳолат Зарафшоннинг ўрта қисмидаги Сазағон, Миронкул ва Оқжартепа каби мозоркўрғонларнинг моддий маданият намуналарида, айниқса кўп кузатилади [Тошбоев, –Б. 102]. Иккинчи ҳолат, Зарафшон қуйи қисмига чорвадорлар (сарматлар) ни Қуйи Сирдарё орқали кириб келиши. Ўрганилган манбалар, Қовунчи (Сирдарё бўйи)маданиятини бу даврда Ўрта Осиё бўйича устувор мавқеда бўлганлигини кўрсатмокда.

Хуллас, Уструшона мозоркўрғонлари қабр тузилишидаги ўзгаришлар ҳудудга антик даврда янги (сармат, юечжи, хун, усун каби) этник гуруҳлар ва улар билан янгича қабр тузилишлари ҳамда дафн одатларининг кириб келганлигини кўрсатади. Бу эса катакомба қабрларнинг кенг оммалашшига сабаб бўлган. Бизнингча, бу кўринишдаги қабрларнинг кенг ёйилишига ўша давр кишиларининг нариги дунё ҳақидаги тасаввурлари ва диний тушунчаларининг кенгайиб бориши ҳам сабаб бўлган. Уларнинг тасаввурича, марҳумни ҳурматлаб, нариги дунёда кузатиш ва унинг “ўликлар мамлақати”да яхши яшаши учун барча қулайликлар яратилиши керак эди. Бунда марҳум ёнига қўйилаётган озиқ-овқат ва буюмлар қабрнинг лаҳад қисмига бемалол жойлашар ва ўтказилаётган маросимлар ҳам тўқис бажарилар эди. Ўрта Осиёда шу пайтгача кам учрайдиган катакомба қабрларнинг антик даврда кенг ёйилиши эса, миграция жараёнлари билан боғлиқ мураккаб ижтимоий-сиёсий ва этник жараёнлар натижасида содир бўлганлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Горбунова Н.Г. О типах Ферганских погребальных памятников первой половины I-тысячелетия н.э. // АСГЭ. –Л.: 1981. -№ 22. – С.87.
2. Алимов У.А. Отчёт Джизакского археологического отряда за 1975 г...– Л.19., Агзамходжаев Т. Раскопки погребальных курганов близ станции Вревской // ИМКУ – Ташкент: 1961, -№ 2. –С. 223, Горбунова Н. Г. Некоторые особенности формирования древних культур Ферганы // АСГЭ. Вып. 25. Ленинград, 1984. –С. 102.
3. Литвинский. Б.А. Курганы и Курумы западной Ферганы. (Раскопки погребальный обряд в свете этнографии). Москва, 1972.. –С.59.
4. Сорокин С.С. Средне Азиатские подбойные- катакомбные захоронения как памятники местных культуры. // СА. Вып. 26. Москва, 1956...– С. 83.
5. Обельченко О.В. Лявандакский могильник. // ИМКУ. Вып. 2. Ташкент, 1961. –С. 99-100.
6. Заднепровский Ю. А. К истории кочевников Средней Азии Кушанского периода. – В кн: Центральная Азия в Кушанскую эпоху. М., 1975. Т.2, -С. 293-296.
7. Литвинский. Б.А. Курганы и Курумы западной Ферганы... –С.58.
8. Мусакаева А.А., Богомолов Г.И., Миносянц В.С., Гендельман П.И. Из истории погребальной обрядности Кушанской Бактрии: Наусы старого Термеза // ИМКУ № 36. Ташкент, 2008. – С. 149
9. Горбунова Н.Г. О типах Ферганских погребальных памятников первой половины I-тысячелетия н.э. // АСГЭ. –Л.: 1981. -№ 22. –С.94.
10. Абдуллаев Б. Могильник Джаркутан // ИМКУ. - Ташкент, 1979. -№15. – С. 22-34.
11. Сорокин С.С.. Средне Азиатские подбойные и катакомбные захоронения как памятники местной культуры // СА. №26. – М.: 1956. – С. 116.
12. Заднепровский Ю. А. К истоком кочевников Средней Азии Кушанского периода // СА. – М.: 1956. – С. 98.
13. Литвинский. Б.А. Курганы и Курумы западной Ферганы. – М.: 1968. –С. 68-70.
14. Бернштам А.Н. Очерки истории гуннов. –Л.: 1951. –С.113-116., Бернштам А.Н. Чуйская долина // МИА. – М-Л.: 1950. №14. –С.69.
15. Тошбоев Ф.Э. Сўғд ва Уструшонанинг маданият алоқалари тизимида кўчманчи чорвадорлар ўрни... –Б. 102.

УСТРУШОНА ҚИШЛОҚ МАКОНЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИДА СУНЬИЙ СУҒОРИШ ТИЗИМЛАРИНИНГ ЎРНИ

Ж.И.Ғофуров,
ЖДПИ, Жиззах

Қадимги халқлар тарихий тараққиётнинг қонуниятларидан маълумки, жамиятда ишлаб чиқаришнинг илғор соҳаси вужудга келиб у хўжалик юритишда устувор мавкега эга бўлганда моддий неъматлар яратишда катта сифат ва сон ўзгаришлари содир бўлади. Бу воқелик жамият тараққиётида муҳим иқтисодий силжишларни юзага келтиради ва ҳатто жамият тузимини бир шаклдан бошқа шаклга ўтишига олиб келади. Сунъий суғориш тизимларига асосланган деҳқончилик соҳаси эса инсоният тарихий тақдирининг маълум даврида қилинган энг муҳим кашфиётларидан бири бўлиб, у жамият тараққиётини тезлатди, дастлабки меҳнат тақсмотини вужудга келтирди, илк сиёсий тузумлар – давлатларни ташкил топишига асос бўлди. Шу нуқтаи-назардан қадимги Шарқ, жумладан, Турон юрти халқларининг иқтисодий ҳаёт тараққиётида сунъий

суғориш тизимларига асосланган деҳқончилик хўжалигининг ўрни бекиёс, муҳим аҳамиятга эга бўлган, ўз ичига бир неча минг йилларни олган улкан тарихий жараёндир (Пардаев., Суюнов. 1992, 280 б.).

Уструшонанинг марказий, шимолий ва ғарбий ҳудудларида ўтказилган тарихий-археологик тадқиқотлар давомида ўнлаб турли даврлар моддий маданиятига оид ёдгорликларни қайд этиш баробарида уларнинг ҳаёт фаолияти учун катта аҳамиятга эга бўлган сунъий суғориш тизимлари, ирригация иншоотлари ҳам қайд этилган. Чунки, расмай тарихнинг оддий қонуниятига кўра ўтроқ хўжаликлар фаолиятининг бош асоси суғорма деҳқончилик маданияти билан узвий боғланган. Табиий оқар сув ва бошқа манбалар негизида қадимги давр ирригаторлари, мелиораторлари томонидан бунёд этилган суғориш иншоотларининг асосий вазифаси экин далаларига ҳар йили узоқ муддат давомида сув етказиб бериш бўлган. Чунки, Марказий Осиё шароитида баъзи экинлардан икки марта ҳосил олиш имконияти бўлган, баъзилари эса (масалан, шоли, пахта...) узоқ вақт суғорилган, кўп сув сарфланган. Нафақат, Уструшолада, балки бутун Марказий Осиёда ирригация иншоотларининг хусусиятлари ҳамда унга уйғунлашган суғориш техникаси муайян воҳанинг гидрологияси (жойнинг паст-текислиги, нишаблиги), геоморфологияси (ер тузилиши, тупроқнинг турлари)га ва албатта, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, илм-фан тараққиётига боғлиқ ҳолда шаклланган ва шу асосда фаолият кўрсатган. Ушбу ҳолатларга биноан Марказий Осиёда, жумладан, Уструшолада суғоришнинг турли усуллари ҳаётга тадбиқ этилган ва улар бир-биридан баъзи ҳолларда кескин ҳолда фарқ қилган.

Ўрта асрлар муаллифи Ҳамидуллоҳ Қазвинийнинг қайд этишига қараганда, Шарқ мамлакатларида сунъий суғоришнинг асосан 4 та тури мавжуд бўлган. Булар: дарё, сой ва булоқлар, кориз ва сув қудуқларига асосланган суғорма усуллар. Мазкур усулларнинг дастлабки иккитаси очик ҳолда бунёд этилган нишаб ер бўйлаб ўзи табиий оққан канал ва ариқларга, сувни кўтариб берувчи иншоотлар, сув омборларига асосланган суғориш фаолиятига ихтисослашган. Кориз суғорма усули эса ер ости сувларини махсус қудуқлар “галерея”си ва уларга горизонтал уланган ёпиқ лаҳим орқали ер сатҳига чиқариш ва ер сатҳига яқин сизот сувларни қудуқлар орқали чиқаришдир (Билалов, 1980. С.138-140). Мазкур суғориш усулларидаан учтаси Уструшоно ҳудудида кенг қўлланилган. Шимоли-ғарбий Уструшолада антик даврдан бошлаб канал ва шоҳ ариқлар куриш ривожланган. Бунга Зарафшон дарёсининг Работи Хожа тўғонидан Жиззах воҳасига чиқарилган, умумий узунлиги 100 км.га яқин, дарёнинг еттидан бир қисм сувини олган Туятортар канали ва уни ҳавзасида бунёд этилган кўҳна аҳоли манзилларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Ушбу фикрларга, Фориш тумани Банд шаҳарчаси яқинида сақланиб қолган, Илончисой ва Осмонсойнинг қўшилган ўзанида X асрда бунёд этилган Хонбанди сув омборини ҳам қўшимча қилиш мумкин. Мазкур сув омборида йиғилган сув захираси билан 1,5 минг гектар ерни суғориш мумкин бўлган (Муҳаммаджонов, 1972. 305-306 б.). Соҳа мутахассисларининг берган маълумотларига қараганда сизот сувларни қудуқ орқали чиқариб суғориш усули Уструшолада кам тарқалган. Бунга сабаб 3-10-12м чуқурликдан олинадиган сизот сувлари асосан Мирзачўл зонасида бўлган. Бу ерда эса, суғорма деҳқончиликка нисбатан лалми деҳқончилик ривожланган. Шунга қарамадан, С.Анарбоевнинг таъкидлашича, бундай усулдан Жиззах туманига қарашли чўл сарҳадлари билан туташ ҳудудда жойлашган Ёйилма қишлоғида қадимдан, ўтган асрнинг 60-йилларига қадар фойдаланишган (Анарбоев, 1974. 51-55).

Таъкидлаш керакки, шимоли-ғарбий Уструшоно географик атамаси замирида ҳудудий жиҳатдан Сангзор ҳамда Зоминсув дарёлари ўртасидаги суғорма деҳқончилик воҳаси назарда тутилади. Туркистон тоғининг Чумқортов тизмаларидан бош олиб Ҳайдаркўлгача (150 км) оқувчи Сангзор, ўрта аср Уструшонанининг уч рустоқи – Бурнамад, Харакана, Фағнонни кесиб ўтган ва қадимдан бу маданий воҳаларнинг асосий сув манбаи ҳисобланган. Зоминсув эса Уструшонанинг

бош шаҳри Бунжикатдан кейинги мавқега эга бўлган Зомин-Сарсанданинг ичимлик суви эҳтиёжи ва суғорма деҳқончилигига сарфланган. Тадқиқотларнинг кўрсатишича дарё суви Мирзачўл сарҳадларида жойлашган Қоратепа шаҳар ёдгорлигига (60 км) етиб борган.

Уструшонанинг марказий қисмида ўтроқ ҳаёт ва суғорма деҳқончилик қадимдан вужудга келганлиги тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган. О.И.Смирнова таъкидлаганидек – “юнон муаллифларининг шохидлик беришича, Марказий Осиё, хусусан, Уструшолада милодий эр.авв. IV асрадаёқ шаҳар ҳаёти тараққий этган, сунъий суғориш тизимларига асосланган деҳқончилик ривожланган. Марказий Осиё шаҳарлари орасида ўша давр учун энг улкан ва таниқли бўлган Киропол шаҳри Уструшолада жойлашган. Тарихчилар Кирополдан ташқари Александрнинг лагер-қароргоҳи билан Сирдарё ўртасида жойлашган яна бешта шаҳар ҳақида ҳабар берадилар ва бу шаҳарлардан фақат бири Газа шаҳри номини эслатиб ўтишади” (Смирнова, 1953. с.-188.).

Шимоли-ғарбий Уструшолада ҳозиргача археология тадқиқотлари асосида аниқланган энг қадимги суғорма деҳқончилик воҳаси Хўжамушкентсой ҳавзасидаги Хонтепа, Сағаноктепа I, II қишлоқ маконлари билан боғлиқ маданий мавзедир. Бу икки ёдгорлик сойнинг ўнг қирғоғида, унинг қуйи оқимида жойлашган бўлиб, милодий эр.авв, V-IV асрлар билан даврланади (Буряков., Грицина, 1994. С.19). Хўжамушкентсойнинг қуйи оқими ҳозирги пайтда бетон шох ариққа солиниб Хонтепа мавзеи яқинида ғарб-шарқ йўналиши бўйича буриб юборилган бўлсада, эни, 50-60 м. га, чуқурлиги 3-5 м. га тенг, жанубдан шимол томонга йўналган эски, қурук ўзан ҳалигача сақланиб қолган. Сангзор ва Зоминсув оралиғидаги воҳада илк антик даврга оид Хонтепа ва Сағаноктепага ўхшаш ёдгорлик 1990 йиллар охирида Кўрпасойдаги қишлоқ маконидан топилди ва ҳозиргача бошқа қайд этилгани йўқ.

Шимоли-ғарбий Уструшолада Хонтепа йил санаси билан маълум даврий узилишдан кейин унинг атрофида бир гуруҳ аҳоли маконлари қад кўтаради. Бу маконлар суғорма деҳқончиликнинг оддий қонуниятига амал қилган ҳолда, катта сой ва булоқлар ўзани ёқасида, воҳанинг асосий сув манбаи икки дарё қирғоғида қурилади. Уструшонанинг маълум ва машҳур шаҳарларидан бири Зоминнинг ўрни Кўрғонтепадан (Ўрдатепа), милодий эр.авв II-I асрларга оид археологик материалларни шаҳарни ичимлик суви ва деҳқончилик хўжалигини таъминлаш учун Зоминсувдан чиқарилган шох ариқ ёқасидан топилиши тасодифий ҳол эмас (Грицина., Пардаев. 1990. С.63-66.). Антик даврнинг ушбу босқичида Сангзор дарёси билан боғлиқ деҳқончилик аҳолининг мавзеида шаҳар ва қишлоқ маконлари қурилиши нисбатан оммавий тус олган. Бу даврда воҳанинг энг улкан ва бизнинг давримизгача яхши сақланиб қолган Қалиятепа шаҳар макони ва унинг атрофида бунёд этилган бир қанча қишлоқ манзиллари сақланиб қолган. Ёдгорликни бир неча жойида ўтказилган қазув-тадқиқотлари натижасига кўра, бу ерда эр.авв. III-II асрлардаёқ шаҳар қурилиши хусусиятлари – арки аъло, мудрофаа девори, шаҳристон (майдони 5га) яққол намоён бўлади. Статиграфик тадқиқотларни ниҳоясига етмаганини ҳисобга олсак мазкур даврий сана янада қадимийлашиши мумкин (Пардаев, 1995. С.87-89). Қалиятепа ва унинг теғрасидаги деҳқончилик воҳалари суғорма тизимларини аниқлаш бир қадар мукаммалликка эга. Мазкур шаҳар ёдгорликлари Сангзорнинг ҳозирги ўзанининг энг яқин жойидан 3 км масофа узоқликда, Жиззах воҳасининг шарқий нишаблик мавзеида жойлашган. Айни кунларда ҳам фаолият кўрсатаётган қадимги «Мўлканлик» шох ариғи Қалиятепа аҳоли маконини, унинг атрофидаги зироатчилик пайкалларини сув билан таъминлаган. «Қалия Мўлканлик» шох ариғи сув юритишнинг қадимги иншоотидир. Ушбу фикрлар фойдасига қуйидаги омиллар хизмат қилади. Биринчидан, «Қалия Мўлканлик» шох ариғи ўрта асрларда Сангзорда қўрилган «Беш қувур» сув айирғич тўғонидан эмас, балки дарёнинг юқори қисмидан бош олган. Сув дамба орқали эмас, табиий равишда Қалиятепа томон оққан. Иккинчидан, «Қалия Мўлканлик» ариғи ҳавзасида кейинчалик 10 дан ортиқ илк ўрта аср қалъа-рабодлари қад кўтарган. Демак, сув сиғими 2,0-2,5 куб.м. бўлган «Қалия Мўлканлик» ариғи антик

даврдан бошлаб фаолият кўрсатишни бошлаган ва ўз фаолиятини кейинги давр илк ўрта ва ривожланган ўрта асрларда ҳам давом этдирган [Пардаев., Суюнов. 2006. 230 б.].

Сангзорнинг ўрта оқими ҳавзасида қайд қилинган Кўрғонтепа, Қилининг қуйи оқимида жойлашган Дунётепа ёдгорликлари даврийлик жиҳатидан региондаги ўтроқ ҳаёт тарзи ва деҳқончилик хўжалигининг узвий давомчилари бўлиб юзага келган. Кўрғонтепа эр.авв. II-I; Дунётепа милодий эранинг I асри билан даврланади (Гулямов, 1961. С.10-11]. Дарёнинг юқори оқимида эса худди шу даврларга оид Кўрғон ва Ойдинсойтепа бунёд этилади. Таъкидлашимиз керакки, Ойдинсойтепа харобалари Сангзорнинг икки қирғоғида жойлашган. Ушбу аҳоли маконларнинг иқтисодий ҳаёти суғорма деҳқончиликка асосланган ва бунинг учун қулай табиий шароитларига эга бўлган. Кейинги даврларда улар Уструшона давлатнинг маъмурий ҳудудий бўлинмалари-рустоқларининг бош шаҳри бўлиб тарих сахнасидан ўрин олган. Хусусан, Қалиятепа-Дизак (Фағнон), Кўрғонтепа-Харакана (Харакана), Кўрғонтепа (Ўрдатепа)-Зомин-Сарсанда (Зомин), Хонтепа-Сағанақтепа, Қултепа-Сават (Сабат).

Демак, қадимги давр учун хулоса қилишимиз мумкинки, аниқланишича, шимоли-ғарбий Уструшона суғорма деҳқончилик хўжалиги муқаддимаси дастлаб Нуртепа билан, кейинги босқичда Хонтепа аҳоли макони билан боғлиқ. Кичик даврий танафусдан кейин мазкур маданият Сангзорнинг қуйи оқими Қалиятепа мавзеида вужудга келган, бу жараён дарёнинг ўрта ва юқори оқими водийсига, Зоминсув, Қили дарёчалари ҳавзасига кўчган ва илк ўрта асрларда янада ривожланишда давом этган.

Тадқиқотларимиз таҳлилига кўра, илк ўрта асрларда кўчманчи чўл халқларининг III-IV асрларда маданий, деҳқончилик воҳалар томон силжиши аксарият ҳолларда уларнинг ўтроқ ҳаёт тарзига ўтиши билан ниҳояланган. Бу ҳолат V-VI асрларда оммавий тус олган (Пардаев., Ғофуров. 2016 180 б.).

Оммавий ўтроқлашув жараёнини кўчманчилар жамиятининг ички ижтимоий тизимларидаги ўзгаришлар билан боғлаш мумкин. Яъни, чўл жамиятидаги мулкӣ ва ижтимоий табақаланишнинг кучайиши, асосий омманинг камбағаллашуви, яйловларнинг етишмаслиги каби сабаблар, аксарият ҳолларда чорвадорларнинг юксак маданиятли ўтроқ аҳоли таъсирига тушиб қолиши оқибатида уларнинг ўтроқлашувига сабаб бўлган (Пардаев, 1994. 68-69 б.).

Илк ўрта асрларда оммавий ўтроқлашувни амалга оширилиши табиий равишда суғорма деҳқончилик ерларининг кенгайишига, бу эса ўз навбатида ирригация тармоқларини ривожланишига, янги-янги суғориш шаҳобчаларини бунёд этилишига сабаб бўлган. А.И.Билаловнинг эътирофи этишича, «илк ўрта асрларда бунёд этилган ирригация тизимлари ва иншоотлари деярли катта ўзгаришларсиз бир неча юз йилликлар давомида хизмат қилган, айримларидан ҳозиргача фойдаланилмоқда. Илк ўрта асрларда бутун Уструшона бўйича умумий узунлиги 3000 км бўлган ирригация тармоқлари фаолият кўрсатган ва шу асосда 200 минг.гектар ерни суғориш имкониятига эришилган»(Билалов, 1980. С.-138).

Шимолий-ғарбий Уструшонада илк ўрта аср суғорма деҳқончилик хўжалиги ҳар бир кичик воҳа ва унга туташ маданий текисликларда, айнан ўша мавзенинг сув манбалари (дарёча, сой, булок), зироатчилик пайкалларининг геоморфологик тузилиши хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда тараққий этган. Бу ҳолат Уструшонанинг бутун деҳқончилик мавзелари учун хусусиятли бўлгани сабабли, ўрганилаётган минтақада яхлит, умумий, марказлашган суғориш тизимларини барпо қилишга имконият бермайди. Бу фикрлар воҳанинг археология ёдгорликлари мажмуини тузиш учун қидирув ишлари олиб борилганда ўз тасдиғини топди. Ёдгорликлар маълум кичик воҳанинг маъмурий, маданий маркази сифати фаолият кўрсатган шаҳар атрофида тўпланган. Ушбу ҳолат юқорида таъкидланган кичик воҳаларнинг муваққат хўжалик юритиши, айниқса, марказий шаҳар мудофааси, ҳарбий стратегиясини ҳисобга олиб амалга оширилган.

Уструшонанинг сув муаммоси мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги мавзеларида кориз кудуклар тизимига асосланган суғориш фаолиятда бўлган.

2011 йилнинг сентябр ойи ўрталарида ЎзР ФА Археология институти нинг Жиззах экспедицияси раҳбари М. Пардаев бошчилигида кичик илмий гуруҳ Бахмал туманидаги Новқа қишлоғи яқинидан, тасодифан топилган, номаълум ер ости иншоотини ўрганди. Маълум бўлишича, иншоотнинг очилиб қолган жойидан ичкарига, жанубий шарқ томонга, тахминан 15-16 м масофадан сўнг айлана шаклидаги, диаметри 1,6-1,7 м., сақланиш баландлиги 2 м. дан зиёд кудуксимон иншоотга туташган. Иншоот деворларининг юқори қисмида ҳар 60-70 см оралиқда диаметри 10 – 12 см., айлана шаклидаги “қуш уяси” симон коваклар сақланиб қолган. Бу коваклар юқори қатламларнинг кўчишини олдини олиш учун муҳофаза мақсадида қўйилган тўсин-ғўлаларнинг ўрни бўлиб, баъзи ковакларда ёғоч чириндисига ўхшаш, тўқ малла ранг колдикларнинг учраши мазкур иншоот қурилишида ёғоч материаллардан ҳам фойдаланилганини кўрсатади. Иншоот қўлда қазилган ва унинг остки қисми оқар сув тагида ҳосил бўладиган кўкиш рангли, майин қум қатлами билан қопланган.

Текширишлар, қиёсий ўрганишлар натижасида, Бахмал тумани Новқа қишлоғи ҳудудида қайд этилган ушбу қадимий иншоот ўтмишда аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш, ҳайдалма экин пайкаллари сунъий суғориш мақсадида қўлланиладиган кориз сув чиқариш тизими эканлиги аниқланган. Кейинги таҳлилларимизга, хусусан ушбу ҳудуд археология мероси объектлари даврий санасига қараганда, мазкур коризни, XI-XII асрларда фаолият кўрсатган, деб ҳисоблаш мумкин (Пардаев., Ғофуров., Қорабоев. 2012. 110-111 б.).

Уструшонанинг илк ўрта асрлар суғорма деҳқончилиги учун қуйидагиларни хулоса қилишимиз мумкин. Демак, бу давр суғорма деҳқончилик хўжалиги, айнан ушбу давр учун хусусиятли бўлган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий муносабатлар билан узвий боғлиқ ҳолда тараққий этган. Юқорида таъкидланганидек, бу давр бутун Ўрта Осиё ҳудудига, жумладан, энг яқин қўшни Уструшонага ўрта Сирдарё бўйи чорвадор халқларининг оммавий тарзда ўтроқлашув жараёнлари билан характерланади. Сирдарё бўйи халқлари учун энг яқин «контакт зона» ҳисобланган Уструшона мазкур ўтроқлашув жараёнларига биринчилардан бўлиб тортилган ва бу жараёнларда фаол иштирок этган. Натижада, қишлоқ хўжалигида яроқли бўш мавзелар, кўрик ерлар ўзлаштирилган ва ушбу аграр округлар қишлоқ хўжалиги сунъий суғориш шаҳобчалари орқали оқар сув билан таъминланган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Анарбоев С. Туятортар канали қурилиш тарихи. –Археологлар хикоя қилади. –Тошкент, 1974.
2. Билалов А.И. Из истории ирригации Уструшаны. (МКУ. Вып. 4). //Душанбе. 1980.
3. Буряков Ю.Ф; Грицина А.А. К открытию античного ядра Заамина. // ОНУ. №8, Ташкент, 1994.
4. Грицина А.А., Пардаев М.Х. Археологическое изучение Кизилинского массива. // Археологические работы на новостройках Узбекистана. –Ташкент, 1990.
5. Гулямов. Я.Г. Кладбище Кулпи-Сар. ИМКУ. Вып.2. Ташкент, 1961.
6. Смирнова. О.И. Археологические разведки в Уструшане 1950. //МИА. №37, -Москва-Ленинград, 1953.
7. Муҳаммаджонов А.Р. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи (қадимги даврлардан то XX аср бошларигача). Тошкент, 1972.
8. Пардаев М.Ҳ., Суюнов С.С. Шимоли-ғарбий Уструшонанинг суғориш тарихидан // Ўзбекистон қадимда ва ўрта асрларда. Республика конференцияси маърузалари баёни. 16-17 март, Самарқанд, 1992.

9. Пардаев М.Х. Қадимги Фарғона ва Уструшонанинг моддий-маданий алоқалари. Фарғона қадим ва ўрта асрларда. (Профессор Ю.А. Заднепровскийнинг 70 йиллиги муносабати билан тайёрланган мақолалар тўплами).-Самарқанд, 1994.
10. Пардаев.М.Х. Северо-западная Уструшана в эпоху раннего средневековья (по материалам нижнего течения р. Сангзар). АҚД. Ташкент, 1995.
11. Пардаев М.Х., Суёнов С.С. Қадимги Жиззах воҳасининг айрим сунъий суғориш тармоқларини археологик ёдгорликлар асосида ўрганиш // ЎММТ, 35-нашри, Тошкент, 2006.
12. Пардаев М.Х., Ғофуров Ж.И., Қорабоев С.С. Ғарбий Уструшонанинг ер ости сув чиқариш иншооти ҳақида // Ўзбекистонда Археологик тадқиқотлар. 8-сони, Самарқанд, 2012.
13. Пардев М.Х., Ғофуров Ж.И. Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари. Тошкент, 2016.

ДРЕВНИЙ УЗБЕКИСТАН В РАННЕЭЛЛИНИСТИЧЕСКОЕ ВРЕМЯ (IV-II ВВ.ДО Н.Э.) ПО НУМИЗМАТИЧЕСКИМ ДАННЫМ.

А.Х. Атаходжаев

Национальный археологический центр АН РУз

Политическая история историко-географических областей, располагавшихся на территории Узбекистана в период времени после завоевания Александром Македонским, до сих пор остается предметом научных дискуссий. Дошедшие до наших дней сведения авторов древности, достаточно подробно описав историю завоевательных походов Александра, ничего не сообщают нам о том, как была организована система власти в древних Согдиане и Бактрии, которые на рассматриваемом промежутке времени входили в состав реорганизованной греко-македонцами административно-территориальной единицы – Бактрии, в составе которой все населенные историко-географические области на землях древнего орошения и лежащие к северу от Окса/Амударьи, объединялись и назывались однозначно – Согдиана.

Действительно, отрывочные сообщения античных авторов не дают нам возможности решить спор о политической истории этой страны в III – II вв. до н. э., т.е., после раздела диадохами наследия Александра и до потери греко–македонцами политического контроля. До сих пор недостаточно ясен ряд вопросов – входила ли Согдиана в состав государства Селевкидов? Входила ли она и в Греко–Бактрийское царство и как долго и, наконец, не совсем выяснен вопрос – когда же заканчивается политический контроль греков над этой страной?! Сюда уже не входят, но подразумеваются, как вытекающие из первых, вопросы не только политические но особенно экономические и среди которых одним из немаловажных является вопрос о том, каким был характер монетно–денежного обращения в этот период?!

Большому количеству вопросов о судьбах Согда в III–I вв. до н.э. соответствует и многочисленность мнений, высказанных в различное время и которые объединяются в две отличающиеся друг от друга по своей сути группы. С одной точки зрения, после смерти Александра греки верхних сатрапий сохранили в известной степени контроль над Согдианой и затем эта территория перешла к Селевкидам. После отторжения Диодотом восточных владений Селевкидов в Бактрии и Согдиане, последняялибо осталась под властью греко–бактрийских правителей, либо было образовано самостоятельное Греко–Согдийское объединение, существовавшее до конца III в. до н.э. и даже, возможно позднее. Следуя второй точке зрения, греческое присутствие никогда не было существенным в Согдиане, и эти территории были потеряны для эллинистического мира после смерти Александра» [Наймарк, 2005, С.116].

Одним из путей выхода из создавшегося проблематичного положения были, и остаются до сих пор, попытки привлечения прочих исторических источников. Французской исследовательницей Б.Лионе была предложена система хронологизации греческой коллонизации Согда и Бактрии на основе сравнительного изучения керамических материалов с городища Куктепе, Афрасиаб и Ай-Ханум [Lyonnet, 2001, P. 141-157; 2010, С.141-154]. Но для более объективных выводов и заключений о таком сложном вопросе как проблема хронологизации необходимо привлечение и других видов исторических источников. Нумизматические данные при решении проблем хронологии могут иметь немаловажное (если не решающее) значение и фиксация и расширение источниковедческой базы путем публикации находок эллинистических монет, обнаруженных на территории Согдианы помогает поиску ответов на встающие вопросы.

Первым, кто последовательно стал решать этот вопрос был Е.В. Зеймаль [Зеймаль, Вафаев, 1982, С.38-42; Зеймаль, 1983, С.68]. В 1983 г. им была подготовлена сводка эллинистических монет из Трансоксианы, в том числе и двуххалков (номинал медных монет), происходящих из Согдианы и не дающие никаких оснований для бесспорного включения этой области в состав владений Селевкидов. Впоследствии, помимо самого Е.В. Зеймала, публикации эллинистических монет из этой страны были посвящены работы К.А. Абдуллаева [Абдуллаев, 2001, С.11-14; Abdullaev, Franceschini, Raimkulov, 2004, P.10-13; Абдуллаев, Бердимуратов, 2010, С.45-52], Э.В. Ртвеладзе [Ртвеладзе, Ниязова, 1984, С.58-60], Л.С. Баратовой (Баратова, 2000, С.131), Д.В. Бирюкова (Бирюков, 2011, С.96-97), А.И. Наймарка. Наибольшее внимания заслуживает одна из последних работ А.И. Наймарка, представляющая собой, по сути, продолжение работы Е.В. Зеймала в новом количественном и качественном отображении [Наймарк, 2005, С.129-137]. В ней описаны 19 эллинистических монет из числа отдельных находок и уточнены сведения о монетных кладах этого же времени, происходящих с территории Согдианы. Имея цель продемонстрировать значение монет как аргумента в дискуссии о политической истории Согдианы III–II вв. до н.э., А.И. Наймарк проделал большую критическую работу с разноплановой литературой и с нумизматическим материалом в различных собраниях, что позволяет нам теперь уверенно отказаться от ряда определений монет прежних лет, которые, на современном этапе науки, не содержат в себе убедительного, и подкрепленного фактически, информационного содержания. Список А.И. Наймарка демонстрирует наличие среди монетных находок в Согдиане **6** медных и **4** серебряных монет III в. до н.э., составляющих большинство монет этого периода. Из этого автором делается вывод о том, что Селевкиды в какой то степени осуществляли контроль над Согдианой и что при Диодоте эта область становится частью владений Греко–Бактрийского царства. Во II в. до н. э. состав монетных находок меняется – исчезают медные монеты и начинается выпадение серебра в виде монетных кладов, что говорит против включения Согдианы в зону греко–бактрийского денежного обращения и, соответственно, в сферу политического влияния южного соседа. Новая постановка вопроса о политико–экономической истории Согда в рассматриваемое время, безусловно требует своего рассмотрения на более расширенном источниковедческом фоне. К счастью, в настоящее время предоставляется такая возможность так как за годы, прошедшие после подготовки и издания работы А.И. Наймарка накоплены новые сведения о находках эллинистических монет на территории Согдианы и возникли основания не только для её корректировки. Основанием для рассмотрения обозначенных выше вопросов явилось увеличение фонда находок эллинистических монет из Согдианы в период с 2003 по 2019 гг. на городище Афрасиаб, в окрестностях современного Самарканда (древняя Мараканда – Самарканд), в нижней части бассейна р. Зеравшан и в бассейне р. Кашкадарья а так же, в северо-западной части области Уструшана (бассейн р. Сангзар и Зааминсу). Суммировав полученные данные с ранее опубликованными сведениями о находках эллинистических монет мы получаем гораздо более

	AE, Антиох I			
261–246	AE, Антиох II; AE, Антиох II; AE, Антиох II; AE, Антиох II; AE, Антиох II; AE, Антиох II; AE Антиох II	AE, Антиох II AE, Антиох II AE, Антиох II	AE, Антиох II	
250–230	AE, Диодот; AE Диодот	AE, Диодот AE, Диодот AE, Диодот AE, Диодот AE, Диодот ½ AE, Диодот (земихалк - мелкий номинал)		AR, Диодот
223–187	AE, Антиох III	AE, Антиох III AE, Антиох III AE, Антиох III AE, Антиох III AE, Антиох III		
230–200			AR, Евтидем I AR, Евтидем I	
200–180		AR, Деметрий AE, Деметрий	AR, Деметрий I	AR, Деметрий I
177–168		AR, АнтимахТеос AR, АнтимахТеос	Клад с Тахмач-тепе: AR Диодот, Евтидем I, Агафокл)	Клад из Шахрисабза (?): AR, АнтимахТеос AR, АнтимахТеос AR, АнтимахТеос AR, АнтимахТеос
174–171 (?)		AR, Деметрий II		
171– 145/ 144 (?)		AR, Эвкратид I	AR, Эвкратид I	Клад из Китаба: AR, Деметрий I, АнтимахТеос, Эвкратид I)
?			AR, Эвкратид I AR, Эвкратид I	
145–130		AR, Гелиокл I	AR, Гелиокл I	

Суммарно общее количество монет, достоверно обнаруженных на территории древней Согдианы весьма внушительно и составляет 90 экз. Доля серебряных монет из общей массы составляет 27 экз., медных значительно больше – 63 экз., т.е., общее соотношение примерно 1:2 или даже 1:2,5. Некоторые из новых данных предоставили возможность внести коррективы в ранее сделанные типологические и династийно - хронологические определения а так же качественно улучшают возможность привлечения нумизматических данных для изучения политической истории. И не только одной лишь Согдианы, но и всей эллинистической Трансоксианы в целом. Анализ монетных находок на эллинистическом городище Кампыр-тепа, расположенном на правом берегу Окса - Амударьи, приводит Э.В. Ртвеладзе и А.Н. Горина к общему статистическому анализу монетных находок IV–II вв. до н.э. в Бактрии. Авторы учли опубликованные и неизданные данные о монетах, обнаруженных в археологическом контексте на памятниках Сурхандарьинской обл. Узбекистана и на территории сопредельного Таджикистана, т.е. с территории т.н. Северной Бактрии. Полученные ими данные весьма показательны – на всей территории правого берега Окса - Амударья находки селевкидских монет единичны (большинство медных монет Антиоха I скорее всего были на каком-то более позднем отрезке времени, возможно уже при юэчжах, были превращены в украшения, т.е. демонетизированы). Не рассматривая информацию о серебряных (также немногочисленных) монетах, можно сделать вывод, что основой медных монет составляют медные монеты Евтидема, количество находок которых пропорционально увеличивается к югу от Гиссарского хребта [Rtweldze, Gorib, 2015, P.120-175]. Левобережье Окс - Амударья, без учета монетных находок с Ай-Ханум, дает такую же приблизительно, картину – доминирование халков и гемихалков Евтидема [Bordeaux, 2018, P.72-75]. Отсутствие находок монет Евтидема в центральной и западной частях Согдианы и, гипотетически возможные но не подтверждаемые находки двух экземпляров в южной части этой страны, точнее на северных склонах того же Гиссарского хребта позволяет сделать только один вывод – Согдиана была вне юрисдикции Евтидема и это наблюдение нельзя не учитывать при осуществлении исторических реконструкций политической истории данного периода времени (Атаходжаев, 2019, С.58). В целом распределение монетных находок убедительно свидетельствует о том, что власть греко-македонцев в Согдиане (в целом в Трансоксиане) не прекратилась после смерти Александра и эта страна была под управлением первых Селевкидов.

Литература:

1. Абдуллаев К.А. Тетрадрахма Антиоха I из кишлака Хаприн // НЦА. 2001. Вып.5. С. 11-14.
2. Абдуллаев К.А., Бермурадов А.Э. Монета Диодота из Муминабада (Ургутский район Самаркандской области) // Традиции Востока и Запада в античной культуре Средней Азии. Т. 2010. С.45-52.
3. Атаходжаев А.Х. Нумизматические данные к политической истории Согдианы (IV–II вв. до н.э.) (Addenda et Corrigenda) // Scripta Antiqua VIII. М. 2019. С. 29-61.
4. Баратова Л.С. Древние монеты из Каршинского оазиса // ИМКУ. 2000. Вып. 31. С. 131.
5. Бирюков Д.В. Драхмы от Александра // НЦА. 2001. Вып. 5. С. 96-97.
6. Зеймаль Е.В. Начальный этап денежного обращения древней Трансоксианы // Средняя Азия, Кавказ и зарубежный Восток в древности. М. 1983. С. 71-76.
7. Зеймаль Е.В., Вафаев Г. Тетрадрахма Деметрия из долины Зеравшана // ОНУ. 1982. № 5. С. 38-42. археология, история, культура. М. 2000. С. 75-77.
8. Лионет Б. Греческая оккупация Согдианы // Средняя Азия:
9. Наймарк А.И. Находки греческих монет в Согдиане // НЭ. 2005. Вып. 18. С.116-132.
10. Bordeaux O. Les Grecs en Inde. Politiques et pratiques monétaires (III с.а.С. – I с.р.С.). 2018.

11. Lyonnet B. les Grecs, les nomads et l'indemendence de la Sogdiane, d'apres l'occupation compare d'AiKhanoum et de Marakanda au cours des dernieres siecles avantnotre ere // BAI. 2001.11. P. 141-157.

12. Rtweladze E. V., Gorin A. N. Hellenistic Coins from Kampyrtepa // ACSS. 2015. 21. P.120-182.

Сокращения и аббревиатура:

ИМКУ – История Материальной Культуры Узбекистана

НЦА – Нумизматика Центральной Азии

НЭ – Нумизматика и эпиграфика

ОНУ – Общественные науки в Узбекистане

ACSS – Ancient Civilization from Skythia to Siberia

BAI – Bulletin of Asia Institute. New series. Detroit etc.

AR – серебряные монеты

AE – медные монеты

УСТРУШОНАНИНГ ТУРК ХОҚОНЛИГИ ВА ИЛК ИСЛОМ ДАВРИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДАН

М.Х.Пардаев, Ш.М.Пардаев

ЎзР ФА Миллий Археология маркази,

Самарқанд Археология институти

Ўрта Осиёнинг шимолий, шимоли-шарқий, яъни Сирдарё ҳавзаси, унинг икки қирғоғига қарашли узок, яқин воҳалар аҳолисини ўз тасарруфига олган Қанғ давлати, минтақанинг жанубий ўлкалари, хусусан азим Амударё водийлари ҳудудида, ўтроқ деҳқон маданияти асосида фаолият юритган Кушон подшоҳлиги давридаёқ раванқ топиб юксалиш даражасига кўтарилган тарихий жараёнлар, кейинчалик бу икки мамлакат аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётида муҳим ўзгаришларга олиб келди. Бу даврда деҳқончилик воҳаларида обикор ерларнинг майдони кескин ошди, шаҳарлар сони ортди, уларнинг ҳудуди кенгайиб хунармандчилик, савдосотик, маданий ҳаёт, илм-маърифат марказларига айланди.

Милодий III аср ўрталарида Ўрта Осиёда юз берган умумий танглик, Қанғ ва Кушон давлатларининг инқирози туфайли юзага келган тарқоқлик икки дарё - Аму ва Сир ўртасидаги тарихий минтақа сиёсий харитасида жузъий ўзгаришларга сабаб бўлди. Бу даврда ўтроқ деҳқончилик ўлкалари заминдор деҳқонларининг иқтисодий жиҳатдан кескин кучайиб кетиши, уларнинг юқори даражадаги сиёсий мавқега эга бўлишларига туртки бўлди ва оқибатда, Суғд, Хоразм, Бактрияга ўхшаган ўлкаларда милодий IV аср бошларидаёқ сарҳадлари йирик суғориш тармоқлари билан чегараланган ҳокимликлар ташкил топа бошлади. Бундай маҳаллий ҳукмдорлар Бухорода – бухорхудот, Марказий Суғд (Самарқанд) ва Фарғонада – ихшид, Дабусия (Нарпай)да – дабусшоҳ, Хорзмда – хоразмшоҳ, Чоч (Тошкент)да – тудун, Оҳангарон водийсида – деҳқон, Уструшонанинг Жиззах, Сирдарё вилоятларида афшин нисбалари билан тарихга кирди.

Ушбу мақоланинг бош мавзуси бўлган, афшинлар сулоласи ҳукмдорлик қилган Уструшона мамлакатининг милодий I-IV асрлар сиёсий ҳаёти ҳақида ёзма манбаларда жўяли маълумотлар учрамайди. Шунга қарамадан, бу даврда Уструшона ўлкаси Суғд билан бирга Қанғ конфедератив давлати тасарруфида бўлганлигини ишонч билан таъкидлаш мумкин. Чунки ёзма манбалардан фарқли ўлароқ, милодий I минг йилликнинг биринчи ярми Уструшонанинг ўтроқ деҳқон воҳалари аҳолиси Қанғ давлатининг асосини ташкил этувчи чорвадор аҳоли билан моддий, маънавий ҳаёт

жиҳатидан кучли ўзаро алоқадорлик ва ҳамкорликда яшагани археологик манбаларда ўз ифодасини топган.

Марказлашган Кушон подшоҳлиги, иттифоқдош қабилалардан ташкил топган Қанғ давлати инкирозга учрагандан кейинги даврда Ўрта Осиё икки дарёси оралиғидаги собиқ вилоятларни ягона давлат байроғи остида бирлаштирадиган бошқа сиёсий куч йўқ эди. Шу сабабли, юқорида таъкидланган майда давлатлар қаторида Уструшонанинг мустақил мамлакат сифатида вужудга келиши ўз даврининг тарихий зарурати эди.

Уструшонанинг илк фаолияти даврида ҳам ўтроқлашув жараёнларининг давом этиши ва кучайиши натижасида қишлоқ хўжалигида, жумладан мамлакат иқтисодиётида сувли ерларга бўлган талаб ошади. Шу сабабли, мамлакатнинг тоғ ва тоғ олди ҳудудлари, Мирзачўл билан чегарадош дашт, Сангзор ва Зоминсув этақларидаги қакроқ ерларга сув чиқариш, янги ерларни ўзлаштириш ишларига катта аҳамият берила бошлайди. С. Анорбоевнинг фикрича, Жиззах воҳасидаги энг қадимги сунъий суғориш иншооти ҳисобланган, Зарафшоннинг Работи Хожа сув айирғич тўғонидан бош олган Туятортар каналига айнан шу даврда асос солинган ва каналнинг асосий сув манбаи Сангзор дарёси ўзанига ташланиб дашт ерларни ўзлаштиришга сарф этилган [Анорбоев, 1974, 74 б.]. Янги ўзлаштирилган ерларда пировардида деҳқончиликни касб этган чорвадорларнинг ёки маҳаллий деҳқонларнинг қалин, катта қолипдаги хом ғиштлардан, пахсадан баланд тағ курси сифатида бунёд этилган, улкан супалар устига қурилган кўшклари, атрофи мустаҳкам деворлар билан ўралган кўрғонлари, мукамал истехкомга эга ҳашаматли қасрлари қад кўтаради. Бундай ҳолатни Шаҳристонсой, Зоминсув, Сангзор дарёси ҳавзасида гавжум жойлашган, ушбу даврга оид шаҳар ва қишлоқ ёдгорликлари мисолида кўришимиз мумкин [Пардаев, Пардаев, Раҳмонов, 2014.].

Ўрта Осиёда Турк ҳоконлиги ҳукмронлиги ўрнатилгандан сўнг, дастлабки пайтларда ўлканинг қадимий, обод, тарихий-маданий воҳаларининг ўтроқ аҳолиси номинал тарзда ҳоконлик тасарруфига ўтган бўлсада, турк ҳарбий бошлиқлари эфталийлардан фарқли тарзда уларнинг ички ҳаётига деярли аралашмайдилар. Бу даврга оид манбалар маълумотида кўра, Амударё ва Сирдарё ўртаси, уларнинг ҳавзаси ва этагидаги мавзеларда ўн бешдан ортиқ майда, маҳаллий ҳокимлик ва амлоқлар мавжуд эди. Уларнинг иқтисодий ва сиёсий бошқаруви ерли сулола ҳукмдорлари қўлида қолдирилиб, ҳоконлик улардан фақат божу ясоқ ундириб олиш билан чекландилар. Бунинг эвазига ҳоконликнинг кучли қўшинлари деҳқончилик воҳалари чегараларини ташқи ҳужумлардан мудофаа қилиш, майда ҳокимликлар орасидаги ўзаро нифоқ ва низоларни, ҳарбий тўқнашувларни олдини олиш каби вазифаларни адо этган.

Уструшонанинг илк ўрта аср сиёсий, ижтимоий тарихи бўйича мавжуд манбалар атрофлича бўлсада, мамлакатда кечган муҳим сиёсий, ижтимоий воқеалар хабарини беради. Бу даврда Уструшона мамлакати 18 та маъмурий-рустоқ - қишлоқ хўжалиги округидан ташкил топган бўлиб, ҳудудий жиҳатдан унча катта бўлмаган мазкур рустоқлар маҳаллий зодагон - деҳқонлар, уруғ жамоа саркорлари томонидан бошқарила эди. Ҳар бир рустоқ саркори ўзининг ҳарбий кўрикчи отрядига эга бўлган, барча рустоқлар саркорлари тепасида мамлакат ҳукмдори, бутун Уструшона афшини турган ва унинг қўл остидаги фуқаролар, зодагонлар, ҳарбий ва диний-руҳоний амалдорлар устидан бироз чекланган ҳукмронлиги ўрнатилган. Мамлакат ҳукмдори - афшин йирик ер-мулк эгаси бўлган.

Кўп сонли қишлоқларни ўз тасарруфига олган рустоқларнинг саркори анча чекланган ҳуқуқларга эга бўлган. Уструшонадаги ҳукмрон табақанинг иерархияси ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Шунга қарамасдан, таъкидлашимиз мумкинки, ҳукмрон табақа мамлакатнинг олий ҳукмдори - афшин, қишлоқ хўжалигига асосланган маҳаллий амлоқ, яъни рустоқлар бошлиғи - саркорлар ва қишлоқ оқсоқоллари – қадхудо ва қоҳинлардан ташкил топган.

Таниқли уструшонашунос Н. Негматовнинг ёзишича, Уструшона афшинлари қўшини енгил ва оғир куроллар билан жанг қилувчи отлик аскар - суворийлардан ва пиёда қўшинлардан ташкил топган. IX-X асрларда бу қўшиннинг сони 20 мингдан анча ошган. Қўшин Уструшона афшини чакируви билан рустоклардан йиғилган, жумладан, бу қўшин таркибига саркорларнинг хусусий чокар отрядлари ҳам қўшилган. Қўшиннинг бош кўмондони мамлакат ҳукмдори афшин ҳисобланган. Мамлакат сарҳадларини қўриқлаш ишига, нафақат ҳарбий хизматчилар, балки чегара мавзеларида яшовчи кишлоқ аҳолисидан ҳам ҳарбий хизматга жалб қилинган [Негматов, 1957, с. 129-130]. Бунга ўхшаш мажбурий “хизмат чиқириғи” ёки “халқ лашкари” ўрта асрларда Самарқанд ва Бухоро Суғди Кампирак дворини қўриқлаш ишларида қўлланилган [Мирзаахмедов, Одилов, Пардаев, Мақсудов, 2002].

Уструшона мустақил давлат сифатида милодий V асрнинг биринчи ярмидан бошлаб фаолият юрита бошлайди. Бу ҳақда Хитой манбалари маълумот беради. Лекин бу даврдаги Уструшона ҳукмдорлари, уларнинг сулоласи, номлари ҳақида ҳозирча деярли маълумот йўқ. Бу мамлакат ҳудудидан топилган нумизматик топилмаларни мутахассислар дастлаб Кушон подшоҳлигининг сўнгги даври ҳукмдорларига оид, деб талқин қилишган. Лекин кейинчалик, Уструшона пойтахти Қалъайи-Қаҳқаҳадан топилган тангаларни алоҳида хусусиятларига қараб, уларни маҳаллий ҳокимиятга тегишли эканлиги аниқланган. Бу ерда VII асрнинг боши VIII асрнинг биринчи чораги (600-720 йиллар) оралиғида ҳукмронлик қилган ва улар томонидан зарб қилинган тангаларни тўлиқ асос билан афшинлар сулоласи вакилларига тегишли, деб эътироф этиш мумкин.

Ёзма манбалар ва нумизматик топилмалар асосида Уструшонада VII аср бошидан IX асрнинг 90-йилларига қадар ҳукмдорлик қилган ўн тўртта афшиннинг номлари тикланган, уларнинг фаолият давлари қисман аниқланган. О.И. Смирнованинг таъкидлашича, ушбу ўн тўртта ҳукмдорнинг дастлабки етти нафари Уструшона афшинларининг биринчи сулола вакиллари бўлиб, уларнинг ҳукмронлик йиллари тахминан 600-720 йиллар орлиғи билан даврланади. Биринчи сулола ҳукмдорлари - Чирдмиш, Сатачари I, Роҳанч I, Сатачари II, Сатачари III, Роҳанч II, Роҳанч III номлари билан аталган. Уструшона бошқарувининг иккинчи сулоласига тааллуқли етти нафар ҳукмдорнинг фаолиятига доир йил саналари нисбатан яхши аниқланган. Бунда, нафақат тангалардаги ёзувлар, балки ат-Табарийга ўхшаган ислом дунёси муаллифларининг асарларидаги маълумотлар ҳам катта аҳамият касб этган. Иккинчи сулола вакиллари - Харабуғро (720-738 й.), Ханахара (738-800 й.), Ковус (800-825 й.), Ҳайдар ал-Афшин (825-840 й.), Ҳасан ибн Ҳайдар (840-869 й.), Абдуллоҳ (869-880 й.), Сайёр ибн Абдуллоҳ (880-893 й.) [Грицина, 2000].

Уструшона ҳокимларининг ушбу сулолавий рўйхатини, албатта мукаммал илмий ишланма сифатида шакллантириш учун бу борадаги изланишларни давом эттириш лозим. Зеро, кенг қўламли археологик қазув тадқиқотлари натижасида топиладиган янги номлар остида зарб қилинган нумизматик материаллар бу рўйхатни тўлдириш учун муҳим ашёвий далил вазифасини ўтайди.

VI аср охирларида Турк хоқонлигини пароканда қилган ўзаро ички низолар, қабилалар орасида ҳокимият учун курашлар натижасида туркийларнинг энг қудратли, улкан давлати ҳисобланган хоқонлик 603 йилда икки мустақил давлатга ажралиб кетади. Улардан дастлабкиси Мўғулистонда ташкил топган Шарқий Турк хоқонлиги, иккинчиси Шарқий Туркистон, Жунғория ва Ўрта Осиёни ўз тасарруфига олган Ғарбий Турк хоқонлиги эди.

VII асрнинг бошидан охирига қадар Уструшона хоқонлик тасарруфидаги номинал давлат мақомида фаолият кўрсатган. Бу даврда турк хоқонларининг Уструшона устидан ҳукмдорлиги кучсиз эди. Уструшоналиклар хоқонлик хазинасига доимий равишда ўлпон тўламаганлар. Турк хоқонлари ўзларининг ҳарбий қўшинларини Уструшонада сақламаганлар, давлат бошқарувига ўз ноибларини юбормаганлар. Шунга қарамасдан, мамлакатнинг сиёсий ҳаётига, айниқса, ташқи сиёсатида хоқонликнинг бир қадар таъсири, шубҳасиз бўлган. Турк хоқонлиги Хитойга

бўйсунганидан кейин Уструшона номинал ҳолатда Хитой ҳукмронлигини тан олади. Хитой ҳокимияти тепасига Тан сулоласи (618-907) вакиллари келгандан сўнг, Уструшона ҳукмдори 618-626 йилларда Хитой императори Гао-Цзу ҳузурига ўз элчиларини юборади ва у орқали ўзини унинг байроғи остида хизмат қилишга тайёр эканлигини билдиради. [Негматов, 1957, с. 132].

Уструшонанинг кейинги сиёсий ҳаёти Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятлари каби асосан Араб халифалигининг босқинчилик юришларига қарши курашлар, дипломатик муносабатлар тарихидан иборатдир.

Арабларнинг Мовароуннаҳр вилоятларига уюштирган ҳужумлари мазмун-моҳият ва хронологик жиҳатдан икки даврга бўлинади. 670-705 йиллар мобайнида бўлиб ўтган дастлабки давр ҳарбий тўқнашувлари том маънода босқинчилик урушлари бўлиб, бу даврда арабларнинг асосий мақсади бойлик орттириш, халифалик хазинасини тўлдириш, маҳаллий ҳукмдорларнинг ҳарбий қудратини синаш учун бўлган. 705 йилда Хуросон ноибни этиб Қутайба ибн Муслим тайинлангандан кейин араблар томонидан Мовароуннаҳрга уюштирилаётган ҳарбий ҳаракатлар истилочилик кўринишини олади. Иккинчи даврдаги курашлар замирида Мовароуннаҳрни Араб халифалиги таркибига қўшиб олиш сиёсати асосий мақсад қилиб қўйилади. Мовароуннаҳр вилоятларини бутунлай ўз тасарруфларига олиш учун араблар деярли бир аср кураш олиб борадилар ва нихоят ўз ниятларини VIII аср охири IX аср бошларида руёбга чиқарадилар. Уструшона афшинлари бу даврда Араб истилосига қарши муҳофаа жанглари, халифаликнинг ташқи сиёсатига нисбатан муносиб дипломатик фаолиятни олиб борганлар. Шу сабабли, Уструшона Мовароуннаҳрнинг бошқа ўлкаларидан фарқли равишда тўлиқ Араб халифалиги таркибига энг охириги вилоятлардан бири сифатида 822 йилда ҳарбий куч орқали киритилган.

Расмий тарихий маълумотларга кўра, Уструшона ҳудудида арабларнинг илк маротаба пайдо бўлиши Хуросон ноибни Салим ибн Зиёд (680-683) даврида, халифаликнинг Мовароуннаҳрга уюштирган учинчи талончилик юриши даврига тўғри келади. Самарқандга етиб келган Салим ибн Зиёд қўшинни ёрдамчилари ихтиёрига топшириб, уни Хўжанд йўналиши томон сафарбар қилади. Манбалар хабарига кўра, бу қўшин Уструшона ҳудуди орқали Хўжандга етиб келади ва шаҳар остонасида маҳаллий ҳарбий кучлар томонидан қаттиқ мағлубиятга учратади.

Арабларнинг Уструшонага иккинчи юришлари Муҳаллаб ибн Суфра (697-701) қўмондонлигида содир бўлади. Хўжандгача борган ушбу қўшин шаҳар ва унинг атрофидаги мавзеларни талон-тарож қилади. Хуросоннинг навбатдаги ноибни Язид ибн Муҳаллаб (701-704) ва унинг ўғли Муҳаллад даврида Буттам (Бургар ва Мастчоҳ) вилояти истило қилинади. Лекин орадан кўп ўтмай Буттам аҳолиси кўзғолон кўтаради ва араблар томонидан қолдирилган гарнизонни ҳайдаб юборади. Ал-Балазурийнинг хабар беришича, Қутайба ибн Муслим (704-715) даврида лашкарбоши Жаҳма ибн Заҳр қўшинлари томонида Буттам қайтадан бўйсундирилади, у ердан катта миқдордаги бойлик, жумладан олтиндан ясалган санамлар ташиб кетилади. Тоғли ҳудудда жойлашган Бургар ва Мастчоҳ рустоқларига қарашли қишлоқ манзиллари – қалъа ва қўрғонларнинг чиқиш қийин бўлган қоялар устида жойлашганлиги, воҳаларнинг тоғлар билан ўраб олинганлиги, йўллардаги қийинчиликлар маҳаллий аҳолига ўзларининг мустақилликларини узоқ вақт сақлаб қолишларига, араб қўшинлари ғолиб келиб ўз ҳукмронликларини ўрнатганларидан кейин ҳам бу ҳукмронлик рамзий маънода эканлигига сабаб бўлади. Бу ҳолатлар эса Уструшонада Араб халифалигига тобелликни имкон қадар кучсизлантиришга, нисбатан мустақилликни IX асрга қадар сақлаб қолишга имконият яратган [Негматов, 1957, с. 133].

Уструшонашуносликнинг айрим масалаларига доир Суғд-Уструшона муносабатлари илк ўрта асрларнинг айнан шу давлари тарихига тааллуқлидир. Хусусан, Қутайба ибн Муслим 709 йилда ўткир хийла билан қудратли муҳофаа истехкомларига эга Бухоро шаҳрини забт этганидан сўнг, воқеаларни бундай тус олишидан кўрқиб кетган Суғд ихшиди Тархун Қутайба билан тўқнашувдан

кочиб унга тинчлик сулҳи тузишни таклиф қилади ва бунинг эвазига бир зайлда ўлпон тўлаш мажбуриятини олади. 710 йилда Тархун навбатдаги ўлпонни тўлагандан сўнг мамлакат ичкарисиди унга нисбатан норозилик кучайиб кетади ва суғд зодогонлари уни тахтдан четлаштирадilar, унинг ўрнига Ғурак (710-737) тахтга ўтиради. Ғуракнинг Суғд тахтига ўтиришини баъзи мутахассислар тасодифий ва ҳатто ноқонуний бўлган, деб ҳисоблашади. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида Ғуракнинг Уструшона афшинлари сулоласи билан яқин қондошлиги рўқач қилинади [Ғойибов, 2015, 140-141 б.].

Абу Хафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий қаламига мансуб “Ал-Қанд фих зикри уламо Самарқанд” (“Самарқанд уламолари зикрига доир қанддек ширин китоб”) китобда Суғд ҳукмдори Ғуракнинг асли келиб чиқиши туркийлардан эканлиги қайд этилган. Ушбу асар маълумотида кўра, Ғуракнинг авлодларидан бири ҳадисшунос уламо бўлган, унинг шажараси кўйидаги тартибда берилган: Абу Ҳусайн Убайдуллоҳ ибн ал-Марзбон ибн Туркаш Тақий ибн Касийр ибн Тархун ибн Баножур ибн Ғурак [Нажмиддин ан-Насафий, 2001, 127 б.]. Демак, мазкур шажара Ғурак билан қўшиб ҳисоблаганда етти авлод вакилидан таркиб топган. Ўрнатилган тартибга кўра, ҳар бир авлод орасидаги ўртача вақтни 25-30 йил қилиб оладиган бўлсак, демак Ғуракдан кейинги қарийб 200 йиллик тарихга эга мазкур шажарада унинг авлодлари қайд этилган.

Ўзма манбалар маълумотида кўра, Қутайба арабларнинг навбатдаги юришини Уструшонага 713 йилда, Фарғонага “ҳарбий юриш” уюштирган пайтда амалга оширган. 713-714 йилларда Қутайба бир неча марта Чоч ва Фарғонага ҳужум қилган ва ҳар сафар ғалаба қозонган. Манбаларнинг хабарига кўра, бу даврда у Уструшонанинг нафақат текислик ҳудудларида жойлашган аҳоли манзилларига, балки тоғ, тоғ олди ҳудудидаги шаҳар, қишлоқларга ҳам ҳужум қилган. Хусусан, ибн Ҳавқал ва ал-Истаҳрийнинг эътирофига қараганда, Қутайба ибн Муслим Минк қалъасида қора либос кийган одамлар билан жанг қилган, ал-Афшинни қамал қилган [Сверчков, 1994, с. 60].

VIII асрнинг 20-30 йилларидан бошлаб Араб халифалиги томонидан босиб олинган мамлакатлар ичида Мовароуннаҳр энг нотинч ва исёнкор ўлкалардан бири бўлиб қолаверди. Мовароуннаҳрда арабларга қарши кўзғолонлар авж олаётган бу даврда уммавийлар бошқараётган халифаликнинг ички ижтимоий ва сиёсий ҳаётида кескин инқирозлар пайдо бўла бошлаган. Хусусан, Ажам халқларининг истило қилинган ўлкаларидан араб зодагонлари хазинасига беҳисоб бойликлар оқиб келаётган бир шароитда халифаликка қарши халқ кўзғолонларининг авж олиши (Муқанна, Абруй кўзғолонлари, ...) зодагонлар манфаатига бутунлай тескари бўлиб, бу манфаатнинг давомийлигига раҳна соларди. Бу эса халифаликнинг олий мақом зодагонлари олдида, аввало Арабистонда, қолаверса, Ажам ўлкаларида сиёсий барқарорликни ўрнатишдек ўта муҳим, жиддий чора-тадбирларни бажариш вазифаси турар эди.

А. Муҳаммаджоновнинг ёзишича, “...ўзга юртларни босиб олиш, талаш, мазлум халқлардан ўлпон ва солиқлар ундириб олиш ҳамда ҳарбий куч сифатида улардан ўз истилоларида фойдаланиш каби ўта зўравонлик ва босқинчилик сиёсатида асосланган уммавийлар сулоласи Араб халифалигидек улкан давлатни бошқариш учун мутлақо ярамай қолган эди. Мамлакатдаги умумий вазият уммавийлар ҳукмронлигининг барҳам топишини талаб қилмоқда эди. Натижада, бу ҳукмрон сулолага қарши ишчан рақиблар гуруҳи пайдо бўлади, бу гуруҳга Муҳаммад пайғамбарнинг амакиси, Аббоснинг эвараси, Муҳаммад ибн Али асос солади. Уммавийлар Расуллоҳ авлодини қириб ташлашда айбланади. Халифаликни Аббосийларга топшириш керак, деган даъво илгари сурилади” [Муҳаммаджонов, 2004, 80-81 б.].

Ўзма манбалар маълумотларига кўра, Аббосийлар ҳаракатини тарғиб қилиш халифаликнинг барча ўлка ва вилоятларида авж олади. Бу борада, айниқса, шарқий ўлкаларга алоҳида этибор берилади. Ад-Диноварийнинг хабар беришича, VIII асрнинг 30-йилларидаёқ Марв, Бухоро,

Самарқанд, Нахшаб, Чағониён, Марвируд, Ҳирот, Толиқон, Бушенг, Сейистон каби катта нуфузга эга вилоятларда аббосийлар ҳаракатини тарғиб қилиш авж олади.

Уммавийларнинг ички ва ташқи сиёсатига қарши умумий норозилик, айниқса VIII асрнинг 40-йилларида халифа Марвон (744-750) ҳукмронлиги даврида кучаяди. Бунга хирож солиғи миқдорининг аёвсиз оширилиши, аҳолининг турли хил ҳашарларга муттасил, куч билан мажбурий жалб қилиниши сабаб бўлади. Шу тариқа VIII асрнинг 40-йилларида уммавийлар ҳукмронлигига қарши курашни Абу Муслим ўз қўлига олади ва аббосийлар сулоласи фойдасига 751 йилда давлат тўнтаришини амалга ошириб халифаликнинг таниқли шахсига айланади.

822 йилда Уструшона тоҳирийлар томонидан истило қилинади. В. Бартольднинг фикрича, бу араб халифалигининг Мовароуннаҳрга уюштирган энг охирги катта ҳарбий юришларидан бири эди. Хуросон ноиби Талха ибн Тоҳир (822-828) нинг кўрсатмаси билан унга халифалик марказидан ёрдамга келган Аҳмад ибн Абу Холид ал-Аҳвал Уструшонани забт этишда катта жонбозлик кўрсатади [Бартольд, 1963, с. 245-246].

Бу пайтда Уструшонада аббосийлар халифалиги тарихидаги машҳур лашкарбошлардан бири Ҳайдар ал-Афшиннинг отаси Ковус ҳукмдор эди. Араб истилочилари Ковусни халифалик билан Уструшона ўртасида тузилган шартномани бузганликда, ал-Маъмун хазинасига кам хирож тўлаганликда айблайдилар. Шунингдек, бу пайтда Уструшона афшини хонадони ўғиллари ўртасида ҳам турли низолар юзага келган эди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ковуснинг тўртта – Ҳайдар, Фадл, Хаша, Рашид исмли ўғиллари бўлиб, улар бир-бирлари билан душманлик ҳолатида эдилар. Ковуснинг иккинчи ўғли Фадлни қайнотаси, афшин саройи иш бошқарувчиси, таниқли зодагон Тарадис ўз паноҳига олиб валиаҳдликка унинг номзодини суради. Барча саъй-ҳаракатлари билан куёви Фадлни қўллаб-қувватлаган Тарадис Ҳайдарнинг шаънини ерга урувчи бўлмағур, бўхтон ва иғволарни ҳам таркатади. Бундан дарғазаб бўлган Ҳайдар жаҳл устида Тарадисга пойтахт Бунжикатнинг Кунб дарвозаси олдида хужум қилади ва уни ўлдиради. Бу воқеадан сўнг Ҳайдар Хуттал ҳукмдори Ҳошим ибн Мухаввар ал-Хутталоний ҳузурига қочиб кетади ва хат орқали бўлган воқеаларни отаси Ковусга тушунтириб уни ўз томонига оғдириб олмоқчи бўлади. Отасидан ижобий мазмундаги жавоб хатини олмагандан сўнг, Ҳайдар халифалик пойтахти Бағдодга жўнайтиди. Н.Негматовнинг ёзишича, у ерда Ҳайдар халифа Маъмун қабулида бўлади, унга Уструшона мамлакатининг енгилмас, истило қилиб бўлмас ўлка эканлиги ҳақидаги фикрларни афсоналигини тушунтиради ва 822 йилда қисқа тоғ йўли орқали Аҳмад ибн Абу Халид ал-Аҳвал бошчилигидаги катта қўшинни ўз ватани истилоси учун бошлаб келади. Бундан хабар топган Ковус турклардан ёрдам сўраб Фадлни жўнатади. Лекин турклар етиб келгунга қадар араб лашкарлари пойтахт Бунжикат мудофаа деворлари олдида пайдо бўладилар. Афшин Ковус қутилмаган тезликда пойтахтни қамалга олган ал-Аҳвал қўшинлари олдида ожиз қолади ва таслим бўлади. Бу воқеалардан хабар топган Фадл тунда турклар лагерини ташлаб чўлга қочади ва араблар қароргоҳига келади [Негматов, 1957, с. 139]. Манбаларда туркларни сувсиз чўлда чанқаб ҳалок бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Бизнинг фикримизча, бу маълумотлар тарихий ҳақиқатдан анча йироқ бўлиб, биринчидан, турклар аслида чўл-дашт халқи, чорвадорлар бўлиб, улар бу ҳудуднинг қаерида сув захиралари бор ёки йўқлигини яхши билишган. Иккинчидан, Сирдарёнинг икки қирғоғи билан тутшиб кетган чўл-дашт ҳудудларида Қорақум ёки Қизилқум сингари катта масофаларда жойлашган қақроқ мавзелар деярли йўқ. Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, турк лашкарларини Фадлнинг қочиб кетганидан сўнг бундай ҳалокатга учрашини мантиққа, тарихий ҳақиқатга зид, деб ҳисоблаймиз. Ушбу ҳолат араб тилли муаллифлар томонидан сохталаштирилгани эҳтимолдан холи эмас.

Арабларга таслим бўлган Ковус ва Фадл Бағдодга жўнатилади ва у ерда иккаласи ҳам ислом динини қабул қилади. Ковус Уструшона ҳукмдори сифатида ўз ўрнини сақлаб қолади. Унинг

валиаҳди қилиб Ҳайдар ал-Афшин тайинланади. У халифа қўшинида хизматда қолади ва ал-Муътасим (833-842) даврида амир ал-мўмининнинг машхур, бош саркардаси бўлиб етишади.

Уструшонанинг тамомила забт этилиши халифаликнинг Маъмун давридаги ташқи сиёсати учун шунчалик аҳамиятга молик бўлдики, ат-Табарийнинг ёзишича, бундай муваффақиятдан мамнун бўлган Хуросон ноиб тоҳирий Талха лашкарбоши Аҳмад ибн Абу Ҳамид ал-Аҳвалга 2 миллион, унинг котиби Иброҳим ибн ал-Аббосга 500 минг дирҳам ва яна беҳисоб совғалар инъом қилади.

Шундай қилиб, Уструшона мамлакати, айниқса, унинг тоғли мавзеларида жойлашган қалъа кўрғонларда яшовчи аҳоли Қутайба ибн Муслим даврида бошланган истилочилик ҳаракатларидан кейинги юз йил давомида ҳам ўз мустақиллигини сақлаб қолишга муваффақ бўлдилар. Уструшона афшинлари араб лашкарбошилари, Хуросон ноиблари билан келишувчилик сиёсатини олиб бордилар. Халифалик қўшинлари ҳужумини қайтаришга кучлари етмай қолган пайтда сулҳ тузишга, товон пули, турли совғалар инъом қилиш орқали, сиртдан ўз тобеликларини тан олган ҳолда, тахтларини, ҳукмрон афшинлар хонадонини сақлаб қолишга эришдилар. Ислом динини қабул қилиш жараёни ҳам уструшоналикларда бошқа вилоятлар аҳолисига нисбатан анча суст кечди. Манбаларда уструшоналиклар истилочиларда шубҳа туғдирмаслик учун исломни хўжа кўрсинга қабул қилиб, асл руҳоний ҳаётда ўзларининг аждодларидан қолган аввалги “оқ дин”ларига сиғинишни, қадимги урф-одатларга амал қилишни давом эттиришган. Уструшона 822 йилга қадар Араб халифалигига бир зайлда ҳеч қачон хирож тўламаган. Исломни қабул қилмаган уструшоналиклардан жон солиғи, жизя олингани ҳақида ҳам ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Бунга сабаб, қачонки араблар Бухоро, Самарқанд каби марказий шаҳарлардаги аҳоли хонадонларининг муайян қисмида муқим яшаб, у ердаги иқтисодий ва маънавий ҳаёт тизгинини ўз қўлларига олганларидан кейингина маҳаллий халқнинг руҳоний турмуш тарзини назорат қилиш имкониятига эга бўлганлар. Натижада, жизяга тортиладиган ёки ундан озод бўладиган аҳоли таркиби аниқланган. Уструшонада эса 822 йил мамлакат узил-кесил забт этилиб, Араб халифалиги таркибига бутунлай қўшиб олингунга қадар арабларни бу мамлакатда муқим жойлашиб, маҳаллий аҳоли билан бирга яшаганликлари манбаларда қайд этилмаган.

822 йилдан бошлаб Уструшона афшинлари сулоласи ўз мустақиллигини қўлдан бой берди ва халифаликнинг номинал таркибий қисми Тоҳирийлар давлати тасарруфидаги тобе мамлакатга айланди. Уструшона шу даврдан бошлаб барча арабзабон тарихчи, географларнинг асарларидан муносиб ўрин ола бошлайди. У Хуросон ва Мовароуннаҳрни бирлаштириб бошқарган Тоҳирийлар давлатининг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим стратегик аҳамиятга эга вилоятлардан бирига айланади. Шу даврдан бошлаб Уструшона Тоҳирийларга мунтазам равишда 50 минг (шундан 48 минг муҳаммадий, 2 минг мусаййабий) дирҳам хирож тўлай бошлаган.

Мовароуннаҳрда барпо этилган мустақил, марказлашган сомонийлар давлати даврида Уструшонада ҳукмронлик қилган афшинийлар сулоласи 893 йилда тугатилади. Кейинги даврлар ёзма манбаларида қайд этилган Уструшона атамаси мустақил давлатни эмас, балки муайян давлатнинг бир вилояти номи сифатида қўланила бошлаган. Демак, Уструшона сомонийлар ва ундан кейинги давлатлар таркибида вилоят мақомини олади. Сўнгги ўрта асрларга оид манбаларда, хусусан “Бобурнома”да “Усрушна” атамаси билан қайд этилган муайян мавзе сифатида Бунжикат – Шаҳристон ва Ўратепа атрофлари тушуниланган. Ислом дини ва маданияти қарор топгандан сўнг бу мамлакатдан кўплаб Уструшонийлар, Дизакийлар, Зоминийлар, Хавосийлар, Пишағорийлар етишиб чиққан ва бу алломалар диний, дунёвий фанларнинг турли йўналишларида самарали ижодий фаолият олиб борганлар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Анорбоев С. Туятортар канали қурилиши тарихи // Археологлар ҳикоя қилади. Тошкент, 1974.
2. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. I. Москва, 1963.
3. Гафуров Б.Г. Таджики: древнейшая, древняя и средневековая история. Кн. I. Душанбе, 1989.
4. Грицина А.А. Уструшанские были. Ташкент, 2000.
5. Мирзаахмедов Ж., Одилов Ш., Пардаев М., Мақсудов Р. Қизилтепа қадимиятидан лавҳалар. Тошкент, 2002.
6. Муҳаммаджонов А.Р. Ўзбекистон тарихи (IV асрдан XVI аср бошларигача). Тошкент, 2004.
7. Нажмиддин ан-Насафий. Самарқандия. Араб тилидан Усмонхон Темурхон ўғли ва Бахтиёр Набихон ўғли таржимаси. ЎМЭ. Тошкент, 2001.
8. Негматов. Н.Н. Уструшана в древности и раннего средневековья. Сталинабад, 1957.
9. Отахўжаев А.А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида Турк-Суғд муносабатлари. Тошкент, 2010.
10. Пардаев М.Х. Илк ўрта асрларда чўл маданиятини Жиззах ва Бухоро воҳасига таъсири // ОНУ. -№ 4-5. Тошкент, 1998.
11. Пардаев М.Х., Пардаев Ш.М., Раҳмонов Х.Ў. Шимоли-ғарбий Уструшонанинг археология харитасига доир сўнги маълумотлар // Ўзбекистон Археологияси. №1(10), Самарқанд, 2015.
12. Пардаев М.Х., Гофуров Ж.И. Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари (ёзма ва археология манбалари асосида). Тошкент, 2016.
13. Смирнова О.И. Каталог монет с городища Панджикент. Москва, ИВЛ, 1963.
14. Сверчков Л.М. Замок Мык и его округа. Древний Заамин. Ташкент, 1994.
15. Ғойибов Б.С. Суғд конфедерацияси: шаклланиши, тараққиёти, таназзули. Тошкент, 2015.

ҒАРБИЙ УСТРУШОНА РУСТОҚЛАРИНИНГ СУҒОРИЛИШИГА ДОИР

С.С. Суёнов

ЎзР ФА Миллий Археология маркази
Самарқанд археология институти

Инсоннинг яшаш шароити тўғридан-тўғри сув билан боғлиқ бўлиб, ер юзидаги қадимги манзилгоҳлардан тортиб, ҳозирги кундаги қишлоғу шаҳарларгача, ҳаммаси сув манбалари–булоқлар, сойлар, дарёлар ва кўлларга яқин бевосита уларнинг бўйида жойлашган. Сув инсон ҳаёти учун энг олий неъмат, шу боис, ўлкамиздаги кўллар, дарёлар, сойлар, булоқлар, ҳаттоки унинг баланд тоғларидаги қорликлар ва музликлар тўғрисидаги билимлар асрлар давомида халқ хотирасида, тарихий–археологик ёдгорликлардава ёзма манбаларда тўпланиб келган. Афсуски, бу масала ўлкамиз мисолида В.В. Бартольд, Я.Ф. Ғуломов, А.Р. Муҳаммаджонов каби олимларнинг фундаментал асарларини ҳисобга олмаганда, яхши ўрганилган эмас. Археолог Я.Ф. Ғуломовнинг таъкидлашича, суғориш ишларига асосан эрамининг бошларида, яъни Кушонлар империяси давридакатта эътибор берилган. Ҳудди шу даврда Жанубий Ўзбекистондаги Занг, Тошкент воҳасидаги Бўзсув, Самарқанд воҳасидаги Эски Анхор, Жиззах воҳасидаги Туятортар, Бухоро вилоятидаги Шохруд ва Ромитанруд, Хоразмдаги Қирққиз ва бошқа каналлар қазилган ва қайта тикланган [Ғулямов, 1957, С. 275].

Биз тадқиқотлар олиб борган, Уструшона деб аталган давлатнинг ғарбий, шимоли-ғарбий қисми асосан паст текислик, қир, баланд адирлар ва тоғлардан иборат воҳани ўз ичига олади. Бу воҳа Сирдарё ва Зарафшон дарёларининг оралиғида жойлашган бўлиб, уни жанубдан Морғузар, ғарбдан Қўйтош тоғлари ўраб туради. Ҳудуднинг сатҳи жануб ва жанубий-ғарб томонга аста-секин

кўтарилиб боради, Сангзор дарёси ҳосил қилган текисликлар, тоғ этакларига сўнгра тоғ тизмаларига тарқалади [Дунин-Барковский, 1976, 176-бет]. Ер юзидаги дарёлар ўзининг таркиб топиш жараёнида ва узоқ даврлардан буён доимо бир йўналишда оқмаган. Олимларнинг фикрича, шимолий ярим шардаги дарёларнинг аксарият қисми ўнг қирғоғи томон “силжиб” бориши аниқланган. Бунга сабаб, ҳаракатдаги ҳар қандай жисм шимолий ярим шарда ўнг томонга, жанубий ярим шарда эса чап томонга қараб оқади. Географик нуқтаи назардан олиб қараганда, Амударё билан Сирдарё бир миллион йил давомида фақат ўнг қирғоғини ювавериб, тахминан 300-400 км дан ортиқ масофага силжиган Бу силжишлардан “тошзор” маъносини англатувчи Сангзор дарёси ҳам четда қолмаган. Сангзор дарёсининг шаклланиши бундан миллион йиллар олдин энг қадимги голоцен даврида бўлганлиги айтилади. Ўша даврда Сангзор дарёси Зарафшон дарёсининг ўнг қўл ирмоғи сифатида Чумқартовдан, яъни Бахмал тоғларидан бошланиб, шимоли-ғарбга ҳозирги Самарқанд ва Жиззах вилоятлари чегарасидаги “Юқори нуқта” дан, қарийб 10 км. лар жанубдан Зарафшонга қуйилган. Гидрогеолог, географ мутахассисларнинг фикрига кўра, бундан миллион йиллар аввалги кучли zilzilalar натижасида ер сатҳининг рельефи ўзгариб кетган ва Сангзор ўз йўналишини шимол томонга ўзгарган. Натижада, Бахмал қишлоғидан шимолга қараб Нурота тоғигача, ғарбдан Булунғур атрофигача катта қўл ҳосил бўлган. Вақтлар ўтиб сув кўпайган сайин унинг босими ҳам кучайиб борган. Натижада Нурота ва Моргузар тоғ тизмалари туташган энг кучсиз, энсиз жойидан сув сизиб ўтиб, дастлаб шарқ томонга қараб оқа бошлаган. Тўпланган сув босими остида тоғ тизмасининг емирилиши оқибатида ҳозирги Темир дарвозанинг ўрни ва Илонўтти пайдо бўлади. Аста-секин икки тоғ оралиғида дара ҳосил бўлиб, ундан оқётган сув тўғри Сирдарёга бориб қуйилади. Йиллар ўтиб дарё ўз ўзанини ўзгартириб шимол томонга тескари оқа бошлайди. Шу зайлда Сангзор дарёси юзага келади. Сангзор дарёси Туркистон тоғининг 2300 м, баландликдаги Шунқор тоғ тизмаси шимолий ён бағридаги тоғ сойлари –Гуралаш, Бойқўнғир, Жонтака, Қуруқсойларнинг қўшилишидан пайдо бўлади ва Моргузар тизмасини ёқалаб Ғаллаорол, Жиззах водийлари томон оқади. Сангзор дарёсининг сув йиғиш майдони 2580 км² ни, илк манбасидан Қили қишлоғигача бўлган узунлиги 123 км.ни ташкил қилади. Дарёдаги сув оқимининг ўртача секундига 6 метр кубга тенг бўлиб, ёмғир кўп бўлган йилларда (1969 йилда) энг юқори сув оқими 250-300 метр куб секундга тенг бўлган. Воҳага сел келган йилларда энг кўп сув оқими 411 метр куб секундгача етиб борган [Нишонов, 1980, 15 б.].

Сангзор дарёси ўтмишда учта маданий ўлка - Бурнамад (Бахмал), Харакана (Ғаллаорол), Фекнон (Жиззах) рустоқларининг асосий сув манбаи бўлиб хизмат қилган. Сангзор дарёсига Бурнамад (Бахмал) рустоқигача, Туркистон ҳамда Моргузор тоғ тизмаларидан унча йирик бўлмаган Аллаусмон, Уйбодом, Кўкжар, Теракли, Палахмон, Оқмулла, Шойбексойларнинг сув манбаи келиб қўшилади. Уструшонанинг Харакана (Ғаллаорол) даги қадимги шаҳар харобаси Қўрғонтепагача, Сангзор дарёсига яна бир неча кичик сув манбалари Данғарасой, Оққўрғонсой, Тоғапсой, Тангатопдисой, Жумжумсой, Вадигансой, Еттиқушонсой ва Турғунсойлар қўшилиб дарё сувининг катта бир қисмини ташкил қилади. Шу сойлар билан бир қаторда Зарафшон дарёсидан бош олган Туятортар каналининг суви ҳам Ғаллаорол туманининг Ўрта ва Гул қишлоқлари оралиғидан ўтиб Сангзор дарёсига келиб қўшилади. Туятортар каналининг Сангзор дарёсигача узунлиги 90 км.га тенг бўлиб, ундан секундига 50 метр кубгача сув оқади. Бу йирик тўпланган сув манбаи орқали Сангзор дарёси Харакана (Ғаллаорол), рустоқини сув билан таъминлаб ўз йўналишини Фекнон (Жиззах) томон ўзгартиради. Сўнгра дарёда йиғилган сув манбаи воҳага бориб, бир неча суғориш тармоқларига бўлиниб кетади.

Кейинги йилларда олиб борилган археологик қидирув ва қазув тадқиқотлари натижасига кўра Сангзор дарёси ҳавзасида ўтроқ ҳаёт ва деҳқончилик асосан антик даврдан бошланиб, илк ўрта асрларда оммавий тус олганлигини кўрсатади. Бунинг ҳисобидан Сангзор дарёси билан боғлиқ

суғорма дехқончилик мавзеларида илк қалъа-работлар қурилиши, турар жой бинолари (шаҳарлардан ташқарида) қад кўтарган бўлиб, Пардакултепа, Комилбоботепа, Ёқуббоботепа (Жиззах), Қинғиртепа, Алмантепа I, Алмантепа II (Ғаллаорол) ёдгорликлари шулар жумласидандир [Пардаев, 1992; Пардаев, Ғофуров, 2016, 71-111 б.]. Айниқса, илк ўрта асрларда Сангзор дарёси орқали воҳада суғориш ишларига катта эътибор қаратилади. Сангзор дарёсининг қуйи ўзанида бир қатор йирик сунъий суғориш тармоқлари қазиб чиқарилади. Бундан ташқари Сангзор дарёсининг ўрта оқимида бунёд этилган Алмантепа I, II қалъа работлари атрофида ҳам суғориш шаҳобчалари бор эканлиги қайд қилинди. Бу суғориш шаҳобчаларнинг бош ўзани Сангзор дарёси эканлиги тадқиқотлардан маълум бўлди. Сангзор дарёсининг қуйи қисмида эса Жиззах воҳасининг 2 та - Қалиятепа (шарқий), Ўрда (шимолий) кўҳна шаҳарлари билан боғлиқ қадимги суғориш шаҳобчаларининг эски ўзани борлиги аниқланди. Бу тармоқлар ҳозирги кунда ҳам фаолият кўрсатаётган Жиззахнинг қадимги ўн икки ариғи билан боғлиқ эканлиги айtilган [Пардаев, Суюнов, 1993, 52 б.]. Тадқиқотлар якунида шу маълум бўлдики шимоли-ғарбий Уструшонанинг Бурнамад (Бахмал), Харакана (Ғаллаорол), Фекнон (Жиззах) рустокларининг асосий сув манбаи Сангзор дарёси эканлиги аниқланди. Айниқса, Зарафшон дарёсидан бош олган Туятортар канали орқали олиб келинган сув Сангзор дарёсига қўшилиб, воҳадаги янги суғориш тармоқларининг бунёд бўлишига сабаб бўлди. Сангзорнинг узвий давомчиси бўлган Қили суғориш тармоғининг узунлиги 40 км га яқин бўлиб, Сангзор дарёсида ёмғир кўп бўлган пайтларда сел сувларининг бир қисми Қили суғориш тармоғига келиб қўшилади [Нишонов, 1980, 23 б.]. Қили дарёсининг қадимги ўзани Куёвбоши қишлоғидан бошланади. Бу ўзан дастлаб Теракли қишлоғи орқали ўтади. Ўтмишда ҳам Сангзор дарёсининг истеъмолга яроқли бўлган суви Қили ўзани орқали оқиб турган. Бу эса Қили дарёчаси ҳавзасида ҳам қадимда турар жой масканларининг қурилишига муҳим омил бўлган. Ўрда суғориш шаҳобчасининг шимолий ва шимоли-ғарбий сарҳадларида жойлашган Қили суғориш ҳавзасидаги ёдгорликлар ҳам Ўрда археология ёдгорликларининг узвий давомчиси ҳисобланади.

Жиззах шаҳридан 25 км узоқликда, Нурота тизмалари ўзига хос тоғ дарасини ҳосил қилган жойда Қулфисарота қабристонини жойлашган. Қадимшунос Я.Ғуломовнинг таъкидлашича Қулфисар атамаси “йўлнинг бош қулфи” маъносини беради. Қулфисар орқали Жиззах воҳасини Чимкўрғон ва Жанубий Қозоғистон билан билан боғловчи эски савдо йўли кесиб ўтган [Гулямов, 1961, С. 36]. Шунингдек, қаторида Қили дарёсининг қирғоғида Дунётепа ёдгорлиги жойлашган бўлиб, ёдгорлик ташқи кўриниши жиҳатидан икки поғанали, ўрта асрларга оиддир. Дунётепа ёдгорлигидан 50 м жанубда Тўрткўлтепа ёдгорлиги жойлашган. Унинг кўриниши квадрат шаклда бўлиб, жойлашган ўрни жиҳатидан ўрта асрларда, Ўтрорни Нурота билан боғлаган савдо йўли ҳар 25-30 км масофада қурилган работ (карвонсарой)лар занжирига ўхшаб кетади. Қулфисар работи ҳам мазкур тизим таркибига кирган. Умуман олганда, Сангзор дарёсининг истеъмолга яроқли суви қадимдан Қили дарёси орқали мунтазам оққан. Чунки эрамизнинг бошларига оид Дунётепа ёдгорлиги ва унинг атрофидаги ер майдонлари Қили дарёсидан бош олган суғориш тармоқлари ҳисобидан ўзлаштирилган. Археолог М. Пардаев ҳам ўз тадқиқотларида Сангзорнинг истеъмолга яроқли сувини Қили ўзанигача етиб борганлигини, унинг ортиқчасувлари эса Тузконга қуйилганини айтиб ўтган [Пардаев, 1995, С. 9-10].

Хулоса қилиб айтганда, Сангзор дарёси ҳавзасида иқлим шароити мўътадил бўлганлиги сабабли, воҳа аҳолисининг ўтроқ ҳаёти ва улар билан чамбарчас боғлиқ сунъий суғориш ишлари эрамизнинг бошларида вужудга келади. Сангзорнинг юқори, ўрта ва қуйи ирригация районларида Ойдинсойтепа, Кўрғонтепа, Қалиятепа ва Ўрдатепа шаҳар харобаларининг ҳозирги кунгача сақланиб қолганлиги, бу ўлканинг азалдан шаҳар қурилиши маданияти ва ундаги ҳаёт тарзи давомийлигини кўрсатади. Ушбу давр ёдгорликларининг яхши сақланганлиги Сангзор дарёси билан боғлиқ суғорма дехқончилик районларининг суғорилиш тарихини ўрганишга асос бўлади. Айниқса,

араб халифалиги истилосига қадар ғарбий, шимоли-ғарбий Уструшонанинг барча ҳудудларида, жумладан унинг мавжудлик ўрта асрлар қишлоқ маконларида ҳам суғориш тармоқлари кенгайиб, суғориладиган экин майдонларининг ортганлиги кузатилади. Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда илм-фаннинг ривожланиши билан бир қаторда воҳада ҳам ирригация соҳасида бой тажриба тўпланди. Бунинг ҳисобидан суғориш ишлари мураккаб бўлган ерларга оддий муҳандислик қурилмалари асосидаги механизм (чиғир, чархпалак) лар орқали сув чиқариш йўлга қўйилади. Сўнгги ўрта асрларга келиб Сангзорнинг юқори ва ўрта ирригация районларида аҳолининг сонининг ўсиши ва суғориладиган ер майдонларига бўлган талаб ортганлиги боис, Сангзорнинг қуйи ўзанларига сув етиб бормади. Воҳада мавжудсуғориш билан боғлиқ бўлган муаммолар токи XIV асрнинг охиригача давом этади. Ушбу муаммоларнинг ечими сифатида Зарафшон дарёсининг суви Туятортар канали орқали Сангзор дарёсига олиб келинади. Бу эса Жиззах воҳасининг қуйи ўзанларида суғориш билан боғлиқ муаммолар ечимини топиш учун асосий омил бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. Ташкент, 1957.
2. Гулямов Я.Г. Кладбище Кулпи-сар // ИМКУ, Вып. 2, Ташкент, 1961.
3. Дунин-Барковский Л.В. Физики-географические основы ирригации. М, 1976.
4. Нишонов С.А. Жиззах вилояти. Тошкент, 1980.
5. Пардаев М.Х. Сангзор ҳавзасининг илк ўрта аср қалъа рабодлари. Самарқанд, 1992.
6. Пардаев М.Х., Гофуров Ж.И., Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари (ёзма ва археология манбалари асосида). Тошкент, 2016.
7. Пардаев М. Х., Суёнов С.С., Шимоли-ғарбий Уструшонанинг суғорилиш тарихидан. Ўзбекистон қадимда ва ўрта асрларда. Маърузалар баёни, Самарқанд, 1993.
8. Пардаев М.Х., Северо-западная Уструшана в эпоху раннего средневековья (по материалам нижнего течения р. Сангзар), АКД, Ташкент, 1995.

УСТРУШОНАДА АНИҚЛАНГАН ЯНГИ ҚАБР ТИПЛАРИ ҲАҚИДА

Ф.Э. Тошбоев,
ЖДПИ, Жиззах

Шимоли-ғарбий Уструшона ҳудудидаги мазорқўрғонларда олиб борилган тадқиқотлар улардаги қабр тузилишлари катакомба, айвонли лаҳад, ёрма ва ўра гўрлардан иборат эканлигини кўрсатмоқда. Бироқ, материаллар таҳлили Уструшона чорвадорлари учун яна бир қабр тузилиши хос эканлигини кўрсатмоқда. Бу қабрлар “тош дахма”лардан иборат бўлиб, уларнинг воҳада шу пайтгача ўрганилган қабр тузилишларида ўзига хос фарқлар мавжуд эканлиги Фориш тумани (Қамиш) ва Ш. Рашидов тумани тоғ-мавзелари (Кўрпа)да олиб борилган изланишлар натижасида аниқланди.

XX асрнинг 70-80-йилларида Уструшона чорвадорларига мансуб мазорқўрғонлар тарихини ўрганишда янги давр бошланган. 1970 йил ЎЗР ФА Археология институти томонидан С.Р. Раҳимов бошчилигидаги махсус экспедиция Фориш туманининг Қулфисар, Қоратош, Осмонсой, Хонбанди, Калтепа, Бирэшак, Учма каби қишлоқлари атрофидаги мазорқўрғонларни аниқлаган [Раҳимов, Р.27]. Қоратош I ва Қоратош II мазорқўрғонларида қазув ишлари ўтказиб биронтасида жасад суякларини қайд этмаган. Қулписар мазорқўрғонларида эса сақланиши жуда ёмон ҳолатдаги одам суяклари қайд қилинган [Раҳимов, 11-14]. Улардаги қабр ўраси чуқурлиги саёз, асосан 1 м. гача

бўлиб, бу мозоркўрғонлар усти тупроқ ва тошлар билан ёпилган. 1981 йилда эса археолог Р.А. Бадахов томонидан Фориш туманида жойлашган мозоркўрғонларни аниқлаш бўйича экспедиция уюштирилиб, Илончисой, Қизилқиясой, Қуйи Учма, Болабансой, Сассиксой, Байбучасой, Сафаротасойининг ўнг ва чап қирғоқлари, Эски Фориш, Янгиқишлоқ, Чорлавуқ қишлоқлари атрофларидан кўплаб мозоркўрғонлар аниқланган[Бадахов, Самарканд: 1981, л. 3-5 Ф.6,О.1, Д.4]. Шундан кейин туманда чорвадорлар маданиятига оид бирорта қидирув ва қазув тадқиқотлари ўтказилмаган. 2016 йилда Жиззах экспедицияси аъзолари М.Ҳ. Пардаев бошчилигида Ф.Э. Тошбоев, О.У. Мамиров, А.Н. Холматовлардан иборат таркиб Фориш туманидаги чорвадорлар моддий маданиятига оид ёдгорликларни ўрганиш мақсадида илмий дала сафари уюштирди ва отряднинг изланишлари асосан, Қамиш қишлоқ худудида олиб борилди. Кузатишлар натижасида, қишлоқнинг шимолий-ғарбий қисмида алоҳида ва гуруҳ тарзида жойлашган, ер устида кўриниши турли катталиқдаги 41 та мозоркўрғон қайд қилинди. Ушбу мозоркўрғонларнинг кўпи алоҳида жойлашган ва ўлчами 3 м х 2 м; 5 м х 6 м, 10 м х 8 м, баландлиги 20-80 см атрофида қабрлар усти тош уюми ва унинг устидан тўлиқ тупроқ қатламидан кўтарилган.

Айни пайтгача маҳаллий аҳоли томонидан ушбу мозоркўрғонлардан баъзиларининг устидаги тупроқ ва тошлар иморат қуриш учун ташиб кетилган. Улар орасидан сопол идишлар ҳам қўлга киритилган. Ушбу бузилган – устки қатлами олинган мозоркўрғонларда қазув ишлари олиб борилди. Қабрлар қазилиш навбати бўйича тартиб рақам билан қайд этилди. 1- мозоркўрғон 10 м х 8 м ўлчамида. Мозоркўрғон устки қисми бузилган, шундай бўлсада, мозоркўрғон марказида қабр ўрни деб тахмин қилинган майдон тозаланди. Тупроқ ва тош қатлами остида тош плиталардан ясалган махсус супа борлиги маълум бўлди. Аҳоли томонидан қабрга тегишли тошлар ва тупроқ олинаётганда буюмлар ва жасад суяқларининг кўпи чиқариб ташланган. Кейинги қатламда супанинг энг қуйи қисмига тахланган тошларгина сақланиб қолган. Тошларнинг усти ва атрофида сопол идиш парчалари, темир қурол парчаси ва сақланиши жуда ёмон ҳолатда бўлган одам суяқлари қайд қилинди. Бизнингча, ушбу йирик тошлардан ясалган супа устига марҳум дафн этилган. Тош плиталар остида ердан қазиб тушилган қабр камераси излари йўқ. 2- мозоркўрғон ҳам бузилган. Сақланиб қолган қисми 7 м х 8 м ўлчамда. Устидаги тупроқ ва тош уюми иморат қуриш учун олинган. Материкдан 0,4 м чуқурликда маданий қатлам излари йўқолди. Бизнингча, бу қабрда ҳам юқоридагига ўхшаш ҳолат бўлган, яъни тош супа устига марҳум дафн этилган. Супа эса бузилган. Ҳар жойда сақланиши жуда ёмон ҳолатдаги одам суяқлари қайд қилинди. Бироқ, тупроқ ва тош уюми остида ердан қазиб тушилган қабр камераси излари йўқ. 3- мозоркўрғон сақланиб қолган қисми 6 м х 8 м ўлчамида бўлиб, у ҳам бузилган. Қабр тупроғи орасида одам суяги парчалари қайд қилинди. Бизнингча мозоркўрғон устидаги тошлар олинаётганда ер юзасига яқин бўлган қабр камераси бузилган ва жасад суяқлари юзага чиқарилган. 4- мозоркўрғон, у ғарб томонда алоҳида унча катта бўлмаган қабрлар гуруҳига тегишли ва 3 м х 2 м ўлчамига эга. У бузилмаган, баландлиги 0,3 м, усти тупроқ ва шағал уюми билан ёпилган. Лаҳат поли материкдан 0,6 м атрофидаги чуқурликда маданий қатлам излари йўқолди. Қабрда дафн этиш билан боғлиқ бирор манба қайд этилмади. У рамзий маънодаги кенотаф.

Қамиш мозоркўрғонлари комплексида қабр сифатида барпо этилган кишининг диққатини тортадиган нарса қабрлар тупроғи ва тошларининг бошқа жойдан ташиб келтирилганлигидир. Атроф худуд, жумладан, мозоркўрғонларнинг шарқий қисмидаги иморатлар солинаётган жой тупроғи, шағал ва майда тошли ер қатламидан иборат бўлиб, бу яқин атрофда мозоркўрғонларни устидаги каби тоза, соз тупроқ йўқ. Шунинг учун бугунги кунда аҳоли ушбу мозоркўрғонлар устидаги тоза тупроқдан уй-жой қуриш ишларида тошларидан эса иморат пойдеворини кўтаришда фойдаланмоқда. Аҳоли томонидан биз юқорида санаб ўтган учта (1, 2 ,3) мозоркўрғоннинг устидаги тупроқ ва тошлар олинаётган пайтда, қабрдаги кулоллик идишлари ҳам олинган. Ушбу

мозоркўрғонларнинг ҳар биридан уларнинг даврий санасини аниқлашга асос бўладиган, икки учтадан кулоллик идишлари мавжуд. Бу кулоллик буюмлари милодий III- IV асрларга оид. Улар айни пайтда Фориш тумани ўлкашунослик музейига топширилган.

Қамиш мозоркўрғонларини ўрганиш мобайнида Фориш худудида шу пайтгача ўрганилган мозоркўрғонларда нима учун жасадлар сақланмаганлиги масаласига ойдинлик киритиш имконияти пайдо бўлмоқда. Айтиш мумкинки, воҳада ер қатламининг табиий хусусиятига кўра, ўзига хос дафн одати ва қабр тузилишлари мавжуд бўлган. Бу қабрлардаги баъзи хусусиятлар Фарғона водийси ва Чоч худудидаги қурум ва муғхоналар кўринишига ўхшаб кетади [Литвинский, 87-91].

Қабр устида кўтарилган кўрғон эса, Ўрта Осиёда кўплаб ўрганилган мозоркўрғонлар кўринишига эга. Бу дафн маросимлар қайсидир маънода қурум ва муғхоналар билан мозоркўрғонлар оралиғидаги бир-бирини тўлдириш ёки бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиши ҳолатига ўхшайди. Тош супа ва қамиш буйра функцияси бир хил. Майитни бундай тўшама устига кўйиш, кўчманчилар дафн маросимларида кўп учрайди.

Маълумки, дафн маросимида буюмлар қабрга, жасад билан бирга, унинг ёнига қўйилади. Фикримизча, қабрдаги жасадлар ер юзаси ёки унча чуқур бўлмаган қабрга, худди 1-мозоркўрғондаги каби ер устида қилинган махсус супа (тошдан ясалган “уй”)га дафн этилган. Унинг устидан эса тупроқ ва тошлар билан кўрғон (тупроқ уюми) кўтарилган. Бундай ҳолатда, яъни, ер устига дафн этиш сабабли, жасад суяклари ёмон сақланишига иссиқ ва совуқнинг, ҳатто ёгин сочининг салбий таъсир кўрсатиши сабаб бўлган. Натижада, сопол буюмлар асл ҳолида яхши сақланган бўлса, майит суяклари асрлар мобайнида ўз ҳолатини йўқотган. Аҳоли томонидан қабрга тегишли тош ва тупроқ олинаётганда, тупроқ билан бирга жасад суяклари ҳам олиб юборилган. Мозоркўрғонларга тегишли кулоллик идишлари ушбу қабр соҳиблари яшаган давр ҳақида илмий фикр юритишимиз учун асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Шундай қилиб, Фориш туманидаги мозоркўрғонларда ёрма ва ўра қабрлар билан биргаликда, тошдан махсус даҳма шаклида ясалган қабрлар ҳам мавжуд бўлган. Бу қабрлардаги баъзи хусусиятлар Фарғона водийси ва Чоч худудидаги қурум ва муғхоналарга ўхшаб кетади [Литвинский, – С. 137-145. Табл. 87-91]. Олимлар томонидан Сағанақтепа (Сабот)да ярим ертўла кўринишидаги худди қабр ўрасига ўхшаш 210x112 см ўлчамидаги хона очилган. Унинг полига сомон тўшалган, жанубий шарқий бурчагига эса япалоқ тош ётқизилган. Тадқиқотчилар бу хонанинг қандай вазифани ўтаганига тушунолмади, бу қабр бўлса, унда тош нима учун қўйилган?, деган саволни беришган [Қадимий Зомин, 2018.– Б. 126]. Бизнингча, бу қабр бўлган ва ётқизилган тошдан дафн маросимида фойдаланилган. Қабр устида кўтарилган кўрғон эса, Ўрта Осиёда кўплаб ўрганилган мозоркўрғонлар кўринишига эга.

Кейинги таҳлиллар марҳум вафот этгач тупроққа эмас, тошлардан ясалган қабрга, тошлар орасига – тош даҳмага қўйилган деган хулоса чиқариш имконини бермоқда. Даҳмалар антик ва илк ўрта асрларга тегишли бўлиб, зардуштийликнинг илк даврида улар қандай кўринишга эга бўлганлиги, кейинги даврларда ҳам кўплаб учраши тарихий манбаларда кўплаб ёритилган [Тошалиев, 2018. Б. 79-80]. Даҳмалар ҳақида Ш. Шайдуллаев ва Л. Станчонинг Сурхондарё вилояти Кўхитанг ён бағирларида олиб борган археологик изланишларида ойдинлик киритилган. Худудда 200 дан ортиқ тош қатламларидан уюб кўрғон кўтарилган даҳмалар қайд қилинган. Ушбу даҳмаларнинг диаметри 14 м, баландлиги, 0,60 м. Қамиш даҳмаларига ўхшаш Зарабоғ даҳмалари ўрганилган. Тош таҳламларининг тагида ҳеч қандай қурилманинг йўқлиги энг асосийси тошлар орасидан одамларнинг суяк қолдиқларининг топилиши мазкур иншоатларни “илк даҳма” лар деб талқин қилишга имкон берган [Тошалиев, 2018. Б. 79-80].

Хуллас, Форишнинг тоғ олди қишлоғи худудидаги Қамиш мозоркўрғонларига оид тошдан кўтарилган қабрлар Уструшона худудида чорвадорлар моддий маданиятига мансуб, асосий қисми

тош даҳмалардан иборат кўйиндилар комплекси эканлигини кўрсатмоқда. Бу дафн одатларидаги ҳолат қайсидир маънода курум ва муғхоналар билан мазоркўрғонлар оралиғидаги кўринишга ўхшайди. Моҳиятан олиб қараганда тош супа ва қамишли буйраларнинг функцияси бир хил. Майитни бундай тўшама устига кўйиш, кўчманчилар дафн маросимларида кўп учрайди. Ҳали бу борада таҳлил қилиниши лозим бўлган масалалар кўп, уларга ўтказилиши режалаштирилаётган кейинги тадқиқотлар материаллари асосида жавоб топилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. ¹ Раҳимов С.Р. Годовой отчет Джизакского археологического отряда института археологии АН УзССР (за 1970 г). // Архив Мин. Культура РУз. А.3337. Р.27.
2. ¹ Бадахов Р.А. Отчёт о полевых работах 1981года в Фаришском районе Джизакской области // Архив ИА АН РУз. – Самарканд: 1981, л. 3-5 Ф.6,О.1, Д.4.,
3. ¹ Литвинский Б.А. Курганы и курумы западной Ферганы Москва, 1972. – С. 137-145. Табл. 87-91.
4. ¹ Қадимий Зомин (тарих, археология, нумизматика, этнография). Тошкент, 2018.– Б. 126
5. ¹ Тошалиев Қ. Ўрта Осиё даҳмалари // Марказий Осиё тарихи ва археологияси муаммолари .Самарканд, 2018. Б. 79-80

ФАҒНОН РУСТОҚИНИНГ ЖОЙЛАШГАН ЎРНИ ҲУСУСИДА

Б.Б.Тўйчибоев

ГулДУ, Гулистон

Уструшона тарихий топографияси масаласидаги муаммолардан бири ўрта асрларда мавжуд бўлган рустоқлар, шаҳар, калъа ва манзилгоҳлар ўрнини аниқлашдир. Олиб борилган тадқиқотлар таҳлили асосида билдирилган фикрларни жамлаш ва бир тизимга солиш муаммонинг илмий ечимини топишда муҳим ўрин тутди.

Ўрта аср ёзма манбалари (хитой, суғд, форс, араб) ва моддий ёдгорликлар, шунингдек, ҳудудларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари бу масалада асосий манба бўлиб хизмат қилади. Ёзма манбалардаги мавжуд ноаниқлик ва мавҳумликлар бу масалада баъзи чалкашликларни келтириб чиқаради. Бу ҳол кўпроқ хитой манбаларига тааллуқлидир. Уструшона тарихий топографияси масалаларини ёзма манбалар асосидаги тадқиқотини Н.Я.Бичурин, А.Г.Малявкин, Л.А.Боровковаларнинг хитой манбаларини ўрганишга бағишланган асарларида кузатишимиз мумкин (Бичурин, 1950. –333с.; Малявкин, 1988; Боровкова, 1989.с.-180.). Аммо бу тадқиқотлар натижалари бизга тарихий топография муаммолари юзасидан аниқ маълумот беради, деб айтишимиз қийиндир. Чунки бу манбаларда кўплаб чалкашликлар учрайди; масалан жой номларининг хитойча таржималари, хитой тилига мослаштирилган транскрипциялардаги ноаниқликлар ёки маълумотларда асосий мезон бўлиб хизмат қилувчи узунлик ўлчови бўлган — «ли» бирлигининг турли даврларда турли ўлчамдаги масофани кўрсатганлиги буларга мисол бўлиши мумкин. Л.А.Боровкова ўз тадқиқотларида тарихий топография масалаларини ўрганар экан «ли» ўлчов бирлигининг айнан шу жиҳатида, яъни унинг, турли даврларда ҳар хил масофани билдириб ўзгариб турганлигига асосланади. Лекин тадқиқотчи бу узунлик ўлчамига механик нуқтаи назардан ёндашиб, хитой манбалари кўп ҳолларда тахминларга қараб олинганлигини эътиборга олмайди. Хитой маълумотларидаги чалкашликлар, юқорида таъкидлаганимиздек, соҳа мутахассисларининг кўп ҳолларда тахминларига таяниб, ўзидан олдинги тарихчиларнинг асарларидан фойдаланиб ёки оғзаки маълумотлар асосида ёзилганлиги натижасида жой номларининг таржималаридаги ноаниқ шаклларнинг пайдо бўлиши ҳам масаладаги

чалкашликларни тўлиқ ечимини топишга монелик қилади. Аммо бу манбалардан кам фойдаланилаётганлигининг асосий сабаби, уларнинг тадқиқотчилар томонидан етарли даражада ўрганилмаганлиги сабабли, деб биламиз.

IX-XII асрлар араб ва форс тилли муаррихлар ва географлар маълумотларида ҳам қатор ноаниқликлар учрасада, бу маълумотлар бўйича олиб борилган чуқур тадқиқотлар натижасида Уструшона худуди ва чегаралари масаласига бир қадар ойдинликлар киритилган.

Уструшонанинг тарихий топографияси масаласи муаммоларининг ўрганилишида савдо йўллари йўналишларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ўрта аср ёзма манбаларида топографияга оид маълумотлар асосан карвон йўллари тасвирлаш жараёнида қайд этилган. “Уструшона шаҳарлари оралиғидаги масофалар тўхталсак, Хараканадан Дизакгача беш фарсах, Хараканадан Зомингача тўққиз фарсах, Зоминдан Сабатгача уч фарсах” (Материалы по истории киргизов и Киргизии. 1973, 21, 32 с.). Н.Негматов ҳам ўз асарида бу масалага мурожаат этар экан, у ҳам кўпроқ рустоқ ва шаҳарлар орасидаги масофаларга таянганлигини таъкидлаш лозим. Аммо унинг фикрлари кўп ҳолларда умумлашган шаклда, моддий манбалар билан изоҳланмаган тахминларга асосланганлигини кўришимиз мумкин.

XX асрнинг 80-йиллари сўнгида ЮНЕСКО ташаббуси билан бошланган «Буюк Ипак йўли – мулоқот йўли» мавзусидаги кўп йиллик халқаро илмий тадқиқотлар дастури Марказий Осиё, шу жумладан, Уструшона ўлкаси савдо йўллари тармоқларининг ўрганилишига ҳам катта ижобий таъсир кўрсатди. Шу даврда ёзилган А.Асқаров ва Ю.Буряковларнинг мақолалари археологик тадқиқотлар асосида Буюк ипак йўлининг, Марказий Осиёнинг бир қисми бўлган Ўзбекистон, шу жумладан, Уструшона худудидан ўтган тармоқлари, карвон йўллари бўйида жойлашган шаҳар ва манзилгоҳлар ўрнини аниқлашга қаратилган эди (Асқаров, Буряков, 1990. с. 37-45; 1992. с.178-186.). Қуйида биз Уструшонанинг шимолий ғарбий қисмидаги чегара рустоқларидан бири Фағнон рустоқининг жойлашга ўрни хусусида сўз юритмоқчимиз.

Ёзма манбалар кўчманчи чорвадорлар яшаган чўл - «ўғузлар юрти» билан чегарадош бўлган Фағнон рустоқи ва унинг асосий шаҳри Дизак ҳақида маълумот берадилар. “Дизак – текисликда жойлашган шаҳар, Фағнон рустоқининг маркази. У ерда, йўл бўйлаб работлар, карвонсаройлар жойлашган.”(Материалы по истории киргизов и Киргизии. 1973, 19с.). “Дизакда самарқандликлар томонидан қўйилган қўриқчи гуруҳлар бор. Бу ерда кўплаб работлар қурилган”(Бетгер Е.К. 1957, 21 с.). Бу рустоқнинг жойлашиш ўрни масаласида барча тадқиқотчилар ўртасида ягона фикр, унинг ҳозирги Жиззах шаҳри атрофидаги худудларни ўз ичига олган, деган мулоҳазалар устунлигини кузатишимиз мумкин (Негматов Н.Н. 1953.).

Воҳадаги энг катта (50 га) ва нисбатан яхши ўрганилган ёдгорлик Қалиятепада ўтказилган қазув тадқиқот ишлари натижаларига кўра, А.Э.Бердимуродов уни IV-XV асрлар билан даврлаштириб, Дизак шаҳри ўрнини ушбу ёдгорлик билан боғлайди (Бердимуродов, 1985. С.12.).

XX асрнинг 90-йилларида Қалиятепа шаҳристонини стратиграфик қирқимларида тозалаш ишларини ўтказган тадқиқотчи М.Ҳ.Пардаев А.Э.Бердимуродов фикрини тасдиқлайди. Муаллиф Дизак шаҳри ўрнига «даъвогарлик» қилаётган Қалиятепа шаҳристонини (IX асрга қадар ва қисқа узилишлар билан XV-XVI асрлар), унга туташ Қизлартепа ёдгорлиги (X-XII асрлар) ва Ўрда шаҳар харобаси (IX-XIX асрлар) ёдгорликларида тадқиқотларни кенгайтириш лозимлигини таъкидлайди (Пардаев, 1994. Б.49-50.). Кейинчалик, яъни 1990 йил ўрталарида М.Пардаев томонидан Қалиятепа шаҳристонининг шарқий ва жанубий дарвозаларига яқин худудда стратиграфик қазув тадқиқотлари ўтказилади. Бу қазув ишлари натижасида Қалиятепада IX – XIII аср маданий қатламлари мутлақо мавжуд эмаслиги аниқланади. Натижада, тадқиқотчи Фағнон рустоқининг бош шаҳри Дизак араб истилосидан кейин Қалиятепадан 6 км шимолий-ғарбда жойлашган Ўрдага кўчган, деган хулосага келади (Пардаев, 2000.). Ёзма манбалар муҳим стратегик аҳамиятга эга худудда жойлашган Фағнон

рустокида харбий мудофаа аҳамиятига эга бўлган кўплаб қалъа-работлар мавжуд бўлганлигини маълум қилади. Тадқиқотчилар томонидан аниқланган работларнинг баъзиларида сўнгги йилларда тадқиқот ишлари олиб борилди (Ёқубботепа, Пардақултепа, Комилботепа ва б) (Пардаев, Ғофуров, 2013.). Шундай работлардан яна бири, яъни манбаларда «...Мовароуннахрнинг энг улкан ва кўркам работларидан» деб таърифланган Худайсар работи IX асрнинг I чорагида Уструшона афшини Ковуснинг ўғли Ҳайдар томонидан қурдирилган бўлиб, у Дизак шаҳридан 1 фарсах (6-8 км) масофада жойлашган эди. Ёзма манбалар “Худайсар работи ўртасида булоқлар бор, унинг атрофида вақф ерлари жойлашган” деб маълумот беради (Бетгер Е.К. 1957, 21 с.). М.Пардаев Худайсар работини Қалиятепанинг шимол тарафидан (7 км) ўтган Ўриклисой қирғоғидаги Кўк равот ёдгорлиги ўрнига жойлаштиради (Пардаев М.Х. 1992, Б.62-63.).

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, сўнгги йилларда Фағнон рустоқи, унинг бош шаҳри Дизак ва бу ерда жойлашган работлар ўрнини аниқлаш йўналишида сезиларли ютуқлар қўлга киритилди. Аммо шунга қарамай, бу масаладаги кўплаб муаммолар ечимида келажакдаги тадқиқотлар катта аҳамият касб этади, деб ҳисоблаймиз.

Сўнгги йиллардаги ўрта асрлар Уструшонаси тарихий топографиясини ўрганиш йўналишидаги тадқиқотлар натижасида бир қатор муҳим муаммолар ўз ечимини топди. Жумладан Фағнон рустоқининг географик ўрни юзасидан олдинги билдирилган фикрлар тадқиқотчилар томонидан комплекс археологик тадқиқотлар натижалари асосида қайта кўриб чиқилди ва билдирилган мулоҳазалар ўз тасдиғини топмоқда.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Асқаров А.А. Буряков Ю.Ф. Археологические работы 1989 года в Узбекистане и задачи исследований по программе “Шелковый путь - путь диалога народов” // ОНУ.-Тошкент, 1990.:№5.
2. Бетгер Е.К. Извлечение из книги «Пути и страны» Абу-л Касима ибн Хаукаля. // ТСАГУ. Вып. СХІ. -Ташкент, 1957.
3. Бердимуратов А.Э. Раннесредневековые археологические памятники Джизакского оазиса.: АҚД.-М.: 1985.
4. Буряков Ю.Ф. Исследования 1989 года по программе Великого Шелкового пути / ИМКУ. Вып.25. -Ташкент. Фан. 1992. с.178-186.
5. Боровкова Л.А. Запад Центральной Азии во II в. до н.э.-VIIв.н.э. -М.:Наука.1989.с.-180.
6. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т.II. -М.-Л., Изд. АН СССР. 1950.
7. Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. - Новосибирск. Наука. 1988.
8. Материалы по истории киргизов и Киргизии. Книга масалик ал мамалик Ала Истахри. Вып. I. -М.: Наука, 1973.
9. Пардаев М.Х Сангзар ҳавзасининг илк ва ўрта асрлар қалъа-работлари // Ўзбекистон қадимда ва ўрта асрларда. Самарқанд, 1992.
10. Пардаев М.Х Буюк Ипак йўли ёқасидаги "Дизак" шаҳри ўрни хусусида. //Буюк Ипак йўли ёқасидаги Марказий Осиё шаҳарлари. -Самарқанд. 1994.
11. Пардаев М.Х. Қалиятепа шаҳар ёдгорлиги ва унинг стратиграфиясига доир айрим мулоҳазалар. // ЎММТ, 31-нашр, Самарқанд, 2000.
12. Пардаев М.Х., Ғофуров Ж.И. Ёқубботепа ёдгорлигида олиб борилган тадқиқотлар хусусида// Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар: 2012 йил. Самарқанд, 2013.
13. Негматов Н.Н. Историко-географический очерк Уструшаны с древнейших времен по X в.н.э./МИА.37.-М.: 1953.

ҚАДИМ ВА ЎРТА АСР ТАРИХИЙ МАНБАЛАРИДА УСТРУШОНА

З.Т.Холбоев,
ЖДПИ, Жиззах

Уструшонанинг географик жойлашуви, сиёсий ҳаёти, шаҳарлари, қишлоқлари, аҳолисининг турмуш-тарзи ва хўжалиги ҳамда ундаги моддий, маънавий ҳаёт тўғрисида қадим ва ўрта аср шарк манбаларида батафсил маълумотлар келтирилган. Бундай манбаларга юнон-рим даври асарлари, хитой йилномалари, суғд битиклари ва араб тарихчи-географларининг солномалари киради.

Қадимги ёзма манбалар орқали бу даврдаги Ўрта Осиё ва унга туташ ҳудудларда ўтмишда бўлиб ўтган тарихий воқеалар, ҳудуднинг географик жойлашуви, халқларнинг этник таркиби, уларнинг урф-одатлари, ҳудуднинг аҳоли томонидан ўзлаштирилиши, мавжуд шаҳар ва қишлоқ манзиллари ҳақида атрофлича маълумот олиш мумкин. Таъкидлаш керакки, қадимги муаллифларнинг ҳеч бири Ўрта Осиё тарихига бағишланган махсус асар яратмаган. Ўрта Осиё тушунчаси XIX асргача ҳам йўқ эди. [Холбоев, Холбоева, 2016, 45-б.] Антик давр муаллифлари томонидан келтирилган маълумотлар асосан ҳозирги Марказий Осиё, Хитой ва Шарқий Эрон ҳудудларига тегишли бўлиб, асарларнинг айрим қисмларида Ўрта Осиё географияси, тарихи масалаларига қисман тўхталиб ўтилган. Масалан, Геродот Ўрта Осиё ҳақида тарихий жиҳатдан жуда муҳим маълумотларни келтиради. Бу ерда бир неча ҳокимликлар мавжудлигини, уларнинг ҳаммаси улкан Эрон давлатига қарам эканлигини таъкидлайди. У “бақтрияликлардан элларгача бўлган ҳудуд”ни ўн иккинчи сатраплик, деб кўрсатган [Геродот. 2002. с.209.]. Айрим тадқиқотчилар “қадимда Уструшона ҳудуди ўн иккинчи сатраплик таркибида бўлиб Ахамонийлар давлатига солиқ тўлаб турганлиги”ни тахмин қиладилар [Билалов, 1980. с.81.]. Келтирилган маълумотларнинг кўпчилиги қисқа ва тарихий воқеаларнинг ривожини ҳам узук-юлуқдир. Умумун олганда, юнон-рим муаллифлари келтирган маълумотлар асосида Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, Уструшона тарихий-маданий ўлкаси ҳаётининг мукамал тасвирини яратиш анча қийин.

Александр Македонский бошчилигидаги юнон-македон қўшинларининг Ўрта Осиёни истило этгандан кейинги даврдан бошлаб, асосан, мил. авв. III-II асрларда антик давр муаллифлари ўз асарларида Ўрта Осиё ва қадимги Уструшона ҳудуди ҳақидаги маълумотларни Македонский юришлари тарихи билан боғлиқ воқеалар асносида беради. Диадорнинг “Тарихий кутубхона” асарида Сатибарзон исмли тарихий шахс тилга олиниб, у Александрга қарши кураш мақсадида Хартаканахда қўшин тўплай бошлайди. Бу шаҳар табиатининг гўзаллиги билан ажралиб туради [Диадор. 1774, стр. 521.]. Сатибарзон исмли тарихий шахс бошқа юнон-рим тарихчиларининг асарларида учрамайди. Хартаканах муҳофаа истехкоми ҳақида профессор Ф. Бойназаров, бу ўринда тарихчи Диадор Хартаканах деганда Мароқанд (Самарқанд) шаҳрига яқин жойни назарда тутаяди, - деб фикр билдиради [Бойназаров Ф. 1991. 109-бет.]. Лекин, Суғд маркази ва воҳаси юнон-македонлар томонидан босиб олинган Ватан ҳимоячилари Суғднинг шимолий ҳудудларида озодлик ҳаракатларини олиб борган. Бизнингча, бу шаҳар Суғднинг шимолий чегара ҳудудида жойлашган, яъни, жанубий-ғарбий Уструшонадаги Харакана-Кўрғонтепа шаҳар ёдгорлиги (Ғаллаорол туманида жойлашган) бўлиши мумкин. Чунки, бошқа юнон-рим муаллифларининг асарларида Хартаканах, деган шаҳарнинг номли тилга олинмайди. Қолаверса, Александр ўзининг ҳарбий юришларини Суғд воҳасидан сўнг Уструшона тарихий-маданий ўлкаларида давом эттиради.

Қадимги Рим тарихчиси Квинт Курций Руфнинг “Александр Македонский тарихи” асарида Уструшонанинг шимолий сарҳадидаги Киропол шаҳрини эгаллаш вақтида оғир жароҳат олганлиги ҳақида маълумот беради [Квинт Курций Руф. 1963. С. 279.]. 329 йилнинг сентябр-октябр ойларида

“Уструшона”да еттита шаҳар аҳолиси кўзғолон кўтаргани қайд этилади. Курций Руф ўз асарида Александр қўшини икки кун ичида Газа шаҳри ва тўртта шаҳарни таслим қилгани ва Кирополни ҳамда мамакенлар қабиласи яшаётган шаҳарни мудофаасида маҳаллий аҳоли катта жасорат кўрсатганлигини таъкидлар экан, бирон-бир шаҳар бу даражада македонияликларга қаршилик кўрсатмаганлигини баён этади[Квинт Курций Руф. 1963. С. 273-275.].

Арриан “Александрнинг юриши” асарида “Уструшона” воҳасида “икки кун ичида Александр қўшинлари етти шаҳардан бештасини қўлга киритади. Олтинчи шаҳар улардан энг каттаси бўлиб, у Кир шаҳри, деб номланган эди. Бу шаҳар Кир томонидан қурилганлиги учун Киропол деб аталади”[Арриан. 1962. с.134.]. Антик давр муаллифлари юнон-македон қўшинлари Яксарт ҳавзасидаги халқларнинг қаттиқ қаршилиги ва ҳарбий зарбаларига дучор бўлганлигини эътироф этишади.

Александр Македонскийга қарши юқорида таъкидланган Сирдарё ҳавзасидаги етти шаҳар кўзғолон кўтаради. Кўзғолончи шаҳарларнинг энг каттаси ва ҳарбий мудофаа жиҳатдан кучлиси Кирополь эди. Арриан “Кир томонидан асос солинган бу шаҳар, бошқаларга қараганда анча баланд деворлар билан ўраб олинганлиги ва у ердан атрофидан анча кўп жангари аҳоли тўпланганлиги сабабли, македонияликлар учун уни биринчи ҳужумидаёқ эгаллаш анча мушкул бўлди”[Арриан Флавий. 1962. с. 155.], деб ҳудуддаги марказий шаҳар бўлган Кирополь ҳақида маълумот беради. Страбон “Кир томонидан Яксарт дарёсида асос солинган энг чекка шаҳар” ҳақида, Юстин эса Чекка Александрия Эсхата ҳақида “Кир томонидан барпо этилган бу шаҳарга кўзғолон кўтарган уч шаҳар аҳолисини кўчирган”лиги ҳақида маълумот беради[Негматов Н.Н. 1957. с. 17.].

Антик давр муаллифларидан бири Юстин асарида ҳикоя қилинишича, Александр Бактрия ва Суғдиёнада 7 та шаҳар барпо этади. Шулардан бири Яксарт (Сирдарё) дарёси бўйига қурилган Александрия Эсхата шаҳридир. Бу шаҳар жуда тез фурсатда – ўн етти кунда қуриб битказилади. Шаҳар деворларининг айланаси олти минг кадам эди [Гафуров Б. 1972. с.96.]. Олимларнинг таъкидлашича, бу шаҳар ҳозирги Хўжанд шаҳри ўрнида қурилган. Лекин, профессор М.М.Лютовнинг таъкидлашича, Александрия Эсхата шаҳри ҳозирги Хўжанднинг айнан ўрнида эмас, Сирдарёнинг Бекободга яқин жойида қурилган[Лютов, 1890, с.17.].

Милодий эрадан аввалги II асрнинг охири - I асрнинг бошларида яшаб ўтган, хитой тарихининг отаси Сима-Цзяннинг қайдномаларидан ҳам Уструшона ҳудуди ҳақидаги айрим материалларни топиш мумкин (Шин-зи, 123 боб). Яна бир қадимги хитой тарихчиси Бан-Гу қаламига мансуб “Цянь ханьшу” - “Улуғ Хан хонадони тарихи”нинг (мил. авв. 206 - мил. 23 йиллар) 95-бобида Довон (Фарғона)дан то Анси (Бактрия)гача бўлган жойларнинг аҳолиси бир-бирига яқин турли шеваларда гаплашганлари қайд этилган. Яъни, Уструшана аҳолисининг тили суғд тилига ўхшаш тилда сўзлашувчи Сирдарё ва Амударё оралиғида яшаган аҳоли тилига яқин бўлган. Бу асарда Уструшана халқларининг ўзига хос хусусиятлари, ҳаёт тарзи ва урф-одатлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берилган. VII аср бошларида Хитой тарихчиси Ли Янь-шоу томонидан битилган “Шимолий хонадонлар тарихи” - Бэй-ши (336-581-йиллар) нинг 97-бобида Уструшона номи илк маротаба “Судуйшона” тарзда келтирилган. Бундан ташқари, бу мамлакатда қазиб олинаётган олтин, темир, оникс маъданлари, Дэси руҳига сиғинувчи аҳолининг турмуши, ҳаёт тарзи ҳақида қимматли маълумотларни қайд этган. “Суй сулоласи тарихи” – Суй-шу (581-618-йиллар) муаллиф Вэй Чжен томонидан 644-йилда тузилган бўлиб, унинг 83-бобида Уструшона ҳақидаги Бэй-ши маълумотлари такрорланган [Пардаев, Ғофур, 2016, 13-14-бетлар.]. 630 йилда Ўрта Осиёда бўлган хитойлик сайёҳ Сюань-Цзяннинг бу ҳудуд ҳақида “Сиюйцзи” асарида берган қуйидаги таърифи эътиборга лойик: “...Цао вилояти (Уструшона) айланасига 1400 дан 1500 ли.гача масофага эга бўлиб, шарқдан Нами (Сирдарё) дарёси билан туташ.Бу вилоятда ғарбий денгиз (Каспий)дан шарқда жойлашган барча халқлар эътиқод қилувчи «Дэси руҳи»га ибодат қиладилар. ...Дай-йе (605-

617 й.) ҳукмронлиги даврида Уструшананинг ёш, ташаббускор ҳукмдори Самарқанд ихшидининг элчилари билан ўз элчисини Хитойга юборади” [Бичурин, 1950. с. 275.].

“Тан сулоласи тарихи” – Тан-шу (618-907-йиллар) нинг 1060-йилда муаллиф Оу Янаю томонидан қилинган иккинчи таҳрири 221-бобида биринчи марта Уструшона мамлакатига қисқача таъриф ва тавсиф берилган. Бу маълумотларда, аввало, Уструшона, мамлакатининг бир неча вариантларда ўқиладиган номлари (Шуайдушана, Сутулишена, Шарқий Цао....) келтирилган, қолаверса, Уструшонадан кўшни вилоятларгача бўлган масофалар, илоҳийлаштирилган ғор ва унга сиғинувчи одамлар, атрофлича бўлсада, араб истилосига қарши курашнинг қисқа воқеаларига доир сиёсий ҳаёт – мамлакат ҳукмдори Ше Аху ҳақидаги фикрлар баён этилган [Пардаев, Ғофуров, 2016, 14-бет.].

Таниқли уструшонашунос олим, академик Н.Негматовнинг фикрича, бу даврда Ше Аху Уструшона ҳукмдори бўлмаган, балки Хуттал тахтининг вориси саналган ушбу тарихий шахс Уструшонанинг вояга етмаган афшинининг оталиғи (регенти) сифатида фаолият кўрсатган [Негматов, 1957, с. 89.].

А.Г. Малявкин илк ўрта аср хитой ёзма манбаларидан “Тан сулолавий солномалари” (618-907 йиллар) асосида Уструшананинг ҳудуди ҳақида қуйидагиларни маълум қилади: “Шарқий Цаонинг ҳукмдори Боси тоғи (Туркистон тоғ тизмаси)нинг шимолий ён бағрида яшайди. Бу жой катта Хан сулоласи даврида Эрши шаҳри ҳудудига тегишли эди. ...Ву-дэ ҳукмронлиги даврида (618-626 й.) бу подшолик Кан билан биргаликда саройга ўз элчиларини юборган” [Малявкин, 1989. с. 78.].

Илк ўрта асрлар Уструшонаси сиёсий, иқтисодий, маданий ва тарихий географиясини оид маълумотлар суғд ҳужжатларида ҳам сақланиб қолган ва ўрганилган. Уструшона ҳақида 1932-1933 йилларда топилган Муғ тоғи суғд ҳужжатлари номи билан машхур тарихий архив таркибидаги А-9 рақамли мактубда араб истилоси кунларида Суғд конфедератив давлат уюшмасининг Панч (Панжикент) вилояти ҳукмдори Деваштичга атроф ҳудудлардаги ҳарбий сиёсий вазият ҳақида айғоқчи томонидан йўлланган хабарнома деб тахмин қилинади [Лившиц В.А. 2009, с. 97-109.]. Мактуб жанрига хос усулда ёзилган ушбу матн 19,5-11 см.ли ошланган тери юзасига ўнг ва терс томонларига суғд ёзувининг муллоий(кундалик) хат усулида қора сиёҳ билан ёзилган. Матннинг ўнг юзаси материалнинг узунасига, орқа саҳифаси эса кўндалангига жойлашган. Мактуб мазмунига келсак, номаълум муаллиф қуйидагича ёзади: “...(Шундай) хабарлар борки, Хўжанддаги воқеалар тинчиб қолибди. (Хўжанд) халқи амирнинг динига (ёки “ҳимояси остига”) ўтибди. Зодагону, савдогару, мулозиму, аҳли меҳнат (иш одамлари) - барчаси 14000 нафар. Улар (асл) ўз динларидан чекиндилар. Биз бу воқеалар ҳақида чопар юбориб, хабар берган эдик. Аммо (чопар) Хутталга (?) қайтибди деб эшитдик.

Хшеваррўч куни кўмондон (?) Шавкат (деган) манзилга тушибди. Пиёда аскарларни борича (қанча бўлса барчасини) унинг ихтиёрига Буттом орқали жўнатдим. Сен, (эй хожа) Паргардаги кенг бепоён ерларни топширма (ташлаб кетма). Чунки кўмондон сенга қадар (сенинг ёнингга) етиб бора олмайди.

Ва яна, (эй хожа), “Дишттач билан бирга отларни эгарлаб шай қилиб тур. Мурдодрўч куни ишончли одамлар Романга келишади”-деган буйруқ бор. Лекин бу ҳақда менда маълумот йўқ.

Агар (сен эй), ҳукмдорим, сулҳ тузмоқчи бўлсанг, бундан на ўзинг ва на халқинг адолат топмайсизлар (тинчликка эришмайсизлар). Янгиликлар бўлса, мен яна хабар берман. Уструшаналик одамлар (кўпчилик эмас) улар ҳам келишади.

Ҳозирча ҳеч қандай хавотирлик йўқ. Ташвиш тортма... . Агар мени ҳузурингга чорлаб, қабул қила олсанг, миннатдор бўлар эдим”. (Исҳоқов, 2019. 29-31-б.)

Ушбу махфий номада илк маротаба “Уструшона”, “уструшоналиклар” атамалари қайд этилган [Фрейман, 1962. с. 87.].

Таржимадан кўриниб турибдики, А-9 хужжатининг мазмуни мураккаб. Воқеалар беқарор ва ривожланиб ўзгариб бораётгани яққол сезилади. Бир томондан араб истилоси кунларида Хўжанддаги воқеалар ҳақида гап борса, бошқа томондан ҳарбий-сиёсий вазият Буттам, Паргар, Уструшана, ҳатто, Хутгал каби ҳудудларни қамраб олади. Орада Панч вилояти билан кўшни Уструшонага олиб ўтувчи Шахристон давони манзиллари қайд этилган [Исҳоқов, 2019, 29-31-бетлар.].

Уструшонанинг ўрта асрлар сиёсий тарихи ҳақида тўлиқ маълумотларни IX-X асрлар ва ундан кейинги даврларда яшаган мусулмон даври муаллифлари асарларидан олишимиз мумкин [Негматов, 1957, с. 161.]. Хусусан, Ал-Истаҳрий Уструшонанинг тарихий-географик хусусиятлари тўхталиб, қуйидаги маълумотларни беради: “Уструшана Суғд каби ўлка номи бўлиб, бу номдаги шаҳар бўлмаган. Уструшананинг аксарият қисми тоғ, ғарб томондан Самарқанд ҳудуди, шимол томондан Шош воҳаси ва Фарғонанинг айрим ҳудуди, жануб томондан Кешнинг озгина қисми, Сағониён, Шумон, Вошғирд ва Рошт ҳудуди, шарқ томондан Фарғона ерлари билан туташиб кетган. Уструшанада жойлашган шаҳар ва қишлоқлар Бунжикет, Зомин, Дизак, Арбаникет, Куркет, Ғазақ, Фағкет, Сабат, Нужкет ва Харақона деган номлар билан аталган. Уструшана шаҳарлари орасидаги масофага келсак, Харақонадан Дизаккача беш фарсах (бир фарсах ҳанафий мазҳабида 5 км 544 метр, моликий мазҳабида 5 км 564 метр 16 см, шофиий ва ханбалий мазҳабида 11 км 128 метр 32 см. (асос ҳанафий мазҳаби ва моликий мазҳаби ўлчовлари)), Харақонадан Зомингача тўққиз фарсах, Зоминдан Соботгача уч фарсах, Зоминдан Ховас йўли орқали Куркетгача ўн уч фарсах, Нужкет ва Харақона масофаси икки фарсах, Харақонанинг жанубий шарқидан Фарғона чегарасидаги Арсияникетгача тўққиз фарсах. Фағкет шаҳри (Бунжикет)дан тўққиз фарсах, Хўжанд йўлида, Фағкет Ғазақгача икки фарсах, Ғазақдан Хўжандгача олти фарсахдир”. Шу билан бирга Зарафшон тепасидаги Бутгим тоғида жойлашган қишлоқлар ҳам Уструшана минтақасига тегишли жойлар ҳисобланган [Материалы по истории киргизов и Киргизии. Вып. I. –М.: Наука, 1973. с. 18-26.]. Ибн Ҳавқал уструшона шаҳарлари ҳақида қуйидаги тавсифни баён этади: “Бу вилоятнинг энг катта шаҳри уструшоналиклар тилида Бунжикат дейилади. Ҳудудга яна Арсбаникат, Куркат, Газак, Фағкат, Сабат, Зомин, Дизак, Нужкат ва Харкана шаҳарлари киради. Мамлакат ҳуқумдори, эркак аҳолиси тахминан 10000 кишини ташкил қилувчи Бунжикат шаҳрида яшайди. Шаҳарда ҳар бири алоҳида ўраб олинган шахристон ва работ мавжуд, улар яна умумий девор билан ўраб олинган... . шахристонда жомъе масжиди ва арк жойлашган” [Беттер, 1957. с. 13-40.].

Муаллифи номаълум “Ҳудуд ал-олам” асарида Уструшанада жойлашган, Фағнон рустоқининг бош шаҳри Дизак ҳақида қуйидаги маълумотлар келтирилган: “Дизак оқар сув яқинидаги унча катта катта бўлмаган шаҳар. Унинг ёнида Марсманда деган жой бор, ҳар йили у ерда бир марта ярмарка бўлади ва айтишларича бир кунлик савдо муомаласи 100000 динордан ошади” [Сверчков, 1991, с. 25.].

X асрда яшаб ижод қилган яна бир тарихчи-географ Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакир ал-Банна ал-Башрий ал- Муқаддасий ўзининг “ақсан ат-тақасим фи маърифат ал-ақалим” (“Мамлакатларни билиш учун энг яхши тақсимот”) асарида Уструшонанинг тоғ рустоқлари номи ва Марсманда шаҳрининг тавсифини келтиради. У Марсманда шаҳри яқинидаги Минк рустоқида темир маъдани қазиб олинганлигини маълум қилади: “Минк ва Марсманда атрофида, хуросонда кенг тарқалган, Боғдод ва Ироқда машҳур бўлган темир қуроллар ишлаб чиқарилади... . Марсманда шаҳрида ҳар ойнинг бошида бир марта савдо ярмаркаси бўлади...” [Негматов, 1957, с. 44-45.].

Машҳур библиограф олим Ёқут ал-Ҳамавий (1179-1229 й.) ўзининг “Муъжам ал-булдон” асарида Уструшана Самарқанд яқинида ва Сайхуннинг қуйи қисмидаги катта воҳа бўлиб, у ерда тўрт юзга яқин истехкомлар бўлганлиги олтин, кумуш, темир ва бошқа қимматли табиий бойликлар

мавжудлиги ҳақида хабар беради. Бундан ташқари "... Зомин Самарқанд томондаги шаҳарнинг номи бўлиб, уструшона вилоятларидан биридир. Уструшонанинг энг катта шаҳри Бунжикат, ундан кейин Зоминдир. Зоминнинг иккинчи номи – сабза. Суғдда Фарғонага борувчилар учун Зоминда қўноқ бор. Зомин оқар сувли. Боғдор ва узумзор жой. Зоминнинг орқа томонида Уструшона тоғлари, унинг олд томонида чўл бор Зомин билан Сабат ўртасида 2 фарсах ва у билан Уструшона ўртасида 7 фарсах. Зоминдан Чочгача 25 фарсах", деб маълумот беради [Ҳикматуллаев, Шоисломов, 1965. Б. 26.].

Бошқа араб тарихчи ва географлари ўз асарларида ўзидан олдин яшаб ўтган муаллифларнинг Уструшона тарихий-маданий ўлкаси ҳақидаги маълумотларни такрорлаб, уларни маълум даражада тўлдириб келдилар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Уструшона тарихий-маданий ўлкасининг қадимги даври тарихи юнон-рим манбаларида тилга олинсада, келтирилган тарихий маълумотлар кўпгина тушунмовчиликлар, матндаги мунозарали ва гумонли фикрларни келтириб чиқаради. Манбаларнинг кўпчилигида айна бир воқеа ва у ердаги шахсларнинг фаолияти турлича талқин қилинади. Шундай бўлсада, юнон-рим муаррихларининг асарлари Уструшона тарихини ўрганишда бирламчи манба бўлиб хизмат қилади.

Хитой ва араб манбаларида келтирилган маълумотлар эса Уструшона тарихий-маданий ўлкасида кечган сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти бўйича етарли даражада муҳим, илмий аниқликлар киритишга имконият беради. Бу асарларда Уструшонанинг тарихий-географик жойлашуви, аҳолининг урф-одалари, хўжалиги, уструшоналикларнинг араб босқини ва унга қарши олиб борган кураши ҳамда афшинлар шажараси ҳақида қимматли маълумотлар ўз аксини топган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Арриан Флавий. Анабасис Александра или история паходов Александра Великого. Пре. с древнегреч. М.Е. Сергеенко. –М.-Л., Изд. АН СССР. 1962.
2. Арриан. Поход Александра. Изд-во. АН СССР. М.-Л., 1962.
3. Беттер Е.К. Извлечение из книги "пути и страны" Абу-л Касима ибн Хаукаля. // ТСАГУ. Вып. СХІ. –Т., 1957.
4. Билалов А.И. Из истории ирригации Уструшаны. –Душанбе: Дониш. 1980.
5. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. II. –М.-Л. Изд. АН СССР. 1950.
6. Бойназаров Ф. Ўрта Осиёнинг антик даври. Тошкент, "Ўқитувчи", 1991.
7. Гафуров Б. Таджики. Изд-во "Наука". М., 1972.
8. Геродот. История. Перевод и примечания Г.А. Стратановского. (В 9кн). –М.: 2002.
9. Диадор. Историческая библиотека. Строецкий В.М. Введение к "Исторической библиотеке" Диадора Сицилийского и его историко-философское содержание. Санкт-Петербург, при ИМП АН., 1774.
10. Исҳоқов М.М. Илк ўрта асрларда Уструшонанинг сиёсий мақомига доир.//Қадимий Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида (сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёт). Республика илмий-амалий конференция материаллари. Т., "VNESHINVESTPROM", 2019.
11. Квинт Курций Руф. История Александра Македонского. Сохранившиеся книги. Издательство Московского Университета, 1963.
12. Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. СПб., 2009.
13. Лютов М.М. Александр Великий в Туркестане. Ташкент, типо-литография С.И. Лахтина, 1890.
14. Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. – Новосибирск. Наука, 1989.
15. Материалы по истории киргизов и Киргизии. Вып. I. –М.: Наука, 1973.

16. Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннего средневековья. – Сталинабад, 1957.
17. Пардаев М.Х., Гофуров Ж.И. Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари (ёзма ва археологик манбалар асосида). Тошкент, ILMIY-TEKNIKA AXBOROTI-PRESS NASHRIYOTI, 2016.
18. Сверчков Л.М. Поселение Мык – источник по истории средневековой Уструшаны. Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Самарканд, 1991.
19. Фрейман А.А. Согдийские документы с горы Муг.// Описание, публикации и исследование документов с горы Муг. Вып. 1. –М.: Восточная литература. 1962.
20. Холбоев З., Холбоева М. Ўрта Осиёнинг тарихий-маданий ўлкалари. Т., “VneshInvestProm”, 2016.
21. Ҳикматуллаев Ҳ., Шоисломов Ш. Ёқут Хамавий. Т., Фан, 1965.

ДЖИЗАКСКИЙ ОАЗИС - КОНТАКТНАЯ ЗОНА МЕЖДУ ЗЕМЛЕДЕЛЬЦЕВ И СКотовоДОВ

Ш.М.Пардаев

Национальный археологический центр АН РУз

Уструшана – средневековое владение, включающее территории современных Сырдарьинской и Джизакской областей Узбекистана, значительную часть области Согд Таджикистана и Ляйлакский район Киргизстана. С глубокой древности она являлась активной зоной взаимовлияния древнеземледельческих культур Согда, Чача и Ферганы, а через них и с более отдаленными регионами.

Через Уструшану проходили важные участки Великого шелкового пути - из Самарканда в Китай: через Термез - Балх на юг и через Чач в степные районы.

Уструшана отмечается средневековыми арабоязычными географами как район, стоявший на границе оседло-земледельческих культурных оазисов и кочевых скотоводческих народов.

Все это свидетельствует о том, что она являлась одним из узловых регионов, в которых проходила трансформация народов среднеазиатского Междуречья.

Особенно активно эти процессы происходили в период раннего средневековья, в пору движения кочевых народов - хионитов, кидаритов, эфталитов, сложения Тюркского каганата, сопровождавшегося оседанием этих народов, внедрения компонентов тюркской культуры и языка.

До 90-ых годов XX столетия основными объектами исследований являлись районы Уструшаны, находящиеся в пределах Таджикистана и др. картина стала меняться в годы независимости в Узбекистана особенно последние десятилетие, когда северо-западная (Джизак) и северная (Сырдарья) Уструшана начала систематически исследоваться М.Х. Пардаевым и А.А.Грициной, которые ввели в науку интересные материалы по древней, античной и средневековой культуре данного региона [Грицина, 1990, с. 8-9; Пардаев, 1995, с. 2-3].

В горной части Джизакского оазиса Л.М.Сверчковым и О.А.Папахристу раскапывался комплекс средневековых поселений Мык, включающий раннесредневековые и средневековые замки и производственные участки. Высказано предположение о локализации здесь горного рустака Минк и его знаменитого замка Марсманда [Сверчков, 1991, с. 5-6; Папахристу, 1992].

В то же время общая история северо-западной Уструшаны, под которой мы подразумеваем бассейн р. Сангзар. области невозможна без детального изучения Она являлась наиболее активной частью контактной зоны, узлом связи на Великом Шелковом пути, ретранслятором экономических и культурных влияний как Согда, так и областей Средней Сырдарьи. Эта зона, особенно бассейн нижнего течения р. Сангзар, богата археологическими памятниками

различных эпох.

Период раннего средневековья был временем интенсивного расширения “скотоводческого мира”, т.е. территории расселения тюркских племен - предков узбеков и других народов Средней и Центральной Азии.

В Средней Азии с древнейших времен постоянно шел сложный процесс взаимного влияния двух культур: оседло-земледельческой и кочевнической. Но особенно он усилился с середины I-го тысячелетия н.э., когда обширные районы этой области вошли в состав государственных образований, создаваемых кочевниками - сначала эфталитами, а затем тюрками. Именно в это время, как пишет А.Н.Бернштам, “произошел взаимный культурно-этнический взаимообмен между иранским и тюркским этническими мирами” [Бернштам, 1947, с. 119-123].

Долгое время среди ученых бытовало мнение о том, что между кочевым и земледельческим населением была только одна форма взаимоотношений - война. Кочевники выступали в роли грабителей. Однако, отношения между кочевниками и земледельцами принимали и форму мирного сотрудничества. Для ремесленников цочевая степь была хорошим рынком сбыта продукции, а кочевники являлись поставщиками мяса, кожи, шерсти, продуктов, связанных со скотоводством. Эти процессы особенно бурно развивались в таких областях, как Чач, Фергана, Уструшана, непосредственно соседствующие с “великой степью”.

В результате исследования памятников нижней части долины Сангзара есть основания считать, что и Северо-Западная Уструшана была активно втянута в этот процесс. Как показали раскопки на Калиятапа, Пардакултепа и Комилбоботепа, которые расположены в центре Джизакского оазиса, местное традиционное керамическое производство испытывало сильное влияние Каунчинской. Однако, в архитектуре жилых построек целиком и полностью сохраняются традиционные средниазиатские приёмы строительства.

Влияние степных культур на Джизакский оазис претерпевают два основных периода: I период относится к IV-VI вв. В это время наиболее важным следствием влияния земледельцев на кочевников явился переход последних к оседлости. Этот процесс заключался в усиливающемся имущественном расслоении кочевого общества, обнищанием основной массы кочевников. Переход к оседлости, как следствие имущественной дифференциации, наблюдался во всех кочевых обществах евразийских степей [Федоров-Давидов, 1966, с. 199]. Но родовая знать, владевшая пастбищами и скотом, сохраняла кочевой образ жизни.

В свою очередь, в памятниках Джизакского оазиса под влиянием кочевников появляются новые формы керамических изделий, изготовленных ручным способом; кружки, сковороды, жаровни, курильницы, подставки с изображением голов баранов, сосуды с потеками и т.д.

Постройки замков вокруг городища Калиятапа активизируются в период нашествия эфталитов. По нижнему течению р. Сангзар формируются компактные микрооазисы, располагавшиеся в пограничной полосе земледельческих районов Согда и Уструшаны.

Второй период расселения (VII-VIII вв.) кочевников в Северо- Западной Уструшане тесно связан с Тюркским каганатом. Это историческое событие знаменовало не только завоевание территории, но и очередное передвижение и оседание тюркских племен из Центральной Азии. По археологическим данным на начальном этапе тюркского завоевания керамическое производство, вплоть до конца VI в., носит консервативный характер. С начала VII века в комплексах керамики появляются орнаментальные элементы тюркской кочевой культуры (насечки, изображения стрел, зооморфные элементы на ручках сосудов). Именно под влиянием тюркской торевтики изготавливаются керамические сосуды [Маршак, 1961, с. 185-189]. В это время окончательно формируются границы Уструшаны, выделяется административный и культурный центр области - Бунджикат. На территории Джизакского оазиса вместе с крупнейшим городским пунктом

Калиятапа начинает функционировать Молтоптапа. Вокруг административного центра рустака Фекнан Калиятапа Дизака складывается сельская округа. Начинается освоение новых земель в северной и северо-западных частях Джизакского оазиса, формируется Урдинский ирригационный микрооазис. Большую роль в экономике начинают играть многочисленные транзитные караваны. В керамической продукции усиливается роль Каунчинской культуры. Начиная с VIII в. сказывается прямое согдийское влияние на материальную культуру региона.

Таким образом, благодаря своему удобному географическому положению, Джизакский оазис в эпоху раннего средневековья являлся активной зоной взаимовлияния древнеземледельческого Согда, Уструшаны с присырдарьинскими кочевыми народами и играл важную роль в торгово-экономических сношениях. Нет сомнения в том, что располагаясь по соседству с Северо-Западной Уструшаной, присырдарьинские народы - эфталиты, а затем тюркские племена - существенно влияли на материальную культуру оазисов, функционирование караванных дорог и торговлю.

В результате изучения археологических памятников Джизакского оазиса, установлено следующее:

- в раннем средневековье Джизакский оазис со своим административным центром Калиятапа (Дизак) и многочисленными сельскими поселениями рустака Фекнан был лоной взаимовлияния различных культур северных регионов Средней Азии;

- с учетом того факта, что на джизакских раннесредневековых памятниках пока обнаружено малочисленные монеты, можно предполагать, что здесь существовала денежная и меновая торговля.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Бернштам А.Н. Чуйская долина // МИА №14. Москва-Ленинград: 1950.
2. Грицина А.А. Северная Уструшана в середине I тысячелетия до н.э. – начале XIII в н.э. (Археолого-топографическое исследование). АКД. Самарканд, 1990.
3. Маршак Б.И. Влияние торевтики на согдийскую керамику в VII-VIII вв. Ленинград, 1961.
4. Пардаев М.Х. Северо-западная Уструшана в эпоху раннего средневековья (по материалам нижнего течения р. Сангзар). АКД. Ташкент, 1995.
5. Сверчков Л.М. Поселение Мык – источник по истории средневековой истории Уструшаны. АКД. Самарканд. 1991.
6. Федоров-Давыдов Г.А. Кочевники Восточные Европы под властью Золото Ордынских ханов. Москва, 1966.

ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА УСТРУШОНА АҲОЛИСИНИНГ ЗООЛАТРИК ТАСАВВУРЛАРИ (АРХЕОЛОГИК ВА ЭТНОЛОГИК МАТЕРИАЛЛАР АСОСИДА)

О.У. Мамиров,

ЎзР ФА Миллий археология маркази

Жиззах вилояти, Зомин туманида Бошпишағор қишлоғи ўрта асрлар даври манбаларида Бушагар (Шагара) деб аталган Уструшонанинг умумий тоғ рустоқларидан бири бўлган худуд Пишағорсой хавзасида жойлашган. X асрда араб сайёҳи Ибн Хауқал, “ўз шаҳрига эга бўлмаган рустоқлар қуйидагилар: Бушагар, Месха, Бургар, Бангам, Минк, Бескен ва Исбаскент” дея маълумот беради (Бетгер, 1957. с 21). Ушбу худудда кўплаб ёдгорликлар жойлашган бўлиб, улар орасида Тўрткўл тепа алоҳида ажралиб туради. У Пишағорсойнинг ўнг қирғоғида, Бешбулоктепа шаҳар ёдгорлигига яқин жойлашган. А.А. Грицина берган маълумотларга кўра, ёдгорлик ярим квадрат

шаклда одатий қалъалар хажмига қараганда анча катта ўлчамга (110x110 м, баландлиги– 20 м) эга (1-расм). Ғарбий қисмида иккита тепалик мавжуд. Айтиш мумкинки, ушбу қолдиқлар мусулмонликкача бўлган даврдаги ибодатхона қолдиқлари (Грицина, 2008. с 114).

Шахарни ўраб олган сой системаси борасида маҳаллий аҳоли орасида турли ривоят ва маълумотлар сақланиб қолган. Унинг баъзи талқинларига кўра, қадим даврда Олтин исмли момо яшаган. У жуда бой аёл бўлган ва ариқ қаздирган. Ёдгорлик ҳудудида суғориш тизими бўлганлиги унинг рельефида кўриниб турибди. Яна бир талқинга кўра ушбу ариқдан қадимда кўплаб инсонлар олтин топиб олишган. Шу сабабли, у “Олтинариқ” деб ном олган. “Олтин ариқ” сўзига монанд келувчи атама туркий халқлар вакиллари бўлмиш хакас халқи эпоси гўзаллик маъбудаси “Олтин-Ариғ” номи билан (Майноғашева, 1988. с 152), олтой халқлари эпосидаги “Олтин Кушқу” каби образлар номи билан топонимик жиҳатдан қиёсласак, маълум маънода сув илоҳаси ва унинг қадимда аёл образида улуғланганлиги билан боғлиқлик борлигини тахмин қилиш мумкин. Бундан ташқари, Ўрта Сирдарё ҳавзасида шу каби атама билан номланган ёдгорликлар учрайди, бунга мисол тариқасида Олтин-осорни келтиришимиз мумкин.

2019 йил сентябр ойида олиб борилган археологик қазув ишлари чоғида қадимий удумлардан дарак берувчи маълумотлар тўпланди. Юқорида тилга олинган ёдгорликнинг жанубий ён бағрида ёдгорликдан 150 м масофада шурф қазииш ишлари чоғида IV ярус чуқурликда диаметри 40-50 см, чуқурлиги 20-25 см бўлган ўрача аниқланди. Ушбу ўрача ичида ит бош суяги ва унинг юқорисида чаппа қилиб қўйилган кичик хажмли хурмача аниқланди.

Бу ерда айтиш жоизки, ит култи ва унга бағишланган маросим алоҳида иккита соҳа ҳисобланиб, улар биргаликда битта ритуалга айланмоқда. Археолог олим Г.И. Богомоловнинг таъкидлашича, идишларни тескари ҳолатда яъни, таг қисми тепага қаратиб қўйилиши одатлари кенг даврий диапазонга эга бўлиб (эр.ав. II минг йилликдан эрамизнинг I минг йиллик ўрталаригача), улар икки гуруҳ – катта идишлар дафн ўраси сифатида ва кичик хўжалик хурмачалари эса қурбонлик сифатида ишлатилган (Богомолов, 1984. С 267).

Уструшона аҳолиси маънавий маданиятида ва эътиқодида зоолатрик тасаввурлар, культлар алоҳида ўрин эгаллайди. Жумладан, уларга тотем жониворлар кўй, бўри (Пардаев, 1995. 45 б), от, бука, ит, туялардир. Шулардан, бўри ва ит култи Уструшона аҳолиси эътиқодида алоҳида ўрин эгаллайди.

Инсоният тарихидан маълумки ит қўлга ўргатилган энг қадимги жонивор ҳисобланади. Кучукнинг қўлга ўргатилиши аграр инқилобгача бўлган даврларда юз берган. Олимлар бунинг аниқ санаси ҳақида турлича фикрлар билдиради, лекин бунинг исботи сифатида Шимолий Исроил ҳудудида аниқланган 12 минг йил аввалги қабрда, чамаси 50 ёшлар атрофидаги аёл билан бирга қўмилган кучукнинг суяк қолдиқлари аниқланди. Олимлар ушбу ҳолатга қадимги инсонлардаги эътиқодни англатиб, қабр орти дунёси дарвозабони учун совға сифатида қўйилган, деган фаразни илгари суришган.

Итлар овда ва жангларда қатнашган, йиртқичлар ёки бегоналар яқинлашаётганлиги тўғрисида огоҳлантирган. Ўлган итлар худди хўжайини сингари турли маросимлар билан дафн этилган. Одамларнинг эҳтиёжлари ва хохишларини тўғри топган ит кўпроқ овқат ва меҳрга эришган. Манчжур халқларида ит (индахунь) сокчилик ва у дунёга боришда мархумнинг руҳига йўлбошловчилик вазифасини ўтайди. Баъзида хайвонлар тимсол сифатида фойдаланилганда ит образи ер ости салтанати тимсоли сифатида тасвирланади. Жумладан, литваликлар асотирларида дафн удумлари асосчиси Швинторог ўзи билан бирга лочин, от ва итни куйдиришни васият қилади. (Мифы народов мира, 1992. С 641).

Қадимги туркий халқлар ритуал амалиётида ит алоҳида ўрин тутади. Бошқир, қозон татарлари, чуваш, туркман ва якутларда чақалоқликдан болаликка ўтиш даврида қўлланиладиган

“сеҳргарлик маросимларида ит бош ролни ўйнаган”. Туркий халқлар эътиқотида ит янги туғилган чақалоқларнинг ҳимоячиси ёки ҳомийси сифатида кўрилган. Янги туғилган чақалоқнинг қирқ кунлик кийими “ит кўйлак”, сочлари эса “итлик соч” деб аталган.

Ит билан боғлиқ удумлар қадимги туркий халқлар маросимларининг марказида туради (СИГТЯ, 2006. С 736). Айни дамда, ўзбек халқи уруғларидан бири бўлган қипчоқларда ит билан боғлиқ турли маросим ва удумлар жамланмаси мавжуд. Жумладан, ёш боланинг қорни оғриб қолса, “кинна” кирган, деб ҳисобланиб, боланинг қорин қисмига ва бошига нон ушоғи силаниб сўнгра итга берилган. Бу одатларга кўра, ёшболанинг қорнида ит руҳи жойлашган бўлган. Ёвуз руҳларни “кўчирма” қилишда итдан фойдаланилган. Аждодларимиз одам ёки бирор жонивор ўлгач, унинг руҳи танасининг муайян бир қисмида сақланиб қолади, деб ишонишган. (Мирзаев, Жўраев, 2001. 36 б.). Шунинг таъкидлаш жоизки, нафақат зооморф тимсолнинг яхлит ўзи (масалан, бўри), балки тана аъзолари ҳам алоҳида-алоҳида “илоҳий куч” сифатида қаралиб, хўжалик фаолияти ва ижтимоий турмушнинг мураккаб вазиятларида улардан фойдаланилган. Ҳаттоки ҳайвоннинг ҳар бир аъзоси ўзига хос культ сифатида номоён бўлган.

Тотемизм диний эътиқоднинг юзага келиши, шаклланиши кўй ва бўри зооморф тасвирларига сиғинишнинг ўзаро боғлиқлигини археолог М.Ҳ. Пардаев Уструшона моддий маданияти мисолида тадқиқ этган ҳолда, “кўй ва бўри топинчини биргаликда тадқиқ қилмоқ керак”-деган хулосага келган (Пардаев, 1995. 42-46 б.). С.П. Толстов ўз вақтида “ит култи келиб чиқишига кўра бўри култи билан боғлиқ”-деган тахминга боради.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, ит култи Уструшона аҳолиси эътиқоди ва илоҳий тасаввурида турли ёвузликлардан сақловчи, авлод наслининг давомийлигини кўриқловчи омил сифатида шаклланган унсур ҳисобланган. Шунга ўхшаш атрибутлар ва тўпланган археологик маълумотлар юзасидан баъзи фикрлар, иптерпретациялар келтириш олиб борилаётган тадқиқотимизнинг асоси ҳисобланади. Айтиш жоизки, этнографик ва археологик маълумотлар асосида чиқарилган хулосалар Уструшона аҳолиси маънавий маданият тасвирини яратишда бош омил ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алтын-Арыг. Хакасский героический эпос. / Запись и подготовка текста, статья, перевод и комментарий В.В. Майногашевой М., 1988.
2. Бетгер Е.К. Извлечения из книги «Пути и страны» Абу-л-Касыма ибн Хаукаля // Труды САГУ. Археология Средней Азии. Ташкент, 1957.
3. Богомолов Г.И. К вопросу об одном из домусульманских обрядов Средней Азии. ИМКУ №19. Ташкент. “Фан”. 1984.
4. Мирзаев Т., Жўраев М. “Авесто” мифологияси ва ўзбек халқ оғзаки ижоди // Ўзбекистон тарихи. Тошкент. 2001.
5. Мифы народов мира. Энциклопедия. №2. Гл. ред. С.А. Токарев. М. 1992.
6. Пардаев М.Ҳ. Кўй ва бўри руҳига сиғинишнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. № 5-6-7-8; Тошкент. 1995.
7. СИГТЯ. (Сравнительная историческая грамматика тюркских языков)Отв. Ред. Э.Р. Тенишев, А.В. Дыбо. Москва. Наука. 2006.

ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСР ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИНИ ЎРГАНИШДА АРХЕОБОТАНИК ТОПИЛМАЛАРНИНГ ЎРНИ

Д.Абдураимов,
Гулистон ДУ, Гулистон

Археоботаник материалнинг тарихий интерпретацияси бирон-бир тарихий даврга оид ўсимликларнинг тарихий манба сифатида ўрганишни тақозо қилади. Маълумки, ўсимликлар ва уларнинг қисмлари (барглари, илдизлари, поялари, гуллари, мевалари) ҳар доим кишилар томонидан кенг фойдаланилган – озик-овқат сифатида истеъмол қилинган, улардан матолар ва тўшамалар тўқилган, турли маросимларни бажаришда фойдаланилган. Ўсимликларнинг сақланиб қолган қолдиқлари палеоэкологик ва палеоиктисодий реконструкциялар учун, урф-одатлар ва маросимларни ўрганиш учун, кишиларнинг турмуш тарзини ўрганиш учун, қадимги инсонлар ҳаётининг маънавий томонини реконструкция қилин учун фойдаланилади. Ўсимликларнинг қолдиқлари ҳам ўзига хос артефакт бўлиши мумкин.

В.С.Бочкарев “артефакт” тушунчасини қуйидагича изоҳлайди: “Артефакт – бу инсон томонидан тайёрланган ва модификацияланган ҳамда маълум маданий функцияни бажарган ҳар қандай моддий объектдир. Объектнинг алоҳида белгилари (масалан, идишдаги нақш), бутун объект (масалан, хумча, идиш), монументал меъморий иншоот, структура (масалан, манзилгоҳ ёки қабристон планировкаси) артефакт бўлиши мумкин. Ҳар бир артефакт ишлаб чиқарувчи, ижтимоий, эстетик каби бир нечта функцияга эга бўлади” [Бочкарев, 1975]. В.Ф.Генингнинг фикрича: “Артефакт – бу нафақат ҳар қандай моддий объект, балки археологик билиш тизимида киритилган, маълум бир йўналишда тадқиқ қилинаётган ва шу тариқа билиш манбаи бўлиб хизмат қиладиган объектдир. У аниқ-ҳиссий ўзлаштирилишга эга, бу эса уни ўрганиш усулларини (кузатиш, ўлчаш, тавсифлаш) шартлаб беради. Шунингдек, билиш операцияларининг аниқ-ҳиссий шаклига ҳам эга (қазииш ишлари, дастлабки таснифлаш). Артефактлар қадимги жамиятлар ҳаёти ва фаолиятида ўйнаган ролини ўзида жамлаши керак” [Генинг, 1983].

У ёки бу жамият фаолият кўрсатган даврдаги табиий муҳитнинг излари археологик ёдгорликларда тўпланган бўлади. Ўсимликлар қолдиқлари, хайвон суяклари, минерал манбалар, ландшафт табиий атроф-муҳит ҳақида тасаввур олиш имкониятини беради. В.Ф.Генингнинг ҳисоблашича, бундай қолдиқлар археологик ёдгорликнинг таркибига кирсада, улар артефакт ҳисобланмайди, чунки инсон фаолияти натижасида вужудга келмаган. С.В.Баштанникнинг қайд қилишича, бу инсон фаолияти томонидан ўзгартирилмаган ландшафтлар, бирон нарсани ишлаб чиқариш жараёнига кирмаган минерал хом ашё каби “табиий фактлар” учун адолатли таърифдир [Баштанник, 2003]. Мевалар, уруғлар ва маданий қатлам шароитларида сақланиб қоладиган ўсимликларнинг қолдиқларини артефакт, деб ҳисоблаш мумкин, чунки улар артефакт белгиларига жавоб беради: моддий объект ҳисобланади, ҳиссий идрок қилинади, инсон томонидан модификацияланган, ўз ижтимоий функцияларига эга бўлган, ҳозирги пайтда эса археологик ва тарихий билиш мақсадларига – ўтмишни реконструкция қилишга хизмат қилишмоқда. Уларнинг ўзига хос томони шундаки, улар органик дунёнинг вакиллари бўлган ҳамда уларни ўрганиш учун табиий фанлар усулларини қўллаш лозим бўлади, бу эса тарихий умумлаштиришларнинг янада чуқурроқ даражасига чиқишга имкон беради.

Археоботаник топилмаларда жамланган ахборотни талқин қилиш топилган макроқолдиқлар ёки микроқолдиқлар ўсимликларнинг қайси категорияга (ёввойи, бегона ёки маданий ўсимликлар) мансублигига ҳамда уларни қайси жойдаги маданий қатламида топилганига боғлиқ бўлади.

Палеоэкологик реконструкцияларда маданий ўсимликлар қўлланилмайди, чунки улар инсон томонидан тарқатилади, инсон турли агрономик усулларни (суғориш, дренаж, ўғитлаш, тупрокка ишлов бериш ва ҳқ.) ёрдамида уларга ривожланиш учун қулай шароитни яратиб беради, ва шунинг учун маданий ўсимликлар ўзларининг дастлабки доместикацияси содир бўлган табиий ўсиш жойларидан бошқа жойларга ҳам кенг тарқалиб кетишади. Шу туфайли, палеоэкологик реконструкция учун ўсимликларнинг ёввойи ва бегона (синантропли, рудерал) турлари қўлланилади. Муаммо шундаки, агар маданий қатламнинг у ёки бу участкасида ҳар доим инсон фаолияти натижасида тушиб қолган маданий ва бегона ўсимликларнинг қолдиқлари мавжуд бўлса, ёввойи ўсимликларнинг қолдиқлари кам учрайди (озуқа ёки хўжалик аҳамиятига эга бўлганларидан ташқари). Кўпчилик ёввойи ва бегона ўсимликларнинг мевалари инсон (антропохория) ёки ҳайвонлар (зоохория) ёрдамида тарқалади. Буни археоландшафтларни реконструкция қилганда назарда тутиш лозим бўлади [Гольева, 2001]. Шунингдек, бундай ўсимликлар антропоген таъсирга учраган жойларда, экинлар орасида, турар жойлар ёнида ва бўш қолган ерларда ҳам ўсаётганлигини ҳисобга олиш керак.

Палеоиктисодий реконструкцияларда шуни эътиборга олиш керакки, бошоқли ўсимликлар донлари, дуккакли ўсимликлар уруғлари, қовоқлилар данакларининг мавжудлиги уларнинг етиштирилганлигидан ёки истеъмол қилиш учун ташқаридан олиб кирганлигидан дарак беради. Улар ўрганилаётган ёдгорлик жойлашган ҳудуд учун характерли бўлиши ҳам мумкин. Мевали ўсимликлар данакларининг топилмалари боғдорчилик, ёввойи мевалар теримчилиги ҳақида далолат беради. Агар минтақадаги иқлимий шароитлар ўрганилаётган даврда бу дарахтларнинг ўсиши учун ноқулай бўлган бўлса, унда улар импорт қилинган бўлиши мумкин.

Археоботаник материал турли археологик ёдгорликларда топилиши мумкин. Турар жойлар, жамоатчилик, сиғиниш жойлари, ишлаб чиқариш иншоотлари, битта иншоотдаги планиграфик элементлар (фундамент ва пол, йўл ва йўлаклар), хўжалик ва ахлат ўралари, ўчоқлар, идишлар, кўмиб ташланган ўралар археоботаник материални тўплаш борасида ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Иншоотлардан ташқарида олинган пробаларда табиий ўсимликлар, уруғ ва мевалар қолдиқлари табиий омиллар таъсири остида тўпланган бўлса, бинолар ичидаги пробалардаги қолдиқлар инсон фаолияти таъсирида тўпланади. Яъни, озиқ-овқат сифатида истеъмол қилинган ва бошқа эҳтиёжлар учун фойдаланилган ўсимликлар қолдиқлари бўлиши мумкин. Қабристонларда табиий ўсимликлар қатлами қабр устидаги тупроқ қатламида учраса, қабр ичидаги ўсимликлар излари жасад тагига тўшалган, ёки жасад ўралган тўшамага оид бўлиши мумкин, бу эса дафн маросимлари ҳақида маълумот беради. Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги ва илк ўрта асрларга оид археологик ёдгорликларда кўпинча бошоқли экинлардан арпа, буғдой ва тарик учрайди, дуккакли ўсимликлардан нўхат, мош ва ясмиқ учрайди. Боғдорчилик ўсимликларидан асосан узум, тарвуз, қовун, шафтоли данаклари учрайди. Устки қатламларда кейинчалик етиштирилган шоли, макка, жўхори, ловия ва бошқа ўсимликлар топилган.

Умуман олганда, археоботаник материалларни таҳлил қилиниши минтақада деҳқончиликнинг ривожланганлик даражасини аниқлашга ёрдам беради ҳамда, езма ва этнографик материалларни жалб қилган ҳолда, деҳқончиликнинг жамият иқтисодий тузилмасидаги ўрнини аниқлашга имкон беради. Деҳқончилик суғорма ва лалми асосида ривожланган. Экинлар учун дарё бўйларидаги аллювиал тупроқлар ва тоғли жилғалар бўйларидаги қўнғир тупроқлар фойдаланилган [Баштанник, Зиняков, 1999].

Ўрта асрларда Уструшона ҳудуди комплекс хўжаликни ривожланиш майдони бўлган. Унинг элементлари деҳқончилик, чорвадорлик ва шаҳар ҳунармандчилиги бўлган. Ҳар бир компонентнинг улуши аниқ микроминтақа, экологик муҳитга боғлиқ бўлган. Деҳқончилик билан шуғулланиш Сирдарё дарёси бўйларидаги водийларда сунъий суғориш асосида ва тоғолди зоналарда амалга

оширилган. Кўчманчи чорвадорлар камбағаллашиб, ўтроқлашган, ўтроқ дехқонлар билан аралашиб, дехқончилик билан шуғуллана бошлашган. Кейинчалик, Буюк Ипак йўли бўйлаб савдо алоқаларини таъминлаган савдогарлар шаҳар хунармандчилиги ривожига туртки берган. Натижада, қора ва рангли металлдан буюмларни, заргарлик буюмларини, сопол буюмларини ишлаб чиқарувчи хунармандлар пайдо бўлган. Дехқонларнинг маҳсулотлари, аввал айирбошлаган, кейин эса сотила бошлаган. Дехқончилик маҳсулотлари нафақат савдо айирбошлаш орқали балки шу билан бирга ноиктисодий мажбурлаш йўли билан ҳам тақсимланган, масалан, натура шаклидаги солиқлар, маъмуриятни, рухонийларни, ҳарбий контингентларни таъминлаш ва б.

Ўрта асрларда Уструшона ҳудудида ўтроқ, кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли истиқомат қилган. Бугунги кунда археологик изланишлар натижасида Сирдарё вилоятидаги Ховос туманида, Жиззах вилоятидаги Жиззах шаҳри ва Зомин туманида ўрганилаётган археологик ёдгорликларда ҳам археоботаник материалларга эътиборни кучайтириб, уларни қайтадан ўрганиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Баштанник С. В., Зиняков Н. М. Палеоботанические находки культурных растений в археологических памятниках Семиречья // Природные условия, история и культура Западной Монголии и сопредельных регионов. - Томск, 1999. С. 169-170.

2. Баштанник С.В. Земледелие в Южном Казахстане эпохи средневековья по археологическим материалам. Автореф. дисс... к.ист.н. - Кемерово, 2003. -25 с.

3. Бочкарев В. С. К вопросу о системе основных археологических понятий // Предмет и объект археологии и вопросы методики археологических исследований. Материалы симпозиума. / Ред. В.М.Массон, В.Н.Боряз. - Л., 1975. С. 34-42.

4. Генинг В. Ф. Предмет и метод науки в археологии. - Киев: "Наукова думка", 1983.

5. Гольева А. М. Фитолиты и их информационная роль в изучении природных и исторических объектов. Москва Сыктывкар - Элиста, 2001. - 184 с.

ЖИЗЗАҲДА ХVIII АСРНИНГ ОХИРИ ХІХ АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО

А.Ҳ.Пардаев, Ж.А.Пардаев

ЖДПИ, Жиззах

Ёзма манбалар маълумоти ва этнографик материалларнинг таҳлилига кўра, Ўрта Осиё хонликлари даврида мамлакат аҳолиси асосан қишлоқ ва туманларда яшаб дехқончилик билан машғул бўлишларига қарамай, шаҳарларда хунармандчилик ва савдо-сотикнинг ҳам тараққий этиб берганини кузатиш мумкин. Бу жараёнлар Бухоро хонлигининг (амирлигининг) Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз, Қарши, Каттакўрғон, Ўратепа каби шаҳарларида бўлгани каби, Буюк Ипак йўлида жойлашган Жиззах шаҳрида ҳам ўз ифодасини топган. Бу даврда Жиззах шаҳри воҳанинг сиёсий, маъмурий ва савдо-хунармандчилик маркази сифатида фаолият кўрсатган. Ушбу даврга оид вилоят ўлкашунослик музейида сақланаётган экспонатлар-кундалик турмуш, хўжаликда иш юритиш учун керак бўладиган маҳсулотларнинг аксарияти жаззахлик маҳаллий уста - хунармандлар томонидан тайёрланганлигини билдиради. Жиззахда кулоллик, темирчилик, совунгарлик, заргарлик, мискарлик, тўқувчилик, кўнчилик, гиламдўзлик каби хунармандчилик соҳалари билан шуғулланилган. Баъзи хунармандчилик соҳалари билан аталган маҳалла-гузарлар ва уларнинг номлари ҳозиргача сақланиб қолган. [Пардаев, 2019. 467-470 п.] Ахборотчиларнинг маълумотларига кўра, Жиззах шаҳри хунармандларининг устахона, дўкон ва расталари 1866 йил рус истилосига қадар Жиззах Ўрдасининг ичкарасида жанубий мудофаа девори яқинида бўлган. Жиззах Ўрдаси забт этилиб вайрон қилингандан сўнг бозор, устахона, дўкон ва расталар Ўрданинг

ташқарисига, Жиззахнинг эски шаҳар мавзеига (ҳозирги Ўрда боғининг жанубий-шарқ томонида жойлашган Ўзбекистон меҳмонхонаси, Ш.Рашидов боғи ва Жиззах педагогика коллежи ўрнида) жойлашган.

Кулолчилик. Кулолчилик Жиззахда энг қадимги хунармандчилик турларидан бири ҳисобланади. Маҳаллий кулолларнинг мил.авв. III-II асрларга оид энг қадимги хумдонлари Қалиятёпа шаҳар харобаларида қайд этилган ва ўрганилган. XVIII-XIX асрларга оид кулолчилик идишлари намуналари эса Жиззах Ўрдасидаги стратиграфик қазилар пайтида топилган ва таҳлил қилинган. Уларнинг маҳаллий хусусиятга эга эканлиги тасдиқланган. [Пардаев, Пардаев. 1999, 134-137 б.]

Ўрданинг жанубий деворлари яқинида томонида ўнлаб хумдонлар мавжуд бўлган. Кулоллар томонидан оддий оёқ чархида соз тупроқ лойидан ясалган сирланган гулдор ва сирланмаган - коса, товоқ, пиёла, кўза, хум, хумча, хурмача, тувак, қозон ... каби идишлар, болалар ўйинчоқлари ушбу хумдонларда пиширилган. Идишларнинг сирти ва ички томонлари аксарият ҳолларда ним яшил, яшил, қизғиш-малла, ҳаво рангли бўёқлар (сирлар) билан бўялган. Турли ўсимлик, гуллар тасвири туширилиб безалган. Ўратёпа кулоллари ҳақида маълумот берган Ю.Южаковнинг таъкидлашича, «... бундай чиройли, гулдор, идиш-товоқлар Хўжанд билан Жиззахда ҳам тайёрланган».[Южаков, 1867, № 7, 591 б.] Ушбу хумдонлардан ғишт пиширишда ҳам фойдаланилган. 1902 йилда Жиззахлик бадавлат ҳожи ота маблағига қуриб битказилган Нуриддин ҳожи мадрасасининг тўрт бурчак шаклидаги (мусулмон) юпка ғишлари айнан мазкур хумдонларда пиширилган. Ғишт пишириш учун чўлдан туяларда, от-араваларда катта миқдорда янтоқ олиб келинган. Ахборотчи Шаҳри она Ортиқованинг (1909-2002 й.) айтишларича, оддий халқ бу хумдонлардан ўзига хос табобат учун ҳам фойдаланган. Хусусан, бод, оёқ оғриғи, сурункали шамоллаш, зотилжам билан оғриган одамлар хумдонларда идиш ёки ғиштлар пиширилиб олингандан сўнг, маълум муддат ўтгач, хумдонга тушиб ўтиришган ва ундаги қуруқ иссиқдан терлаб, шифо топишган.

Темирчилик. Жиззах воҳасида хунармандчиликнинг ушбу тури қадимдан шаклланган ва ривожланган. Зомин туманининг тоғли ҳудудидаги Миқ (Муғ) қалъасида мил.одий IX-X асрларга мансуб темирчилик устахонасининг қолдиқлари очиб ўрганилган. Темир рудаси шу ердаги тоғ-қонидан қазиб олинган ва Миқ қалъасида эритилган. [Сверчков, 1991, 10-12 б.] Шунингдек, Чингизхон истилоси даврида Жиззах яқинидаги «Хонбанди» мавзеи атрофидан темир рудаси қазиб олиниб, эритилгани ва ундан камон ўқлари ясалгани ҳақида маълумотлар ҳам мавжуд. Жиззахда металл эритиш ва унга ишлов бериб буюмлар яшаш анъанавий тарзда қадимдан давом этиб келган. Тадқиқ қилинаётган даврнинг дастлабки, XVIII асрида Жиззахлик темирчиларнинг устахоналари айнан қаерда, қандай кўламда бўлганлиги ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Лекин, 1975 йилда «Хотира» комплекси қурилиши пайтида Ўрданинг жанубий қисмидан кўплаб чала эритилган руда қолдиқлари-шлаклар топилган. Шунингдек, Жиззахлик ёзувчи Назир.Сафаров ўз эсдаликларида тоғасининг харобага айланиб томи босиб қолган темирчилик устахонасини шу ҳудудда очиб тозалаганлари, уни қайта тиклаб иш бошлаганлари ҳақида ёзади. [Сафаров, 1977, 543 б.] Темир эритиш ва темирчилик устахоналари ҳам Ўрданинг жанубий қисмида, кулолчилик устахоналари ёнида жойлашган.

Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг ўрта асрлар хунармандчилигини тадқиқ этган Р.Г. Мукминованинг эътирофи этишича, бу даврда Бухоро хонлигида металл эритиш ва ундан буюм ва асбоблар яшаш кенг йўлга қўйилган. Мис, жез, чўян, темир ва пўлатдан ясалган буюмлар аввало сифати, кўримлиги ва албатта вазнига қараб баҳоланган. [Мукминова, 1976, 104-105 б.] Жиззах вилоят ўлкашунослик музейи фондида асосан воҳа аҳолисидан йиғилган XVIII-XIX асрларга оид мис баркаш (товоқ), мис тоғора, мис жом, мис қумғон, офтоба, чўян манқал, темирдан ясалган болта, кетмон, ўроқ, омоч тиши, пой теша сақланмоқда. Теша ва пой тешанинг асоси темирдан, тиғи

эса пўлатдан ясалган. Шунингдек, ўчоқ-боши анжомларидан қозон, капкир, чўмич, тўй-маърака ошпазларининг махсус оби-гардонлари, санчкилари, пичоқларидан намуналар мавжуд.

Жиззахлик маҳалласи оқсоқолларининг айтишларига қараганда, Жиззахда темирчилик билан асосан уларнинг ота-боболари шуғулланишган. Жиззахлик темирчилар ясаган буюмлар Ўратепа, Хўжанд, Самарқанд бозорларида сотилган.

Тўқимачилик. Бу соҳа билан Жиззахда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси бирдек шуғулланган. Тўқимачиликда аввало бўз тўқилган. Шойи, чит газламаси тўқилгани ҳақида муълумот йўқ. Жундан гилам, шол, олача тўқиш, кигиз, намаг босиш, ошланган қўй, эчки терисидан пўстак тайёрлаш кенг йўлга қўйилган. Жиззахда тайёрланган гилам, шол, кигиз, отларнинг устига ёпиладиган жулкурс Ўратепа, Хўжанд, Қўқон, Самарқанд бозорларида яхши баҳога сотилган.

Совунгарлик. Жиззахда совунгарлик билан шуғулланиш фикримизча, XIX-асрнинг биринчи ярмидан бошланган. Жиззахлик маҳалласи аждодлари ушбу касб билан шуғулланишган ва кейинчалик алоҳида гузар бўлиб ажралиб чиқишган. Самарқанд вилоят архивидан олинган маълумотларга қараганда, XIX-асрнинг иккинчи ярмида Жиззах шаҳрида совунгарлик яхши йўлга қўйилган ва фақат совунгарларнинг савдо-мануфактура уюшмаси мавжуд бўлган. Жиззах воҳасида чорва молларининг кўплиги, маҳаллий ва қўшни воҳалар бозоридан олиб келинган хом ашёнинг етарлиги туфайли ушбу соҳа ривожланган.

Сандиқчилик. Жиззах ўзининг сандиқсоз ва қути ясайдиган усталарига эга бўлган. Сандиқсозлик ва қутисозлик билан асосан Ўратепалик ва Тошкентлик маҳаллалари аҳолиси шуғулланган. Сандиқ ва қутилар енгил дарахт ёғочларидан, асосан тол ёғочидан ясалган. Сандиқ, қутиларнинг олд қисми турли рангларга бўялган, турли геометрик ва ўсимлик нақшларини ифода этган юпка тунука билан қопланган. Қолган сиртки томонларининг тахталари хаворанг бўёқ билан бўялган. Қопқоққа ошиқ-мошиқ, зулфин ўрнатилган. Сандиқ ва қутилардан нафақат уй-жиҳози, балки, хоналарга алоҳида хусн, кўрк бағишловчи эстетик восита сифатида ҳам фойдаланилган.

Кўнчилик. Жиззахда номи сақланиб қолган гузарлардан бири «Кўнчилик»дир. Бу гузар номи ҳозирда Ўрданинг жануби-шарқ томонидаги мавзегга нисбат бериб айтилади. Маълумки, Жиззах шаҳри ва унинг теграсидаги аҳоли маконларида кўнчилик хунармандчилигининг хом ашёси бўлмиш чорва моллари териси кўп бўлган. Ўтроқ, ярим ўтроқ ва кўчманчи аҳоли худди Ўратепада бўлгани каби Жиззахда ҳам ўзларидаги мавжуд хом териларни кўтара сотишган ва эҳтиёжларига керакли нарсаларни бозордан сотиб олишган. Таъкидлаш лозимки, Жиззахда этикдўзлик номи билан аталадиган маҳалла, гузар ва ҳаттоки маълум бир жой ҳам мавжуд эмас. Ахборотчиларнинг айтишларича, бунинг сабаби шундаки, кўнчиларнинг бир қисми ўзлари тайёрлаган чарм маҳсулотларидан ўзлари оёқ кийимлари тайёрлашган. Тайёрланган оёқ кийимлари сирасига - этик, маҳси, калиш, мукки кирган. «Ортиқча чарм эса савдо товари сифатида Ўратепага, ундан Троицк ва Петропавлоцк орқали Россияга чиқарилган». [Мухтаров, 1998. 148 б.]

Заргарлик. Юқорида қайд этилган манбада ёзилишича, XIX-асрнинг иккинчи ярмида Ўратепада учта заргар уста ва учта заргар шогирд фаолият кўрсатган. Улар асосан хотин-қизларнинг - исирға, билакузук, узук, тиллақош, зебигардон каби тақинчоқларини ясашган. Бу нарсалар ўзининг ясалиши усули, нозиклиги, қимматбаҳолиги билан бошқа хунармандчилик маҳсулотларидан ажралиб турган. Аксарият ҳолларда, заргарлик буюмларига санъат асари сифатида баҳо берилган. 1860-1861 йилларга тааллуқли расмий ҳужжатларда ўратепалик Нурмуҳаммад заргар ҳақида маълумотлар учрайди. У XIX асрнинг биринчи ярмида фаолият кўрсатган таниқли заргар сифатида қайд қилинади.

Жиззахда ҳам заргарлик билан фақат ўратепалик маҳалласи аъзолари шуғулланишган. Таъкидлаш жоизки Заргарлик гузари ҳам Жиззах шаҳрининг Ўратепалик маҳалласи худудида жойлашган. Жиззахда қачон, нечта заргар бўлгани ҳақида аниқ фикр ва маълумот йўқ. Ўратепадан

нисбат олиб айтиш мумкинки, XIX аср биринчи ярмида Жиззахда ҳам заргарлар кўп бўлмаган, тахминан 2-3 та заргар уста, 2-3 та шогирди билан фаолият кўрсатган.

Ўратепа шаҳри билан алоқа бу соҳа бўйича мустаҳкам бўлган. Ўрта Осиёлик аёллар тақадиган тақинчоқларнинг барча тури Жиззахлик аёлларда мавжуд бўлган. Шундай бўлсада, уларни барчаси Жиззахда ясалган деган фикрдан йироқмиз.

Ипакчилик. Ўрта Осиёнинг энг қадимги ва қадрли хунармандчилик соҳаларидан бири бўлган ипакчилик билан сўнгги маълумотларга қараганда, аجدодларимиз деярли икки минг йилдан буён шуғулланиб келганлар. [Ртвеладзе, 1994. 15-18 б.] Жиззахда ушбу соҳа билан биз тадқиқ этаётган даврда машғул бўлишгани ҳақида ёзма манбаларда маълумот йўқ. Ахборотчи Ҳамробуви Ортиқованинг (1896-1992) бизга берган хабарларига кўра, ипак қурти боқиш билан уларнинг аجدодлари азалдан шуғулланишган. Ипак қурти уруғини очириш ўзига хос усулда амалга оширилган. Уни махсус халтачада қўлтиқ остида олиб юришган ва маълум муддатдан сўнг пилла қурти очиб чиққан. Йилда икки марта, эрта кўкламда ва кузда ипак қурти боқилган. Жиззах пиллакорлари етиштирган хом ашё Ўратепа ва Самарқанд бозорларида сотилган.

ҚАССОБЛИК. Ўрданинг жанубий-шарқ томонида ушбу ном билан аталувчи гузар мавжуд. Қассоблик гузари аҳолиси Ўратепалик маҳалласидан ажралиб чиққан. Ахборотчиларнинг айтишларича, Жиззахда қассоблик билан асосан Ўратепалик ва Саройлик аҳолиси шуғулланган. Уларга қўй ва молни Қипчоқ маҳалласи аҳолиси Зарафшон воҳаси ҳамда Мирзачўл даштларидаги аҳолидан кўтара савдо йўли билан етказиб беришган.

Туз етиштириш. Жиззахдан 50 км шимоли-ғарбда жойлашган Тузқондан ош тузи қазиб олинган. Туз савдоси билан шуғуланувчи Жиззахлик савдогарлар Самарқанд, Ўратепа, Зомин, Хўжанд сингари шаҳарларга туз олиб бориб сотишган. [Мухтаров, 1998. 153 б.]

Жиззах шаҳри аҳолисининг ҳаёт тарзи бозор билан узвий боғлиқ ҳолда кечган. Аҳолининг хунармандчилик билан машғул қисми ўзлари етиштирган маҳсулотни асосан ўзлари сотишган. Савдогарлар эса қўшни шаҳар ва воҳалар билан ўзаро «олди-берди» савдосини амалга оширишган. Бой савдогарлар фақат кўтара савдо билан шуғулланишган. Улар ўз маҳсулотларини Жиззах карвонсаройида олиб - сотар, «чаканафуруш», «аттор» ларга сотишган, баъзи ҳолларда насияга беришган. Жиззах бозорида газлама билан савдо қилувчи - базозлар, оёқ кийими билан савдо қилувчи – вофурушлар, ун билан савдо қилувчи – аллофлар, гиламдўзлар, дўппидўзлар, чопондўзлар ва бошқаларнинг алоҳида расталари мавжуд бўлган.

Тайёр, умумий озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланиш ҳам кенг йўлга қўйилган. Бозор кунлари Жиззах бозори гавжум бўлган. Чунки, ён-атрофдаги қишлоқлар ва чўлдашдаги кўчманчи аҳоли учун Жиззах бозори энг яқин ва қулай савдо маркази ҳисобланган. Шу сабабли, умумий овқатланиш жойлари, чойхоналар, такяхона ва карвонсаройлар Жиззахда, асосан бозор ва бозор атрофида кўп бўлган. Жиззах нонвойлари томонидан оби нон, чапчак нон, патир нон тайёрланган ва сотувга чиқарилган.

Ёзувчи Н.Сафаровнинг ёзишича, «Қаландархона» чойхонаси яқинида яшовчи Ўринбой сомсапаз ўғиллари Қурбонбой ва Аширмат билан ҳар куни пешингача 2 тандир, пешиндан кейин 2 тандир сомса ёпиб чойхонага қўйиб кетган. Ўзи ўтириб сотмаган. Сомсахўр мижозлар сомсадан кераклича олиб пулини махсус қўйилган сопол косага ташлаб кетишган. [Сафаров, 1977, 210 б.] Палов, шўрва, кабоб, манти, нўхот шўрва каби таомлар ҳам чойхоналарда тайёрланган. Гўжа оши, катикли ош (оқ ош ҳам дейилади), ширкади каби таомлар Жиззах бозорининг турли жойларида асосан камбағал, бева-бечораларга сотилган. Шунингдек, новвот, нишолда, ҳолва, каллақанд, «қоғозпеч» (конфет - А.П.) шинни каби ширинликлар сотилган. Нишолда ва шиннидан ташқари ширинликлар, хусусан, совунак ҳолва, кунжутли ҳолва Жиззахга асосан Самарқанддан келтириб сотилган.

Хўл мевалар, ковун-тарвуз, хандалак Жиззах бозорида сероб бўлган. Буларнинг барчаси маҳаллий зироаткорлар томонидан етиштирилган. Қуритилган мевалардан майиз, ўрик қоқи, туршак, олма қоқи, жийда асосан қиш ойларида истеъмол қилиш учун харид қилинган. Форишнинг Боғдон қишлоғи ўзининг сояки майизи билан машхур бўлган. Майизни Самарқанд, Бухоро, Ўратепа, Хўжанд ва Қўқонгача олиб бориб, ўрик қоқини эса Жиззахга Ўратепа ва Хўжанддан олиб келиб сотишган. Жиззах бозорида савдо-сотик шаҳарнинг географик жихатдан қулай жойлашганлиги учун яхши йўлга қўйилган. Чунки, Жиззах Мовароуннахрнинг шимолий ва шарқий ўлкаларини жанубий ва ғарбий ўлкалари билан боғловчи чорраҳада жойлашган. Шунинг учун Жиззахда ташқи савдо азалдан, хусусан хонликлар даврида ҳам тўхтаб қолмаган. Жиззахда ҳинд ва афғон савдогарлари, саррофлари ҳам фаолият кўрсатган. [Вамбери, 1865, 222 б.]

Шундай қилиб, Жиззахда азалдан давом этиб келаётган шаҳар ҳаёти XVIII асрнинг охири - XIX асрнинг биринчи ярмида ривожланишнинг ўзига хос янги босқичига ўтган. Жиззах Ўрдасидаги шаҳар ҳаёти Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарлари каби анъанавий тусни олган бўлсада, фарқ қиладиган томонлари ҳам мавжуд бўлган. Масалан, шаҳар аҳолиси ҳисобланган Ўрдадаги - Мўлканлик, Оққўрғонлик, Тоғчилик, Равотлик каби маҳаллаларнинг аҳолиси асосан деҳқончилик билан шуғулланган ва экин мавсуми – баҳор ва ёз ойларида улар экин пайкаллари ҳудудидаги дала ҳовлиларига кўчиб кетишган. (Пардаев. 2004. 27 б.) Ушбу маҳаллалар оқсоқолларининг маълумот беришларича, ҳар бир маҳалладаги ўзига тўқ, бой деҳқонларнинг шаҳардан ташқарида, экин майдонлари яқинида работлари бўлган. Тошработ, Оқработ, Кўкработ, Қизилработ, Хайработ номли мавзелар ҳанузга қадар Жиззах шаҳри атрофида сақланиб қолган. Шунингдек, бу работлар эгасининг номи билан ҳам аталган. Работларнинг атрофи 5-7 пахса девор (3,5-5,0 м) билан айлантириб ўраб олинган ва унинг ичида 4-5 тагача оила яшаган. Қалия-Мўлканлик маҳалласига тегишли шундай работлардан бири (Жиззах автостанциясидан 1 км. шимолда) Тошработ 1960 йилларда бузиб юборилган. Шаҳар аҳолисининг қолган қисми, ҳунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланган. Ҳунармандчиликнинг деярли барча турлари Жиззахда мавжуд бўлган ва ҳунармандчилик маҳсулотлари билан ўзини - ўзи таъминлаган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Вамбери Г. (Арминий). Путешествие по Средней Азии. СПб.: 1865, 222 с.
2. Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI веке. Т: «Фан», 1976, с. 104-105.
3. Мухтаров А. История Ура-Тюбе (конец XV - начало XX вв.) М.: 1998. - с. 148
4. Мухтаров А. История Ура-Тюбе (конец XV - начало XX вв.) М.: 1998. - с. 153
5. Пардаев. А. Жиззах беклиги – Ўрта Осиё хонликлари даврида (XVI асрдан – XIX асрнинг 60-йилларигача). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент, 2004. 27 с.
6. Пардаев М., Пардаев А. Жиззах Ўрдаси //Қадимий Қарши - Ўрта Осиё шаҳарсозлиги ва маданияти тарихи. Халқаро илмий анжуман материаллари. Қарши, «Насаф», 1999, 134-137 б.
7. Ртвеладзе Э.В. Великий Шёлковый путь. Т., «Ўзбекистон энциклопедияси», 1994. 15-18 б.
8. Сафаров Н. Наврўз. Т: Ғафур Ғулом нашриёти. 1977, 210 б
9. Сафаров Н. Наврўз. Т: Ғафур Ғулом нашриёти. 1977, 543 б.
10. Сверчков Л.М. Поселение Мык - источник по истории средневековой Уструшаны. Автореф. дис. канд. ист. наук. Самарқанд, 1991, с. 10-12.
11. Южаков Ю. Ура-Тюбе и его округи. -«Отечественные записки», 1867, № 7, 591 с.
12. Pardaeв А.Н. Urbanization processes in the Jizzakh oasis during the central asian khanates. International Scientific journal. Philadelphia. 2019. 467-470 p.

ҚОЯТОШ РАСМЛАРИ-ИНСОНИЯТ БАДИИЙ ТАФАККУРИНИНГ ОЛИЙ МАҲСУЛИ (ҚАДИМГИ УСТРУШОНА МИСОЛИДА)

М. Тиловбоев,
ЖДПИ магистранти

Кишилиқ жамияти тарихий тараққиёти ва маданияти тизимида, қоятош расмлари-одамзотнинг санъати, диний эътиқоди, кундалиқ турмуш тарзи, хўжалиқ юмушлари, машғулотлари ва маънавий кечинмаларини тасаввур қилишда муҳим бўлган бирламчи тарихий, моддий манбалардан ҳисобланади. Инсон табиат мўъжизаларини ва унинг сир-асрорларини тасаввур этиши туфайли тирик жонзотларга тақлид қилган, уларнинг қиёфасини яратган. Инсон расмлар чизиш орқали табиатдаги нарса ва ҳодисаларга ўз таъсирини ўтказиш ёки ундаги асов ҳолатларни бўйсундиришга ҳаёлан ҳаракат қилган. Ана шу тасаввурлар таъсирида шаклланган ва ўзларининг илк ибтидоий тажрибаларини тўплай бошлаган илк одамлар мўъжизакор табиатдаги осори-атиқаларнинг расмини чизиш учун табиий тайёр ғорлар деворларидан, қоялардан фойдаланган.

Инсоният тарихидан бизга маълумки, ибтидоий тасвирий санъат, хусусан, ғорларнинг деворларига турли тасвирлар тушириш сўнгги палеолит даврига оиддир (Испаниядаги Алтамир ғори) [1:63]. Ўрта Осиёда унгулар ва қоятошларга ишланган расмлар мезолит даврида пайдо бўлади. Неолит даврига келиб бу санъат янги асосда ривожланиш босқичига ўтади.

Ўзбекистонда топилган қоятош тасвирлар мамлакатимиздаги энг қадимги расмлар мажмуасидир. Қоятошларга битилган бу суратлар узок ўтмишдаги ота-боболаримизнинг нафис тасвирий санъатидан, кундалиқ ҳаётини фаолиятдан ҳикоя қилувчи нодир асарлардир. Улар бир неча минг йиллар давомида куёш нури таъсири остида қорайиб кетган бўлсада, номаълум рассомларнинг ўткир зеҳни билан қояларнинг силлиқ сиртига моҳирона ўйиб ишланган бу жозибатор санъат обидалари узок ўтмишнинг “занғори осмон остидаги очик музей” сифатида мангу яшаб келмоқда. [2:7].

Ватанимиз Ўзбекистон қоятош ёдгорликлари ўз мазмун-моҳияти билан кишилиқ тарихий тараққиёти турли босқичлари, аҳолиси, кунлик турмуш тарзи, ижтимоий тузуми, маънавий кечинмалари, санъати, хўжалиқ машғулотлари, диний эътиқодлари ҳамда этномаданий муаммолари тўғрисида қимматли маълумот берувчи тош йилномалардир [3:64]. Буларни инсоният бадиий тафаккурининг олий маҳсули, дейиш мумкин. Одамнинг нозик ҳислари, қалб кечинмалари ҳамда урф-одат, эътиқодлари ана шу қадимги тасаввурларда ўз аксини топган.

Ўлкамиздаги қоятош расмларининг энг нодир намуналари Зараутсой, Сармишсой, Биронсой, Кўксарой, Такатош, Тераклисой, Хўжакент худудларида бўлиб, улар юздан зиёддир. Мазкур жойлардаги қоятошларда Ўзбекистоннинг қадимги ва ҳозирги ҳайвонот олами вакиллари расмларини кузатиш мумкин [3:64]. Улар буқалар, шерлар ва йўлбарслар, қоплон, тулки ва бўрилар, буғу ва жайронлар кабилардир. Расмлар орасида ов қуроллари бўлмиш ўқ-ёй, қопқон каби нарсалар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Мавжуд қоятош расмлари мазмунан бой ва манзараси жиҳатдан хилма-хилдир. Улар янгича талқин ва таҳлилга муҳтож.

Дарҳақиқат, аждодларимиз томонидан яратилган бой маданий меросни чуқур ўрганишда республикамиз мустақиллиги йилларида кенг имкониятлар юзага келди. Жаҳоннинг етук илмий марказлари билан тарихий маданий ёдгорликларни ўрганишда ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилди ва бунда Ўз РФА Археология институтининг илмий фаолияти устувордир. Хусусан, қоятош расмларини ўрганишда бир нечта халқаро экспедициялар (Ўзбекистон-Польша, Ўзбекистон-Норвегия, Ўзбекистон-Россия) мутахассислари билан ҳамкорликда амалга оширилган илмий тадқиқотларда самарали натижаларга эришилди.[4:111].

Фикримзининг исботи сифатида шу ўринда таъкидлаш лозим, 2016 йил август ойида қадимий Уструшона тоғларида сақланиб қолган чорвадорлар моддий ва маънавий маданияти, жумладан қоятош расмларини ўрганиш бўйича ҳам махсус қидирув ишлари олиб борилди. Уструшонада ўрганилган қоятош расмлари ва мозор-қўрғонларнинг тоғ ёнбағирлари бўйлаб жойлашганлиги уларда тоғларга сиғиниш билан боғлиқ одатлар ҳам кенг ёйилганлигини кўрсатади. Тоғ чўққиларига сиғиниш, у жойларни муқаддас билиш каби удумларни ҳозирги кунда ҳам кўплаб учратиш мумкин. Жумладан, Жиззах (ҳозирги Ш.Рашидов) тумани Желли-ғулли аҳолиси орасида ҳам тоққа сиғиниш билан боғлиқ удумни кузатиш мумкин. Бу кишлоқнинг шимли-шарқ томонида, Нурота тоғ тизмасининг Сангзор дарёсига туташ жойида баланд тоғ қоялари мавжуд.

Бу ерда овчи ва чорвадорларнинг бугунги кунгача сақланиб қолган муқаддас зиёратгоҳ-Сузмойилота қадамжоси жойлашган. Шу нарса эътиборлики, бу ердаги қоятошларга қуёш нури уфқдан бош кўтариб чиққанидан ботгунига қадар тегиб туриши билан бирга, шимол томонида жойлашган бепоён яйлов ҳам шу ердан бошланади. Мана шу каби алоҳида хусусиятлари туфайли, бу жой қадимги аҳолининг минг йиллар мобайнидаги муқаддас зиёратгоҳига айланган [5:122-124].

Масаланинг эътиборли жиҳати шундаки, ушбу муқаддас қадамжода овчи ва чорвадорлар ўзларининг турли диний маросимларини ўтказиш билан бирга, қоятошларга расм чизиш амалларини ҳам бажариб келган. Бу муқаддас қадамжо ва унинг атроф-худудларида олиб борилган дастлабки илмий тадқиқотлар натижасида ўз даврининг мусаввирлари томонидан тошларга уриб-чўкичлаб чизилган 700 дан ортиқ алоҳида ёки композицион мазмундаги манзараларда акс этган кўплаб расмлар аниқланиб харитага олинди [6:24].

Дарҳақиқат, Сузмойилота қоятош расмлари мана шу худудда яшаган қадимги овчи ва чорвадор халқларнинг маънавий, диний, ижтимоий-иқтисодий ва хўжалик ҳаётини тасаввур этишимизда ўзига хос манбалардан бири ҳисобланади. Қизиқарли томони, бу тоғ чўққиси-Сузмойилотани аҳоли ҳозир ҳам доимо зиёрат қилиб туради.

Бироқ, кейинги пайтларда бу ерга зиёратга келган кишилар томонидан расм чизилган тошларнинг кўпориб ташланиши, ёки бўлмаса ҳозирги даврдаги ҳаваскор “расомлар” томонидан қадимги тасвирлар устини кўпол равишда бузиб, ҳар хил нарсалар чизиб ўз исмларини ёзиб қолдирилиши ҳолатлари кўзга ташланади. Аҳвол шу зайлда давом этаверса, бу ердаги ноёб расмлар галереясининг йўқолиб кетиш хавфи муаммоси юзага келмоқда. Шунинг учун ҳам бу қоятош расмларни Республика маданий ёдгорликлар рўйхатига киритиш ва мавжуд санъат асарларини сақлаб қолиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим [6:26].

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси худудида қадимги тош давридан сўнгги ўрта аср даврларига тааллуқли археологик ёдгорликлар сони жиҳатидан жаҳон мамлакатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ўлкамизда археологик ёдгорликларнинг бу қадар кўп жамланганлиги шу минтақада яшаган халқларнинг маданияти ниҳоятда юксак бўлганлигидан далолат беради.

Лекин афсусланарли жиҳати шундаки, мазкур ёдгорликларнинг умумий сони хали тўлалигича ҳисобга олинмаган. Эътироф этиш жоиз, мазкур ёдгорликлар сонини аниқлаш учун мақсадли археологик экспедициялар ва махсус тадқиқотлар узоқ йиллар мобайнида олиб борилган. Лекин ушбу изланишлар таъкидлаш мумкинки, нотекис равишда амалга оширилган. Қувонарли жиҳати шундаки, сўнгги йилларда бу масала ва муаммога давлат миқёсида жиддий эътибор қаратилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирда мамлакатимизнинг барча худудларида фаолият кўрсатаётган маданий мерос объектларини муҳофаза қилувчи инспекция ходимларидан тортиб барча олимларимиз ва қолаверса, шу юртда умргузаронлик қилаётган ҳар биримизнинг миллат ва Ватан

олдидаги бурчимиз- боболардан мерос кўхна осори-атиқаларимизни асраб-авайлашдан иборат бўлиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Эшов Б.Ж., Одилов А.А. Ўзбекистон тарихи. 1-жилд. Т.: “Янги аср авлоди”, 2014.
2. Асқаров А. Бухоронинг ибтидоий давр тарихидан лавҳалар. Т. : “Фан”, 1973.
3. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари ёш тадқиқотчилар талқинида. Самарқанд. 2010.
4. Ўзбекистон моддий маданияти тарихи 38-нашри. Самарқанд, 2012.
5. Хўжаназаров М.М, Холматов А.Н. Сузмойилота қоятош расмлари тадқиқотининг дастлабки натижалари хусусида. // “Марказий Осиё тарихи ва археологияси муаммолари” мавзусидаги Республика илмий конференция материаллари. СамДУ, 2018.
6. Саидкулов Ж.Т. Ўзбекистон қоятош суратларининг ўрганилиш тарихи // Магистр даражасини олиш учун ёзилган дисс. Т.: 2018.

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИНИНГ СЎНГГИ ЎРТА АСРЛАР ТАРИХИ МАНБАШУНОСЛИГИГА ДОИР

Т.Ф.Ҳасанбоев
ЖДПИ таянч докторанти

XXI асрга ривожланишнинг замонавий тараққиёт йўли билан кириб келган, бой маданияти ва бебаҳо маънавиятига эга бўлган ўзбек халқи ўзининг минг йилликлар қаърига кириб борган қадимий ўтмиши билан дунё халқлари тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Марказий Осиёнинг икки дарёси Аму ва Сирдарё оралиғидаги минтақада қадим ва ўрта асрларда содир бўлган тарихий-маданий жараёнлар, ижтимоий-иқтисодий юксалишлар, турли даврларда халқ фаровонлиги ва тараққиётини кўзлаб ўтказилган кўплаб ислохотлар, шунингдек, юксалиш ва инқироз ҳолатлари, чет эл босқинчиларига қарши озодлик курашлари юртимизнинг серқирра ва ранг - баранг тарихидан далолат беради. Бундай тарихий жараёнлар Уструшона мамлакатининг ғарбий, шимоли-ғарбий сарҳадларида жойлашган Жиззах воҳаси учун ҳам истисно бўлмаган.

IX-X асрларда Уструшона мамлакатада нуфуз жиҳатдан пойтахт Бунжикат ва Зоминдан кейинги учинчи ўринда турадиган Жиззах (Дизак) Фағнон рустоқининг бош шаҳри сифатида, кўчманчи чорвадор қабилаларнинг босқинларини қайтариш ва уларга зарба бериш учун «ғозийлар қароргоҳи»га айланган эди. Ёзма манбалар хабарига кўра, бу даврларда Жиззахда, нафақат уструшонликларнинг, балки самарқандликларнинг ҳам ҳарбий қалъа-рабодлари фаолиятда бўлган [Пардаев, 2015. 33-37 б; Пардаев, 2004. 116].

Соҳибкирон Амир Темур ва темурийлар даврида ёзилган тарихий асарларда Жиззах ва унинг атрофидаги турар-жойлар ҳақида етарли даражада маълумотлар келтирилган. Амир Темур топшириғи билан унинг ҳаётлиги чоғида ёзиб тугалланган Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асаридаги Амир Ҳусайннинг Амир Соҳибкирон томонига лашкар тортиб келганлиги баёнида қуйидаги: “...Амир Ҳусайн катта бир лашкарни мукамал тартиб билан олиб чиқиб, Қаровнос ва Шаҳрисабдан ўтиб, Солорбулоққа келиб тушди. ...Малик икки минг киши билан Сўзангаронда турди, Жаҳоншоҳ бир минг беш юз киши билан Работи Маликка келиб тушди. Яна бир минг киши Еттиқудуқ йўлининг бошига Дизакнинг Харман (мавзеи) га келиб тушди.”[Шомий, 1996. 68-70 б] қабалидаги фикр келтирилади. “Зафарнома” асаридаги ушбу маълумотлар 1367-1368 йиллар воқеаларига бағишланган бўлиб, унда Амир Ҳусайнни Амир Темурга қарши лашкар тортгани, Дизак ва унинг яқинидаги Харман мавзеи, Малик работи ҳақида батафсил маълумот берилган. Бу ҳудудда содир бўлган ҳарбий ҳаракатлар, сиёсий воқеалар борасида қуйидаги хабарлар келтирилган. “Ўша куни Дизак мавзесига етдилар. Озгина тўхтаб, отларга дам беришди. Ўлжой

Мўғулни уч юз киши билан ўша мавзеда (Дизакда) қолдирдилар.» Амир Темур ушбу тўқнашувда Жаҳоншоҳ лашкарларига ўнганмас зарба беради ҳамда Жиззах мавзеига қўшин қолдириб, жангни охирига етказиб қўйиш учун душманни таъқиб қилишни давом эттиради ва ғалабага эришади.

Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида Дизак ва унинг атрофидаги кўрғон ва кентлар: Работи Малик, Йом, Хавос ҳақида маълумотлар берилган. Муаллифнинг ёзишича, бу даврда соҳибқиронга қаршли зарбдор сипоҳ Жиззахда мунтазам турган ва Дизак-Чиноз йўналиши орқали ўтадиган «Етти қудук» йўлини қўриқлаган. Амир Темур давлат тепасига келгунча Жиззах учун аввало мўғул-жеталар билан, сўнгра Амир Хусайн билан қуролли тўқнашув бўлиб ўтган [Али Яздий, 1992. 36, 54-55 б]. «Етти қудук»нинг бири, ҳозирда «Самарқанд қудук» номи билан аталади. У Жиззах шаҳридан 15 км шимоли-шарқда жойлашган. Қолган қудуклар ҳам шу ҳудуддаги «Гала қудук» номи билан аталувчи мавзеда жойлашганлиги эҳтимолдан узоқ эмас. Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарларидаги маълумотлардан кўришимиз мумкинки, Амир Темур фаолияти давомида Жиззах воҳаси ва унинг атрофидаги ҳудудлар ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга ҳудуд сифатида қаралган ҳамда бу даврда Соҳибқиронга тегишли асосий қўшинлардан бири Жиззахда мунтазам турган.

Темурийзода Улуғбек ҳукмдорлиги (1409-1449) Тошкент, Еттисув ва Мўғулистондаги темурийларга қарши муҳолиф кучлар ҳаракатининг фаоллашув даврига тўғри келади. Шу сабабли, Самарқандга ўтиш йўли Илонўтти дарасини қўриқлаш учун мудофаа занжири ҳосил қилган Жиззах воҳасидаги Қалиятпеа, Ўрда, Равот, Молтоп қалъа-кўрғонлари қайта таъмирланган, ҳарбий қудрати оширилган. 1425 йилда Улуғбек жеталар юрти Мўғулистонга ҳарбий юриш қилади ва мўғул хони Шермуҳаммадхон устидан ғалаба қозонади. Бу Улуғбекнинг ҳарбий фаолиятидаги кам сонли ғалабаларидан бири, энг ёрқини ва асосийси эди [Аминжанова, Желтова, 1974. 86 б]. Шунинг учун ҳам ушбу ғалаба ҳақидаги маълумот Сойбўйи қалъаси билан Жиззах оралиғидаги Илонўтти дарасига қуйидаги “Улуғ тангрининг...қўллаб қувватлаши бирлан улуғ султон, жамий подшоҳлар ҳукмдори, тангрининг ердаги сояси, ислом динининг туғдори, дин ҳомийси Муъниддин Улуғбек Кўрагон, тангри онинг салтанатини пойдор қилсун, Жете ва Мўғулистонга юриш вақтида ушбу ердан ўтгон. Ҳижрий 828-йил” сўзлар билан «Темир дарвоза»нинг баланд қояларидан бирига ўйиб ёзилган ва абадиятга муҳрланган [Аҳмедов, 1989. 82-83 б].

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида «Уструшона бир пайтлар Умаршайх Мирзо тасарруфида бўлган» деб эслатиб ўтади ва Жиззах воҳасидаги аҳоли масканлари - Дизак, Зомин, Йом, Пешағор, Ёр-Яйлоқ, Халилия каби кентлар, Илонўтти дараси ҳақида маълумотлар келтиради. Дарҳақиқат, Бобур 1498-1499 йиллар қиш мавсумини ўзининг пири-устози Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Вали авлодлари мулкларидан бири Пешағор кўрғонида ўтказади. 1501 йилларда узоқ давом этган Самарқанд камали туфайли очлик, юпунликка дучор бўлган, Шайбонийхондан мағлубиятга учраган Бобур кам сонли аъёнлари билан бир амаллаб Жиззахга етиб келади ва маълум муддат бу ерда туриб қолади [Ҳасанбоев, 2017.24-26 б]. Бу ерда юксак эътибор, меҳмоннавозлик кўрган Бобур Жиззах ва унинг атрофидаги турар-жойлар, халқнинг ҳаёти тўғрисида айрим тафсилотларни ёзиб қолдиради:

«Кеч намози дигар Илон Ўтида тушуб, от ўлтуруб этини шишлаб, кабоб қилиб, отни лаҳза тиндуруб отландик. Тонгдан бурунроқ Халилия кентига келиб, сўнг Дизак борилди. Бу пайтда Дизакта Ҳафиз Муҳаммадбек дўлдойнинг ўғли Тохир дўлдой (ҳоким – Ҳ.Т.) эди. Семиз этлар ва майда этмақлар арзон, чучук қовунлар ва яхши узумлар фаровон. Андоқ усраттин мундоқ арзонлик ва андоқ балияттин мундоқ амонликка келдук.... Мундоқ душман балосидан ва очлик истилосидин халос бўлиб амонлиғ роҳатиға ва арзонлиғ фароғатиға етиштук, Уч-тўрт кун Дизакта истироҳат қилдук» [Заҳириддин Муҳаммад Бобур, 1989. 86 б].

Демак, муаллиф ёзганидек, бу пайтда Жиззахда дўлдой уруғи вакили Ҳафиз Муҳаммадбекнинг ўғли Тоҳир дўлдой ҳокимлик қилган. «Темур тузуклари»да қайд этилишича, соҳибқирон томонидан тамға олиб юксак мартабага сазовор бўлган ўн икки аймақ (барлос, тархон, жалойир, арғун, ...) орасида дўлдой уруғи ҳам бўлган. Амир Темурнинг кўшини қирқ аймақдан чиққан навкарлардан, ҳамда хос навкарлардан иборат зарбдор авангард қисмдан ташкил топган. Хос навкарлар эса фақат ўн икки аймақ жангчиларидан тузилган [“Темур тузуклари”. тах., 1991. 86-87 б]. Дўлдой уруғи бек ва амирларининг аксарият қисми темурий шахзодаларга хизмат қилишган, уларга тарафдор бўлишган. Жиззах ҳокими Тоҳир дўлдойнинг отаси Ҳафиз Муҳаммадбек Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо даврида аввал Андижонда, кейинчалик Ўратепада унга тобе сифатида хизмат қилган. Эҳтимол шунинг учун ҳам, Тоҳир дўлдой Шайбонийхон ғазабига дучор бўлишидан қўрқмай Жиззахда Бобурни юксак мартабали меҳмон сифатида кутиб олган ва унга хурмат-эҳтиром кўрсатган [Пардаев, 2001.253б].

XV асрнинг охири XVI асрнинг бошларида темурийлар давлати кучсизланиб қолди. Бундан фойдаланган Шайбонийхон бошлиқ Дашти-Қипчоқнинг чорвадор қабилалари Мовароуннахр воҳаларини эгаллаб оладилар ва ўз ҳокимиятларини ўрнатдилар. Ушбу юришларда қатнашган юксак нуфузли уруғлар ўлканинг хўжалик юритишга қулай бўлган воҳаларини эгаллаб ўтроклашдилар. Хусусан, қарши шаҳри ва унинг атрофига манғитлар, Шахрисабз шаҳри ва унинг ён теварагидаги ҳудудларга барлос ва кенагаслар, Ўратепага юзлар, Жиззахга қирқлар келиб ўрнашдилар [Пардаев, 2004. 126].

XVI асрнинг бошларида яратилган яна бир ёзма ёдгорлик Муҳаммад Солихнинг (1455-1535 й.) «Шайбонийнома» достонида ҳам Жиззах ҳақида анча маълумотлар келтирилган. Темурийлар сулоласининг инқирози, янги салтанат-шайбонийлар ҳукмронлигининг қарор топиши билан боғлиқ тарихий воқеалар баёнига бағишланган ушбу асарда ҳам Жиззах Шайбонийхон ёки унга мухолиф кучларнинг лашкаргоҳи, муҳим ҳарбий стратегик макон сифатида таърифланади. Хусусан, Шайбонийхон «Самарқандни олган йилининг қишинда мўғул устига черик тортиб Хоникахонни вилоятларин, Шахруҳияни чоптурғонда» унинг лашкари Жиззах қалъасига тўпланади. Юқорида таъкидлаганидек, бу даврда Жиззахнинг қулай ҳарбий стратегик имкониятларидан, нафақат Шайбонийхон, балки унга қарши, мухолиф кучлар ҳам фойдаланишга ҳаракат қилишган. Хусусан, 1500, 1501 йилларда Самарқанд камалида узоқ муддат қолиб кетиб, ташқаридан ҳарбий кўмак кутиб ётган Бобур Мирзога Тошкентдан Хоникахон, Фарғонадан амир Танбал ёрдам беришга аҳд қилишади ва Самарқанд сари лашкар тортишиб, Жиззахда учрашишади.

Лекин, «Шайбонийнома» муаллифи тўғри таъкидлаганидек, икки ўртада жанг содир бўлмайди. Хоникахон ва Танбал кўшини орқага қайтиб кетади, натижада бир қанча муддатдан сўнг Самарқанд Шайбонийхонга таслим бўлади [Солих, 1989. 92-96, 126 б].

XVI аср иккинчи ярми, XVII аср бошларида яшаб ўтган Ҳофиз Таниш Бухорий томонидан форс-тожик тилида ёзилган «Абдуллонома» («Шарафномаи Шоҳий») асари ҳам Жиззахнинг хонликлар давридаги тарихи, тутган ўрни ва мавқеи ҳақида маълумот берувчи қимматли манбадир.

Шайбонийларнинг энг номдор хонларидан бири бўлган Абдуллахон II (1557-1598) Мовароуннахрни бирлаштириш, марказлашган давлат тузиш ва уни мастаҳкамлаш учун қирқ йилдан ортиқ умрини жангу-жадалда ўтказади. Тинимсиз курашлар давомида ҳукмдор бир неча марта муҳим сиёсий, ҳарбий тadbирлар билан ҳозирги Жиззах шаҳри, унинг ён-теварагидаги қалъа-қўрғонлар - Учтепа, Кўкғумбаз, Работи Малик, Йом, Пешағор, Ардахшон, Аччи, Зомин ва бошқа кентларда бўлган.

«Абдуллонома» асари муаллифининг ёзишича, 1578 йилда «соҳибқирон ҳазрат» Бобо Султон билан урушиш қасдида Зомин томон черик тортади. Кўшин Ипор мавзеига етганда «шавкатли шаҳриёр ҳузурига Ҳинд мамлакатининг подшоси Жалолиддин Муҳаммад Акбар

томонидан атоқли совғалар, кароматли ҳадялар билан элчи келиб итоаткорлик ва бўйинсунишдан хабар берувчи элчилик мазмунини арз қилади» [Ҳофиз Таниш, 1969, 217-218б].

Дарҳақиқат, бу ерда ҳижрий 986 йилда (1578 й) Мовароуннахрга келган Мирзо Пўлат бошчилигидаги Ҳиндистон элчилиги ҳақида маълумот берилган [Пардаев, 2004. 12-13б]. Тарихий манбалардан маълумки, бу даврда Абдуллахон Мовароуннахрдаги рақиблари устидан тўла ғалаба қозонмаган, бунинг устига Самарқанд ҳокими Жувонмардалихон, Тошкент ҳокими Бобо Султон ёрдамига ишониб Абдуллахонга қарши исён кўтарган эди.

Абдуллахон Акбаршоҳ элчисининг қайтишига рухсат бермайди. Чунки, элчининг номақбул таассурот билан Ҳиндистонга қайтишини истамайди ва элчига рақиблари устидан қозонажак ғалабасини намойиш қилмоқчи бўлади. Шу сабабли лашкар элчилар ҳамроҳлигида Жиззахга қўнади. 1578 йилнинг 4 июль якшанба куни Жиззахга Ўзбек султон катта сипоҳ билан ташриф буюради. «Абдуллонома»да бу борада қуйидаги маълумот мавжуд. «Аъло Ҳазрат унинг учун икки кун тўй берди. У ерда (Жиззахда – Ҳ.Т.) аъло ҳазратнинг бўйруғига мувофиқ, дин низоми Амир Қулбобо ва Мавлоно Ҳайдар (Мухаммад) мунший лашкарни кўриқдан ўтказдилар. Уч кун давомида тўда-тўда кишилар келиб, исмларини ёздирдилар. Ул ҳазратнинг хос сипоҳи, кичик султоннинг (яъни Абдуллахоннинг ўғли Абдулмўмин султоннинг–Ҳ.Т.) мавкабида бўлганлар сони, уларга озиқ-овқат тайёрловчилардан ташқари, ўттиз минг кишига етди».

1579 йил ёзида Абдуллахон, Тошкентдалиқ пайтида Бўзахўр султон ўз тарафдорлари билан Самарқандни эгаллайди. Абдуллахон тезлик билан Тошкентдан қайтиб, аввал Учтепага, сўнг Жиззахга келади. Жиззахда душман ҳақида тўлиқ маълумот тўплайди. Лашкар ва отларга дам бериб Самарқанд учун жангга тайёрланади. Бу воқеалар манбада қуйидагича баён этилган: «Панжшанба куни эрталаб оламни босиб олувчи отни жавлон урдирган ҳолда Учтепага тушди. У ердан бир кишини Жиззахга Али Мардон баҳодир ҳузурига юборди. Ўша кечаси туни билан йўл юриб жума куни эрта тонгда шундай буёбондан чиқиб Жиззах музофатларидан бирига тушди. Ўша замондаёқ қутли ҳукм бўлди. «Хизматчилар сув бериб сероб қилиш ибодатларни афзалидир» иборасига мувофиқ туя қарвонларига сув ва озиқ-овқат ортиб, пиёда ҳамда ҳориганлар қаршисига чиқиб (уларни) сероб қилсинлар ва уларни қонхўр биёбондан чиқариб аҳоли яшайдиган жойга етказсинлар. Ўша куни пешин номози вақтида (душманни) ёқувчи ҳокон жойидан кўчиб, Жиззах деган мавзеда яшаш байроғини тикди» [Ҳофиз Таниш, 1969, 218, 296 б].

Юқоридаги маълумотлардан Хулоса қилиш мумкинки, XIV-XVI асрларда, яъни, Амир Темур ва темурийлар даврида, Шайбонийлар ҳукмронлиги замонида яратилган бир қатор тарихий асарларда Жиззах ва унинг атрофидаги турар жойлар ҳақида маълумотлар атрофлича бўлсада, аниқ берилган. Хусусан, Низомиддин Шомий ва Шарофуддун Али Яздийнинг «Зафарнома» асарларида, Бобур Мирзонинг «Бобурнома»сида Жиззах ва унинг атрофидаги мавзеларда бўлиб ўтган ҳарбий ҳаракатлар, қисман Жиззахнинг ҳокимлари ва аҳолининг турмуш-тарзига дахлдор хабарлар келтирилган. Амир Темур ва Темурийлар даврида Мовароуннахрнинг энг қадимги ва йирик маданий марказлари Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Тошкент, Хива, Қўқон, Марғилон каби бир қатор шаҳарлари орасида Жиззах шаҳри ҳам алоҳида ўрин ва юксак нуфузга эга бўлган. Зеро, Бобур ҳам “Бобурнома” асарида бу ўлкадаги фаровонлик ва ўзига хосликни, бу ерда “омонлик, янги жон ва тоза жаҳон топганлиги” орқали кўрсатиб берган.

Мухаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”, Хофиз Таниш Бухорийнинг «Шарафномаи шохий» («Абдуллонома») асарларидан Шайбонийхон ва Шайбонийлар даврида Жиззах воҳасига катта эътибор берилгани, ундан ҳарбий-стратегик макон сифатида фойдаланилганлиги, Жиззах қалъаси айниқса, Абдуллахон II (1557-1598) даврида муҳим лашкароҳга айлангани, ушбу воқелик билан бир қаторда баъзи ободончилик ишлари (Туятортар канали, Сардобалар қурилиши) ҳам амалга оширилганини билишимиз мумкин.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати

Манбалар:

1. Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий. «Абдуллонома (Шарафномаи шоҳий)». II жилд. Тошкент: «Фан», 1969.
2. Муҳаммад Солиҳ. «Шайбонийнома». Тошкент: «Ғ. Ғулом нашриёти», 1989.
3. Низомиддин Шомий. «Зафарнома». Тошкент: «Ўзбекистон» 1996.
4. «Темур тузуклари». Б. Аҳмедов таҳрири остида. Тошкент: 1991.
5. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома». Тошкент: «Юлдузча», 1989.
6. Шарафуддин Али Яздий. «Зафарнома» Тошкент: «Ўзбекистон» 1992.

Адабиётлар:

1. Аҳмедов Б. Улуғбек. Тошкент: «Ёш гвардия», 1989.
2. Аминжанова М., Желтова Г.И. Ўзбекистон тарихидан лавҳалар. Тошкент: «Ўқитувчи». 1974.
3. Ҳасанбоев Т. Заҳириддин Муҳаммад Бобур наздида Жиззах воҳаси // СамДУ Ўзбекистон тарихи кафедраси, илмий мақолалар тўплами. Самарқанд. 2017.
4. Пардаев А.Х. XV-XVI аср ёзма манбаларида Жиззах // Ўзбекистон моддий-маданияти тарихи..., 32-нашр, Самарқанд. 2001.
5. Пардаев А.Х. Жиззах беклиги - Ўрта осий хонликлари даврида (XVI асрдан - XIX асрнинг 60 - йилларигача). диссертация автореферати. Тошкент: 2004.
6. Пардаев М.Х. IX-X асрларда Жиззах - ғозийлар шаҳри // Тарих ва қадрият. Тошкент. 2015.

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИДА ДАВР ВА АДАБИЁТ (XIX аср охири – XX аср биринчи чораги мисолида)

У.Қосимов, П.Туропова,
ЖДПИ, Жиззах

XIX асрнинг охири ва XX аср бошларидаги давр Туркистондаги ижтимоий-сиёсий, маданий-адабий ҳаётда алоҳида ўрин тутади. Бу даврда Туркистон Россия томонидан ҳарбий куч билан босиб олинди [Мажид Ҳасаний, 1992. –Б. 12]. Бухоро амирлиги ва Хоразм хонлиги расман сақланиб қолган бўлса ҳам, амалда улар 1868 ва 1873 йил шартномаларига биноан Россия вассалига айлантирилди. 1876 йилда Қўқон хонлиги тугатилди. “Чор истилочилари Ўрта Осий ва Қозоғистон ерларини эгаллаш йўлида ҳеч қандай ваҳшийлик ва қотилликлардан тортинмаган. Русий империясининг қонли юришларини мустақиллик даврида холи ёритиш пайти келди. Бу ўринда чор Россиясининг биргина босқинчи генерали Скобелевнинг Ўрта Осий ва Қозоғистон ерларида олиб борган хунрезликлари таърифга сизмайди. Қонхўр генерал Скобелев ўзининг босқинчи ҳарбий гуруҳи билан 1881 йилнинг 12 январиди Қўқотпада 22,5 мингдан зиёд бегуноҳ туркман, қозоқ, ўзбек, қирғизларни ваҳшийёна чошиб ташлайди” [Мажид Ҳасаний, 1992. –Б. 12].

Натижада, бирин-кетин содир бўлаётган воқеалар ва уларнинг оқибатлари Туркистоннинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва адабий ҳаётига ҳам катта таъсир қила бошлайди.

Ана шундай ижтимоий ҳолат жамиятнинг етакчи вакиллари бўлган ижодкорларнинг асарларида акс таъсирини билдириб турган. Уларнинг асарларида Ватан озодлиги, унинг босқинчилар оёғи остида топталаётганлиги билан боғлиқ адабий-эстетик идеаллар намоён бўлади.

Рус босқинчиларининг қонли фожиалари Жиззахда ҳам ўз изини қолдирган. “Чор ҳукумати шарқий чекка ўлкалардаги ерли аҳолидан 250 минг кишини, шу жумладан, Самарқанд вилоятидан 38 минг кишини мардикорликка олиш кераклиги ҳақидаги фармони ва мансабдорлар. Ва руҳоний амалдорларнинг бу чақириқдан озод қилиниши, бойларга ўз ўринларига бошқа одамларни ёллаб

юбориш имкони берилганлиги меҳнаткаш халқнинг уларга бўлган нафратини ниҳоятда кучайтирди”, деб ёзган бу тўғрида Шароф Рашидов [Сувонкулов, 1979. –Б.21.].

И.Сувонкулов, шунингдек, “Жиззах музофотининг Ём, Янгикўрғон, Ровот, Қоратош, Соврук, Боғдон, Ўсман, Хатчамуқури, Сангзор сингари жойларида 1916 йилда юз берган социал зулмга қарши халқ ҳаракати Ўрта Осиёнинг шу даврларида ҳамма жойларида кўтарилган кўзғолонлар билан ҳамнафас бўлди”, дейди [Сувонкулов, 1979. –Б.21.]. Яна шу муаллифнинг билдиришича, кўзғолонда иштирок этиб, осиб ўлдирилган Муҳаммад Ҳамро ўғлига бағишлаб халқ томонидан тўқилган марсияда жиззахликларнинг Ватан озодлиги, озодлик учун курашчиларнинг характери, интилишлари қандай бўлиши керак, деган адабий-эстетик идеалларининг турли қирралари зохир бўлади:

Эшитмаган бормикан,
Жиззахликлар қаҳрини.
Амалдорларни урган...
Муҳаммадидир оти,
Ҳамродир ота зоти.
Қисматида бор экан,
Афсус, ёри дор экан[Сувонкулов, 1979. –Б.21.]

Пензадан мактуб ёзган Мулла Азим:

Ватандошлар фироқида ҳамиша ғам била қайғу,
Йироқ қолган қариндош ақрабодин бағри бирёнмиз.
Бари мулки диёридин жудо бўлган мусофирдур,
Ватан вайрон бўлган кеча–кундуз жигар қонимиз

деб ёзади ва Ватанда юз бераётган бедодликлардан юрак–бағри қон бўлаётганлигини айтади. Бундай бедодликларга чек қўйиш керак. Бунинг учун курашмоқ керак, деган озодлик билан боғлиқ эстетик идеалларини изҳор қилади. [Сувонкулов, 1979. –Б.21].

Ўша давр воқеликлари билан боғлиқ тарзда шаклланган бу сингари адабий–эстетик идеалга оид чизгиларни Аламқаш, Муаззамхон каби ижодкорлар асарларида ҳам ўқишимиз мумкин. Масалан, Аламқаш:

Бу фалакни дастидан ҳаргиз қарорим бўлмади,
Воҳ қарорим қайда бўлган, бахтиёрим бўлмади.
деб оҳ уради [Сувонкулов, 1979. –Б.21.].

Албатта, мамлакатдаги бундай ҳолатларнинг юзага келишида жамиятнинг барча вакиллари масъулдирлар. Аламқаш ўз даври кишиларини огоҳликка чорлайди. Атрофда бўлаётган воқеалардан хабардор қилишга интилади. Жамиятни маънавий софликка, камолотга чақиради. Тубанлик ботқоғига ботган, нафс қулига айланиб қолаётган кишиларни қоралайди. Унинг бу сингари қарашлари “Эй ёронлар, қулоқ солинг бул сўзима” деб бошланувчи мураббасида акс этган. Шоир мазкур шеърда халқни алдаб мол-у давлат орттираётган, уларнинг ишончидан фойдаланаётган эшонларга нисбатан маломат қилади. Бу орқали кишиларни ана шундай феъл-у атвордан халос бўлиш, жамиятни шу сингари кишилардан поклашга чорлайди:

й ёронлар, қулоқ солинг бул сўзима,
Не сабабдин эшонимдан кечдим мано?
Кўкрагида нафси шайтон чорзарб урар,
Ул сабабдин эшонимдин кечдим мано...
...Эшонимни дасторлари юз уч қулоқ,
Нафси шайтон андин топар ҳар дам ривож,
Муридига ҳар дам боқар мисли Ҳажжож,

Ул сабабдин эшонимдан кечдим мано... [Сувонқулов, 1979. –Б.21.].

Аламкаш бошқа шеърларида ҳам ўз адабий-эстетик идеали борасидаги қарашларини баён қилган. Хусусан, шоир идеал шахс қандай бўлиши керак деган саволга бир неча ўринда жавоб беришга ҳаракат қилади. Масалан, қуйидаги қитъада:

Ёр улдурки, ёрнинг айбин,

Мисли ойина рўбарў деса,

Наки орқасидан мисоли тароғ,

Дўст-у душманга мў-бамў деса [Сувонқулов, 1979. –Б.21.].

мисралари орқали ўз орзу қилган идеал дўстнинг портретини чизади. Унингча, ҳақиқий дўст, дўстининг айбини ойна сингари кўз олдига олиб кела олиши, тароқ сингари дўстининг феълидаги “чигинлар”ни ёза олиши керак. Бошқа бир қитъасида:

Олим улдурки, билсуну қилсун,

Неники қилмай, жаҳон-жаҳон билсун.

Бу иккида амал эрур мақсуд,

Одам улким, амал билан ўлсун,

Яхши улким, амал билан бўлсун [Сувонқулов, 1979. –Б.21.].

деб ёзади. Шоирнинг бу қитъасидан идеал жамият, ундаги кишилар борасидаги адабий-эстетик қарашларини кузатишимиз мумкин.

Айтиб ўтганимиздек, 1916 йилда мардикорчиликка қарши халқ норозилиги Жиззахда ҳам юз беради. Натижада, кўплаб шаҳар аҳолиси қиличдан ўтказилиши билан бирга, аҳолининг бир қисми Учтепа чўлларига сургун қилинган. Шоира Муаззамхон ҳам ана шу қонли кунларда халқ билан бирга бўлган. Ўша қонли воқеалар, халқ норозилиги, исёнлари, озодлик учун курашлар, бу йўлда қурбон бўлганларни ўз кўзи билан кўрган. Ана шундай кунларни бошидан ўтказган шоиранинг изтироблари “арз” радибли ғазалида ўз аксини топган, дейди И.Сувонқулов [Шоира Муаззамхон, 2005. –Б. 17].

Шоира ижодини кўздан кечирадиган бўлсак, унинг асарларида кўпроқ комил инсон шахсияти тарбияси билан боғлиқ адабий-эстетик идеаллари тараннум этилган мисралар кўпроқ эканлиги билинади. Жумладан, унинг фикрича, инсон камолотга эришиши учун ўз нафсини бошқара олиши, унга бўйсунмаслиги, қаноатда бўлиши керак. Бунинг учун комил инсонлар – “яхшилар” суҳбатида бўлиш, ёмонлар – “адўлар”дан қочмоқ керак:

Адўлардан қочиб узлат уйин тутмасам бўлмаз,

Ўзимни яхшиларнинг суҳбатига қоқмасам бўлмаз.

Бу нафси саркашнинг доим ғалат йўлларига бошлайдур,

Қаноатдин югон солиб, жиловини тутмасам бўлмаз [Шодиев, 1986. –Б. 16].

Шоиранинг бундай адабий-эстетик ғояларини “Қоч” радибли ғазалида ҳам кўришимиз мумкин:

Кел, эй кўнглим, ўзинга маслаҳат қил, мосиводин қоч,

Сани кўлингни боғлар жаҳд этиб ҳирсу ҳаводин қоч [Қодирова, 1992. –Б. 51].

Унинг идеал шахс – комил инсон борасидаги қарашлари бошқа ўринларда ҳам давом эттирилган. Жумладан, қуйидаги ғазалда шоира лирик қаҳрамон “кўнгил”га мурожаат қилиб, бу дунёнинг ўткинчи эканлиги, ундан кўплаб “яхшилар”–комил инсонлар ўтганлигини айтади. Кўнгилни ҳам “яхшилар”дан ўрнак олишга чорлайди. Улар каби комил инсон одоб доирасидан чиқмасликка даъват этади. Нафси ҳавойининг истакларига берилиб кетмаслик зарурлигини уқдиради. Бунинг аксича, ўзини тарбиялаш, нафсига “сайқал” бериш кераклигини айтади:

Эй кўнгил, ғафлатда қолдинг, қичқириб ўтти жарс,

Кейнидин елиб югурким, қолмагил сен бир нафас.

Юкин боғлаб яхшилар кетти жаҳон айвонидин,

Охири сен ҳам кетарсан дунёни қилма ҳавас.

Ҳалқаи парвонадек доирага бошингни қўй,

Ҳалқадин ташқари чиқмас ўзни билган яхши кас [Қодирова, 1992. –Б. 51].

Юқоридаги фикрларимиздан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларни билдириш мумкин:

1. XIX аср сўнгги чораги – XX аср биринчи чораги ўзбек адабиётида рус мустамлакачиларининг кириб келиши билан боғлиқ адабий–эстетик идеаллар шаклланган;

2. XIX аср сўнгги чораги – XX аср биринчи чораги ўзбек адабиётида рус маданияти, рус халқи маданияти ва тараққиётининг идеали деган қарашлар ҳам пайдо бўлган. Шу билан бирга уларнинг босқинчилик фаолиятини қораловчи, уларга қарши курашга чорловчи озодлик идеалларининг адабий идеал даражасига кўтарилганлигини кўрамиз;

3. Мазкур даврда ўзбек адабиёти вакиллари ижодида бўлгани каби жиззахлик ижодкорлар асарларида ҳам озодлик, истиқлол билан боғлиқ эстетик идеаллар адабиётга кўчган;

4. XIX аср сўнгги чораги – XX аср биринчи чораги жиззахлик ижодкорлар асарларида озодлик, истиқлол билан боғлиқ эстетик идеаллар билан биргаликда комил инсон идеали ҳам тараннум этилган;

5. XIX аср сўнгги чораги – XX аср биринчи чораги жиззахлик ижодкорларнинг комил инсон билан боғлиқ эстетик идеаллари мумтоз ўзбек адабиёти вакиллари идеаллари билан муштаракликка эга. Уларда нафс тарбиясига бел боғлаган, ўткинчи дунё ташвишларига берилмаган, комиллик даражасига эришган кишилар суҳбатига интиладиган, ёмон хулқ эгаси бўлган инсонлар жамиятидан қочадиган каби сифатларга эга лирик қаҳрамон адабий–эстетик идеалнинг белгилари саналган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мажид Ҳасаний. Туркистон босқини. –Т.: Нур, 1992.
2. Сувонқулов И. Сангзор садолари. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979.
3. Шоира Муаззамхон. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2005.
4. Шодиев Э. Шоираҳои тоинқилоби Хужанд. –Душанбе: Ирфон, 1986.
5. Қодирова М. Шоира Муаззамхон. –Тошкент: Фаъ, 1992.

**II ШУЪБА: ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА АРХЕОЛОГИЯ, ЭТНОЛОГИЯ,
ТАРИХШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК СОҲАЛАРИНИНГ ЎРНИ**

**ПАЙАРИҚ ТУМАНИ ЯНГИ АРХЕОЛОГИК
ЁДГОРЛИКЛАРИ ХУСУСИДА**

Н.У. Холматов, СамДУ, Самарқанд
А.Н. Холматов, Миллий Археология Маркази,
Й.Исаев СамДУ, Самарқанд

Ўрта Осиё, хусусан Ватанимиз сарҳадлари жаҳон халқлари цивилизацияси равақ топган марказлардан бири ҳисобланади. Буни моддий, маданий ва археологик мерос объектларининг кўплиги ва улар тадқиқоти натижасида қўлга киритилган катта ҳажмдаги археологик манбалар, материаллар тасдиқлаб турибди. Шу боис, Республикамиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданок халқимизнинг маданий меросини чуқур ўрганиш, уни асраб-авайлаш ва келажак авлодга етказиш, хусусан ана шу ёдгорликларни қайта тиклаш, таъмирлаш, реставрация қилиш, археологик изланишлар олиб бориш ва натижаларини жаҳон ҳамжамиятига етказиш ишларига катта эътибор қаратилиб, уларнинг ҳуқуқий асослари ҳам яратилди. Хусусан, Конституциямизнинг 49-моддасида фуқоралар Ўзбекистон халқининг тарихий, маданий ва маънавий меросини авайлаб асрашга мажбурлиги, маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасида эканлиги белгилаб қўйилди. 2001 йилда «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида», 2009 йил 16 июнда «Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида» ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 17 январдаги «Моддий маданий ва археологик мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида» ги Ф-5181-сон фармойиши, Ўзбекистон Республикаси ВМсининг «Археологик тадқиқотларни тубдан такомиллаштириш тўғрисидаги 21 сентябр 2019 йил 792-сонли қарори шулар жумласидандир. Маданий мерос объектларидан фойдаланиш борасидаги фармойишларнинг ижроси сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Маънавият ва тарих, археология йўналишларидаги дарсни ўқув йили давомида музейлар, маданий мерос объектларида тизимли олиб борилишини таъминлашнинг қўшма чоратadbирлари режасининг (2019 йил 7 декабр, № 87-03-4783) ишлаб чиқилганлиги таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини амалга оширишда дастури амал бўлди. Моддий, маданий ва археологик мерос объектлар тадқиқотлари нуқтаи назардан яқинда Пайариқ туманида Қароқчитоғ тизмаси ён бағрида Самарқанд давлат университети ва Ўзбекистон ФА Миллий археология маркази археологлари томонидан янги тош асри ёдгорликлари ва қоятош расмларининг аниқланиши муҳим ҳисобланади. Маълумки, Пайариқ тумани сарҳадлари Зарафшон воҳасининг шимолий-шарқий қисмини ташкил этиб, бу жой Нурота тоғ тизмаси жанубий томони Қароқчитоғ массиви билан туташган.

Хусусан, Нурота тоғлари табиий географик жиҳатдан Туркистон тоғ тизмасининг шимолий-ғарбий тармоғи ҳисобланиб, унинг жойланиши мамлакатимизнинг Жиззах, Самарқанд, Навоий вилоятлари худудларига тўғри келади. Жанубий-Шарқда Сангзор дарёси водийсидаги Илонўтди дараси уни Моргузар тизмасидан ажратиб турса, унинг худудий чегараси жанубда Зарафшон ботиғи, шимолда эса Қизилқум чўли билан туташган. Нурота тоғлари бир-бирига параллел бўлган иккита тизмадан иборат бўлиб, улар Шимолий ва Жанубий Нурота тоғлари деб юритилади. Шимолий Нурота тоғларининг жанубий-шарқий қисмида Қўйтош тоғлари жойлашган. Нурота тоғ тизмасининг жанубий тармоғи ҳисобланувчи Жанубий Нурота тизма тоғлари Шимолий Нурота

тоғларидан бошланувчи сойлардан иборат бир қанча меридионал водийлар билан қирқилган бўлиб, у жанубий-шарқдан, шимолий-ғарбга томон чўзилган Ғўбдинтоғ, Қароқчитоғ ва Оқтоғлардан иборатдир. Оқтоғнинг шимолий-ғарбидаги Қоратоғ ҳам жанубий Нурота тоғлари таркибига киради. Бу тоғ тизмасининг умумий узунлиги 180 км бўлиб, ўртача баландлиги эса 1000-1500 метрни ташкил этади (Қориев, 1968. Б. 44).

Маълумки, бу жой Қўшработ туманининг Темирқовуқ томонлари, Фориш тумани ерлари билан бирга Зарафшон воҳасига нисбатда қадимдан шимолий-шарқий кўчманчи чарводор қабилалар билан Зарафшон воҳасининг ўтроқ деҳқон жамоалари маданияти шаклланишининг ўзаро тўқнашадиган, уйғунлашадиган маданий таъсир доираси бўлган оралик ҳудуд ҳисобланади. Бу хусусият ушбу сарҳадлар қадимги жамоалар моддий маданиятида кузатилиши тадқиқотларда аниқланган (Холматов, 2018. Б.15). Жумладан, мазкур ҳудудларда ўтган асрнинг 50 йилларидан эътиборан олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида академик Яхё Ғуломов бошлиқ Моҳондарё археологик гуруҳининг ирригация тизими брасида олиб борган тадқиқотлари, (Муҳаммаджонов, 1972, 314–321 бетлар), 1983-1984 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти олимлари И.Д. Иваницкий ва О.Н. Иневаткиналар томонидан сак, сармат қабилалари вакилларига тегишли бўлган қабр кўрғонларнинг очиб ўрганилиши ёки 80-йиллар бошларида эса Г.А. Пугаченкова бошлиқ экспедиция аъзолари томонидан Пайариқ тумани ҳудудидаги Орлат қишлоғи яқинидаги йирик шаҳар қолдиқлари бўлган Қўрғонтепада ўтказилган тадқиқотлар натижасида шаҳристон I нинг ташқарисида жойлашган, маҳаллий аҳоли томонидан Тиллатепа деб юритилувчи алоҳида қад кўтариб турган тепалиқда олиб борилган археологик қазилмалар натижасида милоднинг II–III асрларида фаолият кўрсатган йирик олов ибодатхонасининг қолдиқларининг очиб ўрганилиши муҳим ҳисобланади. Ушбу тадқиқот натижаларидан маълумки, ҳозирги Қўшработ, Пайариқ туманлари ҳудудларида қадимдан одамлар яшашиб ўзига хос моддий маданият яратишган.

Ўрта Осиё, хусусан Республикамиз миқёсида кишилик тарихи тош асри жамоалари моддий маданиятини ўрганишда Зарафшон воҳаси нисбатан истиқболли ўлкалардан бири ҳисобланади. Жумладан, ЎзР ФА тарих ва археология Институтининг академик Яхё Ғуломов раҳбарлигидаги Ўзбекистон археологик экспедицияси томонидан ўтган асрнинг 50-60 йилларида Қуйи Зарафшон воҳасида тош асрига оид ёдгорликлари борасида амалга оширилган археологик тадқиқот ишларнинг натижаси жуда сермахсул бўлган (Исламов, 1964. С. 3-27). Хусусан, Ўрта Зарафшон воҳасида ўтган аср 40- йиллар 2- ярмидан эътиборан Д.Н. Лев Оманқўтон, Такалिसой палеолит ёдгорликлари, кейинчалик М.Д. Джуракулов билан биргаликда Самарканд макони тадқиқотини амалга оширган бўлса, 60-70-йилларда Н. Ташкенбаев, Р.Ҳ. Сулеймановлар Қўтурбулоқ, Зирабулоқ, Хўжамазгил, Сиабча, М. Қосимов, Т. Мирсоатовлар Учтут, Ижонд каби маконларда қазилма ишларини ўтказишган. Ўтган аср 60-йиллар иккинчи ярмидан эътиборан неолит даври ёдгорликлари тадқиқоти бошланиб, қўлга киритилган дастлабки илмий натижалар “Сазоғон маданияти” номида Ўзбекистон археологияси фанига киритилган (Лев, 1972. С 3-68; Джуракулов., Холматов, 1991. 122 с). Республикамизнинг мустақиллиги йиллари СамДУ археологик экспедицияси томонидан Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ тизмаси шимолий ён бағрида Сазоғон неолит ёдгорликларидан Жангал 1, Тепакул 3 маконлари тадқиқоти давом эттирилиши билан бир қаторда Тепакул 4, 5, Лолаб, Олмабулоқ, Қоракамар, Очилғор каби янги ёдгорликлар кашф этилиши ва улар тадқиқотида катта ҳажмда археологик манбалар қўлга киритилишига эришилди.

Зарафшон воҳаси тош даври ёдгорликлари тадқиқоти борасида юқорида келтирилган маълумотлар воҳа сарҳадлари кесимида ёдгорликлар бир зайлда тадқиқ этилмаганлиги манзарасини беради. Ёдгорликлар тадқиқоти асосан воҳанинг жанубий, жанубий-ғарбий, ғарбий қисмида тадқиқ

этилган. Унинг шимолий ва шимолий-шарқий қисмларида тош асрига оид ёдгорликлар Учтут, Ижонд, Сармишсой каби ёдгорликларни ҳисобга олмаганда деярли ўрганилмаган. Шу боис, воҳанинг шимолий-шарқий қисми бўлган Нурота тоғ тизмасининг жанубий бўлинмаларидан бири бўлган Қароқчитоғ ён бағри сойларидан тош даври ёдгорликларининг топилиши муҳим ҳисобланади.

2019 йил охирида Пайариқ тумани Дўстлик МФЙ га қарашли Аламли қишлоғининг фуқораси Нурпўлат Тўқбаевнинг тош даври меҳнат қуроллари ва қоятош расмлари тўғрисидаги мурожаатидан сўнг ушбу жойларда бўлдиқ ва текширув натижаси мазкур маълумотларнинг тўғри эканлигини кўрсатди. Шу асосда, Аламли қишлоғининг Ўрта ҳовуз деб номланган жойида сой ён террасасида тош даврига оид ёдгорлик ва шу ҳамда кўшни сойлар ён дараларида кўплаб қоятош расмлари борлиги аниқланди.

Ўрта ҳовуз юқоридан келувчи сойнинг ён террасалари билан боғлиқ жой ҳисобланади. Дастлабки кузатувлар натижаси шулки, тош қуроллари териб олинган ер майдони сатҳи сойнинг ўнг ён террасаси бўлиб, унинг ўлчами энига 50-60 метр, бўйига (сой оқими бўйлаб) 90-120 метрни ташкил этиб, сой томон нишабликка эга. Бу терраса, айти пайтда қишлоқ фуқорасига қарашли томарқа ҳисобланади. Демак, терраса қуёш нурларига тушлов, соз тупроқли қатламга эга ҳамда унинг сойга боғлиқ қиррасида қадимдан булоқ бўлганлигини билдирувчи топқирд излари мавжуд. Бу ҳолатлар одамзод яшаши ва бундай жойларни одамлар ўзларига макон қилишганлиги ҳақида фикр юритиш имконини беради ва табиатнинг бундай қонунияти Марказий Осиё ва Яқин Шарқ худудлари мисолида кузатилган ва илмий тадқиқотларда, адабиётларда ўз аксини топган. Шу нуқтаи назардан, терраса ер майдони сатҳидан тош қуролларининг топилиши ва сойнинг ён дараларида қоятош расмларининг мавжудлиги одамларнинг бу жойларни тош асридан бошлаб ўзлаштиришганлиги ва кейинги тарихий тараққиёт босқичларида узликсиз яшашиб ўзига хос моддий маданият яратишганлигини билдиради.

Ўрта ҳовуз ён террасаси ер майдони сатҳидан ҳаммаси булиб 4 дона тош буюми ҳамда кўплаб тарихий тараққиётнинг кейинги давр босқичларига оид сопол буюм парчалари йиғиб олинган. Тош буюмларнинг типологик таҳлили масаласига келганимизда, уларнинг ичида 1 дона тош ўзаги мавжуд бўлиб, у кулранги чакмоқтошли сланецдан ясалган, бир тарафлама ишлов берилган ва конуссимон кўриниш ҳамда битта зарб майдонига эга (ўлчами 3,2X2,1см.). Ишлов берилганлик изларидан микропайрақалар учираб олинганлигини билиш мумкин. 1 дона отшепдан ясалган, ён қирралари бўйича яхши ишлов берилган қирғич қуролининг топилиши ҳам муҳим ҳисобланади. У кулрангли чакмоқтошли-сланецдан ишланган. Ёйсимон кўринишли иш майдонлари ён қирраларни эзиш, баъзан қарама қарши ҳолда ишлов берилиш усулида ҳосил қилинган. Бундай тош ўзаклари ҳамда қирғич қуроллари ўз шакли ва ишлов берилиши усулларига кўра мезолит, неолит даври жамоалари моддий маданиятига тегишли ҳисобланади улар воҳанинг Учтут, Ижонд ҳамда Сазоғон неолит даври маданияти ёдгорликларидан кўплаб топилган (Холматов, 2008. Б 202). Тош тўпلامда 1 дона ишлов берилмаган қайроқтош бўлаги ҳамда 1 дона ишлов берилмаган отшеп бўлаги ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг ҳам хом ашёси кулрангли чакмоқтошли сланец материали ҳисобланади. Мазкур тош буюмлари ясашиши хом ашёси, яъни кулрангли чакмоқтошли сланец Ўрта Осиё тоғ минтақаси мезолит, неолит жамоалари моддий маданиятига хос ҳисобланади. Жумладан, Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ тизмаси шимолий ён бағрида тадқиқ этилган ва тадқиқоти давом эттирилаётган Сазоғон неолит маданияти ёдгорликлари тош индустрияси тош буюмларининг асосий қисми ясашиши ушбу тоғ жинси материали билан боғлиқ. Келтирилган фактик маълумотлар Ўрта ҳовуз маконини мезолит, неолит даври жамоалари моддий маданиятига тегишли деган дастлабки хулосани айтиш имконини беради.

Шунингдек, бу тош даври манзилгоҳ ён атрофларида ва Ўрта ҳовуз сой дараси ён қайирларидаги қоятошларда кўплаб қоятош расмлари ҳам учрайди. Бу қоятош расмлари қадимги рассомлар томонидан уриб чўкичлаш, ўйиш, тирнаб чизиш техникаларида соя, контур ва схематик услубларда ишланган. Бу ердаги қоятош расмларининг кўпчилигини ёввойи ҳайвон тасвирлари ташкил этиб, улар инсоният тарихий тараққиётининг бронза, илк темир ўрта асрлар даврига оид ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида Пайариқ тумани ҳудуди Қароқчитоғ ҳудудлари тош даврдан эътиборан узлуксиз равишда кейинги тарихий тараққиёт босқичларида одамзод томонидан ўзлаштирилганлигини исботлайди ва келгусида амалга ошириладиган тадқиқотлар истиқболлини белгилайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Джуракулов М.Ж., Холматов Н.У. Мезолит и неолит Среднего Зарафшана. Ташкент, 1991.
2. Исламов У.И. Кельтиминая культура Низовья Зарафшана. Автореферат дисс. на соискание уч. степ. к.и.н. Ленинград, 1964.
3. Лев Д.Н. Итоги работы археологического отряда Самаркандского госуниверситета им.А. Навои в 1966 г // Труды СамГУ, вып. 218. Самарканд, 1972.
4. Мухамеджанов А.Р. Из истории древних водных сооружений в Узбекистане. В кн.: “Земля древнего орошения и перспективы их сельскохозяйственного использования”, М. 1969.
5. Мухаммаджонов А.Р. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи. Тошкент, 1972.
6. Холматов Н.У. Сазоғон маданияти ва унинг Ўзбекистон неолит даврида тугган ўрни. Тарих фанлари доктор (DSc) диссертацияси автореферати. Самарқанд, 2019.
7. Холматов Н.Ў. Сазоғон маданиятига оид янги археологик манбалар хусусида // СамДУ ахборотномаси, №2. Самарқанд, 2012.
8. Холматов Н.У. Ўзбекистон неолит даври жамоаларининг моддий маданияти. «Фан» нашриёти Ташкент, 2008.
9. Қориев М. Ўрта Осиё табиий географияси. Тошкент, 1968.
10. Отчет Кошрабатского отряда Института археологии АН УзССР за 1987 г. Архив Института археологии АН РУз.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИНING СУВ БИЛАН БОҒЛИҚ МАДАНИЯТИ ВА АНЪАНАЛАРИ

А.А. Аширов,
ЎзРФА Тарих институти

Сув–Марказий Осиёда буюк тарбиячи ҳисобланади. Минтақа аҳолиси сувни “хаётий муҳим модда ё “ресурс”, деб эмас, балки улуғ қадрият, деб эъзозлайди.

“Марказий Осиё гавҳари”, деб эътироф этилган Фарғона водийсида ҳам сув, нафақат инсонлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг чанқоғини қондириш воситаси, балки тириклик, ҳаёт давомийлиги, покланиш ва гуноҳларни ювиш воситаси сифатида эъзозланган. Шу боис ҳам, у мавжуд қонунлар ва жамоатчилик муносабатларида индивидуаллик ва шахсий худбинликдан кўра юқори мавқеига эга бўлган. Айнан сув орқали “инсон - ер – сув” тарзда учликдаги ахлоқий меъёрлар ва одатлар оила даврасида шаклланган. Болаларга ёшлиқдан сувнинг тозаллиги ҳақида қайғуриш муқаддас бурч турли тарбия ва қоидалар тарзида сингдирилган.

Водий аҳолисининг хўжалик машғулотида суғорма деҳқончилик устувор аҳамият касб этганлиги боис сувга муносабат ҳар бир инсонга болалиқ даврдан оилада сингдирилган. Оила даврасида ота-

оналар болаларга сувни бемаврид исроф қилмаслик, уни булғамаслик, сувга тупурмаслик ва унга нопок ва ифлос нарсаларни ташламаслик уқтирилиб, бундай ишларни қилиш оғир гуноҳ эканлиги кексалар томонидан ўргатилган[Дала ёзувлари.2016].

Водий ўзбеклари тасаввурига кўра, инсон оқмас сувда ҳаёт асарини кўрмаган, аксинча, оқар сув қайноқ ҳаёт тимсоли бўлиб келган. Шу сабабли, оқмас сув манбалари сифатида ҳовуз ёки кўлмаклар ҳисобланган. Водийда кўлмак сув макруҳ ҳисобланиб, уни ҳатто уй ҳайвонларига бериш ва уларни шу сув билан ювинтириш ҳам тақиқланган. Чунки, кўлмак сув тасаввурга кўра, ёвуз руҳлар макони бўлиб, уй ҳайвонларига зиён етказар экан[Дала ёзувлари.2018].

Шунингдек, водий аҳолиси наздида сув ҳам бошқа унсурлар ҳамда инсонлар сингари ўз жинсига эга бўлган. Масалан, “оқ сув” – эркак сув, “қора сув” эса аёл сув ҳисобланган[Басилов,1992. – С. 28]. И. Муҳиддиновнинг ёзишича, сув эркак ва аёлга ажратилган бўлиб, “эркак сув” оққан ариқ бўйларидаги ўт-ўланлар зич ва баланд, “аёл сув” оққан ариқлар бўйлари эса ўтсиз бўлган ёки жуда кам ўт ўсган. Бундай бўлиниш қадимги аграр культлар, аниқроғи, ҳосилдорлик култи билан боғлиқ бўлган[Муҳиддинов, 1975.– С. 101]. Сувни аёлга қиёслаш дунёнинг бошқа халқларида учрайди. Масалан, қадимги хитойлар аёлни сувга, она қорнини қудуққа қиёслаган[Мингбоева,2007. – Б. 43].

Фарғоналиклар тасаввурига кўра, инсон оғир ғамга ботса ҳам оқаётган сувга қараб ғам-ғуссани енгиллаштиради, ёмон туш кўрган киши эса сув бўйига бориши керак. Шу боисдан ҳам ўзбекларда “тушингни сувга айт” ибораси мавжуд. Хонадонда доимо қут-барака бўлсин, деб челақ, кўза, мўнди каби идишлар доимо сувга тўлдирилиб, оғзи беркитиб қўйиш одати бўлган.

Ўзбекларда бирор бир яхши ният билан дуо қилинганда кексалар томонидан “Сувдек сероб бўл”, дейилади. Бу ўринда аввало, сувнинг одамлар тасаввурига битмас-туганмас нарса, деб ҳисобланганлиги, бошқа томондан эса унга серпуштлик рамзи сифатида эъзозланганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, оила ва турли жамоавий давраларда “Сувдек сероб бўлинг” деб, дастлаб ёшлар, сўнгра эса кексалар сув ичган. Чунки, ўзбекларда “Сув кичикдан, таом каттадан” деган мақолга амал қилинади. Бунда ҳам айнан сувнинг серпуштлик хусусиятига бўлган ўзига хос инончни кўриш мумкин.

Болаларга олдинлари доимий равишда сувнинг кундалик ҳаётдаги ўрни ва унинг нафақат чанқоқни қондириш воситаси эканлиги, балки ҳаёт манбаи сув бебаҳо неъмат ҳисобланиб, унинг ҳар бир томчиси ҳам ниҳоятда қадрланиши лозимлиги доимий равишда ўргатилган. Айниқса, кундалик турмуш тарзида сувни эъзозлаш, беҳуда сарфлашга йўл қўймаслик кераклиги доимий равишда уқтириб келинган. Шунингдек, болаларга сувга туфлаш ва ифлослантириш гуноҳ бўлади, деб насиҳат қилинган.

Анъанага кўра, қизлар оиладаги ошхона ишларига оналари ва катта ёшдаги опалари томонидан тайёрланган бўлиб, улар овқат пиширишни ўрганишдан олдин хонадон идишларни ювиб, тозалашга ўргатилган. Олдинлари махсус сув қувурлари бўлмаганлиги боис уйнинг ошхонасида махсус белгиланган жойдан сув олиниб, идишлар ювилган. Идишлар ювиб бўлинганидан сўнг одатга кўра, гуруч суви, сут ва қатиқ идишлари ювилган сувлар мевали дарахтлар тагига тўкилган.

Ўз навбатида ўғил болаларга эса хонадонни юритиш ва жисмоний меҳнат билан боғлиқ ишлар қатори меҳмондорчилик анъанаси ёшлиқдан ўргатилган. Маълумки, ўзбек халқида меҳмон келганда дастурхон атрофида ўтирганларнинг қўлига сув қуйиш одати бор. Ўтирганларнинг дуосини олайлик, деб аксарият ҳолларда ёш болалар қўлга сув қўяди. Қўлини юваётган кишилар сув қўяётган болага “Умринг сувдай узун бўлсин”, “Бахтли бўл”, “Умрингга барака берсин”, “Ниятларинг амалга ошсин”, “Аллоҳ умрингни сувдек сероб ва узун қилсин” каби тилакларни билдиради. Таомдан аввалги сув илиқ ҳолатда қўлга қуйилса, таомдан кейингиси эса мойни кеткизар даражада иссиқроқ қилиб қуйилади. Сув меҳмон қўлига узиб-узиб қуйилади. Биринчи навбатда, ўнг томондан ўтирган меҳмонлардан бошлаб сув қуйилади, таомдан кейин эса сув қуйиш

чап томондан бошланади. Ҳозирги кунда водийда кўп ҳолларда меҳмонлар келса, уйнинг ҳовлисида уларнинг қўлига сув қуйиб, сўнгра уй ичига, таомга таклиф этилади.

Одатда, сув ичишда идишдаги сувни охиригача ичиши лозим, акс ҳолда сувдек сероб бўлмайди, ризки қолиб, тўкис бўлмайди, деган тасаввур мавжуд. Сув ичаётганда, одамга ҳеч ким ҳалақит бермаслиги лозим. “Сув ичаётганда илон ҳам тегинмайди”. Бу ҳақида ҳадисларда ҳам таъкидланган бўлиб, олис юртларга сафарга отланган кишининг сафари бехатар бўлсин, деб ортидан сув сепилади. Сафардаги киши ўзи билан доимо бирга нон билан сув олиб юрган. Сўх тожикларида сафарга кетаётган кишининг қадами хайрли, иши омадли келиши учун унинг оёғи остига сув сепилади. Чунки, халқона қарашларга кўра, сув рўшноликни англаган. Тўй маросимига кечикиб келган яқин қариндошларга ҳам сувдек сероб бўлсин, деган ниятда сув сепилган.

Маълумки, айнан советлар даврида бошқа совет давлати таркибига кирган минтақаларда бўлгани сингари Фарғона водийсида ҳам сувга бўлган анъанавий муносабатлар инқирозга учради ва сувни қадрлаш ва унга алоҳида эътибор кўрсатиш кўп ҳолларда рамзий аҳамият касб эта бошлади. Ҳаттоки, одамлар кўп ҳолларда турли маиший чиқиндилар ва ахлатларни ҳам сувга ташлашни одатга айлантирди. Айниқса, баҳор фаслида кўплаб қишлоқ жойларида кучли сел келиб, адир жойларда уюлиб ётган чиқиндиларни оқизиб кетса, “Яхшиям сув бор”, дея хурсанд бўладиган бўлди. Асрлар давомида халқ маданиятини ажралмас бир қисмига айланиб улгурган “Сувга тупурма, ахлат ташлама, кудукка тош тўкма, кир ювишда ишлатилган, сув қолдиғи бўлган мағзавани оқар сувга тўкма” деган ўғитларни кўпчилик унутди.

Шунингдек, сувни бемаврид исроф қилмаслик ҳақида ўзбекларда “Отанг мироб бўлса ҳам, сувни исроф қилма” деган мақол бўлиб, айнан мазкур мақол замирида гарчи отаси сув ҳукмдори ёки сув тақсимлайдиган мироб бўлган шахс ҳам сувни исроф қилишга ҳаққи йўқ эканлиги таъкидланган. Афсуски, советлар даврида сувга бўлган муносабатнинг ўзгариши билан бирга сувни бошқарадиган “мироблик институти” ҳам жиддий трансформацияга учраганлиги боис у билан боғлиқ мақолнинг амалий аҳамияти унутилди. Ҳаттоки, баъзи кишилар уй солинадиган ерга тунбўйи косага сув қуйиб қўйиш одати бўлган. Сув яхши турса, бу жой уй солишга муносиб деб топилар, сув бузилса эса бу ер хосиятсиз экан, деб бошқа жой танланган.

Юқоридаги маълумотлардан шундай хулосага келиш мумкинки, айрим табиат унсурлари сингари сув ҳам муқаддас ҳисобланган. Сув нафақат инсонлар чанқоғини қондирувчи, балки ўз навбатида, уларни даволовчи восита вазифасини бажарган. Хусусан, агар бирор киши тасодифий бир вазиятга тушиб қолса атрофидаги одамлар дастлаб унга сув ичказиб, юзига сув сепишган. Айна бу ҳолатда сувнинг қўрқувни енгиш ва инсон соғлигини тиклаш хусусиятлари намоён бўлган.

Шубҳасиз, сув билан боғлиқ турли мифологик қарашлар ҳам аجدодлардан авлодларга анъана тарзида ўтиб келган. Шунингдек, сув покланиш манбаи бўлгани учун инсоният қадимдан тозаликка катта эътибор бериб келади.

Афсуски, XX асрнинг 70- йилларидан бошлаб минтақада сув билан боғлиқ қарашлар бирмунча ўзгарди. Чунки, совет тузуми даврида пахта монокультурасини авж олиши ҳамда атеистик сиёсат туфайли сув билан боғлиқ анъанавий қарашлар бирмунча унутилди. Сўнги йилларда минтақада сув муаммосини энг долзарб масалага айланиши баробарида сув билан боғлиқ кўплаб анъанавий қарашларга бўлган эътибор ошди ва уларнинг кўплари кундалик ҳаётга қайтди. Хусусан, мироблик институти расмий тарзда қайта тикланди. Лекин, айнан сувни асраш ва уни илоҳий аҳамияти билан боғлиқ диний мифологик қарашлар деярли унутилди. Шу боис ҳозирда сув билан боғлиқ билим ва қарашларни мужассам қилган минтақавий маданиятларни турли фанлар (тарих, маданиятшунослик, этнология, экология, фольклоршунослик) кесимида илмий асосда ўрганиш аҳоли орасида, хусусан, ёшлар онгида экологик маданиятнинг шаклланишига асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. ¹ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Фарғона тумани Каптархона қишлоғи. 2016.
2. ¹ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Тумор қишлоғи. 2018.
3. ¹ Басилов В. Н. Шаманство у народов Средней Азии и Казахстана. – М.: Наука, 1992.
4. ¹ Муҳиддинов И. Земледелие памирских таджиков Вахана и Ишкашима в XIX - начале XX в.. - Москва : Наука, 1975.
5. ¹ Мингбоева Д. Тимсоллар тилсими. – Тошкент, 2007.

ЎЗБЕКИСТОН ПАЛЕОЛИТИНИ ЎРГАНИШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

А.М.Омонов

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Миллий археология маркази

Мустақиллик йилларида ЎзРФА Яхё Ғуломов номидаги Археологик тадқиқотлар институти қадим ўтмишимизнинг турли даврларини тадқиқ этиш бўйича 20 дан зиёд халқаро ҳамкор археологлар гуруҳлари билан илмий ишлар олиб бормоқда. Халқаро илмий марказлар билан кадрлар алмашиниш ва кадрлар тайёрлаш ишлари йўлга қўйилди. Юртимизда биргина палеолит даврини ўрганиш бўйича Ўзбекистон-Польша, Ўзбекистон-Америка, Ўзбекистон-Россия-Белгия, Ўзбекистон-Франция каби халқаро қўшма экспедициялар фаолият кўрсатмоқда ва Ватанимиз тарихидаги муҳим саҳифаларни очмоқда.

Чет эллик ҳамкор мутахассислар кўмагида ёш тадқиқотчиларимиз Европанинг турли илмий марказларида грант асосида таълим олмақда ва бу ўз навбатида, юртимиздаги илмий ишларни ривожланишига катта таъсир кўрсатмоқда. 1997 йилда тош даври мутахассисларини тайёрлаш бўйича т.ф.д., проф. Т.Ш. Ширинов ҳамда Ўзбекистон-Франция қўшма экспедицияси раҳбари проф. Ф. Гренелар иштирокида Париждаги Моддий Маданият Тарихи Миллий Музеи профессори, А. Де Люмлей ўртасида келишув имзоланганлиги бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлган. Бундай масъулиятли малака ошириш учун тадқиқотчи Б.Қ. Сайфуллаев танлаб олинди. Б. Сайфуллаев Франциядаги палеолит даври билан шуғулланувчи қатор лабораторияларда ўзининг билим ва малакаларини ошириб қайтиши натижасида унинг томонидан Ф. Борд тадқиқот услубининг илғор де Люмлей системаси синчиклаб ўрганилди ва илк мартаба рус тилига таржима қилинди [Сайфуллаев, 2003, 34 б.]. Шунинг билан бирга, ушбу тадқиқот услуби юртимиздаги Зарафшон, Оҳангарон воҳалари ва Қизилқум палеолит даври материалларини ўрганишда муваффақиятли қўлланди. Натижада, қатор янги маълумотлар қўлга киритилди. Ҳозирда Б.Қ. Сайфуллаев ЎзРФА Археологик тадқиқотлар институтининг палеолит даврини ўрганувчи асосий тадқиқотчиларидан биридир. У мутахассис сифатида Франция мактабларида шаклланди ва ҳозирда Ўзбекистон палеолитининг энг долзарб муаммоларини замонавий талабларга мос равишда тадқиқ этишда давом этиб, ушбу даврга оид қатор янгиликларни амалга оширмоқда. Археологик тадқиқотлар институтининг Б.Қ. Сайфуллаев иштирокида палеолитчилар гуруҳи томонидан Қизилқумдаги Кўкаёз 1-8, Оёқоғитма, Қашқадарёдаги Шайх-Аввал 2 каби тош даврига оид янги ёдгорликлар топиб ўрганилди. Ушбу технокомплекслар индустрияларини ўрганишда замонавий тадқиқот усуллари қўлланилди.

Шунингдек, Б. Сайфуллаев Ўзбекистон-Россия, Ўзбекистон-Польша ҳамда Ўзбекистон-Франция халқаро қўшма экспедициялари қаторида тенгма-тенг илмий тадқиқотлар олиб борди ҳамда бу борада унга Европада орттирган билим ва малакалари асқотди. Мутахассис ҳозирда ёш

олимларга тош даври археологияси сирларини ўргатмоқда. Б. Сайфуллаев томонидан археологик материалларни ўрганишда қўлланилаётган замонавий услублар асосида Зарафшон воҳаси палеолит даври индустрияларини ўрганиш янги поғонага кўтарилди. Унинг томонидан Кўтирбулоқ ва Зирабулоқ ёдгорликлари тўпламларидан тош буюмларнинг қатор янги типлари аниқланди ва илмий муомалага киритилди. Б. Сайфуллаев амалга оширган яна бир муҳим янгилик, бу – палеолит даври индустрияларининг тараққиётида хом-ашёнинг роли масаласининг тадқиқ қилиниши бўлди. Тадқиқотлар натижасида, Ўзбекистон палеолити индустрияларининг аксарияти (Кўтирбулоқ, Зирабулоқ, Кўлбулоқ ва ҳ.к.) сифатли хом-ашёнинг танқис шароитларида ривожланганлиги ва бу ҳолат тошга ишлов бериш техникаси тараққиётига ўз таъсирини ўтказганлиги, шунингдек, Ўзбекистон палеолитининг қатор ўзига хос хусусиятлари аниқланди.

Жумладан, 2007 йилдан Ўзбекистон-Россия қўшма экспедициясида илмий-тадқиқот ишларидан ташқари, “Талабалар ва илмий тадқиқотчиларнинг дала қидирув ишлари мактаби” таълим лойиҳаси ҳам муваффақиятли иш олиб борди. Ушбу мактабнинг вазифаларига фан ва олий таълимни интеграциялаш учун ёш мутахассисларни илмий тадқиқот ишларига фаол жалб қилиш, маҳаллий илмий мактабларни тайёр ҳамда жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган, юқори малакали ёш авлод билан таъминлаш ва талабалар, тадқиқотчилар, ёш мутахассислар иштирокидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кирган. Ушбу мактабнинг илмий ишларида Ўзбекистон, Россия, Қирғизистон, Қозоғистон, Олмония, Испания, Жанубий Корея, Эрон ва Хитойдан келган ёш тадқиқотчилар қатнашдилар [Деревянко ва бошқ. 2009, 15 б.]. Дала-қидирув ишлари мактаби фаолиятида ёш авлодни археологиянинг принциплари ва услубларини ўргатиш билан биргаликда, абсолют, нисбий саналаш бўйича ҳамда палеоиклимни реконструкция қилиш борасидаги энг янги услублар ва натижалар билан таништириб борилган. Шунингдек, ибтидоий археология борасида обрўли олимлар томонидан даврнинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий маърузалар ташкил қилинди. Экспедиция таркибининг байналмилаллиги туфайли ёш мутахассислар ўзларининг кейинги тадқиқотлари учун ўзаро илмий алоқалар ўрнатилди. Экспедиция ишларида Республикамиз ёшларидан кўплаб вакиллар иштирок этдилар. Жумладан, бевосита палеолит даври билан шуғулланиб келаётган ёш мутахассислар ҳам тайёрланди. Буларга З. Шодиев, А.А. Муҳаммадиев, А. Ражабов, Ҳ.Б. Хошимов каби иқтидорли ёшларни киритиш мумкин. Ҳозирда улар халқаро экспедициялар таркибида иштирок этиш билан биргаликда, ўзлари мустақил илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Қашақадарёдаги Ангиллак маконини ўрганиш ишлари эса халқаро Ўзбекистон-Америка талабалар илмий археологик экспедицияси томонидан амалга оширилди [Сулеймонов, Глантз, 2003, с. 17]. Қазииш ишларида талабалардан ташқари, ЎЗМУ ўқитувчилари ва талабалари ҳамда Колорадо Университети антропология департаменти мутахассислари, ЎЗР ФА Тарих ва Археология институти ходимлари иштирок этишди. Натижада, юқорида таъкидланган илмий марказлар билан юртимизнинг ёш тадқиқотчилари ўртасида мустаҳкам алоқалар ўрнатилди. Бундан ташқари, ушбу халқаро ҳамда мултидисциплинар тадқиқотларда ёш олимларимиз ўзларининг малакаларини ошириб бормоқдалар.

Ўзбекистонда тош даврини ўрганувчи маҳаллий кадрларнинг сони ҳам ортиб бормоқда. Тош даври археологияси бўйича юртимиздан Б. Сайфуллаев, Н. Хушвақов, С. Мирсоатова, О. Эргашев, Ҳ. Хошимов каби фан номзодлари етишиб чиқди.

Шундай қилиб, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистонда палеолит даврини ўрганиш жадал суратлар билан ривожланди. Бунинг асосий омилларидан бири халқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилишидир. Халқаро ҳамкор экспедициялар фаолиятлари юртимизда палеолит даврини ўрганишда ҳам илмий ҳам амалий аҳамият касб этди. Илмий жиҳатдан, юртимиз палеолитшунослигининг янгидан-янги қирралари очилиб борган бўлса, амалий жиҳатдан, халқаро

экспедициялар саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон палеолитини ўрганишга кўплаб нуфузли хорижий грантлар жалб қилинди ва қатор ёш мутахассислар тайёрланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Дервянко А.П., Исламов У.И., Кривошапкин А.И., Колобова К.А., Фляс Д. Страницы истории древней культуры Узбекистана // Ўзбекистон пойтахти 2200 ёшда. Тошкент шахрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий конференция // Тошкент, 2009.
2. Сайфуллаев Б.К. Палеолит долины реки Зарафшана и Северо-Восточных Кызылкумов. Автореф. дисс. на с. уч. степ. канд. ист. наук. – Самарканд, 2003.
3. Сулейманов Р.Ҳ., Глантз М. Грот Ангиллак на территории Кашкадарьинской области \ \ АО 2002 г. Ташкент, 2003.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ “ОСОР АЛ-БОҚИЯ” АСАРИ МАНБА СИФАТИДА

М.А.Хандамова,
СамДЧТИ, Самарканд

Бугун жаҳон аҳлини хайратга солаётган заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-ижодий кашфиётлари, бағрикенглик ғоялари ёш авлодни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Ўрта асрларда Шарқ илм-фани ривожига Хоразм Маъмун академияси алоҳида ўрин тутган. Улкан кутубхона, мадраса, таржимон ва хаттотлар мактаби каби тузилмаларга эга бўлган бу даргоҳда икки юздан ортиқ алломалар, ундан ташқари истеъдодли талабалар илмий изланишлар олиб борган. Абу Наср ибн Ироқ, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Хўжандий, Аҳмад ибн Муҳаммад Хоразмий ва Аҳмад ибн Ҳамид Найсабурий каби қомусий олимларнинг умумбашарий тафаккур ривожига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. [Каримов И. 2014 йил 16 май. <http://uza.uz/oz/politics/>] Мана шу илмий меросни янада теран тадқиқ этиш ҳамда оммалаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларга янги туртки бериш, замонавий илм-фан ва тараққиёт учун нақадар долзарб эканини таъкидлаш зарур.

Хоразм жаҳон илм-фани, маданият ва санъати тараққиётига муносиб ҳисса қўшган ўлка ҳисобланади. Илк ўрта асрларда Шарқ ренессанс даврига айнан мана шу ерда асос солинган Маъмун академияси бутун Шарқ ва Ғарб оламида маълум ва машҳур эди. Жўшқин Амударёдан сув ичиб, муқаддас ва табаррук Хоразм тупроғида униб-ўсган, халқимиз тарихида ўчмас из қолдирган Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Маҳмуд Замаҳшарий, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Носириддин Рабғузий, Сулаймон Боқирғоний, Саккокий, Мунис, Феруз, Огаҳий, Баёний ва бошқа кўплаб алломалар, шоир ва мутафаккирларнинг номлари жаҳон цивилизацияси тарихига ҳақли равишда олтин ҳарфлар билан битилган.

Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас сарқарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак. [Шавкат Мирзиёев. 2017, 45 б.]

IX-X асрларда Бағдодда ва халифаликнинг бошқа шаҳарларида ижод қилган олимларнинг кўпчилиги Марказий Осиёлик бўлиб, халифаликка тобе бўлган ерларда маҳаллий халқларнинг маданий, илмий анъаналари уйғониб, янги – “ислом маданияти” либосида юзага келади. [Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. 1983, 7-б.]

Бағдодда бўлганидек, Марказий Осиёда ҳам XI аср бошида Хоразм пойтахти Гурганжда йирик илм ўчоғи вужудга келдики, кейинчалик бу тарихда “Маъмун академияси” номи билан бутун

Шарқда машхур ва маълум бўлди. Маълум академияси қисқа вақт яъни 1004-1017 йилларда фаолият кўрсатган бўлса-да, буюк сиймоларни етиштирди. Абу Райҳон Беруний мана шундай алломалардан бири ҳисобланади.

Абу Райҳон Беруний (973-1048) ўрта асрнинг энг буюк қомусий олимларидан бири ҳисобланиб, фаннинг ҳамма соҳалари бўйича катта илмий мерос қолдирган. Академик И.Ю.Крачковский сўзи билан айтганда, “у қизиққан соҳаларни санаб чиқишдан кўра, қизиқмаган соҳаларни санаб чиқиш осонроқдир”. [Крачковский И.Ю. 1957, с.247]. Берунийнинг биринчи йирик асари “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асари бўлиб, унинг арабча номи “Ал-осор ал-бокия ан ал-қурун ал-ҳолия”, Европада “Хронология”, ўзбек шарқшунослигида “Осор ал-бокия” номи билан машхурдир. [Абу Райҳон Беруний. 1968, 13 б.] Ушбу асар олимга жуда катта шуҳрат келтирди. Ўша пайтда Беруний 27 ёшда эди. Мутафаккирнинг ўзи ушбу асарни ёзилиш сабаблари ҳақида шундай дейди: “Адиблардан бири мендан турли халқлар ҳақидаги тарихлар, уларнинг бошланишлари ва шаҳобчалари, яъни ойлари ва йиллари устида у тарих эгаларининг ихтилофлари ва бу ихтилоф сабаблари, машхур байрамлар, ҳар хил вақтлар ва юмушлар учун белгиланган кунлар, миллатларнинг баъзиси амал қилиб, баъзиси амал қилмайдиган бошқа маросимлар ҳақида сўради ва мени имкон борича уларни жуда равшан баён этиб, ўқувчи фаҳмлайдиган, турли китобларни ахтариш ва у китоб эгаларини суриштиришга эҳтиёж қолмайдиган бир асар ёзишга даъват этди”. [Абу Райҳон Беруний. 1968, 40 б.]. Асарда Беруний ўзига маълум бўлган халқларнинг: юнонлар, румликлар, эронийлар, суғдийлар, хоразмликлар, ҳарронийлар, қибтийлар, христианлар, яҳудийлар, исломгача бўлган араблар ва мусулмонларнинг йил ҳисоблари, ҳайитлари ва машхур кунларини муфассал тасвирлаб, унда жуда кўплаб тарихий воқеалар, турли миллат ва динларга оид муҳим маълумотлар келтирилган. Айниқса, асарда Марказий Осиё халқлари маданияти, урф-одатлари, расм-русумлари ҳақида ҳам қизиқарли хабарлар мавжуд. Жумладан, “Хоразм аҳли йил ва ойларнинг бошлари хусусида суғд аҳли билан мувофиқ бўлиб, эронликлар билан муҳолифдир. Хоразмликлар билан суғдийлар расм-русми бир-бирларига ўхшашлигини келтиради”. [Абу Райҳон Беруний. 1968, 40 б.] Суғдийларга келганда, уларнинг ойлари ҳам йил чоракларига тақсим этилган бўлиб, суғдий ойларида навсараднинг биринчиси ёз бошидир”. [Абу Райҳон Беруний. 1968, 278 б.] Шунингдек, суғдларнинг ҳайитларига тўхталиб, “Навсарад ойининг биринчи куни суғдийлар наврўзи бўлиб, бу катта наврўздир. Навсарднинг йигирма саккизинчи куни Бухоро мажусийларининг Ромуш оғом номли ҳайитларидир. Улар шу куни Ромуш қишлоғидаги оташхонага тўпланадилар. Оғом ҳайитлари улар учун энг азиз ҳайитлардан бўлиб, у ҳар бир қишлоқда ўтказилади”. [Абу Райҳон Беруний. 1968, 279 б.]

Беруний “Осор ал-бокия” асарида тарихлар моҳияти ҳақида сўз юритиб, “Бирор ўтиб кетган йилнинг аввалидан ҳисобга олинмайдиган маълум бир муддатга тарих дейилади. Ўша йилда турли аломатлар ва далиллар билан қандайдир пайғамбар дунёга келган ёки қудратли, шаъни улуғ бир подшоҳ бош кўтарган. Бундай ҳодисалар орқали маълум вақтлар, тарихлар аниқланади, дунё ва динга оид барча ишларда бизга эҳтиёж сезилади”. Ва фикрини давом эттириб ёзади - “Барча мамлакатларга тарқалган халқлардан ҳар бирининг алоҳида тарихи бор. Шу тарих ёрдами билан муомала ишларида ҳамда вақтларни билиш хусусида керакли муддатларни белгилайди ва бу тарих уларни бошқа халқлардан ажратади”. [Абу Райҳон Беруний. 1968, 50 б.]

Таниқли берунийшунос олим П.Г.Булгаков Берунийнинг тарихчи сифатида иккита асосий хусусиятини кўрсатган эди. а). Турли халқларнинг тарихий-маданий хизматини ва айрим шахслар фаолиятини баҳолашда уларнинг ирқий, ёки сулолаларига асосланмай, ҳамма халқларга бир хилда ҳурмат билан қарашга асосланган ҳаддан зиёд объективлик; б) воқеа ва ҳодисаларни, айниқса, этнография соҳасида, солиштириш асосида ўрганишга ҳаракат қилиш, турли халқлар ва диний гуруҳлар учун хос бўлган ўхшашлик, паралеллик ёки зиддиятларни ахтариб топиш. Берунийдаги бу

икки хусусият уни Яқин Шарқ ва Марказий Осиёнинг ўрта асрлардаги бизга маълум бўлган ҳамма тарихчилардан ажратиб туради [Булгаков П.Г. 1972. 39 б.] деб мутафаккирнинг тарих олдидаги буюк хизматларини жуда ўринли баҳолай олган.

Ўқорида келтирилган маълумотлардан кўринадики, Берунийнинг асарларида қадимги хоразмийлар, суғдийлар ва бошқа халқлар ҳақида келтирилган хабарлари Ватанимиз тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференцияни очилиш маросимидаги нутқи. Самарқанд. 2014 йил 16 май. <http://uza.uz/oz/politics/>
2. Шавкат Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Т. “Ўзбекистон”, 2017.
3. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар I том. Тошкент, 1968.
4. Булгаков П.Г. Беруний ва ижтимоий фанлар. Тошкент, 1972.
5. Крачковский -И.Ю. Избранные сочинения, Т.IV. Москва-Ленинград, .1957.
6. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. Тошкент “Фан”, 1983.

ҚУЛДОРТЕПА ЁДГОРЛИГИДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ХУСУСИДА

А.Н.Сандибоев,

ЎЗР ФА Миллий археология маркази

Марказий Осиёнинг илк ўрта асрлар даври (IV-VIII аср) тарихий жараёнлари Кушон ва Қанг қаби давлатларнинг таназзули кучайиб, улар ўрнига сиёсий жиҳатдан мустақил ва маҳаллий маъмурий бошқарувга эга бўлган давлатлар ва давлат маъмурий уюшмалари вужудга келиши билан ҳам аҳамиятлиди (Отахўжаев, 2010. Б 4). Ана шундай уюшмалардан бири бўлган Маймуғ мулклиги бўлиб, Самарқанд Суғдининг жануби-шарқий қисмида жойлашган. Манбаларда таъкидланишича, Маймуғ мулклигида дарахтларнинг кўплиги, ерлари серҳосил эканлиги, қасрларнинг ва ариқларнинг кўплиги ва тоғларидан олтин, темир, қимматбаҳо тошлар қазиб олинганлиги айtilган. Ундан ташқари мазкур мулклик ўз элчиларини Хитойга жўнатганлиги қайд этилди. Хусусан, 624, 724, 726, 727, 744, 750 йилларда Маймуғдан Хитойга савдо қарвонлари борган ва Маймуғ «латун»ни, рангли тузи, олтин ва ундан ясалган зеб зийнат буюмларига четда талаб ортиб борган. Ҳатто, Тан саройига ташриф буюрган Ўрта Осиёлик мохир санъаткорлар орасида маймуғлик рақослар ҳам бўлганлиги ёзма манбаларда келтирилган. Аммо воҳада шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши борасидаги етарли манбаларининг йўқлиги ўз навбатида мазкур мулкликнинг ташкил топиши борасида ҳам мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда эди. Сўнгги йилларда мулкликнинг марказий шаҳри, деб эътироф этилаётган Қулдортепа ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида бу борада бир қатор янги маълумотлар қўлга киритилди. Ёдгорлик Самарқанд шаҳридан 35 км жанубий-шарқда, Ургут туманига қарашли Баҳрин қишлоғида жойлашган бўлиб, умумий майдони 17 га тенг. Арк шаҳарнинг ғарбий қисмида жойлашган, унинг ташқи кўриниши юмалоқ шаклда, атрофи хандақ билан ўралган. Шаҳристон атрофи эса баландлиги 6 м бўлган мудофаа деворлари билан ўралган. Ёдгорликда ўтган асрнинг 50-йилларида Б.Я. Ставиский, М.Х. Урмановалар томонидан аркда **1-қазишма** (PI), шимоли-шарқий қисмидаги мудофаа деворида **2,4-қазишмалар** (PII, PIV) ва шаҳристонда **3-қазишма** (PIII) да олиб

борилган (Сарианиди, 1955. С. 7; Ставиский, Урманова, 1958. С. 233). Натижада Кулдортепанинг шахристон мудофаа девори I асрда, унинг арки эса III-IV асрларда қурилганлиги, шунингдек, VIII аср ўрталарига келиб таназзулга юз тутиб, аммо IX-XII асрларда ҳаёт давом этса-да, бу даврда аҳолининг сони камайиб, шаҳар майдонининг ҳажми анча қисқарганлиги тўғрисидаги хулосага келинган (Ставиский, 1960. С. 119-221). 2018-2019 йилларда олиб борилган археологик қазишмалар натижасида шаҳарнинг шаклланишига оид янги маълумотлар қўлга киритилди. Жумладан, арк мудофаа деворида олиб борилган қазишмалар натижасида, антик даврда қурилгани, IV-V асрларга келиб эса қайта таъмирлангани маълум бўлди. Шунингдек, шахристоннинг жанубидаги мудофаа деворида стратиграфик қазишма (V қазишма) натижасида бу ерда ҳам иккита қурилиш даври аниқланиб, биринчи қурилиш даври қирқманнинг ташқи яъни, жанубий томонидан қайд этилган. Унинг биринчи қурилиш даврига оид пахса платформа (2,3 м) ва унинг устидан хом ғиштдан (42-44x42-44-x13-14 см) терилган, ташқи томони ярим овал шаклдаги (гофрасимон усулда) қурилган мустаҳкам баланд (6 м) мудофаа девори очилган. Биринчи қурилиш даври милодий I даврга оид эканлиги ундаги хом ғиштарининг ўлчамларидан ҳам маълумдир. Иккинчи қурилиш даври эса мудофаа деворининг ички томонида қайд этилиб, балчиқсимон рангли баландлиги 1,1 м бўлган пахса платформа устидан ўлчамлари 36-37x36-37x11-12 см хом ғиштли қўшимча девор кўтарилган. Яъни, иккинчи қурилиш даврида антик даврда мустаҳкам баланд мудофаа деворнинг ичкари ва ташқари томонлари катта ўзгаришсиз бир неча бор қайта таъмирланиб турган ва у кенгайиб 11 м бўлган.

Археологик манбаларда кўрсатишича, Суғд моддий маданиятида милодий I асрларга келиб, Қовунчи маданиятининг тасири сезила бошлаган (Пугаченкова, 1989. С. 105, 178). Шунингдек, милодий I-IV асрларда Суғднинг мудофаа тизими янада такомиллашиб, тўғри тўртбурчак шаклдаги бурчаклар (Еркўрғон, Пойкент) билан бир қаторда тарҳи ярим овал шаклдаги буржларнинг (Варахша) қурилиши жадаллашган. Мудофаа тизимидаги бу услуб, Сирдарёнинг ўрта ҳавзасидаги ёдгорликлар билан яқин алоқадорлиги кузатилган (Туребеков, 1990. С. 97-101). Бу даврда Қулдортепа атрофи ҳам баланд мустаҳкам тарҳи ярим доира шаклдаги мудофаа деворлари билан ўралиб, воҳада суғорма деҳқончиликка асосланган дастлабки шаҳар вужудга келган. Мазкур даврдан Маймуғ мулклиги ҳам Самарқанднинг жануби-шарқий қисмида ташкил топганлиги борасидаги хулосаларга келишга имкон беради. Шунингдек, мудофаа деворлари IV-V асрларга келиб қайта таъмирланган бўлсада ундан ўзгаришсиз IX-XII асрларга қадар фойдаланиб келинган.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. - Тошкент, 2010.
2. Сарианиди В.И. Городище Кулдортепе // Архив института археологии АН Уз ССР. Ф.4, Оп.1, Д.30. - Самарканд, 1955.
3. Ставиский Б. Я., Урманова М.Х. Городище Кулдор-тепа (Работы 1955 г.) // СА. №1. - М., 1958.
4. Пугаченкова Г.А. Древности Миянкаля. - Ташкент, 1989. - С. 105, 178.
5. Ставиский Б. Я, Раскопки городище Кулдор-тепе в 1956-1958 гг. // СА. №4. - М., 1960.
6. Туребеков М. Оборонительные сооружения древних поселений и городов Согда. - Нукус, 1990. - С. 97-101.

НУМИЗМАТИК МАНБАЛАРДА ЮНОН-БАКТРИЯ ҲУКМДОРЛАРИ ТИТУЛЛАРИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

А.З.Шаймарданов,
ТерДУ, Термиз

Нумизматик манбалар орқали ҳукмдорлар титулларини илмий жиҳатдан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Негаки, холисликда нумизматик манбалар олдига тушадиган манба йўқ. Ушбу турдаги манбаларни ўрганиш орқали Юнон-Бактрия ҳукмдорлари титулларининг пайдо бўлиши ва эволюциясига оид асосий назарияларни янада чуқурроқ ўрганиш имкониятини вужудга келтиради. Марказий Осиё ҳукмдорлари титуллари тадқиқотчиларда узоқ вақтдан бери қизиқиш уйғотиб келган ва уларни ўрганишда, айниқса, В.А. Лившиц, Б.И. Вайнберг, В.Б. Хеннинг, И.М. Дьяконов, Е.В. Зеймал, С.П. Толстов, О.И.Смирнова, Э.В.Ртвеладзе, Ғ. Бобоёров каби таниқли олимларнинг изланишлари диққатга сазовор.

Маълумки, тангаларда зарб қилинган давлатнинг номи, ҳукмдорнинг исми, эгаллаган титули, унинг тахтга ўтирган вақти ва ҳукмронлик қилган йиллари ҳақида ҳам маълумотлар берилади. Ундан ташқари, қадимги даврларда тангаларга турли рамзлар ва ҳукмдорнинг тасвири, ҳамда давлатнинг эгаллаган географик майдони ҳақида ҳам маълумотларни олишимиз мумкин.

Ўрта Осиё тангашунослиги тарихи бўйича айтадиган бўлсак, титулларнинг тангаларда ифодаланиши Александр Македонский даврига бориб тақалади. Давлатни кенгайтириш ва уни кудратини янада ошириш жараёнида оддий номга эга бўлган давлат ҳукмдорлари янада кўпроқ шахсиятга эга бўлиб, ўз титулларини янада илоҳийлаштирган. Бактрия ҳукмдорлари ”Богопаиро”(худонинг ўғли) титули билан ўз титулларини янада илоҳийлаштирган. Кўп ҳолларда Юнон-Бактрия ҳукмдорлари юнонча ”шоҳ”(василевс) ва ”шоҳларнинг шоҳи”(василевс василеон) каби фахрий титуллар билан ҳукмдорлик қилишган. [Ртвеладзе, 2009. С.330].

Юнон-Бактрия давлатининг асосчиси Диодотни ”мингта шаҳар ҳукмдори” деб ёзган эди юнон-рим тарихчилари Помпей Трог ҳамда Августин. [Абдуллаев, Бердимуратов, 2010. С.36]. Тангаларда унинг портрети тасвирланиб, ”Басилевс Антиохой”(шоҳ Антиох) деб ёзилган. У умрининг охиригача ўз номини ёздирмайди. Тангаларининг реверсида кўлида чакмоқ ва бургут ушлаган Зевс тасвирланган. Бунинг маъноси шуки, Диодот ва унинг аждодларига Зевс ҳомийлик қилган. ”Диодот” исмининг грекчадан таржимаси ҳам ”Худо берган” деган маънони англатади [Абдуллаев, Бердимуратов, 2010. С.36].



1-расм.Диодот I олтин танга.

Диодот ”Сотер”(қутқарувчи) ва ”Теос”(худо) титулларини қабул қилганлигини Агафокл Диодот шарафига зарб этган тангалардан ҳам билиб олиш мумкин.[Ртвеладзе, 2009. С.70].

Диодотнинг вориси Диодот II зарб эттирган тангаларида отасидан фарқли равишда энди ўз исми ва титулини юнонча ”Vasilevs Diodotoy”(шоҳ Диодот) шаклида ёздирди.



2-расм. Диодод II олтин танга.

Ушбу давлатнинг яна бир ҳукмдори Антимах тангаларида ўзини худоларга тенглаштириб “Басилевс Антимах Теос” деб ёзилган тангаларини зарб эттирган. Бу билан кўриниб турибдики, у ўз титулини худоларга тенглаштириб, давлат бошқарувида диннинг ҳам нақадар катта аҳамият касб этганлигини англашиз мумкин.



3-расм. Антимах I Теос бронза танга.

Евтидем зарб эттирган тангаларининг ўнг томонида сокол-мўйловли Гераклнинг бош тасвири, терсида чопаётган от ҳамда “Баселевс Евтидем” (шоҳ Евтидем) деган ёзув ёзилган. Таниқли тангашунос олим В. Хеннинг Евтидемнинг тетрадрахмаларидаги “MR’Y” ёзувини “MRAY” (жаноб ҳукмдор) тарзида ифодалаб қирол мақомидан пастроқ ҳисобланган ҳукмдор деб тарифлайди. [Смирнова, 1970. С. 24].

Милoddан аввалги 168 йилда Бактрияда давлат тўнтариши содир бўлиб ҳокимият тепасига келган Евкратид тангасида “Халоскор Баселевс Евкратидники” деган грекча ёзув мавжуд.



4-расм. Эвкратид I бронза танга.

Юнон-Бактрия тангаларида андозага тушиб қолган тасвирлардан чекиниш ҳоллари ҳам учраб туради. Подшо Евкратид ҳукмронлигининг сўнги даврларида зарб этилган тангаларнинг ўнг томонида подшоҳнинг сурати ҳамда “Улуғ шоҳ Евкратид” деган ёзув, терсида эса йигит ёки эркак ҳамда пешонасида тиллақош такқан аёлнинг ён томондан зарб этилган сурати акс эттирилган. Суратнинг тагига: “Гелиокл ва Лаодика” деб ёзилган. [Ртвеладзе, 1987. С.70]. Деметрий буйруғига кўра зарб этилган тангаларнинг ўнг томонида боши узра хартумини кўтариб турган, узун қайрилма тишли фил шаклидаги дубулға кийган шоҳнинг кўксига тасвири туширилган.

Танганинг ўнг томонида ўнг қўлида тож, чап қўлида эса гурзи билан шер терисини ушлаб турган Зевс тасвири ва юнон тилида “Басилевс Деметрий” деган ёзув сўқилган. Деметрий, Шимолий Ҳиндистонни истило этганидан сўнг Юнон-Бактрия тангаларида кхароштхий ёзувлари ва хайвонлар тасвири пайдо бўлади. Биламизки, фил хиндларнинг бош илоҳларидан бўлган донишмандлик худоси Ганеша рамзидир. Деметрий ўзининг донишманд шоҳ эканлигини ифодалаш учун филнинг боши шаклидаги бош кийимини (диадем) тангаларида зарб эттирган бўлиши мумкин. Евкратид тангасининг ўнг томонига македонча дубулға кийган шоҳнинг кўкрагигача, терсида эса от чоптириб келаётган эгизак ака-ука Диоскурлар тасвири туширилган бўлиб, “Халоскор шоҳ Евкратидники” деган грекча ёзув мавжуд. [Ртвеладзе, 1987. С.70]. Евкратид тахт учун бўлган курашда Деметрий устидан ғалаба қозонади. Ҳокимиятни қўлга киритгач, у “Сотер” (қутқарувчи) титулини олади. Бу титул Бактрияни Деметрийдан зулмидан қутқарди деган маънода қўлланган. [Попов, 2001. С.124].

Хулоса қилиб айтганда, нумизматик манбаларни чуқур таҳлил қилиб ўрганилганда Юнон-Бактрия давлатида титулларнинг вужудга келиши ҳамда тараққиёти, танга зарб қилдирган ҳукмдорнинг ҳукмронлик қилган вақти, унинг тасвири, қандай фахрий номни ўзига қабул қилганлигини, Юнон-Бактрия давлатчилигидаги бошқарув қандай бўлганлиги ва бошқа кўплаб давлатчилигимиз тарихи учун муҳим бўлган маълумотларни ўрганишимиз мумкин. Тангалар жажжи манба бўлса ҳам у берадиган тафсилотлар кенг қўламлилиги ва холислиги билан тарих фани учун қимматли манбалар сирасига киради. Тангаларда подшоҳлар титуллар билан илоҳийлаштирилганлиги акс эттирилган, шунингдек, титулларнинг диний ва дунёвий бошқарувдаги ўрни борасида ҳам маълумотлар келтирилганлигини аниқлаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев К., Бердимуратов А. Традиции Востока и Запада в античной культуре Средней Азии. Ташкент. 2010.
2. Попов А.А. Эволюция царской власти в Греко-Бактрии Античное общество IV: Власть и общество в античности. Материалы международной конференции антиковедов, проводившейся 5-7 марта 2001 г. на историческом факультете СПбГУ. СПб., 2001.
3. Ртвеладзе Э.В. История государственности Узбекистана. Ташкент. 2009.
4. Ртвеладзе Э.В. Древние монеты Средней Азии. Из литературы и искусства. Г. Гусьяма. Ташкент. 1987.
5. Смирнова О.И. Очерки из история Согда. Москва., 1974.
6. Турсунов С. Сурхон воҳаси моддий маданият тарихи. Тошкент. 2003.

Ўрта Осиёдан топилган сомоний кумуш дирҳамлари

С.Ҳ. Хўжамов

Миллий археология маркази

Сомонийлар - ўрта асрлар мусулмон шарқи тарихида муҳим аҳамият касб этган сулолалардан бири ҳисобланади. Араб халифалигининг IX аср бошларида Мовароуннаҳрдаги вассали бўлган бу сулола юз йил ўтиб сиёсий мустақиллика эришди ва Марказий Осиёда дастлабки мустақил мусулмон давлатига асос солди. Бу давлат бир ярим асрлик фаолияти давомида, нафақат Мовароуннаҳр, балки Хуросон (Шарқий Эрон ва ҳозирги Афғонистоннинг марказий ҳудудлари) ва марказий Эроннинг бир қанча ҳудудларини ҳам ўз таркибига қўшиб олди. Шу ўринда айтиш мумкинки, унинг таркибида ўз танга пул тизими ва фаол савдо-сотик муносабатларига эга бўлган бир қанча мулкликлар мавжуд эди. Табиийки, уларнинг пул муомаласи ва вазни борасидаги

даражалари ҳам турлича бўлган. Тангалар зарб этишда асосан уч турдаги металл: динор учун тилла, дирҳам учун кумуш, фельс учун мис ёки бронза ишлатилар эди.

IX аср иккинчи ярмидан бошлаб кумуш тангалар (дирҳам) ислом дунёсида муҳим тангага айланиб, мусулмон Шарқи ва шимоли-шарқий Европа мамлакатлари ўртасидаги савдо муносабатларида фаол иштирок эта бошлади. Болтиқбўйи, Скандинавия ва Шарқий Европа топиб ўрганилган танга хазиналари шу даврда кумуш тангалар Марказий Осиёдан улкан миқёсда экспорт қилинганлигини исботлади. Бу ўринда Скандинавия, айти Швециядан топилган куфий кумуш тангалар хазинасини ўрганишга бағишланган нашрларни алоҳида санаб ўтиш жоиз Болтиқбўйи ва Скандинавиядан топилган тангаларни комплекс тарзда ўрганиш натижасида, Ўрта Осиёдан экспорт қилинган IX-X асрларга оид тангаларнинг асосий қисми Самарқандда, Шошда ва Нишопурда зарб қилинган кумуш тангалар бўлиб чиқди. Лекин ўрганилаётган даврда, X асрнинг иккинчи ярмида танга пулларнинг оғирлиги ўзгариши ушбу пулнинг Европадаги пул муомаласи трансформациясига таъсир қилиб, авваллари пул сифатида қабул қилинган танга пул, кейинчалик оғирлигига кўра маҳсулот сифатида қабул қилина бошлаган. Бунга ушбу тангалар хазиналарининг Шимолий ва Шарқий Европа худудларидан оммавий тарзда топилиши ҳам яққол мисол бўла олади. Шу кунгача Марказий Осиёда халифалик ва сомонийлар даврига оид тангалар кузатилмаган эди. Бирок Мовароуннахр худудидан топилган бир нечта куфий кумуш тангалар тўплами тўғрисидаги манбаларнинг илмий муомалага киритилиши билан вазият тубдан ўзгарди [Атаходжаев, Кочнев, 1993, С. 26-28]. X асрдаги Сомонийлар дирҳами бир гуруҳ тангаларининг оғирлик белгилари ўрганилиб, унинг бевосита кесиб олинганда ёки бўлинганда ёки синдирилганда танга $\frac{1}{2}$, ёки $\frac{1}{4}$ қисмга ажралиши аниқланган. Агарда юқорида айтиб ўтилган ушбу ҳолат Шарқий ва Шимолий Европа учун характерли амалиёт деб ҳисобга олинса, тангаларнинг ўзаро тенг қисмларга бўлиниши Ўрта Осиёнинг ривожланган пул муносабатларида ўзига хос янгилик бўлиб, ундан кенгрок маълумотлар тўплаш учун жалб қилинса бўлади. Марказий Осиё ва Европа тангалари тўплаларини қиёсий таҳлил қилмай туриб, Ўрта Осиё нумизматикасини ўрганиш соҳасининг умумий қиёфасини тугалланган қиёфа, дея ҳисоблаб бўлмайди. “Синдирилган дирҳамлар”нинг танга пул муносабатлари тизимидаги ўрни ва роли тўла ёритиб берилмаган, ҳолбуки савол туғилади: Мовароуннахрда X асрда ушбу тангалар мис тангалар билан параллел равишда майда маҳсулот айрибошлаш эҳтиёжи учун ишлатилганми? Сомонийлар давлати муаммоларининг қўйилиши ушбу давр тарихида кумуш тангаларнинг ўрганилиши нақадар долзарб эканлигини кўрсатмоқда. Бу борада тадқиқотлар олиб бориш учун Шарқий ва Шимолий Европа худудларида тўпланган тангалар мажмуалари хусусида нашр этилган статистик маълумотларни ҳамда Ўзбекистон музейлари фондларида сақланаётган тангалар тўплаларини ва чоп этилган нумизматик материалларини қиёсий таҳлил қилиш лозим. Ушбу кенг миқёсдаги режали тадқиқот натижасида, Европа - Ўрта Осиё нумизматик манбалари таҳлил этилади ва ўрта асрлар иқтисодиётида танга пул муносабатлари асосий омилларидан бири бўлганлигини исботлаб бериш мумкин бўлади.

IX-X асрларда Мовароуннахр худудида кумуш тангалар жадал суръатда муомалага киритилганига қарамай, асосий қисми юқорида айтиб ўтилганидек, шарқий ва шимолий Европа томон ўз чегараларидан ташқарида экспорт шаклида амалга оширилган. Шунга кўра, ушбу минтақалар мамлакатларида куфий кумуш тангаларининг энг кўп хазиналари тўпланган. Ўрта Осиёнинг ўзида бу даврнинг дирҳам хазиналари анча кичик ва афсуски, улар ҳам кенг нашр этилмаган.

Ўзбекистон худуди ўрта асрларда Ўрта Осиёнинг геосиёсий нуқтаи назаридан муҳим ўринни эгаллайди васиёсий воқеалар ривожланишининг ўзига хос маркази, минтақанинг савдо-иқтисодий алоқаларининг чорраҳаси бўлган ва шунинг учун Ўзбекистонда топилган барча куфий кумуш хазиналари ҳақида тўлиқ маълумот тўплаш жуда муҳимдир.

Мавороуннахрда VIII-X асрларга оид кумуш тангалар топилган асосий қисми синик тангалардан иборат, Ўрта Осиёдан Шарқий ва шимолий Европахудудидан топилган тангатўпламлари кўпроқ ҳажмни эгаллайди. Сомонийлар танга тўпламлар Ўрта Осиё худудидан кам топилган. Ўзбекистон худудидан топилган танга тўпламлари:

1. 1994 йилда Самарқанд вилояти Ургут тумани Бойқишлоқ маҳалласидан 48 дона сомонийлар танга тўплами топилган. 29 октябрда Самарқанд музейига топширилган (Далолатнома рақами №84 КП 5881/1). Улардан 1 донаси Саффорийларга, 1 дона Бувайхийларга, 46 донаси Сомонийларга оид тангалар тўплами ҳисобланади.

2. 2002 йилда Самарқанд вилояти Жомбой тумани Мингтепа шаҳархаробаси яқинидан 12 дона бутун Уммавийлар кумуш тангалари топилган. 3. 1989 йилда Самарқанд вилояти Ургут тумани Бешкал қишлоғи Номсизтепадан 200 метр жанубий-ғарбда узумзордан 360 дона умумий оғирлиги 820 г, бутун ва танга бўлаклари топилган.

4. 1926 йилда Самарқанддан 29 дона Сомоний тангаси. Мансур б. Нух, Самарқанд 357/967-968 йй. [Кочнев, 1996, С. 36].

5. Самарқанд. 1940 йилда 15 дона Сомонийлар: 371-378/981-989 йй. [Эрназарова, Кочнев, 1977].

6. Самарқанд. 1968 йилда 15 дона Сомонийлар: 365-377/975-988 йй. (бирга 184 мис тангалар) [Эрназарова, Кочнев, 1977].

7. Самарқанд. 1928 йил 300 дона. Улардан 146 донаси (Самарқанд). 9 донаси Эрмитажда (СПб) [Эрназарова, Кочнев, 1977].

8. Тошкент вилояти Чиноз туманида 1960 йилда 1800 дан кўпроқ тангалар топилган. Асосий қисми Сомонийлар, Бувайхийлар, Зиёрийлар (Буряков, 1975, ҳаммаси тўлиқ ўрганилмаган) [Кочнев, 1996. С. 37].

9. Тошкент вилояти Абрлиг шаҳарчасидан 1976 й. Тангалар тўпламлари Ангрен тумани Ўлкашунослик музейда сақланади. С. Ишанханов, Б. Кочневлар томонидан ўрганилган, олтин ва кумуш заргарлик буюмлари билан топилган. 144 бутун ва синиклардан иборат (ярми синик тангалардан иборат).

10. Тошкент вилояти, 1979й. 150 дона коллекциясига В.В. Кучеров (Тошкент ш), тушиб қолган 18 дона кумуш Сомонийлартангаси Мансур б. Нух: Самарқанд 357 (2), 358 (7); Шош 357 (3), 358 (5), 364(1).

11. Тошкентда 1928 йилда 6 дона Сомонийлар тангалари 273-317/ 886-930йй. [Массон, 1930].

12. Тошкентда 1938йилда 144 дона (асосий қисми синик). Аббосийлар, Саффорийлар, Сомонийлар тангалари: 272-327(?) /885-939йй. [Атаходжаев, 1993].

13. Тошкент вилояти Қизил-олма шаҳархаробасидан 1974 йил 29 дона танга, шулардан 22 донаси (қора дирхам) ва бир неча мис танга бўлаклари X аср ўрталарига оид. [Буряков, 1974, С.12; Ашуров, 2001, С. 88].

14. Тошкент шаҳри Кисловодская кўчасидан 1964 йилда топилган. 1965 йил 10 декабрда Тошкент тарих музейга топширилади, КП 488, Н-393/125 сақланмоқда. 115 дона бутун 4739 та (бўлак) синик тангалар Г. Алимов, С.Х Ишанхоновлар қисман ўрганишган.

15. Тожикистоннинг Кўлоб шаҳри Бодомту қишлоғидан 2015 йилда Уммавийлар, Аббосийлар, Саффорийлар ва асосий қисми Сомонийларга оид 1399 дона кумуш дирхамлар топилган [Шарифзода, 2019, С.16].

16. Тожикистоннинг Кўлоб шаҳридан 2018 йилда 1506 дона танга хазинаси топилган [Шарифзода, 2019, С. 26-27].

17. Қашқадарё вилоятидан (?) 1994 йил топилган сони ноаниқ, шахсий коллекционер кўлига тушган? 45 донаси бир қатор қилиб тизилган [Кочнев, 1996, С. 36].

18. Қашқадарё вилояти Дехқонобод тумани Дунётепадан шаҳар харобасидан 20 дона топилган, Самарқандлик коллекционер кўлига 2 донаси тушган. Исмаил б. Аҳмад: Самарқанд 293(1); Аҳмад б. Исмаил: Самарқанд 295 (1). [Кочнев, 1996, С. 38].

19. Қашқадарё вилояти Олтинтепа шаҳар харобасидан 1975 йилда 976 дона (асосий қисми синик) танга топилган.

20. Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳри ҳудудидан тахминан 2001-2002 йилларда топилган, умумий сони 6036 дона танга. Тангаларнинг асосий зарбхоналари Андароба, Самарқанд, Шош.

Ҳукмдор сулолалари: Сўнги антик Суғд, Сосонийлар, Хоразмшоҳлар, Африғийлар, Аббосийлар, Сомонийлар, Абудовудийлар ва Византия (X аср).

Шундай қилиб, биз танга тўпламлари топилмаси сонининг жиддий равишда ўсиб бораётганини кўрамиз ва бу Мовароуннахр ички пул муомаласида кумуш дирхамнинг ролини баҳолаш имконини беради.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Кочнев Б.Д. Клад серебряных монет Хв. из Узбекистана// Четвертая всероссийская нумизматическая конференция. М. 1996.
2. Атаходжаев А.Х. Два клада куфических дирхемов из Узбекистана // всероссийская нумизматическая конференция. Вологда, 1993.
3. Аширов С.А. Клады монет Ташкентской области // Нумизматика Центральной Азии, Том V. Ташкент, 2001.
4. Эрназарова Т.С., Кочнев Б. Д. Тангалар ўтмиш даракчилари. Т. 1977.
5. Кочнев Б.Д. Атаходжаев А.Х. Два клада куфических монет из Узбекистана // Нумизматика Центральной Азии, Том IV. Ташкент, 1999 .
6. Шарифзода А. К. Таджикский государственный университет права, бизнеса и политики // Вестник ТГУПБП. Худжанд, 2019.
7. Шарифзода А. К. Ганчинаи Кулоб (Дирхамҳои сомоний) Kulob Hoard (Samanid dirhamis). Душанбе, 2019.

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИНИНГ ЧИЛЛА БИЛАН БОҒЛИҚ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ ВА УРФ-ОДАТЛАРИ

Ф.Ш. Акчаев, Д.У. Жуманазарова
Жиззах ДПИ, Жиззах

Ўзбек халқи маданий мероси, анъаналари, урф-одатлари фақат ўтмишдан бизгача етиб келаётган ёдгорликгина эмас, балки барча маънавий бойликларнинг таркибий қисми, инсон ақли ва тафаккурининг буюк ютуғи ҳамдир. Дарахт ўз илдизлари билан заминдан сув, озиқ-овқат олиб вояга етганидек, инсон ҳам ўз аجدодларидан қолиб келаётган бебаҳо бойликлардан рухий озиқ, куч-қувват олади ва уларга таянади. Ҳар бир миллат ва элат аجدодлари томонидан яратилган бойликларидан, тажриба ва тарихий сабоқларидан, одоб-ахлоқ, таълим-тарбияга оид ўғитлари ва йўл-йўриқларидан фойдаланади, буларсиз яшай олмайди.

Қадамжо ва зиёратгоҳлар ҳам ўзбек халқи менталитетининг шаклланишига таъсир кўрсатгани каби, этнология ва маданий антропология назариясига асосан жамоа-этнос-миллатнинг тарихий шаклланиш жараёнида асосий ҳисобланган биологик, географик, иқтисодий, тил ва

маданият каби омилларнинг мужассам таъсири натижасида минг йиллар давомида шаклланади. Энг қизиғи шундаки, тарихий ривожланиш барча омиллар анъанавий жамиятга кириб келган муҳим тараққиётнинг таъсири натижасида ўз функциясини ўзгартириши мумкин. Зиёратгоҳлар яъни муқаддас масканлар реал манфаатларни асос қилган оммавий эътиқодни ифода этувчи азиз жойлар сифатида, узоқ тарихий жараёнларда маънавий озуқа берувчи омиллар бўлиб аҳолининг маиший турмушида ўзига хос вазифаларни ўтаб келган.

Ўзбекистоннинг бошқа тарихий-этнографик минтақалари каби Жиззах воҳаси ҳам ўзига хос, муҳим микроэтнографик минтақа ҳисобланиб, воҳанинг минг йиллар мобайнида қулай географик ўрни ва қадимдан катта карвон йўллари чорраҳасида жойлашганлиги сабаб ғоят хилма-хил маданиятлар ва анъаналар туташган, ўзаро уйғунлашган ҳолда шаклланган макон сифатида қайд этиш мумкин. Шундан келиб чиққани ҳолда Жиззах воҳаси аҳолисининг зиёратгоҳлар ҳақидаги қарашларида “*чилла ўтириш*” ва “*чилла сақлаш*” билан боғлиқ ҳолатлар ҳам кенг тарқалган. Воҳа зиёратгоҳларида бажариладиган исломий (чилла ўтириш) ва исломий деб талқин қилинадиган (чилла сақлаш) одатлардан ҳисобланиб, халқона ислом анъаналарига мувофиқ, қоришиқ тарзда бажарилиши кенг тарқалган.

Биринчи кўринишда ҳақиқий дин йўлига кирган киши (сўфий, мурид, муршид) қирқ кун чилла сақлаши шарт ва у ерда тез-тез “Ёсин” сурасини ўқиб турган. Манбаларда “Кимки мақбараларга кирганда “Ёсин” сурасини қироат билан ўқиса, Аллоҳ ўша куни уларга енгиллик беради ва унга ўша ердаги нарсалар ададича ҳасанотлар бўлади”[Шайх Муҳаммад Содик – Б. 222], дейилади.

Ахборотчиларнинг айтишларича, одатда, илгарилари чилла амаллари хонақоҳ, масжид, мақбара, чиллахона ва шу каби жойларда амалга оширилган. Яъни зиёратга келган киши 40, 20 ёки 7 кун мобайнида бу жойларда мазкур амалларга риоя қилган ҳолда, чин эътиқод ва ихлос билан ибодат қилган[Дала ёзувлари. 2017]. “Чиллада ўтириш” жараёнида у билан боғлиқ амаллар тасаввуф тариқати амаллари асосида хилватхоналар, масалан, ёлғиз уй, хонақоҳ, мақбара, масжид, ғор, чиллахона, муқаддас дарахтлар тагида, муқаддас, деб ҳисобланган булоқ бўйларида ёки муқаддас тепаликларда бажарилса, инсон руҳияти тезроқ покланади. Бундай хилват жойлар танланишида инсон тасаввурлари янада бойиши, инсон бундай жойларда ёлғиз қолиши орқали унинг эътиқоди янада мустаҳкам бўлиши қайд этилади. Хилватхона ва унга кириш, чиқиш жойлари тор ва қоронғу бўлиши керак бўлган[Дала ёзувлари. 2014].

Ваҳоланки, ислом динидаги сўфийлар ва муридларга хос диний одатга кўра, мурид 40 кун мобайнида тоат-ибодат қилиши, йирик сўфий намояндаларининг қароргоҳлари, масалан, Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий, Бухоро яқинидаги Баҳовуддин Нақшбанд зиёратгоҳларида чилла ўтириш учун алоҳида ҳужралар бўлган[Ислом //, 1989. – Б. 276]. Бундан ташқари, оғир аҳволга тушиб қолган беморларни ҳам яқинлари чиллага солишади. Бу жараёнда уларнинг ёнида ўтирган киши ҳар куни қирқ марта Қуръони каримнинг “Ёсин” сурасини ўқиб туриши талаб қилинади. Маҳаллий аҳоли орасида сақланиб қолган юқоридаги каби ҳолатлар халқона ислом анъаналарига кўра бугунги кунгача етиб келган. Воҳа аҳолиси орасидаги исломий, деб талқин қилинадиган аммо, ўзида қадимги диний эътиқодлар кўринишларини сақлаб қолган навбатдаги “чилла сақлаш” одатларига қуйидаги ҳолатларда амал қилиб келинмоқда:

- Руҳий қувват олиш мақсадида чилла сақлаш. Қўл олиш, сурпа янгилаш билан боғлиқ “касаллик”ларда чилла сақловчи хасталикдан фориг бўлиш мақсадида 3 кун ёпиқ (фақат уйда ёки чиллахонада ҳеч ким билан кўришмасдан, қоронғу жойда ўтириш) ва 3 кун очик (ташқарига чиқиши мумкин, аммо биров билан қўл бериб саломлашмайди) чилла сақлаш. Уч кунлик ёпиқ даврда уни зарур нарсалар билан чиллага кириш вақтида ҳамроҳлик қилган яқин кишиси таъминлайди ва кўмак беради;

- янги келин-куёвларнинг қирқ кун чилла сақлаши (жумладан, келин-куёвларнинг сутканинг қоронғу вақтида ёлғиз қолмаслиги, бошқа жойларда тунамаслиги);
- чақалоқ туғилганда она ва чақалоқ сақлаши керак бўлган чилла (ёш бола ва онаси бегона кишиларнинг назаридан сақланади ва ёлғиз қолдирилмайди);
- оила аъзоларидан бирор киши вафот этганда сақланадиган чилла.

Туркий халқларда қадимдан чилла сақлаш маросимлари ўтказиб келинган бўлиб, “оилада бола туғилишиданок чилла даврига эътибор берилган. Чақалоқ туғилганидан сўнг йўлдоши тушганидан бошлаб, кейинги 6–8 ҳафталик муддат чилла даври ҳисобланган. Анъанага кўра, она ва чақалоқ 40 кунгача уйдан чиқмаслиги, болали уйга бегона одам қадам босмаслиги ва чиллали уйда чирок ўчмаслиги керак” [Қорабоев, 2002.–Б.117], деб ҳисобланган. Воҳада аҳоли томонидан чилла сақлаш уй шароитида ва зиёратгоҳларда алоҳида ажратилган жойларда амалга оширилади. Бугунги кунда Чилмаҳрам ота, Ғорбобо, Қирқчилтон ва Тешиктош қадамжоларида чиллаҳоналар мавжуд бўлиб, кузатувларимиз жараёнида “руҳий қувват олиш мақсадида чилла сақлаш”нинг дастлабки уч кунини зиёратгоҳлардаги чиллаҳонада ўтказилиши сақланиб қолган. Қолган турдаги чилла сақлаш одатлари, асосан, уй шароитида ўтказилсада, яқунлангандан кейин бу ерга келиб маросим ўтказишлари аниқланди [Дала ёзувлари. 2017]. Бу турдаги маросимларни ўтказиш асосан “Чилтон”лар билан боғлиқ муқаддас қадамжоларда амалга оширилади. Чилтон (*форс-тожикча* “чихилтон”) – диний тасаввурларга кўра, ғайритабиий кучга эга бўлган афсонавий 40 та руҳ ёки “қирқта одам” деган маънони билдириб, улар кўзга кўринмайдиган, бир-биридан ажралмайдиган афсонавий махлуқотлардир [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2008. Т.4. – Б. 485]. Халқ орасида тарқалган ривоятга кўра, “... ер юзида чилтонлар бор. Булардан юқори мартабада турадиган ҳафтан бор. Улардан ҳам юқори мартабада турадиган ситанлар бор. Буларнинг устидан Қутби Абдол каттадурлар. Қачонки қутб оламдан ўтса, ситанлардан бир кишини қутб қилиб сайлайдилар, ҳафтанлардан биттасини ситанларнинг ўрнига сайлайдилар, чилтонлардан биттасини ҳафтанларга қўшадилар ва ер юзидаги солиҳ кишилардан бирини топиб, чилтонларга аъзо қиладилар. Буларнинг ададлари қиёмат кунигача кам бўлмас. Буларни рижолул ғайблар дерлар. Буларнинг дуоларини барокотидин инсонлар вояга етадилар ва кўп кишилар тўғри йўлни топадилар [Ҳазрати Башир тарихи, 1994.–Б. 67], дейилади. Янгиобод туманидаги Баятсойнинг жанубий қирғоғидаги қабристон ичида жойлашган Чилмаҳрам ота зиёратгоҳининг пайдо бўлиши билан боғлиқ қарашларда ҳам юқоридаги каби ривоят сақланиб қолган [Дала ёзувлари. 2016].

Вилоятнинг Шароф Рашидов туманида жойлашган “Қирқчилтон” ва Малик ота зиёратгоҳи ҳудудидаги чиллаҳона ҳақидаги қарашлар бевосита чилтонлар билан боғланади. Ахборотчиларнинг маълумотларига кўра, ушбу зиёратгоҳлар ҳудудида чиллада ўтириш [Чиллада ўтириш –нафсни тарбиялаш ва руҳни тасфийа қилиш мақсадида хилватга кириб, маълум муддат Аллоҳ билан яккама-якка, дунёвий машғулот ва ўй-фикрлардан узоқ ҳолатда ибодат ва зикр билан шуғулланиб, вақт ўтказилади. Бунинг маълум муддати йўқ. Аммо қирқ кун ўтириш анъанадир. Шу боис хилватга «қирқ» маносини берувчи форсча «чехил»дан келиб чиққан «чилла» ва арабча «арбаин» (қирқ) сўзлари қўлланади. Қадимда зиёратгоҳларда чилла ўтириш учун алоҳида хужралар бўлган] ёки чилла сақлаш билан боғлиқ маросимлар ўтказилиб, зиёратчиларнинг аксариятини шу жойдан шифо топган кишилар ташкил этади. Уларнинг айтишларича, қирқ кун чилла амалларига риоя қилиш орқали ўз мушкулларини осон қиладилар [Дала ёзувлари. 2016]. Шунингдек, Бахмал туманидаги “Қирқ чилтон” зиёратгоҳига оид қарашларда қирқ оға-ини ботирларнинг шу ерда душманга қарши курашлари ва уларнинг ғойиб бўлганлиги қайд қилинади. Маҳаллий аҳоли ғойиб бўлган ака-укаларнинг сони ва ғайритабиий кучлар билан ҳамоҳанглигидан келиб чиқиб, уларни қирқчилтонлар билан боғлашади [Дала ёзувлари. 2017]. Бундай қарашлар одамларга яхшилик қилувчи, ҳалол, пок, мард, кўзга кўринмайдиган қирқ нафар эзгу руҳларга ишонч натижасида

шакланган бўлиб, адабиётларда бу чилтонлар гоҳ эркак, гоҳ аёл образларида гавдаланиб, “ғойиб эран”, “кўринмас одамлар” ҳақидаги афсоналар кўринишида акс этган [Андреев, 1927. – С. 334–338; Басилов, 1992. – С. 629]. Бахмалдаги “Қирқ чилтон” зиёратгоҳининг яна бир характерли жиҳати у ерга рухий беморлар, тери касалликларига учраган одамлар даво истаб келадилар. Бу турдаги беморлар яқинлари билан келиб жонлиқ сўйишади ва унинг қонини тошларга суртиб, сўнгра таом тайёрлаб таркатадилар.

Чилтонлар билан боғлиқ маросимлар, зиёратгоҳларни таҳлил қиладиган бўлсак, уларда халқнинг қадимий эътиқод изларини, турли расм-русумларини ўзида мужассамлаштирган ва воҳа аҳолисининг аجدодларидан мерос қолган қадриятларининг қолдиқ кўринишлари ҳолатида сақланиб қолган. Чилтонлар билан боғлиқ муқаддас қадамжолар ҳамда ўтказиладиган маросимлар республиканинг турли ҳудудларида мавжуд (жумладан, Фарғона водийси, Хоразм воҳаси, Бухоро вилояти, Жанубий Ўзбекистон ҳудудлари) [Абдулаҳатов, 2006. –135 б.; Абидова, 2018. – 174 б.; Ҳазрати Башир тарихи, 1991. –Б. 67; Жўраев, 2002. – Б. 42] бўлиб, бу маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи ва диний қарашлари каби омиллардан келиб чиққан ҳолда ўзига хослик касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, воҳадаги зиёратгоҳларда ўтказиладиган ислом дини билан боғлиқ маросимлар, расм-русумлар ва унинг қоидаларини ўрганиш натижасида мазкур маросимлар ислом дини билан боғлиқ ҳолда ёки ислом динига оид, деган қарашлар асосида шаклангани ва улар халқона ислом анъаналари, қоидалари асосида ҳамда воҳа аҳолисининг асрлар давомида аجدодлардан авлодларга мерос сифатида ўтиб келаётган маросимлари орқали ривожланганлиги далилланди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Зикр аҳлидан сўранг... – Б. 222.
2. Дала ёзувлари. Янгиобод тумани Чилмахрам ота, Зомин тумани Ғорбобо зиёратгоҳлари ва Ғориш тумани Тешиктош чиллаҳонаси. 2017 йил.
3. Дала ёзувлари. Жиззах тумани, Қирқчилтон зиёратгоҳи. 2014 йил.
4. Ислом // Справочник. – Тошкент: Ўзбекистон энциклопедияси, 1989. – Б. 276.
5. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. –Тошкент: Шарқ. 2002.–Б.117.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2008. Т.4. – Б. 485.
Ҳазрати Башир тарихи. “Шарофнома” фонди. –Тошкент, 1994.–Б. 67.
7. Дала ёзувлари. Жиззах тумани Равот қишлоғи. 2016.
8. Дала ёзувлари. Бахмал тумани Қирққишлоқ қишлоғи. Қирқчилтон зиёратгоҳи. 2017.
9. Андреев М. Чильтаны в среднеазиатских верованиях (В.В Бартольд). –Ташкент, 1927. – С. 334–338; Басилов В. Чильтан. Мифы народов мира. Т. 2. –М.: Советская энциклопедия, 1992. – С. 629.
10. Абдулаҳатов Н. Фарғона водийси зиёратгоҳлари ва қадамжолари. Тарихий-этнологик тадқиқот (Фарғона вилояти мисолида): Тар.фан.ном....дис.–Тошкент, 2006. –135 б.; Абидова З. Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари(тарихий-этнологик тадқиқот): Тар. фан.бўйича фал. док. (PhD)... дис. –Тошкент, 2018. – 174 б.; Ҳазрати Башир тарихи. “Шарофнома” фонди. – Тошкент: Маъориф, 1991. –Б. 67; Жўраев М., Саидова Р. Бухоро афсоналари. –Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – Б. 42.

ЎЗБЕК ХУНАРМАНДЧИЛИГИ АНЪАНАЛАРИ МАЪНАВИЙ МЕРОС СИФАТИДА

С.Т.Давлатова, ЎзР ФА

тарих институти

Халқ хунармандчилиги кишилиқ жамиятининг тарихи, маданияти ва хўжалигининг ажралмас бўлаги сифатида ўзининг минг йиллик илдизларига эга. Халқимизнинг кундалиқ турмуш тарзида ўзига хос мавқеига эга бўлган хунарларнинг тарихий асосларини тадқиқ қилиш бугунги кун тарих ва этнология фанлари олдидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Қолаверса, аҳоли хўжалиқ йўналишидаги этник хусусиятлар айнан халқ хунармандчилигида яққол намоён бўлади. Сабаби, хунармандлар томонидан ясалган буюмларда халқнинг дунёқараши, эстетикаси, фалсафаси, этник ўзига хослиги ва хўжалиқ анъаналари ўз аксини топади [Кармишева, 1979. 252б]. Айниқса, хунармандчилик буюмлари безак-нақшларини (орнамент) тадқиқ қилиш орқали маълум бир этноснинг атроф муҳитга нисбатан муносабатини англаш мумкин.

Ўз ўрнида таъкидлаш керакки, ўзбек халқи хунармандчилиги ўзига хос қадимий анъаналарга эга бўлиб, нафақат мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида салмоқли ўрин эгаллайди, балки маданиятнинг юксалишида ҳам аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда жаҳон халқларининг интеграциялашуви, глобаллашув жараёнлари жадал кечаётган бир пайтда этник ва маданий ўзликни англаш, локал этнохудудий маданиятлар ва миллий қадриятларни сақлаб қолиш, уларни илмий асосда тадқиқ қилиш долзарбдир. Чунки бугун Ўзбекистон тарихини мустақил давлат сифатида жаҳон тарихи контекстида ўрганмоқ лозим [Алимова, 2008. 27 б]. Қолаверса, Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепциясида шаҳарларнинг пайдо бўлиши, ижтимоий-иқтисодий асосини ўрганиш муҳим масалалардан бири сифатида кўрсатилган [Ўзбекистоннинг тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси, 1996. 13б]. Жумладан, ўзбек анъанавий хунармандчилиги ўзига хос тарихга эга бўлиб, унинг ривожланиши ва тараққий этишида шаҳар худудларининг ўзига хос ўрнига, тарихий-этник ривожланиш шароитларида ўзларининг локал хусусиятларига эга бўлиб, халқ хунармандчилигида бир қатор ўзига хос мактабларнинг вужудга келишига олиб келган. Шу ўринда Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И. А. Каримовнинг “Тарихимиз каби қадим маданиятимиз яратилишида ҳам кўплаб этник гуруҳлар, элатлар ўз улушларини қўшган Бу табиий ҳол. Чунки ҳеч қачон, ҳеч қаерда фақат битта миллатга мансуб маданият бўлмайди. Ҳар қандай цивилизация кўпдан кўп халқлар, элатлар, миллатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир.... Унинг маданияти абадий яшайди” [Каримов, 1999] деган мулоҳазалари ўринлидир.

Ҳозир миллий хунармандчилик қайта ривожланаётган бир пайтда миллий анъаналар асосида устоз шогирдига ўз хунарини ўргатишга ҳаракат қилинмоқда. Хунармандлар устоз ва шогирдлар учун ўзига хос одоб-ахлоқ қоидалари, урф-одатлари, маданиятлари, ирим-сиримлари, дуолари, миллий анъаналарини ишлаб чиқаришган ва бу қоидаларига қатъий риоя қилинган. Шу боис ҳам, қадимдан ҳар бир хунар тури муқаддас ҳисобланган. Устознинг ҳам, шогирднинг ҳам олдига қўйган ўзига яраша вазифалари, бурчи бўлиб, шогирд учун уста ва устоз деган номни олиш қийин кечган, албатта. Бунинг учун шогирд кўп йиллар давомида мураккаб синовлардан ўтиши керак бўлган. Устоз касб ўргатишни сўраб келган шогирдини ўз ўғли қаторида кўриши, шогирд ҳам ўз устозини ота ўрнида кўриши керак бўлган. Уста нимаки яхши нарсаларга эришган бўлса, хунарини севган, унга ихлос қўйган, ҳаётини шунга бағишлаган шогирдлар туфайли эришади. Уста ишини муваффақиятли давом эттириши билан бутун куч-ғайрати, билими, тажрибаси, маҳоратини шогирдининг ҳар томонлама камолга эришиши учун ҳаракат қилади. У аввало шогирдининг ҳар бир қадами, юриш-туриши, маънавий муносабати, ахлоқ-одоби, қобилияти, дўстларига эътибори,

муомаласи каби фазилатларини ўрганиб, тўғри йўлга солади ва қайси вазифани бажара олишига қараб топшириқ беради. Вазифа беришдан олдин шогирдига топшириқни ҳар томонлама тушунтиради. Шогирд тайёрлаш устанинг энг муҳим ва машаққатли, олий даражали бурчи ҳисобланиб, бу анъаналар ўзбек халқи томонидан ҳозиргача кадрланиб, қўлланилиб келинмоқда. Қолаверса, ҳар доим маълум бир ҳунарга эга бўлиш ғояси муқаддас китоб Қуръон[Қуръон, 1992], ҳадисларда[Бухорий, 1997. 607 б] илгари сурилган ва буюк алломалар томонидан ҳам даъват қилиниб келинган[Форобий, 1993. 224б; Беруний, 1968. 68б; Авлоний, 1992; Соғуний, 1996. 344б; Юсуф Хос Ҳожиб, 1971. 964б]. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожиб “...темирчилар, тикувчилар, этикчилар, сувчи, тўқувчилар, эгарчилар, тошчилар, ўқчилар, камончиларнинг фойдаси каттадир. Улар зарур кишилар бўлиб, бу дунёда улар фақат яхшилик келтирадилар” дея таъкидлайди[Юсуф Хос Ҳожиб, 1971. 964б]. Демак, бундан кўриниб турибдики, ҳунармандлар ўзига хос касб эгалари бўлиб, доимо халқнинг ҳурматиغا сазовор бўлишган.

Ўрта Осиё аҳолиси қадимдан овчилик, балиқчилик, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланиб, кейинчалик конларда ишлаганлар, мис, темир эритиш, металллардан турли-туман қуроллар ясаш, кемасозлик, тўқувчилик, бинокорлик каби ишлар билан шуғулланишган. Шу тарзда аجدодларимиз тилида айни шундай ишлар билан боғлиқ атамалар шакллана борган. Буни Маҳмуд Қошғарий “Девону луғот ат-турк” асарида 500дан ортиқ касб эгалари номи ифодалангани тасдиқлайди[Қошғарий, 1960-1963]. Жумладан, *jīchi*- тикувчи, *ajaqchi* – кулол, *təmurchi* – темирчи, *этукчи* – этикдўз каби ҳунармандлар номлари учрайди[Қошғарий, 1960-1963. 169; 235; 331.].

Ҳунармандчилик рисоалари, нафақат ҳунармандчилик асоси аҳамиятига эга бўлмасдан, ҳунармандчилик устахоналарини ривожлантириш билимлари, асбоблари, маҳсулотлари, ишлаб чиқариш технологиялари манбаси ҳам ҳисобланган[Атаджанова, 2008. 22б]. Бундан ташқари, мато ишлаб чиқариш технологиялари ва мато безаклари ишлаб чиқариш услублари – дўкон Низоми Рисолада ўз аксини топган. Жумладан, кам ўрганилган, ўзбек, форс-тожик тилларидаги читгарлар рисоласида ҳам асосан, матога гул босиш технологияси, бўёқчилар номлари, устахонадаги мураккаб бўлмаган аслаҳалар ва уста – читгарларнинг усқуналари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади[Мукминова, 1970. 101 б].

Бир вақтнинг ўзида ҳам аجدодларнинг руҳи ва соҳа пирини эъзозлаш ҳам рисоаларда ўз аксини топган. 1897 йилда ёзилган темирчилар рисоаларида устахонани қандай ҳолатда сақлаш кераклиги тўғрисида айтиб ўтилади. Барча ҳунармандлар соҳа пирининг руҳи доимо устахонада мавжуд бўлади, деб тушунилган. Шунинг учун ҳам устахонада барча меҳнат қуролларини ўз жойига жойлаштириш, меҳнат қуролларига нисбатан ёмон сўзларни ишлатмаслик, устахонага таҳоратсиз кирмаслик, меҳнат қуролларини тоза бўлмаган сувда ювмаслик, устахонада ўзаро бир-бирига нисбатан ёмон сўзларни ишлатмаслик, хом-ашё қолдиқларини турли жойларда сочилиб ётишига йўл қўймаслик, тайёр бўлган маҳсулотга ишлов бермасдан уни сотувга чиқармаслик ва бошқалар ман этилган[Гаврилов, 1912.45б]. Мазкур низомда нафақат пирга нисбатан ҳурмат, балки катта фойда олиш мақсадида ушбу устахона дўконига кўпроқ харидорларни жалб этишга бўлган уринишни ҳам кузатишимиз мумкин. Хуллас, асрлар давомида Ўрта Осиёда шаклланган ва ҳунармандчиликни ривожлантиришда ўзига хос аҳамиятга эга бўлган, ҳунармандларни тайёрлаш, ҳунармандчиликни ташкил этишда ўзига хос дастур вазифасини ўтаган рисоалар алоҳида ўрин тутган.

Инсоният онгли фаолиятининг ажралмас қисми бўлмиш бадий тафаккур ва шунга мувофиқ бадий ижодий фаолият инсониятнинг тарихий тараққиёт жараёнида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бундай фаолият натижасида келиб чиқадиган эстетик бадий идрок қобилияти кишилар оламини, ундаги мавжудотлар, нарсалар, воқеа-ҳодисаларни, атроф-муҳитдаги шакллар ва рангларни турфа шаклларда қайтадан акс эттиришга ҳавас уйғотган. Натижада безакларнинг турли

шакллари пайдо бўлган[Булатов, 1991.76]. Ҳар бир тарихий даврда ҳунармандчиликнинг қайси соҳаси маҳсулотларига бўлган талаб кучли бўлган бўлса, шу соҳа ва у билан боғлиқ йўналишларнинг ривожланишига сабаб бўлган.

Ўзбекларнинг анъанавий ҳунармандчилиги ривожланганлик даражаси ва ташкилий жиҳатлари нуқтаи назаридан турли ҳил соҳаларга бўлинган эди. Баъзи соҳалар фақат ҳунарманднинг шахсий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қиладиган ва натурал характерга эга бўлган хонаки ҳунармандчиликни ташкил этса, бошқа соҳалар эса яхши ташкиллашган ва бозорга мўлжалланган товар ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўринишга эга бўлган. Аммо, ҳунармандчиликнинг турли соҳалари маҳсулотлари биринчи навбатда маҳаллий аҳолининг иқтисодий ва маданий-маиший эҳтиёжларини қондиришга қаратилганлиги билан характерланган. Бироқ, шунга қарамасдан миллий ҳунармандчиликнинг кўплаб соҳалари маҳсулотлари ўзининг сифати ва безағи билан ҳар қандай халқни лол қолдирадиган даражага эга бўлган.

Узоқ йиллар давомида шаклланган ўзбек халқ ҳунармандчилигида уста-шоғирд анъаналарини ўрганиш ва уни замонавий кўринишлари билан солиштириш, қадимий анъаналарни модернизация қилиш ва ёш авлод онгида миллий қадриятларга садоқат руҳини шакллантириш, ўша анъаналарни қайта тиклаш, уларда касбий малака, маҳоратларни оширишда катта аҳамият касб этади. Айниқса, ҳунармандчиликнинг ривожланишида инсон омили муҳим бўлиб[Тойнби, 1991. 2476], уста-шоғирд муносабатлари эса алоҳида ўрин тутган. Шу боис ҳам йирик ҳунармандчилик марказлари ўртасида узлуксиз маданий алоқалар туфайли улар яратган асарларда ўзаро ўхшашлик ва яқинликлар мавжуд бўлганлигини кўриш мумкин.

Ҳунармандчиликнинг халқ амалий санъати даражасига кўтарилишида бундай анъаналарнинг ўз ўрни бор. Бунда асосан анъанавий ва ноанъанавий ҳунар турларининг замонавийлиги, модернизацияси, қолаверса, улар ўртасидаги уйғунлик кўзга ташланади. Чунки анъаналар даврдандаврга ўтиши жараёнида ўзида тўлақонли хусусиятларини сақлаб қола олмайди. Қолаверса, ҳар бир ҳунарманд ўзи ясаган буюмга дунёқараши, яшаб турган муҳит нафасини сингдира олиши табиийдир.

Ҳунармандчилик кўп йиллик анъана ва қадриятларга эга бўлиб, ўзида аҳоли турмуш тарзи, талаб ва эҳтиёжи, маданияти, маънавияти ҳамда жамиятдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий жараёнларни акс эттирибгина қолмай, балки халқ ҳаёти ва турмушининг барча жабҳаларини камраб олган аҳоли дунёқараши ва миллий тафаккурининг нечоғли теран эканлигини ҳам намоён этади. Анъанавий халқ ҳунармандчилиги анъаналарини ўрганиш ва тадқиқ қилиш ўз навбатида маданий меросга бўлган муносабатни шакллантиради. Маданий мерос – ўтмишдан қолган қадриятлар, ғоялар, тажриба, билимлар уларни ўзлаштириш йўллари, яъни кишиларнинг ижодий фаолият усуллари ва уни ташкил қилиш натижаларидир. Ўзлаштириш ёки аниқроғи, маданий мерос жараёни ўта муҳим бўлиб, маданиятнинг ҳаракатдаги асосий қонунларидан бири ҳисобланади. Бу жараён инсониятнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини бир бутун ҳолда бирлаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. – Тошкент. 1997. 607 б.
2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент, 1993. 224 б.
3. Абу Райхон Беруний. Минералогия. –Тошкент, 1968. 68 б.
4. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.–Тошкент. 1992.
5. Алимова Д.А. История, как история, история как наука. – Ташкент: Узбекистан, 2008. – С. 27.
6. Атаджанова Д.Ш. Историография ремесленного производства Бухарского ханства XIX в. (на основе изучения литературы и ремесленных уставов «Рисола»): Дисс...канд. Ист. Наук. – Ташкент, 2008. – С. 22

7. Булатов С. А. Ўзбек халқ амалий санъати. –Т.: 1991. –Б- 7.
8. Гаврилов М. Рисоласартовских ремесленников. – Ташкент, 1912. – 58 с.
9. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз./Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Ўзбекистон, 1999. 7- жилд.
10. Кармышева Б.Х. Ткачество и прядение у населения южных районов Таджикистана и Узбекистана. (XIX- начало XX вв.) // Проблемы типологии в этнографии. – М., 1979. – С.252.
11. Мукминова Р.Г. К характеристики Самаркандских тканей конца XV - XVI века.// Общественные науки в Узбекистане. –1970. –№9. – С.101.
12. Темур тузуклари. (А.Соғуний таржимаси). – Тошкент. 1996. 344б.
13. Тойнби А. Ж Постигание истории. – М., 1991. – С.247.
14. Ўзбекистоннинг тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳайъатининг қўшма мажлисида 1996 йил 30 парелда қабул қилинган). – Тошкент, 1996. – Б.13.
15. Кошғарий, Махмуд. Туркий тиллар луғати. Уч томлик. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Мугалибов. –Тошкент, 1960-1963.
16. Қуръони карим. Таржима ва изоҳлар, муаллиф Алоуддин Мансур. Тошкент: Чўлпон, 1992.
17. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Саодатга элтувчи билим). –Тошкент: Фан, 1971. 964 б.

ҒАЛЛАОРОЛ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНING УЙ – ЖОЙ БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ – ОДАТЛАРИ ҲАҚИДА

Г.И.Мўминова,
Жиззах ДПИ

Мустақиллик туфайли миллий қадрият, урф – одат ва маданиятни изчил ўрганишга имкон яратилиши билан халқимизнинг моддий маданиятини ўрганиш кундалик долзарб мавзуга айланди. Айниқса, кам ўрганилган соҳа ўзбек халқларининг этник келиб чиқиши ва этногенези муаммоларини ечишда ва илмий тадқиқ қилишда уй – жойлар билан боғлиқ урф –одат ва ирим - сириملарни тадқиқ қилиш катта аҳамиятга эга.

Уй – жой билан боғлиқ урф – одатлар этнографик йўналишда бажарилган тадқиқотларда моддий маданият (турар жойлар, кийим- кечаклар, тақинчоқлар, озиқ - овқатлар)ни, одатда график тасвирлар, режалар, чизмалар, расмлар, фотосуратлар ёрдамида батафсил таърифлаш, тавсифлаш ва илмий таҳлил қилиш ўзига хос анъанага айланган. Урф – одатларни этнографик йўналишда тадқиқ этишдан кўзланган асосий мақсад ўрганилаётган объектнинг халқ ижтимоий турмуш тарзи билан алоқадорлигини ёритиб беришдан иборат. Чунки, анъанавий урф – одатлар намуналари инсоният меҳнати ва эҳтиёжи асосида яратилсада, лекин унинг онгли тафаккури натижаси ўлароқ у ёки бу кўринишни олади. Шубҳасиз, бу ўринда урф – одат намуналарида акс этувчи рамз, белги, ғоя кўринишида ҳам эътиборга лойиқ бўлиб, бу бевосита у билан боғлиқ тасаввурлар, эътиқодий қарашларни таҳлил қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бошқачасига этнографлар учун урф – одат намуналар таснифи эмас, балки уларни инсон билан алоқадорлиги қизиқарли ҳисобланади.[Токарев. 1970.с 3]

Бажарилаётган тадқиқотларда моддий маданият ва урф – одатларнинг фақатгина тавсифий хусусиятлари билан чегараланиб қолганида эди, илмий ишлардаги ўзига хослик жуда тез муддатда унутулиб кетарди. Кийим – кечакларни этнографик аспектла тадқиқ этиш тикиш – бичишга оид қўлланмага, таомларни ўрганиш эса кулинария рецептлари тўпламига, турар – жойларни тадқиқ қилиш – архитектура дарслигининг бир бўлимига айланиб қоларди. Қоларверса, француз тадқиқотчиси Марсел Мажет ҳақли равишда таъкидлаганидек, “этнолог учун одамлар

турмушида аҳамиятга эга бўлмаган (фақат моддий) предмет мавжуд эмас” Бирор бир предметни тадқиқ қилиш жараёнида, деб ёзган эди у, ушбу объектни бевосита ва билвосита ишлаб чиқариш, тарқатиш, сотиш ва фойдаланиш имконияти, ҳуқуқи ва вазифасига эга бўлган барча шахслар эътибордан четда қолмаслиги лозим. [Maget, 1953.p 15-16]

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, этнографияда моддий маданиятга кирувчи турар – жойлар, таомлар ва таомларга хос бўлган барча урф – одатларни бир тадқиқот доирасида тадқиқ этиш ўта мушкул вазифа ҳисобланади. Моддий маданиятнинг муҳим қисмларидан бирини уй- жойлар ташкил қилади. Тарихий – этнографик адабиётлардан маълумки, анъанавий уй – жойларни тиклаш ва жиҳозлаш усуллари маҳаллий табиий шароитга, кўчманчи, ярим кўчманчи ва ўтроқ этник гуруҳлар анъанавий турмуш тарзи, хўжалиги йўналиши, урф – одатлари, миллий кадриятлари билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар бир этносда бўлгани каби Жиззах вилоятининг Ғалларол воҳаси халқларида ҳам маънавий – эстетик диди ва миллий кадриятлари асосида уй – жойларини жиҳозлайди. Ўз навбатида, турар жойларни тиклаш ва янги уйга кўчиб кириш билан боғлиқ урф – одатлар негизида миллий кадриятлар мужассамлашган. Бу эса ўз навбатида воҳадаги урф – одатларнинг қадимийлигидан, халқнинг азалик мафқураси, узоқ адодларимиз эътиқодлари тараққиёти тарихихамда диний қарашларининг яшовчанлик хусусиятидан дарак беради. Умуман олшганда Жиззах воҳасида уй- жойлар билан боғлиқ урф – одатлардан кўзланган асосий мақсад, нафақат ушбу уйда, балки мазкур турар жой, ҳовлида яшовчи оилада (ижтимоий гуруҳда) ҳам бекаму кўст муҳитни яратишга қаратилган. Шу боис, мазкур туркум урф – одатларда оила ва уй жой ажралмас бир бутунликни ташкил этади деб ҳисоблаш мумкин. Турар жойлар инсон учун макон, бошпана тарзда фойдаланила бошлаган даврлардан у билан боғлиқ илк тасаввурлар ҳам шакллана бошлаган. Қадимги уй – жойларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири – уларнинг ўзига хос хавфсизликхалқасига эга эканлигидадир. Инсониятнинг илк аждодлари уй- жойларни ёвуз кучлар хуружидан муҳофаза қиладиган ўзига хос ёпиқ макон, деб ҳисоблаганлар.[Лавовнен. 1984. с 177]

Энди эса мавзумиз ҳудуди ҳисобланган Ғалларол воҳаси ўзбеклари анъанавий турмуш тарзидаги турар жойлар билан боғлиқ қарашлар, урф- одат кўринишларини бирмунча батафсилроқ таҳлил этишга ҳаракат қиламиз. Ўзбекларда яшаш макони ҳисобланган уй – жой, хусусан, ота – боболар жойи муқаддас даргоҳ ҳисобланган ва унга алоҳида меҳр кўйилган. Қолаверса, ота – боболар ерининг муқаддаслиги борасида жуда кўп ҳикматли сўзлар, матал, мақола ва ривоятлар мавжуд.[Маҳмуд Саттор. 2005]. Ғалларол воҳаси ўзбекларида ҳам уй – жойларга ўзига хос муқаддас даргоҳ сифатида қаралган. Воҳа ўзбекларида янги уйнинг жойлашиш ўрнига алоҳида эътибор берилган ва турар жойларни қабристон, зиёратгоҳва азиз авлиёлар қабрларидан узоқроқда қуришга ҳаракат қилганлар. Бу эса ўз навбатида мазкур турар жойда истикомат қиладиган оила ҳаётининг муваффақиятли ўтишида катта аҳамият касб этган. Чунки аҳоли наздидақабристон ва зиёратгоҳлар марҳумлар руҳи тўпланадиган жойҳисобланган. Чунончи, маҳаллий аҳоли бирор – бир қабристон ўрнига ёки азиз авлиёлар мазорлари атрофига турар жой қурилса “безовта руҳлар” туфайли уй эгаларидан кимгадир, айниқса, болаларга тасодифан зарар етишиданва оила аъзолари касалланишидан ҳадиксираганлар. Халқона қарашларга кўра, руҳлар зиёни оила аъзоларидан бирининг хасталикка чалинишиёки мазкур уйда яшовчилардан кимнидр бирор- бир бахтсиз ходисага дучор бўлиши тарзида намоён бўлар экан. [Дала ёзувлари, Ғалларол. 2008 й]

Дунёнинг кўплаб халқлари сингари воҳа ўзбекларининг ҳам янги уйга кўчиб кириш олдидан бажарадиган турфа хил расм – русумлари ва урф – одатлари бўлиб, халқ тасаввурида ушбу оила аъзоларининг келгусида беэён яшашларига кўмак берар экан. Ўз навбатида, бундай хулоса янги уйга кўчиб ўтишда ва унда яшаш давомида хона қисмлари билан боғлиқ турли урф – одатларининг бажарлишига сабаб бўлган. Жумладан, Жиззах воҳаси Зомин тумани қишлоқларида

янги уйни куришдан аввал уй пойдеворини кўтариш ишлари бошланишида ота – боблар руҳига бағишлаб қўй сўйиб қурбонлик қилинган. [Дала ёзувлари, Зомин, 2008 й] Шундан кейин сўйилган жонлик гўштидан махсус таом пиширилиб, маҳалла оқсоқоллари ва хашарчиларга тортилган. Маросим давомида боблар руҳига тловат қилишган, бошланаётган ишни муваффақиятли бўлиши сўралган. Умуман олганда, дунёдаги кўпгина халқларда уй – жойларни тиклаш чоғида жонлик сўйиб қурбонлик қилиш одати бўлган. [Геннеп. Арнольд ван 2002. с24] Бундай урф – одат Ғалларол аҳолиси турмуш тарзида ҳам мавжуд. Юқоридаги мисоллардан кўришиб турибдики, эски уйни бузиб янгисини солиш ўзига хос масъулиятли жараён ҳисобланган. Дарҳақиқат, кўплаб халқлар сингари воҳа ўзбекларида ҳам энг қадимги даврлардан бошлаб ўтган ота – боблар, аждодлар руҳи ҳурмат қилинган.

Ўрганилаётган воҳа халқлари орасида уйнинг айрим қисмлари- болор (тўсин), устун, эшиклар ўрнатиш жараёнида рамзий маъноларга эга бўлган ва айнан мазкур қисмлар билан боғлиқ қатор урф- одатларга амал қилинган. Жумладан, воҳа ўзбекларида республикамизнинг бошқа минтақаларида бўлгани сингари, хона шифтига қўйиладиган тўсинлар со ни доимо тоқ бўлиб, хона тури ва хажмини белгиловчи ўлчов бўлиб келган. Хусусан, 9 болорли, 11 болорли, 13 болорли уй ибораси қўлланилган. Халқона қарашларга кўра, айрим уй ва меҳмонхоналарнинг айрим жойларида тўсинларнинг жуфт бўлмагани Аллоҳга бағишланган дейилса, бошқаларида битта тўсин вазифасини хонадон эркаги бажаради, деб тушунилган.

Янги курилаётган уй деворини кўтарш, том ёпиш билан боғлиқ тарзда ва кўп ишчи кучини талаб этадиган ишларда маҳалла эркалари иштирокида махсус хашарлар уюштирилган.[Исмоилов. 1990. с115-122]

Уй – жойлар билан боғлиқ урф – одат ва расм – русумларнинг талай қисми уй тиклаб бўлинганидан сўнг ҳам ўтказилган. Дастлаб уйга кўчиб киришда уй кирди, уй кўрди маросими ўтказилган. Ўзбекларда уйнинг турли жойлари, айниқса остонаси, ўчоғи энг муқаддас жойлардан бири ҳисобланган ва у билан боғлиқ бир қатор урф одатлар ҳамда иримлар бажарилган. Бу ўринда, аввало шуни ҳам таъкидлаш керакки, халқнинг кундалик турмуш тарзида остона билан боғлиқ қатор нақллар ҳам мавжуд. Чунончи, “остонада турмушга чиқмаган қиз ўтирса, бахтсиз бўлади”, “остонада туриб бўлмайди, чунки бирор – бир кишидан айрилган инсон остонада туради”, “остонада туриб саломлашилмайди, ўртага совуқчилик тушади” деган нақллар бугунги кунгача халқимизда сақланиб келмоқда ва ҳозирда ҳам омма орасида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Воҳа ўзбеклари орасида уй ўчоғи остонаси билан бирга хонанинг энг муқаддас жойларидан бўлиши билан бирга оиланинг бахти ҳам ҳисобланган. Ўзбеклар ҳам қадимги даврлардан оилани уй ўчоғисиз тасаввур қилолмаганлар. Ғалларол воҳасида ўчоқ оиланинг қут – баракаси тимсоли бўлиб, усиз оилани ҳам тасаввур қилиб бўлмайди.

Умуман олганда, уй – жой билан боғлиқ урф – одат ва расм- русумлар асосан турар жойларни тиклаш, улар баъзи қисмларига алоҳида эҳтиром билан қара ҳисоблансада, унинг негизида оила аъзолари тинчлиги, фаровонлигини таъминлашга қаратилган диний мазмундаги тасаввур ва тушунчалар мужассамлашган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дала ёзувлари, Ғалларол тумани Юқори овул қишлоғи, 2008 й
2. Дала ёзувлари, Жиззах вилояти Зомин тумани Даштобод шаҳарчаси, 2008 й
3. Дунё халқлари орасида янги уйни куришда маросимий тарзда қурбонлик қилиш одати тўғрисида батафсилроқ қаранг: Геннеп. Арнольд ван- Обряды перехода и систематическое изучения обрядов. – М; 2002. С24
4. Исмоилов Х. О народных трудовых традициях узбеков// СЭ. 1990. №6,С115-122
5. культуры//СЭ-1970; №4 3 с

6. Лавовнен Н.А. функциональная роль порога в фольклоре и верованиях карел// Фольклор и этнография. У этнографических истоках фольклорных сюжетов и образов. – Л., 1984; с 177
7. Махмуд Саттор. Ўзбек удумлари. Т., 2005]
8. Токарев С.А. К методике этнографического изучения материальной
9. Maget M. Guide d'etude directedes comportements culturels. – Paris, 1953; P 15-16

ДОИРА ВА УНИНГ ШОМОНЛИК МАРОСИМЛАРИДА ТУТГАН ЎРНИ

Б.Халмуратов,
Наманган ДУ

Шомонликда ўзига хос маросимлар тизими мавжуд бўлиб, уларнинг ҳеч бири маросимий воситаларсиз ўтмайди. Шомонлар ўзларининг руҳий кучларига нисбатан ишонч-этиқодни янада ошириш, мақсадга тезроқ ва қулайроқ равишда етишиш ёхуд муайян таъсирни узоқроқ муддат сақлаб туриш мақсадида хилма-хил ташқи ёрдамчи воситалардан фойдаланадилар. Фарғона водийси шомон-бахшиларининг маросим атрибутлари жумласига чилдирма, камчи, тасбех, йигирув чархи, уяли алоқа воситаси, кул, сув, пичоқ, ойна, турли хил иплар, инсон сочи, тол новдаси кабилар киради. Номлари қайд этилган анжомлар воситасида водий шомон-бахшилари беморларни даволаш ишларини олиб борадилар. Ана шундай маросим атрибутларидан бири “чилдирма”дир.

Фарғона водийси шомон-бахшилари беморни даволаш жараёнида чилдирмадан унумли фойдаланадилар. Чилдирма садолари остида бахши ўзининг ёрдамчи руҳларини чақиради, доиранинг мусикий оҳанги маросим руҳига кўтаринки кайфият бағишлайди. Чилдирма шомонлар учун сеҳрли хислатга эга ҳисобланади. Водий ҳудудида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, доирадан анъанавий оилавий маросимлар (тўй-томошалар) жараёнида фойдаланилади. Доира ўзбекларда доира, чилдирма, чирманда, чилдирмон каби номлар билан аталади. Улар орасида кенг тарқалган варианты доира ва чилдирмадир. Элшунос К. Шониёзовнинг қайд этишича, қарлуқларда доира сўзи ўрнига “зағома” атамаси қўлланган [Шаниязов, 1964. С. 158].

Л. Троицкаянинг ёзишича, XX аср бошларида Ўзбекистоннинг қишлоқ аҳолиси орасида чилдирма сўзи ўрнига “чорманда” сўзи ишлатилган. Бу атама форс-тожик тилидан олинган бўлиб, “тўрт торли асбоб” деган маънони англатган [Троицкая, 1925. С. 147]. Муаллифнинг фикрича, келиб чиқиши тожикча бўлган “дойра” сўзи ҳам асли туркий тилдан олинган, аммо, фонемаси тожик тилидаги “қирқ” атамаси билан бир хил айтилиши бу фикрни инкор этади ва қирқ сонининг шомонликдаги аҳамиятини пасайтирмайди.Шомонликда чилдирманиннг ўрни масаласи бир қатор адабиётларда ва мақолаларда ўз аксини топган. Жумладан, К. Шониёзовнинг фикрича, чилдирма доира шаклидаги мосламага тортилган, эчки терисидан тайёрланган бўлиб, доира атрофига ҳалқа ва шилдиروқлар ўрнатилган ва шундан унинг номларидан бири чилдирма сўзи келиб чиққан [Шаниязов, 1964. С. 158]. Бу ҳақда рус этнографи Л. Троицкаянинг ёзишича, XX аср бошларида Тошкент шомон-бахшилари доимо ўзлари ишлатадиган ёғоч айлана ҳалқалардан ташқари ўз чилдирмаларига ҳам эга бўлган. В. Басилов эса XX аср 50–60- йилларида Жиззах шомонлари асосан, диаметри 30–40 см бўлган чилдирмадан фойдаланганликларини қайд этган [Басилов, 1977. С. 18].Кўриниши жиҳатидан оддийроқ бўлган чилдирма этнолог ва фольклоршунос олимлар диққатини ўзига кўп тортмаган. Чунки, унинг ташқи кўриниши оддий доирадан фарқ қилмайди. Аммо, у қозоқлардаги “қўбиз” каби ўзбекларда ҳам муҳим атрибутлардан бири ҳисобланган. Баъзан доираларнинг вазифаларидан унинг маҳаллий урф-одатлардаги ўрни қай даражада эканлигини англаб олиш мумкин. Масалан, қадимда Хоразм шомонлари касалларни даволаш жараёнида ўз

ёрдамчи рухларини доира атрофига йиғиб, доира чалиб, рухлар эътиборини ўзига тортишга ҳаракат қилган [Снесарев, 1969. С. 55].

Диншунос М. Элиадэ асосиз равишда “Ўрта Осиё шомонлари, жумладан, туркий халқлар маросимлар мобайнида чилдирмадан фойдаланмайди, уларга бу нарса маълум эмас”, – деб қайд этган эди [Eliade M, 1974. P. 45]. Аслида ушбу фикр нотўғри бўлиб, дала тадқиқотлари жараёнида Фарғона водийси ўзбеклари шомон маросимлари давомида бахшининг доира чалиб, рухларни чақириш одати мавжуд эканлигига гувоҳ бўлинди. Шомон маросимлари даврида доирадан фойдаланиш одати қадимги туркийларга хос бўлиб, улар орасида кенг тарқалган афсоналарга кўра, Эрликхон теридан бир довул ясаб, илк шомонлик маросимларини ўтказар экан. Ўрта Осиё худудидан ташқарида истиқомат қилувчи бошқа туркий халқлар: уйғур, олтой ва хакас шомонлари қадимда доира садолари остида фол очган [Басилов В, 1992. С. 5] бўлса, селькупларда эса ноғора қайиқ вазифасини ўтаб, шомон унинг ёрдамида афсонавий вақт дарёсида сузади, деб ўйлаган [Гемуев, Пелих, 1997. С. 36]. Шуниси характерлики, шомон доираларининг деярли барчасида ички қисмлари турли хил тасвирлар билан безалган бўлади. Ушбу расмларнинг тузилиши қандай маъно англатишини ҳеч ким билмайди, аммо уларнинг барчаси бир хил “қирмизи қон” номи билан юритилган. Расми қон билан безаш Сибирь шомонларида ҳам учрайди. Шомон доираси ички қисмидаги расмларни қон билан безаш сабаби аниқ: доирага чизилган расмлардаги қон белгиси рухларни ўзига жалб этган, лекин қандай рухларни ўзига тортиши тўғрисида этнология фанида ягона фикр мавжуд эмас.

Учқўприклик Мақсуда бахшининг фикрига қараганда, қон сеҳрли кучга эга бўлиб, рухларни доира атрофига жалб қилишда асосий ўринни эгаллайди. Доирага суртилган қонни жинлар келиб ялайди. Шундан сўнг улар қоннинг эгасини бошқа ёвуз рухлардан ҳимоя қилиб юради [Дала ёзувлари. 2012]. Лекин, шуни қайд этиш керакки, қонни доирага суртиш одати бевосита қадимги анимистик тасаввурларнинг қолдиғидан бошқа нарса эмас. Рухлар тўғрисидаги асосий тасаввурлар ва доирани қонли суратлар билан безаш, биринчи навбатда, уларнинг чилтонлар билан боғлиқ эканлигини англатади. Шомон маросимларида доирага қон суртиш одати тоғли тожикларда ҳам мавжуд бўлган. О. Сухареванинг ёзишича, Ўратепа тожиклари шомон маросимлари жараёнида доиранинг ўрта қисмига қон суртишиб, рухларни чақирганлар. Улар шу йўл билан ёвуз рухларни доирага йиғиб олар экан [Сухарева, 1975. С. 35]. Шуни таъкидлаш керакки, барча халқларда ҳам шомон доирасини қон билан безаш одати мавжуд бўлмаган. Масалан, совет тадқиқотчиси К. Задихинанинг қайд этишича, қадимги Хоразмнинг ўрта қисмида яшаган ўзбек шомонлари доирасига тасвир чизишда қондан фойдаланилмаган. Чунки, қон Хоразмда қадимдан муқаддас унсур бўлиб, уни увол қилиш оғир гуноҳ ҳисобланган [Задыхина, 1952. С. 233].

Қошғар қирғизларида доира “дап”, деб аталиб, у ҳам худди Олой қирғизларининг ликопчаси сингари шомон сеанслари давомида кенг қўлланилган бўлса, Зарафшон водийсининг ўрта қисмида яшаган тожик шомонлари эса маросимлар давомида доира ўрнига дутордан фойдаланган [Муродов, 1975. С. 96]. Н. Жуковская эса шомоннинг шахсий доираси, кийимлари ва ҳатто махсус дарахти ҳам бўлишини қайд этган. Муаллифнинг фикрича, шомон доираси оддий мусиқа асбоби бўлибгина қолмай, у шомон учун рухлар оламига олиб борувчи восита ҳисобланган [Жуковская, 1998. С. 149].

XXI аср бошларидан Фарғона водийси шомон-бахшилари атрибутлари таркибига замонавий ахборот воситалари ҳам кириб кела бошлади. Бунинг исботини айрим бахшиларнинг беморни даволаш жараёнида уяли алоқа воситасидан фойдаланаётганликларида кўриш мумкин. Жумладан, чортоқлик Тухфатилло бахши узоқдаги беморларини даволашда уяли телефондан ҳам фойдаланади. Ундан буни изоҳи сўралганида, бу восита орқали инсоннинг онгига таъсир этиш жараёни тез содир бўлишини эътироф этди [Дала ёзувлари. Наманган вилояти Чортоқ шаҳри. 2011 йил].

Хулоса сифатида шуни қайд этиш лозимки, Фарғона водийси шомонларининг маросим асбоблари ва ишлатадиган буюмлари бошқа ҳудуд шомонлари воситаларидан тубдан фарқ қилмайди. Маросим асбобларининг аксарият қисми ҳозирги кунга қадар ишлатилиб келинмоқда. Фақатгина ислом дини таъсири остида айрим буюмларнинг сиқиб чиқарилиши ва янгиларининг кириб келиши ҳолатлари кузатилмоқда. Ушбу ўзгаришлар шомонликнинг асл моҳияти йўқолиб бораётганлигини англатади. Ўз навбатида, ислом дини билан боғланиб келинаётган баъзи бир урф-одатлар шомонлик билан ўзаро уйғунлашган бўлиб, унинг илдизлари қадимий даврларга бориб тақалади. Бу эса тадқиқотчиларни янгидан-янги илмий изланишларга ундайди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Шаниязов К. Ш. Узбеки-карлуки. – Ташкент: Фан, 1964.
2. Троицкая А. Л. Лечение больных изгнанием злых духов (кучурук) среди оседлого населения Туркестана // Бюллетень Среднеазиатского государственного университета. – Ташкент, 1925. – №10.
3. Басилов В. Н. Новые сведения о шаманском бубне узбеков / Полевые исследования института Этнографии. 1975. – М.: Наука, 1977.
4. Снесарев Г. П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969.
5. Eliade M. Shamanism. Archaic techniques of Ecstasy. – London, 1974.
6. Басилов В. Н. Шаманство у народов Средней Азии и Казахстана. – М.: Наука, 1992.
7. Гемуев И., Пелих Г. Категория селькупских шаманов // ЭО. – 1997. – №5.
8. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Учкўприк тумани Қақир қишлоғи. 2012.
9. Сухарева О. А. Пережитки демонологии и шаманства у равнинных таджиков / Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975.
10. Задыхина К. Узбеки дельты Аму Дарьи // ТХАЭЭ. – М.: Наука, 1952. Т.1.
11. Муродов О. Шаманский обрядовый фольклор у таджиков средней части долины Зеравшана / Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975.
12. Жуковская Н. Шаманство: Религия? Мировоззрение? Практика? // Наука и жизнь. – 1998. – №8.
13. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Чортоқ шаҳри. 2011.

ҚАДИМГИ ДАВРЛАРДА ФОЛЬКЛОР ВА АНЪАНАВИЙ ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ДОИР

Г.Қ. Раззоқова
ЖДПИ, жиззах

Собиқ шўролар даврида ҳам амалда барҳам топмаган мустамлакачилик сиёсатини ҳаспўслаш маҳаллий халқлар ўзлигидан маҳрум қилиш мақсадида ҳукмрон коммунистлар фирқасининг буюртмаси асосида миллий маданиятларнинг чуқур ва мустақкам илдизи мавжудлиги шубҳа остига олинди. Бу эса ўз навбатида, у ёки бу маҳаллий халқлар миллий маданиятимизнинг камситилишига, уларнинг қадимий ва кўхналиги сунъий йўллар билан инкор этилишига олиб келди [Ҳамидов, 1996, 7-бет].

Ўзбеклар ва Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари маданиятлари ҳам шундай камситилди. Бу халқлар маданиятининг асл илдизлари йўқлиги, улар маънавияти ўзга халқлар таъсирида пайдо бўлганлиги ҳақидаги ғайри-илмий хулосалар ўйлаб топилди. Жумладан, яқин вақтларгача ҳам Суғднинг асосий шаҳарлари бўлган Самарқанд ва Бухоронинг 27-25 асрлик шаҳар маданияти тарихининг

илдизлари қайси даврга бориб тақалиши номаълум эди. Оқибатда, айрим тарихчилар орасида Самарқанд ва Бухоро шаҳар маданияти Эрон аҳамонийлари ёки юнонистонлик эллинлар томонидан келтирилган деган тасаввур пайдо бўлди. Замонбобо ва Саразм ёдгорликларининг топилиши ана шу ғайри-илмий нуқтаи назарга чек қўйди ва Суғднинг шаҳар маданияти айнан шу ўлканинг энеолит ва бронза ёдгорликлари Саразм ва Замонбобо маданиятлари асосида келиб чиққанлиги исботланди [Аскарлов, 1994, 64-бет]. Ушбу мисолларнинг ўзиёқ Ўрта Осиё халқлари маданиятининг тарихий илдизлари жуда чуқурлиги ва ўзига хос мустаҳкам негиз-асосида ташкил топганлигидан далолат беради.

Ўрганилаётган тарихий ҳудудда маданиятнинг тарихи бевосита маҳаллий халқларнинг келиб чиқиши, шаклланиши, унинг моддий-маънавий, маиший жиҳатлари, турмуш тарзи, руҳий психологик ҳолатлари билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, ўзбек халқ анъанавий маданияти тарихи шу халқнинг пайдо бўлиши тарихи билан тенгдир десак, хато бўлмайди.

Маълумки, энг қадимги даврларда яшаган турли халқлар маданияти ва санъатининг бир-биридан кескин фарқ қилувчи турлари ва шакллари кўриш қийин. Чунки ибтидоий одамлар ҳаётида моддий-иқтисодий турмуш муаммолари устувор йўналиш хусусиятига эга бўлиб, шаклланиб келаётган маданият ва санъат эса уларнинг ўша устувор йўналишдаги меҳнат фаолияти самаралари билан бевосита боғлиқ бўлган. Бу нарса кўпроқ улар ҳаётидаги руҳий ҳолатлар, кечинмалар асосида пайдо бўлади. Шунинг учун турли халқлар мусиқаси, рақс санъати, нутқи билан боғлиқ фаолиятни бир-биридан ажратиш жуда қийин.

Кўшиқчилик санъати, унинг пайдо бўлиши, шаклланиши, ривожланиши ҳам шундай кечган. Ўзбек анъанавий миллий мусиқа санъатининг пайдо бўлиши ва ривожланишини унинг дастлабки боскичларида, миллатнинг турли даврлардаги тарихида кўриш мумкин. Бошқа халқларда бўлгани каби, ўзбек мусиқа маданияти ҳам миллий оҳанглар нота ёзуви ёки бошқа шунга ўхшаш мусиқий белгилар билан ифодалана бошлаганига қадар катта тарихий йўлни босиб ўтди [Ҳамидов, 1996, 8-бет].

Халқ оғзаки бадиий ижоди (фольклор) каби соҳалар инсон нутқи шаклланиши билан бадиий ижоднинг қадимий турлари сифатида қоришиқ ҳолда юзага кела бошлаган. Кишилиқ бадиий тафаккурининг турмуш шакллари ўз ичига олган бу синкретик ижод намуналари ибтидоий инсон маишати ва фаолиятининг барча жиҳатлари билан маҳкам боғланган бўлиб, қадимги одамларнинг диний-этиқодий ва мифологик қарашларини, бошланғич илмий билимларини, табиат ва жамият ҳақидаги тасаввурларини ўзида акс эттиради. Халқимизнинг дунёқараши, ижтимоий-сиёсий, маънавий-эстетик ва фалсафий қарашларини ўзига хос тарзда бадиий талқин қилувчи фольклор асарлари ўнлаб жанрларни ўз ичига олган ғоят нодир манба ҳисобланади. Фольклор асарлари она диёримизда юксак маданиятни бунёд этган аجدодларимизнинг турмуш тарзи, орзу-интилишлари, урф-одат, маросим ва анъаналарини мукамал акс эттирилгани учун ҳам қадрлидир [Жўраев, 2009, 3-бет]. Бироқ қадимги фольклорларнинг бундай намуналари бизгача етиб келмаган, балки уларнинг издошлари ва айрим қисмлари халқнинг яшаш ва турмуш тарзи билан боғлиқ турли-туман тасаввур ва қарашларида, халқ урф-одатлари, маросимлари, байрамлари таркибида баъзи ёзма манбаларда, кейинги даврларда ёзиб олинган фольклор асарларида қолдиқ холидагина сақланиб қолган.

Ёзувнинг юзага келиши натижасида халқ оғзаки бадиий ижоди билан тарихан боғлиқ адабиёт ҳам пайдо бўлди. Бадиий матннинг айрим ижодий фаолият билан боғланиши, муайян ижодий ҳаракат сифатида ёзув билан мустаҳкамланиши адабиётнинг асосий хусусияти бўлиб, инсоннинг бадиий тафаккури тараққиётидаги ўзига хос бурулиш нуқтасидир. Адабиёт ўзининг тараққиёти давомида фольклорда барча эстетик тушунчалар ва бадиий шаклларни олганига қарамай, ўзига хос бадиият қонуниятлари асосида мустақил равишда ривожлана борди. Сўз санъатининг мустақил тури сифатида фольклор ҳам у билан биргаликда ёнма-ён яшаб келди. Чунки кишилиқ

жамиятининг умумий эстетик талаби ва эҳтиёжи узоқ йиллар давомида фақат адабиёт билан ҳам мустаҳкам боғлиқ бўлди.

Халқ оғзаки бадиий ижодининг деярли барча жанрлари турли туман ижрочи ва ижодкорлар фаолияти билан боғлиқ. Истеъдодли ижодкорлар фольклор намуналарини сақлаб қолиш ва кенг оммалаштириш билан бирга оғзаки анъаналар доирасида уни янада мукамаллаштирадилар, баъзан янгиларини ҳам ярата оладилар. Фольклор санъатида ўзбек халқ оғзаки ижодининг ўзига хос хусусиятлари, лапарчи, ўланчи, аскиябоз, кизикчилар ва бошқа фольклор ижрочилари томонидан ижро этилиб, уни эгаллаш учун бўлғуси ижодкор махсус тайёргарлик кўриши ва муайян устоздан таълим олиши зарур бўлган. Алоҳида таъкидлаш лозимки, қадимги Ўрта Осиё халқлари кўшиқчилик санъатининг бошқа халқлардаги шундай санъатга ўхшаш бўлганлигидан ташқари ўзининг фарқловчи жиҳати асосан миллат кўшиқчилигининг шеърият ва ракс билан чамбарчас боғлиқлигида тавсифланади. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, мусиқа, кўшиқчилик санъати мустақил равишда ва бошқа санъат турларидан алоҳида тарзда пайдо бўлмасдан, балки, аксинча маданият ва санъатнинг бошқа турлари билан узвий равишда боғлиқликда кадр топган.

Ўрта Осиёда эрамиздан аввалги дастлабки минг йилликнинг биринчи ярмида, яъни илк темир даврида ибтидоий жамоа тузуми ўзининг сўнгги босқичини ўтаб, унинг ўрнига жамиятда ижтимоий табақаланиш юзага келганлиги назарда тутилса, унда профессионал кўшиқчилик санъатининг шаклланиш илдизлари бундан икки ярим минг йил аввал вужудга кела бошлаган, дейиш мумкин. Қадимги касбий кўшиқчилик санъати ҳозирги пайтдаги айни шундай санъат туридан анча фарқ қилсада, лекин ҳукмрон доиралар қароргоҳлари ва саройлари мусиқа ҳамда ракс билан махсус шуғулланувчи кишиларнинг санъати тўғрисида юқоридаги хулосага келишимизга имкон берди.

Археолог олимлар томонидан Самарқанд вилояти Ургут туманининг Мўминобод қишлоғи яқинидаги қабрдан қазиб олинган аёл суяклари ва унинг ёнидаги турли хил тақинчоқлар орасидан топилган ғаройиб бир най созини ана шундай ашёвий далиллар жумласига киритиш мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, бу мусиқий соз бронза даврига оиддир. Ёши салкам 4 минг йил деб белгиланган бу най яхлит суяк ниҳоятда моҳирлик билан ишланган бўлиб, жуда яхши сақланган. Мазкур топилма илмий жиҳатдан қимматбаҳо бўлиб, у Самарқанддаги республика маданият ва санъат музейида сақланмоқда.

Ўрта Осиёда бронза даврининг охирлари ва илк темир давридаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар “Авесто” китобида ўз аксини топган. Академик А.Асқаровнинг фикрича “Авесто”даги маълумотлар археологик тадқиқотлар билан тўлдирилган ҳолда ўша давр ижтимоий-маданий ҳаёти ҳақида тўлиқ тасаввур бериши мумкин [Асқаров, 1994, 102-бет]. Хоразмдаги Қўйқирилганқалъа ва унинг яқинидан топилган, қўлида мусиқа сози тутган хайкаллар киши эътиборини ўзига жалб этади. Шундай хайкаллардан бирида аёл киши чангга ўхшаш мусиқа созини чалаётгани тасвирланган. Яна бир хайкалчада чўзиқ бошли мусиқачи ўнг томонга қараганча қўлида торга ўхшаш мусиқа созини чалаётган тарзда тасвирланган. Учинчи қўринишда узун бўйли аёл кенг кийимда қоматини тўғри тутган ҳолда мусиқа чалаётган ҳолда тасвирланган [Қиличев. 1993, 77-бет]. Бу топилмалар Ўзбекистонда, хусусан, Хоразмда мусиқа, кўшиқчилик, ракс ва театр санъати қадим замонлардан маълум эканлигидан далолат беради.

Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида яшаган энг қадимги халқлар ибтидоий жамоа тузуми давридан бошлаб кўшиқчилик, ракс, мусиқа санъати билан шуғулланиб келган. Археологик топилмаларнинг гувоҳлик беришича, ушбу ҳудудда яшаган халқларнинг кўшиқчилик маданияти бошқа ўлкаларда яшаган халқлардаги айнан ана шундай санъатдан шаклан ва мазмунан фарқ қилиб, ўзининг анъанавий йўлини сақлаб қола олади. Кўшиқчилик санъати айниқса, Юнон-Бақтрия, Қадимги Хоразм, Давон, Қанғ, Кушон каби қадимги давлатларда ривожланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳамидов Ҳ. Ўзбек анъанавий кўшиқчилик маданияти тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1996.
2. Аскарлов А. Ўзбекистон тарихи (энг қадимги даврлардан эрамизнинг V-асрларгача). –Т., 1994.
3. Жўраев М. Фольклоршунослик асослари. –Т.: Фан, 2009.
4. Т.Қиличев. “Кўхна қалъалар диёри”. –Т., 1993.

МАМЛАКАТИМИЗ ХУДУДИДА МУСИҚА САНЪАТИГА ОИД НАМУНАЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

С.Ў. Раимжонов, М.Ф.Эшбоева
ЖДПИ, Жиззах

Мусиқа санъати тарихини ўрганиш жамият аъзолари маънавий қиёфасини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Истиқлолга эришгач биз ҳақиқий маънода шонли тарихимиздан хабардор бўлиб, ундан фахрлана бошладик. Бу ҳолат шубҳасиз, жамият маънавий ҳаётига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Жамият маънавий ҳаётини шакллантиришда қадим ва яқин ўтмишимизда маънавиятимиз ва унинг таркибий қисми бўлган миллий мусиқамизга бўлган муносабат масаласини ўрганиш ҳам муҳим ҳисобланади. Кейинги йилларда Жиззах давлат педагогика институтида ҳам мусиқа таълим ва уни ўқитишга оид қатор йўналишларнинг очилиши миллий маънавиятимизни оширишга қаратилган ижобий ишлар, деб баҳолашимиз мумкин.

Ўрта Осиёда мусиқа, рақс, кўшиқчилик, кизикчилик ва дорбозлик каби санъатнинг турли соҳалари жуда қадимдан ривожланган. Археологларимиз бронза даврига оид Сополлитепа ёдгорлигидан мусиқа асбоби бўлган най қолдиғини ўрганишган. Мамлакатимиз ҳудудида антик даврда маданий ҳаёт гуллаб яшнаган бўлиб, у кейинги илк ўрта асрлар даврида ҳам тараққий этиб борган. Археологик маълумотлар санъат намуналари ичида мусиқа санъати янада кенг ривож топиб борганлигини кўрсатади.

Бу даврда санъат соҳасида Бухоро кизикчилари, Самарқанд найчилари, Тошкент раққос йигит ва раққоса қизлари билан шуҳрат топган эди. Чоч раққослари ижро этган машҳур «Чоч рақси» ёки доира чертмасига имо билан елка учуриб тушадиган ўйноқи «Доира рақси» Хитой аъёнларини мафтун этиб, уларни ҳайратга солган эди. Биргина Бухоро шаҳрида хунармандлар томонидан ўн турдаги чолғу асбоблар ясалган. Биз яшаётган ҳозирги Жиззах вилояти (Қадимги Уструшона) ҳудудидан ҳам мусиқа асбоблари топиб ўрганилган. суякдан ясалган най қолдиқлари, қадим темирчилар маскани Миқ қаъласи ва Зомин тумани Хатаб қишлоғида топиб ўрганилган (Сверчков, 1991, С.16). Шу каби кўллаб ёдгорликлардаги марҳум ёнидан мусиқа асбоби қолдиқлари ёки тасвирларининг қайд қилиниши бу соҳанинг жуда қадим илдизга эга эканлигидан дарак беради.

Мусиқа санъати билан боғлиқ ана шундай санъат асари Термиз шаҳридан 18 км шарқда жойлашган дунёга машҳур Айртом ёдгорлигидан топиб ўрганилган. Бу ёдгорлик Кушонлар даврига оид ибодатхона харобаси бўлиб, ундан ҳар хил қиёфадаги ва мазмундаги ҳайкаллар топилган (Пидаев, 1990. Б. 16). Айртом ибодатхонасида жуда кўп бошқа ҳайкаллар ҳам топилган. Уларнинг кўпчилигида осмон парилари девапутралар тасвирланган. Парилар гулчамбар ва ичида хушбўй модда солинган идишлар кўтариб кетаётган ҳолатда акс эттирилган. Мазкур образлар ҳам будда дини билан боғлиқдир. Агар созандалар Буддага лаззат ва завқ бағишлаган бўлса, у ҳолатда парилар унинг йўлига гуллар тўшаганлар ва атир пуркаганлар. Тахмин қилинишича, Айртом ибодатхонасидан топилган ҳайкаллар асосан Будданнинг ўлим маросими билан боғлиқ бўлган. Айртом ҳайкаллари, сўзсиз, аждодларимизнинг кушонлар даврига оид Бақтрия маданиятининг бағоят юқори тараққиётдан гувоҳлик беради.

Айртом ибодатхонасида оҳақтошдан ясалган ҳайкалларда акс этган тасвирлар биз учун муҳим ҳисобланади. Шулардан бирига қисқача тўхталиб ўтамыз. Бу қачонлардир ибодатхона карнизини безатиб турган уч созанданинг ҳайкаллариدير. Карнизнинг бир томонида юзини сал ўнгга буриб турган ва чилтор чертаётган кулча юзли, кўзлари катта, қошлари туташган, кирра бурунли, лаблари қалин ёш аёлнинг ҳайкали тасвирланган. Аёлнинг эғнида қимматбаҳо кийим, кулоқларида сирға, кўлларнда билакузук, бўйнида маржонлар бор. Торга ўхшаш чолғу асбобини чалаётган иккинчи аёл бироз чапга қараб турган ҳолатда тасвирланган. Унинг эғнидаги кийим биринчи аёлнинг эғнидаги кийимдан ўзининг одмилиги билан ажралиб туради. Кўлларида билакузук бор, кулоқларида сирға бор-йўқлиги билинмайди. Чунки аёлнинг боши рўмол билан ўралган. Аёлнинг рўмол ўраш услуби диққатга сазовор. Рўмолнинг бир учи орқага ташланган, иккинчи учи эса аёл елкаси ва қўлининг юқори қисмини ёпиб турибди. Бу икки аёл оралиғида акант япроғи тасвирланган. Япроқ учи олдинга бироз эгилган ҳолатда акс эттирилган. Учинчи ҳайкалда табла чалаётган ёш созанда тасвирланган. Созанданинг йигит ёки қиз эканлигини ҳайкалга қараб аниқлаш қийин. Унинг юзи думалок, кўзлари катта, қоқоқлари солинган, қошлари тутшиб кетган, сочлари калта ва жингалак. Созанда лабида кулгичлар жойлашган. Бу созанданинг кулоқларида ҳам сирға, кўлларида билакузук, бўйнида маржонлари бор. Мазкур созанда билан тор чалаётган созанда орасида худди олдиндагидек акант япроғининг тасвири бор. Учинчи созандадан кейин ҳам яна бир акант япроғи акс эттирилган. Бизнингча, бу қаторда яна икки созанданинг ҳайкали бўлган. Лекин улар бизгача етиб келмаган. Зеро, будда дини билан боғлиқ қадимги ҳинд афсоналарида бешта «муқаддас товуш таратувчи» мусиқа асбоблари: чилтор, тор, ноғора, уд ва кимвалах (ҳинд мусиқа асбоби) қайд қилинади. Ўз-ўзидан равшанки, бу беш асбобни беш киши чалган. Ривоятларда айтилишича, бу «созандалар группаси» Буддага лаззат, завқ бағишлаши керак бўлган. Ҳайкалларнинг тағида ҳам қатор акант япроқлари тасвирланган. Аммо булар созандалар орасида тасвирланган япроқлардан кичикроқ. Созандаларнинг юз қиёфаси Гандҳара, юнон-рим ҳайкаллари қиёфасидан тубдан фарқ қилади. Бу ҳол, айниқса диққатга сазовордир. Демак, бу санъат асари, бактриялик, яъни, юртдош аждодларимизнинг ҳайкалтарошлик маҳсулидир. Унда ҳақиқий бактрияликнинг юз қиёфаси акс эттирилган. Учала созанда чехрасида ҳам енгил табассум сезилиб турибди.

Қадимги ҳинд халқ достони Махабхарата” да тасвирланишича, ҳинд подшоси Юдихаштхира томонидан руҳларга атаб қурбонлик келтириш байрами тантанали равишда ўтказилади. Бу тантанага қатнашиш учун турли мамлакатлардан (шак, тохар, қанғ ва б...) элчилар келади. Бу элчилар сафида моҳир мусиқачилар ҳам бўлган. Улар топширган совға-саломлар ичида жундан, пахтадан, ипак толаларидан тўқилган жуда кўп матолар бўлган. Бундан ташқари улар, пахтадан, ипдан ва қўй жунидан тўқилган нафис газламалардан тикилган кийимлар, ... мусиқа асбоблари, мусалласнинг бир неча хили, турли зираворлар ҳамда қимматбаҳо жавоҳирлар келтиришган (Шониёзов, 1990. 36-б.). Ушбу маълумотдан англашимиз мумкинки, ўлкамизда яшаган аҳоли нафақат жундан, балки пахта ва ипакдан ҳам нафис газламалар ва кийимлар тўқишда, балки мусиқа санъатига оид буюмлар ясашда ҳам моҳир бўлганлар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ватанимиз мустақиллиги йилларида буюк тарихимиз, миллий маданий меросимиз, азалий қадриятларимиз тикланди. Айтиш мумкинки, халқимиз турли хил халқ ўйинлари ва маросимларига жуда бой халқлардан бири бўлган ва бу соҳада ниҳоятда юксалган санъат тарихига эга. Улар қаторига халқимизнинг минг йиллардан буён миллий қадриятига айланиб кетган миллий мусиқаси, халқ ўйинлари, лапарлари, кўшиқ ва айтишувларини ҳам киритиш мумкин. Мустақиллик йилларида улар янада кенг тарғиб қилинмоқда ва ўрганилмоқда бу шубҳасиз, жамият маънавий ҳаётига, ёшлар баркамоллигига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Сверчков Л.М. Поселение Мык - источник по истории средневековой Уструшаны: Автореф. дисс.... канд. ист. наук. - Самарканд, 1991.
2. Пидаев Ш.Р. Сирли кушонлар салтанати. Т., 1990.
3. Мухаммаджонов А.М. Ўзбекистон тарихи. Т., 1999.
4. Шониёзов К.Ш. Қанғ давлати ва қанғлилар. 1990.

ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА УЗУМЧИЛИК ВА УЗУМ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ СОҲАСИНИНГ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

Тўпчиев У.С.,
ЖДПИ, Жиззах

Туркистон ўлкаси аҳолиси узумчилик ва унинг маҳаллий навларини етиштириш, узумдан шароб тайёрлаш билан азалдан шуғулланиб келишган ва бу борада ўзига хос анъанавий тарихий тажрибага эга. Маҳаллий аҳоли узумни табиий, шарбат ва қуритилган ҳолда истеъмол қилишган. Узум ўлканинг барча суғориладиган вилоятларида, шу жумладан Тошкент, Фарғона, Самарканд вилоятларида, шунингдек Зарафшон водийсида, Қашқадарёда, Амударёнинг ўнг ва чап сохилларида кўп экилган. Хўраки узум ва узум маҳсулотлари бўлган майиз, шинни ва мусаллас, нафақат ўлка ички бозорларида, балки кўшни шарқ мамлакатлари бозорларига ҳам олиб чиқиб сотилган.

Марказий Осиёда узум ва узум маҳсулотларини етиштириш Александр Македонский юришларидан анча олдин ҳам мавжуд бўлган. Хусусан, Эрон ахамонийлари ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиё аҳолиси учта старалик таркибида бўлиб, улар подшо хазинасига маълум миқдорда ва турли кўринишларда ўлпонлар тўлаб туришган. Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, Марказий Осиё халқларидан суғдийлар, бактрия ва парфияликлар деҳқончилик ва боғдорчиликда мохир бўлишиб, узум ва ундан вино тайёрлашда ҳам катта тажрибага эга бўлишган. Нисо шаҳри ўрнида топилган ёзма ҳужжатларда қайд этилишича, ахамонийлар давлати тасарруфида бўлган сатрапликларда узум етиштирувчи хўжаликлар пойтахтга солиқ сифатида катта миқдорда узумдан тайёрланган вино маҳсулотини юбориб туришган. Маҳсулот катта-катта хумларда сақланиб, уларнинг умумий ҳажми ярим миллион литрдан ортиқ бўлган. Шуниси диққатга сазоворки, ана шу вино сақланувчи омборлардан топилган ёзма ҳужжатларда винонинг ҳажми, узум етиштирилган жойнинг номи, винонинг нави, уни келтирган шахснинг номи, мансабига доир қимматли маълумотлар ҳам ўз аксини топган [Азамат Зиё, 2000. 46-бет]. Бундан ташқари, юнонлар Марказий Осиёни босиб олиш даврида бу ерда узумчилик ва виночилик ривожланган бўлган. Айниқса бу борада Фарғона водийси алоҳида ўринга эга бўлган. Чунки, бу ерда йирик феодалларнинг катта-катта узум боғлари бўлиб, улар узум етиштириш билан бирга, узумдан олинган ҳосилдан хатто вино тайёрлашгани ва уни узоқ йиллар мобайнида сақлашганликлари манбаларда қайд этилган [Шамсутдинов, Каримов, Хошимов, 2016. 92-бет; Юнусов, Умаров, Каримов, 2016. 7-9 бетлар].

Антик давр ва илк ўрта асрларда ҳам Туркистон ўлкасида узум ва узум маҳсулотлари етиштириш анча тараққий этган. Хусусан, тадқиқотчилардан А.Хўжаевнинг таъкидлашича, Туркистондан Хитойга олиб келинган ўсимликлар ичида бевосита ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан тарқалган ўсимликларнинг бири ток бўлса, иккинчиси беда ҳисобланган. Қадим замонларда улар хитойлар учун нотаниш эди. Мил. авв. 127 йилда Хитой элчиси Чжан Цян Фарғона давлатига етиб келгандан сўнг, бу ерда узум ва унинг сувидан тайёрланган ичимлик-мусаллас билан танишган. Хитой элчисига мусаллас ёқиб қолган бўлса керак, у мил.авв.126 йилда Чанъанга қайтиб борганида

Хитой хокони У Дига узумнинг ширин ва шифобахш эканлиги, ундан тайёрланган мусаллас ҳам инсон соғлиги учун фойдали эканлиги ҳақида катта мамнуният билан сўзлаб берган. Уша даврда Хитойда тайёрлашган спиртли ичимликнинг тез бузилиб қолиши ва қуввати пастлигини ҳисобга олиб, Чжан Цян фарғоналиклар тайёрлаган мусаллас бир неча ўн йиллар сақласа ҳам ачиб қолмаслигини ва узоқ сақланган сари унинг қуввати ошиб боришини ҳам алоҳида таърифлаб берган. Шу билан бирга, у ўзи билан олиб келган майиз ва ток новдасини ҳам У Дига тақдим этган. У Ди майизни таъмини татиб кўргандан сўнг узум новдасини дарҳол сарой ёнидаги боғда экишни буюрган. Шундан кейин Хитойда ток ўстирила бошланган. Ток ўстириш санъати билан бирга, Хитойда ундан мусаллас тайёрлаш технологияси ҳам тарқалган. Узумдан тайёрланган мусалласни хитойлар “путоу жю” (“узум ароғи”) деб аташган. VII асрдан кейин Хитойда “форс услубида тайёрланган узум ароғи” деган тушунча кенг тарқалган эди. Мазкур услуб аслида қадим замондаги “Тошкент давлати” (Шигуо)дан олиб келинган экан [Хўжаев, 2007. 194-196 бетлар; Гадов, Бердиева, 2012. 10-11 бетлар].

Ўлкада узумчилик ва виночиликнинг кейинги даврлардаги тарихи борасида тадқиқотчилардан Н.Я.Бичуриннинг қайдлари ҳам диққатга сазовор. Муаллифнинг таъкидлашича, VII асрнинг биринчи ярмида Шарқий Туркистонда самарқандликлар асос солган маконлардан бирида, шаҳар марказида узумзор бўлиб, ушбу шаҳарнинг ўзи “узум шаҳри” деб аталган. Самарқанд яқинидаги Тали Барзу манзилгоҳида олиб борилган археологик қазилар чоғида VIII асрга таалуқли қатламда, шунингдек Болаликтепа қалъасида (V-VII асрлар) узум уруғлари топилган. Худди шу манбаларда V-VII асрларда тасвирий ва амалий санъатда ток новдасини акс эттириш усули ҳам сеvimли мавзулардан бири бўлганлиги таъкидланади. Афросиёбда (Самарқанд) VII-VIII асрларда Суғдиёна ҳукмдорларидан бирининг сарой деворини расом ток новдалари ва узум бошлари билан ғоят нафис безатган [Юсупов, Акчурин, Ташкенбоев, 2001. 5-бет].

VIII асрда араб истилочилари Ўрта Осиёга, шу жумладан Суғдиёнага бостириб келди. Араблар ўзлари билан бирга майни истеъмол қилишни таъқиқлайдиган янги ислом динини ҳам бу ерга олиб келишди. Табиийки, Марказий Осиёни араблар босиб олгандан кейин узумчилик кўпроқ янги узилган хўраки тарзда истеъмол қилиш, шунингдек узумни қуритиш, ундан ширинликлар тайёрлаш учун, ейиладиган ва майиз қилинадиган томонга ихтисослаша бошлаган. Араб ҳалифалиги ҳукмронлиги йилларида халқаро алоқа кенгайгани боис Марказий Осиёга Арабистон, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа мамлакатлардан узумнинг янги, серҳосил ва чидамли навлари ҳам келтирила бошланган. Хусусан, Арабистондан “Тойифи”, Ҳиндистондан “Каланжари”, Афғонистондан “Шивилғони”, “Қобулистони”, “Балхи”, Эрондан “Бахтиёри”, “Дарои” ва бошқа шу каби кўплаб янги узум навлари келтирилган ва уларнинг аксарияти бугунги кунгача сақланиб қолган [Юсупов, Акчурин, Ташкенбоев, 2001. 8-бет].

XIII асрда Мўғулларнинг Марказий Осиёга ҳужуми натижасида босиб олинган ерлар харобага айланди, бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари каби узумчиликнинг ҳам инқирозга учрашига сабаб бўлди. Лекин, XIV-XV асрларда буюк бобокалонимиз Амир Темур ва унинг ворислари темурийлар даврида салтанат таркибидаги барча ҳудудлар ободонлаштирилиб, марказий шаҳар ва унинг атрофидаги боғлар ва узумзорлар қайта тикланди ва гуллаб-яшнади.

Кейинги асрлар мобайнида Марказий Осиёдаги феодал давлатлар (Хива, Бухоро, Кўкон хонликлари)да мусулмон динининг талабларига мувофиқ узумдан тайёрланадиган май, мусаллас ва бошқа шу каби спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш ҳамда уларни истеъмол қилиш араблар ҳукмронлиги давридаги каби таъқиқланган. Шунинг учун бу даврда ўлкада узумнинг хўраки, майиз қилинадиган ва қишмиш тайёрланадиган навларигина қолдирилиб, токзорлардаги вино олинадиган узум навлари олиб ташланган. Шундай бўлсада, вино берадиган токларнинг қимматбаҳо навлари

ҳисобланган Бахтиёрӣ, Обаки ва Васарга кабилар сақланиб қолинган, виночилик чекланган миқдорда бўлсада ишлаб чиқарилган.

Россия империяси мустамлакаси арафасида Туркистон ўлкасида узумнинг маҳаллий навларининг ўттиздан ортиқ тури мавжуд бўлиб, буларга Чиллаки, Чарос, Оқ Кишмиш, Қора Кишмиш, Домбробӣ, Майизи, Катта-Қўрғон, Дорой, Оқ ва Пушти Ҳусайни, Ҳасайни, Саҳоби, Гилами, Офпарӣ, Буаки, Маска, Набиши, Хожааҳрори, Султони, Шакар ангур, Алвони, Сиркои, Шувурғон, Хотинбармоқ ва бошқа шу кабиларни мисол келтириш мумкин[Маев, 1886. С. 48-50; Шахназаров, 1908. С.247-300].

Туркистон ўлкаси чор Россияси томонидан истило этилгач, янги узум ва майиз Россиянинг марказий бозорларига олиб кетила бошланди. Тез орада ўлкада маҳаллий ва четдан келтирилган янги узум навлари асосида виночилик саноати вужудга келтирилиб, бу соҳа жадал суръатлар билан ривожлана бошлади. Булардан айниқса вино олинадиган навлар ҳисобланган Баян Ширей, Саперави, Мускат венгерский ва бошқалар ўлкада ўзининг иккинчи ватанини топиб, ўлка табиий иқлим шароитига тез мослашди ва мўл ҳосил бера бошлади. Бундан ташқари, Ати-Ведро, Франк-пино, Мерло, Якрима, Кристи, Якрима-Долче, Изабелла каби 20 га яқин навлар, шунингдек узумнинг қора ва қизил навлари ҳисобланган Сотернь, Рислинг, Мадера, Гро-Рислинг кабиларни, қолаверса Оқ Мускат, сариқ тусли Александрия, Шосланинг каби ўнга яқин янги узум навлари узоқ хориждан келтириб экилган [Шахназаров, 1908. С.237-239].

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон ўлкасида узумчилик ва узум маҳсулотларини тайёрлаш ўзига хос тарихий тараққиёт босқичига эга. Узумчиликнинг халқ хўжалиги ва аҳоли турмуш тарзидаги аҳамияти бениҳоя катта бўлганлиги сабабли, аждодларимиз узоқ ўтмишдан бери узум етиштириш ва узум маҳсулотларини тайёрлаш касби билан шуғулланиб келишган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент. Шарқ 2000.
2. Гадовев К, Бердиева С. Жаҳонгашта сайёҳ олимлар. Тошкент. Ўзбекистон, 2012.
3. Маев Н.А. Туркестанская выставка 1886 г.–Ташкент: Издание Туркестанского Отдела Императорского Российского Общества Садоводства, 1886.
4. Хўжаев А. Буюк Ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2007.
5. Шамсутдинов Р, Каримов Ш, Хошимов С. Ватан тарихи. 1-китоб. 2016.
6. Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае.– СПб., 1908.
7. Юнусов Р, Умаров К, Каримов Б. Боғдорчилик. Т.: «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти» нашриёти, 2016.
8. Юсупов Х.С, Акчурин Р.К, Ташкенбоев А.Х. Суғдиёна ноз-неъматлари. Самарқанд. 2001.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФОРИШ ТУМАНИ ТОҒ ОЛДИ ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИНГ ГИЛАМДЎЗЛИК АНЪАНАЛАРИ ВА УРФ-ОДАТЛАР ҲАҚИДА

С.Б.Абдуқодиров,
ЖДПИ, Жиззах

Ўзбек халқи оилавий турмуш тарзида худудий кўшничilik жамоаси фаолиятини тарихий-этнологик нуқтаи-назардан ўрганиш ҳозирги кунда ҳам илмий ҳам амалий аҳамиятга эга масала сифатида қаралмоқда. Кишиларнинг жамоавий ҳаёт тарзи ва ўзаро муносабатлари инсоният тарихининг қадимги даврларига бориб тақалади. Шу ўринда бундай ўзаро муносабатлар тарихий-этнографик адабиётларда муайян тарзда ўз ифодасини топганлигини қайд этиш зарур.

Халқ турмуш тарзи билан боғлиқ оила ва жамоа ҳаётининг турли масалалари шарқ халқлари тарихи ҳамда маданиятининг қадимги мероси зардуштийликка оид адабиётларда ўз ифодасини

топган. Уларда ўша даврнинг ахлоқий, фалсафий ва ижтимоий ғояларини акс эттирувчи зардуштийлар турмуш тарзи, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид фикрлар ўша даврда ва ундан сўнг жамиятдаги ижтимоий- фалсафий қарашларнинг такомиллашиши учун асосий манба бўлиб хизмат қилган [Маковельский, 1960. – С. 89-92; Бойс, 1988. – С. 200-201; Дорошенко, 1982. – С. 84-99; Маҳмудов, 2000. – Б. 13; Тоҳир Карим. Муқаддас Авесто изидан, 2000; Ҳомидов, 2001. – Б. 57-61; Авесто яшт китоби, 2001; Авесто тарихий бадиий ёдгорлик, 2001].

Зеро, «Авесто»да жамиятнинг бирламчи иқтисодий асоси, ижтимоий таркиби оила (нмана), уруғ-жамоа (вис), қўни-қўшни жамоа (ваешвадата), маълум ҳудуд ёки давлат (дахью), деб аталган ва улар маълум ҳудуд, доирасида амал қилганлар. Зардуштийлар жамоасида кишилар турмуш тарзи, жумладан хўжалик-иқтисодий муносабатлари, диний эътиқодига кўра бир қанча тоифаларга бўлинганки, уларнинг жамиятдаги ижтимоий мақоми Авестода махсус қайд этилган. Жумладан, XX асрнинг 20 - 30 йилларидан бошлаб Туркистон Халқ комиссарлиги ташаббуси билан Жиззах уездларига этнографик экспедициялар уюштирилган. Худди шундай экспедициялардан бири, И.И.Зарубин бошчилигида Жиззах уездининг Нурота тоғ тизмаси атрофларида жойлашган Фориш, Синтоб, Қоратош, Нақрут, Боғдон, Тўсин волостларига уюштирилиб, анчагина статистик ҳамда этнографик маълумотлар тўпланган. Хусусан, академик Я. Ғуломов ва археолог А. Бобохоновлар ишларида мазкур ҳудудда олиб борилган археологик тадқиқотлар, хусусан қадимги суғориш тизимлари, ўзбекларнинг анъанавий суғориш техникаси ва сув тақсимоли масалалари ёритилган [Гулямов, 1955. – № 2. –С. 63 и др.; Бабаханов, 1959. – № 4. – С. 42-45]. Тоғнинг ғарбий тармоғида тарқалган ўзбекларнинг этник хусусиятларидаги умумийлик ва ўзига хосликлар, аҳоли моддий маданияти, турмуш тарзидаги этнохудудий хусусиятлар В.Г.Мошкова томонидан тадқиқ этилган [Мошкова, 1950. – С. 135-158; Мошкова, 1977. – С. 69-77]. Муаллиф воҳа туркманларига хосгилам тўқиш анъаналарини Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларида учрамаслигини, ҳудуднинг табиий-иқлим шароити, аҳоли турмуш тарзидаги баъзи этнохудудий ҳамда этнолокал хусусиятлар билан боғлайди. Айниқса қўнғир, тусдаги «Нурота ва Фориш гиламлари»ни тайёрлаш воҳанинг азалий ярим ўтроқ чорвадор аҳолиси, яъни туркман уруғига мансуб ўзбекларнинг анъанавий машғулотли эканлигига эътиборни қаратади [Мошкова, 1977. – С. 69-77].

Жиззах воҳасининг Фориш туманидаги яни Нурота туманининг чегара ҳудудларида яшовчи ҳунармандлар касб-корларига қараб маҳаллаларида жойлашувини учратиш мумкин. Хусусан, нонвойлар Нонвой маҳалласида, қассоблар Қассобо маҳалласида, ип йигирувчилар Дукчихода, ёғочсоз ва ўймакорлар Устазода, кулоллар Кўзагарон маҳалласида, кигиз, гилам, олача тўқувчилар Наматзано маҳалласида яшаганлар [Дала ёзувлари]. Воҳанинг текислик ҳудудида жойлашган қишлоқларида шаҳарлардан фарқли равишда асосан уй ҳунармандчилиги ривожланган бўлиб, бундай хўжалик тарзи оила даромадининг асосий манбаи бўлиб хизмат қилган. Хусусан воҳа ўзбек туркманларига хос гилам тўқиш (анъанавий қўнғир тусдаги туркман гиламлари) анъаналари бошқа этник жамоаларда учрамайди, шу боис мазкур этник жамоа аъзолари чорвачиликдан ташқари воҳада *гилам, чорик, сўзана, кашта, кигиз* ва бошқа ҳунармандчилик маҳсулотларини тайёрлашда ўз маҳоратларини намойиш этганлар. XX аср бошларига келиб тўла ўтроқлик тарзига ўта бошлаган ўзбек туркманлар ва тожиклари азалий ўтроқ аҳоли билан ҳар жиҳатдан ассимиляциялашув жараёни жадаллашгандан сўнг бошқа этник жамоалар, хусусан сарой тома, буркут, қорахон, хўжалар ҳам гилам тўқиш анъаналарини улардан ўзлаштириб оладилар. Шу билан бирга, Фориш ва унга қўшни туман бўлган Навоий вилояти Нурота тумани тоғ олди тожикларида ҳам уй ҳунармандчилиги анчагина тараққий этган [Ковроделие, 1970. – С. 69-77]. Ўтроқ аҳоли асосан деҳқончилик, қисман чорвачилик ва ҳунармандчилик, воҳанинг баъзи ҳудудларида уй ҳунармандчилиги билан, қўчманчи ва ярим ўтроқ аҳоли асосан чўл ва дашт-адир ҳудудларида чорвачилик ва қисман деҳқончилик билан, Форишнинг тоғли ва Айдаркўлга яқин жойларига туташ

худудларида эса асосан чорвачилик билан шуғулланганлар. Ўтроқ деҳқонлар турмушида эса чорвачилик ва хунармандчилик ёрдамчи соҳа бўлган.

Асосан тоғ чорвачилиги ва деҳқончилиги билан шуғулланган воҳанинг Ўхум, Симбулок, Фориш 2, Синтоб, Эгизбулок тожиклари турмушида ўтроқлик ва деҳқончиликнинг адир-тоғ шароитига мослашган боғдорчилик, узум етиштириш ривожланган. Узумнинг воҳа табиий шароитига мос қора кишмиш, хусайини, тойифи, маска, чилги, султони каби навлари етиштирилган. Қўни-қўшни аёллар узум узиш, уни қуритиш, узумдан шинни, шароб, мураббо, қиём тайёрлашда бир-бирларига кўмаклашганлар. Бундай кўмакка жамоа аёллари ўзаро хашар орқали бирлашганлар. Туман туркманлари ва тожикларида гилам тўқиш айниқса ривожланган бўлиб гиламни тўқишда кўни-қўшни аёллар навбат билан бир-бирларига кўмаклашганлар. Фориш туманининг тоғли худудларида яшовчи туркман ва тожиклари жунни авайлаб олиш учун қўй қирқимда асосан аёлларнинг ўзлари иштирок этганлар, қўй жуни махсус қопларга жойланиб, ювиб, сўнгра яхшилаб ийланган. Тозалаб ажратилган жундан ип тайёрлаш учун у жамоанинг кекса аёллари томонидан урчукда йигирилган [дала ёзувлари]. Жамоа аёлларида жун тақчил ҳолларда уни бозордан биргаликда сотиб олиш анъанаси бўлган. Шу тарика, аёллар ўзаро кўмак орқали гиламни навбат билан биргаликда тўқиганлар. XIX аср охири XX аср биринчи ярмида воҳа қишлоқ жамоасида хотин-қизлар хашарининг бундай турлари кенг тарқалган бўлиб, одатда қишлоқ аёллари катта ҳажмдаги юмушларни ўзаро ҳамкорликда, бир-бирларига ёрдамлашган ҳолда бажаришган. Қизлар бундай уюшмаларга 8 ёшдан сўнг кира олганлар. Ҳашарга оиладаги ҳар бир хотин-қизнинг қатнашиши шарт бўлган, мабодо аёл узрли сабаб билан хашарга қатнаша олмаса, қизи қатнашган ёки у орқали турли таомлар юборган. Ҳашарлар ҳам навбат билан ташкил этилиб, хашарга келаётган аёл ўзи билан бирга зарур анжомлар, маҳсулотларни, егулик ва идиш-товоқ кабиларни олиб келган. Фориш туманининг чорвадор туркман ва тожиклари яшовчи Синтоп ва Ўхум қишлоқларида қизларга кўпроқ чорвадорларга хос хунарлар ўргатилган, улар катталар қатори кигиз, гилам тўқиганлар, қўй ва эчки терилари туз солинган шўр сувга солиб пишиқланиб пўстак тайёрлаганлар. Аёлларнинг ахлоқий фазилатлари, оиладаги ҳуқуқ ва бурчи кўплаб миллий анъаналарда намоён бўлади. Аёл ҳаммаша бола тарбиясига садоқати, меҳри билан ажралиб турган. Бундай одат ўзбек аёли менталитетига ҳамчуқур сингиб кетган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Маковельский А.О. Авеста. - Баку, 1960. – С. 89-92; Бойс М. Зороастрийцы: Верования и обычаи. - М.: Наука, 1988.; Дорошенко Е.А. Зороастрийцы в Иране. - М.: Наука, 1982; Маҳмудов Т. Авесто ҳақида. – Т.: Шарқ, 2000; Тохир Карим. Муқаддас Авесто изидан.– Т., 2000; Ҳомидов Ҳ. Авесто файзлари. – Т., 2001; Авесто яшт китоби / Исоқов М. таржимаси.– Т.: Шарқ, 2001; Авесто тарихий бадиий ёдгорлик / Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001.
2. Гулямов Я.Г. К изучению древних водных сооружений в Узбекистане // Изв. АН УзССР. – 1955. – № 2; Бабаханов А. О некоторых водохозяйственных сооружениях Узбекистана // Изв. Отделения общественных наук АН УзССР. – 1959. – № 4.
3. Мошкова В.Г. Некоторые общие элементы в родоплеменном составе узбеков, караклпаков и туркмен // Материалы по археологии и этнографии Узбекистана: Труды Института Истории и археологии АН УзССР. Т. 2.– Т., 1950; Мошкова В.Г. Ковроделие узбеков племени туркман // Ковры народов Средней Азии. – Т., 1977.
4. Дала ёзувлари. Орзиева Иззат. 82 ёш. Нуроташаҳри.
5. В.Г. Ковроделие узбеков племени туркман Нуратинского междугорья // Ковры народов Средней Азии (материалы этнографических экспедиций 1929 - 1945 гг.). – Т., 1970.
6. Туман ўзбек-туркман ва тожикларига хос гилам тўқиш анъаналари ҳақида дала ёзувлари. Баратов Охун Фориш тумани Ўхум ҚФЙ 5 мактаб тарих фани ўқитувчиси.

ХАЛҚ ТАБОБАТИ ВА ЭТНОХУДУДИЙ ОМИЛ

Х.С.Жуманазаров,
ЎзР ФА Тарих институти

Халқ табобати анъаналари инсонларнинг яшаб қолишга интилиши натижасида тўпланган эмпирик билимлар ва тажрибалар йиғиндисидир. Саломатликка оид билимларни шаклланишида аҳоли истиқомат қиладиган ҳудуднинг географик жойлашуви, иқлим, инсонларнинг диний қарашлари ва машғулоти катта роль ўйнайди. Халқ табобати турли халқлар ҳаётида содда кўринишда бўлсада бугунга қадар сақланиб қолган ва аксарияти этнолокал хусусиятга эга. Жумладан ўзбекларнинг тиб илмига оид билимлари ҳам аксарият туркий халқлар табобати билан ўхшаш бўлсада, ҳудудда кечган ассимиляция жараёнлари ҳисобига ҳудудий хусусият касб этган жиҳатлари ҳам анчагина. Умуман олганда бизни ҳудудда параллел ҳаёт кечирган деҳқон ва чорвадор аҳолининг тажрибалари, кундалик турмуши, минтақалараро савдо-сотик натижасида ўзбекларга хос тиб илми шаклланган. Яратилган тадқиқотларга назар солсак, табобат анъаналарини минтақавий фарқланишда қўйидаги омиллар рол ўйнайди:

1. Географик жойлашув ҳолати табобат анъаналарининг минтақавий хусусиятларини кўрсатиб берувчи бош омилдир. Ҳудуднинг иқлими, табиий шароитидан келиб чиқиб маҳаллий хасталиклар, уларни мавжуд воситалар ёрдамида даволаш усуллари каби жиҳатларни кўриш мумкин. Демак, табиий муҳит, иқлимлар ўзгариши ўша муҳитдаги барча ноз-неъматлардан озикланувчи халқлар феъл-атвориға таъсир кўрсатиши шубҳасиз [1:153]. Халқ табобатининг минтақавий хусусиятларини географик муҳит нуқтаи назаридан тадқиқ этишда аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудни икки қисмга ажратиш мумкин: тоғ ва тоғолди минтақаси ва текислик минтақаси. Халқ табобати тоғли минтақаларда айрим хусусиятларини сақлаб қолган. Яъни, тоғли минтақада табиий воситаларни хусусиятлардан фойдаланиш текисликка нисбатан юқори. Бунинг сабаби:

Биринчидан, маҳаллий аҳоли тоғда ўсувчи барча гиёҳларнинг номи, тузилиши, кўринишини яхши билади. Бу тиб билимлари уларнинг касбига алоқадор бўлмасида, кундалик ҳаёт тарзи атроф-муҳит билан доим муносабатда бўлганлиги сабабли бу билимларга кўпроқ муружат қилишади.

Иккинчидан, текислик минтақасида яшовчи аҳоли одатда гиёҳларни сотиб олади ёки ўзлари етиштирган маҳсулотлардан муқобил кўринишда фойдаланади. Текисликда яшовчи аҳолининг аксарияти ўтроқ яшаш тўфайли, ўсимликларни маданий турга айлантиришга эътибор қаратишган. Ёввойи ҳолда ўсувчи ёки ўтроқ аҳоли яшаш жойи яқинида ўз ҳолича ўсувчи гиёҳларни сунъий кўпайтириш, чатиштириш ва уларни узок вақт мобайнида сақлаш ишларига эътибор қаратишади. Текисликда яшовчиларнинг овқатланиш рақонида табиий гиёҳлар миқдори чегараланган, унинг ўрнини маданий ҳолда етиштирилган ўсимликлар эгаллайди.

2. Аҳолининг яшаш тарзи ёки машғулоти тури. Кишиларнинг меҳнат туриға қараб ҳам табобат анъаналари минтақавий кўринишға эға бўлади. Чорвадорлар, деҳқонлар, хунармандларнинг касаллик турлари, даволаш усулларида фарқли томонларини кузатиш мумкин. Умумий ҳолат шундан иборатки, одамлар қандай машғулоти билан шуғулланса, асосан ўз касби орқали етиштирган ёки машғулоти учун зарур бўлган хом-ашёлардан даволаш учун фойдаланадилар. Кишиларда айрим касб касалликларини вужудға келтирувчи бош омил машғулоти туридир. Аҳоли машғулотиға қараб икки гуруҳға: чорвадор ва деҳқонлаға ажратилса, қуйидаги фарқларни кўриш мумкин:

Табобат вакиллариға нисбатан. Олдинги қисмларда таъкидланганидек, табибларнинг фаолият шаклидан келиб чиқиб, мистик ва эмпирик турларға бўлинади. Аҳолининг халқ табобати ва табибларни турларға ажратиши кишиларнинг турмуш тарзи, машғулоти тури ҳамда табибларнинг фаолиятиға ҳам боғлиқ. Инсонларнинг касбидан келиб чиқиб, яққа ёки жамоа бўлиб фаолият юритиши ва ўзаро мулоқотнинг давомийлиги ҳам бу борада ўз таъсир кучиға эға. Бошқа томондан, ҳудудда фаолият юритувчи табибларнинг қайси табобат тури билан шуғулланиши ҳам муҳим. Табобат турлари аҳолининг мағулоти тури ёки яшаш тарзиға кўра тавсифланишиға қуйидаги омиллар таъсир ўтказади.

Биринчидан, чорвадорлар чорва моллари учун қулай ҳудудларда мунтазам кўчиб юришган ва чўл, тоғ ҳудудларида мавсумий яшашлари натижасида табиий гиёҳларни, чорва ҳамда кишилар учун фойдали

хусусиятларини кузатиш имкони мавжуд эди. Дехқонлар эса ўзларига керакли ўсимликларни сунъий кўпайтириш билан шуғулланишган. Бу эса табиий гиёҳлардан олинадиган натижани бермаган.

Иккинчидан, мистик табобатда турли дин қолдиқларини кўриш мумкин. Ўтроқ яшаган аҳоли барча диний қарашларни бошдан кечиришган ва диннинг турли кўринишдаги элементларини ўзларида сақлаб қолган. Маълумки, яшаш тарзи кўчманчи бўлганларга нисбатан, ўтроқ аҳолининг ҳаракатларига нисбатан жамоа назорати кучлироқ. Шунинг учун ўтроқ яшовчи аҳоли орасида турли диний маросимлар ва урф-одатларни бажариш жамият аъзоларининг диққат марказида бўлган. Бу сабаб ҳам мистик табобат вакиллари ва унинг айрим кўринишлари кўпроқ ўтроқ аҳоли қатлами ўртасида сақланиб қолишига олиб келган.

Учинчидан, чорвадор аҳоли орасида яшаш шароитидан келиб чиқиб кўпроқ ташқи таъсир натижасида орттирилган касалликлар учрайди. Масалан, тери шилиниши, суюқ синиши, айрим ҳайвон касалликларни юқиши ва х.к. Бу ҳасталикларни даволаш учун эмпирик билим ва табибга эҳтиёж сезишган. Тарихчи Геродод ҳам “кўпгина доривор ўсимликларни чўпонлар топган” – деб ёзиб қолдирган[3:37].

Дориворлардан фойдаланиш. Аҳолининг машғулоти тури бевосита унинг яшаш муҳити билан боғлиқ. Чорвадорлар тоғ ва тоғ этакларида ҳамда дехқончилик учун ноқулай текисликларда истиқомат қилишади. Чорвадор аҳоли жуда кўп табиий гиёҳларнинг шифобахш хусусиятларини кашф қилган. Чўпонлар ўсимликлар ва ҳайвонларнинг инсонлар учун фойдали томонларини синаб кўриш ҳамда ёввойи ҳайвонларнинг касалланганда қандай гиёҳларни истеъмол қилишини кузатиш орқали уларда баъзи содда тиббий тушунчалар шакланган. Чорвадор аҳоли қўллайдиган дорилар соддакўринишда бўлиб асоси битта хом-ашёдан иборат. Дехқончилик эса инсондан ўтроқ ҳаёт кечиришни талаб қилган. Шу сабабли дехқонлар ўзлари етиштирган маҳсулотдан имкон қадар турли ҳасталикларни даволашда фойдаланишган. Дехқонларнинг дори воситалари бир неча хом-ашёни аралашмаси кўринишида бўлади. Чунки, дехқонларда табиий гиёҳлар ёки шу гиёҳлар билан озикланувчи ҳайвоннинг тана қисмларини топишни имкони чорвадорларга қараганда камроқ. Тоғ гиёҳининг топилавермаслиги сабабли дехқончилик қилувчилар турдош воситалардан фойдаланилган ёки гиёҳларни сунъий ўстиришган. Гиёҳларнинг сунъий равишда кўпайтириш, бугунги кунда айрим гиёҳларнинг бугунлай йўқолиб кетиш хавфини камайтиради. Бу гиёҳларнинг кучи табиий турдагидан кам бўлганлиги учун унга кучайтирувчи қўшимчалар қўшишган.

Тиббий қуроллар турига кўра. Аҳолининг машғулоти тури табобатда қўлланиладиган жиҳозларга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Чорвадор аҳоли қатлами табиатда учрайдиган жисмлардан ўз ҳолича даволаш мақсадида фойдаланса, дехқонлар ва хунармандлар керакли жиҳозни кўпроқ қўлда ясашган. Чорвадарлар тайёрлайдиган содда дорилар учун алоҳида маҳсус жиҳозлар талаб қилинмайди ва аксинча, мураккаб дориларни тайёрлаш учун маҳсус анжомлар зарур. Мураккаб дорилар учун ҳовонча, тарози, турли маъданлардан қилинган қошиқларга бўлган талаб, уларни юзага келишига сабаб бўлган. Аҳоли машғулоти турининг табобатга таъсирини яна бир жиҳати қуйидагича, халқ табobatiда қон олиш жараёнида зулук, наштар, кортиқ (корик)дан[4:19] фойдаланилади. Зулукни сув ва қўлмақлардан топиш имкони бўлгани учун, ундан кўпроқ дехқон, хунармандлар фойдаланса, кортиқни чорвадорлар ишлатишади ва уни қорамол шохидан тайёрлашади.

3. *Маҳаллий ўсимлик ва ҳайвонот дунёси.* Табобатда доришунослик анъаналарига эътибор қаратилса, гиёҳлар, ҳайвонлар ва минераллар қўлланилади. Инсонлар ўзлари етиштирадиган маданий ёки яшаш жойига яқин бўлган ёввойи ўсимликларни мунтазам кузатиши натижасида, уларнинг шифобахш хусусияти кашф қилинган. Ҳайвон аъзоларидан фойдаланиш ҳам шунга ўхшаш: кишилар даволашда ўзлари боқадиган ҳайвондан фойдаланади. Масалан араблар[2:15] - туянинг гўшти, сут маҳсулоти ва чиқиндиларидан, чувашлар[5:78] эса отнинг тана аъзоларини ишлатади.

Ўзбекларда қорамол ва қўй маҳсулотлари кўпроқ ўрин эгаллайди. Чунки, чорвачиликнинг асосий қисми шу ҳайвонлардан иборат. Иккинчи томондан, инсон ўзи яшаб турган ҳудуднинг флора ва фаунасини мунтазам истеъмол қилиши натижасида танада шу маҳсулотларга нисбатан мослашиш юз беради. Бу ҳолат, маҳаллий хом-ашёлардан тайёрланган дориларнинг ноҳуя таъсирларини олдини олган. Табиблар ҳам касалликка ташхис қўйишда хастанинг яшаш жойи, кўпроқ қандай маҳсулотларни истеъмол қилиши каби омилларга алоҳида эътибор

қараптиган. Халқларнинг доришунослик анъаналарига эътибор қаратилса, дори тайёрлаш усули ва унда ишлатилувчи жиҳозлар ўхшаш бўлгани билан хом-ашёда минтақавий фарқ кўзга ташланади.

Табобат анъаналарида минтақавий хусусиятларнинг пайдо бўлишига бир ҳудудда айрим касалликларни мунтазам кузатилиши (мавсумий ва касбий касалликлар) ёки оммавий юқумли касалликларни тез-тез учраши ҳам таъсир ўтказди. Бу каби ҳолатларнинг юзага келиш сабаби юқорида таъкидланганидек, иқлим, аҳолининг яшаш муҳити ва бошқалар бўлиб, оқибатда шу ҳудудда маълум касалликларига ихтисослашган табибларнинг оммавий пайдо бўлишига олиб келди.

Юқорида тилга олинган усулларни табобат анъаналарини минтақавий жиҳатдан тадқиқ қилишда барча ҳудудлар ёки халқлар учун ягона метод сифатида илгари суриб бўлмайди. Айрим ҳолларда хусусий ёндашув масалага бирмунча ижобий ойдинлик киритиши мумкин. Бугунги кунда ҳудуднинг географик жойлашуви, иқтисодий ҳолати, тиббиёт ва табобат анъаналарининг ўзаро трансформацияси ҳам долзарблик касб этади. Айрим халқларда табобат анъаналарига бўлган муносабат давлатнинг замонавий тиббиёт ютуқларини жорий қилиш динамикаси билан ўлчанса, бошқа халқларда табобат илмига асосий соғлиқни сақлаш воситаси сифатида қаралиб, тиббиёт ютуқлари эса муқобил вариант ўрнида талқин қилинади.

Ушбу омиллар асосида айтиш мумкинки, хусусий ҳолларда аҳолининг этник таркиби, турмуш даражаси, мигрантлар оқими, шаҳарлашиш (урбанизация), табобат анъаналарини қонуний ҳимоя қилиниши кабилар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўрта асрларда халқларнинг ўзаро савдо муносабатлари натижасида нафақат истеъмол товарлари балки тиббий китобларнинг тарқалиши ва бир ҳудудда турли халқ савдогарларининг узок вақт ўзаро уйғун ҳолда яшashi ҳам маданиятлар алмашинувиға, қоришувиға сабаб бўлган. Бу каби ҳолатлар барча ҳудудларда бирдек кечмаган, шунинг учун, айрим ҳолларда масалаға хусусий ёндашувни талаб қилади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, табобат усулларини минтақавий жиҳатдан ўрганиш маҳаллий халққа хос анъана ва удумларни тадқиқ қилиш ҳамда табобатга тўла маълум бўлмаган айрим усулларни ўрганиш имконини беради. Табобат анъаналарининг пайдо бўлиши ва ривожланиши кишилиқ тарихининг илк босқичига тақалиб, унга асрлар давомида эришилган барча ютуқлари жорий қилинган. Масалан: табобат қуролларининг кўриниши, хунармандчилик усулларнинг ривожини ўзида акс эттирган бўлса, табибларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг нотўғри муолажаси натижасида жавобгарликка тортилиши жамиятнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Табобатнинг минтақавий анъаналарини фақат этнологик жиҳатдан ўрганиш етарли натижа бермайди, масалани тўлақонли ўрганиш учун унга комплекс равишда муносабат билдириш зарур. Шу сабабли халқ табобати анъаналари этнология, тиббиёт, психология, социология, биология, соғлиқни сақлаш соҳалари доирасида долзарблик касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гумилёв Л. Этнослар ва табиий муҳит. Русчадан М. Маҳмудов таржимаси // Жаҳон адабиёти. – 2013. – № 7.
2. Каримова С. Исмоил ал-Бухорийнинг табобатга оид ҳадислари // Шарқшунослик. – 1999. – № 9.
3. Қодиров А. Ўрта Осиёда медицинанинг пайдо бўлиши. – Тошкент: Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1990.
4. Қон олиш ҳақида // Шарқ табобати. – 2000. – № 2-4.
5. Никонова Л. Традиционная медицина тюркских народов Поволжья и Приуралья как часть системы их жизнеобеспечения. – Рузаевка: Рузаевский печатник, – 2000.

МУНИС ВА ОГАҲИЙ АСАРЛАРИДА ЧАП ҚИРҒОҚ КАТ - ҚАЛЪА ТАРИХИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР ҲАҚИДА

Б.П. Садуллаев

Хоразм Маъмун академияси

Маълумки, Хива хонлиги даврига оид ёзма манбаларда асосан Хива шаҳри ва Хива хонлари билан боғлиқ воқеалар асносида турли шаҳар ва қишлоқлар ҳақида қисқача маълумотларни учратамиз. Ана шундай манбалар чап қирғоқ Кат-қалъасига ҳам тааллуқлидир. Чап қирғоқ Кат-қалъаси ҳақида асосан XVII-XIX аср манбаларида маълумотларни учратамиз. Хива хонлигининг тарихчиси Шермуҳаммад Мунис XVII аср воқеаларини баён қилар экан, Кат-қалъа ҳақида ҳам бир қанча маълумотларни бериб ўтади. Унинг ҳикоя қилишича, Анушахон (1663-1683) ҳукмронлиги даврида Амударёнинг ўнг соҳилидаги Кат шаҳри сувсиз қолади. Шу сабабли, Амударёнинг чап соҳилида Ёрмиш деб номланган (ҳозирги кунда Туркман Ёрмиш) янги канал қазилгани буюради ва унинг ёнида қалъа қурдилади. Эски Кат аҳолиси мана шу янги шаҳарга кўчиб ўтади ва шу тариқа бу қалъа янги Кат номини олади [Ғуломов, 1957, 200 б.]

XVIII асрда Кат “Беш қалъа” деб номланган Хива хонлигининг бешта йирик қалъаларидан бири бўлган. Анушахон даврида Бешқалъа ҳудуди анча мустаҳкамлангач, Кат ҳам баланд паҳса деворлар, дарвоза ва атрофи сув билан тўла хандак билан ўралган қалъа бўлган. Уруш пайтларида яқин атрофдаги барча аҳоли қалъага кириб жон сақлаган [Иванов, 1958, с. 156].

Кат тарихига доир маълумотлар Мунис ва Огаҳийнинг “Фирдавс ул-иқбол” асарида ҳам Хива хони Элтузархон (1804-1806 йй.) туркманларнинг имрели қабиласини итоатсизлиги учун жазолаш мақсадида қилган юриши пайтида эсга олинади. Элтузархон Бухоро савдогарлари карвонини талон-тарож қилган Имрели туркманларига Кат шаҳри ҳокими Тангрибердибекни вакил қилиб юбориб, хонга итоат қилишни буюради ва олинган барча молларни қайтариб беришни талаб қилади. Лекин улар Тангрибердибекни асирга олиб итоатсизлик қиладилар. Бундан ғазабланган хон уларни жазолашга ошиқади.

Қанғли қипчоқлардан Амир Вали оталиқ ва найманлардан Эшим Баҳодир бошчилигидаги хон лашкарлари Имрели қабиласи устига бостириб бориб, уларнинг ерларини хароб қилади. Улар жойлашган қалъа қаттиқ тўпга тугилади. Саросимага тушиб қолган туркманлар ўз сардори Гелдихон билан бу вазиятдан қутилиш йўлини излаб, асир олинган Кат ҳокими Тангрибердибекни катта совғалар билан хон ҳузурига қўйиб юбордилар ва хондан шафқат сўрайдилар. Бу воқеалар хижрий 1219 йил сафар (1804 йил май) ойида бўлиб ўтган [МИТТ, Т. II, М.-Л., 1938, с. 356-357].

Шу йили содир бўлган яна бир воқеага тўхталамиз. Исёнкор туркманлар Қубатоғнинг жанубий этакларида йиғилишиб, шу атрофда яшовчи маҳаллий деҳқонларга ҳужум уюштирдилар ва баъзиларини ўлдирадилар. Исёнчиларни бостириш учун Элтузархон тайёргарлик кўриб, душанба куни Ражаб ойининг бешинчи кунида хижрий 1219 йил (1804 й.) Сангирдан чиқиб, Кат шаҳрига келади ва ҳоким Тангрибердибек ҳонадонида меҳмон бўлади. Ҳоким хон шарафига катта зиёфат уюштиради ва бунинг учун хон томонидан мукофотланади [МИТТ, Т. II, М.-Л., 1938, с. 363]. Кат ҳақидаги маълумотлар Муҳаммад Раҳимхон I ҳукмронлик қилган йиллар баёнида ҳам эсга олинади. Муҳаммад Раҳимхон I ҳукмронлигининг 8 йили (ҳижрий 1228 йил воқеалари баёнида - милодий 1813 йил) Кат ҳокими Тангрибердибек хон буйруғи билан Така Қорахонли уруғидан навкарлар йиғиб келиш учун юборилади. У 200 отлиқ навкар йиғиб Кўзган ҳокими Мусохон билан хон олдига пайшанба куни етиб келади [МИТТ, Т. II, М.-Л., 1938, с. 385].

Муҳаммад Раҳимхон I ҳукмронлигининг 11чи йили (ҳижрий 1231 йил воқеалари баёнида - милодий 1816 йил) хоннинг Хуросонга 2 марта юриш қилиб туркманларнинг исёнчи Така қабиласини жазолаш мақсадидаги юришлари ҳикоя қилинади. Хуросондаги жанглардан бирида

катлик Мулк Омон бир қанча аскарлари билан қаҳрамонларча ҳалок бўлганлиги баён қилинади [МИТТ, Т. II, М.-Л., 1938, с. 392].

Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, Элтузархон ва Муҳаммад Раҳимхон I даврида Кат шаҳри ҳокими Тангрибердибек бўлганлиги аён бўлади. Афсуски, Кат-қалъа тарихига оид маҳаллий манбалар жуда қисқа маълумотлардан иборат. Бу борада ҳали кенг қамровли изланишлар олиб бориш, ёзма манбаларни чуқурроқ ўрганиш орқали Хива атрофидаги қалъа ва қишлоқлар тарихини ёритиш тадқиқотчилар олдида турган энг долзарб вазифалардан саналади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии (XVI – середина XIX вв.). М, 1958.
2. МИТТ, Т. II, М.-Л., 1938.
3. Ғуломов Я.Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Тошкент, 1957.

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНING ЗИЁРАТ МАВСУМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАРАШЛАРИ

Ф.Ш.Ақчаев,
Жиззах ДПИ

Ўзбекистон дунёнинг муҳим цивилизация бешикларидан бири сифатида, азалдан жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшиб келган. Бунда моддий ва маънавий бойликларнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланган маданий мерос объектлари, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Улар халқнинг миллий бойлиги сифатида дунё маданиятининг муштарак қисмига айланган. Бугунги кунда халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданий меросини тиклаш ҳамда уни дунё жамоатчилигига етказиш борасида кўплаб муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистоннинг бошқа тарихий-этнографик минтақалари каби Жиззах воҳаси ҳам ўзига хос, муҳим микроэтнографик минтақа ҳисобланиб, воҳанинг минг йиллар мобайнида қулай географик ўрни ва қадимдан катта қарвон йўллари чорраҳасида жойлашганлиги сабаб ғоят хилма-хил маданиятлар ва анъаналар туташган, ўзаро уйғунлашган ҳолда шаклланган макон сифатида қайд этиш мумкин. Шу боисдан ҳам, ҳозирда Жиззах воҳаси зиёратгоҳларини анъанавий халқ маданиятининг таркибий қисми тарзида тадқиқ қилиш долзарблик касб этади.

Зиёрат инсоннинг маънавий эҳтиёжлари асосида амалга оширилиб, кишиларнинг диний қарашлари, миллий менталитети ҳамда анъанавий одоб-ахлоқ нормаларига асосланган ҳолда юзага келади. Зиёрат туризми – турли хил конфессияларнинг ўз динига бўлган ҳурмати ва эътиқоди нуқтаи назаридан муқаддас қадамжолар, шаҳарлар, қабристон ва азиз саналган масканларга зиёрат қилиш [Бабкин, 2008. С.11-12] ни билдиради.

Аҳоли орасида норасмий равишда “зиёрат мавсуми” ҳамда “зиёрат менежери” тушунчалари ҳам шаклланган бўлиб, асосан, шу даврда “зиёрат менежер”лари томонидан аҳолининг жамоа-жамоа бўлиб қадамжоларга ташрифини ташкил этиш кузатилади. Зиёрат мавсуми тушунчаси ва у билан боғлиқ амалиётнинг юзага келиш сабаблари сифатида, ҳудуднинг ички имкониятлари, бажариладиган маросимнинг характерли жиҳатлари (бино ичида ёки ташқарида бажарилиши фасл билан бевосита боғлиқ), зиёратгоҳнинг жойлашган ўрни ва ташриф буюрувчининг машғулот тури каби омилларни келтириш мумкин.

Зиёрат мавсуми икки қисмдан, яъни ташриф буюрувчилар ва маросимни ташкил қилувчилар учун қулай ҳамда муқаддас манзилга бориш йўлларининг хавфсиз вақти, иқлимнинг мўътадиллиги ва хўжалик юмушлари камайган давр тушунилса, иккинчи жиҳати эса, халқ орасида айрим ҳафта кунлари зиёрат учун мақбул кун сифатида талқин қилинишидадир.

Зиёратгоҳга ташриф буюриш кунлари тўғрисидаги мулоҳазаларга назар солсак, исломгача бўлган даврда аждодларимиз якшанба, душанба, пайшанба ва жума кунларини бахтли кунлар деб қарашган бўлишса, сешанба, чоршанба ва шанба кунлари бахтсиз кунлар сифатида эътироф этилган[Абидова, 2018. 123 б]. Ислом ақидаларида таъкидланишича, чоршанба куни Аллоҳнинг иродаси билан мавжуд ўсимлик дунёси ва сувларга жон ато этилган. Жума куни юлдузлар яратилган ва шу куни Муҳаммад (С.А.В) пайғамбар туғилган. Модомики, чоршанба куни ўсимлик ва сувларга жон ато қилинган экан, озиқ-овқат, кийим-кечак орқали киши баданига кириб олган ёмон руҳларни чоршанба куни қувиш кўпроқ фойда келтиради[Саримсоқов, 1986. 154 б], деб қаралган. Бугунги кунда ҳам республиканинг турли ҳудудларида ҳафта кунлари турлича талқин қилинишини учратиш мумкин. Жумладан, Хоразм воҳаси аҳолиси чоршанба, пайшанба ва жума кунлари зиёратга келишса, Тошкент, Бухоро ва Фарғона водийсида чоршанба куни зиёратгоҳларга ташриф буюриб, маросим ўтказиш мақбул ҳисобланади[Абидова, 2018.123б]. Самарқандлик ўзбек ва тожик миллатига мансуб аҳоли орасида ҳафтанинг маълум кунлари махсус зиёрат қилинадиган кунлар тариқасида белгилаб олинган бўлиб, асосан, чоршанба ва шанба кунлари азиз авлиёлар қабрларини, мукаддас қадамжоларни зиёрат қилиш энг маъқул кунлар, яъни зиёрат кунлари ҳисобланган. Чунки улар ушбу кунларнинг муродбахшлик хусусиятларига ишонишган[Токарев, 1976. С.534].

Жиззах воҳасида зиёратчиларнинг аксарияти ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари ташриф буюришса, воҳа аёллари ҳафтанинг чоршанба кунда кўпроқ зиёратгоҳларга келишади. Чунки, шу кунлар ташриф учун ўзларига қулай вақт саналиши билан бир қаторда, қадамжоларда бажарилган амалларнинг фойдаси кўпроқ тегишига ишонишади. Шунингдек, Жиззах воҳасида азалдан мусулмончилик анъаналарига мувофиқ зиёратгоҳларга йилнинг маълум вақтида чиқиш, яъни зиёрат қилиш ёки маълум бир ойларда зиёрат қилиш учун сафарга чиқмаслик анъанаси ҳам мавжуд. Бу борада ойлик зиёратларга кўра ислом таквими, “Қамария йил ҳисоби”даги иккинчи ой “Сафар ойи”да зиёрат қилишлик яхши эмаслиги ҳақидаги фикрлар халқ онгида сақланиб қолган ва бу ҳақда турли кўринишдаги тақиқлар мавжуд[дала ёзувлари, 2014-2016]. Яъни, “сафар ойи – хатар ойи”, “сафар ойида сафарга чиқиб бўлмайди”, “сафар ойи хосиятсиз ой”, деган қарашларга кўра зиёратга бориш ва бошқа маросимлар (тўй ва бошқ.) ҳам тақиқланган.

Фарғона водийсида ҳам Сафар ойи билан боғлиқ “Сафар қайтди” маросими зиёратгоҳларда ўтказилиб, маҳаллий аҳоли таъкидлашича, “Сафар ойи”нинг қайсидир куни осмондан бир томчи захар томар эмиш. Шу захар кимга тегса унинг иши ёки сафарида кўнгилсизлик юз беради. Шунинг учун агар “сафар қайтар” маросими ўтказилса, захар қайтиб кишиларга ҳеч қандай зиён-захмат кўрмайди[Абдулаҳатов, 2006. 103б], деган қараш сақланиб қолган. Бунинг сабаби сифатида аҳоли орасидаги қуйидаги фикрлар асос бўлган. “Сафар ойи”нинг охириги чоршанба куни овга чиққан Ҳазрат Али оғир яраланиб кўп қон йўқотганлиги учун мусулмонлар ўша кунни мотам куни деб эълон қилишган экан. Абу Райҳон Беруний маълумотларига кўра, мусулмонлар сафар ойини хосиятсиз деб қарашларининг сабабларидан бири – айнан сафар ойида арабларда ўлат тарқалиб, касаллика чалинган одамларнинг юзи сарғайиб кетаверган. Ҳатто, арабча “асфар” сўзи ҳам сарик ранг маъносини англатган[Ислом энцикл. 2000. С.85]. Бу анъана баъзи қишлоқларда бугунги кунгача ҳам сақланиб қолинганлиги тадқиқотлар давомида ўз исботини топди.

Воҳа зиёратгоҳларидаги кузатишлар натижасида аниқландики, зиёратчиларнинг кўплаб ташрифи апрель-май ва август ойларида бўлса, кун жихатидан чоршанба, шанба ва якшанба кунлари мақбул ҳисобланади ва зиёрат мавсуми баҳорнинг охири ҳамда эрта куз ойларига тўғри келади. Маҳаллий аҳоли орасида зиёрат куни, вақти ва мавсуми билан боғлиқ дунёқараш турли омиллар таъсири натижасида юзага келган. Ўтказилган социологик сўровномалардаги “Сиз зиёрат куни ва мавсумини қандай белгилайсиз” мазмунидаги саволга қарийиб 80 фоиз ахборотчилар

аввалдан ота боболари шу вақтда зиёратга боришганлиги учун ва зиёратчиларнинг маслаҳатларига кўра деб жавоб беришди. Бу эса Жиззах воҳаси аҳолисининг мунтазам зиёрат қиладиган вақти мавжуд бўлиб, азалдан маҳаллий аҳоли ўз вақтларининг маълум даврини зиёрат учун ажратишган ва бу удум оила даврасида авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Хуллас, зиёрат мавсумининг пайдо бўлишида маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи ва машғулот туридан ташқари, воҳа учун хос бўлган географик омил аксарият зиёратгоҳларнинг тоғли ҳудудларда жойлашгани билан характерланса, зиёрат куни – аҳолининг исломий қарашлари асосида шаклланганлиги билан изоҳланади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдулахатов Н. Фарғона водийси зиёратгоҳлари ва қадамжолари (Фарғона вилояти мисолида): Тар.фан. ном.... дис. – Тошкент, 2006.
2. Абидова З. Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари (тарихий-этнологик тадқиқот): Тар. фан. бўйича фал. док. (PhD)... дис. – Тошкент, 2018.
3. Бабкин А. Специальные виды туризма. Учебное пособие. – Ростов на Дону: Советский спорт, 2008.
4. Дала ёзувлари. Янгиобод, Зомин, Жиззах, Фориш туманлари. 2014–2016.
5. Ислам. Энциклопедический словарь. Выпуск 3. – М.: Восточная литература РАН, 2000.
6. Саримсоқов Б. Ўзбек маросими фольклори. – Тошкент: Фан, 1986.
7. Токарев С. Религия в истории народов мира. – М.: Политическая литература, 1976.

БУХОРО ҚАДИМИЙ ДАРВОЗАЛАРИ ХУСУСИДА В.В.БАРТОЛЬДНИНГ ҚАЙДЛАРИ

Т.Б. Худойкулов

ТИҚХММИ БФ, Бухоро ш.

Академик В.В.Бартольд (1869-1930) асарларида Бухоро қадимий дарвозалари ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд. Олим дарвозалар тарихини ёритишда муаррихларнинг ёзма манбалари ҳамда ўзига замондош тадқиқотчилар маълумотларига таяниб иш кўради. В.В.Бартольд асарларини таҳлил қилиш орқали қадимий Бухоро дарвозаларнинг бир неча номлар билан аталиши ва уларнинг жойлашган ўрни хусусида билиб оламиз. [Аминов, 2015. с.650] Тадқиқотчи Бухоро дарвозалари ҳақида Наршахий, Истахрий, Самъоний, Мақдисий, Беруний, Табарий асарларига муурожаат этган ҳолда маълумот беради. Олим асарларига илмий муносабат билдириш орқали Бухоро шахристонива работ дарвозаларининг бунёд этилиши ва давр ўтиши билан ўзгарган номларини таққослаб, уларнинг бошқа ўзига хос жиҳатларини таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Бухоро шахрининг бош дарвозаси Арк қалъасида бўлиб, пайдо бўлган даврдан ҳозирги кунга қадар ўзгармаган. Аркда XX аср бошларига қадар (1920 йилги тўнтаришгача) иккита дарворвоза бўлиб, ғарбий дарвоза Регистон, шарқий томони эса Гўриён (Жума) номи билан аталган. [Бартольд, 1965, с.383] Ҳозирги пайтда эса Регистон томонидан фақат битта дарвоза сақланган. Арк ғарбий дарвозаси қадимдан XX аср бошларига қадар (ҳозир ҳам) асосий ҳисобланиб, ўзгартирилмаган ва халқ орасида шаҳар ўн икки дарвозасининг биринчиси сифатида саналади. В.В.Бартольд Бухоро шахристонининг Самарқанд, Балх ва Маврдан фарқли жиҳатини унинг етти дарвозага эга эканлигида дея ҳисоблайди. Олим бу 7 дарвозани арк қалъаси қурилишида қўллангани каби етти қароқчи юлдуздан ташкил топган катта айиқ туркумига қиёсланганини таҳмин қилади. Шунингдек, бу дарвозалар буюк тарихчилар Истархий ва Наршахий томонидан батафсил тасвирланганини таъкидлайди. У дарвозаларнинг жойлашиш ўрни ҳақидаги аниқ маълумотларни топиш анча мушкуллигини айтиб ўтган. Олимнинг Наршахийга таяниб ёзишича, шахристоннинг Бану Саад ва

Бану Асад дарвозалари ёнма-ён жойлашган бўлган. Шунингдек, дарвозаларнинг энг мустаҳками қаср дарвозаси бўлиб у ҳимоя тўсиқлари (темир) билан муҳофазаланган.[Бартольд, 1963. с.152-153]

Ахмад ал-Кубавийнинг (XIII аср)гувоҳлик беришича X асрда қурилган масжид (дарвозалар) эшигида будда хайкалининг тасвири туширилган ҳолатни кузатиш мумкин. Бундан аён бўладики ислом кириб келгач вайрон этилган буддавийлар кўчасининг дарвозаси(темир) қайта қуришда ишлатилган ва ўзида диний эътиқод белгиларини сақлаб қолган.[Бартольд, 1965, с.385] Шаҳристон дарвозаларидан бири Ҳақроҳ (Ҳақ йўли), яъни “Ҳақиқатга йўл” деб номланиши таниқли олим Абу Ҳафс Кабир шарафига қўйилгани ҳақида ҳам В.В.Бартольднинг қарашлари мавжуд. [Бартольд, 1963. с.153]Дарвозанинг бундай номланиши аҳолининг исломий эътиқоди ва авлиёга ҳурмати билан боғлиқ.

Бутун Форс ва Ўрта Осиё шаҳарлари сингари Бухорода ҳам исломга қадар бозор шаҳар деворларидан ташқарида дарвоза олдида жойлашган бўлган. Наршахий уларни Атторлар дарвозаси (Дари атторон), араблар эса “Темир дарвоза” (Боб ал-ҳадид) деб атаган.[Бартольд, 1965, с.381]Бу албатта, дарвозаларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири ҳисобланади. Наршахийнинг ёзишича, 849-50йилларда эски девор билан бирга шаҳар(работ) янги кенг майдонни эгаллаган девор билан ўраб олинган ва 11 дарвозага эга бўлган. В.В.Бартольд ушбу дарвозаларни Истахрийнинг изланишларига асосланиб, аниқлаш мумкин дейди.[Бартольд, 1965, с.381]Шу орқали дарвозалар тартиби жанубий, шарқий, шимолий ва ғарбий йўналиш бўйлаб аниқланган.Олим асарларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги жадвалда шаҳристон дарвозалари рўйхати ва работ дарвозаларининг таққосланган номлари келтирилади. [Бартольд, 1963. с.155]

Жадвал № 1

Шаҳристоннинг етти дарвозаси	Работ дарвозаларнинг аввалги номи (Истахрий ҳисобига кўра)	Кейинчалик ўзгарган номи (В.В.Бартольднинг таққослашига кўра)
Бозор, Темир(Истахрий), кейинчалик у Атторлар дарвозаси деб аталган	Ал -майдон (майдон дарвоза) Хуросон йўлига чиқадиган жой	Қоракўл
Шаҳристон , Боб ал – Мадина(Истахрий)	Иброҳим дарвоза	Шайх Жалол
Бану Саад дарвоза	Рив	Намозгоҳ
Мухра ёки Бану Асад дарвоза	Мардуқшон (Насаф, Қарши йўли)	Саллаҳона
Қаср дарвоза	Калобод (Гулобод), (Балхга йўл)	Қавола (Қарши)
Ҳақ – роҳ (Ҳақ йўли) дарвоза	Навбахор (Наубеҳар)	Мозор
Янги дарвоза (Дарвозаи Нав у барча дарвозалардан сўнг қурилган).	Самарқанд дарвоза (Самарқанд ва Мовароуннаҳрга йўл)	Самарқанд
	Фегаскун дарвоза	Имом
	Рометон дарвоза	Уғлон
	Хадражўн дарвоза (Хаширун Хоразмга чиқадиган йўл)	Талипоч
	Гушеж	Шергирон

В.В.Бартольднинг таъкидлашича, Наршахий Шахристон ҳақида икки хил маълумот беради. [Бартольд, 1963. с.156] Унга кўра араблар истилосига қадар шаҳар фақат шахристондан иборат бўлган дея маълумот қолдирса, бошқа бир жойда сомонийларгача бўлган даврда шаҳар чегаралари деворлари 11 дарвозали бўлгани ва уларнинг номлари ҳақида маълумот беради. Работ дарвозалар номи куйидаги жадвалда келтирилади.

Жадвал № 2

Сомонийлар даврига қадар (Наршахий маълумотига кўра)	Сомонийлар ва ундан кейинги даврда (Истахрий маълумоти)	Кейинчалик ўзгарган номи(В.В.Бартольднинг таққослашига кўра)
Навбахор	Мозор қаршисидаги	Темир
Ҳасан кўприги	Калобод (Гулобод)	Қавола(Қарши)
Моҳ масжид	Мардқушон	Саллаҳона
Моҳ бозори	Рив	Намозгоҳ
Рухна	Иброҳим дарвозаси	Шайх Жалол
Абу Хишам	Майдони қаршисидаги	Қорақўл
Кичик бозор кўприги	Гушеж	Шергирон
Фаржак	Хаширун	Талипоч
Дервазже	Ромитон	Ўғлон
Сехргарлар кўчаси	Фегаскун	Имом
Самарқанд	Самарқанд	Самарқанд

Шаҳарни ўраб турган икки қаторли девор XII асрда аввал Арслонхон Муҳаммад, кейин Қилич Тамғачхон Масъуд томонидан қайта қурилган. XIII асрда эса Хоразмшоҳ Муҳаммад томонидан бу ишлар давом эттирилган.[Бартольд, 1963. с.157] В.В.Бартольднинг берган ушбу маълумотидан тушуниш мумкинки, шахристон ва работ деворлари қайта қурилиш пайтида дарвозолар ҳам таъмирлаш ишларидан четда қолмаган.

Бухоро қадимий дарвозалари тарихини тадқиқ этиш муҳим масалалардан бири бўлиб қолаверади. Академик В.В.Бартольд томонидан Бухоро тарихий топографиясининг ажралмас қисми бўлган қадимий дарвозалар тарихининг ёритилиш ҳолатини юқори баҳолаб олимнинг илмий хулосалар асосида қолдирган маълумотларини навбатдаги тадқиқотлар учун ҳам база бўла олади дейиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Abu Rayhon Beruniy., Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar. Tanlangan asarlar. U.-T., 1968.
2. Аминов Ф.М., Бухара и русское востоковедение // Молодой ученый.-2015.652.-URL <https://moluch.ru/archive/102/23368/> (дата обращения: 10.07.2019).
3. Бухоро Шарқ дурдонаси/ Муаллифлар жамоаси.-Тошкент: “Шарқ” 1997
4. Бартольд В.В. Соч.-II.т. 2 част. Ч.1, -Москва, 1964.
5. Бартольд В.В. Бухара. Соч. -Т.III, -Москва, 1965
6. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч., Т.I,М., 1963
7. Бартольд В.В. Бухара. Её памятники и их судьба. Соч. -Т.IV, -Москва, 1966
8. Eversmann E., Reise von Orenburg nachBuchara. Берлин, 1823. также Russian Missions into the interior of Asia, Лондон, 1823

9. Маев Н.А., Бухоро хонлиги очерклари./ тарж. Исмоилов Т.Б. Т:Фан ва технология, 2012
10. Наршахий. Бухоро тарихи, -Тошкент, 1991.
11. Некрасова Е.Г., О нескольких старых планах Бухары. В сб. Из истории культурного наследия Бухары. Вып.10.-Бухара. 2006.
12. Недвецкий А.Г., Правители Бухары. <http://greylib.align.ru/410/a-g-nedveckij-praviteli-buxary.html>
13. Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары. М.,1976.
14. Ханыков. Н.В. Описание Бухарского ханства. СПб., 1843

TURKISTON TARIXINI YEVROPALIK OLIMLAR TOMONIDAN O'RGANILISHI TARIXIDAN (XIX ASR OXIRI XX ASR BOSHLARI)

A.Raxmatullayev,
JDPI, Jizzax

XIX asrning ikkinchi yarmiga kelib Turkiston hududi dunyo jamoatchiligining asosiy diqqat markaziga aylanib qoldi. Bu davrda Turkiston nafaqat siyosiy doira vakillarining qiziqish maydoniga balki, keng ilm ahlining ham asosiy tadqiq etish maskaniga aylandi. Turkiston zamining boy tarixi va uning o'tmishi ufurib turgan binolari G'arb olimlarining diqqat e'tiborini o'ziga jalb etdi. Turkiston zaminini o'rganish dastlab tabiiy sohalarida boshlangan bo'lsa, keyinchalik uning etnografiyasi, arxeologiyasi va tarixiga nisbatan ham qiziqish kuchayib bordi. G'arbiy yevropaliklarning O'rta Osiyoda bo'lishlariga oid ma'lumotlar unchalik ko'p bo'lmasada, lekin diqqatga sazovordir. Aytish mumkinki, mintaqamizga tashrif buyurgan g'arbiy Yevropaliklarning ko'plari maxsus topshiriq yoki shunchaki qiziqish tariqasida biror ob'ektni o'rganish maqsadida kelgan kishilardan iborat edi. Ular asosan mintaqada ma'lum bir shaxslarning yoki davlatning moddiy ko'magi asosida kelganlar va Rossiya hukumatining qattiq nazorati ostida tadqiqot ishlarini olib borganlar. Bu jarayonda qo'lga kiritilgan qimmatbaho moddiy ashyolar to'g'ridan to'g'ri podsho Rossiyasining ixtiyoriga o'tgan. Aytish mumkinki, XIX asrda O'rta Osiyoga kelgan yoki bu yer haqida asarlar yozgan Aleksandr Gumbol'dt (1769-1859), Frans Ferdinand fon Rixtgofer, Vilgelm Sivers, Fridrix fon-Gelvald-nemis olimlarining tadqiqotlarida O'rta Osiyoga oid qiziqarli tarixiy-geografik ma'lumotlar uchraydi. Ularning ba'zilar O'rta Osiyoda bo'lgan, ba'zilar esa unga chegaradosh hududlarda bo'lib, o'lkaga oid muhim ilmiy ma'lumotlarni to'plashgan. Ularning ma'lumotlaridan siyosiy va ilmiy doiralar kerakli maqsadlarda foydalandilar. Bu davrda O'rta Osiyo siyosiy, harbiy manfaatlar to'qnash kelgan hududga aylandi [1, 141]. Shu sababdan o'lkaga g'arbdan ko'plab missiyalar tashrif buyurdi. Ular asosan Rossiyaning o'lkadagi harbiy harakatlarining borishi, istilodan keyingi o'lkada ahvol haqida ma'lumot yig'dilar. Rossiyaning Turkiston general-gubernatorligi va yarim mustamlaka hisoblangan Buxoro amirligi, Xiva xonligida olib borgan siyosatlarini muttasil kuzatib turdilar.

XIX asrda O'rta Osiyoga kelgan va o'lkamiz haqida ma'lumotlar to'plagan Nikolay Potanin, Aleksandr Byorn, P.I.Demizon, P.S.Savelyev, I.V.Vitkevich, K.F.Butenov, G.I.Danilevskiy, N.V.Xanikov, A.I.Butakov, savdogar Abrosimov, V.V.Velyaminov-Zernov, A.P.Xoroshxik, V.V.Krestov, G.A.Aminov va Arminiy Vamberilarning asarlari haqida Boris Vladimirovich Lunin o'z asarlarida ma'lumotlar berilgan [2]. Ushbu to'plamda mualliflarning qisqacha tarjimai holi va yozgan asarlarining tafsilotlari haqida ma'lumotlar bor. Bundan tashqari XIX asrning so'nggi choragida Turkiston siyosiy-ijtimoiy tarixi sahifalarini yoritishda ozmi-ko'pmi xizmat qilishga harakat qilganlar – Vladimir Petrovich

Nalivkin va A.G.Serebrennikov haqida ocherklar respublika matbuoti sahifalarida e'lon qilindi [3, 41]. G'arbiy yevropaliklarning O'rta Osiyoga tashriflari masalasi ko'plab, olimlar tomonidan o'rganilishiga harakat qilingan bo'lsa-da, lekin bu muammo hali ham tugal yechimini topmagan masalalardan bo'lib kelgan. Bu ayniqsa XIX asr ikkinchi yarmi-XX asr birinchi choragida Turkistonga G'arbiy Yevropalik sayohlarning tashriflarini kuzatish davomida yaqqol ko'rinadi. Buning sababi arxiv hujjatlarining batafsil aniq emasligi, ma'muriyatning barcha sayohatlarni xolisona qayd etib bormasligi sabablari edi. Ya'ni bir necha o'n mingliklar davomida G'arbiy yevropalik sayohlarga ayg'oqchi degan shubha ko'zi bilan qaraganliklari sababli ularni to'la qayd etib bormas, ko'pchiligiga ruhsat ham bermasdi. Bundan tashqari xonliklar davrida so'nggi o'rta asrlarda Buyuk Ipak yo'li o'z ahamiyatini yo'qotgach dunyoviy sayyohatlar magistral trassasi ahamiyatidan mahrum bo'lgan. O'rta Osiyo XX asr boshlariga qadar sayohat qilish qiyin bo'lgan mamlakatlardan biri bo'lib keldi.

1913-yilda esa Bartold ko'p bora tilga olgan lingvist va etnograf Robert Got'o Turkistonga tashrif buyuradi. Got'o Turkistonda tog'li hududlardagi tojik millati vakillarining tilini o'rganish uchun tog'li hududlarga xususan Samarqand viloyatining tog'li mintaqalarida, masalan tog'li Buxoroda bo'ladi. Robert Got'oni ushbu katta va murakkab missiyani amalga oshirishida Gissen universiteti doktori Genrix Yunker hamrohlik qiladi. Robert Got'o haqida akademik Bartold quyidagi fikrlarni aytib o'tadi : «So'g'd tarixini o'rganishda etnograf, lingvist, Got'oning faoliyati muhim o'rin tutib, u bu borada yirik mutaxassis edi. Uning so'g'd tilining kelib chiqishi haqida ma'lumot beruvchi «So'g'd grammatikasi tajribalari» asari mazkur davrdagi so'g'd tilining tarixini o'rganishga ahamiyati katta bo'lgan». Uzoq yillar davomida ushbu asar ustida ish olib borgan Got'o 1913-yilda Turkistonga shaxsan o'zi maxsus ekspeditsiya uyushtirib eng so'nggi arxeologik izlanishlar natijalari bilan tanishishga mufaffaq bo'ladi. Aynan shu ekspeditsiya natijasida Got'o o'zining yuqoridagi asari ustidagi ishlarini ham Turkistonda yakunlaydi. Lekin bizga hali ma'lum bo'lmagan sabablar bois ushbu asarning chop etilishi ortga surilib, faqatgina 1923-yilda R. Got'o vafot etganidan so'nggina xalqqa taqdim etilgan. V.V.Bartold fikricha, shu vaqtgacha yevropalik so'g'dshunoslar orasida yetakchi bo'lgan Andreasning asari bilan solishtirganda Got'oning ilmiy salohiyati qanchalar yuqori bo'lganligini yaqqol ko'rishimiz mumkin. Buning boisi, tadqiqotchilar fikricha, Got'oni shu davrgacha ma'lum bo'lgan so'g'd manbalaridan foydalanish bilan birgalikda, yevropalik tadqiqotchi – so'g'dshunoslar e'tiborlaridan chetda qoldirishib o'rganishmagan yana ikki guruh manbalardan foydalanadi. Bu manbalar quyidagilar edi : 1) Eramizning I asriga tegishli bo'lgan Dunxuandagi chegara devorlarining minoralari biridan yaqindagina topilgan va so'g'dshunos doktor Shteyn «Ilk So'g'diy», deb atagan hujjatlar; 2) Yana aynan shu Dunxuandan topilgan va xuddi shu tilda bitilgan budda tekstlari, ularni chuqur o'rgangan R. Got'o fikricha, ular VII asrdan IX asrgacha bo'lgan davrga oid bo'lgan hujjatlar.

R.Got'o faqatgina lingvistik tadqiqotlar bilan cheklanib qolmasdan, etnografik – tarixiy kuzatuvlar ham olib borib, shundan umumiy xulosalarga keladi. Ya'ni uning fikricha, so'g'diylar deb qadimda markazi Samarqand shahri bo'lgan hududda umrguzaronlik qilishgan xalqlarni atashgan. Fransuz xalqining, ziyolilarining Turkistondagi ilmiy tadqiqotlari ichida Got'oning ushbu sayohati oxirgisi bo'lmadi. 1914-yilda Stanislav Feyntux va Marsel' Genriolar ham Turkistonga kelishib Farg'ona viloyatida geologik tadqiqotlar olib bordilar. Biroq 1914-yilda jahonni qamrab olgan birinchi jahon urushi Fransiyadagi ilmiy ekspeditsiyalarga ajratilayotgan mablag'larni qisqarishiga olib kelib, bunday ekspeditsiyalar nisbatan kamayib ketdi.

XX asr boshlarida Turkistonni o'rganishda eng katta jonbozlik ko'rsatgan fransuz millat vakillaridan biri Josef Kastanyening faoliyatini alohida ta'kidlab o'tish lozim [4, 78]. Turkistonda Josif Antonovich degan yangi nom olgan- Jozef Kastanye 1875-yilda tug'ilib, Tuluza o'quv dargohini tugatgan. 1895-yilda esa Rossiyaga kelib Petigorsk gimnaziyasida fransuz tili o'qituvchisi ijrochisi ishiga kiradi. 1901-yilda o'ziga nisbatan chetlatilish qo'llanilgandan so'ng Kavkazni tark etib oilasi bilan Orenburgga ko'chib keladi. Orenburg ilmiy komissiyasining haqiqiy a'zosiga aylangach, uning ishlarida faol ishtirok

etib, maqolalar va kitoblar chop etishda ishtirok etadi. 1904-yilga kelib biz Orenburg ilmiy arxiv komissiyasining yig'inlari protokollarida Kastanyening O'rta Osiyoga sayohatlari asosida qilingan nutqlarini ko'rishimiz mumkin. Xususan, 16-nashrda uning « Turkistonga sayohat haqida hisobot » va «Orenburg guberniyasi va qirg'iz dashtlaridagi arxeologik qazishmalari tafsiloti» deb nom olgan, 1906-yilda esa uning «Bolgasin va Chelxlar dashti xarobalari» nomli ishi nashr etilgan bo'lsa, 1909-yilda «Sunoq ota, Beshtom, Qizil qal'a o'lik shaharlari » nomli asari chop etilgan. Aynan shu davrda u faqatgina dala tadqiqotlari bilan cheklanib qolmasdan mahalliy arxivlaridan Napoleonning 1812-yildagi yurishi davridagi qozoq cho'llariga surgun qilingan fransuz asirlari haqida ma'lumotlar yig'ishga ham harakat qilgan [4, 79]. Bundan tashqari Kastanye etnografiya bilan ham shug'ullanadi. Bu sohada u nashr etgan «Insonda qamalgan kuchlar haqida» nomli maqolasida Turkistonga sayohati davomida o'zi ishtirok etgan shomonlarning davolash seansi haqida yozadi. «Qirg'iz cho'llaridagi qabr usti inshootlari» nomli rus tilida ham nashr etilgan ishida qozoq cho'llaridagi ko'chmanchilar hayoti haqida batafsil yozishga harakat qiladi. Kastanye qabr toshlarini tadqiq etish ishi bilan dastlabki tarzda arxeologik tadqiq etish ishini ham boshlab berdi. Mazkur keng va qadimiy o'lkani yanada chuqurroq o'rganishga da'vatlar uning barcha ishlarida aks etardi. Masalan, u shunday deydi: «Antik sivilizatsiyaning beshigi bo'lmish Turkistonda asrlardan asrlarga quyidagi xalqlar yashagan: skiflar, massagetlar, suriyalik forslar, Aleksandr falangalari, xunlar, arablar, turklar, mo'g'ullar, o'zbeklar, ruslar. Aynan shu irqlar chorhasida yer yuzidagi dinlar paydo bo'lgan, gullab yashnagan».

Turkiston havaskor arxeologlar to'garagi yig'inida chiqish qilar ekan, Kastanye shunday deydi: «...Poytaxt arxeologlari bu yerda qazishmalar olib borishni boshlash uchun nimani kutishayapti? Yoki ular vaqtning so'ngsiz ta'sirlari yoki insonning qo'pol qo'llari qadimning bu yodgorliklarini oxirigacha yo'q qilishini kutishayaptilarmi? Shunday ekan, ular mahalliy havaskor arxeologlarga ko'proq imkoniyat bersinlar. Vaqt kutib o'tirmaydi». Jonkuyar, lekin havaskor Kastanye mutaxassis bo'lmasa-da, lekin o'z ishiga to'la ilmiy yondoshganligini uning to'plami haqidagi yirik tarixchi-sharqshunos V.V.Bartol'dning fikri ko'rsatib turibdi: « Arxeologik manbalarni xususiy yig'malari bilan tanishganlarim orasida Kastanyega tegishli kolleksiyani aytib o'tishim lozim. Kolleksiya ko'p sonli sayohatlar natijasida to'plangan bo'lib, to'la tartibda saqlanish bilan birga, har bir topilmaning kelib chiqishi to'g'ri ko'rsatilgan».

1910-yilda Orenburg muzeyi qo'riqchisi xizmatiga tayinlangan Kastanye muzeydagi barcha tanga, medallar va boshqa yodgorliklarni tartibga solib sistemalashtirib chiqadi. Bundan tashqari u muzeyga A.S. Pushkinning shaxsiy kutubxonasi fransuz tilidagi «Teleman» asarini taqdim etadi. 1912-yil avgustda esa Turkiston general-gubernatori Samsonov nomiga o'zining sog'lig'i yomonlashgani bois Toshkent, Samarqand yoki Skobelev (Farg'ona) dagi biror bir o'quv dargohiga o'tkazishini so'raydi. Shu vaqtda Turkiston havaskor arxeologlar to'garagining ramziy raisi bo'lgan general-gubernator Kastanyening iltimosini qabul qilib, uni Toshkent aniq fanlar o'quv yurtiga fransuz tili o'qituvchisi lavozimiga o'tkazadi [5, 120]. Turkistonning yuragiga kelgan Kastanye endilikda bemalol gubernatorlikning turli hududlariga sayohatlar uyushtirish imkoniyatiga ega bo'ladi. 1916-yil Turkiston qo'shma yig'inida Kastanyening so'zlagan nutqi uning oxirgi chiqishlaridan biri bo'ldi. To'g'ri, u Oktyabr inqilobidan so'ng ham bir qancha muddat Turkistonda bo'ldi. Oldingiday ilmiy tadqiqot ekspeditsiyalarida ishtirok etdi va O'rta Osiyoning arxeologik xaritasini tuzishda V.L.Vyatkin bilan birgalikda ishladi. Turkiston Respublikasi arxiv ishlari Markaziy boshqarmasi tarkibida tuzilgan o'tmish madaniyat va sa'nat yodgorliklarini himoya qilish komissiyasining arxeologiya bo'limida ishladi. 1918-yilda favqulodda vaziyatlar komissiyasi Kastanyening antisovet fitnasida ishtirok etishda ayblab qamoqqa olishga harakat qiladi. Ammo do'stlari tomonidan oldindan ogohlantirilgan Kastanye yashirinishga muvaffaq bo'lib faqatgina 1920 yilda Fransiyaga qochib ketadi [5, 124]. Fransiyaga qaytgan Kastanye o'zi to'plagan ma'lumotlarni chop etishga kirishadi. Xususan, 1922-yilda «Musurmon dunyosi» (Revue du Monde Musulmon) jurnalida «Bolshevizm va

islom» nomli maqola chiqaradi. Bu Kastanyening siyosiy sohadagi dastlabki ishlaridan biri bo'lib, unda Turkiston, Xorazm, Buxorodagi 1917-1922 yillar voqealari, inqilob, sovet hokimiyatining dastlabki faoliyati, fuqarolar urushi yoritilgan. Maqolaning alohida qismi («Turkistondagi o'zbek pressasi») shu davrda O'rta Osiyoda chop etilgan gazeta va jurnallarga bag'ishlangan. Shu tariqa Turkiston o'lkasini keng ko'lamda arxeologik va tarixiy jihatdan tadqiq etish ishlari G'arb olimlari tomonidan keng ko'lamda olib borildi. Bu esa o'lka tarixiga oid bo'lgan bir qancha boy ma'lumotlarning olinishiga va ilm fanda yangiliklarning ochilishiga sabab bo'ldi. G'arb olimlarining mintaqada imkon qadar arxeologik tadqiqotlar amalga oshirishiga Podsho Rossiyasi tomonidan olib borilgan siyosat o'z ta'sirini ko'rsatmay qolmadi. G'arb olimlarining har qanday mintaqadagi tadqiqoti Podsho Rossiyasining qattiq nazorati ostida amalga oshirilardi. Bunday taqiqotlarning mavjud bo'lishiga qaramay G'arb olimlari tomonidan Turkistonning tarixi va arxeologiyasiga oid ko'plab ma'lumotlar jamlangan. Bu esa Turkistonda arxeologiya fanining keyingi davrda rivoj topishiga olib keldi. Shu bilan birga mintaqada mahalliy arxeologlar qatlami ham rivoj topa boshladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Saidboboev Z. XIX asr nemis olimlarining O'rta Osiyoga doir tarixiy-geografik ma'lumotlari // Ijtimoiy fikr. Inson huquqlari. №1, (29), 2005.
2. История Узбекистана в источниках. Узбекистан в сообщениях путешественников и ученых (20-80-е годы XIX в.), -Т., «Фан», 1990.
3. Крикун Н. Он жил в глубине народной жизни. Очерк о Владимире Петровиче Наливкине // Голос Узбекистана, 1992 год, №24-25, 2-8 июля; Содиков М. Тарихимизга доир мухим мажмуа // Мозийдан садо, 2002 йил, №1(13), 40-43 бетлар.
4. В.В.Бартольд Сочинение, том IV «Работы по археологии, нумизматике».
5. Горшенина С.М. Странный археолог Кастанье. // Звезда Востока, 1996 №3.
6. Маджи С. Ж.А.Кастанье как историк Азии. // Общественные науки в Узбекистане. 1999, № 6.

ЎЗБЕКИСТОН АРХЕОЛОГИЯСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ ЧИЗГИЛАР

Н.Аҳмеджонов,
Жиззах вилоят ХТХҚТМОМ

Археология тарихнинг бир бўлими сифатида шаклланди ва тараққий этди. Тарих фани тарихий, ёзма ва моддий манбаларни ўз ичига олади. Моддий манбаларнинг ўзига хос хусусиятлари уларнинг алоҳида мутахассислар, яъни археологлар томонидан ўрганилишини зурурат қилиб қўяди. XX аср бошида машҳур инглиз археологи Г.Чайльд таъкидлаганидек: “археология фан сифатида ўтмишининг чексиз уфқларини кўришни шу даражада кенгайтирди, тарихшуносликда ўтмишни ўрганиш имкониятларини юзлаб қарра оширди”, - деб ёзган эди.

Қадимги маданият ўчоқларидан бири бўлган Ўзбекистон моддий-маданият ёдгорликларига ниҳоятда бойдир. Ўзбек халқининг узок ўтмишдан қолган тарихий обидаларини ўрганиш, XIX асрнинг иккинчи ярмида, Ўрта Осий подшоҳ Россияси томонидан босиб олингандан сўнг бошланган бўлсада, Ватанимиз худудида археологик тадқиқотлар ва моддий маданият ёдгорликларини илмий асосда, ҳар томонлама чуқур текшириш ишлари XX аср биринчи ярим йиллигида кенг қўламда амалга оширилди.

XX асрнинг 20-30-йилларида Ўзбекистоннинг турли худудларида қатор мухим археологик

текширишлар ўтказилди. 1925-1930 йилларда Самарқандда В.Л.Вяткин, 1926-1928 йилларда Термизда Б.П.Денике, 1925-1928 йилларда Оҳангарон водийсида М.Е.Массон, 1929-1930 йилларда эса А.А.Потапов ҳамда 1930-1933 йилларда Фарғона водийсида Б.А.Латининлар қазилар ва қидирув ишлари олиб бордилар.

1930 йилларнинг иккинчи ярмида Москва, Ленинград ва Ўзбекистон олимларининг ҳамкорлигида бир нечта археологик экспедициялар ташкил этилади. А.Ю.Якубовский бошлиқ Зарафшон (1934 й); М.Е.Массон раҳбарлигида Термиз (1936 й) ва С.П.Толстов бошлиқ Хоразм (1937 й) археологик экспедициялари шулар жумласидандир.

1945 йилдан соғил Иттифок Фанлар академияси Хоразм археологик-этнографик экспедицияси ишга тушди. 1946-1948 ва 1950-1952 йилларда А.Н.Бернштам бошлиқ Помир-Олой ва Помир-Фарғона водийси экспедицияси Фарғона археологиясини ўрганди. А.Ф.Ғуломов ва В.А.Шишкинлар раҳбарлигида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўзбекистон археология экспедицияси иш бошлади. Бу экспедициянинг кўпгина отрядлари Самарқанд, Бухоро ва Тошкент воҳаларида ҳамда Фарғона ва Сурхондарё водийларида археологик қазилар ўтказди.

Ўзбекистондаги энг қадимги шаҳарлардан бири –Самарқандни тарихий ва археологик жиҳатдан ҳар томонлама чуқур ўрганиш мақсадида 1966 йилда В.А.Шишкин бошлиқ Афросиёб археологик экспедицияси ташкил этилди. Кейинчалик, ушбу экспедицияга Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Я.Ғ.Ғуломов раҳбарлик қилди. (1967 й) Булардан ташқари кейинги йилларда жуда кўп махсус археологик отрядлар ташкил этилиб, Чимқурғон, Жанубий Сурхон, Туябўғиз сув омборлари ва Чорвоқ ГЭС зонасида ҳамда Аму-Бухоро, Аму-Қарши ва Марказий Фарғона каналлари трассасида археологик текширишлар олиб борилди.

Археологик олимлар А.П.Окладников, С.П.Толстов, Я.Ғ.Ғуломов ва бошқаларнинг кўп йиллар давомида олиб борган археологик тадқиқотлари туфайли Ўзбекистон археологиясининг палеолит, неолит, бронза даврлари пухта ўрганилди.

Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Самарқанд, Тошкент ва бошқа жойларда ўтказилган археологик қазилмалар Ўзбекистонда архаик, антик ва ўрта асрлар даври археологиясини ўрганишда жуда бой ва қимматли материаллар берди. Археологлар томонидан топилган муҳим объектлар, айниқса моддий-маданият ёдгорликлари Ўрта Осиё халқлари қадим замонлардаёқ юксак ва ўзига хос маданиятга эга эканини ва жаҳон халқлари маданиятига катта ҳисса қўшганини, шубҳасиз факт сифатида тасдиқлашга имкон берди.

1938-1939 йилларда А.П.Окладников томонидан Ўзбекистоннинг мустье даври ёдгорликларидан бири Тешиктош ғор макони топиб ўрганилди. Ушбу топилма мустье даври бўйича жуда кўплаб қимматли маълумотларни берди.

Қорақалпоғистон Республикасидаги Жонбосқалъа яқинидаги С.П.Толстов томонидан топиб текширилган неолит даври ёдгорлиги фанда Қалтаминор маданияти деб ном олди. Бу маданиятга мансуб бўлган ёдгорликлардан 60 дан ортиқроғи 1950-1966 йиллар оралиғида Зарафшон ва Қашқадарё этакларидан топиб ўрганилди.

Мустақил археологик тадқиқотларни Я.Ғуломов илк бор 1936 йилда қадимги Хоразм ерларида ҳаваскор археолог дўсти Т. Мирғиёсов билан биргаликда бошлади. 1937 йилда унинг гуруҳига археолог А.И.Тереножкин ва архитектор Б.Н. Засипкинлар жалб этилди. Я.Ғуломов қадимги Хоразм ерларида сақланиб қолган сон-саноксиз археологик ёдгорликлар, бу кўҳна ўлкани қачонлардир оби ҳаёт билан таъмин этган кўҳна суғориш тармоқларининг қуруқ ўзанлари ва атрофда сочилиб ётган турли-туман археологик топилмаларни ўрганар экан, деҳқончилик хўжалигининг асоси ҳисобланган суғориш тарихи билан жиддий шуғулланишни илмий-тадқиқотларининг ўзаги сифатида қарайди. Чунки, Ўрта Осиёнинг қадимги маданият масканларидан бири ҳисобланган Хоразмнинг ўзлаштирилиб обод этилиш тарихи, қадимги

маданияти ва бу ўлка аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари билан боғлиқ бўлган қатор масалаларга аниқлик киритиш учун Хоразмнинг суғорилиш тарихини босқичма-босқич синчиклаб ўрганиш ва катта куч билан кенг кўламдаги тадқиқотларни амалга ошириш зарур эди. Я.Ғуломов Хоразм воҳасида қалъа, қўрғон эски шаҳар харобаларини ўрганишда гўё очик осмон остидаги музей-кўриқхона сифатида турган, турли даврларда қурилган меъморий комплексларга бой Хива шаҳрига, унинг обидаларига алоҳида эътибор қаратади, улар устида кўплаб тадқиқотлар олиб боради. Бу изланишларнинг натижаси сифатида 1941 йилда Я.Ғуломов қаламига мансуб “Хива шаҳри обидалари” номли китоби босилиб чиқади.

1965 йили Афросиёб ёдгорлигида илк ўрта асрлардаги Самарқанд ҳокими Вархуманнинг муҳташам саройи очилади. Сарой деворлари такрорланмас ранг тасвир суратлар билан безатилган эди. Лекин, ўша пайтда республикада ушбу қимматли топилмаларни юксак савияда кўчириб оладиган тажрибали таъмирчи, санъатшунослар етишмас эди. Топилмаларни очиш маълум муддатда кечиктирилади. 1966 йилда Я.Ғуломов Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих ва Археология институти қошида кимё-технология тадқиқотлари ва консервациялаш лабораториясини ташкил этилишига жуда катта ҳисса қўшди. Ушбу лабораторияда олимлар ишлаб чиққан кимёвий таъмирлаш усуллари туфайли кўпгина санъат обидалари, жумладан, жаҳон маданиятининг дурдоналаридан бўлган Афросиёб, Варахша, Зартепа, Товқа, Жартепа тасвирий санъат асарлари, Сополлитепа, Куёвқурғон ҳайкаллари, турли ёзув маданияти намуналари сақлаб қолинди ва халқимизнинг маданий меросига айлантирилди.

Ўзбекистонда кенг кўламда олиб борилган археологик изланишлар туфайли Ўрта Осиёнинг қадимий маданият марказларидан ҳисобланган Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё ва Тошкент воҳаларида, Фарғона ва Сурхондарё водийларида Ўрта Осиё халқлари тарихининг турли босқичларига оид жуда кўп нодир моддий маданият ёдгорликлари топиб ўрганилди. Археологик ёдгорликларни кенг кўламда ва мунтазам равишда ўрганиш уларнинг даврини аниқлаб олиш имконини берибгина қолмай, балки Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий тарихи билан боғлиқ бўлган жуда кўп масалаларни ечиб берди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. А.В.Арциховский. Археология асослари. Ўқитувчи Тошкент. 1970.
2. Ўзбекистонда археология фанини ривожлантириш концепцияси //Ўзбекистон моддий маданияти тарихи // 32-нашр 2001.
3. Т.Ш. Ширинов, М.Ҳ.Пардаев, Ж.К.Мирзааҳмедов. Академик Я.Ғуломовнинг ҳаёт йўли ва илмий мероси. //Ўзбекистон моддий маданият тарихи// 29-нашр. Самарқанд. 1998.

В.А.ШИШКИННИНГ ВАРАХША ВА АФРОСИЁБ ЁДГОРЛИКЛАРИДА ЎТКАЗГАН ИЗЛАНИШЛАРИ ХУСУСИДА

Ж.Ж.Юлдашев,
Жиззах вилоят ХТХҚТМОҲМ

Ўзбек халқининг узок ўтмишдан қолган тарихий обидаларини ўрганиш, гарчи XIX асрнинг иккинчи ярмида, Ўрта Осиё подшо Россияси томонидан босиб олингандан сўнг қисман бошланган бўлсада, републикамиз ҳудудида археологик тадқиқотлар ва моддий маданият ёдгорликларини илмий асосда ҳар томонлама чуқур текшириш ишлари XX асрнинг 40-70 йилларида бир қанча археолог олимлар томонидан кенг кўламда амалга оширилди. Шундай археологлардан бири ЎзР ФА муҳбир аъзоси, профессор В.А.Шишкин ҳисобланади. Шишкин Василий Афанасьевич 1893 йил 29 декабрда (1894.10.1) Киров вилоятида таваллуд топган. 1961 йилда тарих фанлари доктори. 1943-1966 йилларда Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих ва археология институти археология

секторининг мудирини лавозимида ишлаган. 1923 йилдан Бухоро, Самарқанд, Тошкент шаҳарларида ўрта ва олий ўқув юртлирида дарс берган. Шишкиннинг археологик тадқиқот ишларига назар ташлайдиган бўлсак Ўзбекистон археологияси ривожига улкан ҳисса қўшганлигини кўришимиз мумкин. В.А.Шишкин фаолиятига тўхталадиган бўлсак, у дастлаб Зарафшон (1934-1935) ва Термиз археологик комплекс экспедициясига 1936-1938 йилларда раҳбарлик қилди, 1939 йилларда Пойкендни ўрганишда иштирок этди, 1941 йилда Амир Темур мақбарасини очишда иштирок этди, шунингдек 1938 йилда Г.А. Пугаченкова билан ҳамкорликда Жарқўрғон минорасини текшириш ишларида ва бошқа археологик экспедицияларда қатнашган. Улуғбек расадхонаси Шишкин томонидан 1948 йилда қазиб тўла ўрганилди. 1938—1939 йилларда Варахшада археологик тадқиқотлар олиб бориб, 1963 йилда 3 қисмдан иборат йирик монография - «Варахша» асарини яратди. Шишкин 40 йиллик илмий фаолиятида 100 га яқин асарлар ёзган. 1959-1965 йилларда Ўзбекистон ФА Тарих ва археология институтининг илмий тўпламларига муҳаррирлик қилган. «Ўзбекистон халқлари тарихи», «Ўзбекистон ССР тарихи» китобларини тайёрлашда иштирок этган. В.А.Шишкин 1966 йил 18 октябрда Самарқандда вафот этади.

Унинг дастлаб Варахшада олиб борилган тадқиқот ишларига этибор қаратсак.

Варахша Бухородан 40 км шимоли-ғарбда, Дашти Урганжи кўлининг қадимги Раҷфандун воҳасида жойлашган қадимги шаҳар харобаларидан бири ҳисобланади. Варахша ва унинг атрофида В. А. Шишкин 1937-1939 ва 1947-1954 йилларда кенг кўламда археологик тадқиқотлар олиб борган; Археологик қазилмалардан маълум бўлишича, Варахша милoddан аввалги II асрда бир-бирига туташган бир нечта истехкомли қишлоқлар тарзида қад кўтарган. Варахша харобаларининг шимолий-ғарбида қадимги кўрғонлардан бирининг ташқи девори ҳамда ярим доира шаклдаги буржи (ички сахни 4,5x5 м) қазиб ўрганилган. Девор (қалинлиги 1,8-1,9 м) хом ғиштдан (ҳажми 37x41x10 см) қурилган. Девор ва буржларида пайқонсимон нишон туйнуқлари (ички томони 38-40 см, ташқариси 75-80 см, кенглиги 20-22 см) очилган. Милoddан аввалги II-I асрларда ва милodий I-II асрларда Варахша ва унинг атрофида маданий ҳаёт гуллаган. III-IV асрларда Варахша таназзулга учраган. V асрда Варахша яна тикланиб Бухоронинг қадимги ҳукмдорлари - бухорхудотларнинг қароргоҳига айланган. Шу даврда Варахша мустақкам девор билан ўралган, унинг жанубий қисмида арк қурилган. VIII-X асрларда айниқса обод бўлган. Варахша ва унинг атрофлари 12 канал билан суғорилиб, Раҷфандун воҳасидаги энг йирик ва марказий қалъалардан бирига айланган. Бухоро ва Хоразм оралиғидаги қарвон йўли Варахша орқали ўтган (Истаҳрий ва Ибн Ҳавқал маълумотлари). Ҳар ўн беш кунда Варахшада бир кунлик, йил охирида 20 кунлик бозор сайли (наврўзи кашоварзон, яъни дехқонлар янги йили) ўтказилган (Наршахий). Бухорхудотлар қароргоҳи қилиниши билан Варахша йирик шаҳарга айланган. XI-XII асрларда унинг ҳудуди энига 6 км дан зиёд бўлган. XII асрда Варахша воҳасидаги ҳаёт тўсатдан номаълум сабабларга кўра тўхтаб қолган.

1949-1954 йилларда Варахша тарихи ва меъморчилиги ўрганилди. Квадрат шаклдаги йирик хом ғиштлирдан қўшминора тарзида ўраб чиқилган тақкурси (баландлиги 15 метр)ларнинг бирига подшо саройи ва иккинчисига соқчи хонали дарвозахона бино қилинган. Аркнинг шарқий қисмида томи равоқсимон гумбаз тарзида ёпилган узун йўлаксимон (навқархона ва дарвозахона) хоналар мавжуд бўлган. Аркнинг марказида жануб томони мудофаа деворига ёндошган Варахша ҳукмдорининг саройи жойлашган. У Шарқий (11,5x17 м) ва Ғарбий (6,6x7,25 м) меҳмонхона ҳамда Қизил хона (зал) (8,5x12 м) лардан иборат бўлган. Сарой ғарб томонидан 3 равоқли ганчқори устунлар ўрнатилган ҳашаматли пешайвон билан ўралган. Айвон равоқларининг устунлари ва тоқилари ганчқори қабартма тасвирлар ҳамда турли хил гирихлар билан безатилган. Саройнинг Қизил хона ва Шарқий меҳмонхоналари тўла кавлаб очилган. Хона деворлари майда сомонли лой сувоқ устидан юпка ганч сувоқ қилиниб, деворий расмлар қизил, сарик, кулранг, қора, зангори, пушти ва жигарранг бўёқлар билан безатилган. Уларда турли хил манзаралар, фил минган шаҳзода

ва чокарларнинг олд ва ордан човут солган қоплонлар билан олишуви, қайрилиб нишонга камондан ўқ узаётган от устидаги чавандоз, қанотли туя шаклидаги олтин тахтада ўтирган ҳукмдор тасвирланган. Шарқий меҳмонхона деворида тиз чўкиб, қўлида қадаҳ тутган малика, белида шамшир, бир қўлида қискич ушлаган подшоҳ, ўртада вазасимон оташгоҳда ёниб турган муқаддас олов-азархурро, оташгоҳдан ўнгда белига ханжар таққан шахзоданинг тиз чўкиб ибодат қилаётган тасвири ёки совут ва дубулға кийган, қўлларида найза, қалқон ушлаган суворийларнинг жанг қилаётган, шунингдек бутазор, тўқай ичидаги ов манзараси каби тасвирлар, айниқса диққатга сазовордир.

Археологик топилмалардан аниқланишича, жанубий хоналарнинг иккинчи қаватидаги хона ганчкори нақшлар билан безатилган экан. Кўплаб топилган қабартма ганчкори нақшлар орасида ҳовузда сузиб юрган балиқлар, елкасидан ўқ еган архар, елиб бораётган жайрон, беданалар, аёл бошли бахт қуши - Ҳумо, ҳамлага тайёрланаётган аждарҳо, тақимиға садоқ боғлаган суворий ҳамда кўпдан-кўп аёлларнинг бош қисмлари билан бир қаторда турли хил ислимий ва гириҳ парчалари учрайди.

1958-1966 йилларда В. А. Шишкин раҳбарлигида олиб борилган кенг кўламли археологик қазишлар натижасида қадимги маданий қатлам материаллари Афросиёбнинг бошқа жойларидан ҳам топилди. 1966 йил 13 июлда Афросиёбни археологик жиҳатдан комплекс ўрганишни ташкил этиш мақсадида Республика ҳукуматининг махсус қарори қабул қилинди. Унга кўра, Афросиёб “археологик кўрикхона” деб эълон қилиниб, уни ўрганиш ишига Тошкент ва Самарқанд давлат университетлари ҳамда Маданият вазирлигининг Санъатшунослик институти ҳам сафарбар этилди. Аниқ илмий режалар асосида бошланган археологик тадқиқотлар туфайли нафақат шаҳарнинг кўп асрлик ёши, балки унинг ҳар хил даврлардаги тарихий топографияси, шаҳар таркиби, шаҳар ҳаётининг ривожланиш босқичлари, босқинлар туфайли юз берган бухронлар даври аниқланди. Самарқанд ихшидларининг шоҳона саройи очилди.

Афросиёб Самарқанднинг қадимги харобаси. Бу ном тарихий манбаларда қадимги Самарқандга нисбатан фақат XVII-асрдан бошлаб учрайди. Қадимги Самарқанд Суғд ёзма манбаларида Smarakanve деб аталган. Милоддан аввалги IV асрда Самарқанд Александр Македонский кўшинлари томонидан истило этилгач, юнон муаллифлари кундаликларида Мароканда сифатида эслатилади. Мароканда Smarakanve нинг юнонча айтилишидир. Мовароуннаҳрда сомонийлар ҳокимият тепасига келгач, қадимги Smarakanve 9 асрдан бошлаб Самарқанд деб атала бошланди. XI-XV асрларда туркий тилда битилган адабиётларда Самарқанд Семизкент сифатида учрайди. XV -асрдан форсий ва туркий тиллардаги манбаларда бир хилда Самарқанд номи ишлатиладиган бўлди. Афросиёб ҳозирги Самарқанднинг шимолий чегарасига туташган кенг бўш тепаликлар бўлиб, унинг майдони 219 га. Тепаликнинг шимоли Сиёб ариғи билан чегараланган. Жанубий томондан «эски шаҳар», деб аталган Самарқандга кўшилиб кетган. Шаҳарнинг дастлабки тарихи ҳақида ёзма манбаларда маълумотлар жуда кам учрайди. Кўхна шаҳарда ўтказилган археологик қазишлар эса бундай маълумотларни кўпроқ бермоқда. Археологик қазишмалар бир неча метр қалинликдаги маданий қатламлар қандай бўлганлигини кўришга, бойлар ва камбағалларнинг уйлари, хунар- мандларнинг устахоналарини, савдогарларнинг дўконларини, кўча ва майдонларни, шоҳона саройлар ва ибодатхона, масжид ва мадрасаларни, мудофаа иншоотларини, шаҳарнинг сув билан таъминлаш тизими ва ҳоказоларни аниқлашга ёрдам беради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, В.А.Шишкин томонидан Варахша ва Афросиёбда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаси Ўзбекистон археологияси фанига жуда катта илмий янгиликлар олиб келганлигини кўришимиз мумкин.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Шишкин В. А. Архитектурные памятники Бухары, Т., 1936.

2. Шишкин В. А., Варахша, Москва., 1963.
3. Ширинов Т.Ш., Бердимуродов А.Э., Пардаев М.Х. Ўзбекистон археологияси фанининг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан// Ўзбекистон археологияси. 2010 йил № 1.
4. Холбоев З.Т “Ўзбекистоннинг археология ёдгорликлари” ўқув-услубий қўлланма. Жиззах, 2014.
5. Асқаров А. Бухоронинг ибтидоий давр тарихидан лавҳалар. Тошкент, 1973.
6. Алимова Д., Асқаров А., Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 8 жилд, 2004.

ШҲРОЛАР ДАВРИДА ҲЗБЕК АРХЕОЛОГИЯСИНИНГ ҲОЛАТИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ғ.Ғ. Ҳамраев,
ЖДПИ, Жиззах

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида мустақил Ўзбекистоннинг нуфузи қай даражада ошиб бораётгани барчамизга аён, маълум ҳақиқат бўлса, унинг дунё халқлари цивилизациясига қўшган улкан ҳиссаси ҳам шу даражада эътироф этилаётган оддий ҳақиқатдир. Халқимиз, бугунги ёш авлод, ҳақли тарзда шу буюк, шонли тарих, маданият билан фахрланадилар ва ўзларини ушбу маънавий мероснинг ворислари ҳисоблайдилар. Чунки, тарих – инсониятнинг ўтмиши, аждодлари ҳаёти, маданияти, маънавияти ҳақидаги хотиралардир. Кеча, бугун, келажак эса тарихий хотиранинг бир-бири билан узвий боғлиқ занжирли халқларидир. Шу сабабли, кечаги ўтмишни бугун ўрганмай туриб, эртанги келажакни яратиб бўлмайди. Юртимиз, миллатимиз тарихини ўрганиш турли даврларда, турли даражада мақом ва мавқеда бўлганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Хусусан, шўролар даврида собиқ иттифоқдош республикалар тарихига жуда кам эътибор берилгани, бу тарихнинг андозаси бир қолипдан олингани, коммунистик мафкура ғояси билан зўрма-зўраки равишда “суғорилгани” ҳам ҳали ёдимиздан кўтарилгани йўқ. Энг ачинарлиси, тарих илмига асосан жуда катта ашёвий манба берадиган археология фанини ҳам сиёсийлаштиришга, уни коммунистик ғоялар учун хизмат қилдиришга уринишлар бўлгани ҳам аччиқ ҳақиқатдир [Ўзбекистон моддий маданияти тарихи, 2012, 3-б]. Шунга қарамасдан, Ўзбекистон археологияси ўтган асрнинг 2-ярмидан ўз шаклланишини бошлади, унинг том маънодаги тараққиёти эса истиқлол йиллари билан бевосита боғлиқ эканлигини шу ўринда бевосита таъкидлашимиз лозим.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда археология фани асосан ХХ асрнинг 20-30 йилларида ўзининг шаклланиш босқичини ниҳоясига етказди. Бу даврда В.Л.Вяткин Афросиёб шаҳар ҳаробасини (1925,1929,1930 йй.), Б.П.Денике қадимий Термизни (1926-1927 йй.), М.Е.Массон Оҳангарон водийсининг бир қатор ёдгорликларини (1925-1928 йй.), Айритом ҳаробаларини (1932-1933 йй.) қазиб ўргандилар. 1930 йилларда кенг кўламда қазилган ишларини А.Ю.Якубовский Зарафшон водийсида (1934-1939 йй.), М.Е.Массон Қадимий Термизда (1936-1938 йй.), В.А.Шишкин Тали-Барзуда (1936-1939йй.), Варахшада (1937-1939 йй.), С.П.Толстов ва Я.Ғ.Ғуломов кўҳна Хоразм воҳасида (1937-1950 йй.), А.П.Окладников Тешиктош ва Мачай ғорларида (1938-1939 йй.), В.В.Григорьев Қовунчитепа ҳаробаларида (1934-1937 йй.) олиб бордилар. Тўпланган археологик материаллар Ўзбекистон тарихини ниҳоятда қадимийлигини исботлади, уни даврлаштиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилди, янги археологик маданиятлар – Калтаминор, Тозабоғёп, Амиробод, Қовунчи маданиятлари ўрганилиб фан муомиласига киритилди. Натижада, Бактрия, Хоразм, Суғд тарихий – маданий ўлкаларида қадимги даврлардан бошлаб ўзига ҳос маданий ҳаёт бунёт этилганлиги фан оламига маълум бўлди. Айниқса, 1938 йилда ўтказилган археологик тадқиқотлар натижасида, Тешиктош

ғоридан неандертал типдаги одам, “хомо сапиенс” скелетини топилиши Ўзбекистон археологиясидаги буюк кашфиёт ҳисобланиб, бу дунё олимларида катта қизиқиш уйғотди. Ушбу кашфиёт орқали Ўзбекистон диёри ҳам ер юзида антропоген жараёнлари содир бўлган муҳим, энг қадимий масканлардан бири эканлиги фан оламида эътироф этилди [Муҳаммаджонов, 2000. 434-б].

Ўзбекистонда археология фанини ривожлантиришда Ўрта Осиё Давлат университетида Археология кафедрасини очилиши (1940 й.), ЎзФА қошида дастлаб Археология бўлимини, сал ўтиб, тарих ва археология институтини ташкил этилиши (1943 й.), республикада қадимшунос мутахассисларни, айниқса маҳаллий кадрларни тайёрлашда катта аҳамиятга эга бўлди. Археология кафедрасида таҳсил олган талабалардан кўплари истикболда, нафақат Ўзбекистон, Ўрта Осиё ёки собиқ иттифоқ давлатлари, балки дунё миқёсида таниқли археолог бўлиб етишдилар. Кафедрада таҳсил олган Б.А.Литвинский, В.М.Массон, В.И.Сарианиди, Ю.Ф.Буряков, Э.В.Ртвеладзе, А.А.Сагдуллаев, О.Б.Обельченко, Б.Д.Кочнев, Р.Ҳ.Сулаймонов, С.Б.Лунина, Г.В.Шишкина, Ш.Р.Пидаев, Б.А.Турғунов ва бошқа кўплаб мутахассислар археология фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшдилар [Ўзбекистон археологияси,10-б]. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ўтган асрнинг 30-40 йилларидан бошлаб археологияга маҳаллий кадрлар кириб кела бошлади. Бу жараёнларда “биринчи қалдирғоч” вазифасини ўтаган Я.Ғ.Ғуломовнинг босиб ўтган ҳаёт йўли, илмий педагогик фаолити ва илмий мероси ўзидан кейинги авлод ўзбек археологлари учун юксак намуна вазифасини ўтади.

Я.Ғ.Ғуломовнинг кўп қиррали илмий фаолияти 1933 йилдан бошланиб, дастлаб 1933-1940 йилларда у Ўзбекистон қадимий ёдгорликлари ва санъат асарларини кўриқлаш қўмитаси илмий ходими ва илмий котиби вазифасида иш бошлади. Шу вақтдан эътиборан, у археологик тадқиқотларда қатнашади, илмий экспедициялар ва текширишларда иштирок этади. 1940 йилдан Я.Ғ.Ғуломов СССР ФА Ўзбекистон бўлинмасида ишлайди: аввалига, тарих, тил ва адабиётшунослик институти археология бўлими мудири, 1943 йилдан умрининг охиригача – ЎзССР ФА (1956-1959 йилларда у шуниндек, ушбу институтда директор вазифасини ҳам бажарган) тарих ва археология институтининг қадим ва ўрта асрлар бўлими мудири сифатида фаолият кўрсатган. Илмий ва педагогик фаолиятини умумлаштириб, кўп йиллар мобайнида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида ишлаган [arbob.uz]. Машҳур олимнинг илмий фаолиятига назар ташлар эканмиз, аввало унинг диққат марказида Ўзбекистон тарихи ва археологиясининг асосан уч йўналиши муаммоларини ўрганиш турганлигини кузатишимиз мумкин. Булар: Ўзбекистоннинг қадимги даврлардан ҳозирги кунларгача бўлган суғорилиши тарихи; Ўзбекистоннинг уруғ жамоа тузуми археологияси ва тарихи, Ўрта Осиёнинг қадимги даврларидан октябр давлат тўнтаришигача бўлган тарихи. Мазкур илмий муоммоларни хал қилиш учун Я.Ғ.Ғуломов Республикамининг катта қисмида фаолият кўрсатган, бир қанча йирик археологик қидиру экспедицияларига бошчилик қилган. Натижада, Хоразм цивилизациясининг асосий ирригация тармоқларининг ўрганилиши, неолит даврига оид Дарвозақир макони, Замонбобо қабристонини очилиши, Зарафшон ва Қашқадарё хавзаларидаги тош даври ёдгорликларини, Жиззахнинг шимолий-ғарбидан мажусийлар тош қурбонгоҳи (дольмен) ни топилиши, Тошкент воҳасидан Оби-Раҳмат, Фарғона водийсидан палеолит, мезолит, неолит, бронза ва машҳур Кува Будда ибодатхонасининг очилиши каби муҳим кашфиётларнинг барчаси аллома Я.Ғ.Ғуломов номи билан боғлиқ бўлди. Айниқса, ўтган асрнинг 50-70 йилларида Я.Ғ.Ғуломов илмий тадқиқот ишлари ва педагогик фаолияти билан илмий жамоатчиликнинг диққат марказида турди, таҳсинга сазовор бўлди [Ширинов, Пардаев, Мирзааҳмедов, 1998. 5-б.].

Ўрганилаётган давр археология фанининг ривожиди профессор М.Е.Массоннинг ҳам хизматларини алоҳида шу ўринда таъкидлаш жоиз. Кушон тарихи ва маданиятини илмий жиҳатдан илк бор ўрганиш 1932-1933 йилларда Термиз яқинидаги Айритом деган жойда тошда тараб

ишланган суратларнинг топилиши билан бошланади. Бу топилма фандд “Айритом фризи” номи билан маълум. Мазкур топилмани биринчи бўлиб М.Е.Массон ўрганди ва уни фанга киритди [Массон, 1933. с-50]. Фризда уч созанда аёл тасвирланган. 1933 йили М.Е.Массон томонидан Айритомда олиб борилган археологик қазилмалар давомида ушбу фризнинг қолган қисмлари ҳам топилган. Ушбу топилмаларни М.Е.Массон ҳар томонлама ўрганиб, таҳлил қилиб, уларда буддавийлик дини билан боғлиқ кўриниш тасвирланганлиги, унда эллин ва ҳинд – гандҳар маданиятлари анъаналари ўз ифодасини топганлигини қайд қилди. Топилмалар М.Е.Массон томонидан миллоднинг I асрига мансуб, деб аниқланди. Эътиборли томони шундаки, мазкур топилма асосида М.Е.Массон томонидан Кушон тарихи ва маданиятга боғлиқ билдирилган фикрлар ҳозирги кунда ҳам ўзининг илмий аҳамиятини йўқотмагани [Ўрта Осиёнинг маданий мероси, 2002, 295-б].

Хулоса қилиб айтганда, мустақилликнинг дастлабки даврларидан бошлаб халқимизнинг қадим ўтмиши, шонли тарихи, аждодларимиздан қолган нодир маданий меросни илмий ўрганиш, уни асраб-авайлаш бўйича янгича ёндашув, талаб ва вазифалар давлат миқёсида кун тартибига кўйилган. Айнан истиклол йилларида ниҳоятда фаоллашган тадқиқотлар кўлами ва уларнинг илмий самараси туфайли, Ўзбекистон археологияси дунё илм-фани даражасига кўтарилди. Бундай натижа эса, ўз навбатида, Ўзбекистон археологияси учун дунёдаги етакчи археология марказлари билан илмий ҳамкорлик ўрнатишга, кенг асосда халқаро шартномалар тузишга замин яратди. Бугунги кунда Ўзбекистон археологияси миллат манфаати, унинг маданий-маънавий ҳаёти, мустақиллик ғоялари талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритмоқда, фанга хизмат қилмоқда.

ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон моддий маданияти тарихи. 37-нашр. “Самарқанд”, 2012, 3-б.
2. Муҳаммаджонов А. Археология // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000. 434-б.
3. Ўзбекистон археологияси. 2010. №1. 10-б.
4. [https // arbob,uz](https://arbob.uz),
5. Ширинов Т.Ш., Пардаев М.Ҳ., Мирзааҳмедов Ж.К. Академик Я.Ғ.Ғуломовнинг ҳаёт йўли ва илмий мероси // ЎММТ. 29-сон. Самарқанд, Суғдиёна, 1998. 5-б.
6. Массон М.Е. Находки фрагмента скульптурного карниза первых веков н.э. // Материалы Узкомстариса. - Т., 1933. Вып. I, с-50.
7. Ўрта Осиёнинг маданий мероси. Т., 2002, 295-б.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВИДА САҚЛАНАЁТГАН БИБЛИОГРАФ Е.К.БЕТГЕРНИНГ ШАХСИЙ ФОНДИДАН

Х. Олимжонов,
ЎЗМУ, Тошкент

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг янги бир босқичида, ижтимоий соҳани ислоҳ қилишнинг ҳозирги шароитида кутубхона ва архивлар фаолиятини ривожлантиришнинг мақсад ва вазифалари мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришларга ва халқаро амалиётга тўла мос келмоқда. Шу муносабат билан тарихчиларга кутубхона ва архив хизматлари кўрсатишнинг сифат жиҳатдан янги тизимини яратиш, кутубхоналарда сақланаётган миллий маданий меросни асраб-авайлаш ва бойитиш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига архив ва кутубхона муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш устувор вазифага айланмоқда. Мамлакатимизда 2020 йилни “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни

ривожлантириш йили” деб эълон қилинган “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари”, деган улуғвор ғоямизга тўла мос келади[1].

Ўзбекистон Миллий архивида Ўзбекистонда кутубхоначилик фанининг шаклланиши ва тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган шарқшунос, библиографлар номи билан боғлиқ шахсий фонд ҳужжатлари сақланади. Ана шундай фондлардан бири Евгений Карлович Бетгернинг Р-2412-рақамли шахсий фондидир. Ҳужжатларнинг даврий чегараси асосан 1862–1956 йилларни ўз ичига олади. Мазкур фонддан тарихий ҳужжатлар билан бир қаторда туркий тиллардаги нодир қўлёзма асарлар ҳам ўрин олган[2].

1920 йилларда фаолият юритган йирик кутубхонашунос Е.К.Бетгер кутубхоначилик масалалари юзасидан тўплаган маълумотларида, ҳисоботларни ягона тартибда тузишни, кутубхона фонди ва каталогларини таснифлаш ва бошқаларга тўхталиб ўтган. У ҳисобот тузишнинг шаклини белгилаб берар экан, биринчидан, унда кутубхонанинг тузилиши, унинг бўлимларида ташкил қилиш ҳақидаги масалалар ёритилиши, бўлимларни қулай тарзда шакллантириш, китобхонларга илмий хизмат кўрсатиш мезони эканлигини таъкидлайди, иккинчидан уни такомиллаштиришда кутубхона ходимлари катта вазифани бажаришини, учинчидан, кутубхонанинг молиявий аҳволи, унинг сметасини тузиш ҳамда таҳлил қилиш умумий кутубхона фаолиятини яхшилаш, туртинчидан, кутубхонанинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, кутубхона олдига қўйган вазифаларни ҳамда хизмат кўрсатишни яхшилашдаги асосий омил эканлигини таъкидлайди[3].

ЎЗМАда сақланаётган Е.К.Бетгер тузган Ўрта Осиё давлат кутубхонасининг (ҳозирги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхона) йиллик ҳисоботларида қиёсий таҳлил усули қўлланилган бўлиб, унинг оқибатида кутубхона ижтимоий ролини ортиб боришини ҳамда мавжуд камчиликларни билиб олиш мумкин. Е.К.Бетгер фондидаги ҳужжатларнинг тузилиши ва мазмунига қараб бир неча гуруҳга ажратиш мумкин: Е.К.Бетгернинг меҳнат фаолияти ва хизмат вазифаларига оид қоралама қўлёзма ҳужжатлар: турли вилоятлардан Туркистон оммавий кутубхонасига олиб келинган китобларга тузилган рўйхатлар, кутубхона китоблари учун ишлаб чиқилган каталоглар намуналари, универсал ўнлик классификацияси ва бошқа қоралама қўлёзма ҳужжатлар; маъмурий давлат бошқарув органлари ва суд жараёнларига оид ҳужжатлар; ўлкадаги қозиларнинг суд ишлари ақс этган ҳужжатлар ва бошқалар...; ички ва ташқи сиёсат; Россия империясининг Европа (Англия) ва Осиё (Хитой) мамлакатлари билан олиб борган халқаро муносабатларига оид ҳужжатлар, Туркистон генерал-губернаторлигининг ташқи алоқаларига оид ҳужжатлар; ҳарбий ҳаракатлар ва экспедициялар; турли мамлакатларнинг ташқи ва ички сиёсатига оид ҳужжатлар; рус ва маҳаллий ўлкашунос, тарихчи ҳамда тадқиқотчиларнинг мақолалари тўпламларидан парчалар; Ўрта Осиё аҳолиси, тарихи, этнографик хусусиятларига оид материаллар; Ўрта Осиё мамлакатлари ҳудудига оид ўлкашунослик материаллари; Ўрта Осиё аҳолисининг диний ва ахлоқий қарашлари ақс этган материаллар; илмий экспедициялар, географик ва археологик тавсифлар; қишлоқ хўжалиги, суғориш, иқлим ва муҳожирилик масалаларига оид материаллар; боғдорчилик, чорвачилик, пахтачилик, сувдан фойдаланиш ва суғориш иншоотлари, кўчириш масаласи, ер қимирлаши (зилзила) ҳужжатлари; саноат, савдо, қўл меҳнати ҳунармандчилигига оид материаллар; транспорт ва алоқа операторлик ҳужжатлари; темир йўл қурилиши, телеграф алоқаси; таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, адабиёт, санъат, рассомчилик, танқид ва библиографияга оид материалларлар; газета, журнал, харита ва рисоалар; И.Тимаев ва бошқа муаллифларнинг китоблари ва мақолалари тўплами; номаълум шахсларнинг турли хилдаги мактублари; йўналиш кўрсаткичлари, хатлар, мақолалар ва эслатмалар; шарқ ва туркий тиллар ҳамда европа тилларидаги китоблар, газеталардан кесиб олинган мақолалар коллекцияси; 1192 йилга тегишли, Муҳаммад Муссо ўғли Хожа-Исо-Дохведи-Самарқандийнинг “Бадрул-асрор-Васанаду Абрф” қўлёзма асари[3,4]; Афғонистон шоҳи Нодиршоҳнинг Ўрта Осиё давлат оммавий

кутубхонасига совға қилган “Ислох” газетасининг 2 варақдан иборат парчаси (унда Қуръони Карим оятларидан иловалар келтирилган)[3,8]; 1861 йилга оид Камоллидин Муҳаммад ўғли Абдул-Воҳид ўғли Абдулхамид ўғли Маъсуд-Сивосийнинг араб тилида ёзилган “Фатҳул-Қодир” кўлёзма асари[6]; муаллифи номаълум “Фикҳи-Акбар” кўлёзма китоби[3,10]; Алишер Навоийнинг ўзбек тилидаги шеърларидан иборат[3,25].

Юқоридаги маълумотлар баён этилган Е.К.Бетгернинг шахсий фонд ҳужжатлари ўз даврида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Миллий архивининг шахсий фондлар бўлимига топширилган. Аммо ҳужжатлар тарқоқ холда, яъни йиғилмаган ва тавсифланмаган эди[3.40]. Кейинчалик, архив ходимлари томонидан ушбу ҳужжатлар тизимлаштирилиб, ягона фондга бирлаштирилган ва уларнинг рўйхатлари тузилган. Бундан ташқари 2412-рақамли шахсий фонд таркибида барча ҳужжатлар битта сақлаш мосламаларига хронологик тартибда жойлаштирилган “хизмат фаолияти” бўлимида Ўзбекистон География жамиятининг материаллари, иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда фашистлардан озод бўлган жойларда кутубхоналар ишини ташкил этишга оид ҳужжатлар бор[3,49].

Ушбу ҳужжатлар устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва илмий оммага ҳавола этиш, ҳозирги кун тарихчилари ва архившунос мутахассислари олдидаги муҳим маслага айланиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти девони халқ кутубхонасининг тантанали очилиш маросимидаги нутқи. “Ўзбекистон” ижтимоий-сиёсий газета. 2020 йил 21 февраль.
2. Қосимов О., Есимов Т. Умумий кутубхонашунослик. Тошкент. “Ўқитувчи” 1994. Б. 215.
3. ЎзМА Фонд-Р-2412. 1-рўйхат, 1-йиғма жилд. 2 варақ.

МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТИКЛАНИШИДА ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИНИНГ ЎРНИ

А.Намозов, Ш. Эшбоев,
ЖДПИ, Жиззах

Ватанимиз аҳолиси дунёда турли хил халқ ўйинлари ва маросимларига бой халқлардан бири ҳисобланади. Тарихий маълумотлар бу соҳа аждождларимизда жуда қадимдан пайдо бўлганлиги ва юксалган санъат даражасига кўтарилганлигидан далолат беради. Бу халқ ўйинлари халқимизнинг минг йиллардан буён ажралмас миллий қадрияти даражасига чиққан. Мустақиллик йилларида улар янада кенг тарғиб қилинмоқда ва ўрганилмоқда бу шубҳасиз, жамият маънавий ҳаётига, ёшлар баркамоллигига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Халқ ўйинлари– миллий спорт турлари жамият маънавий ҳаётига, ёшлар баркамоллигига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Аждодларимиз қадимги даврлардан бошлаб олтибоқон, оқсуяк, ошиқ, чувиллоқ, зувиллоқ каби ўйинлар, турли хил мусобакалар (улоқ кўпқари кураш ва ҳ.)ни кўплаб ўтказишган. Бу халқ ўйинлари ва маросимларининг ҳар бирини ўзига хос бир тарих дейишимиз мумкин. Улардан кўпчилигининг пайдо бўлиши илк ва қадимги даврларга бориб тақалиб халқ яшаш ҳаёти билан боғлиқ бўлган. Уларнинг айримлари бугунги кунда кам сақланиб қолган. Бу спорт турларининг жуда қадимий илдизга эканлиги археолог олимларимиз томонидан ўрганилган ёдгорликларда ҳам аниқланган.

Манбаларда таъкидланишича, мил. авв. II-I минг йилликлардаёқ халқ ўйинларининг турли хил турлари пайдо бўлган. Улардан ҳозирча бизга маълум бўлгани ошиқ ўйинининг турли хил кўринишлари бўлиб, у билан кўпроқ ёшлар ва ўрта яшар кишилар ўйнаган. Милoddan аввалги VII-

III асрларга оид сакларга мансуб қабрларда қайд қилинган ошиқлар ҳам бу ўйиннинг кенг тарқалганлигидан маълумот беради. Қўйнинг ошиғи бронза даврига тааллуқли археологик манзилгоҳлардан ҳам топилган. Унга таяниб айтиш мумкинки ошиқ ўйини қарийиб 5 минг йиллик тарихга эга ва у энг қадимги ўйинлардан бири ҳисобланади.

Ҳозир ҳам аҳоли орасида кўплаб ошиқ, чиллак, оқсуяк каби қадимий халқ ўйинларини, улар билан боғлиқ мақол, суҳбат ва хикояларни учратиш мумкин. Афсуски ушбу халқ ўйинларининг кўпчилиги бугунги кунда унутилиб кетмоқда. Шундай халқ ўйинларидан бири оқсуяк ўйини ҳисобланади. У ҳозир ҳам узоқ тоғлиқ қишлоқларда сақланиб қолган. Бу ўйинни болалар ва ўсмирлар кечаси, қоронғида ўйнашган. Унинг тартиби қуйидагича: молнинг илик суяги (оқ рангдаги суяк – оқ суяк) келтирилиб, ўйинни бошқариб турувчи ҳакам томонидан узоқ масофага отилган. Кимки уни топиб, йўлда уни олишга уринган иштирокчиларга бермасдан, ўзида сақлаб, ўйинни бошқариб турувчи ҳакамга етказиб кела олса, ғолиб ҳисобланган ва унга соврин берилган. Бу ўйинлар асосан байрамлар ва тўй томошаларда уюштирилиб, иштирокчилардан кучли жисмоний тайёргарлик, чаққонлик, тез югуриш ва моҳирлик талаб қилган.

Аждодларимиз орасида кенг тарқалган миллий ўйинларнинг кўпи от спорти билан ҳам боғлиқ бўлган. Улар от спортининг ниҳоятда устаси бўлиб, ўта эпчил, чаққон, отган ёйи хато кетмайдиган спортчи – чавандоз, баҳодир жангчи бўлишган. Уларнинг асосий вақти от устида ўтган. Бунинг учун уларнинг кийим боши шунга мос – яъни, айтиш мумкинки, спорт формасида бўлиши лозим бўлган. Туркий халқларнинг кийим боши, иссиқ ва совуққа мослиги, тоғу- тошда юриш, отда чопиш ва ҳамда ҳимояланиш учун жуда қулайлиги тарихий ёзма манбаларда кўп ёритилган. Қўшни давлатлар аҳолиси жанг кийимларининг аксарияти улардан андоза олиб ясалган. “Мил. авв. IV асрда юнонлар таъқиби натижасида сакларнинг бир гуруҳи шарққа – Хитой чегара атрофларигача кўчиб келган. Айни пайтдаги Чжоу ҳукмдорлигининг бошқарувчиси Улин (мил. авв.ги 325-298 йиллар) ушбу ғуз (ху)лар (даштдаги кўплаб халқларни хитойликлар шундай аташган) кийими от минишга ва ўқ ёй отишга қулай эканлигини англаб, одамларининг кўрсатган қаттиқ қаршилигига қарамай, уларни ғуз (ху)лардек кийинишга даъват этган” (Хўжаев, 2013. Б. 203). Арриан скифлар учун бебаҳо терилар ва ундан тайёрланган турли хил буюмлар олтин ва қумуш даражасида қадрлангани, ҳайвонларнинг майин жунларидан қаҳратон қишларни ҳам писанд қилмайдиган ўтовлар ясалгани, ҳатто ҳайвонлар терисидан ўқ ўтмайдиган қалқон, эгар жабдуклар тайёрланганини таъкидлайди (Арриан, 1962. С. 133). Эчки ва туянинг жуни ҳамда, от думи ва ёлларидан энг пишиқ арқонлар тўқилган.

Айни пайтда ҳам дашт минтақаларида улоқ кўпкари учун тайёрланган отларни кўп учратиш мумкин. Улардан баъзиларининг астойдил парвариш қилингани, эгасининг ҳар қандай вазиятдаги ҳолатига тушуниши сезилиб туради. От жабдуклари алоҳида эътиборга лойиқ. Эгарнинг орқа суянчиғи қулай, мустаҳкам ва кенг, олд қоши баланд ва қайрилма бўлиб, иккита қалин (жарма) тўқим устига қўйилган. Бу от устидаги сарбоз учун ҳар қандай шароитда ҳам жуда қулайлик туғдиради. Баъзи жойларда юқоридаги эгар-жабудукдан фарқ қилиб, айилдан эгар орқали қуюшқонга алоҳида яна бир тортма тортилган. Бу оддий кўринган от анжомлари барча хусусияти билан тоғу тошларда юриш ва от чопишга қулайлик туғдирган.

Шундай қилиб, Ватанимиз мустақиллиги йилларида тарихимиз, миллий маданий меросимиз ва азалий қадриятларимиз тикланди. Айтиш мумкинки, юртимиз қадимдан шаклланган маънавий ҳаёти турли урф-одат ва маросимларга бой бўлиб, унда инсонийлик, аждодлар меъросига садоқат, адолатпарварлик, кабилар ҳамиша эъзозлаб келинган. Даврлар оша сайқалланиб келган халқ ўйинлари, урф-одат, байрам ва маросимларида аждодларимизнинг халқчил, инсоний қадриятлари акс этган. Бугунги миллий-маънавий тикланиш жараёнида бу халқ ўйинларини ўрганиш ва сақлаб қолиш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Арриан. Анабасис Александра. – М. –Л., Изд-во АН СССР, 1962.
2. Бойназаров Ф.Б. Ўрта Осиёнинг антик даври. Тошкент, 1990.
3. Квинт Курц Руф. История Александра Македонского. Москва, 1963.
4. Плутарх. Сравнительное жизни описание. том II. Изд-во АН СССР. М., 1968
5. Кшибеков Д. Кочевое общество. – Алма-ата: Наука, 1984.
6. Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар Фарғона 2013.

ТАРИХИЙ ВОҚЕЛИК ВА РЕАЛИСТИК ТАСВИР ПОЛИФОНИЯСИ

М.Хидирова, У.Қосимов

ЖДПИ, Жиззах

Истиклол туфайли юртимиз тарихини ҳаққоний ўрганиш ва ёритиш имкони туғилди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев фармони билан 1.09.2019 йилдан ўз фаоли ятини бошлаган “Ўзбекистон тарихи” телеканали ҳам ана шу эзгу мақсадда ташкил этилди. Мустамлака йиллари ва мустабид шўро даврида бой тарихимиз ва адабиёт имиз холисона ўрганилмаган ва бундай ҳаракатлар “ўтмишни идеаллаштириш”, “миллатчилик” деган тамғалар билан тақиқлаб келиндн. Халқимиз ўтмиши ва мада нияти тарихини холисона ўрганиш, хусусан, Ўрта Осиё ва чор Россияси муносабат ларининг адабиёт ва санъатда акс этиши маънавиятимиз ва истиқлол мафқурасини нг ҳам долзарб муаммоларидан саналади. Таассуфки, XIX аср иккинчи ярми ва XX асримиз бошларида юз берган тарихий воқеа-ходисалар мустақиллик йилларигача, асосан, бирёклама ёритиб келинди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари ўтмишидаги фожияларга тўла бўлган давр ва бу даврда энг фаол ва миллатпарвар куч сифатида майдонга келган жадидчилик ҳаракати ва адабиётининг асл мақсади ва улкан ижти мойи-сиёсий аҳамияти адолатли баҳоланмади. Туркистон ўлкасининг чор Россияси томонидан қонли тўқнашувлар, аёвсиз жанглр остида шафқатсизларча босиб олингани ва оқибатда бу ўлка мустамлакачиликка айлантирилгани айрим сохта байналмилалчи олиму сиёсатдонлар томонидан хаспўшланиб келинди. Гўё, “Ўрта Осиё ўз ихтиёри билан Россияга қўшилган, Россия Ўрта Осиёга маданият ва маърифат олиб келди”, деган уйдирмалар тўқиб чиқарилди. Бу уйдирмалар илмий ҳақиқатдан узоқ бўлган тарих ва адабиёт дарсликлари ва қўлланмаларида ҳам кенг ўрин олди.

Ҳолбуки, ўзларининг кабиҳ режалари ва ваҳшиёна ёвузликлари билан халқнинг тавқи лаънати ва ғазабига дучор бўлган оқ подшонинг арзандалари- Черняев, Куро паткин, Скобелев, Мочалов ва Кауфман каби қаттол рус генералларининг кундалик - эсдаликларида ҳам, муҳим тарихий ва адабий асарларда ҳам Ўрта Осиё подших Россияси томонидан аёвсиз қуролли тўқнашувлар ва хунрезликлар билан забт этилгани бутун тафсилотлари билан баён этилганидан кўз юмиб келинди.

Атоқли адибимиз Абдулла Қодирийнинг 1922 йили ўзига хос жасорат билан ёзган **Мочалов** ҳақидаги фелъетони ҳам адибнинг қанчалар ҳақгўй ва миллат қайғусини акс эттирган реалист ёзувчи эканлигини яққол намоён этади: ”Ўтиб кетди ўшал даврларинг: эски шаҳар кўчаларида муборак вужудинг кўриниб қолса, хомиладор хотинлар бола ташлар, йиғлоқ болалар йиғидан тўхтар, дағдағайи золимонингни тотигон бенаволар дир-дир қалтирар эдилар. Қўлингда қамчин, белингда ошпичок, шопдак муртингнинг остидаги сассиқ оғзингдан қизингни... онангни... динингни ота-бобонгни... деган зикр олийлар доим фаввора урар эди.

Эски шаҳарнинг етти ёшаридан то етмиш ёшаригача сенинг сўкуғингда, тепуғингда эдилар...Балки қўмсарсан ўшал кунларингни? Албатта, қўмсайсан. 1916-нчи йил рабочий воқеасида

давлатхонангга арз-дод учун борғонларни отиб, гуноҳсиз қонларни сув ўрнига ичишларингни кўмсайсан!” [Абдулла Қодирий, 1987. 357-б.]

Туркистон ўлкасига аср ўрталарида бошланган босқинчилик юришлари халқларимиз бошига не кулфатлар солгани ва зулм исканжасида ҳам ўзлигини йўқотмай, эрк ва озодлик учун адолатли курашга отланган минг-минглаб ватанпарвар юртдошларимиз чоризм истилочилари томонидан беаёв кириб ташлангани ўтмишнинг унутилмас, мудҳиш бир фожеаси сифатида қораланиши лозим. Босмачилик, деб қораланган миллий озодлик ҳаракатининг асосий сабабларидан бири ҳам ана шундалиги энди аён бўлди. Ўлкамизда чоризм сиёсати қанчалик дахшатли оқибатларга сабаб бўлганини кўплаб тарихий ҳужжатлар ва адабий манбалар тўла исбот қилади. 1909-1920 йилларда Туркистон аҳолисининг бир миллиондан ортиқ кишиси нобуд қилинган. Чоризм зулми остида рўй берган хунрезликлар миллионлаб ҳамюртларимизнинг ёстиғини қуритиб қолмасдан, балки жаннат мисол бутун ўлкамизни вайрон қилган, обод шаҳар ва қишлоқларимизни ҳам харобага айлантирган. Миллатимиз ва адабиётимиз фахри бўлган Фитрат ва Чўлпонлар 19-20-йиллар чуқур дард билан ёзган аччиқ алам ва фарёд тўла асарлари халқимиз бошига тушган ана шу фожиаларни ҳаққоний акс эттирувчи адолатли бир айбномадек жаранглайди. Чўлпоннинг “Ёнғин” (1921) шеърида акс эттирилган давр фожиалари кўлами ва дахшатини унга эпитаф қилиб олинган қуйидаги хабар орқали ҳам билиб олиш мумкин:

“Таланмаган, йиқилмаган ер йўқ,
Гўдаклар найза бошида” (Хабар).

Шеър оғир фожиани таъкидлаш билан бирга мудроқ уйқудаги халқни эрк-озодлик учун курашга даъват этади. Шоир қалбидан бамисоли қон каби сизиб чиққан сатрлар нафақат оғриқли саволлар, балки улар ўша йиллар халқимиз бошидан кечирган фожиаларнинг ҳаққоний манзараларидир.

Халқимиз бошидан кечирган бу фожа бадиий адабиётда, бир қатор реалистик асарларда ҳам ўз аксини топганлигини таъкидлаш зарур. Чунончи, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи хотимасида асар қаҳрамони ҳаёти хусусида шундай дейилади: “1277 йилнинг куз кезларида бўлса керак, Юсуфбек ҳожи Қаноатшоҳдан хат олди. Қаноатшоҳ Авлиёотадан шундай деб ёзар эди: “Ўғлингиз Отабек яна бизнинг киши билан қўшинда эди. Авлиёота устидаги чор аскарлари билан тўқнашувимизда биринчи сафимизни шу икки йигит олди ва урушда қаҳрамонона шаҳид бўлишди. Мен ўз қўлим билан иккисини ҳам дафн этдим”. Отабекдек илғор дунёқарашли ва комил инсоннинг тақдири бундай яқунланиши бежиз эмас эди. Қодирий бу эпизод орқали ҳам тарихий ҳақиқатни чуқур ифодалашга муваффақ бўлган: ҳижрий 1277 сана милодий 1860-61 йилга тўғри келади. Отабек каби минглаб йигитларимиз ватанимиз ҳимояси йўлида чор аскарлари билан Тошкент яқинида бўлган муқаддас жангларда ҳалок бўлгани ҳам чор империяси Туркистонда амалга оширган ваҳшийларча хунрезлигининг рад этиб бўлмас далилидир. Отабекнинг ёлғиз фарзанди Ёдгорбек қисмати ва ундан қолган икки ўғилнинг биттаси бу кунда (совет даврида) Марғилоннинг масъул ишчиси, “Иккинчиси Фарғона босмачилари орасида”лиги ҳақидаги мухтасар баён ҳам ўқувчини чуқур ўйга толдиради. Бу ўлкамизда Октябрь инқилобидан кейин ҳам давом этган тало тўплар, босқинчилик ва зўравонлик сиёсатига қарши халқ қалбида уйғонган ҳақли [Мажид Хасаний, 1991, 75-б.] норозилик ва мунгли дардга ишора эканлиги аён бўлади.

Романда тарихий ўтмиш қанчалик ҳаққоний акс эттирилгани ва ундаги бадиий ҳақиқатнинг чуқур ҳаётий-эстетик маъно ва аҳамият касб эта олишини қуйидаги таъсирчан бир ҳолат мисолида ҳам кўриш мумкин. Асарда Отабек ва Кумушнинг ҳаёти ва тақдиридаги мураккаб вазиятда Фузулий китоби тилга олинади: “Фузулий яхши китоб, мен ҳам ёлғиз қолган кезларимда бу китобдан бошимни ололмас эдим, сизамми?” Шу бир жумла ҳам чуқур бир ҳақиқатдан, яъни Отабек ва Кумушнинг худди узукка кўз қўйгандек бир-бирига муносиблиги, қалби ҳам, ҳис-туйғулари ҳам,

маънавий-рухий олами ҳам бир-бирига ҳамоҳанглигидан далолат беради. Бу детал яна бир муҳим хулоса чиқаришга асос бўлади: собиқ шўро даврида такрорла ниб келинган ва эндиликда миси чиқиб қолган эски сафсата, яъни “Октябр инқилобидан илгари бутун ўзбек халқи ёппасига саводсиз бўлган” деган сўзлар уйдирма эканлигини ҳам сўзсиз тасдиқлай олади. Яъни нафақат олий мадраса ва мактаблар, балки кўплаб хонадонларда, масжид ва меҳмонхоналарда ҳам Бедилхонлик ва Навоийхонлик, Машрабхонлик ва Фузулийхонликлар анъана бўлган.

Юртимизда олиб борилган қирғинбарот жанглари қанчалар дахшатли бўлганини биргина Жиззахга қилинган ҳужум мисолида ҳам тасаввур этиш мумкин. Жиззах тарихини анча кенг ўрганган М.Пардаев, Ҳ.Ҳайдаров, Ў.Носиров, А.Аҳмад, А.Пардаев, Ф.Тошбоев ва Ф.Ақчаев каби тадқиқотчилар асарлари ҳамда муҳим тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, 1866 йил январь ойи охирида генерал Черняев қўшини Жиззахга ҳужум бошлайди. Бироқ у маҳаллий халқ ҳимоячилар ининг қаҳрамонона курашига бардош беролмай, орқага чекинади. Чор қўшинлари билан кейинги тўқнашув Сирдарёнинг чап қирғоғида “Сассиққўл” деган жойда бўлади. Бу жангда 100 минг кишилик хон қўшини ва халқ қасоскорлари тор-мор этилади. 1866 йилнинг 2 октябрида чор қўшинлари генерал Кржижановский бошчилигида Жиззахни қуршаб олади. Жиззах ҳимояси учун мардона курашган жангчилар жасоратини ҳатто душманлар ҳам тан олишган. Ана шундай хунрезликлардан сўнг Жиззах чор қўшинлари томонидан эгаллаб олинади.

Рус генераллари қўл остига ўтган Жиззах аҳолиси ўлкамиздаги бошқа вилоят фуқаролари сингари босқинчилар зулми остида ҳақ-ҳуқуқсиз яшашга мажбур бўлишган. Оташнафас шоиримиз Ҳамид Олимжоннинг

Мен бир қаро тунда туғилдим

Туғилдим шу он бўғилдим

Мен туғилиб кўз очган дунё,

Хароб эди, бузғун, бенаво.

Вайронада изилларди ел,

Менга қондош, жондош бўлган эл,

сатрларида ифодаланган дард-алам айни ҳақиқат эканини бутун тарих тасдиқлайди. Дарҳақиқат, 1916 йилдаги қўзғолон ҳам оддий бир ғалаён эмас, балки иккиёклама зулм ва ҳақсизлик жонидан ўтиб, пичоқ суякка бориб етган халқнинг эрк ва озодлик йўлидаги онгли ва ҳақли бир исёни эди. Чоризмнинг маъшум сиёсатига қарши бундай адолатли кураш ўлкамизнинг деярли барча шаҳарларида рўй бергани ҳам миллий онг ва инсоний ғурур жунбушга келганидан, халқимиз ўз эрк-ҳуқуқи учун ҳаёт-мамот курашига бел боғлаганидан ёрқин далолат беради.

Чоризм истилосидан кейин халқимиз рус генерал-губернатори, яъни шаҳар ҳокими ва тўраларга қулларча итоат этиб яшагани ва турли жазоларга дучор қилингани Абдулла Қаҳҳор асарларида ҳам ҳаққоний акс эттирилган. Адибнинг “Томошабоғ” (1935) ҳикояси ана шу аччиқ ҳақиқатни моҳирона тасвирлагани билан ажралиб туради. Ҳикояга эпиграф қилиб олинган :

Эй бус-бутун аёллати вайрон ўлон ватан ,

Ҳар гўшаси замонада зиндон ўлон ватан. (“Рамузот”)

дардли сатрлар тасвирланган воқеа замиридаги катта фожианинг моҳиятини очиш га ёрдам беради. Асарда ҳикоя қилинишича, қадоқчи Ҳамрокул чолнинг тоби қочиб, уйига боришга ҳам мажоли келмай қолади. Шунда Уста Кулол деган кекса таниши кўриб қолиб, уни ўзи қоровуллик қиладиган “Романовский” боғига олиб киради. Қайрағоч соясига ўтқазиб, унга сув келтиради. Ҳамрокул сувни ичиб, ўзига келади. (Тошкентда илгариги “Сквер революции”-“Инқилоб хиёбони” ёнида ТошДУ эски биноти жойлашган кўча яқингача ҳам Романовский деб аталар эди. Мустақиллигимиздан сўнг бу номлар ўзгартирилди ва эндиликда бу хиёбонда Амир Темур хайкали ўрнатилиб, Темурийлар тарихи музейи барпо этилди).

Шу пайт келиб қолган офицер бу икки мўйсафидни тепиб, калтаклай кетади. Уста кулол билан Ҳамрокул чолни бутхонанинг нариги томонидаги миршабхонага қамаб қўяди. Ниҳоят, бир ҳафтадан сўнг “Туркистон ўлкаси” газетасида бу икки бечора чолнинг “гуноҳи” маълум қилинади: “Ўтган 23-сентябрда мазкур шаҳарда руссия даҳасидаги Романовский боғида ҳам шу қабилда беадаблик содир бўлган. Чунончи, сартиялардан бири ўзларига соҳиблик қилиб турган русия тўраларининг истироҳатгоҳларига кирган, яъни ниҳоятда беадаблик қилган” [Абдулла Қаҳҳор, 1967.68-б.].

Ҳикояни ўқиб чиққан ҳар бир эсли-хушли одам ҳайратга тушади: кекса, бетоб бир чол ўз шаҳридаги боққа кириб озгина салқинласа, бир қултум сув ичса –бунинг нимаси “ниҳоятда беадаблик”? Киши ўз юртида бегона бўлиб, ўз шаҳрининг томошабоғига киролмаса?! Аслида, бу ёзувчининг болалик хотиралари асосида ёзилган ва халқ ҳаётидан реалистик бир лавҳа. Дилни эзувчи бу лавҳа “маданий” истилочиларнинг ўлкамиздаги юргизган ҳукмронлик сиёсатидан, халққа ўтказган зулми ва зуғумидан бир нишона. Ҳикоядаги воқеанинг ҳаётий ҳақиқат эканлигини Уста кулолнинг сўзлари ҳам тасдиқлагандек бўлади. Офицер билан миршаблар ҳам одам-ку, зора раҳми келиб қўйворишса, деган умидда уларга ялиниб, эргашиб бораётган кампирига Уста кулол шундай дейди: “Йиғлама! Мен бир турмадан иккинчи турмага ўтаётиман”. Жабрдийда чолнинг бу сўзлари Россия империяси нинг арзанда ҳарбийларининг ўлкамизда ўрнатган ғораткор сиёсатига берилган одилона таъриф, халқ дилидаги адолатли ҳукм эди. Мустамлака даврида чиндан ҳам Россия ва унинг таркибидаги Туркистон ҳам халқлар турмасига айланган.

Фитрат ва Чўлпон, Бехбудий ва Қодирийлар асос солган жадид адабиётининг улкан аҳамияти ҳам шундаки, бу тарихий ҳақиқатни фавқулодда катта жасорат ва маҳорат билан ва энг муҳими, халқ ва миллат манфаатлари нуқтаи назаридан ҳаққоний акс эттиради. Афсуски, жадид адабиётининг бу каби ёрқин қирралари ҳам холисона баҳоланмади ва аксинча, асосан. қораланиб келинди.

Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар”(1994) романида ҳам бу ҳақиқат чуқур акс этган. Етакчи образлардан бири –иккинчи авлод вакили, Дехқонкулнинг отаси Ақрабдир. Асли Фарғоначи сурхонлик Ақраб босмачи ҳам Отабек сингари эл-юртимизни ва қадриятларимизни топтаган босқинчиларга қарши мардларча курашиб, шаҳид бўлгани ҳам бу асарлар халқимиз ўтмишини ҳаққоний акс эттиргани билан ҳам эътиборлидир. Ақрабнинг қизилларга қарши айтган мардона сўзлари ва зулмга қарши ҳақ йўлида ўлимга тик боргани унинг ватанимиз ва халқимиз мустақиллиги йўлида жон берган фидойи аждодларимиздан бўлганини намоён этади: “Ўзбек қаерда таваллуд топади-ана ўша ерда ўлади! Ўзбек ўз эл-юртида ўлади!.. Шундай экан, отарман бўлсанг, мана кўкрак- от! Лекин ўз эл-юртимда от! Шаҳид бўлсам-ўз эл-юртимда шаҳид бўлайин! Шаҳидимни ўз эл-юртим кўмсин!” [Тоғай Мурод. 1994.42-43-б].

Романда халқимизнинг шўро давридаги эрксиз ҳаёти ҳам кенг тасвирланган. Бу мавзудаги юзлаб шеърий ва насрий асарлардан фарқли ўлароқ, романда сабр- бардоши тоғдай ўзбек дехқонининг машаққатли меҳнати, руҳий кечинмалари ва қадрдон даласи ва муқаддас она-заминига бўлган ҳамдардлик туйғулари ёрқин ва изчил акс эттирилганлиги билан ҳам ажралиб туради. Асар бош қаҳрамони Дехқонкул дала билан меҳнатни гўё азалий тақдир деб билган мунис ва заҳматкаш халқимизнинг умумлашган, ўзига хос рамзий бир тимсоли. Неча-неча авлодлар ризку насибаси манбаи бўлган она-заминга ва пахта далаларига оқилона эғалик ва масъулият ва фарзандларга хос сидқидил муносабат Дехқонкул юрагидаги имон-эътиқоди каби унинг қон-қонида, қалбида ва бутун вужудида яшайди. Натижада, - “бахтиёр ва фаровон социалистик турмуш” деб мадҳ этиб келинган кечаги кунлар ҳақидаги ҳавоий фикрларимиз бутунлай ўзгаради. Ўзбек дехқонлари ва қишлоқ аёлларининг дард-ситамли кечинмалари, қул каби итоаткор ва фидойи пахтакорлар имизнинг беқадр меҳнати, афтодаҳол туриш-турмуши ҳақидаги тасаввурларимиз ўта

юзаки эканига ва улар романдаги донгдор ёзувчилар билан москвалик сайёр режиссёрларнинг баландпарвоз сўзлари-ю ҳақоратомуз ҳамду саноларидай ҳаёт ҳақиқатидан йироқ эканига иқрор бўламиз. Шу жиҳатларига кўра мазкур асарни халқимиз ва она юртимиз бошидан кечган фожеаларга тўла бўлган бутун бир даврнинг мухтасар бадиий солномаси деб аташ ҳам мумкин. Атоқли адиб Одил Ёқубов таъкидлаганидек, Адабиёт бор ҳақиқатни айта олса, ҳаётнинг аччиқ томонларини кўрсата олсагина адабиёт бўлади. Тоғай Мурод ижоди улуғ устозлар қўйган талабларга жуда мос келади. У Абдулла Қодирий ва Абдулла Қаҳҳор каби адабиёт ва ижодни муқаддас билган ва дили билан тили бир адиб эди. У ўзи орзу қилган дай, ҳақ сўзи, ҳаққоний асарлари билан халқимизга маънавий бир ҳайкал қўя олди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Одил Ёқубов.Менинг хотираларим.Мен қайтиб келаман. Тоғай Мурод замондошлари хотирасида.Т.Янги аср авлоди.2007.
2. Абдулла Қодирий. Ғирвонлик Маллавоё.Тошкент.1987.
3. Мажид Хасаний. Ватан юрагидаги дард.Т."Ёшлик",№7,1991.
4. Ўзбекистон тарихи. ЎзФА.Тошкент.1984.
5. Хамид Зиёев.Туркистонда Русия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш.Т.2005.
6. Абдулла Қаҳҳор.Асарлар.1-т. Тошкент.1967.
7. Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар.Т.1994.

ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ВА БАДИИЯТ

Ю.Каримова
ЖДПИ, Жиззах

Ўзбек тарихий романчилиги юз йиллик тажрибага эга. «Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар», - дея ўзининг шоҳ асарини тарихий мавзуда битган Абдулла Қодирий 1919-йилда миллий романчилигимизга асос солди. Бир асрдан буён китобхоннинг ҳайрати ва эътирофига сазовор бўлиб келаётган «Ўткан кунлар» хонлиқлар даврининг энг кир ва қора кунлари қурбони-Отабек ва Кумушбибининг фожиали севги қиссаси ва шу билан бирга жафокаш кўхна Туркистоннинг XIX аср иккинчи ярмидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий- маданий ҳаётига тутилган кўзгу ҳамдир.

Юзларга бориб қолган, ёшлигида хонларга сарбоз бўлган, қирқ икки ёшида руслар босқинига қарши курашиб, Тошкентни чор аскарларидан мудофаа қилишда қатнашган ёзувчининг отаси Қодир бобо яқин ўтмишнинг тирик гувоҳи эди. Абдулла Қодирий бу ҳақда: «Қарийб ярим умрини хон замонларида яшаган, талай ўтмиш воқеаларининг шоҳиди бўлган отам, менга қизиқ-қизиқ хотираларни гапириб берар эди. Бунинг устига ўша даврга оид анчагина тарихий китоб манбаларини ҳам ўқиб чиққан эдим», дейди. [Қодирий Х. 2005. 43 б.]

Халқимиз ўтмишидан олинган кўпгина тарихий воқеалар «Ўткан кунлар» нинг сюжети қурилишига асос бўлди, воқеалар ривожини таъминлади, асар қаҳрамонларини аниқ макон ва замонда ҳаракат қилдиришга ёрдам берди. «Ўткан кунлар» романининг бош қаҳрамонлари ёзувчи фантазияси маҳсули бўлишига қарамай, ижодкор асар иштирокчилари ҳаракат қилган типик шароитни тасвирлашда аниқ илмий-тарихий манбаларга асосланган. Асарда хонлиқлар ва бекликларга парчаланиб кетган пароканда юртнинг абгор ахволи, қипчоқлар ва қорачопонлилар ўртасидаги уруғчилик низолари тарихий ҳақиқат эканлигини, биз соҳага оид илмий асарлардан яхши биламиз.

Қўқон хонлиги ва Тошкент беклиги ўртасидаги муносабатлар тарихи, (романда «Тошкент қамалда», «Азизбек», «Юсуфбек ҳожи» бобларида тасвирланган) 1847 йилги Тошкент кўзғолони (романда «Истиқлол дарди», «Инқилоб» бобларида тасвирланган) ўзбек тарихчиларидан Муҳаммад

Солихнинг «Тарихи жадидаи Тошканд», Жунайд Мулла Аваз Муҳаммаднинг «Тарихи жаҳоннома», Муҳаммад Ҳакимжон Тўранинг «Мунтахаб – ат таворих» каби асарларидан ўрин олган.

Абдулла Қодирий бу тарихий манбалардаги воқеалар, ҳодисалар, уларнинг иштирокчиларига реалист ёзувчи кўзи билан қарайди, тарихийликни, ҳаёт ҳақиқатини зарра бузмаган ҳолда ўз қаҳрамонларини мана шу воқелик бағрида етилтиради, ҳаққоний, сюжет, ҳаёт мантиғига мос ҳаракатлантира олади, жонли гадалантиради, улар орасидаги чуқур диалектик алоқадорликни кашф эта олади.

“Тарихий мавзуга мурожаат қилишнинг мураккаб томонлари кўп. Ёзувчи қаламга олинган даврни чуқур ўрганиши тарихий ҳақиқатга тўла риоя қилиши, айти замонда тарихий воқеаларнинг бугунги кунга ҳамоҳанг томонларини бўрттириб кўрсатиши лозим. Акс ҳолда, тарихий воқеаларга мурожаат қилишнинг аҳамияти бўлмайди”, [Шермуҳаммедов П. 1981. 205 б.] дейди адабиётшунос П. Шермуҳаммедов.

Юқоридаги фикрдан келиб чиққан ҳолда, “Ўткан кунлар”ни тарихий романчилигимизнинг баркамол намунаси, дея оламиз. Шунинг учун ҳам «Ўткан кунлар» XX асрдан XXI асрга ёруғ юз билан ўтди, роман қаҳрамонлари Отабек, Кумуш, Юсуфбек ҳожи каби сиймолар истиқлол орзуси билан яшаган, миллат дардини, юрт қайғусини кўксига жойлаган, Ватан қисматига ўзини даҳлдор эканлигини тийран ҳис этадиган қаҳрамонлар сифатида бугунги китобхоннинг ҳам маънавий-руҳий эҳтиёжига жавоб бера олади.

Адабиётшунос олим А.Алимбеков тарихий мавзудаги асарларни уч гуруҳга ажратиш мумкинлигини кўрсатади: 1) аниқ тарихий шахс ҳаёти мисолида узоқ ўтмиш – тарихий мавзунинг ёритилиши; 2) ёзувчи бадиий тўқимаси биринчи планда бўлган, умуман, тарихий мавзудаги асарлар; 3) XIX асрнинг иккинчи ярими XX асрнинг биринчи ярими, яқин ўтмиш воқеаларига асосланиб ёзилган тарихий асарлар. [Алимбеков А. 2013. 277 б.]

Бир асрлик ижодий тажрибага эга тарихий романчилигимиз тараққиётини кузатадиган бўлсак, ҳар учала йўналишда ҳам салмоқли асарлар яратилганини кўрамиз. «Навоий», «Қутлуғ қон», «Кеча ва кундуз», «Улуғбек хазинаси», «Юлдузли тунлар», «Меъмор», «Қасоскорнинг олтин боши», «Султон Жалолоддин», «Яссавийнинг сафари», «Улуғ салтанат», «Ишқ аҳли», «Тилсим салтанати» ва яна бошқа тарихий мавзулардаги романларнинг кўплаб яратилиши шу мавзунинг ўзлаштиришда ўзбек адибларининг катта тажриба орттирганлиги билан белгиланса, иккинчидан, бугунги кун ўқувчисининг тарихий асарларга чанқоқлиги, тарихий ҳақиқатлардан огоҳ бўлишга қизиқиши, китобхон - шахсининг вақт, тарих олдидаги ўз маъсулиятини чуқур англаб етишга бўлган эҳтиёжи билан изоҳланади. Мана шу эҳтиёж ўлароқ яратилган яна бир асар – Назир Сафаровнинг “Наврўз” романи юқорида келтирилган тарихий асарлар таснифининг 3 йўналишига мансуб. Император Николай II нинг 1916-йилнинг 25 июнида фронт орти ишлари учун Туркистон ўлкасидан 250 минг эркакни мардикорликка олиш бўйича чиқарган фармойишига асосан олиб борилган тадбирлар сабр косаси тўлиб турган халқнинг ғазабини оширди, оммавий кўзғолонни келтириб чиқарди. Даҳшатли, аёвсиз тус олган кўзғолон бутун Туркистон ўлкаси бўйлаб ёйилганини тарихий манбалардан яхши биламиз. Ана шу кўзғолон тафсилотлари ўз навбатида халқ оғзаки ижодида ҳам, ёзма адабиётимизда ҳам – Ҳамид Олимжон, Муҳаммад Али каби шоирларимизнинг шеър ва дostonларида, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Назир Сафаров каби адибларимизнинг автобиографик асарларида ўз аксини топганки, бу асарлар билан танишган китобхон ўлка тарихининг бурилиш нуқталарида юз берган бундай буюк воқеалар моҳиятига янада теранроқ кириб боради.

Автобиографик асарлар кўп ҳолларда муаллифнинг ижодий етуклик паллаларида ёзилади. Бу мавзудаги асарларда муаллиф ўз ҳаётини яхлит ҳолатда идрок этишга ҳаракат қилади, унинг бадииятида қайта яшайди. Шу маънода, Назир Сафаровнинг “Наврўз” романи, нафақат автобиографик, айти пайтда мемуар характерга ҳам эга эканлигини таъкидлаш лозим. Мемуар асарда эса муаллифни

воқелик, ўзи қатнашган ёки гувоҳи бўлган ҳодисалар кўпроқ қизиқтиради. Мана шундай эътиборли, машхур воқелик «Наврўз»да бор. Бу-Жиззах қўзғолони. Жиззах қўзғолони тафсилотлари бадииятда ўз аксини топган, бир қанча асарлар яратилган. Лекин бу асарларнинг кўпчилиги тарихий манбаларга, архив ҳужжатларига асосланиб яратилган. «Наврўз»нинг қиммати шундаки, асарда тасвирланган тарихий воқеани ёзувчи ўз кўзи билан кўрган. ўша давр азоб-укубатларини катталар қатори бирдек тортган. Асарда халқ ҳаёти ҳаққоний, ёрқин акс эттирилган, роман воқеалари бош қаҳрамон Назирқулнинг ички олами орқали очилади, шунинг учун ҳам «Наврўз» да эпиклик, лиризм, психологизм табиий ҳолатда уйғунлашиб кетган ва асар мувафакқиятини таъминлаган. Бу борада шоир Миртемир: «Баъзи ёзувчи қалами бурро бўлади-ю, ҳаётдан олис бўлади, ёзгани беумр. Баъзи ёзувчи, ҳаётий ва лекин маҳоратдан олис бўлади, ёзгани беумр. Назир оғанинг сўнгги асарлари - “Кўрган-кечирганларим” ва «Наврўз» ҳаёт манзаралари ва қалам меҳнатининг бирлигидан туғилмиш асарлар эканига имоним комил», - дейди. [Миртемир. 1983. 92 б.]

Ҳақиқатдан ҳам, «Наврўз» да тасвир этилган ҳаёт манзаралари: халқ қўзғолонининг бешафқат бостирилиши, Муҳаммади каби жасур йигитларнинг ёвқурлиги, унинг ўлим жазосига ҳукм қилиниши, бошлари эгик, ғамзада ҳолатда Учтепа чўлларига ҳайдаб кетилаётган одамлар, аёллар, хотин-қизлар, ёш болаларнинг жазирама чўлда ошсиз, нонсиз, сувсиз тортган азоблари, бўронда қолиб кетишлари “Ҳайда, ҳайда!”, “Бадарға” бобларида жуда ҳаётий, таъсирчан ифодаланган.

Айтиш мумкинки, адиб турмушнинг кир ва қора кунлари тасвирида ўз онаси Роҳатой опанинг ўзбек аёлларига, оналарига хос, хокисор, мунис, қаноатли, оилапарвар тимсолини катта меҳр билан яратган:

«Қорним оч, бешик тебратган сари кўнглим беҳузур бўлади. Ҳали ёшга етмаган синглим Тошбуви тинмасдан йиғлайди. Онаминг кўкрагида сут йўқ. Еб-ичмаса сут қаёқдан келсин. Бошим айланиб, кўз олдимни қоронғулик босаяпти. Синглим бир зайлда тинимсиз ғингшийвергандан товуши битиб, аллақандай ёқимсиз овозда хириллаб инграрди... Укам онамни ҳол-жонига қўймас, унинг сочи, рўмолидан юлқулаб: «Нон!... Нон!» - деб чинқирарди. Ойим бўлса кепакдан элаб олган жирни супрада кафти билан тўплаб:

-Эшонқулжоннинг ўзи ақлли бола, Тошбуви йиғлоқи, ҳа, буни кўр кўзим,... Ҳозир буни ёққа ковуриб, кепак талқон қилиб бераман ўғлимга.

-Талтонмас! Нон иман!-деб яна жанжал кўтарди укам.

Онамнинг кўзи жикқа ёшга тўлди. » [Назир Сафаров. 1981. 210 б.]

Асарда Наврўз сайли билан боғлиқ тасвирлар кўнглингизга ажиб бир ёруғлик олиб киради. Ҳар қандай оғир тарихий шароитларда ҳам халқимиз Наврўзни чиройли бир анъана, катта бир байрам сифатида нишонлаганини кўрамиз ва яна бир қарра халқнинг умид-иродасига, ёруғ кунларга бўлган ишончига қойил қоламиз. Наврўз сайлининг шуқуҳи ёзувчи хотираларини ҳам нурлантириб юборгандек: яшилликка бурканган Жиззах адирлари, каттаю кичикнинг қалбига бирдек сурур бағишлаган кўклам элчиси бойчечак хабари, кўзларни қувнатиб толбаргак таққан қизчалар...

Адабиётшунос олимларимиз: «...тарихий мавзуга кўл урган муаллиф фақат воқеаларни ҳикоя қилиб қолмаслиги, талқин ва фалсафий мушоҳадаларга кенг ўрин бериб, миллий руҳни теран ёритиши муҳим» [Алимбеков А. 2013. 279 б.] эканлигини уқтирадилар. Дарҳақиқат, китобхон «Наврўз» да ҳам том маънодаги миллий романимиз «Ўткан кунлар» руҳини қайта туйгандек бўлади.

Асарда ўзбек қизларининг ўсма кўйишлари ҳам ўзига хос бир санъат, миллий пардознинг нозик намунаси сифатида тавсир этилган ва шунга мос халқ томонидан яратилган кўшиқлар эсланган:

Қора қошга ковул ўсма,
Санамнинг йўлини тўсма,

Санамнинг йўлини тўссанг,
Йиғлар қошидаги ўсма.

Дутор чалганда хатто булбуллар ҳам жўровоз бўладиган Носир ака, ўз касбининг устаси, ўта дидли, хушқомат, доимо чиройли кийиниб юрувчи Қосим фаранг, ҳазил-мутойиба, киноя-қочиримларга бой халқ кўшиғи “жон бургам”ни айтиб, рақсга тушиб давраларга жон киргизиб юборадиган Бараканазар ака, жасур кўзғолончи Муҳаммади, йўқдан бор қиладиган, минг бир жон бўлиб болаларига қайишадиган онаизори Роҳатой опа, аёлларга хос меҳр-шафқат, ҳилмлиликни одат этган Ҳикматой отинбуви адиб болалигининг нурли хотираларига айланиб қоғозга тушган.

Хулоса қилиб айтганда, маҳоратли ёзувчи тарихий мавзуга қўл урганда адиб-муаррих сифатида хроникага содиқ қолади. Айни пайтда у, тарихий, воқеа-ҳодисаларнинг реалистик, ижтимоий-психологик тасвирини ғоявий-бадий гавдалантириш орқали бадий ҳақиқат жамият-даврнинг объектив ҳақиқати билан узвий боғлиқлигини кўрсатиши ҳам шарт. Зеро, пайти келганда ўринли-ўринсиз эътирозларга қарши буюк Қодирий каби йўқ, «...айнан мен ёзганчадир», дея собитлик билан жавоб бера олсин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Қодирий Ҳ. Отамдан хотира. Тошкент «Я.А.А.» 2005.
2. Шермухаммедов П. Тарихнинг руҳий муаммоси. Адабиёт ва замон (Мақолалар, адабий ўйлар, суҳбатлар) Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.
3. Алимбеков А. Тарихий романчилигимизга бир назар. Озод Ватан саодати. 5 жилдлик. Ж.5. Адабий танқид. Тошкент. ADIB, 2013.
4. Миртемир. Адибнинг бахти. Асарлар. 4-жилд. Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983.
5. Назир Сафаров. Навруз. Роман. Т.: Изд. Лит.и искуства, 1981.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ ФЕНОМЕНИ МАКОНИЙ ЎЛЧАМЛАРИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

А.Музаффаров,
ТДИУ, Тошкент

Туризм феноменининг концептуализацияси унинг фазовий жиҳатларига мурожаат қилишни, унинг ўзаро таъсири ва глобаллашув жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришни ўз ичига олади. Туризмнинг замонавий ҳолати географик, ҳаётий, ижтимоий, маданий маконларни туризм феномени кесимида синтезлаш ғоясини илгари суриш имконини беради. Шунга қарамай, бугунги кунда сайёҳликни амалга оширишнинг асосий шакли чегараларни кесиб ўтишни ўз ичига олган ҳолда, космик миқёсга етган жуғрофий маконда ҳаракат бўлиб қолмоқда. XX аср охири - XXI асрнинг глобал туристик оқими географик чегаралар тўсиқларини енгиб ўтди. Туризмнинг маконий ўлчамларини таҳлил қилиш учун инсон маконий тузилмасининг динамик соҳаларига мурожаат этишни тақазо этади.

В.Б. Устьянцев таъкидлаганидек, ижтимоий макон ва унинг функционал хусусиятларидан фарқли ўлароқ [Шенгелия, 2005. - С. 37-41], одамнинг ҳаётий макони янада динамик бўлиб, турли хил инсон жамоаларининг ҳаёт ритми билан боғлиқ. Ўз навбатида, табиий ва ижтимоий макон одамлар томонидан амалий ва маънавий жиҳатдан ўзлаштирила бориши натижасида у жамиятнинг ҳаётий маконига айланади. Шу билан алоқадор тарзда, туристик макон жамият ҳаёт маконининг ўлчамларидан бири сифатида намоён бўлиб, унинг ўзига хос хусусияти одамларнинг ижтимоий-маданий амалиётининг ўзига хос хусусиятлари билан айланади.

Туризм амалиёти инсон томонидан унинг ҳаёт маконини ривожлантириш ва ташкиллаштириш стратегияси сифатида ишлайди. Маконий ўлчов нуқтаи назаридан, туризм феномени инсон ва жамият ҳаётини ташкил этиш ва яшаш тажрибасини шакллантириш жараёнида сифатли элемент ўлароқ тақдим этилиши мумкин. Инсон ва жамият ҳаёт маконининг динамикаси кўп жиҳатдан макро-ижтимоий ўзгаришлар билан боғлиқ. Ўткир, хатарли замонавий жамиятлар маконидаги таркибий силжишлар ҳаёт маконида синиб, инсон ҳаётининг ижтимоий ва маънавий асосларини бузилишига олиб келади [Александрова, 2006. – С 127]. Барқарор яшаш маконининг деформацияси ўтиш даври жамиятининг беқарор ижтимоий муҳит ва инсон ҳаёти дунёси ички маданият ва дунёси билан белгиланадиган ташқи ҳаракатлар орасидаги маконни кенгайтириши билан изоҳланади. Ички ва ташқи маконнинг бир хиллиги ўз-ўзини англаш инқирозида, ҳаётнинг янги маъноларини қидиришда, шу жумладан глобал туризм амалиётида ўз ифодасини топмоқда. Шахс маконидаги маъновий кадрият тузилмалари мултимаданий кодлар билан ўзаро муносабатга киришиб, трансформацион жамиятдаги маданий маконнинг ижтимоий конфигурациясига таъсир қилади.

Шахснинг ҳаёт макони автоном хусусиятга эга бўлмай, уруғларни бирлаштириш тамойили антропоген маконни вужудга келтиради. Фаолият табиати ўзгариб бориб, инсон тузилмаси бошқа макон шаклига ўтиб бормоқда. Ҳар қандай макон онгли ёки онгсиз равишда шахснинг ҳақиқий яшаш майдонига таъсир қиладиган хотира изларини қолдиради. Туристик макон ақл соҳаси, жамият, табиатдаги инсон инсон ҳаётининг чегараларига мос келади. Постиндустриал жамиятнинг аксиологик парадигмаси туризм феноменини замонавий даврда шахс ўзини ўзи намоён қилишининг маконий тузилмаси сифатида кўриб чиқишга имкон беради. Кўриниб турибдики, туризмнинг кадриятлар билан боғлиқ жиҳатлари маконни ўзлаштириш шакли сифатида намоён бўлади.

Туризм тарихи ва унинг ишлаш принциплари шундан далолат берадики, туристик имидж ва унинг асосида маконни тузиш мезонлари ишлаб чиқилган. Д.Н. Замятин томонидан ишлаб чиқилган маконнинг типологияси сайёҳлик маконининг рамзий муҳитини яратиш механизмини ўрганишни назарда тутди [Барчукова, 2008. – С 143]. Мазкур типология доирасида муаллиф макон динамикасига кўра унинг иккита турини ажратиб кўрсатади. Биринчи экстенсив тарзда кенгайиб боровчи динамик макон. Бундай маконлар очиклик, агрессивлик, кенгаювчанлик, чегараларнинг доимий ўзгариб туриши каби хусусиятларга эга. Бундай маконлар ворисийлик асосида шакллари ўзгартириб турадилар. Иккинчи тур - бу нодинамик, статик, мувозанат маконлардир. Бундай маконларда ҳар қандай ҳодиса тез тарқалади. Маконнинг иккинчи типологияси маконлар ривожланишининг ташқи ва ички омиллари, шртасидаги фарққа асосланиб, маконнинг ривожланиш механизмига кўра типологияси деб аталади. Бу механизм кузатувчининг ташқи ёки ички маконни тавсифловчи позицияси ҳисобланади. Маконнинг биринчи тури ташқи омиллар таъсирида шаклланади. Кузатувчи бу турдаги маконларни ташқаридан туриб идрок қилади. Ушбу турга мувофиқ мамлакатлар ва қитъаларнинг кенг миқёсли ва глобал образлари яратилади. Иккинчи тур доирасида, турист макон ичида яшаб, кузатувчи позициясини эгаллайди. Ҳодисалар бир жойга тўпланиб, ички маконлар маҳаллий тасвир манбаи сифатида шаклланади.

Маълумки, туризмнинг ривожланишига замин устидаги урбанизм, хизматлар бозори, оммавий ахборот воситалари, транспорт ва компьютер технологиялари устунлиги даври бошланди. Тарихда миллий чегаралар орқали одамларнинг энг катта ҳаракатлари маҳаллий жамиятлар, ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар ўртасидаги муносабатларнинг доимийлигини яратди. Ўзгариш тенденциялари глобал шаклга эга бўлган сайёҳлар оқимига воситачилик қилмоқда ва бу оқимларни олиш учун жойлар бир-бирларини ўзгартирмоқда, дунё жойларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жараёнини ўз ичига олади. Бизнинг фикримизча, туристик имидж мезонлари эстетика,

жозибадорлик, хавфсизлик, дам олиш учун қулайлик ва сирли элементлар билан боғлиқ потенциал туристлар ўртасида рағбатлантирувчи бирлашмаларнинг самарадорлиги сифатида тан олинади. Ушбу мезонлар туристик маконни ўйин, дам олиш, мулоқот, жисмоний дам олиш турларининг макон сифатида шакллантириш учун замин яратди [Богданов, 2014. – С 53]. Сайёҳлик сафари давомида истеъмолчи кўпроқ ҳаётий вазиятларни, психологик ҳолатларни тўплашга, хиссиётлар, таассуротлар ва таниб олиш саргузаштларини бошдан кечиришга интилади. Туризм маконида тўғри ташкил етилган истеъмол сайёҳлик маконига қайтиш ҳаракатларини рағбатлантирадиган ҳаётий тажрибаларнинг хилма-хиллигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шенгелия Н.О. Общие тенденции развития туризма в малых и средних исторических городах на основе международного опыта в этой сфере // Труды Академии туризма, Вып. 1. СПб, 2005.
2. Александрова А.Ю. Экономика и территориальная организация международного туризма: Учеб. пособие. - М. 2006.
3. Барчукова Н.С. Международное сотрудничество государств в области туризма. - М.: Международные отношения, 2008.
4. Богданов Е.И. Туризм и его воздействие на современную социокультурную ситуацию Санкт-Петербурга. - СПб.: СПГУП, 2014
5. Нишонова О.Д. Ўзбек этномаданиятининг эстетик моҳияти ва функциялари. Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент: 2016.
6. Тураев Б.Х. Рынок туристских услуг в Узбекистане // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. -Т.: 2009 й. №4.
7. Ташмуратов Т.Т. Халқаро туризм. - Т.: Турон - Иқбол, 2017.
8. Пардаев М.Қ. Туризм соҳасини ривожлантириш имкониятлари. Рисола/ -Т.: Фан ва технология, 2007.
9. Эштаев А.А. Глобаллашув шароитида халқаро туризм // О‘zbekiston qishloq xo‘jaligi. - Т.:2010 й-№ 6.

III ШУЪБА: ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ФАНИНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ (ҚАДИМГИ ДАВРДАН ҲОЗИРГИ КУНГАЧА)

ТЕМУРБЕКНИНГ ЎСМИРЛИК ДАВРИ

«Қашқадарёнинг шонли тарихи ҳақида гап кетганда, ҳеч шубҳасиз, аввало буюк соҳибқирон Амир Темури бобомизни ёдга оламиз»

Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

О. Бўриев, А. Хўжаёров
ҚарДУ, Қарши

Буюк Амир Темури салтанатининг вужудга келиши ҳақида сўз юритганда, баъзи муаррихлар Соҳибқироннинг ёшлик йилларини четлаб ўтиб, айнан шу давр ҳақида сўз юритишмас эди [8:21-25]. Шу боисдан, Амир Темури асл сиймоси ҳақиқий баҳосини топмаган, албатта. Манбаларда Темурибек ёшлик йилларида эл-юрт, тирикликдан мақсад нималиги ҳақидаги ўта муҳим саволларга жавоб топган ва маънавий сабоқ олиб, оқу қорани таниган. Соҳибқироннинг 1336 йил 9 апрель куни таваллуд топганлиги ўзининг «Таржимаи ҳол»ида қайд этилган. Муаррихлар Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»ларида Соҳибқироннинг болалиги ҳақида баъзи маълумотлар учрайди. Муаллифлар В. В. Бартольд, А. Ю. Якубовский, Т. Н. Грановский, Б. Аҳмедов, А. Аҳмедов, Т. Файзиев, Т. Ҳайит асарларида Амир Темурининг хижрий 736 сичқон йили шаъбон ойининг 25 кунида (1336 йил 9 апрель Кеш шаҳридан 10 чақирим (тахминан 13 км) бўлган Хўжаилғор қишлоғида таваллуд топгани айтилади. Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темуринома» асаридаги ривоятда эса Такина бегим Муҳаммад Тарағайнинг иккинчи хотини-кундошининг найранги билан Кешдан Бухорога йўл олганда, кўзи ёригани хусусида сўз боради. Аммо Амир Темури тўғрисидаги барча ҳикоят-ривоятлар хусусида бирдек тарихий ҳақиқат сифатида фикр юритиш асоссиздир. Темурибекнинг табаррук номи билан ҳозирги Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманларини боғлаб турувчи бир муқаддас кўприк - маскан мавжудки, Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятини тарих этган жаҳоннинг барча қалам соҳиблари шу кўприкдан ўтиб, ул буюк зот ҳаётига сафар қилганлар. Бу кўприк Яккабоғдаги Хўжа Илғор қишлоғи ва шу ерда абадий қўним топган Хўжа Илғор ота - Муҳаммад ибн Абулқосим ҳазратларининг муборак равзаларидир. Темурибек ана шу қишлоқда таваллуд топгани, равзаи муборак атрофида ўйнаб-ўсгани ҳақида тарих китобларида, маҳаллий халқ оғзаки ривоятларида баъзи маълумотлар сакланиб қолган.

Мазкур ҳудудда А. Сағдуллаев, З. Усмонова, Г. Я. Дресвянская, С. Б. Лунина, А. Раимкулов каби қадимшунослар археологик изланишлар олиб боришган. Мазкур қишлоқ тарихи бўйича Ғ. Ғофуров, И. Шоймардонов, Ҳ. Сатторий, Ж. Тўхлиев, А. Жуманазар, С. Улашевлар илмий асарлар яратишган.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов (1938-2016) «Темури тузуклари»га ёзган мухтасар сўз бошисида таъкидлаганидек: «Бу беназир зотнинг қандай миллий замин ва тарихий шароитда ўсиб-улғайгани, қай тариқа шундай юксак чўққиларга кўтарилгани, зафарли юришлари ҳақида, унинг, нафақат давлат арбоби ва енгилмас саркарда, айни вақтда инсон сифатидаги фазилатлари, ички дунёси ва кечинмалари ҳақида Шарқ давлатлари билан бирга олис Европада — Буюк Британия, Франция, Испания, Германия каби мамлакатларда ҳам бундан неча юз йиллар аввал кўп-кўп илмий ва бадий асарлар яратилгани яхши маълум» [4:6-6]. Истиклолнинг дастлабки йилларида Амир Темури бобокалонимизнинг ҳаёти ва фаолияти билан яқинроқ ва яхшироқ таниша бошлаганимиздан

сўнг ул зотнинг таваллуд топган манзили - киндик қони томган маскан ҳақида баҳс-мунозаралар бошланиб кетди. Илм-фанда аллақачон тасдиқланган, араб муаррихи Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур Кеш (Шаҳрисабз) вилоятининг Хўжа Илғор қишлоғи (ҳозирги Яккабоғ тумани ҳудуди)да туғилган», деган сўзларига ишонқирамай, бировимиз Соҳибқирон Шаҳрисабзнинг Ниёзий (Аччиғи), бировимиз Чироқчининг Тарағай қишлоғида, яна бировимиз Муборак шаҳрининг қадимий ўрни Занжирсаройда таваллуд топган, деган фикрни ўртага ташладик. Албатта, илмда баъзан шундай баҳслар бўлиб туради. Энг тўғри далил шуки, Соҳибқирон Қашқадарё заминида таваллуд топган, ўсган, яшаган, бизга ватандош, қондош, диндошдир.

Амир Темур ҳаёти ва фаолиятдан ҳикоя қилувчи тарихий манбалар шу қадар кўп ва улар турфа хил, ранг-барангки, ўтган қарийб олти аср давомида яратилган бу асарларни, халқимиз тўқиган нақл ва ривоятларни йиғиш, улардаги фикр-мулоҳазаларни бир-бирига қиёслаб ўрганиш, сўнгра теран хулоса чиқариш анча муддат талаб қиладиган иш, албатта. Ҳозирга қадар бу борада бир қанча муҳим ишлар амалга оширилди ва улар изчил давом эттирилмоқда. Соҳибқироннинг таваллуд топиш саналари, сониялари, киндик қони томган маъволари ҳақида замондош тарихчилари ажойиб битиклар қолдирганлар. Шулардан бири араб муаррихи Ибн Арабшоҳ «Ажойиб-ал мақдур фи тарихи Таймур» («Темур тарихида тақдир ажойиботлари») асарида шундай ёзади: «Темур ибн Тарағай ибн Абағай бўлиб, унинг туғилган жойи Хўжа Илғор, деб аталадиган қишлоқдир. Хўжа Илғор Кешга карашли жойлардандир - Аллоҳ у ердан ҳар қандай ёмонликни даф этсин! Кеш - Мовароуннаҳр шаҳарларидан (бири) бўлиб, Самарқанддан тахминан 13 фарсах (масофа)дадир. Ҳикоя қиладиларки, (Темур) туғилган кечаси ҳавода қандайдир учиб юрган темир қалпоқчага ўхшаш бир нарса пайдо бўлган. Кейин у кенг бўшлиққа тарқалиб, ер юзига ёйилиб кетган эмиш. Ундаги чўғ ва учқунга ўхшаш нарсалар ҳар томонга сачраган ва уйилиб, ҳатто ўтроқ ва бадавий жойларни ҳам тўлдириб юборган эмиш» [5:68]. Араб тарихчилари Ибн Ҳажар ал-Асқалоний (1372-1449) «Замонамизнинг машҳур ўғлонлари ҳақида ғўр кишиларга хабар», Ибн Тағриберди (1411—1469) «Миср ва Қоҳира ҳокимлари тарихида порлоқ юлдузлар», «Ал-Вофийдан кейин оқан мусаффо булоқ» деган асарларида Ибн Арабшоҳнинг фикрини тасдиқлаб, Амир Темур таваллуд топган манзил «Кеш шаҳри яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғи» эканлигини айтиб ўтадилар.

XIX асрнинг 60-йиллари бошида Бухорога келган можор сайёҳи ва олими Ҳерман Вамбери «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» асарида шундай деб ёзади: «Бу шахс Оврупода Тамерлан ёхуд Темурланг номи ила машҳурдир. У 736 (1333) йил шаъбоннинг бешида, сешанба куни кечкурун Кешнинг ёлғиз кўкаламзор жойи бўлгани учун «Шаҳрисабз», деб аталган маҳалласида дунёга келди. Кейин бутун шаҳар шу ном билан аталди» [9:35]. Соҳибқироннинг энг аввалги тарихчилари Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий, Муъиниддин Натанзий, Ҳофизи Абрў, Абдураззоқ Самарқандий Амир Темурнинг таваллуд топган саналарини қайд этишган бўлсаларда, манзил ҳақида сукут қилганлар. Рус шарқшунос олими В. В. Бартольднинг ёзишича, муаррих Ибн Арабшоҳ асаридан бошқа ҳеч бир манбада Амир Темур тугилган жой номи кўрсатилмаган. У «ҳеч бир манба» деганда юкоридаги муаррихларни назарда тутди, шеқилли. Қадимги Кеш яқинидаги Хўжа Илғор ота мавзеси қадимда ҳам, Соҳибқирон замонида ҳам, кейинги ва бугунги кунда ҳам яйлов-ўтлоқлар, экинзорлар, боғ-роғларга бурканган жой бўлиб, туркий қавмларга ота макон бўлгани, бу хушҳаво манзилда Темурбек таваллуд топган, албатта.

Ўша ривоятда айтилган саҳобий Муҳаммад ибн Абулқосим бошчилигидаги «Илғор кўшин»дан олинган «Илғор» сўзи аслида «Хўжа» сўзи билан кўшилиб, «Хўжа Илғор» бўлиб кетганмикан? Бу мавзе Соҳибқироннинг оталари Тарағай Баҳодир томонидан Муҳаммад ибн Абулқосим масжиди ва мадрасасига «вақф», «суюрғол» (ниёз, бахшида) қилиб берилган ерлар эмасмикан? «Хўжа» ва «суюрғол» сўзлари бирикмасидан «Хўжа Илғор» келиб чиқмаганмикан? Халқ Муҳаммад ибн Абулқосим ҳазратларига ҳурмат юзасидан у кишини «Хўжа» номи билан,

ҳазратнинг қабрлари жойлашган «суюрғол» ерларнинг номи билан қўшиб «Хўжа Илғор», деб атаб кетган бўлиши мумкин. Бундай тахмин қилишимизга бир неча далиллар мавжуд. Масалан, халқимиз Қусам ибн Аббос ҳазратларини Шоҳи Зинда, Абдулҳолиқ Ғиждувонийни - Ҳожаи Жаҳон, Аҳмад Яссавийни - Туркистон бува, Нуриддин Басирни - Чўпон ота, Тошхўжа ибн Ойхўжани - Зангиота, Қаран Увайс, Довуд Дамашқийларни - Султон ота (Хоразм ва Қашқадарёда) атаганлари каби Муҳаммад ибн Абулқосим ҳазратларини ҳам «Хўжа», деб аташгани шубҳасиз. Иккинчи далил шуки, Жете Туғлуқ Темур лашкари билан Самарқандни босқин қилгани хабари Кеш ҳокими Ҳожи Барлосга етказилгач, у тўшақда бемор ётган амакиси Тарағай Баҳодирга маслаҳат сўраб, махсус одамдан хат жўнатади. Ўшанда Тарағай Баҳодир Кешдан бир неча чақирим узоқликда юз нафаргача навқари ва мол-давлати билан яшаётганига ҳам шубҳа йук. Хўш, бу манзил қаер эди? Бу ҳақда тарихий маълумотлар сукут қилади. Бизнингча, Тарағай Баҳодир ўшанда Хўжа Илғор ота мавзесидаги чодирда эмасмиди?! Ўша ерда ўғли Темурбек билан юрт тақдири ҳақида фикрлашмаганмиди?! Ҳа, Тарағай Баҳодир бемор ҳолда охириги васияти — вафот этса, жасадини Кешдаги пири Шамсуддин Кулол пойига дафн этишни, ҳозир эса Темурбек амакиси Ҳожи Барлос ҳузурига бориб, душманга қарши биргалашиб жанг қилишни ўша манзилда тайинлаган эди.

Учинчи далил шуки, тарихчи олим Азамат Зиё ёзганидек, Муъиниддин Натанзий «Амир Темур туғилган қишлоғи Ниёзийга қараб жўнади» деган сўзларни худди шу ниёз, бахшида, суюрғол қилинган жой маъносидаги Ниёзий қишлоғи деб атаб, ёзган бўлишлари керак. Академик В. В. Бартольд 1928 йили бир муддат Шаҳрисабзда, Хўжа Илғор қишлоғида бўлган эди. Қарияларнинг айтишларича, у Соҳибқирон туғилиши, болалиги ва ўсмирлиги билан боғлиқ жуда кўп ривоятларни маҳаллий аҳолидан ёзиб олган. Бу синчков олим суҳбатлашган кексаларнинг узоқ авлодлари Хўжа Илғор атрофидаги қўшни қишлоқларда ҳозир ҳам ҳаёт кечирадилар. Қашқадарё воҳасининг қадимги сиёсий ва географик идора қилиниши ҳозирги тушунчаларимиздан кескин фарқ қилади, албатта. Соҳибқирон замони, шайбонийлар, аштархонийлар, Бухоро амирлиги даврида Шаҳрисабз, Китоб, Чирокчи, Яккабоғ мавзелари ҳудудий жихатдан бир неча бор ўзгаришларга дуч келган. Аммо бу туманларнинг ҳудудлари ўтмишда Шаҳрисабз вилоятига қарашли бўлиб келгани ҳам аниқ. Шу боис ҳозирги Яккабоғликлар Соҳибқирон замонидан бери ул зотнинг Хўжа Илғор мавзесида таваллуд топгани ҳақида ўз фарзандларига ҳикоялар қилиб, бунга қаттиқ ишониб келадилар. 1925 йилларда Хўжа Илғор қишлоғи Шаҳрисабз вилоятининг Мўминобод амлоки таркиби-да бўлиб аҳолиси Кизилдарёдан келадиган Қоражўй ариғи сувидан фойдаланишган. Қишлоқда бу пайтда 13 хонадонда 65 нафар киши яшаган. Қишлоқ аҳолиси хўжалик зарурати учун Жумабозорда савдо қилишган [2:4]

Ул зотнинг болалик даврига тўхталадиган бўлсак, бу тўғрида ғоят қизиқарли, шу билан бирга қарама-қарши, ҳатто бир-бирини инкор этувчи, баъзан уни атайин ёмон отлик қилувчи фикрлар, ҳикоят-ривоятлар ҳам йук эмас. Бир ривоятга кўра, Амир Темур таваллуд топган кунда Ҳисор тоғлари қаттиқ силкиниб, даҳшатли бўрон турган ва ҳатто бинолар қулаган эмиш. Донолар бу воқеани шарҳлаб, мамлакатга ҳукмронлик қилувчи шарофатли бир зот дунёга келганини башорат қилган эканлар.

Темурбекнинг отаси Муҳаммад Тарағай Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта нуфузга эга бўлган барлос қавмидан чиққан обрўли беклардан бири бўлиб, Чигатой хонларидан Қозонхон (1338-1346) лашкарида хизмат қиларди. Онаси Такина бегим наслу насаб жихатдан аслзодалардан бўлиб, бухоролик машҳур фақиҳ «Тоҷуш-Шаръи» таҳаллуси билан танилган Убайдулла ибн Масъуднинг авлоди эди. У жаҳонга ҳукмдор бўладиган фарзандли бўлиши ҳақида биринчи бўлиб авлиё шайх Кулолдан эшитган эди. Муҳаммад Тарағай ўғлининг илм олишга жуда катта эътибор берди. Темурбек тўққиз ёшга тўлганда, Кешдаги барча уламо ва фозилларни чақириб, имтиҳон қилишларини сўради. Синовда Темурбек ҳаммани ҳайратда қолдирди. Унинг илми ва

донолигидан мамнун бўлган улуғлар Темурбек номига «ҳофиз» унвонини кўшиб бердилар. Ваҳоланки, айрим инсонлар бир умр илм олиб, шарафли бу номга сазовор бўлишолмайди.

Амир Темур бунчалик илмни қаердан олди, деган саволга Кешдаги мадрасаларда ёш толибларнинг билим олишлари учун етарли шарт-шароитлар мавжуд бўлганлигини айтиш кифоя. Мадраса ва толиблар вақф жамғармаси ҳисобидан маблағ билан таъминланар эди. Бу эса ўқув услубларининг такомиллаштиришга ҳам катта ёрдам берар эди.

Тўққиз ёшли Темурбек Қуръони каримни ёд олган, беш вақт намозни канда қилмайдиган, мактабдаги барча ўқувчиларга бошлиқ бўлган обрўли ўсмир эди. Аслида унинг саводини чиқаришга анча олдин киришган эдилар. Бунинг ҳаққонийлигини қадимги удумлар ҳам тасдиқлайди. Милоднинг 605-617 йилларида Самарқандда бўлган хитой сайёҳи Вей Цзенинг шохидлик беришича, туркийларда ўғил болаларга беш ёшга тўлганидан бошлаб, савод ва ҳисоб ишлари ўргатилади. 20 ёшга етганларида савдо-сотик учун чет элларга юбориладилар. Мадрасага келган талаба бошланғич таълимни мукамал билиши лозим эди. Сабоқдошларига бош бўлишининг ўзи ҳам Темурбекка ана шу удум асосида таълим-тарбия берилганини исботлайди. Темурбекнинг 14 ёшида Кеш шаҳридаги Абдулла Қутб мадрасасида таҳсил ола бошлагани ҳақида маълумотлар мавжуд. Ана шу ерда у бошқа машҳур асарлар каби озарбайжонлик шоир Маҳмуд Шабустарийнинг «Гулшани роз» («Сирлар гулшани») китобини ҳам ёд олган эди. Орадан йиллар ўтиб, Турон султони Амир Темур Озарбайжондан ўтаётганда, Шабустар деган қишлоқ диққатини тортади. Унинг буйруғига кўра, қишлоқ ҳақида суриштириб кўрганларида, бу ҳақиқатан ҳам шоир Маҳмуд Шабустарийнинг шу ерда яшаганлиги аниқланади ва шоирининг қабри ҳам шу ерда эканлиги маълум бўлади. Амир Темур гарчи вақти тўғиз бўлса-да, шоир хотираси ҳурмати учун унинг қаровсиз қабрини бориб кўради ва Қуръон тиловат қилади ҳамда махсус фармон бериб, у ерда мўъжаз мақбара қурдириб, атроф ерларни вақф тариқасида беради. Қишлоқда истиқомат қилаётган 3891 нафар кишига 5 мисқолдан олтин улашади. Бир мисқол олтиннинг 5 граммга тўғри келишини ҳисоблаб чиқсак, бу умумий ҳисобда 19455 грамм, яъни қарийб 20 кило олтин демакдир. Тарихда биргина китоб учун битта шоирга шунча мурувват кўрсатган бундай олижаноб ҳукмдорни бошқа учратмайсиз [Қодиров, 2007, 12-13-б.].

Шу ўринда, Россияда нашр этилаётган «Наука и жизнь» журнали (2004 йил 4-сон) Самара вилояти Кўшк қишлоғида истиқомат қилаётган 10-синф ўқувчиси Михаил Арнольдovнинг «Бир муҳораба сири» мақоласи учун йиллик мукофот соҳиби сифатида тақдирлаганини ёрқин мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу мақола «Тафаккур» журналининг 2005 йил 1-сонида босилиб чиққан эди (Таржимон М. Қаршибоев). Бундан ёшларимиз ибрат олиши лозим, албатта.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкирот уш-шуаро» асарида шундай ҳикоя қилинади: «Соҳибқирон 7 ёшлигида отаси билан бир қариндошиникига меҳмонга борди. У киши бадавлат эди. Етмиш нафар турк ва ҳинд кули бор эди. Мезбон шикоятга ўтиб деди: «Худо менга молу-давлат берди, лекин уни сақлашга ожизман, фарзандларим салоҳиятсиз бўлсалар, кулларимизнинг сабру тоқатлари йўқ. Шу сабабдан молу-дунёимга нуқсон етмаса, деб кўрқаман». Темурбек гапга аралашиб деди: «Эй ота, фарзандларингга молларингни бўлиб бер ва уларни ўз молу мулкига дохил қилгинким, улар ўз-ўзлари билан овора булиб қилсинлар. Сўнг уч қулни бир қулнинг ихтиёрига топшир. Уларнинг ҳар бирини етмишдан қулнинг амири қил. Кейин етмиш қулга бош бўлган еттита қулни бир-бирининг таъзим ва ташрифига буюр. Уларни кўздан қочирма, чунки бир-бирлари билан кўп суҳбатлашмасинлар». Мезбон ҳайратда қолиб, Муҳаммад Тарағайга бокди. - «Бу фарзандинг жаҳонга подшо бўлади, чунки етти ёшида шундай фикрладими, ундан кўп нарса кутиш мумкин, - деди ва шу заҳоти қалам, қоғоз олиб келиб, Темурбекдан хат ёздириб олдики, давлат қуши бошига қўнғач, унинг фарзандлари, зурриёти ва яқинларидан хирож олмасин, уларнинг гуноҳларидан ўтсинлар, қавми тархон қилинсин», — деди. [8:23]

Амир Темур мадрасаи олиянинг бошланғич даврини муваффақиятли тамомлагандан сўнг, таҳсилни Олий маъҳадда давом эттирди. Боланинг теран фикрлаш, юксак қобилияти устозларини лол қолдирарди. Темурбек унча-мунча талабаларни қийнаб қўядиган мураккаб масалаларни бир зумда ечар, унинг учун ҳар қандай вазифанинг ҳеч қандай қийинчилиги йўқ эди. Ўқиш давомида у жаҳон мамлакатларининг тарихи, ислом таълимоти ва ҳуқуқшунослигини, ҳандаса, риёзиёт, жуғрофия ва фалакиёт илмларини пухта ўрганди. Ўн саккиз минг олам, етти фалак борлигини, тириклик бир синов эканлигини тушуниб етди. Энг муҳими, унинг маънавий олами бойиди: бир ўқиган нарсаси эсида маҳкам ўрнашиб қоларди, нафақат Қуръони каримни, араб-турк машойихларининг дурдоналарини ёд олар, беҳад жарангдор ва ёқимли овози кишиларни ўзига ром этар, дилларга завқ-шавқ бағишларди. Темурбек ўз даврининг буюк алломаси бўлиши мумкин эди, аммо у яшаган давр ёш бола қалбига таъсир этмасдан қолмади. Баъзи муаррихлар уни ўз хоҳиши билан ҳарбий ўйинлар ўйнаган, дея енгил-елпи фикрлар атрофида ўралашадилар. Турон болалари қадим-қадимдан нафақат «уруш-уруш» ўйинини, балки чиллак, қулоқчўзма, кўпқари, кураш ва бошқа халқ ўйинлари билан ҳам машғул бўлганлар. Темурбек халқ сайларида “Пойга”, “Оқ суяк”, “Подшоҳ-подшоҳ”, “Чуркес”, “Такаловлов” каби ўйинларда доим тенгқурларини енгиб ғолиб бўлган ва эл олқишини олган. Бўлажак Соҳибқиронга Баҳодир Барлоснинг навқари Ҳаққул полвон, тоғаси Абдулла мерганлар унга кураш, югириш, тош кўтариш ва югиришни ўргатишган. Темурбек чавандозликни, ўнг ва чап қўлларида қилич чопишни, Амударёда сузишни яхши кўрган, тўртта шахмат тахтасида дона сурган, элликликка кирган, яъни, эллик йигитга бас келган. Темурбекнинг бақувват ва полвон бўлганлигини ҳозирги Яққабўғ тумани Хўжа Илғор қишлоғидаги “полвонтош” ҳам исботлайди. Кўкимтир рангда тўртбурчак, сал узунчиқ йўнилган бу тошнинг оғирлиги 96 килограмдир. Ривоят қилишларича, Темурбек полвонтошни шу ердан тепаликка олиб чиқиб тушган, қўлларида ўйнатган. Байрам ҳайитларида йигитлар полвонтошни кўтаришган. Ҳозир ҳам мазкур полвонтош сақланмоқда.

Темурбек ёшлиқдан чавандозлик, қиличбозлик, сувда сузиш, кураш тушиш машқлари билан танасини чиниқтирган бўлса, илм билан ҳам ўзини зийнатлади ва у ҳеч қачон уч маротаба қўл ювмасдан туриб, китобни ушламас эди. У «Китоб (битик) барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир», деб бот-бот таъкидларди. Темурбек ўз тенгқурлари орасида анча юксак истеъдодли бўлган. Қаттиққўлиги, қўрқмаслиги ва тадбиркорлиги, сезгирлиги билан тенгдошларидан алоҳида ажралиб турган. Ёшлигидан тенгқурлари, ҳатто катталарни ҳам ўзига жалб этган. Темурбек 12 ёшгача тенгқурлари ичида устун бўлса, сўнгра ундаги салтанат тахти сари ҳукмдорлик, жаҳонгирликка тайёрланиш фазилатлари шакллана бошлаган. Амир Жоку, Шайх Шамсуддин Кулол, Шайх Қутб кабилар мураббийлик қилишган.

Темурбекнинг ёшлиги чингизийларнинг мустамлакачилик йилларига, оғир даврларга тўғри келди. Зулм исканжасида бўғилган эли, вайрон бўлган Ватани озодлиги учун у ҳарбий дунёга юз буришга мажбур эди. Темурбекнинг яна бир истеъдоди — ёш йигит умр йўлини, мақсадини, йўналишларини тўғри белгилай олди, инсон учун бу жуда муҳим жиҳатлардир. Айримлар эса умр бўйи ўз йўлини тополмай, ҳаёт сўқмоқлари, чангалзорлари аро сарсон-саргардон кезиб, охир-оқибат хароб бўладилар. Темурбекнинг яна бир хислатини — дўстлар танлай билиш одатини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз, зеро унинг қирқ нафар тенгдоши ўзига ўхшаган довьорак, замонни тушунадиган, эл-юрти учун жонини берадиган йигитлар эди. Амир хожи Сайфиддин, Умар Аббос, Жоку Барлос, Идику Темур, амир Сулаймон, амир Довуд Барлос, Амир Муайят Барлослар ўша замон вазир ва амирларининг фарзандлари бўлиб, Темур билан бирга юрт озодлиги учун курашишга қасамёд қилган эдилар. Амир Темурнинг ҳомийлигида кўплаб шоир ва ёзувчилар ижод этишган. Буларга шерозлик Шамсиддин Муҳаммад Нафис, хўжандлик Камолиддин ибн Масъуд ва Убайд Законий,

Имомиддин Фақиҳ, Жамолиддин Муҳаммад Салмон ибн Алоуддин Муҳаммад, Фаҳриддин Маҳмуд ибн Амир Яминиддин Турғатлар мисол бўла олади [8:24]. Амир Темурга душманлик кўзи билан қараган муаррихлар бу масалага тескари ёндошганлар ва бундай нотўғри қарашлар Европага ҳам сингиб кетган. Шўро тарихчилари бу каби чўпчакларни дастак қилиб олдилар. Шу тарика у «қонхўр», «боскинчи» ва «саводсиз»га айлантирилди. Лекин ўзбек давлатчилиги тарихига назар ташласак, ҳеч бир хат-саводсиз киши давлат тепасига келмаган. Ҳамма ҳам Шарқнинг сирли эшикларини очишга муяссар бўлолмади. Демакки, Шарқ ҳақида сўз айтмоқчи бўлган олим шарқона ёндошсагина ҳақиқатни айтишга эришади. Можор олими ва сайёҳи Ҳерман Вамбери ёзадики: «Темурнинг ўзи тиниқ ва очиқ турк шеvasида ёзар эди. Бу ерда зикр қилинган «Тузукот» фикримизни исбот этади [9:56]

Амир Темур бирор мамлакатга юриш олдидан тирик гувоҳлардан ташқари ўша мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид ҳолатларини, ёзма манбаларини шахсан ўрганиб, турли маълумот ва ҳужжатларни аниқ қилиб, тегишли хулосалар чиқарган. Ҳатто у сарой муаррихлари асарларини қайта таҳрир қилар, тузатар, уларга қўшимчалар киритарди. Бошқа жиҳати, у билан суҳбатда бўлган жаҳоннинг энг нуфузли олимлари, тарихчилари унинг билими ва дунёқарашидан ҳайратга тушардилар, ҳатто суҳбатлардан сўнг унга алоҳида ихлос қўярдилар. Темурбекнинг ёшлиги ҳақидага бор ҳақиқат юқорида тилга олингандек энгил ўтмаган: у сиёсат майдонига кирган пайтда ҳар томонлама етук инсон, куч-қудратда ҳам тенгсиз, сардор бўладиган даражага етган эди. Илм-фан ҳомийси, китоб шайдоси бўлган Амир Темурни ҳаётлик даврида “Зафарнома” ёзган ва Соҳибқирон назарига тушган муаррих Низомиддин Шомий асариди: «Асрлар мобайнида ҳали бирор талабгорнинг аҳду никоҳига кирмаган икки бўй етган гўзалдек бўлмиш Эрону Турон мамлакатларини (Амир Соҳибқирон) адолатли сиёсат юритиш орқали шундай бошқармоқдаки, у ерларнинг сиёсати ўрнатилган кунларда Мовароуннахрнинг энг чекка жойларидагина эмас, балки Хитой ва Хўтан чегарасидан Деҳли ва Канбойит атрофларигача (Ҳиндистон ярим ороли шимоли-ғарбида жойлашган бандаргоҳ), Боб-ул-Абвобдан («Дарвозалар дарвозаси», яъни Кавказ тизмасининг шарқий қисмида Дари ал-дарасида жойлашган қалъа) Миср ва Рум ҳудудигача бўлган ерлардан савдогарлар у ёқда турсин, болалару бева хотинлар ҳам ипакли матолар, олтин-қумуш ва энг зариф тижорат молларини келтирадилар ва олиб кетадилар. Ҳеч бир кимса уларнинг бир дониға ҳам кўз олайтира олмайди ва бир дирҳамиға ҳам зиён етказмайди. Бу чексиз неъмат ва поёнсиз марҳаматлар Амир Соҳибқироннинг сиёсати ва адолати натижасидир» [6:20-21]. Шеърят мулкининг султони Алишер Навоий ҳам Амир Соҳибқирон ҳақида шундай ёзади: «Темур Кўрагон - агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хўб маҳал ва мавқеда ўқибдурларким, анингдек, бир байт ўқиғони минг яхши байт айтқонча бор» [3:195] каби фикрлар муҳрланган. Демакки, Темурбек ёшлигидан ақлли, зийрак ва доно бўлиб ўсган. Унинг ҳар томонлама камолотга етишида ота-онаси, шунингдек, ўз даврининг эътиборли ва машҳур сиймолари, алломалари, таълим-тарбияси катта роль ўйнаган. Шу боисдан ҳам Темурбекнинг ёшлик давридаги таълим-тарбия соҳасидаги фазилатлари ҳозирги даврда ҳам ёшларимиз учун ҳам ибрат намунаси бўлиб қолади.

Мустақилликка эришганимиздан кейин юртимизда яшаб ўтган кўплаб улуғ сиймолар қатори Амир Темурнинг муборак номи ва бу буюк зот ҳақидаги асл тарихий ҳақиқат ҳам тикланди. Шу ўринда Соҳибқироннинг давлатчилик, ҳарбий маҳорат, бунёдкорлик салоҳияти, дипломатия ва ташқи савдо, илму фан, санъат ва меъморликка оид қарашлари, адолатни жойига қўйиш ва халқ манфаатини ўйлаб иш тутиш билан боғлиқ ибратли фазилатларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Хулоса қилиб айтганда, Хўжа Илғор - Кешдан чиққан Амир Темур ҳукмронлиги даврида Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Андижон, Қарши, Шаҳрисабз каби шаҳарлари Туронзаминнинг энг йирик савдо ва ҳунармандчилик марказига айланиб, кун сайин ривожланиб борди. Зеро,

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг «...буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: «Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!» деган чуқур маъноли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётий эътиқодга айланиши зарур» - деган сўзлари катта эътиборга моликдир. [1:10]

ҲОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курашимиз. Т.: «Ўзбекистон», 2017
2. Жуманазар А, Тўхлиев Ж. Яққабғ - Соҳибқирон камол топган юрт. Т.: «Академнашр», 2018
3. Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Т., 1961
4. Каримов И. А. Миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз намунаси. -Темур тузуклари. - Т.: «Ўзбекистон», 2011
5. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 1-китоб. Нашрга тайёрловчи: У.Уватов. Т.: «Меҳнат», 1992
6. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т., 1996
8. Ҳайит Т., Набиева Ф. Улуғ амир ўғитлари («Темур тузуклари»га шарҳ). Т.: «Навруз», 2003
9. Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т.: «Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 1990.
10. Қодиров П. Амир Темур сиймоси. Тошкент, 2007.

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Ф.А.Ахмедшина,
ЖДПИ, Жиззах

Глобаллашув жараёни инсон ҳуқуқлари, тенглиги, эркинлигини таъминлаш масалаларига яъни Инсон тараққиёти концепцияси принципларига мос жамиятни ривожлантиришга гендер ёндашув чуқурроқ маъно бағишламоқда. Жамият тараққиётининг асосий мақсадига эришиш эркаклар ва хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини ошириш, уларнинг маънавий ва моддий эҳтиёжларини янада тулароқ қондириш кўп жиҳатдан гендер тенглиги муаммоларини англаб олиш, уларни ҳал қилишга боғлиқ. Инсоннинг тараққий этиш даражаси индивиднинг (жинсидан қатъи назар) ўзи жамиятнинг ҳаёти ва фаолияти масалаларини ҳал қилишда қанчалик иштирок этиши билан ҳам белгиланади. Шунинг учун ҳам эркаклар ва хотин-қизларнинг жамият ривожини йўлида ҳаракат қилиш имкониятларини тенг равишда кенгайтиришни таъминлаш глобал муаммо ҳисобланади. Бу эса хотин-қизларни қарорлар қабул қилиш жараёнига жалб этиш, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий фаоллигини, жамиятдаги ролини ошириб бориш зарурлигини англатади. Бу гендер тенглигига эришиш муаммоларини тобора долзарблашишга олиб келмоқда.

Жаҳонда инсон ҳуқуқларини кенгайтириш ва давр талабларига мос ривожлантириш хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча босқичларида ҳар томонлама эркаклар билан тенг иштирок этиши учун тенг имкониятларни таъминламасдан мумкин бўлмаганлигига ишонч ортиб бормоқда. Барча юксак ривожланган давлатлар тажрибаси гендер тенглиги самарали иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили эканини исботлаб келмоқда. Ҳозирги замонда аёлларнинг билими ва малакаси ҳам оиланинг ҳамда жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини аниқловчи муҳим омил ҳисобланади. Бу ривожланган мамлакатларда гендер муаммоларини тўғри ҳал қилиш бўйича турли йўналишларда давлат сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган энг асосий вазифалардан бирига айланишига олиб келмоқда. Уларда гендер тенглик тамойилларини бошқарувнинг барча босқичларига сингдиришга қаратилган тизим шаклланимоқда ва бу яхши натижа бермоқда. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда тенг имкониятларни таъминлашга доир халқаро тажрибаларни ўрганиш, тегишли йўналишдаги халқаро ва хорижий ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш гендер тенглигини

таъминлашга қаратилган давлат сиёсатининг замон талабларига жавоб берадиган тизимини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Гендер сиёсати хотин-қизлар ва эркакларга барча соҳаларда тенг имкониятлар яратилишига қаратилган булиб, фақат аёллар манфаатларини ифодаламайди. Гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш, уларнинг иқтисодий ва молиявий ресурсларни тақсимлаш соҳасида эркаклар билан тенгликларини таъминлаш аёлларнинг фаровонлиги даражасини оширишда, қашшоқлик кўламини камайтириш ва иқтисодий ўсишни таъминлашда ижобий самара беради.

Ўзбекистонда гендер тенглиги сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар- жинсларнинг нотенглигини бартараф этиш, хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳақиқий ёки асос бўладиган тенглигини таъминлаш бўйича аниқ мақсадларга эришиш учун давлат органлари томонидан кўриладиган ҳуқуқий, ташкилий ҳамда институциявий хусусиятга эга чора-тадбирларни ўз ичига олади. 2019 йилнинг 2 сентябрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонунда «гендер» тушунчасига қўйидагича таъриф берилган: гендер – хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан, сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳати ҳисобланади. Қонунда давлат хотин-қизлар ва эркакларга шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш чоғида тенг ҳуқуқликни, уларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, сайлов жараёнида тенг иштирок этишни, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида, шунингдек давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланишини, хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида ҳақиқий тенгликка эришиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида уларнинг иштирокини кенгайтириш, жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш мақсадида давлат томонидан гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар кўрилишини кафолатлаши белгиланган. Аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар ичида Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни (2019) алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур қонунда хотин-қизларга нисбатан жамиятда учрайдиган барча турдаги тазйиқ ҳамда жинсий, жисмоний, руҳий ва иқтисодий зўравонликдан ҳимоя қилиш механизмлари белгиланган. Қонунда хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича ички ишлар, меҳнат, соғлиқни сақлаш, таълим соҳасидаги давлат органлари, Хотин-қизлар кўмитаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари каби ташкилотларнинг ваколат ва вазифалари, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги масаласи кўрсатиб ўтилган.

Хотин-қизларнинг гендер камситилишига йўл қўймаслик, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, хотин-қизларнинг гендер камситилишига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикасида Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия ташкил этилди. Унинг асосий вазифалари этиб ушбу соҳада давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан аёлларнинг гендер тенглиги бузилишига оид мурожаатларини кўриб чиқиш, амалга оширилган ишлар бўйича ҳар йили Олий Мажлисга ахборот тақдим этиш, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш ва бу борада халқаро стандартларга риоя этиш соҳасида халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатларнинг тегишли органлари билан ҳамкорликни амалга ошириш каби ўта долзарб масалалар белгиланди. Ҳозирги энг муҳим вазифалар сирасига:

- аҳолининг иқтисодий фаол қатлами орасида аёлларнинг улушини кўпайтириш;
- аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш бўйича умумэтироф этилган халқаро нормаларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш;
- халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш;
- гендер сиёсати бўйича аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш;
- гендер мавзусида кенг қамровли тарғибот ишларини ташкил этиш;
- турли таълим дастурларига гендер мавзусини жорий этиш орқали жинслардан бирининг устунлиги ғоясига асосланган нотўғри тасаввурлардан холи ўқув адабиётларини тайёрлаш ва чоп этиш;
- ўқув дастурлари ва дарсликларни жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик принципига мувофиқлик юзасидан мунтазам равишда мониторинг қилиш;
- таълим соҳасидаги ваколатли орган таълим дастурларини, таълим муассасаларининг дастурларини ҳамда режаларини уларнинг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқлиги жиҳатидан экспертизадан ўтказиш;
- олий таълим муассасаларининг таълим дастурлари ва малака ошириш курслари хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича курсни ўз ичига олиш каби масалалар кирази.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонун <https://lex.uz/docs/4494849>
2. Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун. <https://lex.uz/docs/4494709>
3. Ўзбекистон Республикасининг Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида қарори <https://lex.uz/docs/4230944>

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага Ўзбек халқининг қўшган ҳиссаси

Р.Р. Нурқулова,
Жиззах ДПИ, Жиззах

Инсоният жуда кўплаб урушларни ўз бошидан кечирди. Иккинчи жаҳон уруши ўзининг доираси ва келтирган талофати билан оғир ва даҳшатли уруш бўлди.

Агар 1914-1918 йиллардаги Биринчи жаҳон урушига “1 миллиард аҳолиси бўлган 36 давлат тортилган бўлса, 1939-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушига эса 1,7 миллиард аҳолига эга бўлган 61 давлат тортилди. 1914-1918 йиллардаги Биринчи жаҳон уруши Қуролли Кучлари сафига 70 миллион киши чақирилган бўлса, 1939-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши йилларида эса 110 миллион киши сафабар қилинди” [Самсонов, 1966. стр.25].

Кўринадики, Иккинчи жаҳон уруши XX асрнинг энг даҳшатли ғожеаси бўлди ва 50 миллиондан ортиқ кишининг ёстиғини қуритди. Ўша даврда Ўзбекистоннинг аҳолиси 6,5 миллион кишига яқин бўлса, шундан 1,5 миллион киши, яъни қурол кўтаришга қурби етган одамлар урушда қатнашди. Уларнинг ичидан 500 мингдан кўпроғи жанг майдонларида ҳалок бўлди, яна қанча-қанчаси бедарак йўқолди.

Инсоният тарихида энг даҳшатли Иккинчи жаҳон урушини йирик давлатлар ўртасидаги ихтилофлар ҳамда Германия, Япония, Италия каби агрессив кучларнинг дунёга ҳукмрон бўлиш

учун интилишлари келтириб чиқарди. XX асрнинг 30 йилларининг ўрталаридан бошлаб жаҳонда халқаро вазият тобора кескин бошлади.

Ана шундай вазиятда, 1939 йил 23 августда СССР ва Германия ўртасида 10 йил муддатга хужум қилмаслик тўғрисида битим имзоланди (бу битим тарихда Молотов-Риббентроп пакти номи билан машҳур). Шунинг таъкидлаш жоизки, яқин вақтларга қадар бу шартноманинг махфий қисмида иккала давлатнинг бўлажак чегаралари ва таъсир доиралари белгилаб олинган ҳақида айтилмас эди. Унинг ўрнига, бу битим Совет Иттифоқи учун ғарбий чегараларни мустаҳкамлаш ва урушга тайёрланиш имконини берганлиги таъкидланар эди.

1939 йил 1 сентябрда фашистлар Германиясининг Польшага хужум қилиши билан Иккинчи жаҳон уруши бошланди. 3 сентябрда Франция ва Англия давлатлари Германияга қарши уруш эълон қилдилар. Юқорида таъкидлаганимиздек, шартноманинг махфий қисмидаги келишувга асосан, 17 сентябрда совет кўшинлари Польша ҳудудига бостириб кирдилар. Польшани бўлиб олиш бошланди.

1939 йил 30 ноябрда Совет Иттифоқи Финляндияга бостириб кириб, совет-фин уруши бошланди. Уруш натижасида СССР Выборг шаҳри ва Ладога кўли атрофидаги ерларни кўшиб олди. Совет Армияси 1940 йил июлда Латвия, Литва ва Эстонияни ҳам эгаллаб, бу ерда ҳам зўрлик билан совет ҳокимиятини ўрнатди.

Айни пайтда, жаҳонда уруш хавфи тобора кучайиб, барча халқларни таҳликага солаётган эди. Фашистлар Германиясида эса зимдан армияли тиш-тирноғигача замонавий қуроллар билан қуроллантириб, СССРга қарши урушга тайёргарлик янада кучайган эди. Аслида, фашистлар Германиясининг Польшага уруш қилиш билан, уруш алангаси собиқ Иттифоқ мамлакатимиз чегараларига яқинлашиб қолган эди.

1940 йилнинг ёзида Гитлер СССРга қарши “Барбаросса” хужжати имзолади. Бу хужжатга кўра, фашистлар Германияси СССРга қарши урушни “Яшин тезлигида олиб бориб”, урушни 6-8 ҳафта мобайнида, нари борса, 1941 йилнинг кузида тугатишни режалаштирди. Кучларни бирлаштириш мақсадида 1940 йилнинг сентябрида Германия, Италия ва Япония ўртасида ўзаро иттифоқ шартномаси имзоланди. Бу шартноманинг махфий қисмида “Совет Иттифоқини йўқ қилиш ва унинг ҳудудларини шартнома қатнашчилари бўлган давлатлар ўртасида, бўлиб олиш”га келишган эди [Самсонов, 1966. стр.296].

1941 йилнинг ёзига келиб, Совет Иттифоқи оғир ва даҳшатли уруш арафасида турар эди. Бу даврда ўша даврда собиқ Иттифоқ таркибида бўлган барча республикалар халқлари учинчи беш йиллик (1938-1942 й.)нинг улкан режаларини бажариш учун фидокорона меҳнат қилаётган эдилар.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида Ўзбекистонда ҳам кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Айниқса, Ўзбекистонда ҳашар йўли билан халқ қурилишлари усули кенг ёйилди. Бу усул билан 45 кун ичида 1939 йил 1 август-17 сентябрда катта Фарғона канали қурилди. Катта Фарғона каналидан ташқари “Шимолий Фарғона канали, Жанубий Фарғона канали, Хоразмда Тошсоқа канали, Кампирравот тўғони, Тошкент канали ва бошқа ирригация иншоотлари қурилди” [Абдуллаев Р, Раҳимов М., Ражабов Қ., 2019, 6-бет]. Бундай бунёдкорлик қурилиш ишлари ўша даврда собиқ Иттифоқ таркибидаги барча республикаларда ҳам амалга оширилди. Саноат, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ва маданий юксалишда барча республикаларда ҳам катта ютуқларга эришилган эди. Собиқ Иттифоқ таркибидаги барча халқлар халқ хўжалигини ривожлантиришнинг учинчи беш йиллик (1938-1942 й) режаларини бажариш борасида фидокорона меҳнат қилаётган эдилар.

1941 йилнинг 22 июнида якшанба куни соат 3 дан 30 минут ўтганда фашистлар Германияси уруш эълон қилмасдан, Совет Иттифоқига қарши хиёнаткорона хужум бошлади. Жаҳон

жамоатчилигини алдаш мақсадида Гитлер “Совет большевизмининг Европага хавфини кучайганлиги учун, огоҳлантирди”, деб баҳона қилди.

22 июнь соат 12 да уруш бошланганлиги ҳақидаги хабар халққа радио орқали маълум қилинди ва барча СССР таркибидаги халқларни душманга қарши курашга унга қакшатқич зарба беришга, ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларни, эркак ва аёлларни вазиятни тўғри баҳолаб, барча ишларни душманни тор-мор келтиришга қаратиш” асосий вазифа қилиб қўйилди [Внешняя политика Советского Саюза, 1946, стр. 128].

Совет Иттифоқи халқлари, шу жумладан Ўзбекистон халқи учун ҳам оғир синовлар даври ва уларнинг немис-фашист босқинчиларига қарши қаҳрамонана курашиш бошланди. Бутун мамлакатда бўлганидек, уруш бошлангани ҳақидаги хабарни эшитишлари билан республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида митинглар бўлиб унда халқимиз душманга қарши нафратини билдириб, ўзининг барча кучини умумий душманни тор-мор қилишга сафарбар қилишни ва бу йўлда керак бўлса, ҳаётини беришга ҳам тайёр эканликларини баён қилдилар. Уруш бошланганининг биринчи кунидеҳ, Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчилари ана шу дақиқадан бошлаб ўзларини Ватан ҳимоясига сафарбар қилинган деб ҳисоблашларини билдирдилар. Митингда қабул қилинган қарорда: “Шу соатдан бошлаб, биз ўзимизни Ватан муҳофафасига сафарбар қилинган деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистоннинг барча меҳнатқашларини хотиржам ва сабрли бўлиб фидокорона меҳнат қилишга чақирамиз” [“Правда Востока” газетаси, 1941 й. 23 июнь], – дейилган эди. “Тошкент қишлоқ хўжалик машиналари заводи, “Қизил тонг” фабрикаси ишчилари душманни тор-мор қилиш учун ҳар қандай вазифани шараф билан бажаришга, бутун куч ва воситаларини бағишлашга қарор қилганликларига ҳукуматни ишонтирдилар” [Ўзбекистан в годы Великой Отечественной войны, 1966, - стр 15]. Урушнинг дастлабки кунларида республикамизнинг барча бошқа шаҳарларида ҳам кўп минг кишилик митинг ва йиғилишлар бўлиб, уларда сўзга чиққанлар ўз нутқларида ватанни ёвуз душмандан кўкракларини қалқон қилиб ҳимоя қилишларини ва мамлакат ичкарасида катта матонат билан ишлаб, фронтга ёрдам беришларини ва душманни тор-мор қилишга ўз ҳиссаларини кўшишларини баён қилдилар. Чунончи, 23 июнда Самарқандда қарийб 100 минг кишилик митинг бўлиб, унда таниқли ёзувчи С.Айний ўз сўзида: “Ҳар бир ватанпарвар ўзини иш жойида аскар ҳисоблаб, ҳар бир ортиқча килограмм ғалла ёки пахта, ҳар бир янги станок, пулемёт, танк, самолёт мамлакатимиз муҳофафасини мустаҳкамлаб душманни тезлик билан тор-мор келтиришга катта ҳисса бўлади” [“Правда Востока” газетаси, 1941 й. 25 июнь], – деб, фронт учун, ғалаба учун жасорат ва катта ғайрат билан меҳнат қилишга чақирди. Ана шу оғир кунларда ҳар куни фронтга жўнатиш истаги билан ҳарбий комиссарликларга келиб турган аризалар оқими Ўзбекистонликларнинг миллий ватанпарварлик руҳи юксаклигининг яққол намунаси бўлди. Бу аризаларни турли касбдаги ва ҳар хил миллатга мансуб кишилар, эркаклар ва аёллар, ёшлар ва кексалар, партияли ва партиясизлар берар эдилар. Ўзбекистон меҳнатқашлари ўзларини тезроқ фронтга юборишларини сўраб эдилар. Чунончи, “урушнинг дастлабки тўрт куни ичида Тошкент область ҳарбий комиссарлигига 1975 та ариза тушди” [Ўзбекистон ССР тарихи, Т. № 76-бет]. Урушнинг дастлабки ҳафтаси давомида “Фарғона вилоятидан 1735 киши фронтга жўнатишни сўраб, ариза бердилар, улардан 425 таси аёллар эди. 1 августгача Хоразм вилояти ҳарбий комиссарликларига 1156 та ариза тушиб, шундан 197 таси аёллар бўлиб, улар фронтга кўнгилли бўлиб жўнатишларини сўраган эдилар. Самарқанд вилояти ҳарбий комиссарликларига 2868 та ариза тушиб, шундан 213 таси аёллардан эди” [Васильев Е.В. Воскобойников Э.А. Житов К.Е, Мусаев М., 1964, 302-бет].

Немис-фашистларнинг тўсатдан қилган хиёнаткорона уруши бутун мамлакат ҳаётини ўзгартириб юборди. Зеро, бошланиб кетган уруш мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида ўзгаришлар қилишни кучли муҳофаа учун катта куч-ғайрат сарфлашни талаб қиларди. Шунини айтиш

жоизки, урушнинг дастлабки кунларида совет давлати раҳбариятида саросималик кўзга ташланди. Фақатгина, 1941 йил 29 июндаги ВКП(б) Марказий Комитети ва СССР Халқ комиссарлари советининг махсус директорияси орқали жойларга кўрсатмалар жўнатилди. Унда уруш аҳволни кескин ўзгартириб юборганлиги, Ватан жиддий хавф остида қолганлиги, барча ишларни ҳарбий изга солиш учун тез ва қатъий равишда қайта қуришни амалга ошириш чоралари кўрсатиб ўтилганди. Кўрсатмаларнинг асосий талаби “Ҳамма нарса, фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!” [Ўзбекистоннинг янги тарихи, Б. 433] деган чақириқда ўз ифодасини топган эди. Ҳукуматнинг бу чақириғи бутун уруш даврида фронтдаги жангчиларимизни ғалабага илҳомлантирди ва фронт орқасида эса халқимизни сабр ва матонат билан меҳнат қилишга фронтга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга даъват этди. 1941 йил 30 июнда ВКП(б) МК Бош котиби ва СССР Халқ комиссарлари Совети раиси И.В.Сталин бошчилигида СССР Давлат Мудофаа Комитети (ДМК) ташкил топди. Уруш даврида ДМК қўлида бутун давлат, ҳарбий ва партиявий ҳокимият тўпланган эди. Шунингдек, уруш шароитида совет Куролли кучларида стратегик раҳбарликни амалга оширувчи факултетда орган сифатида И.В.Сталин бошлиқ Олий Бош қўмондонлик қароргоҳи ҳам ташкил этилди.

1941 йил 3 июлда И.В.Сталин радио орқали халққа мурожаат қилиб, мамлакатдаги ҳақиқий вазиятни айтиб, барча кучларни душманни тор-мор келтириш учун қаратишга даъват этди. Урушнинг дастлабки даврлари фронтдаги жангчиларимиз ҳамда фронт орқасида меҳнат қилаётган аҳоли учун жуда оғир кунлар бўлди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистоннинг совет даври тарихига, шу жумладан уруш даври тарихига янгича баҳо берилмоқда.

Ўзбек фарзандлари фашизмга қарши урушда фақат СССРни эмас, аввало, Ўзбекистонни ҳимоя қилиш, уни фашизм асорати хавфидан сақлаб қолишни мақсад қилиб қўйган эдилар.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг қуйидаги фикри муҳим аҳамиятга эгадир: “Иккинчи жаҳон урушига қандай қаралмасин, бу уруш қайси ғоя остида ва кимнинг изми билан олиб борилмасин, ўз Ватани, эл-юртининг ёруғ келажаги, беғубор осмони учун жанг майдонларида ҳалок бўлганларни, ўз умрларини бевақт хазон қилган инсонларни доимо ёдда сақлаймиз. Бу аччиқ, лекин олий ҳақиқатни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ва бунга йўл ҳам бермаймиз” [Каримов, 1996. Б.81]. Дарҳақиқат, фронтдаги ўзбек фарзандлари коммунистик мафкура ҳимоясини эмас, инсониятнинг умумий душмани бўлган фашизмга қарши кураш олиб бордилар. Уларга босқинчиларга қарши аёвсиз кураш олиб борган буюк боболари Широқ, Спитамен, Муқанна, Жалололдин Мангуберди жасоратлари намуна бўлди.

Урушнинг дастлабки даврида Совет мамлакати ва унинг армияси учун жуда оғир вазият юза келди.

Фашистлар Германияси урушга катта тайёргарлик кўриб, ўз армиясини замонавий қуроллар билан тиш-тирноғигача қуроллантирган эди. Бу армия замонавий уруш олиб бориш тажрибасига эга эди. Германия экономикаси ҳарбий изга кўчиришган эди. Бунинг устига, у Ғарбий Европа ўз ватанларининг ҳам, ўзи босиб олган давлатларининг ҳам деярли ҳамма иқтисодий ва одам ресурсларини ўзига бўйсундириб олган эди. Душман ҳарбий техника жиҳатидан ҳам катта устунликка эга эди. Совет Иттифоқи эса тўла сафарбарлик амалга оширилгунга қадар, чегаралардан ҳимоя қилиб турса оладиган армиягина жойлашган эди. Армиянинг асосий қисми мамлакат ичкарасида эди. Бунинг устига, уруш бошланиш арафасидагина янги ҳарбий техника ишлаб чиқариш ўзлаштира бошланган эди. Уруш арафасида кўпгина ҳарбий саркардаларнинг асосиз қатағон қилинганининг ҳам оқибати оғир бўлди. Зеро, душман одам ва ҳарбий техника, авиация жиҳатидан катта устунликка эга бўлганлиги сабабли уларни тўхтатишнинг имкони йўқ эди. Шунга қарамай совет армияси жангчилари ҳар бир қарич ер учун жон олиб жон бердилар. Жумладан,

биргина Брест қалъасининг ҳимоячилари бир ой мобайнида душманга қарши қаттиқ кураш олиб бордилар. Совет-герман уруши бошланғич даврининг энг мураккаб ва масъулиятли вазифаларидан бири иқтисодиётни ҳарбий изга солишдан иборат эди. Уруш бошланиб кетган шароитда мамлакат халқ хўжалигини қайта куриш оғир вазифалардан бири эди. Моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларини фронт эҳтиёжларига мувофиқ қайта тақсимлаш ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш ва бошқа маҳсулотларни камайтириш, ишлаб чиқаришни Ғарбдан Шарққа кўчириш уларни тезлик билан янги жойларда жойлаштириш ва ишга тушириш зарур эди. Бу вазифаларни урушнинг оғир шароитида амалга ошириш анча мушкул вазифа эди. Айниқса, инженер-техник кадрларнинг асосий қисмининг урушга кетганлиги ҳам, саноат корхоналари фаолиятини қийинлаштирар эди. Немис-фашистлари эса тобора мамлакат ичкари сари ҳаракат қилиб, СССРнинг катта ҳудудларини босиб олишга эришаётган эди. Душман томонидан 1941 йилнинг ноябрига қадар босиб олинган ҳудудларда “Урушдан олдин Совет Иттифоқининг қарийб 40 фоиз аҳолиси истиқомат қиладиган, СССРнинг 41 фоиз темир йўллари жойлашган, 38 фоиз қорамол ва 60 фоиз чўчкага эга бўлган, шунингдек, пўлатнинг 50 фоизи, ғалланинг 38 фоизи, кўмирнинг 63 фоизи қазиб олинган, 60 фоиз алюмин, 68 фоиз чўян маҳсулотлари ҳамда 84 фоиз шакар олинган, қудратли машинасозлик базаси, шу жумладан, кўпгина мудофаа корхоналари жойлашган эди” [Вознесенский, 1956, стр 42]. Кўринадики, душман томонидан катта аҳолига эга бўлган, муҳим ва асосий бойликларимиз жойлашган, катта стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳудудлар ишғол қилинган эди. Шунинг учун ҳам “Уруш даврининг асосий оғирлиги “Урал, Сибир, Узоқ Шарқ ва Ўрта Осиё республикалари зиммасига тушди”.

Урушнинг дастлабки уч ойи мобайнидагина “1360 йирик саноат корхоналари, жумладан Уралга 455, Ғарбий Сибирга 210, Ўрта Осиё ва Қозоғистонга 250 та саноат корхоналари кўчирилди”. Уруш шароитида кўчириб келтирилган аҳолини ва саноат корхоналари жойлаштириш, куриш, тезда ишга тушириш зарур эди.

Маълумки, урушда ғалаба фақат армия ва қурол кучи билан қўлга киритилмайди, балки шу армияни рағбатлантирувчи, уни қурол-яроғ, кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминлаш учун кечаю кундуз жасорат билан меҳнат қилувчи кишиларга ҳам боғлиқ. Айнан шундай ишларга камарбаста бўлганларнинг жасорати фронтдагиларнинг ғалаба қозонишга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, ғалабани таъминлашда ҳал қилувчи омиллардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон сиёсий раҳбарияти иқтисодиётни қайта куришга устувор аҳамият қаратди. 1941 йил 26 июндан бошлаб мамлакатда ишчилар ва хизматчилар учун ишдан ташқари вақтда мажбурий ишлаш жорий этилди. Катта ёшдагилар учун иш куни олти кунлик иш ҳафтасида 11 соатгача узайтирилди. Ҳақиқатда эса 12-14 соатга етар эди. Таътилга чиқиш бекор қилинди. Барча корхона ва ташкилотларда қаттиқ меҳнат интизоми жорий қилинди. Бу тадбирлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини берди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида республикага раҳбарлик қилган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Усмон Юсупов Ўзбекистонликларни фашизмга қарши курашга сафарбар қилишда бош-қош бўлди.

Кадрлар етишмаслиги шароитида Иттифоқнинг ғарбий вилоятларидан республикамизга кўчириб келтирилган саноат корхоналарини жойлаштириш, монтаж қилиш ва қисқа муддатда ишга тушириш қийин бўлиб, Ўзбекистонликлардан катта меҳнат куч-ғайрат талаб қилар эди. Ўзбекистонга ҳаммаси бўлиб 104 та завод ва фабрика эвакуация қилинган эди. “Улар орасида “Ленинград” тўқимачилик машиналари заводи, “Россельмаш”, “Красный Аксай Сумск” компрессор ва Днепропетровск карбонад заводлари, Москвадаги “Электрокабель” ва “Подъёмник” заводлари, Темир йўллар халқ комиссарлигининг машинасозлик заводи, Чкалов номидаги авиация заводи, “Красный путь” заводи, Киевдаги “Трансигнал” заводи, Сталинград кимё комбинати ва бошқалар

бор эди” [Ульмасбоев , 1958. стр 166]. Республикамизга кўчириб келтирилган Саноат корхоналарини тиклашда меҳнатга қодир бўлган барча аҳоли уруш даври қийинчиликларига қарамасдан тиним билмай меҳнат қилдилар, урушгача йиллар мобайнида қилинадиган ишлар, бу вақтда кунлар ва ойлари мобайнида бажарилди. Натижада, республикамизга кўчириб келтирилган “Россельмаш” заводи 25 кунда, “Қизил Оқсой” заводи эса 29 кундан кейин маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. “1941 йил декабрга келиб, эвакуация қилишга корхоналарнинг қарийб 50таси тикланиб ишга туширилди ва маҳсулот бера бошлади” [Вклад трудящихся Узбекистана, 1975. – стр-50].

Маҳаллий саноат корхоналари ҳам ўз ишларини фронт талабларига мувофиқ қайта қурдилар. “1941 йилда Тошкентга 137 та давлат корхонасидан 63 таси ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Кустарчилик, хунармандчилик корхоналарининг кўпчилик артеллари ҳам фронт эҳтиёжлари учун маҳсулот бера бошлади [Васильев Е.В, Воскобойников Э.А. Житов К.Е., 1964. 302-бет].

Уруш даври қийинчиликларини мардона енгиб, кексалар, аёллар ва ўсмир болалар меҳнат қилдилар. Чунончи Тошкент област, Октябрь райони аёллари барча республика хотин-қизларига ўз эрлари, ака-укалари ва фарзандларининг ўрнида станокларда. Транспортда ва колхоз далаларида ишлашга даъват қилдилар. “Фронтга жўнаб кетганларнинг оила аъзоларидан фақат “Ташсельмаш” заводининг ўзигагина 800 нафар аёл ишга келди”. [“Правда” газетаси, 1941 йил 20 июль]. Саноат ходимлари фронтни қурол-яроғ, жанговар техника, моддий ресурслар билан таъминлаш учун очлик, ниҳоятда толиқиш, силласи қуришга қарамасдан қаҳрамон она меҳнат қилиб, ғалабани таъминлашга катта ҳисса қўшдилар. Улар уруш йиллари давомида фронтга 2100 та самолёт, 17242 та авиамотор, 2318000 дона авиабомба, 17100 та миномёт, 22 миллион дона мина, 560000 дона снаряд, 1 миллион дона граната, қарийб 300 мингта парашют, 5 та бронепоезд кабиларни етказиб бердилар [Абдуллаев Р, Раҳимов М, Раджабов Қ., 2019. 19-бет]. Ўзбекистон ишчилари юқоридагиларни ишлаб чиқаришда, жуда оғир шароитда, тарихда кам учрайдиган юксак ватанпарварлик намуналарини кўрсатдилар. Республика саноат ишчиларининг фронтга кўрсатган катта ёрдами, уларнинг душманни тор-мор келтиришга қўшган катта ҳиссаси бўлди. Уруш йилларида Ўзбекистон аҳолиси ватанпарварликнинг ажойиб намуналарини – фронтга умумхалқ ёрдами беришнинг ташаббускори бўлдилар. “Ўзбекистон аҳолиси уруш йилларида Мудофаа жамғармаси”га жами 6 49,9 миллион рубль пул, 22 кг олтин ва кумуш топширди” [Абдуллаев Р, Раҳимов М, Раджабов Қ., 2019. 12-бет].

Фронтда барча миллат фарзандлари сингари, ўзбек фарзандлари ҳам ёвуз, босқинчи душманга қарши аёвсиз жангларда қаҳрамонлик кўрсатиб, жон олиб, жон бериб, ғалаба учун курашган бўлсалар, фронт орқасида кексалар, хотин-қизлар ва ўсмир болалар ҳам ғалаба учун, очлик, қолдан тойиш каби қийинчиликларни жасорат билан енгиб, меҳнат қилдилар. Халқимиз фронтга жангчиларимизга ҳар томонлама ёрдам берди. Жангчилар учун кўп миқдорда иссиқ кийимлар тўплаб жўнатиб турилди. Чунончи, 1942 йилнинг ўзида Зомин туманидан жангчиларга 35 дона пўстин, 25 дона кулоқчин ва 332 дона телпак, 305 дона чойшаб, 116 дона кўрпа, 96 жуфт қўлқоп ва 129 жуфт пайпоқ юборилди. Ғаллаорол туманида мудофаа гектарлари ташкил этилиб, бу ерлардан етиштирилган ҳосил бевосита фронтга жўнатилиб турилди [Субҳонова Г.С. Жавлонов О, Чилғашев Ш., 1994, 7-бет]. Немис-фашистларини тор-мор келтириш учун олиб борилган умумхалқ курашга Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ходимлари, деҳқонлари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Улар олдида фронт ва мамлакат ичкарасидаги аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан саноатни хомашё билан таъминлаш вазифаси турар эди. Совет Иттифоқининг асосий ғаллакор худудлари душман томонидан босиб олинганлиги сабабли республикамизда ғалла, картошка, сабзавотлар ва техника экинларини кўпайтириш зарур эди. Чорвадорлар ҳам армия ва аҳолини гўшт-сут маҳсулотлари билан таъминлашлари лозим эди. Саноат соҳасида бўлганидек, қишлоқ хўжалигида ҳам аҳвол жуда

оғир эди. Аввало, қишлоқ хўжалиги соҳасида барча мутахассис кадрлар, барча тажрибали деҳқонларнинг ҳаммаси фронтда эди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам барча ишлар кексалар, хотин-қизлар, ўсмир болалар зиммасига тушган эди. Уруш даврида СССР қишлоқ хўжалиги соҳасидаги йўқотишлар, қийинчиликлар, келтирилган зарарни Ўзбекистон каби фронторти республикалари кўтариш керак эди.

1941 йил 17 ноябрда қабул қилинган ВКП(б) МК ва СССР Министрлар Советининг қўшма қарорида Иттифок миқёсида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги олдига қўйиладиган асосий вазифалар белгилаб берилди. Қарорда фронтни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда, дон, техника экинлари ва сабзавотлар ҳосилини кўпайтиришда Урал, Сибирь Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг алоҳида аҳамияти таъкидлаб ўтилди [История Великой Отечественной войны, 1961, стр-168]. Уруш йилларида Ўзбекистон деҳқонлари қанд лавлаги, кунгабоқар каби экинлар, зиғир ва каноп каби техника экинларини етиштиришни кўпайтирдилар, ипакчилик, қоракўлчилик алоҳида аҳамият касб этди. Пахта етиштиришни кўпайтириш уруш йилларида Ўзбекистон деҳқонларининг олдидаги энг муҳим вазифалардан бири бўлди. Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашлари уруш даврида фронтга “4 миллион 148 минг тонна пахта, 82 минг пуд ғалла, 54 минг 67 тонна пилла, 195 минг тонна шоли, 57 минг 444 тонна мева, 36 минг тонна қуруқ мева, 159 минг 300 тонна гўшт, 22 минг 300 тонна жун” ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш билан душман устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар. Бундан ташқари, ўзбек халқи душман оккупациясидан озод қилинган ҳудудларнинг халқ хўжалигини тиклашда катта ёрдам кўрсатди [Муртазаева Р.Ҳ. , 2003, 489-бет]. Ўзбекистон халқи ўзи қийналиб яшаётган бир пайтда Россиянинг босиб олинган районларидан Украина ва Белоруссиядан ҳаммаси бўлиб, 1 миллиондан ортиқ кишини, шу жумладан, 200 нафари болаларни ўз бағрига олди ва уларни бошпана, кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминлади. Кўпгина ўзбек оилалари турли миллат болаларини ўз тарбияларига олдилар. Чунончи, тошкентлик Шоаҳмад Шоаҳмудов ва унинг умр йўлдоши Баҳри Акромовалар 14 болани, Каттакўрғонлик Ҳамид Самадов оиласи эса 12 болани асраб, тарбиясига олдилар. Бу эса оғир шароитда ҳам ўзбек халқининг юксак инсонпарварлигининг бағрикенглигининг намунаси эди.

Уруш йилларида фан, маориф ва маданият ходимлари ҳам немис-фашист босқинчилари устидан қозонилган ғалабага ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Урушнинг биринчи кунлариданок, ўзбекистонлик машҳур олимларидан У.А.Орипов, Ё.Х.Тўрақулов, И.Исмоилов, Х.Усмонов ва бошқалар фронтга кетдилар. Фронт орқасида Т.Н.Қори-Ниёзий, В.И. Романовский, Т.З.Зоҳидлов, И.А.Райкова, О.С. Содиқов каби олимлар эса натижаси халқ хўжалиги ва фронт учун хизмат қилган муаммоларни ҳал қилишда катта куч билан меҳнат қилдилар.

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага Ўзбекистонлик театр ва санъат ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Республикамизда 30дан ортиқ концерт бригадалари ташкил этилиб, улар ҳаракатдаги армия қисмларида 35 мингдан ортиқ, Туркистон ҳарбий округи қисмлари ва госпиталидаги ногиронларга 26 мингга яқин концерт қўйиб бериб, жангчиларимизни руҳий мадад бердилар, уларни фашизм устидан ғалабага ундадилар [Муртазаева Р.Ҳ. , 2003, 493-бет].

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон жангчилари фашистлар Германияси ва милитаристик Японияга қарши кечган барча жангларда жасорат ва мардлик намуналарини кўрсатдилар. Ўзбекистонликларнинг жангларда кўрсатган жасорати, Иккинчи жаҳон урушини ғолибона тугаллашнинг муҳим таркибий қисми бўлди. Ўзбекистон ўғлонлари ва қизларининг жанговар фронтларда кўрсатган мислсиз мардлик ва жасорати учун 120 минг киши орден ва медаллар билан мукофотланди. “280 нафар ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, улардан 75 нафари ўзбек эди. Ўзбекистонлик жангчилардан 82 киши “Шуҳрат ордени тўлиқ даражаси билан мукофотланди”. Ҳамюртларимиздан бир неча киши Италия, Англия,

Франция, Югославия, Польша, Чехословакия, Польша, Болгария ва бошқа мамлакатларнинг турли орден ва медаллари билан тақдирланди [Вклад трудящихся Узбекистана в победу в Великой Отечественной войне, 1965. стр-72-73]. Жиззахлик юртдошларимиздан ҳам беш кишига Е.И.Иванин, Э.Исмоилов, Ж.Усмонов, Ж.Тўраев, Т.Қовумбоевларга Совет Иттифоқи Қахрамони унвони берилди [Хотира китоби., 7-бет].

Мухтасар қилиб айтганимизда, ўзбек халқи фарзандлари фронтдаги душманга қарши қахрамонана кураш ва фронт орқасидаги фидокорона меҳнати билан Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 9 майда Тошкентдаги Хотира майдонидаги қабул маросимида сўзлаган нутқида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: “Ўта оғир ва машаққатли йилларда халқимизнинг инсонпарварлик ва бағрикенглик фазилатлари яққол намоён бўлди. Эл-юртимиз мамлакатнинг уруш бўлаётган ғарбий ҳудудларидан эвакуация қилинган турли миллатга мансуб 1 миллионга яқин болалари, аёллар ва кексаларга бошпана бериб, бир бурда нонини улар билан баҳам кўрди. Ўзбекистонга кўчириб келтирилган заводларда кексалар, аёллар, ўсмир болалар туну-кун машаққатли меҳнат қилгани ҳақиқий фидойилик, қахрамонлик намунаси десак, асло хато бўлмайди. Биз “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак” деган даъватнинг моҳиятини чуқур англаган ҳолда тинчлик учун ҳар биримиз масъул эканлигини унутмасдан, доимо хушёр ва огоҳ бўлиб яшашимиз керак” [Мирзиёев, 2017. Б 396-97].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Самсонов А.М., Жилин И.А. и др. Вторая мировая война. Книга первая. Москва. Из-во “наука”, 1966. стр.25.
2. Абдуллаев Р, Раҳимов М., Ражабов Қ. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар) Т. “Ўзбекистон”, 2019, 6-бет.
3. Внешняя политика Советского Саюза, в период Отечественной войны. Документы и материалы. Москва. Госполитиздат, 1946, том 1. стр. 128.
4. “Правда Востока” газетаси, 1941 й. 23 июнь.
5. Узбекистан в годы Великой Отечественной войны. Тошкент. “Фан”, 1966, - стр 15.
6. “Правда Востока” газетаси, 1941 й. 25 июнь.
7. Ўзбекистон ССР тарихи. Тўрт томлик, Т. № 76-бет
8. Васильев Е.В.Воскобойников Э.А. Житов К.Е, Мусаев М ва бошқ. Ўзбекистон Коммунистик партияси тарихининг очерклари. Т. “Ўзбекистон”, 1964, 302-бет.
9. Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб. Ўзбекистон Совет мустамликачилиги даврида Б. 433.
10. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т- Тошкент. “Ўзбекистон”, 1996 й. Б.81
11. Вознесенский Н.А. Военная экономика СССР в период Отечественной войны. Москва. Госполитиздат, 1956, стр 42.
12. Самсонов А.М. Коваленко Д.А. и др. Краткая история СССР. Часть вторая.
13. Вознесенский Н.А. Военная экономика СССР в переод Отечественной войны. Стр. 41.
14. Ульмасбоев Ш.Н. Промышленное развитие советского Узбекистана. – Ташкент, 1958. стр 166.
15. Вклад трудящихся Узбекистана в победу в великой Отечественной войне – Ташкент. 1975. – стр-50.
16. Васильев Е.В, Воскобойников Э.А. Житов К.Е. ва бошқалар. Ўзбекистон Коммунистик партияси тарихининг очерклари. Тошкент. “Ўзбекистон”. 1964. 302-бет.
17. “Правда” газетаси, 1941 йил 20 июль.
18. Абдуллаев Р, Раҳимов М, Раджабов Қ. Ўзбекистон тарихи. (1917-1991 й). Иккинчи китоб. “Тошкент”. “Ўзбекистон”, 2019. 19-бет.

19. Субхонова Г.С. Жавлонов О, Чилғашев Ш. Хотира китоби. (Жиззах вилояти) Тошкент. “Меҳнат”, 1994, 7-бет.
20. История Великой Отечественной войны. Советского Союза. 1941-1945 г. Москва. “Воениздат”, 1961, стр-168.
21. Муртазаева Р.Х. Ўзбекистон тарихи, Т. “Янги аср авлоди”. 2003, 489-бет.
22. Вклад трудящихся Узбекистана в победу в Великой Отечественной войне. Ташкент. 1965. стр-72-73.
23. Хотира китоби. (Жиззах вилояти). Тошкент. “Меҳнат”. 7-бет.
24. Мирзиёев Ш.М. “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Том.1 – Тошкент “Ўзбекистон”, 2017. Б 396-97.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ФАНИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИДАН (XIX АСР ОХИРИ – XX АСР 40-ЙИЛЛАРИ)

С.Б. Шадманова,
ЎзР ФА Тарих Институти

Маълумки, Ўрта Осиё аҳолиси орасида тропик касалликлар, жумладан, безгак, пенде яраси (Пенде яраси – у тери лейшманиози, каучук яраси, Боғдод яраси деган номларга ҳам эга бўлиб, унда тери, тери ости тўқималари ва шиллик парда зарар кўради. Ушбу касалликка лейшманийлар сабаб ва уларни пашша чақиши орқали тарқалади), ришта каби касалликлар кенг тарқалган. Масалан, 1898 йилда ўлканинг баъзи районлари волостларининг аҳолиси қирилиб кетган, биргина Сирдарё вилоятида 30 минг аҳоли безгакдан вафот этган [Ўзбекистон ИТТХ Миллий архиви, 142-фонд,3-варақ]. 1886-1897 йилларда Тошкент эркалар амбулаториясига мурожаат қилган беморлардан 12-22 фоизни ташкил этган [Туркестанские ведомости.,1897]. Безгакка чалиниш ёз вақтида кўпайган, баъзан вабо ва ўлат касаллигига қараганда кўпроқ ўлим ҳолати кузатилган. Жумладан, Жиззах уезида 1889-1891 йилларда безгак касаллигидан 1892 йил вабо эпидемиясига нисбатан бир неча баравар юқорироқ эди [Справочная книжка Самаркандской области, 1902. – С.178].

Таъкидлаш жоизки, XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонни эпидемиологик жиҳатдан ўрганиш борасида маълум илмий ишлар олиб борилди. Хусусан, П.Ф.Боровский тери лейшманиозини қўзғатувчилар тўғрисида тадқиқотлар олиб борди. Шунингдек, К.Я.Шульгин тери лейшманиозини қон сўрадиган ҳашаротлар тарқатиши ҳақида таъкидлаган. Тери лейшманиозининг тарқалиши Я.М. Финкельштейн, К.О.Рейнгардт, Н.И.Шохор, А.П.Шишов, С.А.Марк ва бошқалар томонидан ўрганилган. 1913 йилда В.Л.Якимов томонидан қисман Эрлих маблағига экспедиция ташкил этилган ва керакли асбоб-ускуналар билан таъминланган [Ўзбекистон ИТТХ Миллий архиви, 142-фонд,5-варақ]. Мазкур экспедиция биринчилардан бўлиб, инсонлар ва итларда бу касалликнинг тарқалиш жойларини кўрсатиб берди. Бундан ташқари, шифокор Константинов безгак касаллигининг оғир шакли –безгакнинг сариқ шаклини аниқлади. Кейинчалик А.Д.Греков ушбу касаллик ҳақида катта ҳажмли статистик материал тўплаган [Ўзбекистон ИТТХ Миллий архиви, 142-фонд,2-варақ], у ҳозирги пайтда ҳам ўз илмий қийматини йўқотмаган. Ўлканинг истеъдодли тадқиқотчиси зоолог А.П.Федченко Ўрта Осиёни гельминтологик ва энтомологик жиҳатдан ўрганган [Ўзбекистон ИТТХ Миллий архиви, 142-фонд,2-варақ]. Шунингдек, ўлка тиббий географиясини ўрганишда В.И.Кушелевский, И.Л.Яворский тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эга, уларда бу масалага доир кенг маълумотлар берилган [Кушелевский, 1891. – 402 с.; Яворский, 1889. – 441 с]. XIX аср охирларида бактериологик лаборатория ташкил этиш масаласи кўтарилди [Атласов, 1891].

Совет ҳокимияти йилларида, хусусан, 1920 йилда бактериология институти, 1922 йилда Бухорода тропик медицина институти ташкил этилди, кейинчалик мазкур институт безгак ва медицина паразитологияси институтига айлантирилди. Тиббиётнинг бу соҳаси бўйича машҳур олимлардан бири Н.И.Ходукин эди. Ўзбекистон Республикаси илмий-техник ва тиббий ҳужжатлар давлат архивининг 142-фондда СССР тиббий фанлар академияси ва ЎзССР фанлар академияси мухбир аъзоси, Ўрта Осиёда паразитологиянинг асосчиси профессор Ходукин Николай Иванович ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар сақланган. У 1896 йилда Мордва АССРнинг Троицк шаҳрида ишчи оиласида туғилган. 1907 йилда Пенза 2-эркаклар гимназиясига ўқишга кирди ва 1915 йилда уни битирди. Шу йили Қозон давлат университети тиббиёт факультетига ўқишга кирди ва 1919 йилда тугатди ҳамда Қизил армия сафига полк катта шифокори, кейинчалик бригада отряди бош шифокори бўлиб хизмат қилган. 1921 йилда вабога қарши кураш ишларига жалб қилган ва шу йилнинг майидан октябригача Тамбов вилояти Сасов уезд шифохонасида юқумли касалликлар (вабо) бўлимига мудирлик қилган [Ўзбекистон ИТТХ Миллий архиви, 142-фонд, 10-варақ]. 1921 йил кузидан 1922 йил майигача Москвадаги тропик касалликлар институтининг малака ошириш курсларида таълим олиб, безгак ва бошқа тропик касалликларга қарши курашиш соҳасида малака оширди. Мазкур курсларни тугатганидан сўнг Туркистон республикасига безгак касаллигига қарши курашиш учун юборилган. Дастлаб у Марвга келади ва у ерда дастлабки безгакка қарши станциялар ташкил этилди. 1923 йилнинг охиригача шундай станциялардан бирида мудирлик қилган, кейинчалик Москвага 6 ойлик илмий командировкадан кейин Мирзачўлдаги безгакка қарши станциясига мудирлик қилди. Мирзачўлда у 1924 йил охиригача фаолият юритди, ундан сўнг Тошкентда ташкил қилган безгакка қарши станциясига мудир этиб тайинланди [Ўзбекистон ИТТХ Миллий архиви, 142-фонд, 10-варақ]. 1925 йилдан Тошкент вакцина ва зардоб институтида паразитология бўлимига мудирлик қилган, 1940 йилдан институтга илмий раҳбарлик қилди. Бу давргача Н.И.Ходукин томонидан безгак ва лейшманиоз эпидемиологияси бўйича 13 та иш чоп этилган [Ўзбекистон ИТТХ Миллий архиви, 142-фонд, 1-варақ]. У гуруҳ экиладиган далаларни вақти-вақти билан қуриб туриш масаласини кўтарди. Институтда ишлаш билан бирга Н.И.Ходукин Тошкентдаги безгакка қарши станцияда амалий фаолиятни ҳам давом этди. Мирзачўлда оғир безгак касаллигига чалинган шифокорнинг саломатлигига катта зарар етди, унда ўпка ва ҳикилдоқ силига учради, шунинг учун ҳам институтда тўлиқ ишлай бошлади. 1930 йилда Н.И.Ходукин Ўрта Осиё давлат университети доценти илмий унвонини олди, тиббиёт факультетида паразитология бўйича курс ўқиган. 1933 йилдан бошлаб мазкур университетнинг биология факультетида ҳам паразитология бўйича маъруза ўқиган.

Н.И.Ходукиннинг илмий тадқиқотлари нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам танилган. Паразитология, микробиология ва эпидемиология бўйича дарсликларда ва бошқа адабиётларда унинг иши натижаларидан фойдаланилган. Олим жами 150 та илмий иш эълон қилган бўлса, ундан 4 та монографияси эди. Жумладан, у “Мирзачўлда анофелес биологияси” (Биология анофелеса в Голодной степи) (1925 й.), “Туркистоннинг баъзи районларидаги сунъий суғориш ерларида безгакка қарши кураш” («Борьба с малярией на искусственно орошаемых землях в некоторых районах Туркестана») (1925 й.), “Мирзачўлда бўлажак санитар-гидротехник ишларга доир” («К предстоящим санитарно-гидротехническим работам в Голодной степи») (1925 й.), “Ўзбекистонда паппатаци безгаки ҳақида” («О лихорадке паппатаци в Узбекистане») (1927 й.), “Ўрта Осиёда ит лейшманиози эпидемиологияси билан боғлиқ ҳолда калаазар эпидемиологиясининг асосий муаммолари” («Основные проблемы эпидемиологии Кала-азар в связи с эпидемиологией собачьего лейшманиоза в Средней Азии») (1929 й.), “Тери лейшманиозига қарши вакцинация” («Вакцинация против кожного лейшманиоза») (1933 й.), “Тошкентда тошма тиф вирусининг ўчоғи ҳақидаги масала бўйича тадқиқотлар” («Исследования по вопросу о резервуаре вируса сыпного тифа в

Ташкенте») (1936 й.), “Жаланғар энцефалити” («Джалангарский энцефалит»), “Жаланғар энцефалити муаммоси” («Проблема Джалангарского энцефалита»), “Юкумли сариқ касаллиги” («Инфекционная желтуха») (1947 й.), “Электрон микроскопия ва микробиология” («Электронная микроскопия и микробиология») (1948 й.), “Осиёда туляремия тарихи” («История туляремии в Азии») (1951 й.), “СССРда лейшманиозга қарши кураш” («Борьба с лейшманиозами в СССР») каби тадқиқотлар муаллифидир.

Безгакка қарши курашда катта тажрибага ҳамда безгакка доир кенг адабиётгаэга бўлган Н.И.Ходукин 1939 йилда “Безгакэпидемиологияси ва профилактикаси ” («Эпидемиология и профилактика малярии») номли мақола ёзди. Кейинги йилларда ҳам безгак тарқатувчи чивинлар биологиясини ўрганишга бўлган қизиқиш сўнмади. 1951-1954 йилларда у А.И.Лисова билан биргаликда анафелес макипуленнис ва бифуркатус чивинларининг биологик цикли ўзгаришига ёруғликнинг таъсирини тадқиқ этди [Ўзбекистон ИТТХ Миллий архиви, 142-фонд, 4-варақ.]. Бундан ташқари, Н.И.Ходукин лейшманиоз касаллигини ҳам ўрганиб чиқишга катта эътибор қаратди. Маълумки, ўлкада одамлар ва итлар ўртасида ички лейшманиоз касаллиги анча кенг тарқалган эди. Лейшманиоз касаллигининг тарқатувчилари бўлган флеботомуслар (Флеботомус – майда чивин), жумладан, уларнинг тарқалиш жойлари, биологияси, таркиби ўрганилмаган. Н.И.Ходукиннинг олдига қўйилган дастлабки вазифа итлар ва одамлар лейшманиози ўртасида эпидемиологик боғлиқликни аниқлаш эди. 1948 йилда Шевченко билан биргаликда касалликка чалинган итларнинг териларида 90-96,4 фоиз ҳолатларда лейшманий топилган. Мазкур маълумотлар лейшманиозни тарқатувчи ҳашаротлар орқали итларга ўтиб, улардан одамларга осонгина ўтиши ҳақидаги хулосага келишига ёрдам берди. Кейинчалик бу фикрлар Адлер, Теодор каби қатор хорижий тадқиқотчилар томонидан тасдиқланди. Уларнинг ушбу хулосалари инфекция ўчоғи сифатида касалликка чалинган итларни аниқлаш ва уларни йўқотишга асос бўлиб хизмат қилди. 1934 йилда Н.И.Ходукин Ўрта Осиёда дастлабки маротаба институтда вирусологик лаборатория ташкил этиб, у ерда Ўзбекистонда тарқалган касалликлар: паппатачи безгаки (паппатачибезгаки (флеботомусбезгаки) – уч кунлик безгак, кўзгатувчиси вирус бўлган гриппга ўхшаш инфекция касаллик, тарқатувчиси майда чивинлар), эпидемик гепатит, энцефалит (Энцефалит – лотинча енсеп halitis сўзидан олинган бўлиб, мия шамоллаши маъносини англатади), Ку безгаки (Ку безгаки (коксиеллёз) – табиий ўчоққа эга бўлган инфекция касаллик. Турли ҳайвонларга қаровчи кишиларга юқиш хавфи кучли), қизамиқ вируси каби касалликларнинг келиб чиқиши ва даволаниши ўрганилган [Ўзбекистон ИТТХ Миллий архиви, 142-фонд, 7-варақ.]. Ўзбекистонда юкумли гепатит касаллигининг кўпайиши катта хавф туғдирди. Шунинг учун ушбу касалликни тадқиқ этишга алоҳида эътибор берилди, Н.И.Ходукин Сошникова билан биргаликда гепатит касаллигини эрта аниқлаш бўйича ишлар олиб борди.

1943 йилда Тошкент вилоятининг Жаланғар деган жойида энцефалит касаллиги тарқалгани туфайли узоқ вақт мобайнида невропатолог ва патологоанатомлар, шунингдек, ЎзССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги эпидемияга қарши ташкилоти билан биргаликда изланишлар олиб борилди. 3000 га яқин клещ (капа, жўлак) ўрганиб чиқилди ўрганилган [Ўзбекистон ИТТХ Миллий архиви, 142-фонд, 3-варақ.]. Улар бир қанча тадбирларни амалга оширгани сабабли Жаланғардаги энцефалит ўчоғи бартараф этилди. 1948 йилда ушбу масала бўйича 5 йил ичида тўпланган барча материаллар умумлаштирилди ҳамда ушбу касалликнинг келиб чиқишига вируслар сабабчи, деган хулосага келди. Шунингдек, Жаланғар ва бошқа жойларда буғдойнинг орасида триходесма номли захарли ўсимлик ўсиши билан ҳам боғлаган ўрганилган [Ўзбекистон ИТТХ Миллий архиви, 142-фонд, 10-15-варақлар].

Н.И.Ходукин биринчилардан бўлиб Ўзбекистон ҳудудида Ку-безгаки борлигини аниқлади (1950 й.). Ушбу касалликнинг келиб чиқиши, уни тарқатувчи – клещ ўрганилди. Натижада бу

касаллик билан кураш тадбирлари белгиланди. Е.Я.Штернгольд, Э.И.Шлейхер ва В.Н.Звагельская каби шифокорлар билан биргаликда диагностик препаратни тайёрлаш услубиятини ишлаб чиқишди ўрганилган [Ўзбекистон ИТТХ Миллийархиви, 142-фонд, 13-14-варақлар]. Н.И.Ходукин нафақат паразитология, микробиология ва вирусология соҳасида, балки унга якин фанларда ҳам ишларни амалга оширди, у олимларни тайёрлаш соҳасида ҳам ҳисса қўшди. Жумладан, у 10 нафар фан доктори, 29 нафар тиббиёт ва биология фанлари номзодлик диссертацияларига раҳбарлик қилди. Н.И.Ходукин ташкилий ишларга ҳам алоҳида эътибор билан қараган, жумладан, у эпидемиологлар, микробиологлар ва инфекционистлар илмий жамияти раиси, «За социалистическое здравоохранение Узбекистана» журналининг муҳаррири сифатида фаолият юритган. 1940 йилда Н.И.Ходукин вакцина ва зардоб институти илмий раҳбари этиб тайинланган. Унинг илмий раҳбарлигида мазкур институт катта бир илмий даргоҳга айланди.

Самарали меҳнатлари учун Николай Иванович Ходукин Ўзбекистон ССР Олий Совети фахрий ёрлиғи ва орденлари билан мукофотланган. 1940 йилда профессор Ходукинга ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби унвони берилди. 1945 йилда Н.И.Ходукин СССР Тиббиёт Академияси мухбир аъзоси, 1947 йилдан Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси мухбир аъзоси этиб сайланди [Ўзбекистон ИТТХ Миллий архиви, 142-фонд, 11-варақ]. Унинг хизматлари туфайли эпидемиология фани ривожланди, республикада юқумли касалликка чалинган беморларни даволаш учун махсус муассасалар ташкил этилди. Республиканинг барча вилоятларида санитар-эпидемиологик станциялар ишлай бошлади. Масалан, 1930-1933 йилларда Андижонда ҳам санитар-эпидемиологик станция ва унга санитар-бактериологик лабораториялар, Санитар маориф уйи фаолият юритган. Кейинчалик, бундай станциялар вилоятнинг барча районларида барпо этилган. Бу йилларда ўлат, чечак, вабо эпидемияси тугатилди. Водопровод қузури ўтказилиши ҳамда ариқдан сув билан таъминлаш тизими тартибга қўйилиши ҳамда олиб борилган санитар профилактика ишлари туфайли ришта касаллиги бутунлай бартараф этилди. Шунга қарамасдан 1950-йиллар охиригача вилоятларда санитар шифокорлар етишмас эди. 1941 йилда Андижон вилоятида 135 та юқумли касалликларни даволаш учун ўринлар мавжуд эди, аммо уларнинг аксарияти шаҳарларда бўлиб, вилоят кишлокларида 10 тагина бундай ўринлар мавжуд эди, беморларни вилоят марказига даволанишга жўнатишга тўғри келган [Алимов, 1959. С.78-79].

Шундай қилиб, XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда илмий эпидемиологияга асос солиниб, у совет даврида ривожлантирилди, эпидемияларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш ишида маълум бир ютуқлар қўлга киритилди. Эпидемиология соҳасининг ривожланишида Н.И.Ходукин каби олимлар ўз ҳиссаларини қўшишди. Улар, нафақат амалий ишлар олиб боришган, балки турли юқумли касалликларнинг келиб чиқиши, уларни даволаш ва олдини олиш борасида тадқиқотлар олиб борди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон ИТТХ Миллий архиви, 142-фонд, 1-рўйхат, 51-иш, 3-варақ.
2. Туркестанские ведомости. №76.– 1897.
3. Справочная книжка Самаркандской области. – Самарканд: Товарищество, 1902.
4. Ўзбекистон ИТТХ Миллий архиви, 142-фонд, 1-рўйхат, 20-иш, 5-варақ орқаси.
5. Ўзбекистон ИТТХ Миллий архиви, 142-фонд, 1-рўйхат, 51-иш, 2-варақ.
6. Ўзбекистон Миллий архиви, И.1-фонд, 15-рўйхат, 73-иш, 1-4, 24-27-варақлар.
7. Кушелевский В.И. Материалы для медицинской географии и санитарного описания в Ферганской области. – Новый Маргелан, 1891. Яворский И.Л. Опыт медицинской географии и статистики Туркестана. – Спб, 1889.
8. Атласов И. О крайней и неотложной необходимости устройства бактериологической лаборатории в Ташкенте // Туркестанские ведомости. – №7,8.1891.

9. Ўзбекистон ИТТХ Миллий архиви, 142-фонд, 1-рўйхат, 115-иш, 10-варақ.
10. Ўзбекистон ИТТХ Миллий архиви, 142-фонд, 1-рўйхат, 73-иш, 1-варақ.
11. Ўзбекистон ИТТХ Миллий архиви, 142-фонд, 1-рўйхат, 73-иш, 4-варақ.
12. Ўзбекистон ИТТХ Миллий архиви, 142-фонд, 1-рўйхат, 73-иш, 7-варақ.
13. Ўзбекистон ИТТХ Миллий архиви, 142-фонд, 1-рўйхат, 39-иш, 3-варақ.
14. Ўзбекистон ИТТХ Миллий архиви, 142-фонд, 1-рўйхат, 115-иш, 10, 13, 15 варақлар.
15. Ўзбекистон ИТТХ Миллий архиви, 142-фонд, 1-рўйхат, 115-иш, 13-14 варақлар.
16. Ўзбекистон ИТТХ Миллий архиви, 142-фонд, 1-рўйхат, 73-иш, 11-варақ.
17. Алимов У. Успехи и задачи в борьбе с инфекционными болезнями в Андижанской области // Медицинский журнал Узбекистана. – 1959. - №1.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ ВА МУСТАҲКАМЛАНИШИ

**Р.М. Холмуродов, Д.Р.Холмуродов,
ЖДПИ, Жиззах**

Ўзбекистон мустақиллик туфайли ўзига хос мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган давлатдир. Халқимизнинг миллий давлатчилик анъаналари, қадриятлари ва менталитетига таянгани, айтилиши вақтда, жамиятни ислоҳ этиш борасидаги дунё тажрибасининг илғор ютуқларига асослангани туфайли халқаро ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Мамлакатимиз ички ҳаётида ҳам кенг қамровли ислоҳатлар амалга оширила бошланди. Ташқи сиёсат масаласида ҳам Ўзбекистон ўз овози ва нуфузига эга бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси учун мустақил ташқи сиёсат юритиш давлат - фаолиятининг янги ва амалда қўлланилмаган ёндашувлардан биридир. Собиқ совет ҳокимлиги тизими шароитида Ўзбекистон халқаро майдонга тўғридан - тўғри ва очиқ чиқиш имкониятидан маҳрум этилган бўлиб, ўзининг ташқи сиёсий давлат идораларига, етарлича дипломатларига ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги мутахассисларга эга эмас эди.

Ўзбекистонда тарихий жihatдан қисқа бир даврда халқаро муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш бобида бир неча ўн йилликларга арзийдиган ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон ўзининг тинчликсевар, яхши қўшничилик, ўзаро ҳамкорликка қаратилган сиёсати ва фаолияти билан бутун дунёга танилди, жаҳон ҳамжамиятига ўзининг муносиб ўрнини эгаллади, унинг мавқеи йилдан - йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзбекистон ташқи сиёсатга, амалга ошириш йўллари билан белгилашга негиз қилиб олинган принциплардан бири ҳам Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати тенг ҳуқуқлилиги ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик йўлини тутди.

Юқоридаги тамойиллардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси жаҳоннинг барча мамлакатлар билан ҳар томонлама ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлини йўлга қўйди. Шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Россия Федерацияси билан ҳам давлатлараро тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатиш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Икки мамлакат ўртасидаги алоқалар нечоғли муҳим аҳамият касб этаётганлиги ва икки мамлакат алоқаларининг янги йўналишда тузилиши, шаклланиши ва ривожланишини нечоғли муҳим эканлигини томонлар таъкидлайдилар.

Томонлар ҳамма эътироф қилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари, БМТ уставининг мақсадлари ва қоидаларига, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро меъёрларга, Хельсинки яқунловчи актининг ҳамда европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш бошқа ҳужжатларининг қоидаларига сўзсиз содиқ эканлигини билдирдилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат

мустақиллиги асослари тўғрисидаги 1991 йил 31 август кунига ва РСФСРнинг Давлат суверенитети ҳақидаги 1990-йил 12-июн Декларациясига асосланиб икки мамлакат делегациялари ўртасидаги музокараларнинг яқунлари юзасидан Ахборот имзоланганди [1.Б.25]. 1992-йил 20-мартда Киев шаҳрида Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида протокол имзоланган бўлса, 1992-йил 5-майда Москвада Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро муносабатлар асослари тўғрисидаги шартнома имзоланди, 1992-йил 22-июлда эса Тошкентда Россия Федерацияси Бош вазири А.Шохин бошчилигидаги Россия Федерацияси ва Ўзбекистон делегацияларининг музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар якунида Ўзбекистон Россия муносабатларни ривожлантиришга алоқадор қўшма ахборот имзоланди [4.Б.517]. 1993-йил 26-май куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов "Труд" газетаси мухбирларининг саволларига қайтарган жавобларида Россияга муносабатини билдириб, қуйидагиларни таъкидлаган эди: "Россия биз учун сув ва ҳаводек зарур. Мен режалаштириш идораларида кўп йиллар ишлаганман. Алоқаларимиз нақадар кенглигини биламан.Маънавий яқинлигимиз ҳам жуда муҳим.Россия буюк давлат. Азалдан буюк давлат бўлиб келган,тарих унинг ўрнини ана шундай белгилаб қўйилган" [3.Б.410]. Икки мамлакат ўртасида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданият соҳаларида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга эга бўлиб мамлакатларимиз ўртасида бу соҳани ривожлантиришга оид бир қадар амалий қадамлар ташланди.

1993-йил 19-мартда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов Россия Федерацияси билан учрашди. Музокаралар чоғида молия кредит, маданият, фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот алмашиш, геодезия ва картография, автотранспорт соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимлар имзоланган бўлса,1993-йил 11-ноябр эса Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясининг солиқ хизматлари ўртасида Битим имзоланди. Бу битим МДҲ мамлакатлари ўртасида икки томонлама тузилган Биринчи битимдир [2.].

1994-йил 2-3 мартда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг Россия Федерациясига расмий давлат ташрифи бўлиб ўтди. Учрашувда Россия билан олиб борилган музокаралар яқунлари бўйича Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш тўғрисида Декларация иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисида шартнома имзоланди.Учрашувдан сўнг Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов мухбирларнинг саволларига жавоб берди ва "Бугун имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимизнинг ҳам сиёсий,ҳам иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади.Чунки улар улар тенг ҳуқуқлик асосига қурилган"-деб таъкидлаган эди [7.Б.40].

1994-йил 6-мартда Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги Декларация эълон қилинди [4.Б.527].1994-йил 10-мартда Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисида Шартнома шунингдек,Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ҳарбий соҳада ҳамкорлик қилиш тўғрисида Шартнома қабул қилинганди [6.].

1995-йил 17-мартдаЎзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси Бош вазирининг ўринбосари Алексей Болшаковни қабул қилди ва икки давлат ўртасида савдо, иқтисодий ва бошқа алоқаларни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Муҳокама якунида томонлар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада юксалтириш масаласи устувор эканлигини баён қилдилар. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов икки мамлакат алоқалари ҳақида

тўхталиб: "-Биз Россияни буюк мамлакат, азалий ва ишончли ҳамкор, Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик ва барқарорлик кафили деб биламиз,[8.Б.119] - деди.

1995 йилда Ислом Каримов ва Виктор Черномирдин Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги ҳамкорликни янада тараққий эттириш ва кенгайтириш тўғрисида Меморандумни, 1996-1997 йилларда иқтисодий ҳамкорликнинг сиёсий принциплари ва йўналишлари тўғрисида ҳукуматлараро битимни имзоладилар [8.Б.17-20]. Бу каби ҳужжатлар икки мамлакат ҳамкорлигининг асослари билан ажралиб туради. Одатда узоқ йиллик ҳамкорлик қайд этилган ҳужжатларда белгиланган тадбирлар кўпроқ қоғозда қолиб кетиши кузатилганлигини, эндиликда қабул қилинган ҳужжатларда аниқ муддат ва амалий ишлар ўз аксини топганини таъкидланган эди.

1997-йил 12-феврал куни мамлакатимизга Россия Федерацияси ҳукумат Учрашув чоғида икки давлат ўртасидаги самолётсозлик, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, илмий-техникавий ва бошқа соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди ва ҳукумат делегация музокараларининг якунларига доир протокол имзоланди.

Ўзбекистон – Россия иқтисодий муносабатларининг устувор йўналишларидан бири ҳар иккала мамлакатдаги хўжалик субъектларининг бевосита алоқалари учун қулай шарт-шароит яратиш, яъни минтақалараро ҳамкорликни ривожлантиришдир. Айни пайтда Республикаимизнинг Андижон, Хоразм, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси билан Россиянинг турли вилоятлари корхоналари ўртасида алоқа ўрнатилган. Улар орасида Москва, Свердловск, Челябинск, Санкт Петербург, Иваново, Тюмень тадбиркорларининг фаоллиги билан ажралиб туради. 1997-йил 28-ноябрда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Свердловск вилояти губернатори Э.Росселни қабул қилди. Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Свердловск вилояти ўртасида товар айрибошлаш ҳажмини ошириш, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, корхоналар даражасида ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди [9.Б.136]. 1998-йил 5-7 май кунларида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов Президент Борис Ельциннинг таклифига биноан Россия Федерациясида бўлди. Учрашувда якунида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президент Борис Ельцин 1998-2010 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида шартнома [8.Б.114] шунингдек, Россия Федерацияси Президентининг мамлакатимизга қилган расмий ташрифи якунлари бўйича қўшма Коммюники қабул қилинди.

Шерикчилик, яъни кооперация масаласи. Мамлакатларимиздаги соҳалараро шериклик муносабатларини ривожлантириш керак. Божхона масаласи. Солиқ ва бож билан боғлиқ бўлган муаммоларни бартараф этишдан ҳар иккала томон ҳам бирдек манфаат кўради,"–деб айтган эди Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентимиз И.А.Каримов Б.Н.Ельцин билан расмий учрашувда сўзлаган нуткида [5.]. Ташриф чоғида Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин ҳам икки мамлакат ҳамкорлиги ҳақида тўхталиб, "Биз Ўзбекистон билан ташқи сиёсат, иқтисодиёт, ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдоримиз"-деб таъкидлаган эди [9.Б.113-114].

1999-йил 10-11 декабр кунларида эса Ўзбекистонга Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Владимир Путин расмий ташриф билан келди. Ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Владимир Путин томонидан Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги ҳарбий ва ҳарбий техникавий соҳалардаги ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Шунингдек, икки давлат божхона қўмиталари томонидан икки давлат божхона чегараларидан аксизли молларни олиб ўтиш устидан божхона назаратини ташкил қилиш ва божхонанинг ташқи савдо статистикаси

соҳасидаги методологик, ахборот ҳамкорлик тўғрисидаги Протоколлар, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик Кенгаши ва Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги ҳукумат алоқаси ва ахборот Федерал агентлиги ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Шартнома ҳам имзоланганди.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик аввало 2005 йилнинг кузида имзоланган Иттифоқчилик шартномасини қайт этиши лозим [12.]. Бу ҳужжат ҳар икки мамлакат учун кенг сиёсий ва иқтисодий имкониётлар очиб берди. 2012 йил 4-июнда икки давлат раҳбарлари ўртасида имзоланган стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга имкон яратди. Халқаро муносабатларнинг бу шакли икки мамлакат халқларининг дўстлик ҳамкорликларини янада мустаҳкамланмоқда. Кейинги 15 йилдаги муносабатлар тарихга назар ташласак Ўзбекистон Республикаси Россия Федерацияси билан давлатлараро тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатиш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Мустақиллик йилларида икки давлат раҳбарлари мунтазам учрашиб, музокаралар олиб боришмоқда ва Россия Ўзбекистоннинг энг йирик савдо ҳамкори бўлиб қолмоқда. Марказий Осиёда стратегик вазият евросиёда мувозанатни таъминлаш борасида муҳим аҳамиятга эга. Сўнги пайтларда Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликнинг кенгайиши иқтисодий шароит ва ўзаро манфаатларни ифодаловчи табиий жараёнга айланди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 2014-йил 10-декабр куни расмий таклиф билан мамлакатимизда бўлди. Кўксарой қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросимидан сўнг икки давлат раҳбарлари тор доирда музокара ўтказди. Россия Президентининг ушбу ташрифини Ўзбекистон Россия сиёсий мулоқотлари ва турли даражадаги учрашувларнинг узвий давоми, томонларнинг ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги ишларини изчил ва самарали давом эттириш тарфдори эканини ёрқин намунаси деб биламиз деган эди, - Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов [10.].

Владимир Путин Ўзбекистон Марказий Осиёдаги йирик давлат бўлиб, Россия Федерациясининг минтақадаги асосий ҳамкорларидан бири эканини таъкидлади. Бугун дунёда вазият тез ўзгариб, глобал ва минтақавий микёсда кескинлик ва теосиёсий қарама-қаршилиқлар давом этаётгани, терроризм экстремизм ва радикализм тахдидининг тобора кенгайиб боргани, буларнинг Марказий Осиё худудига бевосита ва билвосита тасир этиши мумкинлиги инobatга олинганда, ушбу музокараларнинг долзарблиги аҳамияти янада ортиши қайд этилди. Музокаралар якунида 2015-2020 йилда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари, молиявий талаб ва мажбуриятларни тартибга солишга оид ҳукуматлараро битимлар ва бошқа ҳужжатлар имзоланди. Бу учрашув 2012 йил 4 июнда имзоланган стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларацияни, ўзаро ҳамкорлик йўлларини янада кенгайтиради. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда.

2016 йил 25 апрелда мамлакатимиз раҳбари Москвага ташриф буюрди. Ташрифнинг асосий тадбирлари 2016 апрель куни Кремлда бўлиб ўтди. Республикаимизнинг биринчи Президенти Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг учрашувида сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, инвестициявий, харбий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалри муҳокама қилинди. Владимир Путин Ўзбекистон Россиянинг стратегик ҳамкори ва ишончли иттифоқчиси эканини, бу муносабатларянада мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида қайд этди. Ҳукуматлараро ва идоралараро алоқалар сай-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларни амлага оширишда муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатларимиз БМТ, ШХТ, МДХ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Россия қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талаб юкори, Ўзбекистон бу соҳада улкан салмоқда эга. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 12 апрелдаги, ҳамда 2018 йил октябрь ойидаги “Мева сабзавот картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада янада кенг имкониятларни яратди. Шунингдек, бу қарор мамлакатимизда етиштирилган мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турини кенгайтиришга кенг йўл очиб берди. Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги давлатлараро келишувга мувофиқ товар айрибошлаш соҳасида, сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш, транспорт ва транзит соҳасидаги алоқалар йил сайин ривожланиб бормоқда.

2018 йил октябрь ойидаги “Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорга чиқариш самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори мамлакат экспорт салоҳиятини кенгайтиришга, маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқаришнинг комплекс тизимини ташкил этилишини таъминлади.

Мамлакатимизда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун ҳали тўла фойдаланилмаётган имкониятлар кўплиги уларни ишга солиш икки томон учун ҳам манфаат келтирмоқда. Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида маданий-гуманитар ташқи сиёсий, олий таълим, жисмоний тарбия ва спорт каби қатор соҳаларга ҳамкорликка оид имзоланган ҳужжатлар асосида ривожланиб келмоқда. Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги музокараларда мамлакатимиз ўртасидаги стратегик шерикчиликни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари ва истиқболлари белгилаб олинган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 22 май куни Мамлакатимизга расмий ташриф билан бўлиб турган Россия Федерацияси мудофаа вазири Сергей Шойгуни қабул қилди. Учрашув чоғида мамлакатларимиз ўртасида иқтисодийнинг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳада истиқболли кооперация дастурлари ва лойиҳалари биргаликда амалга оширилаётгани, маданий-гуманитар йўналишда самарали ҳамкорлик қилинаётгани алоҳида таъкидланди. Сухбатда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни, жумладан, идоралараро шерикликни янада кенгайтириш, икки томонлама тадбирлар ўтказиш, ҳарбий кадрлаш тайёрлаш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, халқаро сиёсат ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон Қуролли Кучларини модернизация қилиш ва мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳамда Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашга доир ташаббуслари юкори баҳоланди. Россия Федерацияси мудофаа вазири Самарқандаги меъморий обидалар билан танишиб, аждодларимиз меросини асраб-авайлаш ва уни келгуси авлодларга асл холи етказиш борасидаги олиб борилаётган ишларга юксак баҳо берди.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга оид ҳуқуқий асослар яратилган. 1991 йилдан то ҳозирги вақтгача икки мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга қаратилган 200 та Халқаро шартнома ҳамда 45 тадан зиёд бошқа ҳужжатлар имзоланган.

Шундай қилиб мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Россия давлатлари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг барча соҳалари бўйича ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Шу йиллар мобайнида икки давлат раҳбарлари учрашиб, эришилган аҳдлашувлар, имзоланган шартномаларни изчил бажарилишини ҳамда янгидан-янги ишга туширилмаган имкониятларни ишга солиб, икки мамлакатнинг дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга эришилмоқда. Бу эришилган ютуқлар Ўзбекистон ва Россия халқларининг ўзаро алоқаларини манфаатларига хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. И.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. “Ўзбекистон” 1992.
2. Ахмад Хўжа. Ўзаро манфаатдорлик йўли. //Халқ сўзи; 1994 йил, 5 март.
3. Гафарли М.С., Касаев А.С. Тинчлик ва барқарорлик тараққиёт асоси. Т. 2001. 410 бет. “Труд” газетаси, 1993й, 27 май.
4. Тюриков В., Ғуломов Р.Истиқлол йилномаси одамлар, саналар ва воқеалар (1991-2001). Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.
5. Умиров Ш., Арзиев Ф., Қиличев А. Стратегик ҳамкорлик йўлида.//Халқ сўзи; 1998 йил, 13 октябрь.
6. Президент ҳузурида қабул// “Халқ сўзи” 1995 йил, 18 март.
7. ЎзД.МДА.,М-7,2-рўйхат.Сақл.80.40-б.
8. ЎзР. МДА., М-37,2-рўйхат.Сақл бир.17,119-варақ.
9. ЎзР. МДА., Фонд.,М-37. Рўйхат1.Сақл бир.4948., 114-бет
10. “Халқ сўзи” 2014 йил, 11 декабр.
11. “Халқ сўзи”, 2016 йил, 10 декабрь.
12. <http://msu.uz/>.
13. “Халқ сўзи”, 2018 йил, 23май.

МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОН ЮРИШЛАРИ ВА УНДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ҲАРБИЙ ТАКТИКАЛАРИ ҲАҚИДА

Б.Н. Мирзаев,

ЎзР ФА Тарих институти, Тошкент

Ўзбекистон доирасида ҳозирдаги ўнлаб халқлар ва давлатларни бирлаштирган улкан давлатлар мавжуд бўлиб, улар ўзига хос бошқарув тизимларига эга бўлганлар. Бу давлатлар қаторида шайбонийлар давлати юз йил мобайнида фаолиятда бўлиб, халқимиз тарихида ўзига хос из қолдирган. Бу давлатнинг ҳам илм-фан, адолат тарафдори бўлган бошлиқлари Муҳаммад (Шоҳбахт) Шайбонийхон (1451-1510), Убайдуллахон I, Абдуллахон II каби вакиллари билан, уларнинг сиёсат, давлатни тутиш, уни бошқариш ва илм-фан борасидаги ютуқлари, шунингдек, улар даврида қурилган иншоотлар билан халқимиз ҳақли равишда фахрланади. XV асрнинг биринчи ярми - XVI асрнинг бошларида яшаб, Мовароуннахр ва Хуросонда ҳокимиятни қўлга олиб, XVI аср ўрталаридан бошлаб ягона марказлашган давлатга айлантира олган ва фаол ташқи сиёсат олиб борган Абулфатҳ Муҳаммад Шайбонийхон ибн Шоҳ Будоғ ибн Абулхайрхон ўз даврининг типик вакили саналади.

Ушбу мақолада мохир сиёсатчи ва саркарда, давлат арбоби, ижодкор ҳамда илм-фан ҳомийси бўлган Муҳаммад Шайбонийхоннинг ҳарбий юришлари тарихий ёзма манбалардаги маълумотлар асосида ёритишга ҳаракат қилинди.

Ўзбек халқи давлатчилиги ва ҳарбий санъат тарихини ўрганишда нисбатан кам тадқиқ этилган ҳамда эътибордан четда қолган шайбонийлар сулоласи ҳукмронлик даври ҳам ўзига хос ўринга эга.

Мазкур сулола ҳукмронлик қилган XVI аср Мовароуннаҳр ҳарбий санъати тарихида бир қанча ўзгаришлар даври бўлди. Хусусан, кўшинда ўқотар куроллар ва замбаракларнинг пайдо бўлиши, ҳарбий тактика ва стратегия соҳасида киритилган бир қанча янгиликлар тарих нуқтаи назардан кам ёритилган [Замонов, 2018. 5-б.] мавзулар сирасига кириб, бугунги давр талаби ўрганишни тақазо этмоқда. Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, даста(қўли)ни дунёга чўзиб шоҳлик даъво қилишнинг ўзи журъату жасоратни, шижоату уқувни, бир умрлик ташвиши фидойиликни талаб қилади. Шайбонийхон ҳам ана шундай фазилатлар соҳиби сифатида кўп машаққатлар чекиб, "... бутун Туркистон ҳудудлари миқёсида марказлашган давлат туза билган". Бу давлат Бизким, ўзбеклар китобида, "...Амир Темур салтанатидан кейинги кучли давлат [Иброҳимов, 2011.40-б.]", деб талқин қилинган.

1468 йилда ўзбек улусининг асосчиси Абулхайрхон вафот этганидан сўнг, ички ва ташқи душманлар унинг давлатини талон-тарож қилганлари, мамлакатни ҳалокат ёқасига келиб қолганлиги ҳақида Абулғози Баҳодирхоннинг "Шажараи турк" асарида қуйидагича маълумотлар келтирилган: "Абулхайрхон туғишли, дўстларини кулдириб ва душманларини йиғлатиб, юрган киши эрди. Тўрт ёниндаги ўлтурған қариндошларининг ҳеч қайсина тези ўтмаган ва қўли етмагани йўқ эди. Ул сабабдан барчаси бош кўтардилар. Тақи Абулхайрхоннинг гарчи ўғли ва набираси кўп эрди, андиғ ҳам бўлса кўп душман қўл суқти. Тақи ўғлонларининг бир нечасин ўлтурди. Қолганлари тўрт ёққа қочтилар. Кўп элининг барчасин тўрт ёқга тўздурдилар. Бу воқеотдин бир неча йиллар ўткандин сўнг Абулхайрхоннинг набираси Шоҳбахтхон туғишли йигит туғилди. Вояга етгач, у ҳам ота юртига келиб, тарқаб кетган элни йиғди" [Шажараи турк, 1992.118-б.]. Ана шу вазиятда ўзбеклар ўзларининг эътибор ва ишончларини Абулхайрнинг набираси шахзода Муҳаммад Шайбонийхонга қаратдилар, баъзи манбаларда, хусусан, "Бобурнома"да Шайбоний, Шойбоқ каби номларда аталган. Шунингдек, "Бобурнома"да Муҳаммад Шайбонийхон ҳақида "... беш вақт намозни тарк қилмас эди, қироат илмини тавре билур эди" [Бобурнома, 1989.186-б.] ва яна бир ўринда "менинг ғанимим Шайбоқхондек пуртажриба ва кўп иш кўрган ва улуғ ёшлиқ киши эди" [Бобурнома, 1989.77-б.], деб таъкидлаб ўтилади. Шайх Ҳайдарнинг вафотидан сўнг, Қорачабек хийла улғайган бу етим шахзодаларни олиб, Абулхайр оиласининг душманларидан Сирдарёнинг қуйи тарафларига қочиб кетишга мажбур бўлди.

Бу даврда Самарқанд тахтининг эгаси Абусаиднинг ўғли Султон Аҳмад ҳукмрон эди. Мамлакатнинг шимолий чегараси ноиби эса Кушликхон ўғли Мажид тархон (Муҳаммад Мазид тархон) эди.

Муҳаммад Шайбонийхон Мажид тархондан уни ўз хизматига олишни илтимос қилди, Мажид тархон розилик берди, ойлик ҳам белгилади. Лекин, Мажид тархон кейинчалик, Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигидаги ўзбек уруғларининг кучайиб кетиши ва унга душманлик қилиш таҳликасини ҳис этгандан кейин, хавфдан қутулиш учун уларни Бухоро ҳокими Абдулали тархонга юборди. Бухоронинг мутлақ ҳокими Абдулали тархон саройи зийнат ва ҳашамат жиҳатдан ўзи тобе ҳукмдорнинг саройидан кам эмасди. У Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигидаги ўзбекларни яхши қабул этди ва муғуллар шимоли-шарқдан ҳужум қилганда, улардан фойдаланди. Бу хусусда, "Бобурномада" ёзилишича, "Шайбонийхон, гарчи навқари бўлмасада, кўп вақт у билан бирга бўларди. Шайбонийхоннинг бунчалик кучайиб кетмоғига ва қадим хонадонларнинг бузилмоғига Абдулали тархон сабабчи бўлди" [Бобурнома, 2012.73-74-б.]. Шунингдек, "Тарихий Рашидий" асарида, "Султон Аҳмад мирзо ҳаётлигида Шоҳибекхон Абдулали Тархон мулозимлари қаторида бўлди. Султон Аҳмад мирзо ва Абдулали тархон деярли бир вақтда Аллоҳга омонатларини тошпиришгач, Шоҳибекхон Туркистонга бориб, Султон Маҳмудхон эътиборини қозонишга уринди.

Хон имкони борича ундан ёрдаму мададини аямади. Унинг кўмагида Шоҳибекхон Бухоро ва Самарқандни олди, унинг лашкари икки-уч юз кишидан эллик минг, эҳтимол, ҳатто олтмиш минг кишига етди. У Туркистонга кетганидан бошлаб, Султон Маҳмудхон ёрдамида унинг кучи ортиб бораверди, султонлару амирлардан энг саралари ва Абулхайрхондан қолган Дашти Қипчоқда тентираб юрган бошқа одамлар у қаерга борса, ўша ерда унга бирлашаверишди”[Тарихий Рашидий, 2010. 242-243-б.]. Лекин ўзбек шаҳзодалари ҳарбий жиҳатдан катта куч тўплаганларидан сўнг, темурий ҳукмдорлар томонидан ҳар қандай қуроли хизмат учун тўланган оддий маошга қаноатсизлик қила бошладилар. Натижада, темурий ҳукмдорлар Ўтрор, Саврон, Сиғноқ шаҳарларини уларга беришга мажбур бўлдилар. Ана шу тарзда Шайбонийхон ўз мамлакати ҳудудини кенгайтира бошлади. Шайбонийхон ўзининг асосий душмани бўлган Бурга Султон билан куч тўплаб, ҳарбий тайёр ҳолатга келгунча риёкорона тарзда дўст тутинди. Тайёргарлик охирига етгач, узоқ қиш кечаларидан бирида, содиқ уч баҳодири билан душмани Бурганинг саройига ҳужум қилди. Унинг оила аъзолари ва қариндошларидан кўп кишини қатл этди. Қочган Бурга Султон ҳам ўлимдан қутулиб кета олмади, Шайбонийхон уни топтириб, қатл эттирди. Мазкур муваффақиятли ҳужумдан кейин ёш шаҳзода ҳийла кучайган ўзбек суворийларига бошлиқ бўлди. Уларнинг паноҳида зўр жанглarda қатнашиш учун имконият топди.

Шайбонийлар билан инқирозга учраётган темурийлар ўртасидаги тинч муносабатнинг узоқ давом этмаслиги табиий ҳол эди[Вамбери, 1990.78-б.]. Тўқнашувнинг сабаби тез топилди. Султон Аҳмаднинг ҳаётлик вақтидаёқ Шайбонийхон келажакни ўйлаган ва ноиб Мажид тархонга қарашли Сирдарёнинг қуйи оқимидаги ерларни ўз тасарруфига олган эди. Бундан ташқари, Шайбонийхон эндиликда аввалгидай маошга хизмат қилишдан воз кечган, шундан буён Темур сулоласининг кўрқинчли душманига айланган эди. Ёш кўчманчи хонларнинг ғоятда кучайган жанговар аскарлик руҳи уларнинг ўзаро низо ва жанглари учун кифоя эди. Бу даврда Мовароуннахрнинг ниҳоятда чувалашиб кетган сиёсий ҳаёти, беқларнинг бошбошдоқликлари каби ҳолатлар Шайбонийхоннинг мамлакатни истило этишига сабаб бўлди. Дарҳақиқат, Шайбонийхон 1501 йилда Сарипул жанги билан Мовароуннахр тахтини олган бўлса, 1507 йилга келиб, Марвичак уруши билан бутун Хуросонни ўз тасарруфига киритди. Шу ўринда айтиш жоизки, Бобурнинг 1501 йилда Сарипул жангидаги мағлубиятининг асосий сабабларидан бири ёрдамчи мўғул аскарларининг хиёнатларида кўринсада, аслида бошқа сабаблар ҳам йўқ эмасди. Жумладан, Бобурнинг мунажжимлар башоратида кулоқ солишидир. Воқеа тафсилоти шундан иборатки, ҳар икки томон 5-6 кун давомида бир-бирининг қаршисида жангсиз ҳолатда турган ва турли ҳарбий тактикалар режаси билан машғул бўлишган. Бунда Бобур атайлаб жангни кечиктиришга уринган. Сабаб шуки, Ҳиротда Ҳусайн Бойқаро томонидан юборилган Қанбар Али бошчилигидаги икки минг атрофидаги ёрдамчи кучлар Кешга етиб келган бўлиб, икки кунда Бобурга келиб қўшилиши керак эди. Шунингдек, Бобурнинг тоғаси Султон Маҳмудхоннинг Саййид Муҳаммад бошчилигида юборган бир минг беш юз атрофидаги ёрдамчи кучлари ҳам эртаси куни тонгда етиб келиши керак эди[Хондамир, 2013. 991-б.]. Шундай пайтда масалага мунажжимлар арилишиб, шу кунда саккиз юлдуз ораликда турганлигини, агар бир кун ўтса, фурсат бой берилиб, сўнгра икки ҳафта давомида саккиз юлдуз душманнинг орқасида бўлиши, шу боисдан юлдузларнинг айни ҳолати кечиктирмай жангга кириш ва ғалаба қозониш мумкинлигини англатишини башорат қилиб, ёрдамчи кучларни кутмасдан, жангга киришга давъат этган[Бобурнома, 2008. 81-б.]лигидир. Иккинчи сабаб сифатида шуни ҳам кўрсатиш мумкинки, Бобурнинг ҳарбий стратегиясидаги хатоси ва бунда Муҳаммад Шайбонийхоннинг устамонлигидадир. Яъни,

жанг олдидан Бобур қўшини одатдагидек сафга тизиб, энг сара саркардалари, ичкилар (одатда саройнинг хукмдорга яқин амалдорлари, А.Замонов таъбирича, хос соқчилар) ва моҳир жангчиларни қўшиннинг ировул (Зафарязак, қоровул. Марказда, қўшиннинг олд қисмида борувчи бўлинма) қисмида жойлаштиради[Бобурнома, 2008. 81-82-б.]. Шайбонийхон эса қўшин қанотларида тажрибали саркардалар Маҳмуд султон, Ҳамза султон ва Маҳди султон раҳбарлигидаги кучли отлик қисмларни жойлаштирган[Мусаххир ал-билод, 2009. 79-80-б.]. Жанг бошланиши билан Шайбонийхоннинг қанот қисмлари Бобур қўшинининг баронғор ва жавонғорини ортга суриб ташлаб, марказ қисмининг орқасидан ёриб кирган. Натижада, қўшиннинг чиндовул (орқа қисм - аръергард) қисмида турган Бобур мирзо асосий қисмдан ажралиб қолган ва қуршовга тушиб қолмаслик учун, чекинишга мажбур бўлган[Замонов, 2018. 45-46-б.].

Шайбонийхон бу ғалабадан сўнг Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг турли вилоятларини қўлга киритиш учун бир неча йўналишда жанглар оли борди. Бу вазифани бажаришда тажрибали саркардалар Маҳмуд султон, Убайдулла султон, Ҳамза султон, Кўчкунчихон, Суюнчхожахонлар муҳим роль ўйнаганлар. Жумладан, 1501-1502 йилларда Маҳмуд султон бошчилигидаги қўшинлар Дизак (Жиззах), Ўратепа, Шош, Шохрухия, Сайрам каби шаҳар ва қалъаларни эгаллайди. Шундан сўнг, Шайбонийхон харбий юришлар билан Мовароуннаҳрнинг бир қанча шаҳарларини эгаллаб, 1504 йилда Ҳиротни ҳам забт этади ва ундан кейин ўғилларини Хуросонда қолдириб, ўзи Амударёнинг нариги тарафига кетди. Уни Бухорода тантанали қарши олдилар. Лекин унинг мақсади Бухорога келиш эмас, балки ундан ўтиб кетиш эди. Унинг асл нияти сафардалиқ даврида исён кўтарган муғул Юнуснинг ўғли Маҳмудхонни тобе этиш эди. Шунинг учун у Сирдарёнинг шимолий вилоятига йул олди. Шайбонийхон бу ерда ҳам тинчлик ўрнатгач, истило ишини тамомлаш учун яна Хуросонга қайтди. Айна пайтда 914 (1508) йилда Журжон вилояти ҳам унинг давлати тасаруфига ўтди. Темур авлодининг барча мамлакатларини деярли ўз тасаруфига олди. Ҳофиз Танишнинг “Абдулланомани” асарида ёзилишича, Шайбонийхон забт этилган ҳудудларини бошқаришни мукофот юзасидан ўзининг энг яхши иқболли султонлардан, зийраклик ва сиёсатда машҳур бўлган амирлардан бирига берди. Жумладан, Туркистон вилоятига — Кучкунчи султон ҳазратларини номзод этди, Тошкентга — Кучкунчи султоннинг иниси Суюнчихўжа султонни ўтқазиб, уни ҳокимлик иззатига етказди, Бухоро идораси бошқарувини Шайбонийхоннинг укаси Султон Маҳмуднинг иноят қафти ва адолат қабзасига топширди, Аҳси ва Андижонни — шижоат ва нишонли Жонибек султонга, Шохрухия ва унинг атрофи амир Ёқуб вафодор ихтиёрига, Дорул маҳфуза Самарқанд — Аҳмад Султонга, Ҳисор мамлақати ва унга тобеъ ерлар атрофи билан баробар Ҳамза Султон ва унинг укаси Маҳдий султонларга, Кундуз ва Бағлон — амир Қанбар ва Саъид Ошиқларга, Хоразм — Қўшчи Кўпакка, Ҳирот — Жонвафо бойга, Марв — Қўбиз Найман ва бошқаларга такдим этилди[Абдулланомани, 1999. 57-б.].

Муҳаммад Шайбонийхоннинг темурийлар давлатининг қай тарзда эгалланганлиги Фазлуллох ибн Рўзбеҳоннинг “Меҳмонномаи Бухоро” асарида хоннинг ўз тилидан қуйидагича келтирилади: «Амир Темур авлодларидан баъзи мулкларини тортиб олган бўлсак ҳам, мулкпарастлик ва кичик мамлакатларга қаноат қилмаслигимиздан эмас, балки тақдир ҳукмига кўра шундай бўлди. Зеро қазо меросий мулкни яна бизнинг қўлимизга ва ихтиёримизга қайтишини тақозо этди»[Меҳмонномаи Бухоро, 1976. 72]. Зеро, ушбу мавзуни чуқур тадқиқ этган шарқшунос олим А.А.Семёновнинг: «Бу бир давлатни иккинчи давлат томонидан босиб олиш учун бўлган уруши эмас, туркийларнинг ҳокимият, улус таллашиб қилган уруши, унинг бош сабаблари ўзаро қон-қариндошликда бўлган кишиларда эди. Туркларнинг бу сўнги урушда ғолиблар ҳам, енгилганлар ҳам топилмади», деган

фикр-ларининг ҳақлигини кўрсатади[Семенов, 1954. 148-150.]. Фикримизча, шайбонийлар давлатининг вужудга келишини ўрта асрларда туркий халқлар давлатчилигида тез-тез юз бериб турган ҳодиса — сулолалар алмашилиши деб баҳолаши айти тарихий ҳақиқатга яқин деб ҳисоблаш мумкин.

Шайбонийлар давлати ғарбда Каспий денгиз бўйидан шарқда Чу дарёси водийсигача бўлса, шимолда Дашти Қипчоқдан жанубда Марказий Афғонистонга қадар кенгайиб, жануби-ғарбда Сафавийлар давлати билан чегарадош бўлиб қолиши ва эндиликда уруш бўлиши муқаррар эди. Шоҳ Исмоил томонидан Муҳаммад Шайбонийхонга, «...Ҳар ўғил ота ишини қилиш лозим бўлса эди, ҳамма инсон Одам (а.с.)нинг фарзандлари бўлиб, уларга пайғамбар бўлмоқ лозим эди. Агар подшоҳлик мерос қолса, Пешдодийлардан Каёнийларга етмас эди ва подшоҳлик Чингизга қайсидандир ва на сенга етадир деб шоҳ Исмоил унинг тухфаси билан бирга чарх ва ипакни юборади ва яна айтдики, ул номада нима айтган бўлсанг мен ҳам айтаман. Агар жанг қилмоққа ростлансанг ҳам ростландим. Жанг ерида эса сен ва менлик даъвоси дуруст эмасдир. Агар жанг қилмасанг, унда чарх йигириб ўтиргайсан»[14,378-б.] деб жавоб ёзиб элчиларни жўнатади. Шу тарих, ҳар икки томон (бир-бирига) хат ва элчи юборишни (бир неча бор) такрорлагач, шоҳ Исмоил урушмоқ мақсадида куфру зулол (яъни кофир ва йўлдан адашган) сипоҳини, ит хислатли ва бад (ёмон) андишали лашкарларини тўплаб, ўз жамоасини диққат билан тайёрлаб, Араб ва Ажам Ироқидан Шайбонийхон томонга юрди ва Марв вилоятида ул ҳазратга етишди. Ўша замонда хоннинг муборак хизматида бир неча санокли кишиларидан бошқа (жанг қиладиган) аскар бўлмагани ҳолда, ғазот шарафига бениҳоят ҳарис бўлганидан ҳаётдан кўнглини узиб, душман томонга ўзини отди. Душман чекинмоқчи бўлиб турганида, хон аскарлари (уни) қувиб етди. Шунда ҳар икки томоннинг лашкари Марв яқинидаги Мурғоб дарёси қирғоғида, яъни, Таҳрирободда – бир томондан ислом лашкари, иккинчи томондан кофирларнинг лашкари Садди Искандар каби бир-бирининг муқобилида саф тортдилар[Тарихий Рашидий, 2011. 378-379-б.]. Бу жангда Шайбонийхон ихтиёрида йигирма минг(20 000) кишилик лашкари бор бўлса, шоҳ Исмоил эса етмиш минг(70 000) кишилик армия билан камал қилиб, сўнгра қўшимча ўн етти минг кишилик қўшини билан шу манзилда ғалаба қилади[Шарипова, 2004. 30-31-б.]. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг гувоҳлик беришича, “Тарих тўққиз юз ўн олтинчи йилда (милодий 1510-йилда) Шайбонийхоннинг буюклик ва улуғлик офтоби... (ўзининг) махфий пардасига яширинди. Кўп ўтмай унинг орзулари ва умидлари фалокат офтобининг шаҳодат мағрибига ботди.

(Минг) афсуски, ғозийи хусрав шаҳид бўлди.

Қуёш шафақ ичига кириб, кўринмай қолди”[Абдуллонома, 1999. 58-б.].

Шайбонийнинг ҳарбий юришлари ва тактикалари ҳақида ёзма манбалардаги маълумотларга таянган ҳолда қуйидагича хулосалар қилиш мумкин:

1. Шайбонийхон кучли саркарда ва сиёсатчи сифатида қисқа муддатда Дашти Қипчоқ, Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросон худудларини ягона давлатга бирлаштира олди;

2. Муҳаммад Шайбонийхон, Убайдулла султон, Абдуллахон ибн Искандархонларнинг шаҳар ва қалъаларни эгаллашда қўллаган тактикалари мудофаачиларни доимо қийин аҳволга солиб қўйган. Тарихий манбаларда Бухоро қўшинининг таркибида душманнинг шаҳар ва мудофаа кўрғонларини ишғол этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган нефтдан тайёрланган ёнувчан модда, манжанақлар, тош отувчи қуроллар мавжудлиги ва уларнинг техник бошқаруви йўлга қўйилган;

3. XVI аср авомида Эрон ва Қозоқ хониклари, Дашти Қипчоқ билан олиб борилган урушлар туфайли хонликда қўшин тузулиши ишига маълум даражада эътибор қаратилган[Замонов, 2018. 145-146-б.]. Шу даврда Бухоро хонлигининг жипслиги, мустаҳкамлиги ва давлат мустақиллигини

сақлаб қолиш энг асосий вазифа саналган бўлсада, бироқ қисқа вақт ичида бу ишни ҳал этиш мушкул кечган, деб ҳисоблаш мумкин.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Замонов А. Бухоро хонлигида кўшин тузулиши ва ҳарбий бошқарув. – Тошкент: «BAYOZ», 2018.
2. Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар. Тошкент, “Шарқ”, 2011.
3. Абулғозий. Шажараи турк. Тошкент, 1992.
4. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. (нашрга тайёрловчи П.Шамсиев). Тошкент, 1989.
5. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. Масъул муҳаррир: М.Саъдий. Тошкент, “Ўқитувчи”, 2012.
6. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихий Рашидий / Таржимонлар: Ваҳоб Раҳмонов, Янглиш Эгамова, Масъул муҳаррир: акад. Азиз Қаямов // Т.: “Шарқ”, 2010.
7. Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароунназф тарихи. Китобдан парчалар /Тупл.: С. Аҳмад/.—Т.: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.
8. Гиёсиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар. / Форс тилидан таржима, муқаддима муаллифи Ҳазратқулов Ж., Бекжонов И.. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013.
9. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008.
10. Муҳаммадиёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. / Форс тилидан таржима, изоҳлар муаллифи Бекжонов И., Сангирова Д.. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009.
11. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. 1-китоб. Тошкент, Шарқ, 1999.
12. Фазлуллох Рўзбеҳон. Меҳмоннамаи Бухоро. (перевод Р. Жалиловой.) М.: 1976.
13. Семенов А.А. К вопросу о происхождении и составе узбеков Шейбани хана. // Материалы по истории таджиков и узбеков Средней Азии. Выпуск 1. Сталинабад: Изд-во АН Тадж. ССР. – 1954.
14. Аёзий Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихий Рашидий.—Т.: Ўзбекистон, 2011.
15. М.Шарипова. Муҳаммад Шайбонийхон. Тошкент, “Шарқ”, 2004.

ТУРДИ ФАРОҒИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

М.Дармонова,

ЎзРФА Тарих институти, Тошкент

Ўзбек шоири ва мутафаккири Турди таржимаи ҳоли ҳақида маълумотлар сақланиб қолмаган. Айрим манбаларда келтирилишича, у “Фароғий” (Эркин табиатли киши) таҳаллуси ва Турди номи билан шеърлар ёзган. Фароғ қишлоғи Жиззах атрофидаги қадимий қишлоқлардан бири бўлиши мумкинлиги ҳамда Турди XVII аср (40-йиллари) ва XVIII аср бошларида яшаб ижод этганлиги ҳақидаги фикрлар қайд этилган [Ҳожи Исматуллох Абдуллох, 2005. – 201-бетлар]. Турди аштархонийлар ҳукмдорларидан Нодир Муҳаммад ва унинг ўғиллари Абдулазизхон ҳамда юз уруғининг бошлиғи сифатида, бошқа қабила бошлиқлари – оталиқлар қатори, бирмунча вақт Субҳонқулихонлар даврида яшаб ижод этган. Бухоро мадрасаларида ўқиб, диний илмлар, форс тилини мукаммал ўрганган. Касби кори сипоҳийлик (ҳарбий хизматчилик) билан ўтган. Турди Хўжандда ва Жиззахда қийинчилик билан яшаб ўтган. Турди тахминан 1699-1700 йиллар вафот этган. Шоирнинг А. Мажидий томонидан топилган ва 1924-1925 йиллар нашр этилган қўлёзмаси 30-йиллар қатағонида йўқолиб кетган [Собрания Восточных рукописей Академии Наук УЗССР, 1952-1980]. Уни 1959 йили таниқли адабиётшунос А.Ҳайитметов қайтадан топиб, нашр эттирди. Бу қўлёзма ЎзРФА Шарқшунослик институтида 1407-ашёвий рақами билан сақланмоқда.

Шоирнинг адабий мероси 434 мисрадан иборат 18 та шеър бўлиб, улардан 2 таси тожик тилида ёзилган. Буларнинг 165 мисраси Субҳонқулихон ҳақидаги ҳажвия, 12 та ғазал, 5 мухаммас ва битта фарддан иборат. Шоир бу шеърларида Фароғий тахаллусини қўллаган ва шу мероси билан Турди ўзбек мумтоз адабиётида муҳим ўрин эгаллаган шоирдир [Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ, 2005. – 201-бетлар]. Мазкур шеърлардаги биографияга оид ўринлар шоирнинг таржимаи ҳоли ва ижодий йўлини бирмунча аниқлаш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилган. Турди халқнинг оғир ҳаёт кечирганини кўриб ачинган. Асарларида ҳукмрон доираларнинг жирканч кирдикорларини яширмаган, хонлар салтанати даврида айниқса кучайган ижтимоий жароҳатлар шоирнинг таъбирича, “хон бидъатлари”ни фош қилган. Шоир бундай сатирик шеърларини Субҳонқулихонга қарши курашган кўзғолончиларга қўшилган даврида яратган. Унинг “Субҳонқулихон ва унинг амир-амалдорлари тўғрисида ҳажвия”си унинг девонидаги сатирик (Сатира – ижтимоий ҳаётнинг маълум томони ё айрим гуруҳ ва шахсларнинг салбий хислатларидан аччиқ кулиб ва танқид қилиб ёзилган ҳажвий асар) шеърлар орасида энг катта ва бадий жиҳатдан қимматли мухаммасдир. Асарда Субҳонқулихон давлат тепасига келгач, мамлакатда аҳвол ёмон томонга ўзгарганлиги, осойишталик ўрнини тартибсизлик, адлу карам ўрнини ўзаро нифоқ эгаллагани ўз аксини топган. Шоҳнинг айби шундаки, у тахтга ўтириши биланоқ тажрибали, ишбилармон мулозимларни қувиб, уларнинг ўрнига ўз атрофида давлатни бошқариш ишидан бутунлай хабарсиз, фикр-мулоҳазалари саёз, ахлоқан тубан кишиларни йиққан. Турди бу асарида Субҳонқулихон киёфасида жоҳил шоҳ тимсолини яратган. Ушбу ҳажвий асари билан Турди ўзбек ҳажвиётини Алишер Навоидан кейин янги бир босқичга кўтарган [www.ziyouz.com].

Турди хон саройидаги адолатсизлик, мунофиқлик, риёкорлик ва ишратпарастликдан қаттиқ ғазабланган. Шоир Субҳонқулихон, унинг амир ва амалдорлари ҳақида ўткир сатирик асар яратиб, бунда уларнинг кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган жинойтларини очиб ташлаган. Адолат ва саховат ўрнини низо-адоват эгаллаганини ачиниш билан таъкидлаган. Бундан ташқари, ушбу асарда шоир мамлакатда осойиштиликнинг йўқолиши, одамлар бошига “санги жафо” ёғиши, “адлу карам” ўрнини “кину нифоқ ҳукмрон бўлишига Субҳонқулихоннинг қабих идора усули сабаб бўлганлигини айтиб ўтган. Мустабид ва шухратпараст Субҳонқулихон эл-юртнинг ҳаёти билан қизиқмаганлиги, ўз саройи, айш-ишрати ва хўжасаройлар суҳбати билан ўралиб қолганлиги қайд этилган. Турди амир ва беклар адолатсизлик, зулм ва зўравонлик, босқинчилик ва порахўрликда хондан қолишмаганлигидан, хон ўз атрофида бир тўда ғийбатчи, инсофсиз, ярамас кишиларни тўплаб олганлигидан ҳамда “Бу шоҳ асрида кўп сифлаю бангилар бек”, - деб саройни фитначилар, пасткаш кишилар эгаллаганидан ғазабланган.

Шоир ўз адабий фаолиятининг дастлабки ижодий изланиш, ўрганиш даврида сарой адабиёти таъсирида Абдулазизхонга атаб мадҳиялар ёзган ва кейинчалик ўткир сатирик асарлари билан ижодиётининг тараққиёт босқичига ўтган. Турди бу ижодий камолот даврида золим хон ва мансабпараст хўжасаролар ҳукмронлик қилган мамлакатда заррача осойишталик йўқлигини, хон саройида фиску-фужур авж олганлигини, халқни мусибатларга гирифтор қилинганлиги тўғрисида айтиб ўтган [Маллаев, 1990. – 177-187-бетлар]. Турди ғазалларининг аксарияти ўз замонида ҳали ҳеч ким қаламга олмаган, ўткир ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-ахлоқий мавзуларга бағишланган. Айниқса, шоирнинг: “Тор кўнгуллик беклар, манман деманг, кенглик қилинг...” мисраси билан бошланадиган ғазалида юртни бошқараётган бекларга мурожаат қилиб, уларни кенг феълли, ўзаро иттифоқ бўлишга, бир-бирини уруғчилик белгиларига қараб камситмасликка чақириш унинг ўз давридаги юксак фикрли, ватанпарвар ва ҳақиқий инсонпарвар киши бўлганлигидан далолат беради [Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 720-721-бетлар].

Умуман олганда, Турди маънавий мероси ва ижоди ҳаётининг фактларга, теран мулоҳазаларга бойлиги ҳамда услубининг реалистик характери билан ўзбек адабиёти ривожига самарали таъсир

қилган. Махмур, Гулханий, Муқумий ва Завқий каби сатирик шоирлар ижодининг шаклланишида муҳим босқич бўлган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Ҳожи Исмаилов Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислам маданияти / Масъул муҳаррир Н.Иброҳимов. / – Т.: Шарқ, 2005. – 201-бетлар.
2. Собрания Восточных рукописей Академии Наук УзССР, т. I-XI. Т.: Фан, 1952-1980.
3. www.ziyouz.com
4. Маллаев Н. В. ва бошқалар. Ўзбек адабиёти тарихи [ўн учинчи нашри], Т.: Ўқитучи, 1990. – 177-187-бетлар.
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. “Т” ҳарфи. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 720-721-бетлар.

ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИ ВА ШАРҚ ДАВЛАТЛАРИДАГИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Ф. Бобоев,

Ўзбекистон ФА Тарих институти

Туркистон минтақасида совет тузумига қарши қуролли кураш 1918-1935 йилларда олиб борилган. Бу кураш шартли равишда икки даврга бўлиб ўрганилади. Биринчи даври 1918-1924 йиллар ва иккинчи даври 1925-1935 йилларни ўз ичига олади. Мазкур муаммо бўйича Ўзбекистонда Қ. Ражабов, Д. Зиёева, С. Шодмонова ва бошқа олимларнинг олиб борган тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга.

XX аср бошларида Осиё ва Африка давлатлари асосан мустамлака эди. Биринчи жаҳон уриши йилларида мустамлака давлатларида чуқур ўзгаришлар рўй бериб, мустамлака халқларининг илғор қатлами урушдан кейин мустақиллик берилишига умид билан қармоқда эди. Бироқ Париж тинчлик конференцияси бу умидни окламади. Мустамлакачиликнинг эски шакли янгиси билан алмаштирилди, яъни бу Миллатлар лигасидаги мандат тизими эди. Шу даврда Россияда юз берган чуқур ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар бутун минтақадаги миллий озодлик ҳаракатларига ижобий таъсир кўрсатди. Мустамлакаларда миллий озодлик кучлари ўсди. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, Хитой ва Ҳиндистонда миллий озодлик кураши шиддат билан давом этди. Туркияда 1918-1923 йиллардаги озодлик кураши ғалаба билан якунланди. Республика тузumi ташкил топди. Худди шунингдек, Ҳиндистонда ҳам миллий озодлик курашига қудратли сиёсий ташкилот Ҳиндистон Миллий Конгресси (ХМК) партияси раҳбарлик қилди. ХМК курашнинг куч ишлатиш усулига қарши чиқди. ХМКга 1915 йилдан Махатма Ганди (1869-1948) бошчилик қилади. Унинг раҳбарлиги даврида ХМКда курашнинг фақат тинч ва куч ишлатмаслик шаклига таянадиган йўли ғалаба қозонди. Гандининг тинч кураш йўли ҳинд халқининг кенг қатламини миллий озодлик курашига жалб этиш имконини берди[3].

Ҳиндистондаги миллий озодлик ҳаракати курашнинг куч ишлатмаслик шаклини танлаган бўлса, Туркистонда бунинг тескараси, яъни қуролли кураш шакли танланди. Шунингдек, курашга Ганди раҳбарлиги даврида етакчи сиёсий ташкилот ХМК атрофида ҳамма жамланган ва ўзининг дастурига эга бўлган ҳамда ўз дастур ва талабларини мустамлакачи ҳукумат олдига қўя билган ва уларни ўзи билан келишув ёки шартномалар имзолашга мажбур қила олган. Бундай ҳолат Туркистонда кам кузатилади. Кураш раҳбарларининг дастурлари борасида ҳам худди шунини айтиш мумкин.

Эрон халқининг 1919-1922 йиллардаги миллий озодлик ҳаракати ҳам бесамар кетмади. Бунинг натижасида, Британия Эрондан ўз армиясини олиб кетишга мажбур бўлди. Эрон армияси ва молия

тизимида англиз маслаҳатчиларининг ишлаши тақиқланди[4]. Туркистонда ҳам Эрондаги сингари миллий озодлик ҳаракатининг раҳбарлари Мадаминбек ва Шермуҳаммадбеклар бошчилигида муваққат ҳукуматлар тузилган. Лекин туркистонлик курашчилар қанчалик ҳаракат қилмасин Қизил армияни ўз юртидан ҳайдаб чиқара олмади. Молия тизими эса деярли тўлиқ равишда большевикларнинг қўлида эди.

Афғонларнинг англизларга қарши олиб борган озодлик курашида асосий етакчи куч амирнинг ўзи бўлган ва бу жангларда давлатнинг бутун ҳарбий кучлари сафарбар қилинган[5]. Туркистонда эса бундай ҳолат мавжуд эмас эди. Биринчидан, бир-биридан мустақил бўлган учта давлат (Туркистон АССР, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги) бор эди. Иккинчидан, улар илгари Россия империяси босқини даврида ҳам бирлашмаган эди, кейин ҳам уларни бирлаштиришнинг сира иложи бўлмади. Бирлашганда ҳам бу иттифоқ узоқ давом этмасди. Сабаби улар бир-бирига бўйин эгишни хоҳламас эди. Учинчидан, амир Олимхоннинг Афғонистонга қочиб кетиши Бухоро ватанпарвар кучларининг раҳбарсиз қолишига олиб келди. Амир қочиб кетмай Қизил армияга қарши ўз армияси ҳамда барча ватанпарвар кучларни бирлаштириб, Афғонистон сингари Бухоронинг мустақиллигини сақлаб қолиши мумкин эди, лекин у бундай йўл тутмади.

Сурия тарихида 1918-1928 йиллар миллий озодлик ҳаракати даври сифатида кирди. Суриядаги миллий озодлик ҳаракатини Туркистон минтақасидаги озодлик ҳаракати билан қиёслаганда кўп жиҳатлари бир-бирига ўхшаш, аммо фарқли томонлари ҳам мавжуд. Ўхшаш томонлари: хронологияси, партизанлик гуруҳларининг ташкил этилиши, ҳаракатлантирувчи асосий куч бу – деҳқонлардан иборат бўлиши, шунингдек, Сурияда Кенгаш партизан ҳаракати учун маблағ ва қуроли тўплаш билан шуғулланган бўлса, Туркистонда кишлок ва уруғ оқсоқоллари, кишлок ижрокўмлари шундай вазифани бажарган. Аммо Сурия амири Файсалнинг Франция билан келишувчилик сиёсати миллий озодлик курашининг кучайишига тўғаноқ бўла бошлаган бўлса[1], бундай ҳолат Туркистон минтақасида (Туркистон АССР, БХСР ва ХХСР) ва Ўрта Осиё республикаларида ҳам шундай кечган. Республикалардаги юқори лавозимлардаги миллий раҳбар кадрлар совет тузумига қарши қуроли ҳаракатни ошқора равишда ҳеч қачон қўллаб-қувватламаган. Бунинг иложи йўқ эди. Улар ҳам бу ҳаракатни тезроқ тугатиш тарафдори бўлган. Шу мақсадда улар тегишли қарор ва кўрсатмаларини эълон қилиб турган. Фарқли жиҳати эса, 1925 йилдан Сурияда миллий озодлик ҳаракати қайтадан кучайган. Шу пайтдан кўзғалончиларга Халқ партияси раҳбарлик қила бошлаган бўлса, Ўзбекистон ССРнинг бирорта областида қуроли ҳаракатни бирлаштирадиган ягона сиёсий ташкилот ёки куч мавжуд эмас эди. Бундан ташқари кўрбошиларнинг ҳеч бирида парламентар республика тузиш ёки конституция яратиш ғояси бўлмаган. Улар асрлар мобайнида шаклланиб келган ягона тизим: фақат шариат ва ислом қонунчилиги асосида бошқариладиган давлат яратишга интилган. Шунингдек, Суриядаги озодлик курашчилари енгилган бўлса-да, мамлакатни парламент республикаси қилишга эришди. Туркистон минтақасидаги қуроли ҳаракат эса мағлубиятга учради ва кўзланган натижага эриша олмади. Ироқда ҳам англизларга қарши миллий озодлик ҳаракати худди Суриядагидек бўлган.

Испания ва Франциянинг мустамлакачилик сиёсатида қарши Марокашнинг Риф вилояти 1920-1934 йилларда миллий озодлик ҳаракатини олиб борди. Уруш ҳаракатлари 1926 йилнинг май ойигача давом этди ва рифликлар енгилди ҳамда Абдул Карим асир олинди. Шунда ҳам қуроли ҳаракат 1934 йилгача давом этди[2].

Туркистон минтақасида 1918-1935 йилларда совет тузумига қарши курашган кўрбошиларнинг ҳеч бири алоҳида давлат ёки республика тузишга мувофиқ бўлмаган. Аммо марокашликларнинг раҳбари асир олинган бўлса-да, кураш яна давом эттирилган. Бу жиҳати Туркистон билан жуда ўхшаш бўлиб, курашнинг асосий етакчилари ўлдирилган ёки асирга тушган бўлса ҳам бошқа раҳбарлар томонидан давом эттириб турилган. Масалан, Фарғона водийсида Мадаминбекнинг

ўлимидан сўнг Шермухаммадбек, Шаркий Бухорода Анвар Пошонинг ўлимидан сўнг эса Иброҳимбек ва бошқалар совет ҳокимиятига қарши курашни давом эттириб туришган. Курашнинг айрим вақтда танаффуслар билан давом эттирилиб туриши бу барча мустамлакага айланган ўлкаларга хос хусусиятдир. Бундай ҳолат нафақат XX асрда балки тарихнинг ҳар бир даврига хос характерли хусусиятдир.

Хуллас, совет тузумига қарши қуролли ҳаракат ўзининг айрим мазмун-моҳияти ва фарқли томонлари билан биринчи навбатда ҳаракатнинг биринчи босқичидан, иккинчидан эса, бошқа Шарқ мамлакатларидаги миллий озодлик ҳаракатларидан ажралиб туради. Шунингдек, ўхшаш жиҳатлари билан эса чамбарчас боғлиқдир. Миллий озодлик ҳаракатининг турли минтақаларда бўлиши ёки бир-биридан фарқланиши, шунингдек, унинг кўлаmidан қатъи назар бу ҳаракат мустамлакачи давлатларга ва унинг минтақаларда юритаётган сиёсатига қарши қаратилган миллий озодлик ҳаракати эди. Гарчанд Туркистон минтақасида 1918-1935 йилларда олиб борилган совет тузумига қарши кураш мағлубиятга учраган бўлсада, унинг тарихий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

1. Аҳолининг катта қисми орасида мустақиллик ғояларининг шаклланишига ҳисса қўшди;
2. Большевиклар ҳокимиятини маҳаллий аҳолининг камситишига қаратилган интилишларини маълум маънода тийиб турди ва маҳаллий аҳолини манфаатлари билан ҳисоблашишга мажбур қилди;
3. Аҳолининг бир қисми айниқса, ёшлар орасида ватанпарварлик ғояларини шаклланишига хизмат қилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.История Сирии // <http://www.easttime.ru/countries/topics/2/7/55.html> (23.10.2017)
- 2.Мухамеджанов И. Абд аль-Карим – герой и его эпоха // <http://islam-today.ru/blogi/ildar-muhamedzanov/abd-al-karim-geroj-i-ego-epoha>.
- 3.Освободительное движение в Индии//<http://knowhistory.ru/821-strany-azii-v-19181939-godah.html>
- 4.Трошин Ю.А. История стран Азии Африки в новейшее время. https://www.e-reading.club/bookreader.php/1021560/Troshin_-_Istoriya_stran_Azii_i_Afriki_v_noveyshee_vremya.html
5. <http://vek-noviy.ru/stranyi-azii-i-afriki-v-1918-1939-g/afganistan-v-1918-1939-g.html>

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДАГИ МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИ

А. Болтаев, Г.Тилавова
ЖДПИ, Жиззах

Қадимги давлатда шакилланган тарихий ҳақиқат жамият тараққиётининг барча босқичларида ҳаққонийлик меъзони вазифасини ўтайди. Мустақил тараққиёт шароитида турли давлатларнинг ўзаро тутган ўрни ва ривожланиши борасида тарихий мунозаралар кескин авж олмоқда. Ҳужжатларни тўғри таҳлил этиш билан боғлиқ, тарихий воқеаларни ёзма манбалар асосида ёритиш эса, тарих фанининг амалий жиҳатларидан биридир. Шиддатли давр, бугунги кунда тадқиқотчилар олдига тарихни илмий ва архив ҳужжатлари асосларига таянган ҳолда маъмурий бошқарув фаолияти тарихини тадқиқ этиш вазифасини юклайди. Суронли ва ўқубатли тарихимизнинг бунёдкорлик ва парокандалик, озодлик ва ёвузлик кураши соҳиллари авлодлар учун сабоқ чиқаришга асос бўлди. Машъум ўша даврда ўзаро мустамлакачилик ва турли низолар, юртимизни вайрон қилинишига ва турли курашларнинг авж олишига сабаб бўлди. Босқинчилар худудимизни забт этибгина қолмай, балки эркесвар, захматқаш халқимизни маънавий-руҳий жиҳатдан буйсиндиришга ҳам эришди. Ўлкада подшо Россияси жорий этган ҳуқумронлик машинаси, рус

давлатчилигининг қарор топишига замин яратди. Ўлкани хом ашё маконига айлантириб, пахтачилик ва бошқа муҳим хом ашё маҳсулотларини етиштиришга, Туркистонни тайёр маҳсулотлар бозорига айлантиришга эришдиларди. Санкт-Петербург зодагонлари вакили, ўлкашунос олим, князь В.И. Массальский ўз диққатини Туркистондаги ер-сув масалаларига қаратиб, арзон пахта хом-ашёларига эришиш учун, ўлкада пахта яккахокимлигини ўрнатиш, русларни кўпайтириш чораларини кўриш лозимлигини уқтиради [Массальский -1911].

Россия империясининг Туркистондаги аграр сиёсатидан кўзланган бош мақсади ва асосий йўналишларини Давлат мулклар ва зироатчилик вазири А.В. Кривошеин шундай ифодалаган: биринчидан, “пахта” бўлса, иккинчиси “суғориш” ва ниҳоятда учинчиси ва энг муҳими “русларни кўчириб келтириб ўрнатиш масаласи турибди” [Кривошеин, СПб.1912. 113с]. В.И.Массальский ёзганидек, Туркистонни “пахта васвасаси” камраб олди. Савдогарлар, амалдорлар офицерлар ҳамда маъмурият ваъкиллари қайси бирида маблағ бўлса, плантацияларни ва пахта тозаловчи корхоналарни барпо этишга муқкасидан тушдилар [Массальский, 1892. с-19.].

Хуллас, Туркистон ўлкасида мавжуд бўлган деҳқончилик, ирригация соҳасининг қайси томонини олманг, унга чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати ўта салбий таъсир этганлигини, туб (маҳаллий) халқлар манфаати оёқ ости қилинганлигининг кўриш мумкин. Маълумки, мустамлакачилик тузуми ҳукмронлиги даврида ерларини жадал равишда ўзлаштириб, суғориш тизимлари барпо этилган. Бундан кузланган асосий мақсад, бу ҳудудларда кўпроқ пахта етиштириб, марказ саноатининг пахта хом ашёсига бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат эди. Шунинг учун ҳам мустамлакачилик тизими даврида, Мирзачўлни ўзлаштириш ва уни қишлоқ хўжалик муомиласига киритиш муҳим йўналиш сифатида белгиланган. Гарчанд Мирзачўлнинг ўзлаштирилишига оид кўплаб асарлар ва мақолалар ёзилган бўлсада, лекин уларнинг аксариятида ушбу муаммони илмий ва миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ҳолис таҳлил ва тадқиқ этилмаган. Шунинг учун ҳам ушбу мавзунинг бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда ҳолда қайта тадқиқ этиш тарихий заруратдир. Хусусан, Ўзбекистонда катта майдонни эгаллаган Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши ҳақида турли даврларда кўплаб илмий ва тарихий асарлар яратилган-ки, уларни бир неча гуруҳга бўлиб ўрганиш лозим бўлади.

Туркистонни чор Россияси томонидан босиб олинишидан 1990 йилгача бўлган деҳқончилик тарихини тадқиқ этган А. Курсиш, Ф.Т. Ольмачёв, Ф.В.Караев, И. А Бжежитский (Курсиш, Голодной степь Очерке работ по орошению северо-восточной части Голодной степи. Ежегодник ОЗУ. СПб. 1913 Караваев В.Ф. Голодной степь в её прошлом и настоящем. Петроград -1914. И.А.Бржезицкий Краткая запись о Джизакская уезде) ва бошқа муаллифларнинг ҳақиқий ҳам алоҳида таъкидлаш лозим: Улар ҳам Мирзачўлни комплекс ўзлаштириш ҳақида ўз асарларида чуқур таҳлил ва ҳулосалар берганлар. Чор Россиясининг Туркистонга муносабати дунёвий, "пахта сиёсати" билан ҳамда аҳолининг маълум қисмини Туркистонга "кўчириш сиёсати" билан боғлиқ эканлигини асослаганлар. Улар ўз даври руҳи ва талабидан келиб чиқиб, ушбу жараёнларга ёндашишда чегараланган эдилар. Аммо улар келтирган ҳужжатларнинг ўзиёқ мазкур мавзунинг ёритилишида жуда муҳим манбалардан асосий ҳисобланади. Ушбу минтақадаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари А.П.Демидов, В.И.Юферов, Г.И.Сафаров, П.Г.Голузо ва бошқалар ҳам ёритган [Демидов, 1963]. Мавзуга оид адабиётлар таҳлили қуйидаги ҳулосаларга олиб келади:

- 1) Биз ушбу давр жараёнларини таққослаган ҳолда ўрганиб, Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи пахтачиликнинг узлуксиз ривожланиб боришига пойдевор бўлганлигини таъкидлашимиз лозим.
- 2) Таҳлил этилган асарларнинг муаллифлари ва ўз даврининг ҳукмрон мафкураси таъсирида тарихий ҳақиқатни бузиб, воқеаларни сохталаштириб, улардан ноҳолис ҳулосалар чиқаришга мажбур бўлганлар;

- 3) Ушбу таджикотларнинг аксариятида чўлларни ўзлаштириш учун курашнинг моҳияти, мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучларини аниқлашда кўплаб чалкашликларга, ноаниқликларга йўл қўйилган;
- 4) Ушбу соҳани чуқурроқ ўрганишимиз, мустамлакачилик йилларини теранроқ англаб олишимиз имкониятини беради;
- 5) Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати, унинг сабаблари ва ундан кўзланган мақсад, зўравонлик билан бойлик орттиришдан иборат бўлган;
- 6) Аввало, мустамлакачилар, кейин эса Шурулар ҳукмронлиги маъмурий буйруқбозликдан иборат эди. Шунинг учун ҳам Россия империяси "иккинчи Туркистон"ни барпо қилишга ниҳоятда катта эътибор қаратди.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Масальский А.В. Хлопковое дело в Средней Азии (Туркестан, Закаспийская область, Бухара и Хива) и его будущее. СПб. 1892, его же. Туркестанский край, СПб. 1913, его же, Орошение северо-восточной части Голодной степи, Ежегодное ОЗУ-1911.
2. Кровошеин А.В. Записка главноуправляющего земледелием и землеустройством о поезки Туркестана. СПб.1912. 113с.
3. Курсиш, Голодной степь Очерке работ по орошению северо-восточной части Голодной степи. Ежегодник ОЗУ. СПб. 1913 Караваев В.Ф. Голодной степь в её прошлом и настоящем. Петроград -1914. И.А.Бржезицкий Краткая запись о Джизакском уезде.
4. Демидов А.П. Экономический очерк хлопководства, хлопковой торговли и промышленности в водопольванию в Средней Азии. М.ЦСНХ СССР 1926. Его же. Очерки по экономике хлопкового хозяйства М.1927 Сафаров Г.И. Колониальная революция (опыт Туркестана). Т.1935. К истории Туркестана от завоевания русскими до революции. 1917. М.1929, К истории колониальной эксплуатации Казахстана в конце 19 начала 20 вв "особенности империализма в России" 1963.

В.В.БАРТОЛЬДНИНГ ТУРКИСТОНДА ЎТКАЗГАН ДАСТЛАБКИ АРХЕОЛОГИК ҚАЗУВ ВА ҚИДИРУВ ТАДҚИҚОТЛАРИ

А.Ю.Рахматуллаев,
ЖДПИ, Жиззах

ХІХ асрнинг II ярмида Туркистон ўлкаси подшо Россияси томонидан босиб олиниб, бу ердаги мавжуд учта хонлик вассал давлатларга айлантирилгандан кейин Ўрта Осиё халқларининг тарихига рус тарихшуносларининг қизиқиши кучайган. Бу даврда В.В.Григорьев, Д.А.Хвольсон, П.И.Лерх, Н.И.Березин, В.Г.Тизенгаузен, Н.И.Веселовский, В.В.Радлов, В.Р.Розен каби шарқшунос, этнограф мутахассислар Туркистон ўлкасининг қадимияти, моддий ва маънавий маданияти тарихи, этнографияси билан шуғулланишни бошлаган.

Туркистон халқларининг қадимий ўтмиши, бой моддий ва маънавий ҳаётидан ҳикоя қилувчи арабий, форсий, туркий ёзма манбаларнинг кўплаб сақланиб қолган асл нусхалари, нумизматика, этнография намуналари россиялик мутахассислар учун ниҳоятда қимматли манба бўлиб хизмат қилди. Натижада, ижтимоий-гуманитар фанларнинг турли йўналиш ва соҳаларида (шарқшунослик, тарих, археология, этнография, нумизматика...) тадқиқотлар ўтказган илм-фан вакилларининг илмий ишлари уларга катта муваффақият олиб кела бошлади. Бу ишлар ўз навбатида эндигина ўз шаклланишини бошлаган, кейинчалик ўз анъаналарига эга бўлган мустақил рус тарихий шарқшунослик мактаби учун катта илмий мақом ва мавкега эга бўлишда муҳим аҳамият касб этди.

Шунга қарамасдан, Туркистон Россия империяси томонидан босиб олингандан кейинги ўтган 15-20 йиллик даврда ўлка тарихшунослигини ўрганиш ҳолати ҳануз ўзининг бошланиш палласида бўлди. 1890-йилларнинг бошларидан Россия шарқшунослик мактабининг ўша пайтдаги истеъдодли ёшларидан ҳисобланган В.В.Бартольд Туркистон тарихшунослиги билан жиддий шуғулланувчи, идрокли “ориенталист” сифатида ажралиб чикди. Ёш олимларнинг илмий фаолияти бевосита Туркистоннинг ўрта асрлар тарихи, археологияси билан боғланиб кетди.

Василий Владимирович Бартольд 1869 йил 15 ноябрда Санкт-Перербург шаҳрида руслашиб кетган немис оиласида туғилган бўлиб, отасининг аждодлари Болтикбўйи ўлкасидан, она томон аждодлари Россияга Германиянинг Гамбург шаҳридан кўчиб келган эди. Отаси Владимир Бартольд биржа маклери бўлиб фаолият юритган.

В.В.Бартольднинг болалик ва ўсмирлик йиллари оиладаги моддий таъминотнинг яхшилиги туфайли гуманитар фанларнинг турли йўналишлари бўйича малакали билим олиш билан ўтган. Дастлаб у Ғарбий Европа халқларининг қадимги мумтоз тилларини ўрганишга киришган, мактаб даврида қатъий бир қарорга келиб, келгусида шарқшунос-тарихчи мутахассис бўлишига аҳд қилган [Бартольд, 1927, 20-27]. 1987 йилда В.В.Бартольд Санкт-Перербург шаҳридаги 8-сонли гимназияни олтин медаль билан битиради. Бу пайтда унинг олдида мутахассислик йўналишини белгиловчи иккита йўл бор эди. Биринчиси антик давр тарихи бўйича таҳсил олиш, иккинчиси, Яқин Шарқ ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг тарихи бўйича шуғулланиш. Муайян иккиланишлардан сўнг Бартольд бир қарорга келади ва Санкт-Петербург университетининг шарқ тиллари факультетига 1987 йил ўқишга қиради.

В.В.Бартольд талабалик йилларида араб, форс, турк тилларини чуқур ўрганишга киришади. Уни Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг ўрта асрлар даври тарихи ниҳоятда қизиқтириб қолади. Кейинчалик, В.В. Бартольд ўз автобиографиясида қуйидагича ёзади: - “Шарқ мамлакатлари тарихи бўйича факультетда фақат ягона мутахассис, проф. Веселовский умумий курсдан маърузалар ўқиди, европалик сайёҳларнинг саёхатномалари бўйича қизиқарли маълумотлар берди. Унинг Ўрта Осиё тарихи бўйича ўқиган бир нечта маърузаси менда катта таассурот қолдирди. Ушбу маърузага қизиқишим жуда ортди”. Ўша пайтда “Шарқ тарихи” кафедраси профессори Н.И. Веселовский (1848-1918) В.В. Бартольдга ўз билим даражасини ошириш учун катта ёрдам ва айниқса, мустақил тайёрланиши учун шароит яратиб беради. Унинг ҳақиқий илмий раҳбари, барон В.Р. Розен ўз даврининг ҳақиқий педагоги, мураббийи ва таниқли олими сифатида В.В. Бартольд ва бошқа ёш, иқтидорли талабаларга том маънода устозлик қилган. Профессор, арабшунос В.Р. Розен рус шарқшунослик мактабининг асосчиларидан бири бўлиб, Бартольдга ўхшаган истеъдодли ёшларни ўз қармоғига, шахсий назоратига олган эди. Шунингдек талабалик даврида В.В. Бартольд туркшунослар академик В.В. Радлов, профессор П.М. Мелиоранский билан яқиндан танишади, улардан турк тили, туркий халқлари тарихи бўйича сабоқ олади. Университетда ўқиб юрган давридаёқ В.В. Бартольд илмий тадқиқот ишлари билан шуғуллана бошлаган. Унинг ўша пайтда ёзган “Ўрта Осиёдаги христианлик тўғрисида” (“О христианстве в Средней Азии”) номли рисоласи Санкт-Петербург университети шарқшунослик факультетининг кумуш медали билан тақдирланади.

1891 йилда университет таҳсилини тугатган В.В. Бартольд устози В.Р. Розеннинг маслаҳати билан 1891-1892 йилларда малакасини ошириш учун, ўз ҳисобидан Финляндия, Германия, Швеция, Италия, Австрия, Венгрия ва Краковга саёхатга чиқади. Саёхат даврида у Галл уневерситетида таниқли исломшунос, профессор Август Мюллер (1848-1892), Страсбург университетиде таниқли арабшунос, академик Теодор Нёлдеке (1836-1930) маърузаларини эшитди. Россияга қайтган В.В. Бартольд 1982 йил Санкт-Петербург университети шарқшунослик факультетининг “Шарқ тарихи” кафедрасига ишга тайинланади.

XIX асрнинг 90 йиллари В.В.Бартольд учун нихоятда сермахсул, илмий ижод билан шуғулланган йиллар сифатида ўрин олган. Бу даврда у ўзининг фундаментал илмий иши “Туркистон муғуллар истилоси даврида” номли асарини яратади. 1900 йил у ушбу ишни факультетнинг илмий кенгашига магистр илмий даражасини олиш учун тақдим этади. Бирок, химоядан сўнг унга Шарқ тарихи бўйича фан доктори олий илмий даражаси берилади. Мазкур асарни яратиш, қўлёзмалар билан танишиш ва жойларда археологик қазилма ишларини ўтказиш учун В.В. Бартольд биринчи марта Ўрта Осиёга экспедициялар уюштиради. Хусусан, унинг раҳбарлигида 1893-1894 йилларда Россия Фанлар Академияси ва Санкт-Петербург университети томонидан, 1902 йилда Санкт-Петербург университети томонидан 1904,1916 йилларда Ўрта ва Шарқий Осиёни ўрганиш қўмитаси томонидан (Самарқандда археологик қазилмалар ўтказиш учун) махсус экспедициялар тузилиб Туркистон ўлкасига юборилган, Тошкент, Самарқанд, Ясси шаҳарлари ва уни атрофларида археологик қазув тадқиқотлари ўтказган. Натижада, В.В. Бартольд ўлканинг тарихи у ўйлагандан ҳам қадимги ва қизиқарли эканлигига амин бўлади.

Ушбу илмий сафарлар чоғида В.В. Бартольдда Туркистонда археология изланишлари билан мунтазам шуғулланувчи бир илмий муассаса тузиш ғояси туғилади. Унинг ташаббуси, қўллаб-қуватлаши ҳамда Туркистон ўлкашунослари томонидан 1895 йилда Тошкент шаҳрида Туркистон хаваскор археологлар тўғараги тузилади. Ушбу тўғарак аъзолари, аввало қадимий шаҳар, қишлоқ харобаларини текшириб, дастлабки археологик қазилма ишларини олиб борганлар. Хусусан, Самарқанддаги Афросиёб, Бухородаги Пойкент, Хўжанддаги Хўжабақиргансой хавзаси ёдгорликларидан, Ўратепа яқинидаги маконларда, Тошкент атрофидаги қадимий иншоотларда қазув тадқиқотлари ўтказилган. Бундан ташқари тўғарак аъзолари қадимий осори-атиқалар, шарқ қўлёзмалари, нумизматика ва этнографияга оид материалларни қайд қилиш, ҳисобга олиш билан шуғулланишган. Тўғарак асосчиси В.В. Бартольддан ташқари бу ишларда М.С. Андреев, А.А. Диваев, Н.С. Ликошин, Н.Г. Маллицкий, Н.П. Остроумнов, А.А. Семёнов ва бошқалар қатнашган. Тўғарак 1917 йил давлат тўнтаришидан сўнг тарқалиб кетган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, таникли шарқшунос, археолог, академик В.В.Бартольд(1869-1930) ўзининг бутун ижодий фаолиятини Туркистон ўлкаси халқларининг ўрта асрлар даври тарихини ўрганишга бағишлаган. В.В.Бартольд юқорида қайд этилган фундаментал илмий асаридан ташқари, ўлка халқларининг суғорма деҳқончилиги, ирригацияси тарихига, Улуғбек даври сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётига, қорахонийлар давлати тарихига оид қатор илмий асарлар яратди. Унинг илмий ишлари 9 томдан иборат китоблар саҳифасидан ўрин олди. Шу сабабли, Ўрта Осиё (Мовароуннаҳр, Туркистон) халқларининг ўрта асрлар тарихшқнослигини яратишда В.В.Бартольднинг хизматлари алоҳида эътирофга сазовордир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ:

1. В.В. Бартольд. Автобиография. “Огонёк”. №40. Москва, 1927.

ТУРКИСТОНДАГИ ТИББИЙ ИЛМИЙ ЖАМИЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ

А.З.Тоғаева,

ЎзРФА Тарих институти

Туркистонда Россия империяси мустамлакачилиги ўрнатилгач, ўлка халқларининг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, минтақага европача медицина кириб келиб, анъанавий тиббиёт билан бир қаторда қўлланила бошланди. Ўлкадаги илк тиббий жамиятларнинг пайдо бўлиши ҳам айнан шу даврга тўғри келиб, касалхоналар ҳамда бошқа турли тиббий муассасаларнинг барпо этилиши, врачлар ва тиббиёт ходимлари сонининг ортиб бориши бунга сабаб бўлган омиллардан эди.

Туркистон ўлкасида Фарғона тиббиёт жамияти (1892-1910), 1899 йил февралда ташкил этилган Туркистон врачлар жамияти (1900 йил 17 январда Туркистон тиббиёт жамияти, деб қайта номланган), Туркистон ўлкаси тиббиёт тадқиқотчилари ва врачлари жамияти (1908-1917 йй.) мавжуд эди. Булардан ташқари, Самарқанд врачлар жамияти (1913-1922) ҳам фаолият кўрсатган. Фарғона тиббиёт жамияти ўлкадаги илк тиббий жамиятлардан бири бўлиб, 1892 йил 12 апрелда очилган [Протоколы заседаний..., 1895.] Дастлаб жамият таркибида 32 нафар аъзо бўлиб, кейинчалик вазиятга қараб уларнинг сони ошиб ёки камайиб борган. Дастлабки уч йиллик фаолияти давомида жамиятнинг 25 та мажлиси ўтказилган ва уларнинг фақат 4 таси маъмурий масалаларга, қолган қисми илмий муаммоларга бағишланган [Отчет секретаря ..., 1895. С.1.]

Фарғона тиббиёт жамияти 1892 йилда – вабо эпидемияси даврида очилган. Шу муносабат билан дастлаб жамиятнинг бутун фаолияти эпидемия масалаларига қаратилган бўлиб, шу йили ўтказилган 10 та йиғилишнинг 8 тасида вабо билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинган. Жумладан, вабога қарши дастлабки кураш чораларни ташкил этиш, вабо баракларини ўрнатиш, шаҳарни участкаларга бўлиш ва уларга врачларни тақсимлаш, санитар назоратчилар учун қўлланмалар тузиш, вабо ҳақидаги ҳар бир ҳолатни ёритадиган брошюралар яратиш, касал юқишининг олдини оладиган гуруҳларга қўлланмалар бериш каби масалалар батафсил кўриб чиқилган. Жамиятнинг кўрсатмалари маъмуриятнинг вабога турли тадбирлари учун йўриқнома ва асос вазифасини ўтаган, “Вабо ҳақида”ги брошюра аҳолига бепул тарқатилган [Отчёте секретаря ..., 1895. С.3-4.]. Жамиятнинг вабо эпидемияси туганидан сўнг ўтказилган мажлисларида алоҳида касалликлар, уларга қарши чоралар ва даволаш ишлари, паталогоанотомик ёриш каби масалалар кўриб чиқилган. Бу борада Е. И. Градусовнинг вилоят бўйича, И.К. Янушкевичнинг Янги Марғилон шаҳар касалхонаси асосида, О. М. Шломнинг Марғилон ҳарбий лазаретида олиб борган кузатувлари бўйича маърузалари тингланган. 1893 йилнинг баҳорида вабонинг қайтадан кўзғалиши кутилаётганлиги сабабли, жамиятнинг эътибори яна шу масалага қаратилган ва бу муаммо бир неча мажлисларда кўриб чиқилган. Шунингдек, вабо билан боғлиқ касалликларни эрта аниқлаш имконини берадиган бактериологик тадқиқотлар учун зарур бўладиган ашёларни сотиб олиш учун жамият ҳисобидан маблағ ажратилган. Фарғона тиббиёт жамияти фаолиятининг дастлабки икки йилида вабо билан боғлиқ муаммолардан ташқари 4 та масалага бағишланган илмий ахборотлар кўриб чиқилган [Отчет секретаря ... С. 5.]. Ташкил этилганининг учинчи йилида жамият айниқса фаол иш олиб борган. Жамият раиси Е. Градусов томонидан Янги Марғилон шаҳри аҳолисининг касалланиши ва ўлим ҳолатини аниқлаш мақсадида врачлар кўригидан ўтган жами беморларнинг рўйхати қайд этиб бориладиган журнал таъсис этилган. Жамият котиби томонидан ҳар ойда шаҳар бўйича учрайдиган касалликлар ҳақидаги маълумотлар аниқлаб борилган. Шу йили дифтерияни янгича услуб – зардоб билан даволаш масаласига бағишланган йиғилиш ўтказилиб, унинг қарорига кўра Санкт-Петербурздан мазкур дори воситасини олиб келиш ва уни қўллаш бўйича кўрсатмаларни ўрганиш чоралари белгиланган. П. Янушкевичнинг “Фарғона вилоятида моховга чалинганларнинг ҳолати” борасида қилган маърузаси жамият аъзоларида катта қизиқиш уйғотган. Шунингдек, мажлислардан бирида тиббий анжомлар ҳақидаги масала – тоғли ҳудудларда беморларни ташишга мўлжалланган замбил (носилка)лар тузилишини ўзгартириш бўйича таклифлар ҳам кўриб чиқилган. Қайд этиб ўтиш лозимки, янги тиббий препарат ёки касалликлар ҳақида маълумот бериш жараёнида жамият аъзолари йиғилишларда бевосита беморларнинг иштирокини ҳам таъминлаганлар.

1895 йилда Фарғона тиббий жамиятида ўтказилган 14 та йиғилишда асосан илмий масалалар кўриб чиқилган. Умуман, Фарғона тиббий жамияти аъзоларининг фаолияти жуда кенг бўлиб, тиббиётнинг турли-туман соҳаларида илмий тадқиқотлар олиб борилган ва ўз даврида ушбу

билимлар жамият аъзолари орасида оммалаштирилган. Тиббий жамиятнинг баённомалари вилоят бошқаруви нашриётида чоп этиб борилган. Жамиятнинг ўз кутубхонаси ҳам мавжуд бўлиб, 1892 йилда З. Кулешова томонидан тақдим этилган 40 хил номдаги 60 дан ортиқ жилдларда жам этилган китоб ва бошқа нашрлар унинг асосини ташкил қилган эди [Отчет казначея и библиотекаря ..., 1895.]. Кейинчалик кутубхона фонди турли манбалар билан бойиб борган. Туркистон генерал-губернаторлигининг маркази – Тошкент шаҳрида ўрганилаётган даврда бир нечта тиббий жамият иш олиб борган. Булар – Туркистон врачлари жамияти, Туркистон тиббий жамияти ҳамда Туркистон ўлкаси табиатшунослар ва врачлар жамияти эди.

1899 йил февралда Туркистон врачлар жамияти фақат аъзолик бадаллари ҳисобига ташкил этилган бўлиб, шу боис унинг имкониятлари ғоят чекланган эди. Шундай бўлсада, жамият ўз мажлисларида турли касалхоналарга тааллуқли қатор масалаларни муҳокама қилган. Жамият аъзолари орасида Тошкент, Чимкент, Верний, Каттақўрғон, Самарқанд, Янги Марғилон, Чаржўй, Марв, Керки, Термиз, Ўш, Ашхобод, Туркистон, Кўкон, Андижон ва бошқа шаҳарлардан келган врачлар бор эди [Лунин, 1962. С. 223.]. Мазкур жамият 1900 йил 17 январда Туркистон тиббиёт жамияти, деб қайта номланган. Шундан кейин Туркистон ўлкаси тиббиёт тадқиқотчилари ва врачлари жамияти юзага келган (1908-1917 йй.). У муҳтож кишиларга тиббий ёрдам кўрсатар эди. Мазкур тиббий жамият, Б. Луниннинг таъбири билан айтганда, ўзининг илмий фаолиятини амалиёт билан қўшиб олиб борган, яъни маҳаллий аҳоли орасида тиббий билимларни ёйиш вазифасини ҳам бажарган. Доктор Я. Колустовнинг таъкидлашича, жамият врачлар, ветеринарлар ва фармацевтларнинг малакасини ошириш мақсадида тиббий фанларнинг турли соҳаларига оид кутубхоналар ва лабораториялар ташкил этиши лозим эди. Жамият аъзолари томонидан илмий нашрлардан ташқари, аҳолига тарқатиш учун мўлжалланган, гигиена масалаларига бағишланган рус ва маҳаллий тилдаги оммавий брошюраларни нашр қилинган [Лунин, 1962. С. 221.]. Туркистон тиббий жамиятининг мажлисларида илмий янгиликларни тарқатишга кенг эътибор қаратилган ва турли мавзуларда маърузалар тингланган. Масалан, 1902 йилда жамиятнинг 8 та йиғилиши бўлиб ўтган [Краткий обзор ..., 1902. С.20]. Жамиятнинг кутубхонаси ҳам шакллантирилиб, китоб фондиди тўлдириш учун Россия ва хорижда нашр этилган турли адабиётларга обуна бўлинган. Жамиятнинг маблағи фақатгина аъзолик йиғимларидан иборат бўлганлиги сабабли улар баённомаларни чоп этиш, китобларга обуна бўлиш каби мақсадларга етган, холос. Ташкил этилганининг дастлабки кунлариданоқ жамиятга шаҳар муассасалари турли масалаларда мурожаат қила бошлаганлар. Масалан, Тошкент шаҳар бошлиғи Тошкентда водопровод қуришни илмий жиҳатдан асослаб беришни сўраган. Туркистон қишлоқ хўжалик жамиятининг илтимосига кўра, врачлар комиссияси тузилган ва у шоли экиладиган ҳудудлардаги санитар аҳволни яхшилаш мақсадида бу ерларда тадқиқот олиш ишлари билан шуғулланган. Мазкур жамият аъзолари Тошкент шаҳрида санитар аҳволни яхшилаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини оширишга оид тадбирлар билан бирга, илмий изланишлар билан ҳам шуғулланганлар. Жамият мажлисларида шифокорларнинг илмий янгиликлари кенг муҳокама қилиб борилган. Туркистон врачлар жамияти номи кейинроқ Туркистон тиббий жамияти номи билан алмаштирилган.

Туркистон тиббиёт жамияти аъзолари турли касалликларнинг олдини олиш учун кенг ташвиқот ишларини олиб борганлар. Хусусан, Тошкентда ва бошқа ҳудудларда безгак (малярия)нинг олдини олиш ишлари билан ҳам машғул бўлганлар. Жамият Термиз шаҳридаги безгак билан оғриш ва унинг оқибатлари масаласига алоҳида эътибор қаратган. Шу мақсадда, Термизга жўнатилган махсус комиссия шаҳар атрофидаги ҳолатни ўрганиб, табиий шароитлар безгак тарқалишига асосий сабаб эканлигини аниқлаган. Аниқроғи, шаҳар ва Амударё ўртасидаги ботқоқ тўқайнинг мавжудлиги касалликнинг асосий ўчоғи ҳисобланган [Лунин Б.В., 1962. С.

226.]Тиббий жамият аъзолари Термез ва Кушкагарнизонларида безгакнинг олдини олиш ва хинин билан даволаш тадбирларини амалга оширганлар.

Ўлкадаги тиббий жамиятлар орасида Самарқанд врачлар жамияти ўзига хос ўрин тутган. Жамиятнинг очилганлиги ҳақидаги хабар “Туркестанские ведомости” газетаси саҳифасида 1913 йилда чоп этилган. Бироқ, Б. Луиннинг қайд этишича, Самарқанд врачлар жамиятининг баённомалари ёки бошқа асарлари нашр этилмаганлиги туфайли улар ҳақидаги маълумотларни учрата олмаган. Аммо, изланишни давом эттирган олим Самарқанд тиббий жамиятининг фаол врачларидан бири – С. Х. Фихтнер билан танишиш ва ундан айрим маълумотлар олишга муваффақ бўлган. С. Х. Фихтнернинг ҳикоя қилишича, мазкур врачлар ўта оғир санитар шароитларда ишлаганлар. Мутахассислар етишмаганлиги сабабли улар ўз ихтисосликларига кирмаган соҳалар бўйича ҳам амалий иш олиб боришга мажбур бўлганлар ва маҳаллий аҳолини даволаганлар. Жамият таркибига маҳаллий 30-40 кишидан иборат врачлар кирган ва маҳаллий аҳоли орасида тиббий билим тарқатишга ҳисса қўшганлар. Жамиятнинг йиғилишлари шаҳардаги “камбағаллар амбулаторияси” биносида бўлиб ўтган. Мажлисларда маҳаллий врачларнинг турли касалликларга оид маърузалари тингланган, тажрибалари эълон қилинган. Бу жараёнларда беморларнинг ўзлари ҳам намойиш этилган, рентген суратлари ва ҳоказолар кўрсатилган. Жамият аъзоларининг ташаббуси билан аҳолининг муҳтож қатламлари учун текин қабуллар жорий қилинган, маҳаллий аҳоли орасида долзарб тиббий мавзуларда маърузалар ўқилган [Луин, 1962. С. 244-246]. Туркистон ўлкасида фаолият олиб борган тиббий жамиятлар ўз олдларига илмий билимларни ривожлантириш билан бир қаторда, аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш мақсадини қўйганлар. Жамият аъзолари маҳаллий аҳоли ўртасида кенг тарғибот ишларини олиб бориб, уларни касалликларнинг олдини олиш, ўз вақтида даволаш каби масалаларга даъват ҳам этганлар.

Туркистон ўлкасидаги илмий жамиятлар қаторида тиббий жамиятлар фаолиятини ёритган Б. Луин ўз даврида бу ерда иш олиб борган шифокорлар ва тиббий хизматчиларнинг иш фаолиятини юқори баҳолаб, уларкундалиқ фаолиятларида кам ўрганилган ва кўп учрамайдиган касалликлар билан тўқнашганликлари, аммо бу билан курашиб, том маънода энциклопедистларга айланганликларини қайд этган [Луин, 1962. С.271-272]. Олимнинг таъкидлашича, кўплаб тиббий муассасаларнинг очилиши айнан уларнинг меҳнатлари билан юзага келган. Тиббий жамиятларда ҳаммаси бўлиб 400 та атрофида маърузалар ва илмий асарлар кўриб чиқилган. Шу билан бирга, врачлар аҳолининг муҳтож қатламларига беғараз ёрдам кўрсатганлар.

Кўриб ўтилганидек, минтақадаги тиббий жамиятлар аъзолари турли мавзуларда илмий изланишлар олиб бориш билан бир қаторда, маҳаллий аҳолига тиббий хизмат кўрсатганлар ва уларнинг тиббий саводхонлигини ошириш борасида жонкуярлик қилганлар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Отчет секретаря о деятельности Ферганского Медицинского общества за первые три года его существования / Протоколы заседаний Ферганского медицинского общества за 1892/93, 1893/94 и 1894/95 г.г. Новый Маргелан, Типография Ферганского областного правления, 1895.
2. Отчет казначея и библиотекаря // Протоколы заседаний Ферганского медицинского общества за 1892/93, 1893/94 и 1894/95 г.г. Новый Маргелан, Типография Ферганского областного правления, 1895.
3. Протоколы заседаний Ферганского медицинского общества за 1892/93, 1893/94 и 1894/95 г.г. Новый Маргелан, Типография Ферганского областного правления, 1895.
4. Краткий обзор Туркестанского Медицинского общества за 1902 год.
5. Луин Б.В. Научные общества и их прогрессивная деятельность в конце XIX – нач. XX вв. Т.: Изд.во АН УзССР,1962.

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ ТУРКИСТОНДАГИ КЎЧИРУВЧИЛИК АМАЛИЁТИ ХУСУСИДА (СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

А.С. Мажидов
ЖДПИ, Жиззах

Янгиланишлар даври ҳамиша ўтмишга қизиқишнинг беқиёс даражада ўсишидан бошланади. Аини ўтмишга қизиқиш одамни истиқболга интилишга, уни аниқ йўналишга сола билишга даъват этади. Ўтмиш воқеалари, тарихий ҳодисалар бугунги ҳулосаларимизни тиниқлаштиради, эртанги кунимизнинг, режаларимизнинг асосини ва ҳақиқатини кўрсатиб беради.

Ана шу нуқтаи назардан биз бугун тарихнавислик ва тарихшуносликдаги солномачилик, курук рақамбозлик, баёнчилик иллатларидан бутунлай қутулишимиз даркор [1:22]. Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг янги тарихидаги туб йўналишлардан бири подшо Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиши ва бу ердаги ҳукмронлиги билан боғлиқ мураккаб тарихий даврни ҳолисона ёритиш ҳамда мустамлака режимининг ўлка халқлари ижтимоий тузуми ва турмуш тарзига ўтказган кўп тарафлама таъсири масаласини тизимли ўрганишдир [2:5]. Шу нуқтаи назардан қараганда, Туркистоннинг туб халқлари учун мустамлакачилик давридаги кўчирувчилик амалиётининг салбий оқибатларини, унинг минтақадаги ижтимоий-сиёсий аҳволга, шунингдек, миллатлараро муносабатларга таъсирини ўрганиш муҳимлиги ва зарурияти, шубҳасиздир.

Кези келганда таъкидлаш лозим, рус аҳолисининг мустамлака мамлакатларига кўчириш бўйича Россия империяси 300 йиллик катта тажрибага эга эди. У 1552 йилда Қозон, 1555 йил Сибир, 1556 йилда Астрахан хонликлари ва бошқа ўлкаларни босиб олиб, у ерларга рус миллатига мансуб бўлган аҳолини кўчиришнинг ҳар хил усулларини пухта эгаллаб олган эди. Подшо Россияси Ғарбий Туркистон ўлкасини босиб олгач, аввало маҳаллий халқни инсоний ва сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этди. Тарихий далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, подшо Россияси Ғарбий Туркистон халқларига нисбатан миллий дискриминацион (камситувчилик) сиёсатини олиб борган. Чунончи, туб аҳоли вакиллари олий ва ўрта даражадаги лавозимларга яқинлаштирилмай, ҳокимият тамоман рус ҳарбийлари ва амалдорлари қўлига берилган [3:60]. Улар ўлкани бойлик орттириш манбаи, деб билди. Руслар Марказий Осиёни Россиянинг хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантиришда ҳеч нарсадан тоймадилар. Мазкур сиёсатни амалга ошириш Туркистон ўлкасининг Сирдарё вилоятида қандай кечган?

Бизга маълумки, Россия империясининг стратегик ниятларининг амалга оширилиши унинг ихтиёридаги ва назоратидаги ҳудудларни анча кенгайтишига олиб келди. Россия Қўқон хонлиги, Бухоро амирлигининг аҳоли жуда зич жойлашган ҳудудларининг ярмидан кўпини, Хива хонлигининг Каспий ва Амударё бўйидаги ҳудудларини босиб олди. Сўнг, истило этилган ҳудудларни ҳамда унинг аҳолисини самарали бошқариш ва эксплуатация қилиш мақсадида, шунингдек, минтақадаги хонликларнинг устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатиш ёки уларни империяга қарам қилиш учун Туркистон ўлкасини шу номдаги генерал-губернаторликка айлантириб, уни Ғарбий вазирликка бўйсундириш зарур деб топилди. Бу борада қонун 1867 йил июлда қабул қилиниб, император янги генерал-губернаторликнинг биринчи бошлиғи этиб Самарқанд истилочиси фон Кауфманни тайинлади. Бу генерал-губернаторлик ўша пайтда Сирдарё ва Еттисув областларидан иборат эди [4:66]. Кейинги йилларда рус қўшинлари Бухоро амирлиги, Хива хонлиги ва Туркистоннинг босиб олган ҳудудларида, Сирдарё, Еттисув областларидан ташқари, Зарафшон округи (1868 й.), Амударё бўлими (1873 й.), Фарғона области (1876 й.), Каспийорти области (1881й.) тузилди. Каспий денгизи орқали охириги областга ва подшо Россиясининг таъсир доирасида бўлган Шимолий Эрон ҳудудига метрополиядан аҳолини кўпроқ кўчириш мақсадида

хамда туркманларни батамом бўйсундиришни кўзлаб империя раҳбарияти бу областни Кавказ ноиблигининг таркибига (1882 й.) ўтказди. Нима учун Россия империяси ўзининг кўчирувчилик сиёсатини Туркистонда кенг қамровли ўтказилишига бу қадар жиддий эътибор қаратди?

Биринчидан, Россия империясининг бошқа мустамлакаларига ва ундан қарам мамлакатларга нисбатан Туркистоннинг стратегик, иқтисодий, ижтимоий аҳамияти юқори бўлган. Туркистонда Россия империяси ўрнатган ҳарбий-маъмурий тизим, бу ерда жойлаштирилган кўп сонли рус кўшинлар ва кўчириб келтирилаётган рус, умуман, насроний динига мансуб аҳоли империянинг стратегик мавқеини мустаҳкамлашга, ташқи сиёсий интилишларини қўллаб-қувватлашга, мустамлакадан олиб кетиладиган нафақат моддий, балки маданий бойликларни метрополия манфаатларига кўпроқ фойда беришига хизмат қилишлари керак эди;

Иккинчидан, Россия империясининг кўчирувчилик сиёсатини асосий мақсади, кўчиб келтирилган рус аҳолисига таянган ҳолда Туркистон ўлкасида ўз мавқеини мустаҳкамлаш, маҳаллий аҳолини руслаштиришдан иборат эди.

Яна тарихий далилларга мурожаат қиламиз: 1865 йили, яъни Тошкент рус истилочилари томонидан босиб олинган йили, шаҳарда 13 минг хонадонга эга бўлган 76 минг кишилик аҳоли яшаган бўлса, орадан 45 йил ўтгач, 1910 йилда унда 21 минг хонадонга эга бўлган 150 минг киши яшарди [3:61]. 1865 йилда асос солинган Тошкентнинг рус қисмида (янги шаҳарда) 1911 йилда 54 минг рус миллатига мансуб аҳоли яшади. Шундай қилиб руслар томонидан босиб олинган шаҳарларда келгиндилар учун махсус ажратилган турар-жойлар пайдо бўлди. Натижада шаҳарлар икки қисмга бўлиниб, бири эски шаҳар ва иккинчиси янги шаҳар деб аталадиган бўлди. Бундан ташқари Ғарбий Туркистон ҳудудида Казалинск, Петро-Александровск, Скобелев, Черняевка каби ўнлаб шаҳарлари вужудга келди. Таъкидлаш жоизки, биринчи генерал-губернатор К.П. фон Кауфманга император томонидан деярли чекланмаган ваколатлар берилганлиги, генерал-губернаторнинг буюк давлатчилик мавқеи ва маҳаллий халқларга ўта адолатсизлиги ҳамда метрополия аҳолисининг вакиллари ўлкада ўзларини ғолиб деб ҳисоблаганлиги Россия империясининг, мустамлака маъмуриятининг сиёсатида, амалий фаолиятида ўз аксини топди. Тарихий фактларга таянадиган бўлсак, Еттисув ерларига, Сирдарё бўйидаги ҳудудларга 60-йилларда ўз хоҳиши билан кўчиб келган рус аҳолиси орасида шаҳарлик камбағаллар, майда савдогарлар ва қашшоқ деҳқонлар аксариятни ташкил этишган. Улар маҳаллий аҳолига нисбатан кўпол, жинояткорона муносабатда бўлишган. Маҳаллий деҳқонларнинг, чорвадорларнинг ерларини тортиб олиш ҳоллари жуда кўп бўлган.

Юқорида таъкидланганидек, фон Кауфман амалдаги чекланмаган ҳокимиятидан фойдаланиб, энг аввало, Сирдарё вилоятига кўчиб келган рус аҳолига зарур бўлиб қолганда ер сотиб олишга ҳам рухсат берилиши мумкинлигини белгилаган эди. Лекин русларни, асосан давлат ерларига ҳамда туб аҳолидан тортиб олинган ерларга жойлаштириш кўзда тутилганди. [2:65]. Шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, Туркистон эндигина мустамлакага айлантирилаётганда Еттисув ва Сирдарё областларида рус армиясида хизматини ўтаб бўлган аскарларнинг, метрополиядан кўчиб келган деҳқонларнинг оиласидаги ҳар бир эркакка 30 десятинагача ер берилган. Янги кўчиб келган деҳқонлар барча солиқлар ва тўловлардан озод этилган. Бундан ташқари моддий ёрдамга муҳтож бўлган деҳқонларнинг ҳар бир оиласига 100 рубл узоқ муддатли қарз (ссуда) берилган эди [5:9]. Қатъий қоидалар ва маҳаллий аҳолини кўчиб келаётганларнинг зулмидан ҳимоялаш чоралари бўлмаган шароитда 1865-1881 йилларда Сирдарё, Фарғона областларига, Зарафшон округига ва Амударё бўлимига 95 мингдан кўпроқ рус деҳқонлари ва шаҳар камбағаллари кўчиб келишди [6:17-21]. Русларнинг ва Россиянинг бошқа фуқароларининг Туркистонга, жумладан, унинг энг йирик вилояти Сирдарёга кўчириб келтирилишининг кўламлари шу қадар эдики, 1886-1890-йилларда бу областда 42 қишлоқ, шу жумладан Тошкент уездида 9 қишлоқ юзага келди [7:19-20]. Россиядан

кўчириб келтирилганларнинг деярли ҳаммаси, баъзи истиснолар билан, айниқса, қишлоқ аҳолисига нисбатан буюқ давлатчилик-шовинистик муносабатда ва жангарилик кайфиятида эди.

Хулоса қилиб айтганда, Россиядан кўчириб келтирилганларни Туркистонда жойлаштириш имтиёзлари кейинроқ анча камайган бўлсада, барибир митрополиядан Ўрта Осиёга, айниқса, Туркистонга аҳоли кўчириб келиш ҳаракати кенгайиб борди. Россия империяси ташқи сиёсати мустамлакачилик мақсадларни кўзлаб Ўрта Осиёда босқинчилик ҳаракатларини олиб бораётгандаёқ забт этилган ҳудудларга ҳарбийлашган казакларни, рус фуқароларини имкон қадар кўпроқ кўчиришга, турли имтиёзлар билан таъминлашга катта аҳамият берган эди. Бу масала Россиянинг ички губернияларидаги ижтимоий аҳволни енгиллаштириш вазифаси билан бевосита боғлиқ бўлмаган, чунки XIX асрнинг биринчи ярмида ҳам (Қозоқ хонлиқларини йўқ қилиш, Қўқон хонлигига қарашли Сирдарёнинг қуйи қисмини босиб олиш даврида), кейинчалик ҳам минтақада забт этилган ҳудудларга энг аввало православ эътиқодига мансуб аҳолини кўчириш сиёсати империя ҳукмрон доираларининг геостратегик ҳарбий-сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, мафкуравий режаларининг таркибий қисми бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жўраев Н.. Тарих фалсафаси. Т.: “Маънавият”, 1999.
2. Гаффоров Ш.. Тарих ва тақдир: Россия империясидан Туркистонга кўчирилганлар. Т.: “Фан”, 2006.
3. Набиев А.. Мустақиллик учун кураш ёхуд парчаланган Туркистон тарихи. Т.: “Ёзувчи”, 1998.
4. Проект положения об управлении в Семиреченской и Сырдарьинской областях. Спб., 1867.
5. Переселенческое дело в Туркестане. Спб., 1910.
6. ЎЗР МДА.И-16-фонд, 1-рўйхат, 574 иш.

1920-1930-ЙИЛЛАРДА ДАВРИЙ МАТБУОТ СУРАТЛАРИ ВОСИТАСИДА ДИНГА ҚАРШИ ТАРҒИБОТ

Д.Т.Эшбекова
ЖДПИ, Жиззах

1920-1930 йилларда даврий матбуот тарғиботнинг муҳим воситаларидан бири сифатида фаолият юритган. Хусусан, “Қизил Ўзбекистон” газетаси ўзининг ёзма, шунингдек, суратли материаллари билан бу йилларда совет ҳокимияти ва коммунистик партияни, у илгари сурган ғоялар, дастур ҳамда кўрсатмаларни, ўзгарган шароитларда жамият ҳаётининг жорий вазифаларини бажаришга аҳоли сафарбарлигини тарғиб этишга хизмат қилган. Совет ҳокимияти тарғибот ишларининг асосий йўналишларидан бири динга қарши қаратилган эди. Динга қарши тарғиботнинг мақсади дин ва диний уламоларнинг аҳоли орасидаги таъсирини йўқотиш бўлган. Болшевиклар партиясининг сиёсати дин ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда аҳамиятини инкор этарди. Совет тарғиботида диний хизматчилар социализм куриш йўлидаги асосий “душман” турларидан бири сифатида талқин қилинган. Руҳонийлар совет давридаги “душман” образи ўрганилган тадқиқот ишларида[1, 2] бу тизимдаги “синфий/ижтимоий душманлар” бўғимига киритилган (бу образнинг яна универсал, мафкуравий/сиёсий бўғимлари ҳам ажратиб кўрсатилган). Даврий матбуотнинг тасвирий материалларида уларга қарши тарғибот турлича ҳал этилган. Умуман графика соҳасида - плакат, газета ва журналларда карикатуралар (ҳажвий суратлар) етакчилик қилган. Даврий матбуот саҳифаларида шунингдек, динга қарши тарғиботда фотография имкониятларидан ҳам ўзига хос тарзда фойдаланилган. Динга қарши тарғиботда ҳажв объекти сифатида эшонлар, сўфилар ва бошқа

диний хизматчилар, шунингдек, шариат асосида суд ишларини юритган қозилар, диний ибодатлар, байрамлар, уларни адо этувчи оддий диндорлар тасвирланган. Масалан, “Камбағал деҳқон” газетасининг 1926 йил 71-сонида “Қишлоқнинг бузуклари” сарлавҳали мақолага илова қилинган расмда ерга ишлов бераётган деҳқон салла ўраган, бўйнида тасбеҳи бор каламушга ўхшаган махлуққа бас бергандек қўл силтаётгани тасвирланган ва унга “Қози почча бекорга вайсаманг” деган тагсўз келтирилган[9]. Уламоларни (руҳонийларни) жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётдан мунтазам тарзда четга суриб чиқариш динга қарши ташвиқотнинг асосий вазифаларидан бири эди[5]. Шу туфайли газета ҳажвий суратларида дин хизматчилари қиёфалари яна партия сафларига, шўроларга кириб олган “ёт унсурлар” соясида имтиёзларини сақлаб яшашга ҳаракат қилаётган[29], бошқа “душман унсурлар” билан тезда тил топишиб оладиган[32] тарзда тасвирланган.

Суратлар ва уларга берилган изоҳлардан ўзгаришлар учун кураш динга қарши кураш билан боғлаб олиб борилган соҳаларни кузатиш мумкин. Қишлоқда жамоалаштириш, аёллар ижтимоий фаоллигини ошириш, янгича турмуш тарғиботида, болаларни тарбиялашда диний таъсирдан ҳимоя қилиш масалалари қўйилган. 1920-1930 йилларда дин билан ғоявий кураш шароитлари хотин-қизлар масаласи билан ҳам боғланган эди. 1925 йил 6-12 февралда Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон К(б)П нинг биринчи съезди резолюциясида хотин-қизларни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан озод қилиш ишлари хотин-қизларнинг ўрта асрга хос маиший аҳволига қарши кураш ишлари билан бир вақтда олиб борилган ҳамда партия таъсирини мулла ва эшонларнинг нодон, саводсиз туб аҳоли оммасига қилаётган таъсирига қарама-қарши қўйган тақдирдагина муваффақиятли чиқиши мумкин[4], дейилади. Аёлларнинг ҳуқуқсиз ҳолати асрлар давомида сақланиши, турмуш анъанасига айланиши дин билан мустаҳкамланганлиги, хотин-қизлар озодлиги йўлида диннинг салбий таъсири газета суратлари воситасида ҳам таъкидлаб борилди. Бу даврда дин томонидан асоратга солинган, озодликка интилиши қаршилиқка учраганига қарамай озодлик ва ижтимоий тенгликка интилаётган аёл образи, хотин-қизлар озодлиги йўлида дин ва руҳонийларнинг салбий таъсири[39], жамият ҳаётининг бу ва бошқа барча масалаларида совет воқелигининг ижобий роли тасвирланган суратлар кузатилади[18]. Даврий матбуотда диннинг обрўсизланганини кўрсатадиган турли масалалар суратлар ва уларга изоҳлар воситасида намоиш этилган. Руҳонийлар, аҳоли сиғинадиган жойлар хизматчилари оммани алдаганликларини[20], дин хизматчиларининг муаммоларга бепарволиги, халқ дардига шерик эмаслигини уқтиришга ҳаракат қилинган[31], дин халқни захарлаш учун бир йўл сифатида[13] талқин қилинган. Газета суратларида яна Россияда хароб аҳволда қолган[19] ёки хотин-қизлар клубига[11], Тверда ишчилар ошхонасига[21] айлантирилган, Тошкентда бузилаётган[8] бутхоналар, Тошкентда поликлиника[38], мактаб[8, 33], Хивада тикувчилар артели сифатида фойдаланилаётган мачитлар[22] сингари диний иншоотлар суратлар объективига олинган.

Газеталардаги суратлар воситасида динга қарши тарғибот ҳайит кунини нишонламаслик, қурбонлик қилиб, қўй сўймаслик, рўза тутмасликка даъват этиш, уларнинг тиббий, моддий, маънавий жиҳатдан зарарларини таъкидлаш шаклида ҳам кўзга ташланади. Масалан, “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1928 йил 4 июн сонида “Меҳнатқашлар ҳайитлашмадилар, қурбонлик емадилар” деган катта сарлавҳа остида динга қарши тарғиботга қаратилган фотосуратлар, мақолалар ва жойлардан хабарлар берилган. Фотосуратлар Тошкент трамвай корхонасида ҳайит куни ўтказилган динга қарши тарғибот ишларидан хабар қилади. Суратларда корхона ишчилари ҳайит куни ўз клубларида маъруза тинглагани, ишчиларнинг маърузадан сўнг ҳайитни нишонламасдан, истироҳат қилиб, жам бўлиб дам олишлари ташкил этилганлиги кўрсатилган[17]. Бу суратларнинг тарғибот ва ташвиқот ғояси бошқа шу каби корхона, ташкилотларга оммавий диний маросим, байрам кунларида аҳолини дин таъсиридан қандай сақлаш ва қайтариш ҳақида ўзига хос йўриқнома беришга қаратилган. Шунингдек, қурбонлик қилиб, қўй сўйилишини

рухонийлар таъма қилишлари[16, 37], бу усул инсонни қил кўприқдан ўтказиб, жаннатга элтмаслиги борасидаги киноя ҳажвий суратлар воситасида ифодаланган[18, 36]. Ҳайит сингари рўза ва у билан боғлиқ маросимларни адо этмасликка даъват этилган тарғибот ҳам олиб борилган. Карикатуралардан бирида рўза тутиб, ифторликдан сўнг ярим тунда қорни шишиб, атрофида хотини ва фарзандлари бедор бўлган киши тасвирланган[40]. Шу тариқа, “Худосизлар” ойлик журналида ҳам “Худосизлар гурзиси” рукни “Шундайлар сизда топиладими?”, “Борди-келди гаплар” каби сарлавҳалар остидаги мақола ва суратларда диний ибодатлардан воз кечмаган, хусусан, намоз ўқишни давом эттираётган одамлар ўзига хос тарздаги ҳажв, киноя остига олинган[7, 8]. Бундан ташқари, турли байрам ва бошқа тадбирларда динни қораловчи, уни ўткир ҳажв остига олувчи сахналаштирилган томошалардан лавҳалар келтирилган. Масалан, газета фотосуратларидан биридан маълум бўлишича, Тошкентда 1 май байрамида эшак минган эшон ролида оппоқ соқол илиб, салла кийиб грим қилган ижрочи иштирок этган. “Эшон”нинг ҳам, эшакнинг ҳам бошига паранжи ёпиб қўйилган ҳолда атрофини катта-кичик томошабинлар ўраб турибди. Фотолавҳага “Паранжини эшак ва эшон ёпинсин”, деган изоҳ ёзилган[15]. 1935 йил 29 август кечаси ўтказилган карнавалнинг ташкилий жиҳатлари ҳақидаги мақоладан сўнг карнавалдан фотолавҳалар[34, 35], томоша учун яратилган беўхшов қиёфадаги эшон образининг “Эшон ҳазратлари” тагсўзи билан берилган сурати келтирилган. Бу карнавал ҳақида ҳикоя қилган мақоладан маълум бўлишича, карнавалда бир неча ўн минглаб киши иштирок этган. Аммо қанчалик қизиқ туюлмасин Ўзбекистоннинг пойтахтида ўтган бу карнавалда ўзбеклар битта-иккитагина учраган. Мақолада бунинг сабаби сифатида тубжой аҳоли ишчилари ва ишчи хотинларини карнавалга тортиш учун улар орасида тушунтириш ишлари олиб борилмаганлиги кўрсатилади[35].

Динга қарши тарғибот унга фанни қарама-қарши қўйиш йўли билан ҳам олиб борилган. “Динсиз Ташкент” сарлавҳаси билан Тошкент қизил қўшин уйида очилган динга қарши кураш кўرғазмасидан ҳикоя қилинган мақола юқорисида шу кўрғазма материаллари билан таништирувчи фотомонтаж келтирилган. “Бундан мақсад фан билан дин ўртасидаги фарқни, фаннинг далиллари қандай кучлик бўлса, диннинг далиллари шунча кучсиз эканини ҳаммага очиқ кўрсатишдир” дейилади мақолада[25]. Газета фотосуратларидан яна бирида экскурсавод ва томошабинларнинг Динга қарши марказий музейдаги “Ислом дини ва унинг реакцион моҳияти” деган бўлим билан танишаётгани акс этган[42].

Суратларда диний ташкилотлар, дин хизматчилари халққа қарши аксилинқилобий куч сифатида, хон, амир, чор амалдорлари ва бойлар сингари “душманлар” сафида тасвирланган. Масалан, “Қизил Ўзбекистон” газетасидаги рассомчилик ишларидан бирида рухонийлар совет ҳокимияти томонидан тугатилган Бухоро ва Хивадан қочиб кетаётган хон, амирларнинг сарой хизматчилари ва чор амалдорлари орасида акс этирилган[27]. Суратларда яна рухонийлар ва бошқа аксилинқилобий ички ва ташқи кучлар ўртасидаги алоқа, хусусан, миллий шовинизм ва рухонийлар ўртасидаги узвий алоқа[27, 41], бу кучлар орасида рухонийларнинг ғоявий етакчилиги каби талқинлар[41], “душман”ларнинг йўл кўрсатувчиси[28], ҳамтовоғи[29] сифатида тасвирланган ҳажвий суратлар кўп учрайди. Шундай бир ҳажвий суратда шўрога қарши кампаниячи – социал-фашизм билан, подшо – урушга тайёрланаётган қўмондон билан, ҳоким миллат шовинизми – муштумзўр билан, миллий шовинизм – мулла билан, яна зарарқунанда тасвирланиб, салбий образлар бир жойда жамланган ва уларнинг ўзаро алоқаларига урғу берилган ҳолда ифодаланган. Улар худдики беш йиллик режани тўрт йилда бажариш, зарбдорлик, жамоалаштириш, ижтимоий мусобақа ва яна қатор шиорлар байроғи остида ҳаракатланиб келаётган мамлакатнинг XIII йиллик залворли ривожига ҳосил қилган темирдек мустаҳкам устун тўсиқлари тагида қолгандек кўрсатилган. Ушбу рассомлик иши изоҳида “Ҳар қандай тўсқунликларни енгиб ғалаба қозонаётирмиз” деб

ёзилган[27]. Ташки сиёсатдаги мухолифлик муаммолари туфайли хорижий мамлакатлардаги дин уламоларнинг ҳам киноялар билан изоҳ берилган фотолавҳалари келтирилган. Жумладан, “Худосизлар” журналининг 1932 йил 1-2 сонларида “Ватикан “сиёсатдан ташқари”(!)” мақоласига илова тарзида “Ватикан “сиёсатдан ташқари”, атиги фашист байроқчиларига “Оқ фотиҳа” беради, холос!”, “Ҳамма намойишлар тақиқ эмас. Италияда полиция зирҳли автомобиллари намойишга чиқа турган бўлса, папа вакиллари уларга “оқ фотиҳа” берадилар” кинояли изоҳлари билан фотосуратлар келтирилган[6].

Газета суратларида сиёсий тарғибот “қахрамон” ва “душман” образларини қарши қўйиш орқали ҳам ривожлантирилган. Бунда янги турмуш қуриш йўлига тўсқинлик қилаётган “душманларга” қарши куч – қизил армия, ишчи ва деҳқонлар образлари эди[7, 27]. Рассомлик ишларидан бирида милтиғининг учида эшонни илиб отган қизил аскардан бой қочиб кетмоқда, мўйқалам ва алифбе кўтарган эски зиёли (эхтимол у эшон ва бойга эргашувчи қоронғуликдаги саводсиз образидир) аскар турган кичик қоя тагида яшиниб турибди. Қизил аскарнинг ортида ўнг томонда қуёш порлаб турган шарқона шаҳар, чап томонида тизилиб келаётган қизил қўшин кўринади[10]. Салбий ва ижобий қиёфаларни тасвирлашда совет даврининг илк йилларидаёқ тасвирий санъатда кенг қўлланган усул бу - тарғиботнинг барча тасвирий воситаларида уларни – қахрамонларни, дўст ва душманларни тезда таниб олиш учун ўхшаш элементларни такрор қўллаш, масалан, кийим, кўриниш, юз ифодаларини такрор қўллаш, уларни томошабинга таниш бўлиб қолган алоқадор бир гуруҳда ифодалаш йўллари билан тасвирлашдир. Масалан, “душман” категориясига киритилган образлар умумий тасвирланиб, атоқлаб айтилмаган баъзи суратларда ҳам салладаги руҳоний қиёфасини таниб олиш мумкин. Газета ҳажвий суратларидан бирида суратда яқтак кийиб, белбоғ боғлаган деҳқон оёғи остида қалашиб ётган, “душманлар” образлари сафидан жой олган таниш қиёфадаги кишиларни “бу гўнглари тамом йўқотиш керак” дея, паншахага илиб улоқтирмоқда. Улар орасида катта салла ўраган эшоннинг, бойнинг таниш қиёфасини кўриш мумкин. Иккинчи расмда деҳқон “бу гўнгдан фойдаланиш мумкин” дея, ҳақиқий гўнгни сочаётгани тасвирланган[26].

“Душман”ларни обрўсизлантириш, салбий сифатларни ошириб кўрсатишнинг бир қатор усуллари бўлиб, улар юз ифодасининг, гавданинг ўта қулгули, хунук, шафқатсиз ёки анқов кўринишда тасвирланиши, уларга тасвир ва изоҳда пул ўмариб кетаётган[27], ичкилик ичган[29], ёмон сифат ёки ўхшатиш[26] билан изоҳлаш каби қўшимча тавсифлар беришларда намоеён бўлган. Баъзан образларни таниб қолишлари, кўп образлар бир жойда тасвирланганда уларни ажратиб олишлари учун тегишли образга, масалан, унинг елка қисмига ким экани ёзиб қўйилган[27, 41].

Газета мақолаларида диннинг зарарли таъсири, унга риоя қилишда давом этаётганлар ҳақида турли хабар ва маълумотлар келтирилиб, уларга мазмунга мос суратлар илова қилинган. Мисол учун, “Избоскан район маорифи масхарабозликдан чиқарилсин. Ўқитувчилар таркиби синфий душманлардан тозалансин. Халқ маорифини обрўсизлантирувчилар тезда жиноий масъулиятга тортилсинлар” сарлавҳали мақолада маориф соҳасидаги камчиликларнинг сабаб ва кўринишлари орасида “Ўқитувчилар ҳайъати муштумзўр, жиноятчи, савдогар, маиший бузилган, ўғри ва шунга ўхшаган синфий душманлар билан ифлосланганлиги, яна бир қатор камчиликлар қаторида муаллимлар қалин мол бериб, никоҳлаб хотин олиб, шариат кўрсатувачи тўй ўтказганлиги, ўқитувчилардан бири болаларга инкилобий ашулалар ўрнига диний дуоларни ўргатганлиги санаб ўтилади. Мақолага ҳажвий сурат (карикатура) илова қилиниб, унда ароқ ичиб, чекиб маст ҳолда, бирлари дугор чертиб ўтирган уч киши тасвирланган. Уларнинг бири салла ва чопондаги мулла қиёфасини эслатади. Сурат изоҳида “Избаскентда маданий ишлар тАРАҚ” деб ёзилган[30]. Динга қарши тарғибот ғояси илгари сурилган газета суратларида реал ҳамда бадиий образларни кузатиш

мумкин. Суратларнинг ғоявий мазмуни ва таъсирчанлиги уларга берилган изоҳлар билан кучайтирилган.

Газета мақолаларида турли диний маросим ва урф-одатларга риоя этганликда айбланганлик ҳолатлари кўп учрайди. Аммо уларнинг ҳаммасига ҳам суратлар илова қилинмаган. Масалан, “Шаҳрисабздан чиққан зўрлар” мақоласида бир-икки яҳудий фирқа аъзолари яҳудий камбағаллари орасида бир қанча нотўғри ҳаракатларда бўлиб, маст ҳолда юриш, бой деҳқонлар ерларини олишда адолатсизликка йўл қўйиш каби айбловлар қаторида бирларининг хотини ўғил туққан вақтда 8 кундан кейин боласини ибодатхонага элтиб катта тўй қилганлиги, кизи ўлганда уйига домлаларни элтиб ёқасини йиртиш каби диний одатларни бажарганлиги, 8 кун ишламасдан уйда аза тутиб ётиб олганлиги, бошқа бири ўғлини ибодатхонада кесдирганлиги”[23] кабилар айблов сифатида таъкидлаб ўтилади. “8 мартга тайёрланамиз” мақоласида ҳам шу каби айбловлар қайд этилади. Унда айтилишича, Ўзбекбирлашув округ конторасининг мудир, фирқа аъзоси Халилов жиянини хатна қилиш муносабати билан катта тўй қилган. “Кўқон бундай катта байрам, тўйни, бундай ош, нонни аллақачондан буён кўрмаган. Бу тўйда Кўқоннинг энг катта эшонлари фотиҳа бериб, унинг коммунистлар билан алоқасини кечирдилар. Худо ва пайғамбарларнинг қонунларини астойдил бажаргучилар ҳали бор!” [14], дея киноя қилинади мақолада. Унда яна округнинг масъул ишчилари намуна бўлиш ўрнига, иккинчи хотинга уйланиш, келинга қалин пули бериш каби ишлар қилганликда айбланиб, танқид қилинган. Даврий матбуот мақола ва суратлари воситасида диний хизматчилар, уламолар устидан олиб борилган судлар ҳам ёритилган. “Ўн бир аксилҳаракатчи отилишга” мақоласида олий суднинг сайёр сессияси Андижон округ Норин қапа қишлоғида шўрога қарши ҳаракат кўтармоқчи бўлиб маҳаллий масъулни ўлдиришга уринган бир неча мулла, савдогар ва бойларни отишга ҳукм қилганлиги маълум қилинади[23]. “Машхур Нўъмонжон эшон қора курсида ўлтириб жавоб берди” мақоласида Самарқанд, Тошкент, Қозоғистон, Афғонистон ва Фарғона шаҳарларида неча минглаб муриди бўлган Нўъмонжон эшоннинг Бехбудийдаги 228 таноб ери меҳнатсиз хўжаликларни тугатиш вақтида олингани, у ерда Икромов номида артел тузилиб 25 камбағал деҳқон жойлаштирилгани, эшоннинг бундан бошқа кўп мол-мулклари тортиб олингандан кейин аламзадаликка учраб тесқари ҳаракатда бўла бошлаганлиги айтилади. Нўъмонжон эшон фаол батраклардан Эргаш Раҳматовга захар бериб ўлдиргани, ер-сувларини яшириш билан бирга омма орасида тесқари ташвиқотда бўлгани, янги тузилган колхозларнинг тарқалишига сабаб бўлгани учун отиб ўлдиришга ҳукм чиқарилгани, унинг ўғлининг иғвосига ҳозирдан бошлаб чек қўйиш учун прокурорнинг талабига мувофиқ Қашқадарё тупроғидан беш йил бадарға қилингани маълум қилинади ва суд жараёнидан лавҳа келтирилади. Қодир Ҳамидов (ёзилишича у бу батракни бошқа бир батрак ёрдамида захарлаб ўлдирган) эшонга сотилиб Эргаш батракка захар беришда қатнашгани учун иши терговга берилади. Захар бериб ўлдирган, шу артел аъзоси бўлган Эргаш Раҳматов фаол батрак экани, бой, эшон ва муштумзўрларнинг яширган ерларини топиб беришда катта хизмат кўрсатгани таъкидланган[24].

Тадқиқот ишларида динга қарши йўналишдаги ташвиқот ишларини олиб бориш нафақат руҳонийларни ижтимоий ҳаётдан четга суриб чиқариш, балки руҳонийларга ва оддий диндорларга нисбатан оммавий қатағонлар ўтказиш учун ҳам йўл очиб берганлиги қайд этилади[5]. Динга қарши тарғибот олиб боришда мажбур қилиш, сиёсий воситаларни қўллаш, мажбурий чораларни ишлатишдек нотўғри усуллардан, таъкиб этиш, қўрқитиш, қамаш, бадарға қилиш ва жисман йўқотиб юбориш каби ғайриинсоний воситалардан фойдаланилганлиги, динга қарши курашнинг маъмурий воситалари кенг авж олган бўлиб, масжидларни ёпиб қўйиш, барча диний маросимлар ва байрамларни таъқиқлаш, ҳатто миллий халқ байрамлари таъқиқланганлиги айтилади[3]. Тарғиботнинг муҳим воситаларидан бири бўлган даврий матбуотда динга қарши ахборот ва тарғибот фаолияти олиб борилган. Унинг воситасида дин ва диний уламоларнинг жамият ҳаётига,

тараққийётга салбий таъсири, айна пайтда бу борада совет воқелигининг ижобий роли таъкидланган. Бунда даврий матбуотнинг нафақат мақола, хабар каби ёзма материаллари имкониятларидан, шунингдек, унинг тасвирий – рассомчилик ва фотографик воситаларидан ҳам кенг фойдаланилган. Ўша даврнинг ахборот ва тарғибот майдонида жуда таъсирчан рол ўйнаган суратлар даврий матбуот воситасида омма орасида кенг тарқалиб, совет ҳокимияти ғоя ва кўрсатмаларини тарғиб этишда алоҳида аҳамиятга эга бўлган.

Фойдаланилган адабиёт ва манбалар:

1. Арнаутов Н.Б. Образ “врага народа” в системе советской социальной мобилизации: идеолого-пропагандистский аспект: декабрь 1934 г. - ноябрь 1938 г.; Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. Томск, 2010. - 13-14 с.
2. Волкова Е.П. Феномен «врага народа» в советской печати конца 1920-х - первой половины 1930-х гг. (по материалам центральных партийных изданий). Автореф. дисс. ... канд. филолог. наук. Москва, 2013. - 15 с.
3. Рахмонов Т. 30-йилларда Ўзбекистонда ижтимоий-маданий қурилиш: тажриба ва муаммолар. Тарих ф.ном. ... дисс. Тошкент, 1994. - 99 б.
4. Ўзбекистон коммунистик партияси съездларининг резолюция ва қарорлари. Тошкент, ЎзССР Давлат нашриёти. 1958. - 50 б.
5. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). К. 1. Ўзбекистон 1917-1939 йилларда / масъул муҳаррирлар Р.Абдуллаев, М.Раҳимов, Қ.Ражабов; ЎЗР ФА Тарих институти. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи методик марказ. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. - 339-340 б.
6. “Худосизлар” журнали, Ўзнашр, 1932 йил № 1-2, 27-28 бетлар.
7. “Худосизлар” журнали 1933 йил март № 3. 14 бет. 27-28 бетлар.
8. “Худосизлар” журнали, 1933 йил апрел № 4, 9 бет. 29-30 бетлар. 33 бет.
9. “Камбағал деҳқон” газетаси, 1926 йил 17 сентябр, № 71.
10. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1925 йил 23 феврал № 64, 1 бет.
11. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1925 йил 8 март № 75, 3 бет.
12. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1925 йил 8 июн № 145, 1 бет.
13. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1927 йил 15 ноябр № 260 (864), 6 бет.
14. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1928 йил 6 феврал № 30 (932), 2 бет.
15. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1928 йил 8 май № 102 (1004), 1 бет.
16. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1928 йил 30 май № 121 (1023), 3 бет.
17. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1928 йил 4 июн № 124 (1026), 3 бет.
18. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1928 йил 8 июн № 128 (1030), 2 бет.
19. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1928 йил 28 июн № 145 (1047), 1 бет.
20. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1928 йил 30 сентябр № 225 (1127), 2 бет.
21. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1928 йил 9 октябр № 233 (1135), 1 бет.
22. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1928 йил 5 ноябр № 256 (1158), 3 бет.
23. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1929 йил 22 апрел № 92, 2 бет.
24. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1929 йил 26 апрел № 96 (1294), 4 бет.
25. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1929 йил 11 ноябр № 263 (1461), 3 бет.
26. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1930 йил 3 феврал № 27 (1531), 2 бет.
27. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1930 йил 7 ноябр № 262 (1757), 1, 3 бет.
28. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1930 йил 15 декабр № 293 (1798), 2 бет.
29. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1930 йил 19 декабр № 297 (1802), 2 бет.
30. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1933 йил 11 апрел № 84 (2583), 3 бет.

31. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1933 йил 29 июн № 150 (2649), 3 бет.
32. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1933 йил 29 август № 201 (2690), 3 бет.
33. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1934 йил 18 декабр № 291 (3177), 4 бет.
34. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1935 йил 18 август № 190 (3357), 4 бет.
35. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1935 йил 2 сентябр № 202 (3369), 3, 4 бет.
36. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1936 йил 3 март № 51 (3519), 2, 3 бетлар.
37. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1936 йил 6 март № 54 (3522), 5 бет.
38. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1936 йил 17 октябр № 240 (3717), 4 бет.
39. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1937 йил 8 январ № 6 (3784), 3 бет.
40. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1937 йил 1 ноябр № 251 (4020), 3 бет.
41. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1938 йил 5 феврал № 29 (4108), 3 бет.
42. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1941 йил 30 март № 75 (5055), 2 бет.

ҚАТАҒОН СИЁСАТИ ТАРИХИНИНГ АЯНЧЛИ САҲИФАЛАРИ

Б.С.Эргашева,
ЖДПИ, Жиззах

Тарихимизнинг аянчли, армонли, ҳасратли, фожеали саҳифаларидан бири Советларнинг Ўзбекистонда олиб борган қатағон сиёсати ва унинг фожеали оқибатларидир. Мудҳиш октябр тўнтаришидан сўнг СССР парчаланиб кетгунга қадар олиб борилган сиёсий қатағонлар совет жамиятининг таркибий қисми бўлиб қолди. Бу фожеа ватанимиз тарихида мутлақо ёритилмаган, гўёки устига кафан ташлангандек, ўрганиш учун ёпиқ мавзу бўлиб қолган эди. Бу борада биринчи президентимиз И.А.Каримов ҳали мустақилликга эришгунимизга қадар Ўзбекистондаги сиёсий қатағон, унинг фожеали оқибатларини очиб бериш, қатағон домига тортилган қурбонларни оқлаш ташаббуси билан чиқди. Қатағон қурбонларини ўрганиш, уларнинг номларини абадийлаштириш мақсадида И.А.Каримов томонидан 1999 йил 12 майда эълон қилинган фармойишлари ва 22 июлда Вазирлар Маҳкамасининг “Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида” қабул қилинган қарорларидан сўнг кенг йўлга қўйилди. Ушбу ҳужжатлар асосида “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси тузилди ва “Шаҳидлар майдони” ёдгорлик мажмуи барпо этилди. Бу жой зиёратгоҳ маскан бўлиб қолди. Уни ҳар йили 31 август куни эрталаб зиёрат қилиш, қатағон қурбонлари хотирасига атаб тиловатлар қилиш, улар руҳига атаб эҳсон қилиш миллий қадриятларимиз сафидан ўрин олди. 2001 йил 1 майда қабул қилинган “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”ги Президент фармони катта имкониятлар яратиб берди. Фармонда шундай сатрлар бор: “Эл-юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида, халқимизнинг кадр-қиммати, ор-номусини, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда қурбон бўлганлар хотираси миннатдор авлодлар ёдида абадий сақланиб қолади. Мустабид тузум даврида миллион-миллионлаб бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлганини, қанчадан-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди”¹. Қатағон қилинганларнинг орқасида уларнинг аҳли аёли, фарзандлари, ота-она, ака-укалари, қавми-қариндошлари, яқинлари, дўстлари қолганки, уларга ҳам бу қатағон зарбаси теккани табиий. Улар ҳам ҳар жиҳатдан ҳам руҳий, ҳам ташналик азобида қолган. Уларга “халқ душмани”нинг ўғли, қизи, аёли, акаси, укаси, қариндоши, дўсти, гумаштаси, думи каби тамғалар қўйилган, ҳар жиҳатдан камситилган, ҳуқуқлари топталган, маънавий хўрланган. Тарихимизнинг ана шу ачинарли, ҳасратли саҳифаларини билишнинг ҳозирги вақтдаги аҳамиятини кўрсатар экан

Ислом Каримов мана шундай деб айтганди: “Барчамизнинг тақдиримизга дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимизва миллатимизнинг яқин ўтмишидаги ҳали-ҳануз сир бўлиб келаётган ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантиришда амалга ошираётган эзгу ишларимизнинг алоҳида ўрин тутиши шубҳасиз”ⁱⁱ.

1937 йил 30 июлдаги СССР Ички ишлар халқ комиссари Николай Ежов имзоси билан “Собик қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа антисовет элементларни қатағон қилиш бўйича операция тўғрисидаги”ги 00447-сонли оператив “мутлақо махфий” тамға остидаги буйруқ қабул қилинди. Унга кўра давлат хавфсизлиги органлари томонидан антисовет элементлар бандасини ҳеч аямасдан тугатиш, таг-туғи билан йўқ қилиш операцияси 1937 йил 5 августдан бошланиб тўрт ой муддатда яқунлаш кераклиги кўрсатилганди. Ўрта Осиё республикаларида операция 1937 йил 10 августдан бошланадиган бўлди. Республика Ички ишлар органлари ҳузуридаги “учлик” таркиби “Марказ” томонидан танланган ва тасдиқланган. Марказ “катта террор” олдидан Ўзбекистон раҳбариятида маълум ўзгаришларни амалга оширган. “Учлик”нинг йиғилишлари ўз фаолиятини 10 августдан бошлаб 1938 йил 1 январгача жами 10700 киши қамоққа олган, шундан 5924 киши собик “қулоқлар”, 1679 киши жиноятчилар, 3097 киши “советларга қарши унсурлар” сифатида қатағон қилинган. Репрессия 4 ой муддатда эмас, балки 1938 йилда ҳам давом эттирилди.

Бу мудҳиш “вазифа”ни бажаришда республика, округлар, туман партия ташкилотлари, ижроия кўмиталар, ички ишлар халқ комиссарлиги раҳбарлари жонбозлик кўрсатиб фаолият олиб борди. “Катта террор” операциясини ўтказишда кўплаб ноқонуний тадбирлар амалга оширилди, инсон ҳақ-ҳуқуқлари мислсиз топталди, бегуноҳ юртдошларимизга ёлғон тўқима, сохта айблар қўйилди, хилма-хил чақувлар, тухматлар ишга солинди, тергов чоғида махбуслар беҳад қийновга, ҳам жисмоний, ҳам руҳий азобларга солинди.

1936 йил 1 октябрдан 1938 йил 1 ноябригача СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси 36906 киши устидан ҳукм чиқарган. Шундан 25355 киши отувга, 1059 киши 15-25 йил муддатга, 3598 киши 10 йил муддатга, 123 киши 5 йил муддатга қамоқ жазоси тайинланган. Ҳукмга тортилганларнинг бир қисми Ўзбекистондан бўлган.

1938 йил 28 мартда Сиёсий бюро аъзолари И.В.Сталин, В.М.Молотов, Л.М.Каганович, А.А.Жданов, К.Е.Ворошиловлар Ўзбекистондаги элита вакилларида 165 нафари қатағон қилиниши мумкин бўлган рўйхатни имзолайди. Унда 155 киши отувга, 10 киши МТЛ қамоғига ҳукм қилинганлиги белгиланади. Айтилган кун етиб келди, 1938 йил октябр бошларида Тошкентда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр йиғилиши бўлиб ўтади. Унда кўплаб партия, давлат, жамоат арбоблари, айниқса зиёлилар, адиблар, фан ва олий ўқув юртлири ходимлари, таниқли кишиларнинг маълум вакиллари отувга, 10, 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилганлар. Олий жазога ҳукм этилганлар ўша ҳукм эълон қилинган куннинг ўзидаёқ отиб ташланган. Улар орасида ўзбек халқининг асл фарзандлари Абдулла Кодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Раҳим Иноғомов, Усмонхон Эшонхўжаев, Комилжон Алимов, Исроил Ортиқов, Аъзам Болтаев, Худойберган Девонов, Акбар Ислотов, Рустам Ислотов, Усмон Эшонхўжаев, Абдуллажон Каримов, Дмитрий Манжара, Анқабой Худойбахтов, Мирмуҳсин, Ғози Юнусов, Усмон Носирлар бор эди...

Зомин тумани Ём қишлоғидан 1903 йилда туғилган, 1914-16 йилларда диний таълим олган, ундан сўнг бир ярим йил мобайнида Зоминдаги рус-тузем мактабида таҳсил олган Назирқул Ҳасанов ҳам қатағон сиёсатининг жабрини тортган. 1920 йил ВКП(б) аъзоси бўлиб, Жиззах тумани партия кўмитасида, Самарқанд ва Сурхондарё виоятлари партия ташкилотларида маъсул вазифаларда ишлаган. 1930 йилдан 1933 йилгача “Узколхозстрой” раиси, Ундан сўнг жумҳурият Ер ишлари халқ комиссарининг ўринбосари, 1934 йилдан Хоразм вилоят ижроия кўмитаси раиси

лавозимларида фаолият кўрсатди. Ўзбекистон коммунистик партиясининг VII съезди делегати ҳам бўлган. 1937 йил 6 августда НКВДходимлари томонидан қамоққа олинган Ҳасанов Назиркул устидан кўзғатилган жиноий иш СССР Олий судининг ҳарбий ҳайъати томонидан 1938 йил 2 ноябрда кўриб чиқилиб, олий жазо –отишга ҳукм қилиниб, мол-мулки мусодара қилиниб, ҳукм зудлик билан ижро этилди. Тергов ва суд жараёнида у 1928 йилдан бери Ўзбекистон ҳудудида иш кўрган миллатчи аксилинқилоб ташкилотининг фаол аъзоси бўлган, деб айб қўйилган. 1957 йил 26 ноябр куни ҳукм бекор қилиниб, янги очилган вазиятларга биноан ҳамда унда жиноят аломатлари йўқлиги сабабли ҳаракатдан тўхтатилади. 1958 йил 2 августда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси бюроси қарор қабул қилади. Қарорда: “1920 йилдан бери партия аъзоси (1936 йилги нусха бўйича билет номери 1379033) Ҳасанов Назиркул ўлимидан сўнг ўша йилги муҳлат билан КПСС аъзолигига тиклансин. Бу ҳақда унинг хотинига хабар берилсин” дейилган.

Хулоса қилиб айтганда, бу каби ҳужжатлар “Катта террор”нинг ўлкамизда эли учун жон куйдирган, аммо тириклигида рўшнолик кўрмаган мингларча, миллионларча қалбларнинг оху нолаасидек кўринади. Бу фожиа ҳеч ким ҳеч қачон ўз қалбларидан ва хотираларидан чиқармайдилар. Бу фожиани тарихимизнинг энг оғир, қайғули, аламли, ҳасратли ва аянчли саҳифасидир.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. И.А.Каримов. Халқ хотираси олдида бош эгамиз. Тошкент, “Шарқ”, 2001.
2. “Халқ сўзи”, 2001 йил 2 май.
3. Р.Шамсутдинов. Қатағон қурбонлари. Тошкент, “Шарқ” 2007.
4. И.Усмонов. Қанот ва қаноат. Тошкент, “Шарқ”, 1996.
5. Ў.Мажидов. Мен билган Ём ва Ёмлиқлар. Тошкент, 2011.

QATAG'ON QURBONLARI (JIZZAX SHAHRI MISOLIDA)

**Sh. Davronov,
O'zMU magistranti, Toshkent**

Tariximizning alamli va ayanchli sahifalaridan biri sovetlarning O'zbekistonda olib borgan qatag'onlik siyosati va uning dahshatli fojialari va oqibatnatijasida o'lkamizda xususan Jizzax viloyatida mehnatkash, jafokash, tajribali va istedodli kadrlarni turli yo'llar orqali qatl qildi.

1937-1939-yillarda O'zbekiston SSR Ichki ishlar xalq komissarligining “uchliklar” tomonidan 41 ming nafardan ko'proq inson qamaldi, 37 ming nafardan ko'prog'i sudlandi va 6 ming 920 nafari otib tashlandi. [“O'zbekiston ovozi”, 1991]

Asossiz qamalib jinoiy javobgarlikka tortilgan kishilar orasida partiya, sovet xo'jalik xodimlari, harbiylar, ziyolilar va kolxozchilar juda ko'p edi. Bundan ko'rinib turibdiki O'zbekistonda siyosiy qatag'onning eng yuqori bosqichi mudxish “katta terror” avjiga chiqqan payti ayni 30-yillarga to'g'ri keladi. SSSR Ichki ishlar xalq komissari Yevovning 1937-yil 30-iyuldagi 00447-sonli mutlaqo maxfiy tamg'a ostidagi “sobiq quloqlar, jinoyatchilar va boshqa jinoyatchilar va boshqa antisovet elementlari”ni [Shamsutdinov R., 2007. 6 b] qatag'on qilish bo'yicha operativ buyrug'i O'zbekistonda ham tezkorlik bilan bajarildi. Bu ulkan vazifani bajarishda respublika, okrug, rayon tashkilotlari, sovetlarning ijroiya komitetlari, sovetlarning ijroiya komitetlari, ichki ishlar xalq komissarligi va uning joylardagi sektor va bo'limlar xodimlari jonbozlik ko'rsatdi. Shu jumladan Jizzax viloyatida ham bu qonli to'fon o'z yovuz kuchini ko'rsatdi. Jizzax viloyatida qatag'on yillarida qoralangan insonlar hozirgi vaqtda pok nomlari qayta tiklangan. Jizzaxda qatag'on qilingan insonlardan biri Orifjon Olimjonov Jizzaxning Toshkentlik mahallasida tug'ilgan rus tuzem maktabida o'qigan. 1916-yilgi Jizzax qo'zg'olonida faol qatnashgan inson. Inqilobdan so'ng Samaqarqandda yangi sho'rolar maktabida o'qigan. Bu tashabbuskor faol insonning say harakatlari natijasida Jizzaxning eski shahar qismida birinchi yoshlar klubi tashkil etilgan. 1922 – 1923 -

yillarda Sirdaryo viloyat komsamol qo'mitasi birinchi kotibi bo'lib ishladi. Tinib tinchimas bu odamning say harakati bilan "Alanga" jurnali tashkil etilgan. Mansab pillapoyalarida ketma ket ko'tarilib borgan sari bu insonning yutuqlarini ko'rolmaydigan dushmanlari ko'payib bordi. X.Xaydarovning "Jizzax viloyati tarixi" asarida keltirilishicha, - Bekobod Nohiya ijroiya qo'mitasiga rais bo'lib saylangan yillarida tuhmat qurboni bo'ladi. Qizil bayroqli Turkiston harbiy o'krugi tribunal O.Olimjonov ishini 1974-yil 30-avgustda ko'rib chiqib uning ustidan 1932-yil 14-oktyabr sanasi bilan chiqarilgan hukmni bekor qildi. [Xaydarov X. 1996. 136 b.] Qatag'on mashinasining tezlik bilan ishlashi har qanday istedodli kadrni yo'q qilishi "uchlik" uchun qiziqarli "ijod" mahsuliga aylanib qoldi. Bunga yaqqol misol 4408 – sonli ish bo'yicha ikki maxbus ya'ni Abdurazzoq Boyto'ra va Donoboyev Egamberdilar otuvga hukm qilindi. Rustam SHamsutdinovning Qatag'on qurbonlari asarida keltirilishicha: Abdurazzoq Boyto'ra xibsga olingan vaqtda kolxoz a'zosi bo'lgan. Aksilinqilobiy guruhning kolxozlardagi zararkunandalik usullar masalasi bo'yicha olib boriladigan nolegal yig'inlarda ishtirok etganlikda, paxta ekinlarini nobud qilganlikda kolxozlarga qarshi targ'ibot olib borganlikda ayblangan. [Shamsutdinov R., 2007. 369 b]

Ming afsuslar bilan aytish kerakki nafaqat bu inson balki minglab yurtdoshlarimiz ne-ne umidlarda kolxozga kirib jonini berib paxta yetishtirsayuv sovetlar aynan paxtani nobut qilding deb otuvga hukm qilinsa. Ochiq oydin ko'rinib turibiki sovetlarning tili boshqayuv dili boshqa ekanligi. Yuqoridagi asarda keltirilishicha: "Donoboyev Egamberdi 1915-yilda Jizzax Rayonining Quduqchi qishlog'idan. Quloqqa tortilganing o'g'li. Xibsga olinganda kolxoz a'zosi bo'lgan. Aksilinqilobiy guruhning kolxozlardagi zararkunandalik usullar masalasi bo'yicha olib boriladigan nolegal yig'inlarda ishtirok etganlikda, muntazam targ'ibot olib borganlikda ayblangan. [Shamsutdinov R., 2007. 369 b] Siyosiy qotillik harakati nafaqat paxta ishiga bog'lash ayni paytta O'zbekistonning iqtidorli raxbar xodimlaridan maxrum qilish shafqatsiz jazo choralari yordamida butun xalqni qo'rquvda saqlashga qaratilgan edi deb o'ylasak xato bo'lmaydi. Mana yaqqol misol 1916-yil Jizzax qo'zg'olonida xalok bo'lgan.

Jizzax uyezdi tilmochi, Mirza Xamdani Zokirjonovning nabiralari Anvar, Hasan, Abdulla va Maxmudlar qatag'on qilindi. Qamariddin Usmonov, Hayitboy Haydarovlarning Jizzax tarixi asarida keltirilishicha Anvar Xamdani 1917-yilgi oktabr to'ntarishidan so'ng Samarqand viloyati ichki ishlar bo'limida xalq osoyishtaligi saqlash yo'lida xizmat qiladi. 1929-30 yillarda Jizzax shahridagi qurilish tashkilotiga rahbarlik qilib, eski shahardagi Jizzax pedagogika bilim yurtini o'quv binosi va yotoqxona oshxonalarini qurilishini amalga oshirgan. 1936-yili Toshkentga ko'chib borib shaharni obodonlashtirish muassasasiga ishga kirgan va xalq orasida katta xurmat etiborga sazovor bo'lgan. Qatag'on mashinasi bu insonni xam chetlab o'tmadi 1937- yil uydirma tuhmat bilan qamoqqa olinib "Uchlik"ning qarori bilan millatchilik targ'ibotchisi degan uydirma bilan 10 yil muddatga hukm qilinib, Sibirga surgun qilingan. Manashunday ishchan va ilg'or yurt farzandi Qarag'anda shahrining Dolina qishlog'ida yurak kasalligidan vafot etadi. [Usmonov Q, Haydarov H., 2009 y. 138 b.]. Nafaqat Jizzax balki butun o'zbek xalqining fahri va g'ururiga aylangan tinimsiz mehnat qilib turli sohalarda faoliyat ko'rsatgan Haydarbek Abdujabborov O'zbekiston, Tojikiston respublikalarida Moliya vaziri, Tojikiston respublikasining Moskvadagi muxtor elchisi, Toshkent to'qimachilik kombinati qurilish boshlig'i bo'lib faoliyat ko'rsatgan inson 1936-yil noyabr oyida xizmat safari bilan mehnat tatili olib qishlog'i Yetimtog'ga keladi. Bu qishloqda uning yurtdoshlari uchun qatag'on siyosatining boshlanishiga sabab bo'ldi. H.Haydarovning Jizzax viloyat davlat arxivida saqlanayotgan shaxsiy yig'ma jild fondida yozilishicha Haydarbek Abdujabborov mehnat ta'tili tugab, Jizzaxdan Toshkentga qaytgach, unga F.Xo'jayev, A.Ikromovlarning dumi, "xalq dushmani" tamg'asi bosilib, xibsga olindi. [Haydarov H., 2009 y. 134 b.]

A.Jukovning "Sirdaryo xaqiqati" gazetasining 1989-yil oktyabr oyida chop qilingan "Xalq Dushmanlari kimlar edi" sarlavhali maqolasida H.Abdujabborovga qo'yilgan ayblar nuqul tuhmatdan iboratligi, u hech qanday sovetlarga qarshi tuzilgan kontrrevolyutsion milliy uyushmaga a'zo bo'lmaganligi, noxaqdan xibsga olinganligi va uzoq muddatga qamalmani bayon qilinadi. H.Abdujabborov

Jizzaxdan Toshkentga qaytgach, u 10 yil muddatga qamoqqa hukm qilingan edi. Qatag'on qilinganlarning barchasi gunohsiz deb topilib, "Uchlik" hukmi bekor qilindi. Manashunday iqtidorli milliy kadrning yo'q qilinishi sovetlarning bu siyosati tagida razil reja yashirilib yotgani hechkimga sir emas.

Xaqiqattan ham noxaq qurbon bo'lganlar ruhi, ularning bevaqt uzilgan umri qalbimizga bezovtalik olib kirgani kirgan. Manashunday bevaqt qurbon bo'lgan insonlarimizdan Nazirqul Hasanovdir xo'sh bu millatparvar, jonkuyar va istedodli kadrimizga qanday tuxmatlar qo'yildi? Islom Usmonovning Istiqlol Fidoyilari asarida keltirilishicha

1937-yil 6-avgustda NKVD tomonidan qamoqqa olingan Nazirqul Hasanov ustidan qo'zg'atilgan jinoyiy ish SSSR oliy sudining xa'yati tomonidan 1938-yil 2-noyabrda ko'rib chiqildi. Unga O'zbekiston jinoyiy majmuining 58,63,64,67-moddalari bilan ayb qo'yilgan. Yuqoridagi moddalarga binoan oliy jazo – otishga hukm qilinib, mol mulki musodara etiladi. Tergov va sud jarayonida go'yoki u 1928-yildan beri O'zbekiston hududida ish ko'rgan millatchi aksiliinqilob tashkilotining faol a'zosi bo'lganligi aniqlandi. "Bosh harbiy prokurorning raddiyasiga binoan SSSR oily sudining Xarbiy xay'ati Hasanov Nazirqulni ayblash boyicha 1938-yil 2-noyabrda chiqarilgan hukmni bekor qiladi va yangi ochilgan vaziyatlarga binoan hamda unda jinoyat alomatlari yo'qligi sababli harakatdan to'xtatiladi 1957-yil 26-noyabr". [Usmonov Islom., 1996]

Bunday tuxmatga giriftor bo'lib ko'plab insonlar qatag'on qilinganligi naqadar alamli va achinarli holat albatta. Misol uchun qatag'on qilingan insonlardan. Muhiddin Xo'jayev, Maxmud G'ozixonov, Turob Nazarov, Rizoqul Yo'ldoshevlardir. Bu ro'yxatni yana uzoq davom ettirish mumkin. Xulosa qilib aytadigan bo'lsak ular pok va beg'ubor shaxslar edi. Ularni xayotga qaytarib bo'lmaydi. Ularning Xotirasini faqat tiklash mumkin, eslash mumkin, kuyinish mumkin xolos. Vatan yo'lida jonini tikkan bisotidagi borini berishga tayyor bo'lgan insonlar o'sha davrning totalitar tuzumning qurboni bo'ldilar. Bu insonlar doimo qalbimizda mangu yashaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. "O'zbekiston ovozi", 1991-yil 15-sentyabr
2. Shamsutdinov R. Qatag'on qurbonlari. T.: "Sharq nashriyot matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati", 2007.
3. Xaydarov X. Jizzax viloyati tarixi. Toshkent "Mexnat" 1996.
4. Haydarov H. Jizzax Tarixi Jizzax viloyat Markaziy Davlat Arxivi shahsiy yig'ma jild 2009.
5. Usmonov Islom. Istiqlol Fidoyilari. "Sharq" nashriyot matbaa konserni bosh tahririyati. Toshkent - 1996.
6. Usmonov Q, Haydarov H, Jizzax Tarixi "O'qituvchi" nashriyoti T. 2009.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИНING ЖИЗЗАХЛИК ҚАҲРАМОНЛАРИ ЖАСОРАТИГА ДОИР ДАСТЛАБКИ МУЛОҲАЗАЛАР

Ж.А.Пардаев
ЖДПИ, Жиззах

Инсоният бошига аянчли уқубатларни солган, энг кўп қурбонлар келтирган иккинчи жаҳон урушида барча халқлар қатори ўзбек халқининг жасур ўғлонлари ҳам фашизм балосига қарши мардонавор жанг қилиб, буюк ғалабага ўз хиссаларини қўшганлар. Лекин, сўнгги йилларда ўзбек жангчиларининг иккинчи жаҳон урушида кўрсатган мардлик ва қаҳрамонликларини ўрганиш, уларни ОАВда ёритишга етарлича даражада эътибор берилмади. Шунинг учун ҳам мухтарам президентимиз Ш.М.Мирзиёев 2019-йил 9-май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган нутқида қуйидаги фикрларни билдирдилар: "Бугунги фурсатдан фойдаланиб, мен тарихчи олимларимизга, адабиёт ва санъат арбобларига, кенг жамоатчилигимизга бир таклиф билан мурожаат қилмоқчиман.

Бу даҳшатли урушда қатнашган ота-боболаримизнинг қаҳрамонлиги ҳақида янги-янги асарлар яратиш, жумладан, аниқ тарихий ҳужжатлар асосида мукамал китоб-албом тайёрлаб, нашр этишнинг, ўйламанки, вақти-соати келди”. (Мирзиёев. 9-май – Хотира ва қадрлаш куни. 2019-йил, 9-май). Маълумки иккинчи жаҳон уруши арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллион аҳоли яшаб, уларнинг 1 миллион 500 мингдан зиёди фронтга сафарбар этилган. Урушда ўзбекистонлик жангчилардан 500 мингдан кўпроғи – яъни фронтга сафарбар этилганларнинг ҳар учтасидан бири ҳалок бўлди, 60 мингдан ортиқ ҳамюртимиз ногирон бўлиб қайтди. Ўзбекистонлик 120 мингдан ортиқ уруш қатнашчилари орден ва медалларга сазовор бўлдилар. Уларнинг 280 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан мукофотланди. Ушбу мақолада Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган жиззахлик қаҳрамонларнинг II-жаҳон урушида кўрсатган мардлик ва жасоратлари архив ва ёзма адабиётлар маълумотлари асосида ёритилди.

Жўракул Тўраев – 1922 йил 20 мартда Жиззах вилояти, Жиззах туманидаги (ҳозирги Шароф Рашидов тумани) Қалия Мўлканлик қишлоғида туғилган. 1941-йилда Совет Армияси сафига хизматга чақирилди. У 1941 йилдан бошлаб турли фронтларда жумладан, Брянск, Марказий ва Беларус фронтларида жангларда иштирок этиб, икки марта оғир яраланди. Кичик сержант Жўракул Тўраев 1943-йил декабр ойдан Белоруссия fronti 65-армиясининг 12-артиллерия дивизияси 46-енгил артиллерия бригадасининг 1007-енгил артиллерия полкида нишонга олувчи навбатчи аскар бўлиб ҳарбий жангларда қатнашди. Жўракул Тўраев Брянск frontiда 13-армия сафида Воронеж-Касторненск хужум операциясида қатнашди (1943 йил 24 январь-2 февраль). Ушбу жанг натижасида немис ва венгерлардан тузилган душман қўшинлари тор-мор этилиб, Воронеж шаҳри ва Касторная станцияси душмандан озод қилинди. Жўракул Тўраев Марказий фронтда 1943 йил 5-11 июнда Курск жангида қатнашди. Орлов вилояти Малоархангелск шаҳарчаси ва Курск вилояти Понири станциясини ҳимоя қилишда мардлик ва жасорат кўрсатди. Жанглардаги қаҳрамонлиги учун “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланди.

Кичик сержант Жўракул Тўраевни мукофотлаш тўғрисидаги полк буйруғи ҳақида қуйидаги маълумотлар келтирилган: “2-дивизион 5-батарея наводкачи (нишонга олувчи)си кичик сержант Жўракул Тўраев 1943 йил 5 июлда Курск области, Малоархангелск райони Елезаветино қишлоғидаги жангда душманнинг кучли артиллерия ва ҳаво ҳужумларига қарамасдан у ўзини йўқотиб қўймади. Ўзига беркитилган замбаракда душманга аниқ зарбалар берди. Натижада душманнинг ҳарбий техника кучлари пароканда бўлиб, бир нечта ҳарбий машиналари ва бир ротагача бўлган аскарлари йўқ қилинди. (Герои Советского союза: Узбекистанцы. 1984. с. 318). Мудофаа жанглари тугаб, душман ҳужумлари тўхтатилгандан сўнг Жўракул Тўраев 70-армия таркибида 1943 йил 12 июлдан 18 августгача Курск жангининг охириги босқичи бўлган Орлов стратегик хужум операциясида қатнашди. 1943 йил 26 августдан 30 сентябргача Чернигов-Припятск хужум операциясида қатнашди. Бу жангда Жўракул Тўраев хизматда бўлган 12-артиллерия дивизияси душман мудофаа фронт линиясини ёриб ўтиб, 65-армия генерали П.И.Батов бошчилигида Украинанинг Сумск ва Чернигов областлари ҳудудини душмандан озод қилишда қатнашди. 1943 йил октябрь ойининг ўрталарида 65-армия Беларус Республикаси Гомел вилояти Лоев қишлоғи яқинида Днепр дарёсини кечиб ўтиб, душман билан оғир ва қонли жангга киришди. 12-артиллерия дивизияси таркибида бўлган Жўракул Тўраев ҳам ушбу жангларда иштирок этиб, душман устидан қозонилган ғалабага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. (Герои Советского союза Узбекистанцы. 1984. Ст. 318). 1943 йил 10 ноябрдан 30-ноябргача Беларус frontiда 46-енгил артиллерия бригадаси ва 65-армия биргаликда Гомел-Речиск хужум операциясида иштирок этиб, душманнинг кўп сонли аскар ва ҳарбий техникаси тор-мор этилди. Бу ғалаба натижасида 17 ноябрь куни Днепр бўйидаги Речица шаҳри душмандан озод этилди. Ушбу жангларда кичик сержант Жўракул Тўраев қаҳрамонлик намуналарни кўрсатди. Жўракул Тўраев 1943 йил декабрь ойининг

охиригача 65-армия Гомел вилояти Паричи қишлоғи (ҳозирги Светлогорск райони) ҳудудида душманга қарши ғалабали жангларда иштирок этди.”

Кичик сержант Ж.Тўраевни мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат маълумотлари куйидагичадир:

“1943 йил 21 декабрда душман асосий зарбани бериш учун Полеск вилояти Доманович райони, Гороховише қишлоғи яқинидаги 143,3 рақамли тепаликни танлади ва ҳужум бошлади. Кичик сержант Жўракул Тўраев ўз замбараги билан душманнинг 27 та танк ва бир баталеон пиёда аскарларига қарши жангга кирди. Унинг замбараги ўқидан душманнинг учта танки мажақланди ва иккита танки ёндириб юборилди. Оғир яраланган бўлсада Жўракул Тўраев жанг майдонини ташлаб кетмади. Душман танклари ҳам у мудофаа қилган ҳудуддан ўта олмади. Жўракул Тўраев жароҳатларини боғлаб, бостириб келаётган душман пиёда аскарларига қарши замбаракда ўқ отишни тўхтатмади. Аниқ отилган замбарак ўқлари натижасида душманнинг икки взводга яқин аскарлари ҳалок бўлди. Жўракул Тўраев жанг майдонида ҳалок бўлган қизил аскар Кубелековнинг милтиғида душманга қарши ўт очишни давом эттирди. (ЦАМО СССР, ф. 33, оп. 793756, д. 48, л. 173-174; 46/318; 121/284-289; 139/100-104; Степанова А. 2017. Ст-21-22.)

Жўракул Тўраев бир неча марта жангларда мардлик ва матонат намуналарини кўрсатди. Жумладан, ёз ойидаги жангларда кичик сержант Жўракул Тўраев томонидан душманнинг 12 та танки ва 2 та “Фердинанд” русумидаги ўзи юрар оғир ҳарбий қуроли мажақланди, бир баталеон аскарлари йўқ қилинди. Жўракул Тўраев оғир яраланиб ҳушидан кетгач, жанг майдонидан олиб кетилди. Кичик сержант Жўракул Тўраев мардлиги, матонати ва мунтазам равишда кўрсатган қаҳрамонлиги учун “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвонини олишга муносибдир. 1007-енгил артиллерия командири, подполковник Куприй.1943 йил, 29-декабр”.(ЦАМО СССР, ф. 33, оп. 793756, д. 48, л. 173-174; 46/318; 121/284-289; 139/100-104; Степанова А. 2017. Ст. 16, 22.). Ушбу жангга қадар сержант Жўракул Тўраев томонидан душманнинг 12 та танки ва 2 та “Фердинанд” русумидаги оғир ўзи юрар тўпи ва бир қанча пиёда аскарлари йўқ қилинган эди. Кичик сержант Жўракул Тўраевнинг ушбу жангда кўрсатган қаҳрамонлиги учун СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 29 мартдаги қарори билан унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони ва Олтин юлдуз ордени билан мукофотланди. (ЦАМО СССР, ф. 33, оп. 793756, д. 48, л. 173-174; 46/318; 121/284-289; 139/100-104).

Жўракул Тўраев бошидан олган жароҳати ва контузия натижасида ҳарбий госпиталда узок вақт даволанди. Оёққа тургач у тўлиқ соғлиғини тиклаши учун ватанига қайтди. Соғлиғи тўлиқ тиклангач у Ўзбекистонга (Бухоро шаҳри) кўчирилган Подольск артиллерия билим юртига ўқишга юборилди. Кичик лейтенант Жўракул Тўраев 1945 йил Подольск артиллерия билим юртига тугатгач, Туркистон ҳарбий округи буйруғига биноан Ашхабод шаҳрига ҳарбий хизматга юборилди. Майор Жўракул Тўраев 1953 йилда соғлиғи туфайли заҳирага чиқарилгач, Жиззах шаҳрида халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали меҳнат қилди. Бир неча йил Жиззах тумани партия кўмитасида, собиқ “Коммунизм” жамоа хўжалигида партия кўмитаси раиси, турли корхона ва муассасаларнинг раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатди. (Ҳайдаров, Усмонов, 2009, 146-147-б.)

Совет Иттифоқи Қаҳрамони майор Жўракул Тўраев 1998 йил 76 ёшида вафот этиб, ўзи туғилиб ўсган жонажон Қалия Мўлканлик маҳалласидаги “Қалия” қабристонига ҳарбийлар томонидан расмий ҳурмат бажо келтирилган ҳолда дафн этилди.

Жўраҳон Усмонов – 1922 йил 12 февралда ҳозирги Жиззах вилояти Янгиобод тумани Сават қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. У 1942-йилда Қизил Армия сафига чақирилиб, март ойидан бошлаб ҳарбий ҳаракатдаги армия сафида душманга қарши жангларда иштирок этди. (Имена и подвиги. Справочник. 1990. Ст 270-271)

237 ўқчи полкнинг взвод командири ёрдамчиси бўлган катта сержант Жўраҳон Усмонов 1943 йил 29 сентябрда ҳозирги Беларусь Республикаси Гомель вилояти, Карповка қишлоғи яқинида Сож дарёсини кечиб ўтишда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. Биринчилар қаторида дарёдан сузиб ўтган катта сержант Жўраҳон Усмонов ўзининг тирик қолган 8 нафар сафдошлари билан душманнинг 13 марта қилган қарши ҳужумларини қайтарди. Лекин, уларнинг ўқ ва гранаталари тугаш арафасида эди. Жўраҳон Усмонов бунинг ҳам йўлини топди. Кечқурун аскарлар жанг майдонидан патрон ва гранаталар йиғиб келдилар. Жангда катта сержант Жўраҳон Усмонов ўн нафар душманни йўқ қилди. Фақат жангнинг иккинчи куни окшомида уларга ёрдам кучлари келди. Жўраҳон Усмонов оғир яраланган бўлсада, асосий мақсад, Қизил Армия зарбдор кўшинларини дарёдан ўтиши таъминланди.

СССР Олий Совет Президиумининг 1944 йил 15 январдаги Қарори билан немис-фашист босқинчиларига қарши курашда кўрсатган шахсий жасорати, берилган ҳарбий топшириқни намунали бажарганлиги учун катта сержант Жўраҳон Усмонов Совет Иттифоқи қаҳрамони унвони, Ленин ордени ва “Олтин юлдуз” медали билан тақдирланди. (ЦАМО СССР, ф. 33, оо. 793756, д. 49, л. 92; 84/75-76; 88/113-119; 106/183-200). Жўраҳон Усмонов уруш давомида кўрсатган қаҳрамонликлари учун Ленин ордени, II-даражали Улуғ ватан уруши ордени, “Қизил юлдуз” орденлари билан мукофотланди. (Герои Советского союза-узбекистанцы. 1984. Ст-327.). Катта сержант Жўраҳон Усмонов 1945-йил 14-февралда вафот этди. Ҳозирда ўзбек ўғлони Совет Иттифоқи Қаҳрамони Жўраҳон Усмонов номи абадийлаштирилган бўлиб, унинг номи билан ўзи ўқиган мактаб, Ховос, Янгиер шаҳарларидаги кўчалар номланган.

Тўғонбой Коумбоев – 1922 йил 20 мартда ҳозирги Жиззах вилояти, Фориш туманидаги Чимқўрғон қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. У Қизил Армияга 1942 йил январь ойида Фориш тумани ҳарбий чакирув бўлими томонидан урушга жўнатилган. Жанглarda кўрсатган мардлик ва жасорати натижасида Қовумбоев Тўғонбой Марказий фронтнинг 65-армияси, Севск ўқчи дивизияси таркибидаги 20 махсус разветкачилар ротасига командир этиб тайинланган. (Имена и подвиги. Справочник. 1990. Ст -120). 1943 йил Совет кўшинлари Днепр дарёсини кечиб ўтишда сержант Коумбоев Тўғонбой ва унинг 20-махсус разветкачилар ротасига алоҳида топшириқ берилди. Топшириққа асосан сержант Қовумбоев Тўғонбой бошчилигидаги 20-махсус разведкачилар ротаси Днепр дарёсидан кечиб ўтиб, ҳозирги Беларусь Республикаси Гомель вилоятида жойлашган Лоев шаҳарчасини эгалладилар ва Қизил Армия десантчиларини Днепрнинг ўнг қирғоғига тушишларини таъминладилар.

СССР Олий Совети Президиумининг 1943 йил 30 октябрдаги қарорига асосан сержант Қовумбоев Тўғонбой немис-фашист босқинчиларига қарши жанглarda кўрсатган жасорати, хусусан, Днепр дарёсидан Совет кўшинларининг кечиб ўтишда кўрсатган қаҳрамонлиги учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан бирга Ленин ордени ва “Олтин Юлдуз” медали билан мукофотланди. (№1625) (ЦАМО СССР, ф. 33, оп. 793756, д. 21, л. 35; 38/31; 46/147.)

Урушдан кейин 1948 йилда у Олмаота шаҳридаги ҳуқуқшунослик мактабини тугатди. Қозоғистон Республикаси Чимкент вилоятининг “Чордара” давлат хўжалигида самарали меҳнат қилди. (Герои Советского союза-узбекистанцы. (Сборник). 1984. Ст-146.). Совет Иттифоқи Қаҳрамони Коумбоев Тўғонбой 2014-йил 11-июлда Чимкент шаҳрида вафот этди.

Иванин Егор Иванович – 1918 йил 13 январда Тюмен вилояти Сладков туманидаги Покровка қишлоғида туғилган. 1929-йилдан ҳозирги Жиззах вилояти Зомин туманида яшаб, Зоминдаги МТС (Машина трактор станцияси)да тракторчи бўлиб ишлаган. Иванин Егор Иванович 1938-1940 йилларда Қизил Армия сафида ҳарбий хизматда бўлиб, 1939 йилда Совет кўшинларининг Ғарбий Белоруссияга қарши урушида, 1939-1940 йилларда бўлиб ўтган совет-фин урушида иштирок этди. (Имена и подвиги. Справочник. 1990. Ст -92-93.). Иванин Егор Иванович

1941 йил Жиззах тумани ҳарбий чақирув бўлиmidан яна ҳарбий хизматга чақирилган ва II жаҳон урушини Шимолий Кавказ мудофааси жангларидан бошлади. Кавказ учун бўлган жангларда кўрсатган қаҳрамонлиги учун бир неча марта мукофотларга сазовор бўлди. У 1944 йил 747 батарея командири сифатида Болтиқ бўйи ҳудудларини душмандан озод этиш учун бўлган жангларда алоҳида қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. Иванин Егор Иванович 1944 йил 24-августда Шяуляй (Литва) шаҳри учун бўлган жангларда сафдан чиққан батарея командири ўрнига барча масъулятни ўз зиммасига олди. Душманнинг 12 та танк ёрдамида ҳужумларига қарши мудофаа ҳалқасини ташкил этиб, шахсан ўзи иккита душман танкини йўқ қилди. Душман танклари ортга чекинган, бир гуруҳ душман автоматчилари батарея орқасидан айланиб ўтишга мувоффақ бўлдилар. Иванин пулемётда, бошқа артиллериячилар автоматларда душманга ўт очиб уларнинг ҳужумларини қайтардилар. Яна ҳужумга ўтган душман танкларидан учтаси Иванин томонидан йўқ қилинди. Артиллериячиларнинг қаҳрамонликлари туфайли совет пиёда қўшинлари қайта ҳужумга ўтдилар ва стратегик жиҳатдан муҳим позицияни эгалладилар.

СССР Олий Совети Президиумининг 1945 йил 24 мартдаги қарорига биноан старшина Иванин Егор Иванович душманга қарши жангларда кўрсатган қаҳрамонлиги ва унга топширилган ҳарбий топшириқларни наъмунали адо этганлиги учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони, Ленин ордени ва “Олтин Юлдуз” медали (№8874) билан тақдирланди. (ЦАМО СССР, ф. 33, оп. 793756, д. 19, л. 7; 31/114-115; 139/24-26; 151/15-21.). Урушдан сўнг Ўзбекистонга қайтган Е.И.Иванин Жиззах шаҳрида яшаб, турли хўжалик лавозимларида ишлади. 1979-йилда вафот этди. (Ҳайдаров Ҳ., Усмонов Қ. 2009, 146-147-б.)

Хулоса ўрнида мухтарам Президентимизнинг куйидаги фикрларини келтириш жоиздир: “Ҳақиқатан ҳам, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз фашизм балосига қарши курашда жасур аждодларимиз кўрсатган мардлик ва матонатни асло ёдидан чиқармаслиги керак. Бу тарихий ҳақиқатни уларга тўла етказиш, фарзандларимизни миллий ғурур ва ифтихор руҳида, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда барча мутассадди ташкилотлар, олимларимиз, ижодкор зиёлиларимиз фаол иштирок этадилар, деб ишонаман.” (Мирзиёев. 2019).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.М.Мирзиёев. 9-май – Хотира ва кадрлаш куни. 2019-йил, 9-май.
<http://www.xabar.uz/uz/siyosat/shavkat-mirziyoyevning-9-may-munosabati-bilan-sozlagan-nutqi>
2. Герои Советского союза. Краткий биографический словарь. 2 том. Военное издательство. М; 1998
3. Герои Советского союза узбекистанцы. «Узбекистан». Т; 1984.
4. Степанова А. Память сердца. К 95-летию со дня рождения герои советского союза Н.С.Павлова. М; 2017. Ст. 16, 22.
5. Имена и подвиги. (Справочник). Главная редакция Узбекской Советской Энциклопедии. Т; 1990
6. Ҳайдаров Ҳ., Усмонов Қ. Жиззах тарихи. Т; “O’QITUVCHI”, 2009.
7. ЦАМО СССР, ф. 33, оп. 793756, д. 48, л. 173-174; 46/318; 121/284-289; 139/100-104.
8. ЦАМО СССР, ф. 33, оп. 793756, д. 49, л. 92; 84/75-76; 88/113-119; 106/183-200.
9. ЦАМО СССР, ф. 33, оп. 793756, д. 21, л. 35; 38/31; 46/147.
10. ЦАМО СССР, ф. 33, оп. 793756, д. 19, л. 7; 31/114-115; 139/24-26; 151/15-21.

ЖИЗЗАХЛИКЛАРНИНГ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

А. Бодиров

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Уруш йилларида халқимизнинг ватанпарварлиги фронтда кўрсатилаётган оммавий қахрамонликда ва мамлакат ичкарасида жонбозлик билан қилинган меҳнатидагина ифодаланиб қолмасдан, Собиқ ССРнинг озод қилинган ҳудудларидаги аҳолига немис-фашист босқинчилари вайрон қилган хўжаликларни қайта тиклашда меҳнаткашлар томонидан берилиб турган умумхалқ ёрдамида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Фашистлар босқинидан озод қилинган туманлар хўжалигини қайтадан тиклашга мамлакатнинг барча меҳнаткашлари билан биргаликда жаззаҳликлар ҳам катта ёрдам бердилар. Бу ёрдам турли формаларда: озиқ-овқат молларидан иборат посилкалар юбориш, қишлоқ хўжалик ва бошқа машиналар билан таъминлаш, қайтадан иш бошлаган мактаблар, кутубхоналарини тўлдириш, вайрон қилинган шаҳар ва қишлоқларни қайта тиклаш учун пул тўплаш, мутахассислар юбориш – мана шуларнинг ҳаммаси озод қилинган туманларга берилган ёрдамнинг турли шакллари эди.

Зомин тумани колхозчилари Крупская номли колхоз аъзоларининг душмандан озод қилинган туманлардаги колхозчиларга ёрдам учун мудофаа гектарлари экиш ҳақидаги чақириғига жавобан 45 гектарга буғдой ва арпа экдилар. Бундан ташқари мудофаа фондига 10.000 сўм пул, 27 эчки, 5 та қўй топширилди. Ахтаҳона қишлоқ советидаги “Пахтаорол” колхозининг аъзолари 5000 сўм пул, колхоз раиси Норқўзиев бир қўй берди.[1]

Фориш тумани ёшлари Ленинград (ҳозирги-Санк-Петербург) шаҳри болаларига июль ойи ичида 3 минг 850 сўм пул ва бир қанча буюмлар тўплаб юборадилар. Бу ишда Молотов номли колхоз ёшлари (етақчиси Мирзаев) айниқса яхши ташаббус кўрсатади. Мирзаев 890 сўм пул йиғиб, Ленинград болаларига юборади.[1]

Қалтатой қишлоқ советидаги “Нурли қуёш” колхозининг аъзолари жангчилар учун 200 килограмм жун, 55 та тери топширадилар. Колхоз раиси Қулматов 5 та тери ва 5 килограмм жун беради. Қоратош қишлоқ советидаги Ворошилов номли колхоз аъзолари 100 килограмм жун, 50 та тери, колхоз раиси Низом Саримсоқов 5 килограмм жун, 5 та тери топширади. Шу қишлоқ советидаги “Коммунизм” колхоз аъзолари жангчилар учун 50 килограмм жун ва 60 та тери тўплайдилар. Ғаллаорол қишлоқ советидаги “Янги турмуш” колхоз аъзолари 20 килограмм жун, 21 та тери, “Политотдел” колхозининг раиси Ўсаров 3 килограмм жун, 2 та тери топширади. “Қизил байроқ” колхоз аъзолари жангчиларга иссиқ кийим учун 14 дона тери топширади. Баҳмал қишлоқ советидаги “Темир қадам” колхозининг аъзолари Сталинград (ҳозирги Волгоград) ҳимоячиларига октябрь олди совғаси қилиб бир бош семиз қўй, бир бош эчки, бир центнер тарик юборади. Колхознинг ферма мудури Отабоев бир бош эчки беради. Жангчиларга иссиқ кийим учун колхоз бошқарув маъмурияти 8 дона тери, 11 килограмм жун, 500 сўм пул топширишади. Қисқа вақт ичида туман меҳнаткашларидан 52 килограмм жун, 816 дона тери йиғилади.[1]

Уруш йилларида жаззаҳлик хотин-қизлар матонат билан меҳнат қилдилар. Улар урушга кетган акалари, эрларининг ўрнини эгалладилар. Бу даврда Зомин тумани “Четарик” қишлоқ совети “Қизил қўшин” колхозининг хотин – қизлари ҳамма ишда фронтга кетган эркакларнинг ўрнини эгаллайди. Эри немис босқинчиларига қарши жанг қилаётган Турсуной, 17 яшар Жабборой Эргашева ва Қаршигул Ҳақимовалар далага чиқиб қўш ҳайдайдилар. Улар кузги дон экиш ишларида иштирок этиб, ҳар куни 0,65-0,70 гектардан ер ҳайдаб, нормаларини ошириб бажарган.[2]

Уруш йилларида мамлакатда танк колоннаси ва авиа эскадрилья қуриш учун маблағ тўплаш ишлари ҳам амалга оширилади. Танк колоннаси ва авиа эскадрилья қуриш учун маблағ тўплаш вилоятда авж олиши натижасида 1942 йилнинг 21 декабрига қадар танк колоннаси қуриш фондига 40 миллион 104 минг сўм маблағ тўпланади. Танк колоннаси ташкил этиш учун Ғаллаорол тумани меҳнаткашлари 3 миллион 519 минг сўм пул тўплаб Давлат банкларининг бўлимларига топширади.[1]

Жиззах воҳаси меҳнаткашлари ҳукуматнинг Иккинчи Давлат Ҳарбий заёмига ҳам уюшқоқлик билан ёзилади. Жиззах тумани меҳнаткашлари ярим соат ичида янги заёмга 3 миллион 681 минг 800 сўм миқдорида аъзо бўлади. Ўтказилган подписка суммасининг ҳаммаси, яъни 3 миллион 750 минг сўм пул давлат банкига нақд топширилади. Зомин тумани меҳнаткашлари эса бир соат ичида 3 миллион 742 минг сўмга, Ғаллаорол тумани меҳнаткашлари 4 миллион 121 минг сўм заёмга ёзиладилар ва улар ўзлари топширган пулининг ҳар бир сўми ёвга ажал бўлишини изҳор қиладилар.[2]. Уруш йиллари Жиззах тумани марказидаги “Швейник” артели 30 станокдан иборат янги тўқувчилик цехини очади. Цех апрель ва май ойининг биринчи ярмида 1500 метр бўз ва 1226 метр сочиқ ишлаб чиқаради. 1942 йилнинг охиригача бу янги цех аҳоли учун ярим миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради.[1]. Уруш йиллари Жиззах воҳаси халқи ҳам жангчиларнинг оилаларига доимий ғамхўрлик қилиб турган. Маҳаллий давлат органлари уларни ҳисобга олиш ва ёрдам кўрсатиш ишларини назорат остига олади. Корхона ва муассаса ҳамда саноат корхоналари ва артелларда фронтчиларнинг оилаларига кўмаклашиш юзасидан кундалик иш олиб борилган. Жангчиларнинг ота-оналари, хотинлари ва болалари кўп миқдорда кийим-кечак, пойабзал ва рўзғор анжомлари ва бошқа моддий ёрдамларни олиб турган.

Жиззах тумани ижроия комитети туманнинг ўзидан ҳарбий хизматга чакирилганларнинг оилалари билан бир қаторда жангчиларнинг ва командирларнинг немис-фашист босқинчилари вақтинча босиб олган ҳудудлардан кўчириб келтирилган оилаларига ҳам ёрдам бериш ва уларнинг маиший аҳволини яхшилаш соҳасида анча ишларни амалга оширади. Туман ижроия комитети ҳузурда ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини давлат томонидан таъминлаш ва уларнинг маиший аҳволини яхшилаш бўлими тузилмасидан илгари нафақа олиб турган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларидан ташқари янгидан 846 нафар ҳарбий хизматчининг оиласига нафақа берила бошлади. Уруш бошлангандан буён ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига тўпланган нафақадан ташқари, бу пайтда туманда ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига ёрдам кўрсатиш фонди 74.500 сўм пул, 120 центнер ғалла, 140 бош чорва моллари ва анчагина пойабзал, кийим кечаклар ажратилади. 882 оиланинг томорқа ерига турли экинлар экиб берилиб, 148 оиланинг уйи ремонт қилиб берилади. Кўпгина фронтчиларнинг оилалари ишга ва болалари ясли ҳамда боғчаларга жойлаштирилган. Туман меҳнаткашларифронтчиларнинг оилаларига кўрсатилган бу ёрдамлари билангина қаноатланибгина қолмасдан, уларнинг маиший аҳволларини яхшилаш чораларини ҳам кўрган. Колхозчиларда ҳарбий хизматчиларнинг оилалари учун 170 гектар ғалла экилган. Ленин қишлоқ советидаги Ленин номли колхоз аъзолари фронтчиларнинг оилаларига атаб 15 гектар ерга ғалла экадилар, 20300 сўм пул ва уст-бош кийимлар ажратадилар. Шунингдек Охунбобоев номли колхоз 15 гектар ерга ғалла экиб, 10 бош кўй, 5 бош сигир, 80 центнер ғалла ва “Коминтера” колхозини 9 гектар ғалла экиб, 40000 сўм пул ажратади.[2].

Фориш тумани Каттаич қишлоқ советидаги колхозлар жангчиларнинг оилаларига ёрдам ва ғамхўрликни кун сайин кучайтирган. Қишлоқ совети бўйича жангчиларнинг оилаларини маиший аҳволини яхшилаш учун 13 гектар ерга ғалла экилади. Бундан ташқари аскар оилаларига 810 килограмм ғалла тарқатилади. Уларнинг моллари учун 160 центнер сомон берилган, 8 жангчининг оиласи эса соғиладиган эчкилар билан таъминланади.[2]. Жиззах туманида ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига ғамхўрликнинг кучайтирилиши натижасида 1645 оила давлат

томонидан нафақа олади, 2263 оиланинг аризаси кўриб чиқилиб нафақа белгиланади. Туман ижроия кўмитаси қошида тузилган комиссия ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини текшириб чиқади ва текширишдан кейин 2725 оила турли солиқ, 1000 оила турли давлат мажбуриятларини тўлашдан озод қилинади, 2185 оилага тиббий ёрдам кўрсатилади. Улар учун 54538 сўм пул ва 71809 сўмлик саноат моллари берилади. Туман меҳнаткашлари ҳарбий хизматчиларнинг оилалари учун 170 гектар ерга ғалла, 20 гектар ерга сабзавот экинлари экади. Ҳарбий хизматчиларнинг 692 оиласи колхозлар ҳисобидан 156 центнердан, 190 оила 25890 сўм пул билан ёрдам олади. Колхоз бошқарув маъмурияти 199 оилани сигир билан, 141 оилани қўй-эчки билан, кўп миқдорда газлама ва пойабзал билан таъминлаган. 1989 оилага ўтин ва 312 оилага пичан билан ёрдам кўрсатилади.[2].

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Жиззах воҳаси меҳнаткашлари жангчиларининг ўз оилалари тўғрисида хотиржам бўлишларини таъминлаш учун ҳар қанча ёрдам ва ғамхўрликларини аямаган.

Хулоса қилиб айтганда, Иккинчи жаҳон урушининг тарихий сабоқлари сўнмасдир. Орадан йиллар ўтади, замонлар ўтади. Биздан кейинги авлодлар ва одамлар ўрнини янгидан-янги авлодлар эгаллайди. Аммо, ҳеч қачон фашизм балоси устидан қозонилган жаҳоншумул ғалабага муносиб ҳисса қўшган юртпарвар ота-боболаримиз жасоратини, юртдошларимиз эсдан чиқармайдилар, уларнинг порлоқ хотирасини, уларнинг руҳипоклари олдида таъзимда бўладилар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Ленин йўли” 1942 йил 27 май. №122 (3146); 8 август. №185 (3209); 29 сентябрь. №229 (3254); 23 октябрь. №250 (3274); 31 декабрь. №304 (3328); 22 декабрь. №207 (3321); 10 июнь. №134 (3158);
2. “Ленин йўли” 1943 йил 19 март №62 (3390); 31 март. №71 (3399); 4 июнь. №116-117 (3445); 8 май . №97 (3425); 1 сентябрь. №181 (3509); 5 июнь. №118 (3446).

ШАРОФ РАШИДОВ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

А.К.Тошбоев,
ЎзМУ Жиззах филиали

Маълумки, собиқ шўролар даврида Ўзбекистонда компартиянинг устувор бошқарув тизими ва сиёсати юргизиблиб республикамиз иқтисодиёти хом ашё ишлаб чиқаришга асосланган ҳолда қарор топди. XX асрнинг 60-70 йилларида Марказнинг пахта етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги сиёсати ўта тажовузкор хусусият касб этди. Республикада пахтачиликни юксалтириш учун барча ташкилий ва моддий ресурслардан кенг фойдаланилди. Шундай бир даврда кишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва шунинг замирида аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ва халқ фаровонлигини таъминлашни бош мақсад қилиб олган шахснинг Ўзбекистонга раҳбарлик қилиши халқимизнинг бахти эди.

Собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистон раҳбарияти кишлоқ иқтисодиётини ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаатдор эди, шунинг учун ҳам пахта етиштириш билан бир қаторда кишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини маълум даражада бир хил қийматга эга бўлган ресурслар билан таъминлашга интилди (Шамсиддинов, 2012. Б. 96). Хусусан, республика аҳолисининг моддий аҳволини яхшилашга ёрдам берадиган озиқ-овқат экинларини маълум миқдорда етиштиришга эътибор берди. Бироқ, бу ҳол Марказнинг пахта яккахокимлигини кенгайтиришга қаратилган империяча йўлига зид келарди. Собиқ иттифоқнинг тажовузкор шовинистик сиёсати энг авжига чиққан шундай бир пайтда бу каби сиёсат юритиш ниҳоятда катта

иктидор талаб қиларди. Республикамизни шундай оғир ва мураккаб йилларда бошқарган, эл-юртимиз шаънига ҳам, ўз номига ҳам гард юктирмай ўтган атоқли давлат арбоби Шароф Рашидов эди.

Бироз ўтмишга назар ташлаб, Шароф Рашидов республиканинг раҳбари бўлган даврни кўз олдимизга келтирсак, бу мамлакатимиз ҳали уруш асоратларидан қутулмаган, оғир шароитни бошидан кечираётган бир давр эди. 50-йилларнинг ўрталаридан бошлаб Совет давлатининг сиёсий раҳбариятида «коммунизмга жадал юриш» мафқурасида колхоз кооператив мулки ўз имкониятларини тугатди, деган фикр устунлик қила бошлади. Кооператив мулкни ижтимоий мулкка жадал «етказиб олиш» йўли билан «социалистик мулк»нинг икки шакли ўртасидаги тафовутни барҳам топтиришга қарор қилинди. Ажабланарлиси шундаки, давлат яна бир марта ўзининг иқтисодий аҳволини қишлоқ меҳнатқашлари ҳисобига яхшилаб олишга уринди. Агар «Хурушчев ўн йиллиги» бошларида кўпол ғайри иқтисодий мажбурлаш, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалаларига ёндашувда озик-овқат развёрткиси усуллари қўллаш стратегияси бирмунча бўшаштирилган бўлса, 60 йилларнинг бошларида партия «Коммунистик жамият қурилишини жадаллаштириш» йўлига ўтиши билан мазкур стратегия яна аввалги ҳолига қайтди. «Коммунистик жадаллаштириш» томон йўл тутиш қишлоқ хўжалигида қутилаётган «кескин юксалиш» пахтадан тобора кўпроқ ялпи ҳосил олишга эришиш сиёсатининг яққол ифодаси янги ўзлаштирилган ерларда пахта етиштирадиган хўжаликларни жадаллик билан ташкил этиш бўлди.

Шароф Рашидовнинг республикамизни қарийб чорак аср давомида бошқариши албатта осон бўлмаган. Яхши биласиз, ўша даврларда ҳар қайси иттифоқдош республика раҳбари собиқ Марказ чизигидан чиқмасдан фаолият олиб боришга мажбур эди. Шунга қарамай, Шароф Рашидов республикамиз, халқимиз равнақи учун ўзини аямасдан меҳнат қилди. Республикамиздаги жуда кўп иншоотлар, муҳим объектлар қурилиши айнан унинг номи билан бевосита боғлиқ эканини эл-юртимиз яхши билади. Энг муҳими, буларнинг барчаси нафақат ўша давр, балки келажакни ўйлаб, узоқни кўзлаб амалга оширилган. Биргина мисол: ўша пайтларда Мирзачўл, Қарши, Жиззах, Сурхон-Шеробод чўлларининг ўзлаштирилиши натижасида миллионлаб гектар кўрик ерлар очилди, пахтазору бугдойзорлар, боғ-роғлар барпо қилинди. Бугунги кунда бу ҳудудлар халқимизнинг фаровон ва тўкин ҳаёти учун хизмат қилмоқда. Маълумки, ўзбек халқи асосан қишлоқда, суғориладиган жойларда яшашарди. Шароф Рашидов халқимизнинг ризқи насибаси ер билан боғлиқ эканлигини яхши тушунган инсон эди. Бунинг устига аҳоли сонининг тезкорлик билан ўсиши ва суғориладиган ерларнинг ниҳоятда камлиги, унинг сифатининг пасайиб бориши, халқимизнинг асосий қисмини қишлоқ жойларда яшаши, яқин ўртада ер танқислиги энг жиддий ижтимоий-иқтисодий муаммога айланишини сезар эди. Халқимиз дастурхонини мўл-кўл қилиб турган еримиз кун сайин торайиб бормоқда эди. Уша даврдаёқ халқимизни шу ер билан боқиб бўлмаслиги кўзга ташлана бошлади. У ерларни кенгайтириш заруриятини даврнинг асосий муаммоларидан бири сифатида қарарди.

Янги ерларни ўзлаштиришнинг икки йўли бор эди. Энг аввало, мавжуд бўлган сув манбаларидан мустақил фойдаланиш, ирригация ва мелиоратив ишларни жадаллаштириш лозим эди. Шу мақсадда бир қанча йирик каналлар ишга туширилди. Масалан: Аму-Бухоро, Қарши, Шимолий Фарғона, Саркисов номидаги Мирзачўл, Ленин, Киров номидаги каналларни кўрсатиш мумкин. Тошкент, Каркидон, Чимқўрғон, Пахтакор, Андижон, Туямўйин ва Жанубий Сурхон сув омборлари қурилиб ишга туширилди. Республикада 20 та йирик сув омборларида 6 млрд кубометрга яқин сув сақланади. (И.Александров, 1992. Б. 8) Лекин буларнинг ҳаммаси ерларни керакли миқдорда ўзлаштиришга ожизлик қилар эди. Шунинг учун ҳам мавжуд ерларни кенгайтиришнинг асосий манбаи Сибирь дарёларининг бир қисмини ўрта Осиё шу жумладан Ўзбекистонга келтиришдан иборат эди. Бу буюк ишларни амалга ошириш учун

Шароф Рашидов сув келтиришнинг янги режасини тузди. У ички сув резервларини йўлга солиш билан бирга бу масалани мамлакат ягона комплекси асосида ҳал қилишга аҳд қилган. Бу ҳам бўлса асримизнинг энг улкан лойиҳасини ишга солиш, яъни Сибирь дарёларининг бир қисмини Ўрта Осиёга ва, биринчи навбатда, Ўзбекистонга келтириш бирталай ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиши мумкинлигини ҳисобга олиб, Марказий Қўмитанинг бир неча съездида ушбу муаммони кўтарди. Натижада каналнинг илмий лойиҳаси ва изланиш ишлари ниҳоясига етказилган бўлсада канални куриш тўсатдан тўхтатилди. Бунга Марказдан Ўрта Осиёни гуллаб-яшнашига тўсик бўлиб турган бир гуруҳ раҳбарлар бўлса, иккинчиси, томондан фаҳми калта, узокни кўролмайдиган маҳаллий “етакчилар” сабаб бўлди. Улар томонидан Шароф Рашидовга нисбатан бўхтон тошлари отила бошлади. Гап шундаки, лойиҳадаги кўрсаткичлар амалга оширилса республикамизда суғориладиган ерлар 8 млн гектарга етар эди. Ўша вақтда эса фақат 4 млн гектар. Бинобарин, мўлжалланган сув канали билан у ердан 8 млн тонна пахта, 12 млн тонна ғалла, узум, сабзавотлар олиш мўлжалланган ва чорвачиликни жадаллаштириш режалаштирилган эди. “Етакчилар” эндиликда 8 млн тонна пахта етказиб бериш ҳисобини чамалаб кўриб, “Ш.Рашидов шундай оғир шароитда пахтани 8 млн гектарга етказиб, бизни тинкаю мадоримизни курутмоқчи бўлган экан”, деган асосиз даволарни кўтариб чиқдилар. Асосиз дейишимизга сабаб, Шароф Рашидов халқимизнинг қўл меҳнатини енгиллаштириш тўғрисида доимо жон куйдириб, айниқса, пахтачиликни механизациялаштиришга катта эътибор берган. Шу мақсадда республикамиз собиқ СССР таркибида пахта комплекси учун машиналар ишлаб чиқарадиган марказга айланди. Бу ерда мамлакатда ягона пахта терадиган машина заводи барпо этилди.

Бу буюк лойиҳанинг амалга оширилиши Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ерларини суғоришда янги давр очиб беришини ва Орол инқирозининг ҳал қилинажagini кўрсатиб ўтган эди. Сибирь дарёларининг сувини келтириш жуда катта ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиб бериши равшан эди. Бу ерда кўшимча 8 млн гектар янги ер ўзлаштирилиб, булардан кўп миқдорда пахта ва бошқа кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари олиниб туриларди. Ўша даврда 4 млн гектар ер 20 млндан зиёд аҳолининг ризқиний таъминлаётган экан, бу кўшимча ер эса 40 млн дан ортиқ аҳолини боқиши мумкин эди. Бу сиёсат тезкорлик билан ўсиб бораётган аҳолини иш билан оқилона таъминлашга қаратилган ҳам десак муболаға бўлмайди.

Аслини олганда катта марказлаштирилган давлат маблағи ҳисобига амалга оширилган ҳар қандай амалий иш ўз самарасини бериши лозим. Шунга асосан Сибирь дарёлари Ўрта Осиёда бекор оқмаслиги лозим эди. Улар, энг аввало, суғориладиган ерларга ва Оролни тўлдириш учун сарфланиши керак эди. Балким ушбу лойиҳа амалга ошганида бугун глобал муаммога айланган орол муаммоси бартараф этилган бўлармиди.

Шароф Рашидовни таниқли ёзувчи сифатида ҳам яхши биламиз унинг «Ғолиблар» романида ҳам юқоридаги фикрларимизни гўёки ифодалагандек асосий тўқнашув сув атрофида кечади. Ўз нутқларида Рашидов кўпинча сув ҳақида халқ ҳикматларидан цитата келтирган: «Сув тугайдиган жойда, ер ҳам тугайди». У тез-тез таъкидлаган, сувдан фойдаланиш ҳуқуқи Марказий Осиёни вайрон бўлишидан ушлаб туради: «Сиз, Марказий Осиё учун сув нимани англантишини биласиз. Сувсиз бизда ҳаёт йўқ. Бизнинг ҳосилдор еримиз, агар биз уни суғормаганимизда ўлар эди. Қадимги шаҳарларнинг сўнган харобалари – агар сув кетиб қолса, одамлар ҳам, ҳаётнинг ҳам кетиши, ҳайратда қолдирадиган исботи». (Ш.Рашидов, 1972 й.) Дея бод-бод таъкидлаганида ҳам кишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва шунинг замирида аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ва халқ фаровонлигини таъминлашда сув ресурсларининг аҳамиятини очиб беришга урунган. Ушбу улкан лойиҳа амалга ошмаган бўлсада ички имкониятлар ҳисобига Шароф Рашидовга хос бўлган билимдонлик бу ер ва сув билан боғлиқ муаммони ҳал қилиш йўллари аниқлаб берди. 1960 йилда республикада жами 3 млн. гектар ер мавжуд бўлса, Ш.Рашидов фаолиятининг охириги йилларига

бориб 4 млн. гектордан оширишга муяссар бўлди. Қарийб 1 млн. гектарга кўпайди. Демак, ҳар йили қарийб 80 минг гектардан ер ўзлаштирилган, охириги йиллари эса 500 минг гектарга яқин ерлар ўзлаштирилган ва кўпроқ пахтачиликни ривожлантиришга катта аҳамият берилган. Бу ўзлаштирилган ерлар асосан Мирзачўл, Қарши ва Жиззах чўлларида бўлиб, миллионлаб одамлар шу ерларга кўчиб келиб бу жойларни ўзлаштирганлар. Янги ўзлаштирилган ерларда асосан пахта экилган. Сабаби мамлакат иқтисодиётини ўстиришнинг асосий манбаи пахта ҳисобланган. Пахтанинг салмоғи агар 1960 йилда 2823 млн тоннани ташкил этган бўлса, унинг раҳбарлик фаолиятининг охирида қарийб 6 млн тоннага етказилди. Она еримизни эъзозлашнинг энг мақбул йўли унинг структурасини илмий асосда ишлаб чиқиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш муаммоларини Ш.Рашидович жуда яхши тушунар, уни амалий ишда кўрсатар эди. Бу ишларни амалга ошириш учун катта сармоялар сарфланди. Мамлакат ривожини таъминлайдиган энг катта омил бу - халқ хўжалигига сарфланган капитал қуйилмалардир.

Шароф Рашидов раҳбар бўлган йилларда, бу маблағнинг ҳажми 1,3 млрд сўм бўлса, унинг сўнгида, яъни 1983 йилда 6,8 млрд сўмни ташкил қилди. Бу рақамдан республикамизнинг ривожланиш даражасини билиб олиш қийин эмас. Капитал қуйилмаларнинг ҳажми кўпайиб борди. Шароф Рашидович давлат тепасида турган йиллар халқ хўжалиги 7 баробар тезлик билан ўсган. Булар республикамиз иқтисодиёти моддий базасининг мустаҳкам бўлишига, саноат ва қишлоқ хўжалпги маҳсулотларининг кўпайишига асос бўлди. Бу йилларда саноат моллари қарийб 70 марта кўпайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 6 марта, темир йўлларда юк ташиш 50 марта, чакана савдо ҳажми 60 марта ўсган. Натижада, саноатнинг таркиби мутлақо такомиллашиб, кўп миқдорда меҳнат қуроллари ва хом ашё ишлаб чиқарадиган саноат турлари ташкил топди ва ривожланди. (И.Александров, 1992. Б. 8).

Шундай қилиб, Шароф Рашидовнинг Ўзбекистонимиз, халқимиз учун қилган фидойи хизматларини, ҳалол ва покиза номини эл-юртимиз ҳеч қачон унутмайди. Яқин ўтмишимиздаги жуда мураккаб, оғир ва таҳликали йилларда юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона хизмат қилган, тақдир синовларидан муносиб ўтиб, ўз вазифасини шараф билан адо этган Шароф Рашидов қисмати барчамизни мустақилликнинг қадрига етишга, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ундайди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори бу эзгу ишларнинг мантикий давоми бўлди. Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Жиззах туманига Шароф Рашидов номи берилди. Бу ерда ёдгорлик мажмуаси барпо этилиб, у кишининг ҳайкали ўрнатилиши, Жиззах шаҳрида мемориал уй музейи ташкил этилди. Адибнинг “Сайланма” китоби, Шароф Рашидов ҳаёти ва фаолиятига бағишланган “Халқимизнинг оташқалб фарзанди” хотира китоби нашр этилганлиги барчани бирдек хурсанд қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-2854 қарори. 27.03.2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ш.Рашидов таваллудининг 75 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақида”ги 267 қарори. 06.06.1992.
3. Шароф Рашидов “Ғолиблар” романи. 1972.
4. И.Александров “Шароф Рашидовнинг Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси” Ш.Рашидовнинг 75 йиллиги муносабати билан ташкил этилган илмий анжуман материаллари. Тошкент 1992.
5. Шамсиддинов Р. Ш. Ватан тарихи. Тошкент, 2012.

ШАРҚШУНОСЛАРНИНГ ТОШКЕНТДА ЎТКАЗИЛГАН БИРИНЧИ БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ХУСУСИДА

Ш.Рашидов,

Ўзбекистон ФА Тарих институти

Ўзбекистонда 1950 йилларда фан, таълим, маданият соҳаларида ижобий ўзгаришлар юз бериб, муайян маънода турли ислохотлар кузатилди. Шу жумладан, шарқшунослик фанининг янги босқичга чиқишида, соҳада кенг қўламли тадқиқотлар олиб борилишида мазкур давр ўзига хос аҳамият касб этади. Қайд этиш лозимки, машҳур давлат ва жамоат арбоблари Шароф Рашидов, Нуриддин Муҳитдинов каби Ўзбекистоннинг ўша вақтдаги раҳбарлари шарқшунослик масалаларига алоҳида эътибор қаратган. Жумладан, Шароф Рашидов 1956 йилда Ўзбекистон Компартияси биринчи секретари бўлиб ишлаган Нуриддин Муҳитдиновга хат ёзиб шарқшунослик масалалари юзасидан қатор фикрларни билдиради. Хатда шундай жумлалар бор эди: “Сўнгги пайтда “Islam Review” (Лондон), “Middle East Journal”(АҚШ) журналлари ва бир қатор газеталарда Ўзбекистонда фақат диний эркинликлар эмас, умуман, ўзбек халқи ва унинг маданияти йўқ қилинаётганини исботлашга уринган бўлхон мақолалар чоп қилинган. Менинг фикримча, Тошкентдаги шарқшунослик ташкилотларига Шарқ мамлакатларида ҳам бизнинг дўстларимиз, ҳам душманларимиз томонидан эълон қилинаётган Совет Ўзбекистонига тегишли барча материаллар билан МК Бюросига тизимли равишда ахборот бериб боришни топшириш лозим. (Эргашев, 2017. 80-б.).

Қайд этиш лозимки, Шароф Рашидовнинг мазкур хати республикада шарқшунослик фани, мазкур йўналишдаги тадқиқотларни янги босқичга олиб чиқилишига катта таъсир кўрсатди. Хусусан, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти ва Ўрта Осиё Давлат университети шарқшунослик факултетига “совет Ўрта Осиёсидаги ҳолат тўғрисида чет эл матбуотида эълон қилинаётган материалларни ўрганиш ва бу материаллар ҳақида республика раҳбариятини хабардор қилиш” вазифаси юклатилади. 1956 йил 27 январда Ўзбекистон Компартиясининг XIII съезди бўлиб ўтади ҳамда республиканинг ўша вақтдаги раҳбари Н.Муҳитдинов томонидан шарқшунослик фанини ривожлантиришнинг долзарб жиҳатларига ва унинг аҳамиятига эътибор қаратилади. Шарқ мамлакатлари халқлари Совет Иттифоқидаги инсонларнинг ҳаёти ва муваффақиятларига қизиқиш билдираётгани, шунингдек, совет кишиларини ҳам Шарқдаги чет мамлакат халқларининг тарихи, иқтисоди ва маданияти қизиқтираётганига урғу берилади. Шунингдек, съездда Ўзбекистон шарқшунослари зиммасига шарқ мамлакатларининг тарихи, иқтисоди ва маданиятини ўрганиш юзасидан олиб борилаётган илмий ишларни янада кенгайтириш вазифаси юкланади. Шарқшунослик соҳасида тадқиқотларни амалга ошириб келаётган ЎзРФА Шарқшунослик институти ва Ўрта Осиё Давлат университетининг (ҳозирги Миллий университет) шарқ факултети фаолияти танқид қилинади. Тадқиқотларни янада жонлантириш мақсадида Тошкентда совет шарқшуносларининг илмий конференциясини ўтказиш белгиланади. Бу даврда Шарқшунослик институти нафақат, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси муассасалари орасида балки Иттифоқда ва бошқа хорижий мамлакатлар орасида ҳам анча машҳур эди. Республикага кўпгина мамлакатлардан келган делегациялар Ўзбекистоннинг қадимий тарихга эга эканлигидан хабардор ва у билан танишишга муштоқ эди. Бу институт ўзининг кўпгина қадимий қўлёзмалари билан, хусусан, Шарқ мамлакатларига довуғи кетган эди (Бобоев, 2019. 20-б.). Нуриддин Муҳитдинов ўз хотираларида баён қилишича, 50-йилларда Шарқ халқлари ҳаётида юз берган ўзгаришларни ўрганишга бўлган эҳтиёж мазкур соҳадаги илмий тадқиқотларни кучайтиришни тақозо этарди. Натижада, 1957 йилда Тошкентда шарқшуносларнинг биринчи Бутуниттифоқ конференцияси ташкил этилди. Унда “Москва, Ленинград, Украина, Озарбайжон,

Тожикистон, Грузия, Қозоғистон, Арманистон, Туркманистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Доғистон, Татарстон ва Кабардин делегациялари иштирок этишди. Шунингдек, Хитой, Полша, Чехословакия, КХДР, Мўғилистон, Вьетнам, Руминия давлатларидан олимлар ташриф буюришди (Мухитдинов, 1995. С.298). Қайд этиш лозимки, мазкур конференция Совет Иттифоқининг Шарқ мамлакатларига бўлган сиёсатини белгилаб олишда, Шарқ халқларининг бой маданий мероси, ижтимоий-иқтисодий жабҳалардаги ютуқларини ўрганиш ҳамда ушбу йўналишда малакали кадрларни тайёрлаш соҳасидаги асосий вазифаларни белгилаб олиши билан ҳам аҳамиятли эди.

Конференциянинг Тошкентда ўтказилиши Н.Мухитдиновнинг саъй-ҳаракатлари натижасидир. Ўз хотираларида буни қуйидагича эслайди: “Бундай анжуманни ўтказишнинг фойдали эканлиги ҳақида 1957 йил апрелдаёқ КПСС Марказий Комитетига таклиф киритгандик. Пекинда Мао Сзе-дун билан, Пхенянда Ким Ир Сен билан, Жавоҳарлаъл Неру, шаҳзода Сианук, Сукарно, Зоҳиршоҳ, шоҳаншоҳ Паҳлавий билан Тошкентда, КПСС XIX ва XX съездларида Осиё, Африка, Лотин Америкасидан иштирок этган делегациялар аъзолари билан учрашувлар чоғида, шунингдек, Москва, Ленинград, Бокуда Шарқ олами бўйича илмий тадқиқот ишларининг аҳволи, ўқув юртларида шарқшунос мутахассисларни тайёрлаш, хорижий Шарқ мамлакатларида янги давлат идораларининг амалий фаолияти билан танишгач, бу ғоя пайдо бўлганди” (Мухитдинов, 1995, 347-б). Бу масала Москвада муҳокама қилинганда, Марказий Комитет Президуми аъзолари томонидан конференциянинг Тошкентда эмас балки Москва ёки Ленинградда ўтказиш мумкинлиги ҳақида гапирилган. Бироқ, Н.Мухитдинов томонидан унинг Ўзбекистонда ўтказилиши асослаб берилгандан сўнг, СССРнинг ўша вақтдаги раҳбари Н.Хрушчёв бунга розилик берган.

Н.Мухитдинов 1957 йил 11-13 июнь кунлари бўлиб ўтган конференцияда нутқ сўзлаб, унинг аҳамияти ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган эди: “Шарқ халқлари бутун дунё тарихида катта ўрин тутиб келдилар ва тутмоқдалар. Улар бебаҳо моддий ва маънавий бойликларни яратдилар ва худди Ғарб халқлари сингари жаҳон маданияти ва цивилизацияси хазинасига ўзларининг буюк ҳиссаларини қўшдилар. Хитой ва Ҳиндистоннинг, Миср ва Ўрта Осиёнинг, Эроннинг ва Шарқдаги бошқа мамлакатларнинг мутафаккирлари ва олимлари ўзларининг зийрак ақллари билан узоқ давом этган тарихий даврда фанга йўл очиб бордилар” (Мухитдинов, 1957.).

Конференцияда 50-йилларнинг таниқли олимлари – И.Мўминов, Қ.Ниёзов, Х.Абдуллаев, Я.Ғуломов, Х.Сулаймонова, А.Асқаров, С.А.Азимжонова, В.Ю.Зоҳидов, У.И.Каримов ва бошқалар ўз маъруза ва тадқиқотлари билан қатнашишади. Ўз маърузаларида буюк аждодларимиз Ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Алишер Навоий, Бобур, Мирзо Улуғбек ва бошқаларнинг бой маънавий меросини ўрганиш, уларнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида тўхталиб ўтадилар. Таниқли шарқшунос олима С.Азимжанова бу конференцияда “Ўзбекистон ССРда шарқшунослик фани ҳолати ва вазифалари” номли мақоласи билан қатнашади. Унда Ибн Сино асарларини ўрганиш ва бу борада Ўзбекистон шарқшунос олимлари томонидан амалга оширилган ишларга тўхталиб ўтилади. “1952 йилда Бутунжаҳон тинчлик Кенгаши қарорига асосан буюк олим Абу Али ибн Сино таваллудининг минг йиллик юбилейи нишонланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР ФА Шарқшунослик институти Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарини араб тилидан ўзбек ва рус тилларига таржима қилишни бошлади. 1954 йил “Тиб қонунлари”нинг биринчи китоби чоп этилиб, унда муаллиф томонидан тиббиёт фанларининг умумий назарияси, анатомия, ташхис ва бошқалар хусусида фикрларини билдиради”(Материалы первой всесоюзной научной конференции востоковедов в г. Ташкенте, 1957).

Қайд этиш лозимки, XX аср 50 йилларида ўзбек шарқшунослари томонидан амалга оширилган ишларда Ибн Сино фаолияти, илмий меросини ўрганиш, “Тиб қонунлари” чоп этиш борасидаги ташаббуслар айниқса аҳамиятга молик бўлган. 1957 йил июндаги ушбу шарқшуносларнинг биринчи Бутуниттифоқ конференциясида кўпгина олимлар томонидан Ибн

Сино меросига мурожаат қилинади. ЎЗРФАнинг ўша вақтдаги президенти, таниқли геолог олим Х.Абдуллаев “Беруний илмий меросининг фан тараққиётида тутган ўрни” мавзусидаги маърузасини тақдим этади. Унда Берунийни биринчи шарқшунос олим сифатида эътироф этади. “Беруний ўзигача бўлган олимлар орасида Шарқни ҳаммадан яхши билган, унинг илмий ютуқларидан хабардор, Шарқ халқлари маданият тараққиётдан бохабар инсон эди. У аслида биринчи шарқшунос эди. Унинг ижодида Шарқ хусусан, Ўрта Осиё ва Ҳиндистон илм-фани ўз аксини топди”(Абдуллаев, 1957. Ст.116). Конференцияда юридик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ҳукуматида бир қатор масъулиятли лавозимларда ишлаган Хадича Сулаймонова томонидан Алишер Навоий ижоди, хусусан “Хазойин ул-маоний” китобига мурожаат қилинади. Қайд этиш лозимки, бу даврда Алишер Навоийнинг фан учун номаълум бўлган 2 та – “Бадоеъ ул-бидоя” (Британия музейидан) ҳамда “Наводир ун-нихоя” (Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти қўлёнамалар фондидан) девонларининг топилиши ҳам муҳим воқеалардан бири сифатида қайд этилади. Умуман олганда, мазкур Конференция, нафақат Шарқнинг буюк мутафаккирлари илмий меросини ўрганишда балки, шарқшунослик фани олдида турган долзарб масалаларга эътибор қаратгани билан ҳам аҳамиятлидир. 1955-1957 йилларда Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари бўлган ишлаган Н.Муҳитдинов томонидан соҳадаги камчиликлар ва устувор вазифалар ҳақида гапирилган. Унинг маърузаси матбуот, шу жумладан, “Қизил Ўзбекистон” газетасида кенг ёритилади. Маърузада қуйидаги муҳим жиҳатларга урғу берилади:

Биринчидан, Шарқ мамлакатларидаги миллий сиёсатни ва миллий масалани ҳал қилиш тажрибасини ўрганиш. Бунда Ҳиндистон, Индонезия, Бирма, Миср каби Шарқ мамлакатларида аграр муносабатларнинг хусусиятларини, бу мамлакатларда амалга оширилган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотлар тажрибасини ўрганиш;

Иккинчидан, Осиё ва Африкадаги суверен давлатларнинг ташқи сиёсатини, уларнинг капиталистик мамлакатлар билан, шунингдек, социалистик тузумдаги давлатлар билан ўзаро муносабатларини ўрганиш;

Учинчидан, Шарқ филологияси соҳасидаги тадқиқотлар бўйича камчиликларни бартараф қилиш. Шарқ тиллари ва адабиётини ўрганиш, луғатлар, грамматикалар ва бошқа илмий асарлар ва қўлланмалар тайёрлаш, айниқса, кам ўрганилган шарқ тиллар бўйича илмий текшириш ишларини кучайтириш;

Тўртинчидан, шарқшунослик илмининг барча соҳалари бўйича юқори малакали шарқшунос илмий ходимларни етарли миқдорда тайёрлашни таъминлаш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтганда, 1957 йилда Тошкентда ўтказилган шарқшунослик масалаларига бағишланган биринчи Бутуниттифоқ конференцияси фан олдида турган муҳим масалаларни ҳал қилгани билан, Шарқнинг бой илмий мероси, Марказий Осиёлик буюк алломаларнинг асарларини ўрганишда янги босқични бошлаб бергани билан ҳам қимматлидир. Мазкур конференциянинг Тошкентда ўтказилишида рамзий маъно бўлиб, мамлакатимизнинг қадимдан Шарқ илм-фани, маданияти ўчоғи бўлганлиги билан изоҳланади. Қолаверса, республиканинг ўша вақтдаги раҳбарлари ушбу илмий анжуманни Ўзбекистонда ўтказилиши юзасидан олибборган саъй-ҳаракатлари, ташаббусларини ҳам алоҳида эътироф этиш лозим.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Бобоев Ф. Ўзбекистонда шарқшунослик фанининг ривожланиши ва ундаги муаммолар. // “Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқоти методлари ва методологиясининг долзарб масалалари” мавзусидаги анъанавий Республика XI илмий-назарий конференциясининг материаллари. Тошкент, 2019.

2. Н.Муҳиддиновнинг 1957 йил 13 июндаги маърузаси // Қизил Ўзбекистон. 1957 йил 13июнь.

3. Мухитдинов Н. Река времени. – Москва: “Руссти-Рости”, 1995.
4. Мухитдинов Н. Кремлда ўтган йилларим (Эсдаликлар). I ктиоб. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1995.
5. Материалы первой всесоюзной научной конференции востоковедов в г. Ташкенте. 4-11 июня 1957 г. Издательство Академии наук Узбекской ССР. Т., 1957.
6. Материалы первой всесоюзной научной конференции востоковедов в г. Ташкенте. 4-11 июня 1957 г. Издательство Академии наук Узбекской ССР. Т., 1957.
7. Эргашев Ш. Эрк истар кўнгил. – Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2017.
8. ЎзР МДА17-фонд, 1-рўйхат, 32702 иш.

ИЗ ИСТОРИИ МЕЖДУНАРОДНЫХ НОРМАТИВНЫХ АКТОВ ПО ВОПРОСАМ ЗАНЯТОСТИ НАСЕЛЕНИЯ

О. П. Кобзева,
НУУз, Ташкент,
А. Х. Валиев,
ДГПИ, Джизак

Социальные основы трудовой деятельности человека были заложены еще в глубокой древности. Почти три тысячи лет назад Заратустра в священной книге «Авеста» считал труд источником всех богатств. Он особенно отмечал роль и значение труда земледельцев, садоводов и скотоводов. Благодаря труду, согласно «Авесты», не только благоустраивается край, но развивается и сам человек.

В Авесте особо подчеркивается роль и значение честного труда. Согласно учению зороастризма богатство, приобретенное только честным трудом, может считаться собственностью его владельца. Люди, которые живут за счёт чужого труда, не имеют право на жизнь [1, С.176]. Идеи, заложенные в «Авесте», о труде и его социальном значении находят свое отражение также и в учениях других главных религий мира - исламе и христианстве. Труд как средству самоопределения человека на протяжении длительного исторического периода уделяли внимание многие мыслители, просветители прошлого и учёные настоящего.

С делением общества на антагонистические классы труд делился на виды: умственный и физический. Умственный труд стал достоянием детей правящей верхушки и духовенства, а физический труд - уделом детей простого народа. В средневековье значение труда, его роли в развитии человека и общества, главным образом, воспевали поэты, писатели, учёные, философы и мыслители. Большинство мыслителей средневековья в своих произведениях о труде и его значении признавали необходимость и важность для человека обоих видов труда, подчеркивали их роль в общем развитии человека, но будучи современниками своего времени, поддерживали первоначальное предназначение видов труда - умственный для детей имущих классов, физический для детей трудящихся.

Изучение древней восточной доктрины, указывает на то, что роль Восточной школы в создании и развитии трудовых отношений, научных идей и жизненных отношениях неизмеримо. Эти идеи и взгляды можно рассматривать как научные основы в появлении терминов и понятий, которые используются в современной исторической литературе.

Уровень развития общества во многом определяется эффективностью правового регулирования общественных отношений. Право на труд относится к основным правам человека, а состояние законодательства и реального положения дел в области реализации данного права не только является показателем цивилизованности общества, но и непосредственно воздействует на

его нравственность, эффективность его экономики. Свое право на труд граждане могут реализовать в самых различных формах, тем не менее, большинство населения во всех странах мира входит в армию лиц наемного труда.

Первые попытки регулирования общественных отношений в сфере наемного труда были - предприняты в XIX веке, в эпоху промышленных революций. К обществу и государству того времени пришло понимание необходимости защищать лиц наемного труда от чрезмерной эксплуатации. Цель была ясна — создать минимум условий для нормального воспроизводства рабочей силы и сохранения здоровья нации. Тогда и возникли первые нормативные акты, регулирующие вопросы продолжительности рабочего времени, времени отдыха, оплаты труда, охраны труда, социального обеспечения [4,С.8]. Начать изучение такого вопроса как занятость населения лучше всего с попытки определить место служб занятости в историческом контексте. В международном плане это сделать несложно, достаточно последовательно проанализировать нормативные акты МОТ. Эти акты отражают мировоззрение принявших их людей и являются по своей формулировке прямым отражением конкретной действительности. Некоторые из этих документов претендуют на универсальность, но в большинстве случаев они отражают законы и являются продуктом своего времени, т.е. прежде всего нормативные акты представляют интерес для анализа с точки зрения исторического контекста. Около 20 нормативных актов, затрагивающих прямо или косвенно деятельность служб занятости, являются вехами международного трудового права. Первый нормативный акт, Конвенция №2, была принята на первой сессии Международной конференции труда в 1919 г. За нею последовали другие нормативные акты, принятые в разное время. Эти акты касаются вопросов управления трудом [3,С.9]. На первой сессии Международной конфедерации труда в 1919г. были приняты два нормативных акта: Конвенция №2 и Рекомендация №1 по вопросам безработицы. Экономические системы стран Европы испытывали негативное периодическое влияние циклов, состоящих попеременно то из подъема, то из спада производства. Безработица не воспринималась как следствие порочной экономической системы, а скорее как зло, неизбежное при нормальном функционировании производительной машины. Для политических руководителей того времени “рычаги безработицы”, или “численность резерва рабочей силы” были средством обеспечения равновесия экономических сил. Это представление укоренилось так сильно, что нет ничего удивительного в том, что оно нашло свое отражение в нормативных актах 1919г. [2,Т2, С.30].

В 1948 г. было принято два нормативных акта, которые и по сей день, являются единственными документами, непосредственно касающимися служб занятости. Речь идет о Конвенции №88 и Рекомендации № 83 об организации служб занятости. Эти акты не ограничиваются простыми предписаниями организационного характера. В них были сформулированы новые концепции. Теперь безработица рассматривается как бич не только для отдельного человека, но и как результат плохого функционирования экономической системы. В обязанность службы занятости входит не только помощь отдельным безработным, но и контроль за занятостью.

Исходя из новых нормативных актов, полная занятость – это, прежде всего результат рациональной организации рынка труда, которая сводится к устранению препятствий, мешающих его развитию и попыткам его стабилизации. Службы занятости являются основным организатором и регулятором этого рынка. Такова главная мысль создателей нормативных актов 1948г. В статье №1 Конвенции, в частности, говорится: «Главная задача служб занятости должна заключаться в осуществлении совместно с другими заинтересованными государственными и частными организациями, если таковые имеются, наилучшей организации рынка труда, являющегося неотъемлемой частью государственной программы обеспечения и поддержания полной занятости»

[2,Т2, С.30]. Кроме определения задач служб занятости, Конвенция подробно объясняет пути их решения: трудовое посредничество, поощрение профессиональной и географической мобильности и сбор информации о рынке труда. Эти нормативные акты не снимают со служб занятости ее традиционной социальной функции. Они напоминают, что эти службы должны способствовать управлению системой страхования на случай безработицы, а кроме этого, как и раньше, принимать меры по организации трудового посредничества для молодежи и определенных категорий работников. Речь идет не о подмене одной функции другой, а о совмещении первоначальной социальной функции и экономической функции регулятора рынка труда. Эта двойная задача определяет как бы двойную суть службы занятости, что затрудняет ее практическую реализацию. Именно этот факт послужит причиной многочисленных разногласий и обречет государственную службу занятости на постоянное балансирование между решением проблем, связанных с безработицей, и проблемами занятости.

В главе, посвященной непосредственно организационным вопросам, конвенция выдвигает принципы разумного управления. Разрозненные конторы должны быть объединены в сеть службы занятости, что позволит через консультативные региональные или местные комиссии участвовать в них как нанимателям, так и работникам, облегчит профессиональную специализацию по отраслям экономики, обеспечит компетентность и честность персонала и даст возможность координировать их деятельность с частными конторами трудового посредничества [3,С.17]. С точки зрения сегодняшнего дня, этот документ не может удовлетворить требованиям многих стран, поэтому все настойчивее раздаются голоса за его пересмотр. Но в одном он все же прогрессивен: в последнем абзаце довольно обширной статьи №6 указано, что служба занятости должна «помочь в той мере, в которой это необходимо, другим государственным или частным организациям в разработке как социальных, так и экономических планов, направленных на улучшение положения в сфере занятости» [2, Т2, С.43].

Таким образом, проблема занятости может решаться совместно с многочисленными государственными и частными организациями. Определяя программы занятости как совместный результат деятельности различных организаций, документ определил тем самым направление дискуссий, которые начались через несколько лет.

ЛИТЕРАТУРА:

1. Авеста. Избранные Гимны. Пер. с авестийского. Душанбе, «Адиб», 1990. с.176.
2. Конвенции и рекомендации, принятые МОТ. В 2 т. Т.2. - Женева: Международное Бюро Труда, 1991. - 432с.
3. Рикка С. Служба занятости: природа, назначение, функционирование / пер. с фр. И.А.Дунаевой. – М.: Центр учебных и информационных технологий, 2000.-214с.
4. Чернина Н.В. Проблема безработицы. - Ярославль: Ресурс,1992.- 84с.

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БЎЛАЖАК ТАРИХ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ТАДҚИҚОТЧИЛИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Р.Б.Ярматов,
ЖДПИ, Жиззах

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши жамият ҳаётида ҳар соҳада мустақилликка эга бўлиши, хусусий ислоҳотлар йўлини танлаши, стратегик-давлат ўзгаришларига сабаб бўлди. Бу эса ўз навбатида бўлажак тарих ўқитувчиларини илмий ижодга жалб этиш орқали уларнинг тадқиқотчилик компетентликларини шакллантириш муаммоси олий таълимнинг долзарб ва муҳим вазифаси ҳисобланиб, бу олий таълим вазирлигининг меъёрий ҳужжатларида бир неча

бор таъкидланган. Олий таълим давлат стандартининг “Тарих” таълим йуналиши бўйича битирувчини тайёрлаш даражасига қўйиладиган малака талабларида, педагогика олий таълим муассасаларида ишлаш учун тайёрланган бўлиши кераклиги кўрсатилган. Бўлажак тарих ўқитувчиси касбий фаолиятининг турлари орасида қуйидагилар мавжуд: ўқитувчилик, илмий-методик, ижтимоий-педагогик, тарбиявий, маданий-маърифий, коррекцион-ривожлантирувчи ва бошқарув фаолияти. Шу кунгача таълим тизимини ривожлантириш мақсадида олиб борилган истиқболли ислохотлар, чора-тадбирлар одатий таълим тизимини замонавий таълим тизимига ўзгаришида ўзининг самарали натижасини бериб келмоқда. Олий таълим тизими узлуксиз таълимнинг асосий бўғинларидан бири ҳисобланиб, замонавий таълим тизимида бўлажак тарих ўқитувчиларининг тадқиқотчилик компетентлигини шакллантириш муҳим вазифалардан бири сифатида эътироф этилди. Шунингдек, замонавий таълим тизимида бўлажак тарих ўқитувчилари тадқиқотчилик компетентлигининг ўзига хос хусусиятлари педагогик фаолиятда рефлексия жараёни билан боғлиқ холда мувофиқлашади. Жумладан, педагогик жараёнда рефлексия – юзага келган педагогик вазиятда педагогик ўзаро муносабатларнинг субъектив педагогик вазиятни ташкил қилувчилар: ўқувчилар, ўқитувчилар, педагогик жараён қатнашчиларини ривожлантириш шартлари, муҳит, мазмун, моҳият, педагогик технологиялар ва бошқаларга ўзини мувофиқлаштириш жараёни. Касбий рефлексиянинг ўзи ва шахсий “Мен”и имкониятларидан келиб чиқиб танланган касб, жумладан, у ҳақда мавжуд тасаввурлар талаб қиладиган омиллар билан уйғунлаштириш сифатида таърифланади. Педагогик касбий рефлексия ҳақида ҳам сўз юритиб, бу тушунча остида исталган касбий рефлексияга ўхшаш, лекин педагогик фаолият хусусиятлари ва шахсий педагогик тажриба билан боғлиқ моҳиятан ўзгача рефлексия назарда тутилиши таъкидланади. Ўқитувчининг касбий педагогик фаолиятида рефлексия жараёнини ўрганиб, кўплаб олимлар унинг коммуникатив ҳамда кооператив турларини устун қўяди, айнан ушбу усуллар ўқитувчининг педагогик фаолиятида ва ўқувчилар билан мулоқотида кўпроқ намоён бўлади. Шунингдек, замонавий таълимда ҳозирги замон педагоги – фақат дарс берувчи ўқитувчи эмас, ўқувчи-талаба қандай ўқиётган ва ривожланаётганлигини тушунадиган ва ҳис этадиган шахс ҳисобланади.

Замонавий таълим тизимида бўлажак тарих ўқитувчилари тадқиқотчилик компетентлигини шакллантиришда унинг ўзига хос хусусиятлари сифатида мулоқот ва коммуникатив компетентликларни белгилай олишимиз мумкин. Негаки, бўлажак тарих ўқитувчиларига мулоқот тадқиқотчилик компетентлигини амалий жиҳатдан намоён қилишларига замин яратса, коммуникатив компетентлиги ўзаро ахборот алмашиш имконини беради.

Мулоқот билан коммуникатив компетентлик ўзаро бир-бирларидан қуйидаги жиҳатлари асосида фарқланади:

- мулоқот амалий, моддий, маънавий, ахборот ҳамда амалий-маънавий тавсифга эга.
- коммуникатив компетентлик атамаси маълумотларни жўнатиш йўллари, субъектнинг бошқа бир объект (инсонлар, ҳайвонлар, техникалар) билан алоқа қилиш воситаси орқали ўзаро ахборот алмашиши.

Мулоқот— шахс индивидуал ривожланиши жараёнида намоён бўладиган бирламчи фаолият турларидан бири. Бу фаолият инсондаги кучли эҳтиёжлардан бири — инсон бўлиш, одамларга ўхшаб гапириш, уларни тушуниш, севиш, ўзаро муносабатларни мувофиқлаштиришга қаратилган эҳтиёжларидан келиб чиқади. Шахс ўз тараққиётини айнан шу фаолият турини эгаллашдан бошлайди ва нутқи орқали (**вербал**-сўз орқали); ва нутқсиз воситалар (**новербал**) ёрдамида бошқа фаолият турларини мукамал эгаллашга замин яратади.

Коммуникатив компетентлик— таълим жараёнининг барча иштирокчилари, жумладан, талабалар билан самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш. Шу ўринда, замонавий таълим тизимида тадқиқотчилик компоненти бўлажак тарих ўқитувчиларининг нафақат асосий билимлар ва кўникмаларини эгаллашларини, балки изланишлар, тадқиқотчилик хусусиятидаги ижодий фаолият учун зарур бўлган билимларни ҳам эгаллашни кўзда тутуди. Бўлажак тарих ўқитувчиларининг тадқиқотчилик компетентлигини шакллантиришни биз назарий билимлар ва амалий кўникмаларнинг юқори даражасининг, шунингдек мустақил тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш кўникмаларининг мавжудлигини талаб этувчи тадқиқот фаолиятига тайёргарлик сифатида белгилаймиз.

Замонавий таълим тизимида тадқиқотчилик компетентлигини шакллантириш бўлажак тарих ўқитувчиларининг мазкур фан воситалари билан янги илмий билимларни излаб топишнинг мантикий табиати, фанда ишлаб чиқилган тадқиқотчилик инструментарийсининг барча мажмуини эгаллаш ва бу асосда – замонавий илмий билимнинг эвристик ғояларини ижодий идрок этиш тўғрисида равшан тасаввурларни назарда тутуди. Фикримизча, таълим-тарбия жараёнларида ўқувчиларнинг фаолиятларини такомиллаштириш ва таълим-тарбия жараёнларининг самарадорлигини оширишнинг энг асосий шартларидан бири ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятини ташкил этиш заруратидир. Ўқитувчиларнинг инновацион фаолияти – янгиликларни излаш, ўрганиш ва уларга таянган ҳолда илмий асосланган маълумотлардан фойдаланиш, педагогик, психологик ва ижтимоий-иқтисодий янгиликларни ўзлаштириш асосида таълим-тарбия жараёнига инновацион ёндашув технологияларини жорий этиш орқали педагогик жараёнлар самарадорлигини таъминлашдир. Ўқитувчининг касбий маҳорати педагогик фаолиятда намоён бўлади ва йиллар ўтган сари сайқалланиб бойиб бораверади. Маҳорат – ўқитувчи шахсини юқори даражадаги касбий билим, умуминсоний йўналиш, педагогик қобилият ва педагогик техникани педагогик фаолиятда ўз ўрнига қўйиб фойдаланишда мукамал сафарбар этишини таъминлайди.

Ҳозирги замонавий таълим тизимида тадқиқотчилик компетентлиги билан биргаликда компетенциятушунчалари мазмунан яқин бўлиб, компетенция – касбий тайёргарликнинг янги бир сифати бўлиб, компетентлик инсоннинг билимлари тезкор ва маслашувчан бўлади, мунтазам янгилашиб туради. Компетентлик мазмунли (билимлар) ва касбий (кўникмалар) таркибий қисмлардан ташкил топган бўлиб, энг мақбул ечимни танлай олиш, танловни асослаш, танқидий тафаккурни назарда тутуди. Компетентлик – фақатгина билиш категорияси сифатида эмас, балки шахсият категорияси сифатида ҳам қаралади. Шунга кўра: зарурий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш; қандайдир фаолиятни бажариш қобилиятини аниқловчи шахс хусусиятлари; касбий хусусиятлар тўплами ҳамда шахснинг тегишли компетенцияларни эгаллаши каби таркибий қисмларидан иборат бўлиши кераклиги таъкидланади. Замонавий таълим тизимида компетенциявий ёндашувни жорий этиш, компетенцияларни танлаш, уларни бўлажак тарих ўқитувчиларида шакллантириш, бўлажак тарих ўқитувчиларининг компетентлигини баҳолаш, компетенциявий ёндашув асосида ўқувни меъёрлаштирувчи ҳужжатларни такомиллаштириш тадқиқотчилик компетентлигининг ўзига хос хусусиятларидир. Шунингдек, замонавий таълим жараёнида бўлажак тарих ўқитувчилари олган билимларини бевосита кундалик ҳаётида қўллашга ўргатадиган компетенциявий ёндашувга асосланган ДТС ларни яратиш ва уни таълим жараёнига татбиқ этиш, таълим тизимида самарали замонавий педагогик технологияларни қўллаш эса, компетент шахсни тарбиялашнинг меъзонидир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, замонавий таълим тизимида бўлажак тарих ўқитувчилари тадқиқотчилик компетентлигининг ўзига хос хусусиятларини такомиллаштириш орқали уларнинг педагогик жараёнда бўлажак етукмутахассис сифатида ўзларини намоён қила олиш, етакчилик хусусиятларини шакллантириш, коммуникатив компетентлиги орқали ахборот

етказиб бера олиш, ҳар томонлама чуқур таҳлилий фикрлаш каби қобилиятларини ривожлантиришқоидаларини эътироф этиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т.: Ўзбекистон. 2016. 14 бет.
2. Карлыбаева Г.Е. Бўлажак физика ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш. Док.дисс. автор. Тошкент 2019, 58,16 бетлар.
3. М.Исаков. «Педагогик атамаларнинг изоҳли луғати» фанидан ўқув-услубий кўрсатма. Андижон-2013.
4. Усаров Ж.Э. Таянч ва фанга оид компетенциялар асосида таълим мазмунини такомиллаштириш ва ўқувчилар компетентлигини ривожлантириш. Док. дисс.автор. Тошкент 2019, 31,15 бетлар.
5. Халиков А.А. Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ривожлантириш.: Дис. ... пед. фан. Док .авт. – Тошкент, 2018. – 220 б. -17 бет.
6. Халиков А.А. Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ривожлантириш. Монография. – Тошкент, 2015. – 281 б. -47 бет.

ЎЗБЕКИСТОНДА ФИЗИКА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНING ТАРИХИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Х. Инатов, З. Инатов
Жиззах шаҳар 14-мактаб

Тарихий манбалардан маълумки, Ўрта Осиё, хусусида, Ўзбекистон дунёнинг қадимий маданият-маърифат марказларидан бири ҳисобланган. Буюк Берунийнинг илмий маълумотларига кўра, Хоразмда қарийб 3000 йиллар бурун юқори аниқликдаги таквим қўлланилган. Қадимий Самарқанднинг илмий марказ сифатида жаҳонга танилганига 2500 йилдан зиёд вақт ўтди. Муҳаммад ал Хоразмий, Аҳмад Фарғоний (IX аср), Абу Наср Фаробий (X аср), Беруний, Ибн Сино (XI аср), Улуғбек, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид ал-Коший, Али Қушчи (XV аср) ва буюк Навоий каби улуғ зотлар жаҳон илм-фани маданияти хазинасига улкан қимматбахо илмий-маърифат мерос қўшдилар.

Янги усулдаги мактаблар 1890 йилда дастлаб Тошкент, Бухоро, Қўқон, Самарқанд, Фарғона сўнг эса ўлканинг бошқа шаҳарларида барпо этилди. Бу мактабларда ҳикмат-физика ва табиётшунослик, кимё, биология, геология ҳамда гуманитар фанлар ўқитила бошлади. Мазкур мактабларда физика фани Абдулла Шуносий дарслиги асосида ўқитилди. Унда механика, иссиқлик, электр, буғ машиналарининг ишлаш жараёни ҳақида маълумотлар берилган эди. Қори-Ниёзийнинг “Табиатдан бир парча” номли кичик рисоласи 1919 йилда нашр этилди. Унда жисм агрегат ҳолатининг ўзгариши оддий ҳаётий тажрибалар асосида тушунтирилган бўлиб, бу ўша давр физика ўқитувчилари учун катта янгилик эди.

Мактабларда физика ва бошқа табиий фанларни ўқитишга эътибор 1919 йилдан кейингина кучайди. Жумладан, Тошкентнинг эски шаҳар марказида (Эски Жувада) физика, химия, биология, геология, зоология фанлари бўйича лаборатория ишларини кўрсатиш учун марказий лаборатория ташкил этилди. Тошкент ва Фарғона шаҳарларида 1918 йили ўқитувчилар тайёрлаш курслари ташкил қилиниб, унга 300 нафар киши жалб этилди.

Кўконлик физика ўқитувчи Ҳусайнхон Ниёзий томонидан 1922 йилда биринчи марта “Ҳикмат-кимё” дарслиги яратган бўлса, 1140 терминни ўз ичига олган физика луғати ёзилганидан анча кейин - 1932 йилдагина нашр этилди.

Самарқандда 1927 йили Олий педагогика ўқув юрти ташкил этилди. 1933 йилга келиб, у Ўзбекистон Давлат университетига айлантирилди. Бунда бошқа мутахассисликлар қатори физик кадрлар тайёрлаш вазифаси ҳам йўлга қўйилди.

1923 йилда ўлка нашриёти олдига ўзбек ва туркман тилларида физика ва математикадан қўлланмалар, дарсликлар яратишга нисбатан эътибор кучайтириш вазифаси қўйилди.

Абдулла Шуносийнинг физика дарслиги 1929 йилга келиб, такомиллаштирилган вариантда иккинчи марта нашр қилинди. Бу китоб ўзбек мактаблари учун ўша даврнинг муҳим дарслиги сифатида хизмат қилди. Ана шу зайл мактабларда физика ўқитиш савияси йил сайин яхшиланиб бориш билан бирга, мутахассис физика ўқитувчилари сафи ҳам тобора ўсиб борди. Ўзбекистон Педагогика илмий-тадқиқот институтида 1940 йилда ташкил этилган “Физика-математика шўъбаси” ходимлари - Г.П.Шуппе, А.В.Муравьёв, Т.Н.Қори-Ниёзий, Б.П.Вейбер ва бошқалар физика таълимининг долзарб муаммолари бўйича илмий изланишлар олиб бордилар. Улар физика ўқитувчиларини тайёрлаш, физикадан ўзбек тилида илмий атамалар луғатини тузиш, таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар учун физикага доир ўқув қўлланмаларини сифатли таржима қилиш юзасидаи катта ишларни амалга оширдилар. Бу олимларнинг саъй-ҳаракати билан ўзбек тилида физикага доир адабиётлар йилдан-йилга кўпайиб борди. Таълим ўзбек тилида ўқитилган мактаблар сонининг ортиши ва олий маълумотли физика ўқитувчилар сафини кенгайтириши билан сифатли дарсликка бўлган талаблар ҳам ортди.

Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти таркибидаги физика-математика шўъбаси 1964 йилдан бошлаб, физика ва математика методикаси бўлимига айлантирилди. Бу даврда бўлимга педагогика фанлари номзоди А.А.Самиғжонов раҳбарлик қилди. Бўлим ходимлари физика ўқитиш методикасига оид кенг қўламда тадқиқот ишлари олиб бордилар. Жумладан, А.А.Самиғжонов “Физикадан факультатив дарсларида гелиотехникани ўрганиш”, Т.Г.Саидвалиев “Факультатив дарсларда сунъий толаларнинг физик хусусиятларини ўрганиш методикаси”, Л.М.Шведко “Ўзбекистон мактабларида физика таълими методикасини такомиллаштириш” каби мавзуларда илмий-тадқиқот ишларини амалга оширдилар. Шундан кейин илмий тадқиқотчилар сони янада кенгайди. Жумладан, Э.Шакарбоев “Факультатив дарсларда плазманинг физик хусусиятларини ўрганиш”, Э.Алиқулов “Тожиқ тилидаги мактабларда физика таълими методларини такомиллаштириш”, А.Ҳамидов “Тожиқ тилидаги мактаб ўқувчиларининг материалистик дунёқарашини тарбиялаш”, А.Тожиев “Физика дарсларида политехник таълим”, Х.Арғинбоев “Ўрта мактабда гелиотехникани ўрганиш масалалари”, Д.Шодиев “Бошланғич синфлар табиатшунослик дарсларида физика элементлари”, Б.Мирзахмедов “Кечки мактабларда физика таълими методларини такомиллаштириш”, З.Исмоилов “Экспериментал асосда физикадан масалалар тузиш ва уларни ечиш”, Н.Садретдинов “Ўрта мактабларда физикадан синфдан ташқари ишларни ташкил этиш шакли ва методлари” мавзуларидаги илмий-тадқиқот ишларини яратдилар. Ўзбекистонда физика ўқитиш методикаси кескин ривожланди ва унинг таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари жаҳон миқёсига кўтарила бошлади. Академиклар П.Қ.Ҳабибуллаев, Р.Бекжоновлар раҳбарлигида 1976-1980 йилларда илмий тадқиқот ишлари янада такомиллашди. Ҳозирги даврда педагогика фанлари докторлари Б.М.Мирзахмедов, Д.Ш.Шодиев, Э.О.Турдиқулов, Ю.Пўлатов, Ю.Махмудов, Н.Турдиевларнинг номлари нафақат Ўзбекистонда, балки Россия, Украина, Беларуссия, Қозоғистон давлатларида маълум ва машҳур бўлиб, улар кўпгина илмий тадқиқотчиларнинг ишларига илмий раҳбар ва оппонет сифатида фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Шунингдек, ўз навбатида В.Р.Разумовский, А.И.Бугаев, Ю.И.Дик, А.А.Пинский, И.К.Туришев,

А.В.Усова, А.Т.Глазунов ва бошқа етук рус, украин олимлари билан ўзбек олимлари ўртасидаги илмий-тадқиқот муаммолари бўйича олиб борилаётган ҳамкорлик ишлари яхши йўлга қўйилди.

Ўз даврининг обрўли олимларидан ҳисобланган профессор Б.М.Яворский Б.М.Мирзахмедовнинг диссертация ишини жуда юқори баҳолаб, бу Тошкент билан Москва ўртасида илмий методика оламида ўзига хос кўприк қурилишига сабаб бўлди, деб таъкидлаган эди. Бўлим ходимлари томонидан “Физика ўқитишнинг самарадорлигини ошириш”, “Физика ва астрономия, физика ва кимё фанлараро боғланиш”, “Физиканинг тадбиқий масалалари”, “Ўқувчиларни кишлоқ хўжалигининг физик асослари билан таништириш” каби муаммолар тадқиқ этилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришуви туфайли таълим тизимида туп ўзгаришлар юзага келди. Физика ва математика бўлимига 1993 йилдан бошлаб профессор Б.Мирзахедов раҳбарлик қила бошлади. Бу даврда физика ўқитиш методикаси бўйича Д.Шодиев, Э.Турдиқлов, Ю.Маҳмудов, А.Баҳромов, Д.Пўлатова, Л.Пўлатоваларнинг 1996-1999 йилларда бажарган тадқиқот ишлари давлат таълим дастурини илмий-услубий жиҳатли мукаммаллаштириш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилди.

Ўзбекистонда профессор Б.М.Мирзахмедов раҳбарлигида физика фани бўйича ишлаб чиқилган ДТС ва янги дастур тажриба-синовдан ўтказилиб, амалиётда қўлланилмоқда. Олим Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда баркамол инсонни шакллантиришга имкон берувчи объектив ҳуқуқий омилларни, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни ва миллий анъаналарни ҳисобга олиш мақсадларини кўзлаган.

Физика ўқитиш назарияси ва методикаси бўйича 1993-1999 йилларда бажарилган илмий тадқиқот ишлар давр талаби даражасида амалга оширилди. Бўлим ходимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишлари ўз моҳиятига кўра Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган вазифаларга тўла мос келади. Мазкур ҳуқумат ҳужжатларни амалётга тақдиқ этиш бўйича бўлим илмий-техник ходимлари зиммасига катта маъсулият юкланди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажариш билан боғлиқ устувор изланишларда бўлим илмий ходимлари ҳам фаол иштирок этадилар.

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти физика таълими назарияси ва методикаси бўлимида олиб борилаётган илмий изланишлар асосида яратилган ўқув-методик мажмуалар умумий ўрта таълим мактабларида физика таълими самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Жумладан, умумий ўрта таълим учун физикадан давлат таълим стандарти (Б.Мирзахмедов, Д.Шодиев, Э.Турдиқулов, А.Баҳромов, Ю.Маҳмудов, Д.Пўлатова, Л.Пўлатова, С.Ёқубов) талабларига мос равишда миллий мактаблар учун физика фанидан дарслик, ўқув ва методик қўлланмалар ўзбек муаллифлари Б.М.Мирзахмедов, Д.Ш.Шодиев, Н.Ш.Турдиев, П.Ҳабибуллаев, А.Бедидаев, А.Баҳромов, А.Юсуповлар томонидан яратилди ва ҳозирги даврда умумтаълим мактабларида қўлланилиб келинмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Инатов Х. Физика ўқитишда интегралланган билимларнинг гуманитар асослари / Сборник научно-методических статей. Тошкент-2012. 175-180 бетлар.
2. Инатов Х. Физика ўқитишда интегралланган билимларнинг гуманитар асослари / Сборник научно-методических статей. Тошкент-2012. 175-180 бетлар.

ТАРИХ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИЛАР МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Р.М. Соатов
ЖДПИ, Жиззах

Бугунги кунга келиб таълим соҳасида кенг қамровли ислоҳатлар амалга оширилиб, бу соҳаси тубдан ислоҳ қилинишига эришилди. Бундан кўриниб турибдики, ёш авлодни ҳар томонлама етук шахс сифатида тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор ва долзарб вазифаси даражасига кўтарилди.

Ўзбекистоннинг умумтаълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жаҳон стандартларига жавоб берадиган таълим тизимини шакллантириш ва сифатини оширишга йўналтирилган. Ҳозирги кунда жаҳон тажрибасидан республикамиз таълим жараёнига ўқитишнинг янги, замонавий усул ва воситалари кириб келмоқда.

“Таълим ва тарбия, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спортни ривожлантириш масалалари, ёшларимизнинг чуқур билимга эга бўлиши, чет тилларини ва замонавий ахборот коммуникация технологияларини пухта эгаллашни таъминлаш доимий устувор вазифамиз бўлиб қолади” - деб таъкидлаган эди Президентимиз Шавкат Мирзиёев [Мирзиёев, 2017. 16-бет].

Таълим-тарбиянинг асосий вазифаларидан бири – тарих фани бўйича ўқувчиларнинг билим самарадорлигини оширишга эришиш, уларнинг ушбу фанга қизиқишларини янада кучайтириш, дарс сифатини юқори босқичга кўтаришдан иборатдир. Айни вақтда миллий ғоя, миллий ва умуминсоний қадриятлар тўғрисидаги билим ва тасаввурларини бойитиш, тарихий тафаккурини кенгайтиришда тарих дарслари муҳим аҳамиятга эга. Юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-ҳунарга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш биз учун энг муҳим масалалардан биридир. Шу ўринда, фарзандларимизнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтириш билан боғлиқ вазифаларга қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Аввалломбор, “оммавий маданият” кўринишида кириб келаётган турли таҳдидлар, гиёҳвандлик, диний экстремизм, миссионерлик каби бало-қазолардан ёшларимизни асраш, уларнинг таълим-тарбиясига ҳар биримиз масъул эканимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак [Мирзиёев, 2017. 89-бет], деб таъкидлаган эди Президентимиз.

Таълимнинг муҳим талабларидан бири ўқувчи ёшларни эркин, мустақил фикрлашга ўргатишдир. Агар ўқувчилар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси кўнгилдагидек бўлмайди. Мустақил фикрлаш катта бойликдир. Ўқувчиларнинг ҳаётий компетенцияларини мунтазам эгаллаб боришларига эришиш ўқитувчининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Ушбу вазифани ўқувчиларнинг мустақил ишларисиз ҳал этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ўқитувчи дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида ўқувчиларнинг мустақил ишларига алоҳида эътибор бериши лозим. Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг методик усуллари хилма-хилдир. Мустақил иш синфда ва синфдан ташқари машғулотлар жараёнида ҳам бажарилади.

Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишда қуйидаги қоидалар кўзда тутилиши мумкин. Булар;

- мустақил ишларнинг ўқувчилар ақлий фаолияти билан боғлиқлиги;
- мустақил иш топшириқларининг аниқ мақсадли бўлиши, уларнинг бажарилиш шартлари, ўқувчиларни фикрлашга, изланишга ундаши;
- мустақил иш бажаришда ижодийликнинг кучайиши;

Ўқувчиларга тарих дарсларида янги маълумот бериш жараёнида ўқитувчининг баёни олдида белгилаб қўйилган саволлар ёрдамида суҳбат билан қўшиб олиб борилса, ўқувчиларнинг ақлий фаолиятини ривожлантириш ва мустақил фикрлашга ўргатиш учун катта имконият туғилади. Бунда ўқитувчи бутун дарс давомида шу фаолликни сақлаши ва ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини кузатиб бориши лозим. Шу тарзда, дарс бошидан охиригача ўқувчиларнинг фаол иштирок этишлари ва ўқитувчининг саволларига мустақил жавоб беришлари асосида ўтади. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг саволлари таълимий ва изланувчанликка ундайдиган, мазмунан аниқ, шаклан қисқа, ўқувчиларга тушунарли бўлиши керак.

Ўқитувчи қўлайдиган методик усуллар ўқувчининг фикрлаш қобилияти ўсишида муҳим аҳамиятга эга. Битта тарихий мавзунини турли хил методик усул, воситалар билан очиб бериш, масалан, гуруҳда ишлаш, муаммоли вазиятни яратиш, қиёсий таҳлил, интерфаол усуллардан фойдаланиш мумкин.

Ўқувчиларнинг тарих дарслари давомида фикрлаш қобилияти билан боғлиқ малака ва кўникмаларига қуйидагиларни киритиш мумкин.

- тарихий билим берувчи манбаларни таҳлил қилиш, тарихий воқеа ва ҳодисалардаги энг асосий муҳим жиҳатларини ажрата олиш, тарихий тушунчаларга таърифлар беришга ўргатиш;
- тарихий ҳодисаларнинг жойини аниқлаш, тарихий харитани “тилга киритиш”;
- тарихий воқеалар ва ҳодисаларни таққослаш ва қиёслаш;
- ахборотлар, маърузалар, рефератлар тайёрлаш, кичик бадиий-тарихий асарларни таҳлил этишга ўргатиш.

Тарихий тафаккурнинг вужудга келиши билан боғлиқ бўлган ана шу малакаларни такомиллаштириб бориш ўқувчида эркин фикрлаш қобилиятининг ўз-ўзидан шаклланишига олиб келади.

Шунинг учун тарих дарсларида ўқувчи шахсини шакллантиришда баҳс-мунозара дарсларини ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Баҳс ўқувчида фикрлаш, мустақил мушоҳада юритиш қобилиятини ривожлантиришга чорлайди. Баҳс-мунозара дарсларини ташкил қилиш учун, аввало, баҳсли вазиятни вужудга келтириш лозим. Ўқувчи муаммо билан тўқнашганда фикрлай бошлайди. Ўқувчи фаолияти қанчалик эркин ва фаол бўлса, унда шахс туйғуси шаклланади. Баҳс жараёнида ўқувчиларни бир-бирларининг фикрларини ҳурмат қилишга ўргатиш ҳам муҳим тарбиявий аҳамиятга эга.

Таълим-тарбия жараёнида устоз ва билим олувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликни таркиб топтириш, аввало, ўша жараёнида инсонпарварлаштириш, дўстона муҳитни яратишни тақозо этади. Бебаҳо миллий кадриятларимиз бўлмиш ўрта асрда яшаган алломаларнинг педагогик қарашлари, маънавий дурдоналари, ҳадислар, ҳикматли сўзлар ва ўзбек халқ мақолларида бу борада пурмаъно фикрлар билдирилган.

Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари ишлари мавзулар бўйича уй вазифаларини бажариш, муайян мавзулар бўйича кузатиш ва тажриба ўтказиш, қўшимча ўқув адабиётлар устида мустақил ишлашни ўз ичига олади.

Ўқувчиларнинг фан асосларини чуқур ва мустаҳкам ўзлаштиришларига эришиш, қўшимча ўқув адабиётлар, кўргазмали воситалар ёрдамида мустақил ишларини ташкил этиш, белгиланган мавзулар бўйича кузатиш ва тажрибалар ўтказиш, ўқувчиларнинг қизиқишларини ва билимларни ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган таълимни ташкил этиш, уларнинг ижодий қобилияти, мустақил ва мантиқий фикрлашини ривожлантириш, илмий дунёқарашини кенгайтириш, касбга йўллаш, ўқишни жисмоний ва ақлий меҳнат билан узвий боғлаш мақсадида синфдан ташқари машғулотлар ўтказилади [Ижтимоий фанларни ўқитишнинг долзарб масалалари: муаммолари, эчимлари ва истиқболдаги режалари, 2017. 151-бет].

Тарих фани бўйича мустақил ишларни самарали ташкил этиш мақсадида қуйидагиларни тавсия этиш мумкин. Булар;

- синфдан ташқари машғулотларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари, сўзлаган нутқи ва маърузаларидан кенг фойдаланиш;

- тарих фанлари бўйича ўтказиладиган дарсларда ўқувчилар замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш;

- тарихий ёдгорликларга экскурсия дарсларини ташкил қилиш, ўқувчилар ўз фикр-мулоҳазалари бўйича тарихий мустақил иш ёзиш;

- тарих фанлари ўқувчиларнинг тарихий тафаккурини ривожлантириш ва иқтидорини аниқлаш мақсадида “сиз тарихни биласизми”, “ёш ҳуқуқшунос”, “тарих дарсларининг энг фаол ўқувчиси”, “энг яхши деворий газета”, “компьютер ва интернет билимдони”, “ёш тарғиботчи” каби йиғнадишларда кўрик танловларини ташкил қилиш;

- тарих фани тўғарак аъзолари томонидан Марказий Осиё мутафаккирларининг маънавий-маърифий меросларини ўрганиш бўйича ижодий ишлар, маъруза, семинар ва рефератлар тайёрлаш ҳамда ижодий қобилиятларини намоён этиш мақсадида макетлар, буклетлар, хариталар кўрғазмасини ташкил этиш;

- ўқувчиларнинг миллий қадриятимиз, бой тарихий меросимизни эъзозлаш мақсадида моддий ва маънавий ашёлардан иборат “мактабнинг кичик музейини ва кўрғазмасини” ташкил этиш.

Хулоса қилсак, тарих фани дарслари ва дарсдан ташқари машғулотларида мустақил ишларни бажарилиши ўқувчиларда ҳаётий кўникмаларини шакллантириш учун имкониятлар яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. Т.: “Ўзбекистон” 2017 йил, 16-бет.
2. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. Т.: “Ўзбекистон” 2017 йил, 89-бет.
3. Ижтимоий фанларни ўқитишнинг долзарб масалалари: муаммолари, эчимлари ва истиқболдаги режалари мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. 2017 йил 29-апрел. “Самарқанд” 151-б.

ЎЗБЕКИСТОН-ҚОЗОҒИСТОН: АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК ВА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИККА АСОСЛАНГАН АЛОҚАЛАР ХУСУСИДА

Ж. Жумаев,
ЖДПИ магистранти

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ мустақил ташқи сиёсат юрита бошлади. Тинчлик ва ҳамжиҳатлик принципларига амал қилиб, мустақил Ўзбекистон тезда жаҳон мамлакатлари ўртасида ўз ўрнини топиб олди. Қисқа муддат ичида 100 дан зиёд хорижий мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

1991 йил декабрида Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) ташкилотига аъзо бўлиб, унинг амалий фаолиятида фаол қатнашмоқда. 1992 йил 2 мартда Ўзбекистон БМТ га тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди [mf.uz]. Мамлакатимиз БМТ юксак минбаридан баён этилган ташаббусларига жаҳон ҳамжамияти доимо катта қизиқиш билан қараб, ташаббусларимизни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Мустақилликнинг илк кунларидан буён Қозоғистон ва Ўзбекистон елкама-елка қўл тутиб, мураккаб даврларда бир-бирларини қўллаб-қувватлаб, бир-бирининг

муваффақиятларидан кувониб келмоқда [“Халқ сўзи”, 2019]. Халқларимиз ўртасида мамлакатларимиз тараққиётига эришишдек ягона мақсадга асосланган мустаҳкам ва уйғун муносабатлар қарор топган. Дарҳақиқат, тарихи, тили, дини ва урф-одати ўхшаш икки қардош халқ: ўзбек ва қозоқ халқларини яхши кўшничилик муносабатлари боғлаб туради. Давлатимиз раҳбарларининг мунтазамлик касб этган ўзаро учрашувларида имзоланган муҳим ҳужжатлар ва эришилган келишувлар ижтимоий-гуманитар, савдо-иқтисодий алоқаларни янги босқичда давом эттириш имкониятини бераётир. Икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 25 йиллигини кенг нишонлаш ҳам Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг 2017 йил 16-17 сентябрь кунлари мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида имзоланган қўшма баёнот асосида юқори савияда ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ва Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қозоғистон Стратегик тадқиқотлар институти ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро анжуманда вазирлик ва идоралар, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, икки мамлакат нуфузли таҳлилий марказлари раҳбарлари, ОАВ ходимлари иштирок этди [mfa.uz]. Мамлакатларимиз ҳамкорлиги 1998 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абдий дўстлик тўғрисидаги ҳамда 2013 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномалар ва бошқа қатор ҳужжатлар асосида тараққий этмоқда. Ўзбекистон ва Қозоғистон халқаро сиёсий майдонда, минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар бўйича ўхшаш ёки яқин қарашларга эга. Мамлакатларимиз БМТ, ШХТ, МДХ каби халқаро ташкилотлардаги иштироки давомида бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Чунончи, Қозоғистон мамлакатимизнинг савдо-иқтисодий соҳасидаги муҳим шерикларидан биридир. Мамлакатимизда Қозоғистон капитали иштирокида қарийб 230 корхона фаолият кўрсатмоқда. Қозоғистонда Ўзбекистон ишбилармонлари билан ҳамкорликда 130 дан зиёд корхона тузилган. Ўзбекистондан Қозоғистонга табиий газ, транспорт воситалари, автомобиллар, минерал ўғитлар, тўқимачилик, электротехника ва қурилиш моллари, мева-сабзавот ва бошқа кўплаб товарлар, хизматлар экспорт қилинади. Қозоғистондан юртимизга нефть, металл, ун, ёғ-мой каби маҳсулотлар импорт қилинади [Uzembassy.uz]. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги транспорт коммуникация алоқалари, автомобил ва темир йўллари ўзаро интеграциялашган. Қозоғистоннинг Мақтаарал тумани ҳудудидан ўтган Тошкент ва Самарқандни боғловчи автомобил йўлининг қайта ишга туширилиши, Тошкент-Олмаота йўналишида тезюар поезд ва икки мамлакат шаҳарларини боғловчи автобус қатновининг йўлга қўйилгани ҳудудлараро маданий-гуманитар алоқалар ривожини, савдо айланмасини ҳамда инвестициялар ҳажмининг сезиларли ошишини таъминламоқда. Иқтисодий, гуманитар, савдо, сармоя соҳасида сезиларли натижаларга эришишда Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 2017-2019 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида ҳудудлараро ҳамкорлик тўғрисидаги битим алоҳида ўрин тутади. 2016 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2 млрд. долларни ташкил қилди. Келгусида савдо айланмасини 5 млрд. долларга етказиш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йили Самарқанд шаҳрида ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзуидаги халқаро конференциядаги нутқида қайд этганидек, Марказий Осиёдаги долзарб масалаларни мамлакатларимизнинг саъй-ҳаракатларини умумий масъулият тамойили остида бирлаштириш орқалигина ҳал этиш мумкин[“Халқ сўзи”, 2019].

Минтақавий муаммоларга биргаликдаги ечим топиш йўлидаги интилиш Марказий Осиё давлатлари раҳбарларини Қозоғистон пойтахтига чорлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатларининг маслаҳат учрашувини мунтазам равишда ўтказиш бўйича ташаббусини Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев қўллаб-қувватлади. 2018 йилнинг 15 мартда эса қардош республика пойтахтида Марказий Осиё давлат раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди. Президентлар мазкур саммитга мавжуд масалаларга биргаликда ечим топиш учун ташриф буюришди. Қолаверса, минтақани янги замонавий форматда янада ривожлантириш бўйича фикр ва таклифлар алмашишди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Қозоғистон сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликнинг намунавий моделини намойиш этмоқда. Бинобарин, ҳар икки мамлакат ўз тараққиётининг янги босқичида турибди. Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди [Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017]. Қозоғистон Президенти 2017 йил бошида қозоқ халқига Мурожаатида мамлакатни модернизациялашнинг учинчи босқичини эълон қилди. Ушбу босқич иқтисодий ўсишнинг янги моделини яратишни назарда тутди.

Кенг қўламли сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликнинг янги шакллари амалга оширишдан томонлар манфаатдор. Хусусан, Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон халқаро сиёсат масалаларида бир-бирини қўллаб-қувватлаб келади. БМТ, ШХТ, МДХ, ИХТ, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида фаол ҳамкорликни йўлга қўйган. Мамлакатларнинг халқаро ҳамда минтақавий аҳамиятга молик кўплаб масалалардаги ёндашувлари ўхшаш ва яқин [mfa.uz]. Ўзбекистон Қозоғистоннинг 2017-2018-йилларда БМТ Хавфсизлик Кенгашига муваққат аъзоликка сайланишини қўллаб-қувватлади. Бу бутун минтақа давлатлари манфаатларини халқаро майдонда илгари суриш имконини бермоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёнинг барча давлатлари билан умумий чегарага эга бўлган Ўзбекистон, шубҳасиз, минтақани барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши кўшничилик ҳудудига айлантирилишидан манфаатдор. Мамлакатимиз тараққиётининг чегараларимиз хавфсизлигидан тортиб сув ресурсларини оқилона тақсимлашгача бўлган барча муҳим ҳаётий масалаларини ҳал қилиш минтақамиз билан чамбарчас боғлиқ. Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган, хавфсизлиги таъминланган Марказий Осиё Ўзбекистон учун энг асосий мақсаддир. Транспорт-коммуникация ва энергетика соҳаларидаги йирик минтақавий лойиҳаларни кўшни мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қилмасдан, уларнинг юксак даражада интеграциялашувини таъминламасдан ошириб бўлмайди [smfa.uz].

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон ва Қозоғистон дипломатиясида барча даражадаги музокаралар жараёнида сиёсий ва иқтисодий йўналишни ҳар томонлама ривожлантириш асосий ўринда туради. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича томонларнинг позицияси бир-бирига ўхшаш. Айниқса, кейинги вақтларда Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарларининг сиёсий иродаси ва ўзаро интилишлари туфайли дўстлик, яхши кўшничилик ва стратегик шерикчилик алоқаларини мустаҳкамлаш борасида чинакам амалий натижаларга эришилмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик ва ўрта давлатлар учун ҳамкорликнинг самарали платформаларини яратиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш ўта муҳим бўлиб, бусиз узоқ муддатли ва барқарор тараққиётга эришиб бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. МИД РУз // Цели и задачи внешнеполитического курса Узбекистана. <http://www/mfa.uz>
2. “Халқ сўзи”, 2019 йил 14 апрель, №75-сон.
3. Uzembassy.uz.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони. 2017 йил 7 февраль. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017-й., 6-сон, 70-модда.
5. [http //dd smfa. uz](http://dd.smfa.uz)

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ ТИКЛАНИШИ ВА ЮКСАЛИШИ

А.Ф.Мажидов,
ЖДПИ, Жиззах

Аждодларимиз асрлар давомида яратган маънавий мерос шу қадар укан, шу қадар қамрови бениҳояки, уни яхлит идрок этишга уринган ҳар қандай илм соҳибининг ақлини шошириб қўяди. Жаҳоннинг бирорта минтақаси Марказий Осиёда етишиб чиққан доно мутафаккирларимиз, олимлар ва кашшофларимиз миқдорида мутафаккирлар етиштириб чиқарган эмас. Айни вақда, бугунги глобллашув даврида жаҳон миқёсида чуқур молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган, рақобат тобора кучайиб бораётган кескин бир шароитда биз мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлини ҳар томонлама таҳлил қилиб, давлатимизни барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш, олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш мақсадида, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқдик [Мирзиёев, 2018.178 б]. Бугунги кунда миллий маънавитимизни ривожланишида ушбу стратегияни ўзига хос аҳамияти мавжуд.

Маънавий меросимиз таркибий қисмлари ўтрасидаги ички уйғунлик, унинг жаҳон маданиятида тутган ўрни ва мавқеи аниқ ифодасини топмаса, турли соҳа мутахассислари алоҳида тадқиқотларини бир жойга жамлаш билан иш битмайди, яхлит манзара ҳосил бўлмайди. Мустақиллик йилларида биз бош ислохотчи – Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида ижтимоий-иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий соҳаларда улуғвор ишлар амалга оширилди. Жаҳонга машҳур бобокалонларимиз – Ўрта Осиё мутафаккирлари қолдирган илмий ва маънавий мерос тарихимизни, қолаверса ўзлигимизни англашда муҳим ҳаётий аҳамият касб этмоқда. Айниқса ёшлар онгига миллий ғоя, истиқлол мафкураси ҳамда бой маънавий меросимизнинг асл моҳиятини сингдиришда кўп томонлама саъй-ҳаракатлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Истиқлол туфайли ардоқли ва шодиёна аёмимиз “Наврўз” бор бўй-басти билан тикланди, пировардида Мустақиллик шарофати билан тантанавор нишонланадиган энг ардоқли халқ байрамига айланди. Эндиликда ёшларни юксак маънавият соҳиблари сифатида тарбиялаш қуйидаги йўналишларда ўз аксини топмоқда:

- Оммавий ахборот воситалари – телевидение, радио ва матбуотда ёритилаётган мақсадли кўрсатувлар ва дастурлар халқимизга кенг кўламда намоёиш қилинмоқда;
- Барча таълим муассасаларида малакали педагоглар илм толибларига маърифат ва маънавият асослари, одобнома, шахс ва жамият, диншунослик ва ҳадисшунослик сингари фанлардан сабоқ бермоқдалар;
- Олий таълим муассасаларида ўтказилаётган маънавий етукликка етакловчи турли тадбирлар ўтказилмоқда;
- Ҳукуматимиз раҳбарлигида маданият, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларида ўтказилаётган кўрик-танловлар, давлат мукофотларига танловлар, талабалар учун махсус давлат стипендияларининг таъсис этилганлиги, ўқувчилар учун қатор фанлар бўйича

ўтказилаётган олимпиадалари ва анъанавий спорт мусобақалари (“Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” сингари спорт беллашувлари айнан баркамол инсонни шакллантиришга қаратилган. Спортни оммалаштириш, айниқса болалар спорти, аёллар спорти кўлами тобора кенгайиб бормоқда;

- Ватанимизда “Наврўз”, “Мустақиллик куни”, “Хотира ва қадрлаш куни”, “Қурбон хайити”, “Конституция куни” сингари умумхалқ байрамларини кенг нишонлаш, шунингдек касб байрамлари – “Устоз ва мураббийлар куни”, “Ватан ҳимоячилари куни” ва бошқа шодиёна айёмларни тантанавор тарзда нишонлаётганимиз нафақат сиёсий, балки муҳим ҳаётий аҳамият касб этади, албатта. Бундай шодиёна кунларда ўзбекистонликларнинг қалби шуқуҳ ва ғурурга тўлиб, келажакка бўлган ишончи янада ортмоқда.

Дарҳақиқат, халқнинг юзлаб йиллар мобайнида яратган асарларни ўрганмай, маънавий ва маданий меросни англамай ва тушуниб етмай, миллий ўзликни англаб етмай, қолаверса умуминсоний қадриятлар уммонида ўз мавқеини аниқлаб олмай туриб асл ватанпарварларни тарбиялаб бўлмайди” [Абдуҳалимов, 2001. С.3], - дея мулоҳаза юритади таниқли шарқшунос олим, тарих фанлари доктори Баҳром Абдуҳалимов

“Глобаллашув жарёнининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар” [Каримов, 2008. 113-б], дея тўғри таъкидлаб ўтгандилар мамлакатимиз Биринчи раҳбари Ислон Каримов. Ҳа, бундай кучлар муҳим геосиёсий, геоиқтисодий ва геостратегик жиҳатдан қулай мавқега эга юртимизнинг нобарқарор бўлиши ва бундан ўзларининг ғаразли мақсадларида фойдаланишни кўзлаб қулай фурсат пойлайдилар. Кўп асрлардан буён Буюк Ипак йўли вазифасини бажариб келаятган минтақамизнинг халқаро аҳамияти ортса ортиб бораётгани, асло камаяётгани йўқ. Миллий ғоянинг ҳамюртларимиз онгига сингдириб борилиши ҳам муҳофаа қудратимизнинг юксалишида ўз аҳамиятига эгадир.

1990-йилларда жаҳондаги айрим сиёсий доиралар ғаразли мақсадларини кўзлаган ҳолда ўша даврдаги ёш давлатимиз, эндигина шаклланаётган давлатчилигимизга қарши мафкуравий хуружларни амалга оширишга ҳаракат қилиб кўрдилар. Лекин “Хизб ут-таҳрир”, “Ваҳобийлик” ва “Нур” деб аталмиш экстремистик гуруҳлар қабиҳ режаларини амалга ошира олмадилар. Чунки мамлакатимиз раҳбариятининг доно ва бунёдкорлик сиёсати, қўллаган тезкор чора-тадбирлари туфайли ўз вақтида уларнинг манфур фаолиятига зарба берилди. Ҳукуматимиз, албатта, хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли дўстона муносабатларни ривожлантириш тарафдори. Лекин давлатимиз дўстона муносабатларга раҳна солувчи мафкуравий хуружларни амалга оширишга интилувчи сиёсий кучларнинг қонунчилигимизга қарши қаратилган хатти-ҳаракатларига чек қўя олади. Дарҳақиқат ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, маънавий баркамоллик ҳар қандай мафкуравий таҳдидларга қалқон бўла олади, олий мақсадлар сари етаклай олади.

2005 йилдаги Андижон воқеалари юзасидан Биринчи Президентимиз Ислон Каримов шундай сўзларни таъкидлаб ўтгандилар: “Халқаро экстремистик гуруҳлар томонидан пухта ўйлаб ташкил этилган бу ёвуз ҳаракатлар авваламбор, тинч-осуда ҳаётимиз ва орамизни бузишга, ўзбекистонни ўзининг мустақил йўлидан қайтаришга, юртимизга конституцион тузумни ағдариш, қандайдир “ҳалифалик”ни ўрнатишдек хомхаёлларни амалга оширишга қаратилгани бугун барчамизга аён” [Каримов, 2007. 12-б], Ҳа, ҳар бир халқнинг маънавий қадриятлари ўзи учун азиз, уларни камситишга геч кимнинг ҳаққи йўқ. Шу билан бирга бир халқ удуми иккинчисиникига мос

келмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолда ҳар ким ўз менталитетини, ўз миллий кадриятларини ёт унсурлар таъсиридан ҳимоя қилишга ҳақлидир. Айрим чет эл оммавий воситалари учун одатий ҳисобланган шундай нарсалар борки, улар бизнинг газетхон ёки телетомошабин учун кадриятларимизни оёқости қиладиган, маънавиятимизни ҳақоратлайдиган тушунчалар бўлиши мумкин.

Маънавий ҳаётимизни янада ривожлагтириш мақсадида кейинги пайтда бир қанча муҳим ҳужжатлар, жумладан, китобхонлик маданиятини ошириш, маданият ва санъат соҳасини такомиллаштириш, ҳудудларда улуғ санъаткорларимиз номи билан аталадиган ижодий мактаб ва марказлар ташкил этиш тўғрисидаги қарор ва фармойишлар қабул қилинди [Мирзиёев, 2018.180 б].

Маънавият – нафақат ижобий ҳислатлар мажмуи, балки ташқи салбий таъсирлардан ҳимоя қилувчи иммунитет ҳамдир. Маънавияти бутун инсонлар ташқаридан келаётган турли исёнкорлик руҳидаги даъватлару тарғиботларга алданиб, эргашиб кетмайдилар. Кейинги вақтда Миср Араб Республикаси, Ливияда юз берган хунрезликлар ва давлат тўнтаришлари ёки Сурия Араб Республикаси ҳамда Украинада намоён бўлган сиёсий бўҳронун парокандаликлар глобал таҳдидларнинг кўлами тобора кенгайиб бораётганлигини кўрсатди. Жамиятимиздаги маънавий жиҳатдан етук, ўткир фаҳм-фаросат ва тиниқ тафаккур соҳиблари миллий манфаатларга қарши қаратилган исёнларни башариятга жар солиб кўкларга кўтарилаётган “демократия тантанаси”дан, лигитим давлат раҳбарларига нисбатан очикдан-очик қўлланилаётган жанговар хуружлару мутаассиблик ҳаракатларини “адолатли ҳукм”дан фарқ қила оладилар. “Араб баҳори” дея аталмиш қабоҳат ва залолат ушбу мамлакатларнинг бошига озмунча кулфат келтиряптими?! Халқ хўжалигичи, озмунча зарар кўрдими?! Ҳалок бўлган бегуноҳ болалар, аёллар ва қарияларда нима айб? Сохта ғоялар ва мафкуралар орқали амалга оширилган ва шу кунларда юз бераётган фуқаролар урушлари араб халқларига барқарорлик, тенглик, фаровонлик, хавфсизлик ва осойишталик олиб келаётгани йўқ.

Тадқиқотчиларимиз учун сир эмаски, ҳозирда чамаси “муҳолифат”, “демократ” ниқобини кийиб олган бир неча ўн минглаб экстремистлар, мутаассиблар, кўпорувчилар ва жангарилар бир араб давлатда исёнларни келтириб чиқариб, яна ўша ниқобларда кўшни мамлакатларга қўлларидаги қурол-аслаҳалари билан ўтиб олдиндан режалаштирилган “спектаклларни қўйиш”ни давом эттирмоқдалар. Булар – асосан султ ривожланган мамлакатлар вакиллари бўлиб, маънавияти -тубан, онги эса – паст. Қолаверса, “демократияни экспорт қилиш ва уни четдан туриб зўравонлик билан жорий қилишнинг ўзи айнан демократияга зид нарса. Демократия асли эркинлик бўлса, эркинликни қандай қилиб зўравонлик билан жорий этиш мумкин? Демократияни куч билан ўрнатишга уринаётганлар ҳар қайси мамлакат ва халқнинг минг йиллар давомида шакллланган ўз миллий кадрият ва урф-одатлари, қарашлари борлигини ҳисобга олиши, уларнинг тавсиялари бошқаларга маъқул келадими-йўқми – буни олдин шу юртда яшаётган одамлардан сўраб, кейин бирон-бир тавсия ёки кўмак бериши керак эмасми?” [Каримов, 2006. 69-б], – деган саволни ўртага ташлаган эдилар Биринчи Президентимиз Ислон Каримов. Биз шундай ҳодиса ва воқеаларнинг шоҳиди бўляпмизки, қатор давлатларда ўтказилаётган мининглар ва намойишлар турли экстремистик гуруҳлар билан омукта бўлгани ҳолда қонуний ҳукумат ва лигитим давлат раҳбарларига қарши қаратилган исёну хунрезликларга айланиб кетмоқда. Чунки уларни асосан жинойтчи тўдалар ва қуролланган жангарилар бошқармоқдаки, уларда на Ватан туйғуси ва на ватанпарварлик ҳисси бор. Мазкур мамлакатларда, албатта сиёсий ва ижтимоий муаммолар мавжуд. Лекин муаммоларни терроризм, экстремизм ёки исёнлар орқали ҳал этиб бўлармикан?! Ахир инқилобий эмас, айнан эволюцион тараққиёт йўли афзал эканлигини ҳаёт таҷрибаси кўп маротаба исботлаганку. Ушбу ўринда Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг бир тезисини келтириб ўтиш ўринлидир: “муқаддас ислон динини ниқоб қилиб манфур ишларни амалга ошираётган аллақандай мутаассиб

кучлар, табиийки, ер юзидаги барча мусулмонларнинг олами ва дунёқарашини белгилай олмайди” [Каримов, 1996. 10-б], – дея билдирган мулоҳазалари ҳали ҳам долзарбдир. Ҳақиқатан ҳам ғаламис гуруҳлар ёшларнинг тажрибасизлиги-ю гўрлигидан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида устамонлигу риёкорлик билан фойдаланмоқда.

Бизнинг ҳар биримиз – ўзбек диёрининг ҳар қайси фарзанди тарихда ким эдигу, яқин ўтмишда ким бўлиб қолганимизни аниқ ва равшан тасаввур қила билишимиз лозим. Ватанни севмоқ учун аввало унинг шонли кечмиши, яхши ёмон кунлари, аждодлар ўтмишини ва кўхна тарихини муфассал ўрганмоқ керак. Чунончи, Ватанни севмоқ учун тарих ва адабиёт билан ошно бўлиш шаклланиб бораётган баркамол инсон учун ниҳоятда муҳимдир. Тарих ва адабиёт инсон онги ва тафаккурида бир-бири билан уйғунлаша олувчи, ҳамоҳангликда ноёб хазинага айлана олувчи бебаҳо маънавий бойликдир. Бундай маънавий бойлик инсонни олий мақсадлар сари етаклашда қамарбаста бўла олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т: Ўзбекистон, 2018.
2. Абдуҳалимов Б.А. “Байт аль-хикма” и научная деятельность среднеазиатских ученых в Багдаде.// Автореферат диссертации на соискании ученой степени доктора исторических наук. Т.: 2001.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.Т.: Маънавият. 2008.

IV ШУЪБА: ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНИК ШАКЛЛАНИШИ, ДАВЛАТЧИЛИГИ ВА ШАҲАРСОЗЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

СОВЕТЛАР ИМПЕРИЯСИ ДАВРИДА ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНИК ТАРИХИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ

акад. **А.А. Асқаров**
ТошДПУ, Тошкент

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг биринчи чорагида Туркистонда юз берган миллий уйғониш Совет ҳокимиятини чўчитиб қўйди. Миллий ўлкаларда бошқарув тизгинини қўлдан чиқармаслик мақсадида Марказий ҳокимият ўлка халқларига қарата ленинча миллий сиёсатнинг мафкуравий концепциясини ишлаб чиқди ва мана шу сиёсатнинг амалий натижаси сифатида қадимги Турон-Туркистон мамлакатада, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида, Марказий Осиё харитасида ўзбек, туркман, қозоқ, қирғиз, тожик номи остида қатор миллатлар таркиб топди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида мана шу миллатлар номи билан аталган республикалар тарихи ва уларнинг халқи ҳамда миллатни келиб чиқиш тарихини ёзиш бошланди. Натижада, она Туркистоннинг ягона тарихи, маданий меросини парчалаш бошланиб, анъанавий тарихий бирдамлик ришталарига дарз кетди. Чунки, тарих фанида шарқшунос олим В.В. Бартольд ва унинг издошлари, Брежел [Bregel, 1997] каби тарихчилар ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихини XVI аср бошларидан, яъни қачонки Шайбонийхон бошлиқ 92 бовли Дашти-Қипчоқ кўчманчи чорвадор турк-мўғул қабилалари Ўрта Осиёга кириб келиб (Сайфиддин Ахсикатий. “Мажмуат таворих” асари (XVI аср);, Аҳмад ибн Масруҳ. “Насабномаи ўзбек” ; Аваз Муҳаммад Аттор/ “Тухфат ат-таворих”(XIX аср) , Ўз.ФА си Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида 4330.3 рақамли қўлёзмада, Н.Ханиковнинг “Описание Бухарского ханства” (СПб, 1843) ва “Қитмир” китобида ҳамда “Асомий наваду ду фирқаи ўзбек”да, шунингдек, 1992 йилда “Ўзбегим” тўпламига киритилган Аҳмад Заки Валидийнинг “Ўзбек уруғлари” мақоласида ўз аксини топган), бу ҳудуднинг ҳукмдорлари, эгалари бўлган вақтдан бошланади, деган тезисни кўтариб чиқдилар.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи аксарият ҳолларда кўпроқ ривоятлар билан омухталашган ўрта аср ёзма манбаларига асосланган. Чунки у даврда Ўрта Осиёда археология, антропология, этнография, топонимика, нумизматика, гералдика, тарихий лингвистика каби фанлар ривожланмаган, уларсиз элат ва халқ этогенезини илмий асосли ўрганиш мумкин эмас эди. Шунингдек, у ёки бу туркий тилли аҳолининг этногенез тарихини ўрганишда Ўрта Осиёдаги мавжуд анъанавий этносиёсий ҳолат ҳисобга олинмай, туркий халқларнинг этник тарихи ўрганилди.

Натижада, ўзбек халқининг келиб чиқиши ҳақида гап кетганда “ўзбекларнинг этник тарихи фақат турк қабилалари асосида қурилган. Ўзбеклар қадимдан минтақанинг соф турк тилли халқидир”, деган тезис ўртага ташланди. Бундай тезиснинг минтақада миллий низоларни келиб чиқишига хизмат қилиши аён бўлиб қолди. Шу боис, Совет тарихшунослигида бу тезис тарафдорлари пешонасига “пантуркист” [Асқаров, 2015. Б. 641], деган тамға босилди. Бир вақтни ўзида бунга қарши Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолиси фақат эроний тилли этнослардан иборат бўлган, турк тилли ўзбеклар бу юртга келгиндидир, деб айюханнос солувчилар майдонга чиқди. Бундай тезисни илдиз отишига йўл қўйилса, минтақада янада кучли миллий низолар келиб чиқишини англаб етган совет мафкураси бу тезис тарафдорлари пешонасига "панэронист" ” [Асқаров, 2015. Б. 640], деган тамғани босди.

Большевикларнинг бу сиёсатини кузатган ислом дини пешволари этносни белгиловчи асосий омил тил эмас, балки диндир. Ўрта Осиё халқлари этник тилидан қатъий назар, бир динга, яъни ислом динига мансубдир, деган тезис билан чиқдилар. Совет тарихшунослигида бу илмга зид концепция тарафдорлари "панисламистлар" сифатида қораланди" [Асқаров, 2015. Б. 641]. Буларнинг барчаси ўша давр ижтимоий-гуманитар фанларининг эндигина ривожлана бошлаган ҳолатидан келиб чиққан дастлабки қарашлар эди.

Большевиклар ҳокимият тепасига келгач, йўқсиллар диктатурасининг доҳийси В.И.Ленин Подшо Россиясининг Шарқ мустамлакалари халқларига қарата: "Пролетариат большевиклар раҳбарлигида подшо ва буржуа Россиясини бирин-кетин ҳокимиятдан ағдариб ташлади. Ҳокимиятни Россияда пролетариат бошчилигидаги меҳнаткаш халқ кўлига олиб берди. Энди сизлар ҳам мустамлакачилик зулмидан озодсизлар. Ўз юртингизда ўзингиз қандай ҳокимият қуришни истасангиз, уни қуриш ҳуқуқига эгасиз" [Ленин, 1917, с.493; Ўзбекистон тарихи, 2019. 56 бет], мазмунида ёзма мурожаат эълон қилди.

Бу мурожаатдан илҳомланган Туркистон жадидлари Туркистонда ўлка халқларининг ягона миллий давлатини барпо этишга киришадилар. Большевиклар раҳнамолигида дастлаб 1918 йилда Советлар Россияси таркибида Туркистон автоном Совет Социалистик Республикаси ташкил этилади [Ўзбекистон тарихи, 2019. 77-85 бетлар]. Аммо 1920 йилдан бошлаб большевиклар бошқарув жиловини кўлдан чиқармаслик мақсадида Ўрта Осиёга Я.Э. Рудзутак бошлиқ Турк комиссиясини юборади. Турк комиссиясига Ўрта Осиёда миллий республикалар ташкил этишга ёрдам бериш баҳонасида, Туркистоннинг туркий халқларини парчалаб ташлаш сиёсатини ўтказиш топширилади. Бу масалада эркинлик ва адолат талаб қилган миллий зиёлилар қаттиқ сиқувга олинди. Шундай қилиб, марказ кўрсатмалари асосида 1924 йилда Ўрта Осиёда территориал миллий давлат чегаралаш ўтказилади [Ўзбекистон тарихи, 2019. 304-312 бет].

Совет ҳокимиятининг бу сиёсати ягона Туркистон ва унинг яхлит маданий меросини миллий мансублик баҳонасида парчалаб ташлашга хизмат қилди. Шундан бошлаб миллийликка урғу берилиб олиб борилган ленинча миллий сиёсат туфайли тарихий Туркистонда ўзбек миллати, туркман миллати, қирғиз миллати, қозоқ миллати, тожик миллати каби этник атамалар келиб чиқди. Туркистоннинг ягона тарихи, яхлит маданий ва маънавий меросини сунъий равишда бўлиб юборишга эришилди. Дастлаб туркий забон Ўзбекистон ва Туркманистон Социалистик Республикалари ташкил этилди. Республикага ном берган халқ тарихи ва унинг келиб чиқиш тарихий илдизлари ҳақида тасаввур берувчи асарлар ёзиш бошланди.

Совет ҳокимиятининг бу сиёсати минтақага ташқаридан қараганда миллатлараро дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга, ҳамжихатлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилди. Аммо, миллий ўзликни англашда, тарихий ҳудудий мансублик масаласида худбинлик, миллий интелегенциянинг тарихий онги ва тарихий тафаккурида хуфёна ички ихтилофларни келтириб чиқарди. Оқибат натижада, ушбу сиёсатнинг салбий оқибатлари СССР парчаланиб, ўз ташқи ва ички сиёсатига эга миллий мустақил давлатлар ташкил топгач, янада яққол кўзга ташланиб қолди.

XX асрнинг 40-йилларига келганда, ўзбек халқининг келиб чиқиши масаласида шарқшунос олим В.В. Бартольд ўртага ташлаган тезисга зидли ўлароқ, археолог-тарихчилар орасида ўзга фикр юритувчи олимлар ҳам бор эди. Ўрта Осиё тарихи ва археологиясининг билимдони, шарқшунос олим А. Ю. Якубовский 1941 йилда "Фан" нашриётида "Ўзбек халқининг этнегенезига доир масалалар" [Якубовский, 1941] номли рисоласини эълон қилди ва унда Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудлар ҳеч қачон кимсасиз жойлар бўлган эмас. Бу ҳудудларда Шайбонийхон бошлиқ Дашти-Қипчоқ ўзбеклари кириб келгунига қадар ҳам туркий ва эроний тилли қабила ва элатлар биргаликда, аралашиб, кўни-кўшни бўлиб яшаб келишган. Агарда бу ўлкалар Шайбоний ўзбекларига қадар кимсасиз жойлар бўлиб, илк бор хон бошлиқ туркий тилли қабила ва элатлар

томонидан ўзлаштирилганида эди, ўзбек халқи тарихи Шайбонийхондан, яъни XVI асрдан бошланди, деса бўлар эди. Аслида ундай эмас. Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудларда унга қадар ҳам қадимдан эроний ва туркий тилли қабила ва элатлар яшаб келганлиги археологик ва қадимги ёзма манбаларда ўз аксини топган. Уларнинг ўзаро, бир-бирлари билан иқтисодий, маданий ва этник алоқалари жуда қадимий тарихга эга. Бу алоқалар, айниқса Буюк Турк ҳоконлигининг бу заминга кириб келиши билан жадал тус олади. Ғарбий Турк ҳоконлиги даврида эса икки тил соҳибларининг этномаданий қоришуви янада жадаллашади ва Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудларда кучли туркий тил муҳити таркиб топади, сиёсий ва ҳарбий ҳукмронлик турклар қўлига ўтади. Бу тарихий ҳақиқат А.Ю.Якубовскийнинг ўзбек халқи этногенезини бошланғич нуқтаси Турк ҳоконлигидан бошланади, деган илмий концепцияни асосини ташкил этган. А.Ю.Якубовскийнинг бу хулосаси ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихида ўз даври учун бирдан-бир тўғри хулоса эди.

А. Ю. Якубовский томонидан ўртага ташланган бу ғояни Ўрта Осиё халқлари тарихининг чуқур билимдони С.П.Толстов ривожлантирди. С.П.Толстов ўз касбдош дўсти, ўзбек археология мактабининг асосчиси академик Я.Ғ.Ғуломов билан илмий ҳамкорликда 1960 йилларга қадар Мовароуннаҳр ва қадимги Хоразмда олиб борилган кенг кўламли археологик ва антропологик изланишлар натижасига асосланиб ўзбек халқи этногенезининг бошланғич нуқтасини роса минг йилга, яъни антик даврга қадар қадимийлаштирди [Толстов, 1947. С. 303].

Ҳозирги кунда Марказий Осиё ҳудудида яшаб келаётган туркий ва эроний тилли барча халқ ва миллатлар туб жойли автохтон асосга эга [Якубовский, Ташкент, 1941], уларнинг илдизи битта. Уларни мевали бир дарахтга ўхшатсак, ўша дарахтнинг бир пайванд шоҳи тожик бўлса, иккинчи пайванд шоҳи ўзбек бўлди, учинчи пайванд шоҳи қозоқ бўлса, тўртинчи пайванд шоҳи қирғиз бўлди, бешинчи пайванд шоҳи туркман бўлса, олтинчи пайванд шоҳи қорақалпоқ бўлди. Бу тарихий ҳақиқат, уларни бир-биридан айириш, территория ва маданий мерос таллашиб, миллий низолар чиқаришга асосч йўқ, қолаверса, бундай айирмакашлик сиёсати илм аҳлининг вазифаси эмас. Илм-фан ва унинг дарғалари минтақада дўстлик, ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилинган.

Бу заминда қадимда ва ўрта асрларда яшаб ўтган диний ва дунёвий алломалар, буюк шахслар ва фан дарғаларидан қолган маданий меросни бир томондан улар туғилиб ўсган замин халқига, иккинчи томондан, ушбу минтақа халқларининг барчасига тегишли, деган хулосага келиш фаннинг асл мақсад ва муддаосидир. Чунки, минтақамиз халқларининг аجدодлари доимо ўзаро иқтисодий, маданий ва этник алоқада бўлишган, ўзаро қоришиб, араллашиб яшашган, ташқи душманга қарши биргалашиб курашган. Улар томонидан яратилган маданий мерос уларнинг барчасига тегишли эканлигини фан исботлайди, қолаверса бу мерос аجدодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган буюк ҳиссасидир, деган умумбашарий тарихий ҳақиқат ўз илмий исботини топган. А.Ю.Якубовский кўтарган бу илмий методологик қараш тарих фанида "Миллий автохтонизм" назарияси сифатида фанда мустаҳкам ўз ўрнини эгаллади. Ўзбекистон тарихининг кўп жилдли нашрларида бу ғоявий қараш ўз аксини топди.

Бироқ, мил. аввалги II минг йиллик ўрталаридан Сирдарёнинг шимоли-шарқий томонларидан жанубга: Ўрта Осиёга, ундан эроний тиллар оламига, жануби-шарқда Ҳинд дарёси водийсигача, жануби-ғарбда форс кўрфазигача кириб борган чорвадор қабилаларни дастлаб (XIX асрда) "варварлар" босқини, кейинчалик (XX асрда) евроцентриқ қарашлар асосида орийлар кўчиши (миграцияси), деб қараш фанда ўрин олди. Евроцентристларнинг улуғ миллатчилик ғоялари таъсирида Ғарбий Европа ва Совет даври тарихшунослигида Марказий Осиёнинг Тоғли Олтойдан бошқа барча ҳудудларида энеолит ва бронза даврининг чорвадор қабилалари қадимда эроний тилда сўзлашганлар, уларнинг азалий ватани Евроосиё даштлари бўлиб, улар мил. авв. II минг

йиллик ўргаларида Қозоғистон даштлари, Енисей бўйлари, умуман, Жанубий Сибирдан Ўрта Осиё ва Закавказия орқали Эрон ва шимолий Ҳиндистонгача, Эроннинг Форс кўрфазигача кириб бордилар [Якубовский, Ташкент, 1941]. Бу эроний тилли орийларнинг буюк кўчиши бўлиб, улар маҳаллий хуррит ва эламит деҳқон жамоаларини тил жиҳатидан эронийлаштирди, деган исбот талаб, тўқима концепция ишлаб чиқилди ва бу ғоя совет тарихшунослигининг устувор илмий йўналишига айлантирилди.

Бироқ, ўзбек халқининг келиб чиқиши масаласида менинг археолог сифатида шахсий кузатувларим менга икки масалада узоқ йиллар тинчлик бермай келар эди. Улардан бири Марказий Осиёнинг барча бронза даври дашт қабилаларининг моддий маданиятидаги бир хиллик, ўхшашлик бўлса, иккинчиси, бронза даври чорвадор қабилалар маданияти аҳолисининг антропологик типидagi айнан бир типлилиқ эди. Масалага мантиқан ёндашилса, Марказий Осиёнинг бир хил моддий маданият ва бир хил антропологик типли аҳолисининг Тоғли Олтойда яшаганлари туркийда, қолганлари эса қадимги эроний тилда сўзлашган дейиш, янада исбот талаб илмий фараз эди. Тил масаласидаги бу жумбоқликни илмий ечимини топиш тилшуносларимизга ҳавола.

Дарҳақиқат, ҳар бир халқнинг келиб чиқишида тилнинг ўрни катта ва тил халқлар этногенезида хал қилувчи омиллардан ҳисобланади. Бироқ, марказ мафкурачилари тазйиқида археологик қазишмаларда топилган ва бизгача етиб келган маҳаллий ёзма манбаларнинг тили аксарият ҳолларда қадимги эроний тил деб, уқтирилиб, лингвистларнинг ҳинду-орий назарияси фойдасига хизмат қилиб келди. Кушонлар босиб ўтган йўлдан топилган қадимги туркий ёзувлар ҳам "номаълум ёзув", деб шубҳа остига олинди. Натижада, Марказий Осиёда туркий ёзув масаласида бўшлиқ, ваакум пайдо бўлиб, топилган қадимги ёзув парчаларининг барчаси эроний тиллар фойдасига хизмат қилди. Шу боис, афғонларнинг пуштун тили, тожиклар, покистонликлар ва эронликларнинг форс тили бу заминга мил. авв. II минг йилликнинг ўргаларидан марказий ва шарқий Европадан орийлар миграцияси муносабати билан кириб келди, деган қараш фанда ҳукмрон концепцияга айланди. Оқибат натижада маҳаллий уруғ жамоаларининг хуррит ва элам тиллари форсийлашди, деган тасаввур пайдо қилинди. Фақат Тоғли Олтой аҳолисигина туркий тилли қабилалар бўлган, деган концепция совет тарихшунослигининг анъанасига айланди.

Орийларнинг тили турк этник бирликлар билан бевосита боғлиқ эканлиги масаласи совет даври мафкурасида каттиқ тақиб қилинди. Масалан, ўтган асрнинг 60-йилларида қозоқ халқининг миллий қахрамони Олжас Сулайман "Аз-Азия" асарида орийларнинг қадимги Шумергача кириб боргани, уларга хос туркий тил элементлари ҳозиргача ироқликлар тил таркибида учраши ҳақидаги асосли ғояси учун Москвада ўтказилган катта анжуманда каттиқ танқид қилинганлигининг жонли гувоҳи бўлганман.

1972 йилда сакларнинг "Иссиқ кўрғони"дан топилган ёзув ҳам узоқ вақтлар битилган ўз тили билан аталмай, "номаълум ёзув"лар туркумига киритиб келинди.

Қачонким, СССР парчаланиб, унинг вайроналарида мустақил давлатлар пайдо бўлгач, тарихий ҳақиқат тиклана бошлади. Турколог олимлар орасида

биринчилардан бўлиб, тилшунос турколог олим А.С. Омонжолов "Иссиқ ёзуви"ни қадимги туркий ёзув эканлигини асослади [Омонжолов, 1975, с.61-65; Асқаров, 2015, 134 бет].

Минг бор шукроналар бўлсинки, кейинги 30-40 йил давомида Хитой олимларининг япон касбдошлари билан ҳамкорликда қадимги Хитойнинг 24 сулолавий тарихига оид иероглифларининг аслиятини қайта ўқиб, уларнинг илмий таҳлилида Н.Я.Бичуриндан фарқли ўлароқ, мил. авв. III минг йилликнинг охириги чораги ва II минг йилликнинг биринчи ярмида Жанубий Сибир даштларида ғуз, тиек, хунну номли этнонимлар мавжудлиги кашф этилди. Уларнинг худудий ва моддий маданият жиҳатидан локализацияси Евроосиё даштларининг энеолит ва бронза даври археологик маданиятларига бориб тақалиши исботланди [Асқаров, 2015, 432-452 бетлар].

Н.Л. Гумилёв ўзининг “Хунну” номли монографиясида Н.Я. Бичуриннинг “Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена”. Изд. АН СССР, М.-Л., 1950 г. 1-том, с. 92-93; 2-том, с. 196-198. номли асарига иқтибос бериб, мил. авв. 1764 йилга тегишли қадимги Хитой иероглифларида Жанубий Сибир даштларида туркий тилли хунну қабилалари этноними учрашини қайд қилиб ўтади [Гумилев, 1960. С. 23]. Лекин, совет даври тарихшунослигида ҳеч бир олим Марказ мафқурасидан чўчиб ўз фикрини очиқ айтолмай келди. Аслида эса, ғуз ва тиек атамалари энеолит, “хунну” атамаси эса бронза давридан қадимги хитой ёзма манбаларида учрайди.

Шундай қилиб, жаҳон тарихшунослигида ғуз (оғуз), тиек, хун этнонимлари турк этник қатламига тегишли эканлиги тан олинган. Улар энеолит ва бронза даврларида Тянь-Шан ва Жанубий Сибир даштларида, Енисей ҳавзаларида, то Ордосгача чўзилган ҳудудларда яшаганлар. Ғарб олимлари, биринчи навбатда Россия олимлари ҳинду-орий назарияси таъсирида Евроосиё даштларининг энг энеолит ва бронза қабилалари қадимги эроний тил лаҳжаларида сўзлашганлар деган тўқимани зўр бериб асослашларига қарамай, улар қадимги эроний тил лаҳжаларида эмас, балки қадимги хитой иероглифларини фундаментал ўрганиш туфайли қадимги туркийда сўзлашганлар, дейишга асослар бор.

Афсуски, ҳозиргача мустақил Ўзбекистонимизда фундаментал илм-фан билан шуғулланувчи фан даргалари орасида ўзбек халқининг қадимги моддий маданият ва ёзма манбаларида туркийлик руҳияти улкан эканлигини инкор этувчилар йўқ эмас. Демак, узоқ ўтмиш тарихимиз ва маданиятимизни ўрганишда ҳали илмий муаммолар етарли. Уларни ҳолислик тамойиллари асосида ўрганувчи ёш авлодга муваффақиятар тилайман.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Bregel Yu. Notes on the study of Central Asia. Журнал «Восток», № VI. Москва, 1997.
2. Аскарлов А.А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкент, 2015.
3. Ленин В.И. Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида. Москва, 1917; Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). 1-жилд. Тошкент “OZBEKISTON”, 2019.
4. Якубовский А.Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. Изд. “фан”, Ташкент, 1941.
5. Толстов С.П. Основные проблемы этногенезе народов Средней Азии. СЭ, №№ VI-VII? 1947.
6. Кузмина Е.Е. Откуда пришли индоарии? Материальная культура племен Андроновской общности и происхождения индоарийцев. Москва, 1994.
7. Омонжолов А.С. Материалы и исследования по истории древнетюркской письменности. Алма-Ата, 1975; Аскарлов А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкент, 2015.
8. Гумилев Л.Н. Хунну. Тюрки в древние времена. Москва, 1960.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ВА АНДИЖОН

Б.Х. Матбобоев, Ҳ.Б. Ҳошимов,
Ўз РФА Миллий археология маркази,
Самарқанд Археология институти

Археологик материалларга кўра, шаҳарлашиш (урбанизация) жараёни Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида деярли бир вақтда (Жанубий Ўзбекистон Сополли маданиятининг бронза даври ёдгорликлари бундан мустасно) (мил.авв. IX-VII асрлар) рўй беради (Матбобоев, 2002. С.3-11). Бу жараёнлар археологлар томонидан Хоразмда (Кузалиқир), Суғдда (Сангиртепа, Кўктепа, Ерқўрғон), Фарғонада (Далварзин, Чуст ва б.) кузатилган. Фарғонада дастлабки шаҳарлар ва шаҳармонанд маконлар борлиги, илк ирригация иншоотлари мавжудлиги ва хунармандчилик ривожлангани ўз навбатида илк давлатчилик белгиларидан дарак беради. Келтирилган бунёдкорлик ишларини

йўлга қўйиш фақат давлат мақомидаги ташкилот амалга ошириш мумкин эди. Ҳозирда маълум археологик комплексларга асосланиб ва уларни Хоразм, Бактрия ва Суғдга солиштириб водийда илк воҳа давлатчилиги бўлгани ҳақида дадил фикр айтиш мумкин. Айнан мил. авв. VIII-VI асрларда Ўрта Осиёда майда воҳа давлатчалари асосида уларга нисбатан йирикроқ давлат бирлашмалари пайдо бўла бошлаган эди (Массон, 1948. С. 9). Айнан шу жараёни Фарғона водийсида ҳам кузатиш мумкин эди. Шунинг учун ушбу сатрлар муаллифи мил. авв. VIII-VII асрларда Фарғонада воҳа давлатчилиги бўлган деган фикрни 2002 йили олға сурган эди (Матбобоев, 2002. С.9-10; Матбобоев, 2018. 43-47 б.). Бу фикр кейинги тадқиқотлар натижасида ўз тасдиғини топмоқда.

Фарғона водийсининг кейинги даври, яъни мил. авв. VI-IV-III асрлардаги шаҳарсозлик ва давлатчилик масалаларини ўрганиш кўп жиҳатдан қоронғу бўлиб қолмоқда (Иванов, 2004. С.12-15). Сабаб, юқорида айтганимиздек, бу давр кўпроқ мазор-қўрғонлар асосида ўрганилган. Шаҳар ва қишлоқ ёдгорликлари бўлмиш Эйлтон, Нуртепа, Сарвонтепа (Андижон)ларда маданий қатламлар кўлами ва сақланиши бир оз яхши. Бошқалари кейинги давр қалин қатламлар остида қолиб кетган ва уларда маданий қатламлар ҳам кам. Яна бир муаммо: бу ёдгорликлар айрим тадқиқотчилар томонидан кўчманчи чорвадорларга боғланади (бу ғояни Г.П. Иванов ва кейинги пайтларда Геннадий Петровични такрорлаб Б.Абдуллаев давом эттирмоқда). Биз ушбу ғояга ўз раддиямизни эълон этганмиз. Бизнингча водий моддий маданиятида олдинги Чуст маданияти давридаги каби ўтроқ деҳқонлар ва кўчманчи чорвадорлар хўжалик турлари бўлган анана давом этган: Эйлтон ва Оқтом маданиятлари алоҳида маданиятлар сифатида ривож топганлар. Яъни Эйлтон маданияти деҳқон аҳолига, Оқтом маданияти кўчманчи чорвадор аҳолига тегишли комплекслар эди. Фикримизча бу даврда воҳа давлатчилиги жараёнлари давом этган бўлиши керак. Чунки яна археология (картография) маълумотлари бўйича олдинги – Чуст маданияти ёдгорликлари ўрнида кейинги даврда, яъни мил. авв. VI-III асрларда ҳам моддий маданиятдаги ананалар давом этгани кузатилади. Тўғри, бу даврда ва ундан кейинроқ ҳам масалан Давань подшолигида давлат бошқарилишида кўчманчилар ролини инкор этиб бўлмайди. Тадқиқотчилар доим келтириб ўтувчи ушбу факт яъни, Фарғонани кўчманчи-чорвадорлар бошқаргани ҳам бир оз шубҳали бўлган филологик маълумотга яъни ҳукмдор номини сакларга боғланишига асосланган. Мил. авв. VI-III асрлардаги водийнинг текислик қисмидаги маданият соф деҳқончилик (қурилишда ғишт, гувала, қишлоқ хўжалигида сунъий каналлар) билан боғлиқ эди ва мазкур комплексни Ю.А. Заднепровский биринчи марта ҳақли равишда Эйлтон деҳқончилик маданияти деб номлаганди. Айнан мил. авв. I минг йиллик ўрталаридан бошлаб то эрамиз бошларигача Эйлтон, Мингтепа, Шўрабашот, Қува, Андижон, Поп, Косон ва Ахсикет каби археологик ўрганилган шаҳарлар тараққий топади.

Демак, Фарғона водийсида шаҳарсозлик маданияти илдизлари қадимги деҳқончилик маданияти ёдгорликларига бориб тақалади. Улардан Далварзин водийда энг қадимги шаҳар, Ашқалтепа, Чуст ва Деҳқон ёдгорликлари шаҳармонанд аҳоли маконлари, кейинги даврнинг Эйлтон, Нуртепа, Шўрабашот ва юқорида тилга олинган ёдгорликлари қадимги шаҳар маконлар деб қабул қилиниши мумкин. Буларга қўшимча ана бир ёдгорликни Андижон шаҳрининг қуйи қатламларидан топилиши бу давр салмоғини янада ортиради. Ушбу шаҳар маданиятини келиб чиқишида роль ўйнаган археологик комплексларга тўхталадиган бўлсак бунга бир хил жавоб бериш мушкул. Сабаби, бу тўғрида фикрлар жуда кўп ва уларни икки катта гуруҳга бирлаштириш мумкин. Бири Фарғона қадимги деҳқончилик маданияти маҳаллий-азалий асосга эга, улар маълум босқичда жанубдаги илғор деҳқонлар таъсирида ривожланган деб қарайдилар. Иккинчиси водий чорвадор аҳолиси аста секин деҳқончиликка ўтган деган фикр билдирадилар (Горбунова, 1984. С. 99). Бироқ кейинги текширишлар ва янги топилмалар водийда қадимдан деҳқончилик маданияти бирламчи бўлганини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам йирик фарғонашунослар Ю.А. Заднепровский ва Н.Г. Горбуновалар Чуст маданияти ва унга ўхшаш жанубдаги комплекслар деҳқончилик узок

ривожланган музофотларда шаклланган деган салоҳиятли хулосага келганлар (Горбунова, 1995. С.87). Албатта бу фикрда жон бор, буни айрим топилмалар (Хок ва Афлотун метал буюмлари хазинаси, Сўх тош тумори), Андижон вилояти ва Ўш вилоятлари туташган худудлардан топилган “гири”лар 3 та (ўхшаш топилмалар Тожикистон республикаси бронза даврига таалукли Саразм ёдгорлигида учрайди) ва Қирғизистонни Жалолобод вилоятидаги (Ўзган яқинида) Шагим қабристонни материаллари кўрсатмоқда. Улар Н.Г. Горбунова ва Ю.А. Заднепровскийлар фикрларини ҳақиқатга яқин эканлигини кўрсатади. Бироқ мазкур тарихий даврнинг маданий қатламлари топилмаган. Муаммонинг ечими очиқ қолмоқда.

Демак, Андижон тарихий жараёнлар жадал ривожланган худудда пайдо бўлади.

Андижон Ўрта Осиёнинг илк деҳқончилик пайдо бўлган ва шаҳарсозлик маданиятининг дастлабки кўринишлари шаклланган ўчоқларидан бирида, Фарғона водийсининг шарқий қисмида жойлашган. Сирдарёнинг энг катта ирмоғи Қорадарёнинг юқори ва ўрта окимларида вужудга келган қулай географик шароит туфайли мил. авв. II минг йиллик ўрталарида (мил. авв. XIV-XIII асрлар) айрим илк суғорма деҳқончилик маконлари вужудга кела бошлайди. Археологлар маълумотларига кўра Фарғона водийсидаги илк деҳқончилик ёдгорликларининг 70 фоиздан ортиғи шу худудга жойлашган (Заднепровский, 1981. С.97-101). Бу худудда илк шаҳар Далварзин (қалъа шаҳар Заднепровский бўйича) (Zadneprovsky, 1995. P.88-91) (мил. авв. IX-VII асрлар), қадимги шаҳар Эйлатон (мил. авв. VI-III асрлар), Шўрабашот (мил. авв. IV-I асрлар) ва бошқа кўплаб кўхна шаҳар харобалари археологик жиҳатдан қайд этилган.

Андижонда дастлабки археологик ўрганиш ўтган асрнинг 50-йилларидан бошланган (Писарчик, 1954. С. 145-194). Айниқса, мустақиллик йилларида бу ишга катта эътибор қаратилди ва олиб борилган археологик қазинма ишлари яхши натижалар берди. Текширишларга кўра, дастлабки аҳоли макони (поселение) шу номли сой яқинида, ўрта асрлар Андижон шаҳрининг тарихий ўрнида пайдо бўлган. Буни тасдиқловчи археологик материаллар (бўёқ билан гул солинган сопол идишлар, тош буюмлар ва ҳ. о.) шаҳарнинг ҳозирги Сужоат ва Тутзор кўчалари туташган жойда – Сарвонтепада аниқланди. Аниқланган маданий қатламлар ва ундаги топилмалар мил. авв. VI-IV-III асрлар билан саналади (Матбабаев, 2002. С.28-29). Бундай археологик комплекслар қайд этилган маданий қатламлар ва қурилиш қолдиқлари Фарғона водийсидаги бирорта тарихий шаҳарда ҳозирча қайд этилмаган. Асоссиз ва сунъий равишда қадимийлаштирилган Ўш (3000 йил) ва Хўжанд (2500 йил) шаҳарларида ҳам бу қатламлар топилмаган. Ушбу кўхна ёдгорлик нафақат Андижон шаҳри, балки водий қадим тарихи учун ҳам катта илмий аҳамиятга эга. Бу ёдгорликни аксарият қисми ҳозирда аҳоли ҳовли-жойлари остида 4 метрга яқин чуқурликда сақланиб қолган. Сарвонтепа майдонини (15-20 гектар) катталиги ва ундаги илк маданий қатламлар қалинлиги, бу ёдгорликни Андижонни илк даври тарихида муҳим роль ўйнаганлигидан далолат беради. Яъни, Сарвонтепа ҳозирги шаҳар худудида топилган катта ва энг қадимий аҳоли яшаш маконидир (Matbabaev. 2005 p.93; Matbabaev, 2011. 88 б). Демак, илк шаҳар ўзаги милоддан аввалги VI-IV-III асрларда Сарвонтепада катта манзилгоҳ сифатида шаклланган ва интенсив ривожлауган. Кейинги даврларда урбанизация жараёни Сарвонтепага яқин атрофдаги худудларни ҳам қамраб олган. Бу археологик материаллар Уграёр (Ганчтепа), Чордона, Яккатепа, Қўштепа, Култепа каби шаҳар худудидаги ёдгорликларда аниқлаган. Хитой ёзма манбалари Фарғона водийсида мил. авв. II-I асрларда 70 дан ортиқ катта-кичик шаҳарлар бўлган деб хабар берадилар. Улардан пойтахт Эрши (Марҳамат шаҳридаги Мингтепа), Ючень (Ўзган яқинидаги Шўрабашот), кейинроқ Хуминь (Қува) ва бошқаларни Андижон яқинида жойлашганини тадқиқотчилар эътироф этадилар. Хитой йилномаларида тилга олинган шаҳарлардан бири Андижон бўлгани муқаррар.

Ўрта асрлар арки (10 га), шахристон (100 га), рабод (400 га) ўрни ва чегаралари археологик жиҳатдан ҳозирги Арк ичи маҳалласи ва уни атрофидаги худудда аниқланиб, айрим бўлақларида

казилмалар ўтказилган. Демак, буларнинг барчаси 100 гектардан ортиқ майдонда узок даврда Андижоннинг тарихий қисмини шаклланганини исбот этади. Бу ҳудуднинг аксарият қисми ҳозирги “Эски шаҳар”нинг қалин жойлашган маҳаллалари, гузарлари остида қолиб кетган.

Андижон ўрта асрларда ҳам Осиёнинг тарихий шаҳарлари силсиласида ўзига хос ва мос ўринга эга йирик маданият, савдо-иқтисодий марказларидан бир бўлиб қолган. Ёзма манбаларда, хусусан ал-Истахрийда бу шаҳар X асрда илк бор “Андукон” номи билан тилга олинади (Бўриев, 1998. 45 б). Андижонда зарб этилган илк танга пуллари ҳам X асрга тўғри келади, улар 358-258/968-970 йиллари зарб этилган. Мўғулларни Ўрта Осиёга бостириб кирганларидан сўнг ҳам Андижон Мовароуннаҳрдаги йирик шаҳарлардан бири бўлиб қолаверади. XI-XII асрларга оид шаҳарнинг катта ишлаб чиқариш даҳаси ўша давр танга пуллари билан Тиббиёт институти академик лицейи ҳовлисидаги 2008 йилги археологик қазилмалар пайтида аниқланди. Тангалар Самарқанд, Ўзган ва Хоразшоҳлар томонидан зарб этилган ва Андижонни савдо алоқалари кўламини кўрсатади. Муин ад-Дин Натанзийнинг “Искандар аноними” асарида келтирилишича, мўғуллар “кўпгина катта шаҳарлар, жумладан, “қуббот-ул-Исломи Андижон” ни ҳар томонлама ривожлантирди ва у Фарғона пойтахти бўлди (Бартольд, 1965. С. 534). Андижон, Марғинон, Ўш, Хўжанд сингари шаҳарларда XIV аср 2-ярмида кумушдан танга пуллари зарб этилган. Бу гуруҳ тангалар “чиғатойлар пули” деб юритилади (Давидович, 1972. С. 64-70, табл. 10-11). “Чиғатой пули” намуналари Т. Келдиев кўчасидаги Чордона ёдгорлигини юқори қатламларидаги ўрта асрга оид қабрларнинг биридан топилди.

1377 йили мўғуллар ҳукмронлиги барҳам топгач, Андижон тарихида янги босқич – темурийлар салтанати даври бошланади. Амир Темур Андижон ва Ўзганни ўн икки тумани билан Ўғли Умаршайхга беради, бу вақтда шаҳар ҳоким қароғоҳи эди (Бартольд, 1965. С. 326). Умаршайх ҳукмронлиги йилларида шаҳар атрофидан мудофаа деворлари тортилади. Ёзма манбаларда бу мудофаа иншоотлари ҳақида баъзи маълумотлар учрайди. Абд ар-Раззоқ Самарқандийнинг ёзишича, 799 ҳижрий ёки 1377-1378 милодий йили амирзода Умаршайх Андугонда мудофаа деворини бунёд этади. Археологлар хулосасига кўра ушбу девор Қорахонийлар даври маданий қатламлари устига бунёд этилган. Тилга олинган шаҳар деворидан то XVII-XVIII асрларгача фойдаланилгани ҳақида тарихий маълумотлар бор. “Тарихи Рашидий”нинг муаллифи Мирза Ҳайдар: “Фарғона давлатининг ҳукмдорлари Абу Саид, унинг ўғли Умар Шайх Мирзо ва набиралари Бобуршоҳ ва Жаҳонгир Мирзолар ўлтирадиган пойтахт шаҳар Андижондур” (Мирза Мухаммад Хайдар. 1996. С. 190; Машрабов, Рахмонов, 2008) деб ёзади. Демак, Андижон – темурийлар салтанатининг шарқий сарҳадларидаги муҳим стратегик, иқтисодий ва маданий марказлардан бири бўлиб қолади. Заҳириддин Мухаммад Бобур давридаги Андижон шаҳри ҳақида тўлиқ маълумот берувчи “Бобурнома” асаридек манба бўлмаса керак. Хусусан, Бобур ёзади: “Фарғона вилоятининг пойтахтидур... Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Кеш кўрғонидан сўнгра мундан улўғроқ кўрғон йўқдур. Уч дарвозаси бор. Арки жануб тарафда воқе бўлубтур” (Бобурнома, 1989, 5-6 б.). Шу даврда Андижоннинг ўз пул зарбхонаси ҳам фаолият кўрсатган. Андижонда зарб қилинган 4 хилдаги танга-пуллар, нафақат Ўрта Осиёда, балки Яқин Шарқда ҳам муомалада бўлган. Ҳозирда шаҳар ҳудудида Хўжа Аҳрор Вали шогирдлари Мулла Асомиддин номи билан Мирпўстин, Жомье масжиди, шаҳар яқинидаги Қутайба ибн Муслим, Бобур уй-музейи каби ёдгорликлар мавжуд (Машрабов ва б., 2015).

Андижонда аниқланган бу топилмаларнинг аҳамияти мамлакатимиз ва хориждаги олимлар томонидан ҳам тан олинган. Бу ҳақда илмий мақолалар эълон этилган ва ЮНЕСКО халқаро конференцияларида (2002, 2005 йиллари) маъруза қилинган ҳамда бу материаллар ахборот сифатида кўрсатилган. Андижондаги археологик материаллари ва улар санаси мамлакатимиздаги академиклар А.А. Асқаров, Ю.Ф. Буряков, А.Р. Мухаммаджонов, профессорлар Т.Ш. Ширинов,

А.С. Сагдуллаев ва хорижлик Н.Н. Негматов, Г. А. Брикина каби танилган урбаноологлар томонидан қўллаб қувватланган. Юқорида келтирилган маълумотларга кўра, Андижон шаҳри мил. авв. I минг йиллик ўрталарида шакллана бошлайди. Аввал “Эски шаҳар” қисмидаги Сарвонтепа ва уни атрофларидаги худудларда, маълум вақт ўтиб, ўрта асрлардан шарқ томонга кенгайиб, ҳозиргача сақланиб қолган арк, шахристон ва рабод фаолият кўрсата бошлайди. Шундай қилиб, Андижоннинг тарихий қисмидаги археологик ёдгорликлар ва ёзма манбалар асосида унинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари ишлаб чиқилди (Матбобоев, 2014. 65-70 б.). Юқоридаги фикрларнинг барчаси Андижон шахрининг узлуксиз даврий ривожланиш босқичларига ва 2500 йиллик тарихга эга эканлигини кўрсатади.

Андижон ўзининг сиёсий жойлашувига кўра, Бактрия, Суғд, Уструшона, Чоч каби тарихий ўлкаларни Хитой (Шарқий Туркистон) билан савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларида ўзига хос кўприк вазифасини бажарган ва у қадимдан Ўрта Осиёнинг йирик тарихий маданий марказларидан бири ҳисобланган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бартольд В.В. Работы по исторической географии. III том. Москва. 1965
2. Бўриев О, Ваҳобова Б. Ёзма манбалар ал-Фарғоний ҳақида. Тошкент. 1998
3. Горбунова Н.Г. О культуре степной бронзы Ферганы // Археол. сборник Гос. Эрмитажа. Вып. 32. Санкт-Петербург. 1995.
4. Горбунова Н.Г. Некоторые особенности формирования древних культур Ферганы // Археол. сборник Гос. Эрмитажа. Вып. 25. Ленинград. 1984
5. Давидович Е.А. Денежное хозяйство Средней Азии после монгольского завоевания и реформа Масуд-бека (XIII в.). Москва. 1972.
6. Заднепровский Ю.А. К истории оазисного расселения в первобытной Средней Азии // КСИА. Вып. 167. Москва. 1981.
7. Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент. 1989.
8. Иванов Г.П. Ранняя государственность на территории древней Ферганы //Ўзбек давлатчилиги тарихида Фарғона водийси. Фарғона. 2004.
9. Машрабов З, Раҳмонов В. Андижонлик ғариб... Шоҳ Бобур // Андижоннома. 13 феврал, 2008.
10. Машрабов З., Жалилов С., Матбобоев Б. Кўҳна Андижон обидалари // Ўзбекистон овози. 2015 йил. 14 май.
11. Матбабаев Б.Х. Ранний город Ферганы и вопросы начального этапа государственности // Археология, история и культура Средней Азии. ТД МНК. Ташкент. 2002.
12. Матбабаев Б.Х. К открытию древнего поселения Эйлатанской культуры на территории Андижана // Цивилизация Центральной Азии: земледельцы и скотоводы. Мат. межд. конф. МИЦАИ при ЮНЕСКО. Самарканд. 2002.
13. Матбобоев Б. Қадимги Фарғонада илк давлатчилик илдизлари //О'zbekiston tarihi. №1. Тошкент. 2002.
14. Матбабаев Б.Х., Машрабов З.З. Древний и средневековый Андижан. Ташкент. 2011.
15. Матбобоев Б.Х., Машрабов З.З. Андижон тарихи (қадимги даврлардан XX аср бошларгача). Тошкент. 2014.
16. Матбобоев Б.Х., Ҳошимов Ҳ.Б. Фарғона водийсида шаҳарсозлик маданиятининг пайдо бўлиши ва ривожланишининг илк босқичлари // Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий кадриятлар. Илмий мақолалар тўплами. Тошкент. 2018.
17. Матбабаев Б, Машрабов З. Андижан: городская культура и этапы ее развития (историко-археологическое исследование) // О'zbekiston tarihi. 2007. №4. С. 35-48. Яна тўлдирилган хулосаларни қаранг: Матбобоев Б.Х., Машрабов З.З. Андижон тарихи. Тошкент. 2014.

18. Материалы по истории киргизов и Киргизии. Вып. 1. Москва. 1973.
19. Массон В.М. Средняя Азия в эпоху раннего железа: культурная и социально-экономическая динамика // Раннежелезный век Средней Азии и Индии. Ашхабад. 1984.
20. Мирза Мухаммад Хайдар. Тарихи Рашиди. Ташкент. 1996.
21. Писарчик А.К. Строительные материалы и конструктивные приемы народных мастеров Ферганской долины в XIX – начало XX в. // Среднеазиатский этнографический сборник. Москва. 1954.
22. Matbabaev B. Kh. New archaeological complex of the Eylatan culture of Fergana (chronology and origin) // Civilizations of Nomadic and Sedentary Peoples of Central Asia. Samarkand-Bishkek. 2005.

ЖИЗЗАХ ШАХРИНИНГ ЭТНИК НОМЛАР БИЛАН АТАЛУВЧИ МАҲАЛЛАЛАРИ ТАРИХИДАН

А.Х.Пардаев
ЖДПИ, Жиззах

XVIII асрнинг II ярми ва XIX асрда Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасида сиёсий келишмовчиликлар ва ҳарбий тўқнашувлар Жиззах беклигининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётига қанчалик таъсир қилган бўлса, бекликдаги аҳоли демографияси ва урбанизация жараёнларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Урушлар натижасида асосан Бухоро ва Қўқон давлатларининг чегарасида жойлашган Ўратепа, Зомин, Ём каби шаҳар ва кентлар, улар атрофидаги қишлоқ аҳолиси азият чекди. Натижада, хонавайрон бўлган бутун бошли қишлоқлар аҳли мудофаа иншоотлари мустаҳкам бўлган Жиззах шаҳри ва шаҳар атрофи мавзеларига кўчиб келишга мажбур бўлдилар. (Пардаев, Пардаев, 1999, 134-137 б.) Баъзи ҳолларда давлат томонидан ҳам аҳолини шаҳарларга кўчириш сиёсати амалга оширилди. (Пардаев, 2001, 114-116 б.) Натижада, бу даврда Жиззах Ўрдаси ва унинг атрофида Олмачи, Сулоҳли, Қипчоқ, Қанғли, Сарайлик каби этник номлар билан аталувчи янги маҳаллалар пайдо бўлди.

Олмачи маҳалласи. Маҳалла (қишлоқ) Жиззах шаҳрининг жануби-шарқ қисмида, Тошкент-Термиз трактининг 180 км. атрофида, йўлнинг ўнг томонида, Жиззах автобус шоҳ бекатининг жануб тарафида жойлашган. Маҳалла номи этнонимдан олинган. Ўзбек уруғлари ичида сон ва мавқе жиҳатдан етакчи ўринни эгаллаган юз уруғи бир неча бўғин ва тармоқларга бўлинади. Олмачи маҳалласи юз уруғининг парча-юз бўғини уч тамғали тармоғининг олмачи шаҳобчаси номига қўйилган.

Юз уруғи ўзбек уруғлари ичида сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил қилган ва юқори обрў-эътиборга сазовор бўлган уруғ сифатида сўнгги ўрта асрларда эътироф этилган. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида уларнинг сони 58895 кишидан иборат бўлган. Юзларнинг манбаларда «Ҳисор юзи» деб аталган бир қисми Ҳисор ва Сурхон водийларида, «Ўратепа юзи» деб аталган иккинчи қисми Зарафшон водийсининг ўрта ҳавзаси ва унинг шарқ томонидаги худудларда – Панжикент, Ўратепа, Хўжанд, Бекобод сарҳадларигача, яъни Сирдарёнинг ўрта оқими ҳавзасигача бўлган тоғ ва тоғ олди, даштликларда тарқалган ва ўтроқлашган. (Салимов, 1994, с. 79.). «Ҳисор юзи» ва «Ўратепа юзи»нинг қон-қардошлиги ҳақидаги масалада эътирозга ўрин йўқ. Шунингдек, уларнинг уруғ жиҳатдан яқинлигини кўплаб тарихий омиллардан ҳам билса бўлади. Масалан, Ҳисор ва Ўратепада сўнгги ўрта асрларда ҳокимлар юз уруғидан қўйилган. 1749 йилда Ўратепа ҳокими лавозимини олган юз уруғи вакили Фозилбий, Ҳисордаги юз уруғи ҳокимлик сулоласига асос солган Қўлибийнинг эвараси бўлган. (Кармышева, 1976. с. 222-223.). Юз уруғининг шажараси ҳақида дастлабки дала тадқиқотлари ва ёзма маълумотларни қолдирган А.Д.Гребенкин мазкур

уруғни ўзбек уруғлари ичида сон жиҳатдан етакчи мавқега эга эканлигини таъкидлаб ўтган.(Гребенкин, 1872. с. 93.)

Этнограф олим А.И.Макшеев тўплаган маълумотларда юз уруғи 8 та бўғинга бўлинган. Булар - парчаюз, хитой юз, солин, уяс, қарабчи, найман, эрганакли, беш юз, сулокли. Мазкур бўғинлар ўз навбатида 56 та тармоққа бўлинган. Таниқли этнограф В.В.Радлов ўзининг «Об оседлых тюркских племенах Средней Азии» номли асарида Жиззах, Зомин ва Ўратепа атрофидаги юз уруғлари шажарасини таҳлил қилган. Муаллиф ҳам юз уруғини 8 та катта юқорида қайд қилинган бўғиндан ташкил топишини эътироф этади. Айни пайтда у А.И.Макшеевдан фарқли равишда 9 та тармоқни аниқлайди. Булар - уч тамғали, қорақалпоқ пёджегей, тўрт тамғали, хон-хўжа, хитайчи, тигирик, хўжа хитайчи, туркман, жалойир. (Радлов, 1989.)

Таниқли мутахассис Х.Дониёровнинг ушбу масалага бағишланган китобида ҳам, юз уруғи борасидаги масалаларга янада ойдинлик киритилган.(Дониёров, 1968. 83-86 б.). Юз уруғининг А.И.Макшеев томонидан тузилган шажарасида «олмачи» тўғридан - тўғри юз уруғининг парчаюз бўғинидан тарқалган тармоқ сифатида берилган. В.В.Радлов томонидан тузилган юз уруғи шажарасида эса олмачи парчаюз бўғинининг уч тамғали тармоғининг шаҳобчаси сифатида талқин этилади. Этнограф олим Т.У.Салимовнинг Зомин олмачиси бўйича йиққан маълумотларига кўра, олмачи парчаюз бўғинининг уч тамғали тармоғидан кейинги шаҳобчадир. Унинг ёзишича, парчаюз бўғинининг уч тамғали тармоғи - баймоқли, биран садок, олмачи, мирза, сирғали, юговли, корасирок, тулак, қалайкон совли (қалайкон майда) шаҳобчаларидан ташкил топган. (Салимов Т.У. 1994, с. 80.)

Олмачи маҳалласи фуқаролари Бектўраев Дўстмурод (1930 й.т.) Убайдуллаев Очилбой (1938 й.т.) ва Сатторов Пардабой (1948 й.т.) ларнинг берган маълумотларига қараганда қишлоқ аҳолиси асосан юз уруғи қавмидан ташкил топган бўлиб, қисман солинлар ҳам истикомат қилади. Қишлоқ аҳолиси Жиззахга Зоминнинг жануби-шарқ томонида жойлашган Олмачи қишлоғидан кўчиб келган. Олмачи номи билан аталган маҳаллалар Фарғона водийсида, Ховоснинг «Оқ чангал» қишлоғининг шимол томонида ҳам мавжуд. Ахборотчи Пардабой Сатторовнинг таъкидлашича, Олмачи қишлоғи аҳолисининг пир-эшонлари Ўратепа яқинидаги Нижони қишлоғида яшовчи эшонлардир. Аҳоли айни пайтда ҳам ўзини Нижони эшонларининг муриди, деб ҳисоблайди ва уларга эътиқод қилиб яқингача назр - ниёз олиб бориб турганлар.

Юқорида номлари қайд этилган ахборотчиларнинг эътироф этишларича, Олмачи аҳолиси ҳозирда 6 та тўп, яъни 6 отадан тарқалган авлодлардир. Булар Алмат тўпи, Мамир тўпи, Қиймат тўпи, Уяс тўпи, Баймоқли тўпи, Солин тўпи.Баймоқли тўпи юз уруғи, парчаюз бўғини, уч тамғали тармоғининг шаҳобчасидир. Ушбу шаҳобча вакиллари ҳам олмачи билан биргаликда Жиззахга кўчган ва унинг таркибига сингиб кетган. Шунингдек, уяс тўпи, солин тўпи борасида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин. Бироқ, баймоқлидан фарқли ўларок, уяс ҳам парчаюз каби алоҳида бўғин бўлиб, унинг оқ чакмон, норин, чункан, сир бўйинлик номли шаҳобчалари мавжуд. Т.У.Салимовнинг ёзишича, юз уруғининг солин бўғини, солин юзга ва уяс солинга бўлинади. Уяс солинлар унча катта бўлмаган аҳоли гуруҳини ташкил этиб, ҳозирги Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг Бахмал, Ғаллаорол, Зарбдор, Мирзачўл, Сайхунобод туманлари ҳудудида истикомат қилади. (Салимов Т.У. 1994, с. 81.). Ахборотчилар берган юқоридаги «Олмачида озрок солинлар ҳам яшайди» иборасида ҳақиқат бор. Уяс тўпи уяс солинга тааллуқли аҳоли гуруҳидир. Мамир тўпи вакили, ахборотчи Пардабой Сатторовнинг берган маълумотида қараганда, Олмачиликларнинг Жиззахга кўчиб келганига тахминан 250-300 йил бўлган. У ўзини Жиззахга кўчиб келган олмачиликларнинг 8 - авлоди деб ҳисоблайди. Унинг айтишича, олмачиликлар дастлаб Жиззах Ўрдасидан 1,5 км жанубда, тахминан ҳозирги Тошлоқ чойхонаси, Жиззах Тиббиёт коллежи атрофида ўрнашганлар. Кейинчалик, тахминан 150 йил муқаддам олмачиликлар ҳозирги

маҳаллалари ўрнига муқим жойлашишган. (Пардаев, 2004, 16 б.). Олмачиликларнинг Жиззахнинг бошқа кўпгина маҳаллалари сингари Жиззах Ўрдаси ичида маҳалла ёки гузари бўлмаган. Чунки, Олмачи аҳолиси азалдан чорвадор-қабила ҳисобланган, боғдорчилик ва қисман лалми дехқончилик билан шуғулланган. Жиззахда муқим жойлашгандан сўнг хўжалигида дехқончиликнинг ғаллакорлик соҳаси етакчи мавқени эгаллаган, боғдорчилик билан ҳам жиддий шуғулланишган. Чорвачилик ёрдамчи хўжалик мақомига айланган.

Олмачи сўзининг этимологияси ҳақида ёзма манбалар ва ахборотчиларнинг маълумотларида аниқ маълумотлар учрамайди. Ахборотчи П.Сатторовнинг маълумотида кўра, Зоминдаги Олмачи қишлоғи жойлашган тоғ олди ҳудудининг иқлим шароити боғдорчиликка, боғдорчиликнинг олма етиштириш соҳасига қулай бўлган. Ушбу омил қишлоқ аҳолисини «яхши сархил олма етиштирувчи» маъносини берувчи «олмачи», деб ном олишига сабаб бўлган. Демак, Олмачи аҳолиси XVIII асрнинг II-ярмида манғит амирларидан амир Дониёлбий (1758-1785) ва амир Шоҳмурод (1785-1800) даврларида Мовароуннаҳр шаҳарларига аҳолини кўчириш сиёсатини амалга ошириш натижасида Зомин яқинидаги Олмачи қишлоғидан Жиззах шаҳрининг Тошлоқ мавзеига кўчирилган. 1866-йил чор Россияси томонидан Жиззах шаҳрининг босиб олиниши, Сангзор дарёсининг жанубида янги Жиззах шаҳри ва рус истилочиларининг бошқа ҳарбий иншоотларининг қурилиши натижасида олмачиликлар Тошлоқдан ҳозирги маҳаллалари ўрнига кўчиб борганлар ва муқим жойлашганлар.

Сулоҳли маҳалласи. Сулоҳли маҳалласи Жиззах шаҳрининг шарқ томонида, ҳозирги Жиззах автобус шохбекасти атрофида жойлашган. XIX асрнинг охирларида ушбу мавзе орқали Тошкент-Самарқанд темир йўлининг қурилиши натижасида маҳалла иккига бўлиниб, “Юқори Сулоҳли” ва “Пастки Сулоҳли” номлари билан атала бошлаган. Сўнгги йилларда фуқароларга хусусий уй-жой қурилиши учун ер участкалари ажратилиши, натижасида автостанция атрофида “Ўрта Сулоҳли” маҳалласи ҳам вужудга келди. Маҳалланинг номи юз уруғининг “сулоҳли” бўғини номидан олинган. Манбаларда сулоҳли юз уруғининг охирги саккизинчи бўғини сифатида эътироф этилган. Сулоҳли ўз навбатида - қултепалик, бешкал, ғафур, чирик-равук, мирза, ариқ, беклар тўпи номи билан аталган еттита тармоқдан ташкил топган. (Пардаев, 2001, 114-116 б.).

Ахборотчи Эрназар Қораевнинг (1940 й.т.) берган маълумотида кўра, Сулоҳли аҳолиси қадимда Зоминнинг Ём қишлоғидан бир тоғ нарида жойлашган Сулоҳли қишлоғида яшаганлар. XVIII асрнинг II-ярмида Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасида муттасил давом этган жанглар Зомин ва Ўратепа атрофида содир бўлган. Бу жангларда кўплаб Зомин ва Ўратепа атрофидаги қишлоқ, маҳаллалар қатори сулоҳлиликлар ҳам азият чеккан. Шу сабабли, яйловларнинг тахчил бўлиб қолганлиги оқибатида асосий машғулоти чорвачилик бўлган сулоҳлиликларнинг катта бир гуруҳи Бекободдаги «Янтоқ», деган жойга кўчиб кетишган. Биринчи бўлиб Жиззахга Давлатали исмли, ёруғбош лақабли сўлоҳлилик кўчиб келган ва ўз оиласи ва тўпи билан ҳозирги Саройтепа (Сарой мазор - А.П.) атрофида жойлашган. Саройтепа Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шох кўчасининг шимол томонида, ҳозирги Дўстлик маҳалласи ҳудудида жойлашган. Ахборотчи Аъзам ҳожи Жайнаровнинг (1927 й.т.) маълумот беришича, сулоҳлиликларнинг бир қисми, кейинчалик Жиззах воҳасидаги Сайхон, Ҳасангоба, Булоқбоши адирларига кўчиб ўтганлар. Шунинг учун ҳозирда Сулоҳли аҳолиси Сарой тўпи, Сайхон тўпи деб номланган икки тўпга бўлинади. Эрназар Қораевнинг айтишига қараганда «сулоҳ» сўзи мўғул тилидан олинган бўлиб «қўй, молларга эн солувчи» маъносини билдирган. Ахборотчи Эрназар Қораевнинг аниқлаган шажара бўйича Жиззахга келгн сўлоҳлиликлар авлодлари қуйидагича: Давлатали ёруғбош - Аваз сўфи - Нурман чопар - Худойберди -Бобоқул - Қорабой - Эрназарбой. Ушбу шажара бўйича сулоҳлиликлар тахминан 200-220 йил аввал Жиззахга кўчиб келишган. Сулоҳли сўзининг маъноси ҳақида фикр билдирган профессор Б.Ўринбоевнинг ёзишича «сулоҳ» сўзининг бир неча маъноси

бор. Биринчи, Эрназар Қораев айтган «эн солувчи» маъносини, иккинчиси «қора жигар», «талок» маъносини, учинчиси «арава ўқи учига кийдирилган темир» маъносини ифодалайди. (Ўринбоев, 1992, 35 б).

Демак, Сулоҳлиликлар юз уруғининг саккизинчи бўғини ҳисобланиб, уларнинг дастлабки яшаган жойлари Зомин тумани Ём қишлоғи яқинидаги Сулоҳли қишлоғи бўлган. XVIII асрнинг II-ярмида содир бўлган сиёсий воқеалар, Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасидаги ўзаро урушлар, чорвачилик учун яйловларнинг тақчиллиги натижасида сулоҳлиликларнинг бир қисми дастлаб Бекободдаги Янтоқ мавзеига, кейинчалик Жиззах шаҳрининг Сароймозортепа атрофида кўчиб келишган.

Қипчоқ маҳалласи. Маҳалла Жиззах шаҳрининг жануби-ғарб қисмида Жиззах - Фориш йўлининг икки тарафида жойлашган. Маҳалла оқсоқоли, ахборотчи Бўронов Нормурод (1922 й.т) отанинг берган маълумотида кўра қипчоқлар Жиззахга тахминан 180-200 йил аввал Самарқанд вилояти Пойариқ туманидаги Чанғароқли, деган жойдан кўчиб келишган. Ахборотчи ўзини Жиззахга даставвал кўчиб келган Ашир ғончининг олтинчи авлоди, деб ҳисоблайди. Қипчоқликлар ҳозир ҳам Пойариқдаги уруғ-аймоқлари билан қариндошлик алоқаларини яхши йўлга қўйганлар, куда-андачилик муносабатлари ўрнатилган. Ахборотчи Хонимқулов Ҳасан (1928 й.т) отанинг айтишича, қипчоқлар Жиззахга кўчиб келганларидан сўнг асосан чорвачилик, қўй ва қорамол савдоси, қассоблик билан шуғулланишган. Маҳалла аҳли даставвал Жиззах Ўрдасида яшашган ва бек ҳамда амалдорларнинг чорвасига мутасаддилик қилишган. Қипчоқликлар Челак бозоридан кўплаб қўй-молларни кўтара савдо қилиб, Жиззахга олиб келиб сотишган. Натижада Жиззахда мол ва гўштнинг нархи ниҳоятда арзонлашган. Бунинг эвазига Жиззах беги қипчоқларга ҳозирги яшаётган ерлари бўлган Амиртоғ (Етимтоғ - А.П.) ва Жилқи ҳайдар оралиғидаги ҳудудни васиқа қилиб берган.

Тадқиқотлардан маълумки, «қипчоқ»лар эр. авв. 203 йилга тааллуқли хитой йилномасида «кюеше» ёки «цзюеше» тарзидаги транскрипцияда берилган. (Бичурин, 1953, с. 153-210.) Айнан «қипчоқ» атамаси эса VIII асрнинг ўрталарига оид Селенга тош битикларида қайд этилган. (Малов, 1951. с. 38). Кейинчалик эса «қипчоқ» ёки «қифчоқ» этноними араб ва форсий тилли мусулмон муаллифлари - ибн Хордадбех (IX аср), «Худуд ал - олам» (X аср), Байхақий (XI аср), Гардизий (XI аср), Аҳмад ат - Тусий (XII аср), ибн ал-Асир (XIII аср) Рашид- ад-дин (XIII - XIV аср) ва бошқа муаллифлар томонидан яратилган асарларда учрайди. (Шониёзов, 1990, 26 б). Қипчоқ сўзининг маъноси ҳақида турли фикрлар, афсона ва ривоятлар мавжуд. Абдулғозий Баходирхон «Шажарайи турк» асарида «қипчоқ» сўзининг маъносига оид қуйидаги ривоятни келтиради. Барокхон билан бўлган жангда Ўғузхон енгилиб, лашкари билан қочиб, икки дарёнинг ўртасидаги оролчада жон сақлайди. Ҳаво совуқ бўлади. Жангда халок бўлган бир бекнинг хотинини тўлғоқ тутади ва аёл кун совуқлигидан бир катта ичи бўш чирик ёғочнинг ичида ўғил фарзанд кўради. «қадим турк тилинда ичи бўш ёғочни қипчоқ дерлар экандур. Анинг учун ўл ўғлонни ёғоч ичинда туғулди теб, отин қипчоқ қўйдилар. Бу вақтда ҳам ичи бўш ёғочни қипчоқ дей турурлар. Ул ўғлонни хон ўз кўлинда сақлади. Йигит бўлгондин сўнг урус ва улоқ ва мачар (мажар) ва бошқурд эллари ёғи эрдилар. Қипчоқга кўп эл ва навқар бериб, ул ёқға Тин ва Атил (Итил) сувининг ёқасина юборди... Қипчоқ ул ерларда подшоҳлик қилиб ўлтурди. Барча қипчоқ эли анинг наслидан турурлар. Ўғузхоннинг замонидан Чингизхоннинг замонигача Тин ва Атил ва Ёйиқ, бу уч сувнинг ёқасинда қипчоқдин ўзга эл йўқ эрди. Анинг учун ул ерларни Дашти Қипчоқ дерлар. (Абдулғозий Баходирхон. 1992 – 21-22 б.)

Рус солномаларида IX асрдан бошлаб қипчоқлар ҳақида маълумотлар берилди бошланади. XI-XIII асрларда улар «половецлар», «куманлар» деб номланган. (Слава о полку Игореве. М.: 1964, с. 17-20, 23, 25, 31.). Ўрта асрларда яратилган рус йилномаларида қипчоқлар «сарачин», «срачин»,

«сорочинин» каби атамалар билан ҳам қайд этилган. И.Г.Добродомовнинг таъкидлашича, «сарачин» атамаси икки қисмдан иборат бўлиб биринчи қисм сифат «сарў» - «сарик» дан, иккинчи қисм туркий сўз «кунн»дан иборат. Туркчада «кунн» «халқ» маъносини беради. Яъни, қипчоқ сўзи «сари-кун» қадим рус тилида «сорочин» тарзида ифодаланган. (Добродомов, 1966, с. 122-128. 7). Дарҳақиқат «сари (к) этноними Ўрта Осиё туркий халқлари орасида масалан қозоқ ва қирғизларда - саруу, туркманларда сарўк, ўзбекларда сари, сарик тарзида ҳозиргача учрайди. Маълумки, қадимда Олтой ўлкаси ва Жанубий Сибирда яшовчи туркий халқлар дунё томонларини ранглар билан ифодалаганлар. Яъни, қора ранг - совуқ шимолни, қизил ранг - иссиқ жанубни, кўк ранг - шарқни, оқ ранг - ғарбни, сарик ранг - марказни ифодалаган. (Шаниязов, 1974. с. 30). Ўрта асрларда қипчоқлар асосан учта катта қабилавий гуруҳга - қора қипчоққа, оқ қипчоққа ва сарик қипчоққа бўлинишган. Лекин, юқорида таъкидланган дунё томонларини ранглар билан ифодалаш қипчоқларда сўнгги ўрта асрларда амалда қўлланилмаган. Лекин айрим қабилалар ўз географик жойлашувларига ҳамда қадимги урф-одатларга кўра ранглар билан маълум уруғ қабилани аташни давом эттиришган. Худди шундай фикрни қизил қанғли, қора қанғли, оқ қанғли, сарик қанғли, кўк қанғли каби рангли сифатлар билан аталган қанғли уруғларига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Қипчоқларнинг илк аждождларидан бир қисми VI асрда Ғарбий Олтойдан кўчиб Мўғулистон ва Тува ерларига келиб ўрнашганлар. Иккинчи қисми эса Иртиш дарёси яқинидаги даштларга кўчиб ўтиб кўмикларга тобеъ бўлишган. X-аср охири XI-аср бошида кўмиклар давлати емирилгач, қипчоқлар қўшни яшовчи бошқа туркий халқлар билан бирлашиб (хусусан, қанғлилар билан - А.П.), кучайиб қадимги «Мафазит ал-ғуз» - «Ўғузлар ери»ни ишғол қиладилар. XI-аср бошларида қипчоқларнинг катта гуруҳи Волга бўйи даштларига, бир қисми Сирдарё бўйларига келиб ўрнашадилар. Ғарбга йўналган қипчоқлар XI-асрнинг 60-йилларида Қора денгиз ва Азов денгизи яқинидаги чўлларда ҳамда Шимолий Кавказ, Шимолий Дон, Днепр, Дунай дарёлари бўйларидаги даштларда жойлашганлар. Оқибатда, Тянь-Шаннинг ғарбий тармоқларидан Дунай соҳилларигача бўлган улкан ҳудуд қипчоқлар қўлига ўтган ва бу ҳудуд «Дашти Қипчоқ», деб атала бошлаган. (Ўзбек Совет энциклопедияси. 3-том. 1972. 577 б)

Қипчоқларнинг асосий хўжалиги кўчманчи чорвачилик бўлиб, улар бир қанча ўтовлардан ташкил топган овулда яшашган. XII асрда қипчоқ уруғларида ҳунармандчиликнинг темирчилик, мўйначилик, этикдўзлик, эгарчилик, ўк-ёйчилик, тикувчилик соҳалар тараққий этган ва алоҳида соҳа сифатида ажралиб чиқа бошлаган. Қипчоқ оилалари бий бошчилигидаги уруғларга, бир неча уруғлар эса султон бошчилигидаги ўрдага бирлашган. Бир қанча ўрдалар қабилани ташкил этган. Қабилалар иттифоқини эса ўз навбатида олий ҳукмдор, деб тан олинган хон бошқарган.

Қипчоқлар 1223 йилда Шимолий Кавказ ва Калка дарёси бўйида икки марта мўғуллардан қақшатгич зарбага учрайди ва натижада, уларнинг бир қисми Олтин Ўрда таркибига киради, бир қисми Болгария ва Венгрияга кўчиб вақт ўтиши билан у ерда маҳаллий халқларга сингишиб кетади. Олтин Ўрданинг асосий аҳолисини ташкил этган қипчоқлар таъсирида мўғуллар XIV аср мобайнида ўз тилини унутиб туркийлашадилар. Кейинчалик, Олтин Ўрда емирилгач XVI асрда қипчоқларнинг катта гуруҳи шарққа силжиб Қозоғистон ва Ўрта Осиё ҳудудига келиб жойлашадилар. Уларнинг кўпчилиги аста-секин ўтроқлашиб дехқончилик билан шуғуллана бошлаган. Қипчоқларнинг айрим гуруҳлари эса XX аср бошларига қадар ярим ўтроқ, ярим кўчманчи ҳаёт тарзида кун кечиришган ва асосан чорвачилик, қисман дехқончилик билан шуғулланишган. Ўзбекистонда яшовчи қипчоқлар XX асрнинг биринчи чорагида 127 минг кишини ташкил қилган. Шундан 52 мингги Зарафшон водийсида, 42,4 мингги Фарғона водийсида, қолганлари Тошкент, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида яшаган. Қипчоқлар ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, татар, туркман, бошқирд, нўғай, болқор, кўмик, олтой

халқларининг шаклланишида уруғ-компонент сифатида фаол иштирок этган. (Ўзбек Совет энциклопедияси. 4-том. 1973. - 86 б)

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиб айтганда, Жиззах шаҳри шаклланиши ва унинг атрофидаги манзилларда кент, қишлоқ, маҳаллаларнинг ташкил топишиузоқ давом этган ижтимоий жараён бўлиб, бунга қадимги даврларда аҳолининг табақаланиши, миграция, демографик ўсиш каби омиллар сабаб бўлса, хонликлар даврида асосан, сиёсий беқарорлик каби воқеликлар сабаб бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдулғозий Баходирхон. Шажарайи турк. Т: «Чўлпон», 1992.
2. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древнейшие времена. Т. III, М-Л., 1953.
3. Гребенкин А.Д. Узбеки // Русский Туркестан. Сборник изданный по поводу политехнической выставки. Вып. 11, М: 1872.
4. Добродомов И.Г. Из древнерусской этнонимии //СЭ., № 3, 1966.
5. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. Т: «Фан», 1968.
6. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. М: 1976.
7. Макшеев А.И. Географические, этнографические и статистические материалы о Туркестанском крае // Записи императорского географического общества по отделу статистики. Т. II. СПб. 1871.
8. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования, М-Л., 1951.
9. Радлов В.В. Из Сибири. Страницы дневника. М.: 1989.
10. Салимов Т.У. Некоторые вопросы формирования населения Зааминского района (кон. XIX - XX вв.) // Древний Заамин. Т: «Фан», 1994.
11. Слава о полку Игореве. М.: Художественная литература», 1964.
12. Ўзбек Совет энциклопедияси. 3-том, Т., 1972.
13. Ўзбек Совет энциклопедияси. 4-том, Т., 1973.
14. Ўринбоев Б. Жиззах вилояти топонимлари. Жиззах, 1992.
15. Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа (историко-этнографическое исследование на материалах кипчакского компонента). Т: «Фан», 1974.
16. Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғарлар. Т: «Фан», 1990.
17. Пардаев А. Жиззах беклиги – Ўрта Осиё хонликлари даврида (XVI асрдан XIX асрнинг 60 йилларигача) тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Т., 2004.
18. Пардаев А.Х. Самарқанд ва Жиззах маҳаллалари тарихига оид айрим мулоҳазалар // Зарафшон воҳаси ва унинг тарихидаги ўрни. М.Б.1-қисм. Самарқанд, 2001.
19. Пардаев М., Пардаев А. Жиззах Ўрдаси //Қадимий Қарши - Ўрта Осиё шаҳарсозлиги ва маданияти тарихи. Халқаро илмий анжуман материаллари. Қарши, «Насаф», 1999.

ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ БРОНЗА ДАВРИ ЖАМОАЛАРИНИНГ НОН ПИШИРИШ УСЛУБЛАРИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

К.А.Раҳимов

ЎзР ФА Миллий археология маркази

Инсоният томонидан сунъий олов ҳосил қилишни билиб олганларидан сўнг, донни пишириб ейиш имконияти туғилган. Дастлаб бошоқ чўғда думбул қилиниб, сўнг у қозонда қовурилиб, пишган дон уқаланиб, истеъмол қилинган. Ёрғучоқ пайдо бўлиши билан донни тош орасида майдалаб, ёрма ҳолатида истеъмол қилиш ўрнига ғалладан ун тайёрлаш ва хамир қориб, қизитилган тош устида ёки қумга кўмиб, нон пиширишга ўтилган.

Буғдойнинг маданийлаштирилиши, ундан неъмат нон тайёрланишининг бошланиши инсоният томонидан қилинган катта кашфиёт, мўжиза бўлса, тандирнинг кашф этилиши ҳам ундан қолишмайдиган ихтиролардан биридир. Аввало тандирга мос келадиган соз тупроқ танлаш, унга ишлов бериш, лойга жун, сомон қўшиш услубини яратиш, лойни тандир шаклига келтириш, тандирни оловда пишириш ва “оқартириш”, қайси вақтда нон ёпиш кераклигини билиш инсониятдан катта билимни, кўникмани ва маҳоратни талаб қилган. Шу технологияни бронза даврида истиқомат қилган ўтроқ жамоалар томонидан яхши ўзлаштириб олганликларини бу даврга оид ёдгорликлардан топилган тандирлар исботлаб турибди.

Тандирлар ҳам ўчоқлар сингари ҳар бир маданиятнинг ўзига хослик хусусиятини очиб беришда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Табиийки, тандирлар жуда ёмон сақланади ва шу сабабли, ушбу маданиятининг тандирлари озчиликни ташкил қилади. Сополлитепа тандирлари айлана шаклида бўлиб, улар манзилгоҳнинг мудофаа девори ташқарисидаги хоналардан бирида жойлашган. А.А. Асқаров Сополлитепа тандирларини тузилишига кўра, Ўзбекистоннинг жануби-ғарбий вилоятларидаги замонавий тандирлардан фарқ қилмаслигини таъкидлаб ўтади (Асқаров, 1977. С.31). Улар лента услубида ва лойи таркибида ҳайвон жунидан аралаштириб, яхши ишлов бериб ясалган. Ҳар бир лентани эни 40 см.дан кам бўлмаган ҳолда, тандирларни тиклаш учун иккита лента етарли бўлган. Бундан кўриниб турибдики, тандирларни баландлиги 80 см кам бўлмаган. Тандирларни ички қисми яхшилаб текисланган бўлиб, ташқи томони эса ички томонига нисбатан дағалроқ бўлган. Тандирларнинг диаметри 80-86 см, деворларининг қалинлиги 2,5 см.гача етади. Бундан ташқари, манзилгоҳни 42-хонасида диаметри 70 см, чуқурлиги эса 60 см ўрачалар очиб ўрганилган бўлиб, А.А. Асқаров уларнинг тандир яшаш учун қолип ёки бўлмаса сандал вазифасини бажарган бўлиши мумкин деган фикрни илгари суради (Асқаров, 1973. С. 36-37). Бизнинг фикримизча, ушбу қурилма ички деворлари олов таъсирида қизариб куйганлигини ва манзилгоҳда қайд қилинган тандирларга нисбатан уларнинг ўлчамларини кичиклигини эътиборга оладиган бўлсак, улардан иситиш қурилмаси, яъни сандал сифатида фойдаланилган бўлиши мумкин. Манзилгоҳни 105-хонаси очиш жараёнида 4 та тандир ва 10 та тошдан ясалган ёрғучоқлар топилган ва буларни эътиборга олган тадқиқотчи ушбу хона новвойхона вазифасини бажарганлигини тахмин қилади (Асқаров, 1977. С.31).

Жарқўтон тандирлари, асосан текис ерга қурилган. Унинг полига тош тўшалган ва уни устки қисми сомон аралаш лой билан сувалган. Тандир девори сифатли лойдан тикланган бўлиб, унинг парчалари учрайди. Тандир полига тош тўшалишига қараганда, у тандир ичидаги иссиқлик ҳароратини узоқ вақт бир мёърда ушлаб туриш ва тандир поли остидаги намликни юқорига кўтарилишини олдини олиш учун хизмат қилган бўлиши мумкин. Бугунги тадқиқотларимизни кўрсатишича, Жарқўтон ёдгорлигини бирон-бир ҳудудида бир жойда жамланган тандирлар очиб ўрганилмаган.

Юкоридаги маълумотларни гувоҳлик беришича, Сополлитепада тандирлари манзилгоҳ қалъа деворини ташқи томонидаги иккита хонада жойлашган бўлиб, қалъани ички қисмдаги хоналарда тандирлар учрамаслиги кузатилади. Бизнинг илмий таҳлилларимизга кўра, ушбу хоналар бутун манзилгоҳ аҳолисини нон билан таъминлайдиган новвойхоналар вазифасини ўтаган ва бу ерда пиширилган нонлар манзилгоҳда истиқомат қилган оилаларга тенг тақсимланган бўлиши мумкин. Бунга манзилгоҳда қайд қилинган қабрлардан топилган ашёлар сонининг статистик таҳлилларига кўра, Сополлитепа аҳолисининг тенг ҳуқуқли бўлган деган фикрини мисол қилиб келтириш мумкин (Аскарлов, 1977. С. 23).

Жанубий Туркманистондаги Олтинтепа ёдгорлигини илк бронза даврига оид қатламларида ҳам тандирлар ўрнатилган махсус хоналар (новвойхоналар) очиб ўрганилган (Массон, 1981. С. 46-48). Бундан ташқари, Мурғоб воҳасидан мил.ав. II минг йилликлар бошларига оид Келлели (Масимов, С. 476-477), Тохирбой 3 ёдгорликлари ҳовлисидан топилган Намозгоҳ VI даврининг бошларига оид айлана ёки овалсимон тандирлар Жанубий Туркманистондаги замонавий тандирларни эслатади (Массон, 1957. С. 58; Массон, 1959. С. 15-16).

Бундан кўришиб турибдики, ҳозирги вақтдагидек жамоа учун нон пиширадиган махсус новвойхоналар илк бор бронза давридан бошлаб пайдо бўлган. Ҳамда бронза даврида яшаган ота-боболаримиз нон пишириш, тандир ясаш ва уни қуриш технологияларини мукамаллигини таъминлай олганлар. Буни ҳозирги вақтда ҳам худди ўша давирдагидек тандирларни махсус лойдан уни таркибига ҳайвон жуни қўшиб ясалиши ва уларни ер ёки махсус супа устига оғзи тик қилиб қурилишидан ҳам билсак бўлади.

Этнографик маълумотларнинг гувоҳлик беришича, това ва тобатослардан зоғора нонларни пиширишда фойдаланилган. Олдинги изланишларимизда бронза даври жамоаси аҳолиси нон пиширишда махсус тошлардан ҳам кенг фойдаланганликларини айтиб ўтган эдик (Раҳимов, 2011. 23 б.).

Айтиш жоизки, Қадимги Бактриянинг бронза даври жамоалари нон пиширишда тандирлардан ташқари тобатос ва товалардан ҳам кенг фойдаланилган. Буни ушбу худуд ёдгорликлардан тадқиқотлар давомида нон пишириш билан боғлиқ қўлга киритилган жуда кўплаб топилмалар ҳам яққол исботлай.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўрта Осиёнинг бронза даврига оид Олтинтепа, Келлели, Тохирбой 3, Дашли, Сополлитепа, Жарқўтон каби ёдгорликларда ясалиши технологияси ва шакл жиҳатидан бир-бирига ўхшаш тандир, това, тобатосларни учрашини эътиборга оладиган бўлсак, Қадимги Бактрия ва Марғиёна худудларда истиқомат қилган аҳолини этник келиб чиқиши жиҳатидан улар бир гуруҳга тааллуқли эканлигини исботлаб турибди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, 1977.
2. Аскарлов А.А. Сапаллитепа. Ташкент, 1973.
3. Масимов И.С. Раскопки в Келлелинском оазисе // АО, 1981. М.: 1983.
4. Массон В.М. Алтын-депе // Труды ЮТАКЭ. Вып. XVIII, Л., 1981.
5. Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА, № 73. М.-Л.: 1959.
6. Массон В.М. Изучение древнеземледельческих поселений в дельте Мургаба // КСИИМК, вып. 69. М.: 1957.
7. Раҳимов К.А. Сополли маданияти ёдгорликларида олов билан боғлиқ қурилмалар ва ошхона идишлари типологияси. // Автореф. дис. тар. фан. номзоди. Самарқанд, 2011.

ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРНИНГ ИЛК ВАТАНИ БОРАСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

С. С.Қудратов, Ҳ.Сулайманов

ГулДУ

Собиқ совет тарихшунослигида Тоғли Олтой туркий халқларнинг илк ватани, туркий аҳоли айнан шу ўлкада таркиб топиб, сўнг мил.ав. IV асрдан бошлаб, бошқа юртларга тарқалган деган фикр хукмрон эди. Ваҳоланки, Тоғли Олтой худудида олиб борилган археологик тадқиқотлар туркий халқлар бу ерга мил.ав. VI-аср охири – мил.ав. V-аср бошларида четдан келганлигини тасдиқласада (Членова, 1967, 300 б), бу фактлар эътиборга олинмаган. Жумладан, Тоғли Олтой, Минисуинск пасттекислиги ва Тувада олиб борилган археологик тадқиқотлар ушбу худудларга мил.ав. VI-аср охири – мил.ав. V-аср бошларида Ўрта Осиёдан янги қавмлар кириб келганлигини кўрсатади. Уларга тегишли моддий маданият қолдиқлари 1000 дан ортиқ Пазарик қўрғонларидан топиб ўрганилган. Маълумот ўрнида Россия Федерациясининг Тоғли Олтой худудидаги Пазарик маданияти 1865 йили рус археологи В. В. Радлов томонидан Пазарик қўрғонларини ўрганиш жараёнида аниқланган. 1929 йили академик С. И. Руденко томонидан мунтазам ўрганилиши бошланган ушбу маданиятга тегишли қўрғонлар ҳозирда ҳам тадқиқ этиб келинмоқда. Қўрғонлар музликлар билан қопланганлиги сабабли, улар яхши сақланган. Қўрғонлардан Ўрта Осиёнинг қадимги чорвадор аҳолисига хос бўлган ёғочдан, теридан, жундан ишланган идишлар, шунингдек форсий гиламлар, жун матолар, тақинчоқлар топилган (Руденко, 1952, Грязнов, 1958). Рус археологи А. А. Тишкиннинг ёзишича, мил.ав. VI-асрга келиб Олтой маданиятида сезиларли ўзгариш юз беради. Бу асли Ўрта Осиёлик бўлган чорвадор қабилаларининг кириб келиши билан боғлиқ. Натижада археология фанида “Пазарик маданияти” деб номланган янги жамоат пайдо бўлади (Тишкин, 2007, 356 б).

Аҳолисининг асосий машғулоти чорвачилик бўлган, ушбу маданиятнинг муҳим белгиларидан бири бу тухумсимон, чўзиқ, оёқлари мавжуд, ушлоғичлари ва қорин қисми бой геометрик нақшлар безатилган қозонлар ҳисобланади. Маълумки, туркий халқларда қозон – оиланинг бирлиги ҳисобланган. Ҳозирда ҳам туркий тилли халқларда “Қозонини бошқа қилиб қўйдим”, дегани оиласи бўлак бўлганлигини билдирса, аксинча, қозонимиз бир дегани оиланинг бир эканлиги борасидаги маънони беради.

Шунингдек, Пазарик қўрғонларидан топилган марҳумларнинг бош кийимлари ҳам (биламизки, бош кийим бу маълум маънода этник белги ҳисобланади) бугунги қирғиз ва қозоқларнинг анъанавий бош кийимларига жуда ҳам ўхшаб кетади. Пазарик қўрғонларидан жуда кўп ёғочдан ишланган идишлар топилган., демакки, улар ёғоч идишлардан кенг фойдаланишган. Яқин-яқингача асли чорвадор бўлган туркий тилли аجدодларимиз ёғоч идишлар (ёғоч коса, ёғоч кели...) фойдаланишганини яхши эслаймиз. Ёки қўрғонлардан топилган қўй суягидан бўлган “ошиқ”лар ҳам эътиборга молик. Ҳозирда ҳам туркий халқларда “ошиқ” ўйнаиб келинади. Пазарик қўрғонларидан теридан ишланган бурдюкка ўхшаш идишлар топилган. Туркий тилли халқларда бунга ўхшаш идишлар кенг тарқалган бўлиб, уларда сут маҳсулотлари (қимиз, пишлок...) тайёрлашган. Пазарик қўрғонларидан топилган жундан матолар тайёрлаш ҳам туркий халқларда кенг ёйилган. Маълумки, ҳозирда ҳам туркий тилли халқларда ўтов тикиш, кийгиз тўшангилар урф ҳисобланади. Туркий халқларнинг аёллари қўй ва эчки жунини урчук билан йигириб, ундан оила аъзоларига кийим-бош тикишади.

Хулоса ўрнида, шуни таъкидлаш жоизки, Пазарик қўрғонларидан топилган археологик материаллар билан бугунги туркий тилли халқлар маданияти орасида сезиларли ўхшашлик кузатилади.

Маълумки, туркий қавмлар мил.ав. V-минг йиллик охирларида отни қўлга ўргатишиб, эгарни кашф этишади. Бу нарса уларга мил.ав. III-минг йилликларда Ғарбда Қора денгиздан, шарқда Байкалгача, шимолда Ўрол тоғидан, жанубда Орол денгизининг жанубий қирғоқларигача бўлган бепоён Евроосиё (Буюк турк) чўлларида ҳаёт кечириш имконини берган. Бу худудлардан топилган археологик, антропологик комплекслар ва уларни қадимги хитой ёзма манбалари билан қиёсий тахлили ушбу халқларнинг этник жиҳатдан туркий тилли халқларга тегишли эканлиги борасида фикр билдиришга имкон бермоқда. Ушбу давр аҳолиси тегишли бўлган маданият фанда “андроново” маданияти деб юритилади. Археологик манбаларга кўра, протурк қабилаларининг Ўрта Осиёга кириб келиши мил.ав. II минг йилликнинг ўрталари, бронза даврига бориб тақалади (Асқаров,2015, 367 б).

Уларнинг авлодлари бўлмиш сак, массагет қабилалари мил.ав. I минг йиллик бошларида Ўрта Осиёнинг шимолий худудларида яшаганлар. Юқорида келтирилган қиёсий тахлиллар, айнан уларнинг бир қисмини мил.ав. VI-аср охири – мил.ав. V-аср бошларида Тоғли Олтой худудларига кўчиб бориб ўрнашганлиги борасида гувоҳлик беради. Хўш нима сабабдан ушбу халқлар Ўрта Осиёдан Тоғли Олтойга кўчишади? Бунинг сабабини ўша даврдаги сиёсий вазиятдан келиб чиқиб, ахтармоқ керак. Маълумки, мил.ав. 530-529 йиллари Аҳомонийлар подшоси Кир II га қақшатқич зарба берган Ўрта Осиёнинг чорвадор қабилаларидан бири бўлган массагетлар орадан, 11 йил ўтгач, мил.ав. 519-518 йиллари аҳомонийлар подшоси Доро I нинг улар устига катта қўшин билан келаётганлигини эшитгач, бу сафар жангдан ўзларини четга оладилар. Сабаб, бу сафарги жанг ҳатто уларнинг ғалабаси билан тугасада, бу улар учун жудда катта, ўнглаб бўлмас йўқотишларга олиб келиши мумкинлигини тушинган ҳолда улар ҳозирги, Марказий Қозоғистон чўллари орқали ғарб томонга, Тоғли Олтой томон юришга мажбур бўлишади. Ва шу тариқа туркий қавмлар ушбу худудларга бориб қолишади.

Демак, шу пайтгача туркий халқларнинг илк ватани деб келинган Тоғли Олтойга туркий қавмлар мил.ав. VI-аср охири – мил.ав. V-аср бошларида Ўрта Осиёдан келишган. Такдир тақозаси билан уларнинг бир қисми мил.ав. IV асрдан бошлаб ўзларининг тарихий юртларига қайтишган. Уларнинг ўз юртларига қайтиши Тоғли Олтой ва унга туташ худудларда экологик вазият (сурункали қурғоқчилик сабаб, ўт-ўланларнинг қуриши) билан изоҳланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Членова Н.Л. Происхождение и ранняя история племен тагарской культуры. — М.: Наука, 1967. — 300 с.
2. Руденко С.И. Горноалтайские находки и скифы. М.-Л., 1952; Грязнов М.П. Древнее искусство Алтая. Л., 1958
3. Тишкин А.А. Создание периодизационных и культурно-хронологических схем: исторический опыт и современная концепция изучения древних и средневековых народов Алтая. Барнаул,2007, с.356
4. Асқаров А. А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкент, 2015 й.,678 бб

КЕШ (КИТОБ) ШАҲРИНИНГ ТАРИХИЙ ТОПОГРАФИЯСИ ХУСУСИДА

А.А.Раимкулов

ЎзР ФА Миллий археология маркази,

Ф.П.Эгамбердиев

Қарши давлат университети

Ҳозирги Китоб шаҳридан ғарбда, Зарафшон тизмасидан оқиб келувчи Шўробсой бўйида Подаётқотепа, Узунқир ва Сангиртепа номли йирик археологик ёдгорликлар мажмуаси мавжуд. Бу ёдгорликлар мил.авв. VIII-VII асрларда шаклланган қадимий Кешнинг бизнинг кунларгача етиб келган харобаларидир.

Александр Македонский тарихчилари Қашқадарё воҳасидаги Наутака ва Ксениппа номи билан аталган вилоятларни тилга олишган. М.Е.Массоннинг фикрича, Наутака - бу Қарши воҳасида, Ксениппа эса юқори Қашқадарёда жойлашган (Массон, 1973, с.5-10). С.К.Кабанов ва А.С.Сагдуллаев эса М.Е.Массон фикрига қарама-қарши фикрни билдиради.

Яқинда шимолий Афғонистондан мол терисига битилган мактуб топилган. Мактуб мил.авв. 330-320 йилларда, Бақтр сатрапи (хокими) томонидан унинг ўз қўли остидаги Хульм (Бақтр (Балх)дан 50 км масофада жойлашган Тошқўрғон - Р.А.) деган шаҳарча бошқарувчиси Багавантага юборилган. Унда Никшапайа ва Кишш шаҳарларидаги мудофаа иншоотлари қурилишини назорат қилиш учун аскар юбориш буюрилган (Шакед, 2006, с.34). Хатда Никшапайа (Нахшаб) ва Киш (Кеш) шаҳарлари назарда тутилганлигига бирон-бир шубҳа йўқ.

Мил.авв. III-II асрларда Киш (Кеш) таназзулга учрайди ва шаҳар ҳозирги Китоб шаҳридаги Қаландартепа ўрнида қайта қад ростлайди. Лекин ушбу мақолада бу шаҳарнинг қадимги ва илк ўрта асрлар даври тарихи тўғрисида чуқурроқ тўхталишни лозим топмадик. Шаҳар бу ерда IX-X асрларгача фаолият кўрсатади. Лекин у ҳозирги Шаҳрисабз ўрнига қайси асрда кўчганлиги масаласи узоқ йиллар давомида тарих ва археология фанларида муаммо бўлиб келди.

X асрда Кешга ташриф буюрган араб сайёҳи Ибн Хавқалнинг шаҳарга берган таърифича, «Кеш «куҳандиз», «ҳисна» ва «рабод» дан ташкил топган. Ундан ташқари яна бир шаҳар «мадина» рабод билан тутшиб кетган. Ички шаҳар ва куҳандиз хароба ҳолатда. Аҳоли ташки шаҳарда яшайди. «Дар ал Имара», яъни ҳукумат уйи шаҳар ташқарисида, рабод эса ал-Мусалла деган жойда жойлашган. Зиндон ва жомеъ масжиди харобага айланган ички шаҳарда, бозорлар эса рабодда. Шаҳарнинг барча иморатлари лойдан ва ёғочдан қурилган. Ички шаҳар деворларида «Баб ал Ҳадид» - Темир дарвоза, «Баб Убайдуллоҳ» - Убайдуллоҳ дарвозаси, «Баб ал Қассарин» - Тозаловчилар дарвозаси, «Баб ал-Мадина ад-Доҳила» - Ички шаҳар дарвозаси. Ташқи шаҳар деворларида «Баб ал-Мадина ал-Харижа» -Ташқи шаҳар дарвозаси ва «Баб Баркнон» - Баркнон дарвозалари бор (Ибн Ҳавқал, 2011, 65-66 б.). Баркнон Кешга яқин масофада жойлашган қишлоқлардан бирининг номи.

Кешнинг шаҳар деворлари яқинидан иккита дарё оқиб ўтган. Улардан бири «Наҳр ал-Қассарин» - Тозаловчилар дарёси номи билан аталган ва бу дарё Сийам тоғларидан бошланиб, Кешнинг жанубий дарвозаси яқинидан оқиб ўтади. Манбаларда тилга олинган Мусалло масжиди мана шу дарёнинг нариги томондаги ҳудудда, «ташқи мадина»да бўлган ва бу ҳудуд орқали Кеш (Шаҳрисабз)га йўл ўтган. Бу ҳудудда хунармандларнинг маҳаллалари ҳам фаолият кўрсатган. Хуллас, Кеш (Китоб) шаҳри ўрта асрларда тўрт қисмдан иборат бўлган. Иккинчи дарё «Наҳр Асруд» номи билан аталади ва у Кашкруд рустоқи томондан оқиб келади. Бу дарё Китоб шаҳрининг шимолий дарвозаси яқинидан оқиб ўтади.

Кешга ташриф буюрган бошқа бир араб сайёҳи ал-Муқаддасий Кешни “жуда катта шаҳар” деб таърифлаган ва шаҳарнинг бир томони учдан бир фарсаҳ эканлигини айтган. Ибн Ҳавқалнинг

маълумотига кўра шаҳарнинг майдони учдан бир фарсах бўлган. Араб сайёҳлари келганларида ташқи мадина аҳоли билан тўла бўлган. Муаллифларнинг маълумотларига кўра, шаҳарнинг иккита рабоди бўлган. Жомеъ масжиди ички, харобага айланган шаҳарда жойлашган, у Самарқанд жомеъ масжидидан кейин Суғддаги энг чиройли масжиддир. Зиндон ҳам ички мадинада бўлган (Камалиддинов, 1996, с.18).

Кеш (Китоб) шаҳрининг тарихий топографияси дастлаб М.Е.Массон томонидан ўрганилган (Массон, 1977, с.24-38). Лекин қадимий Кеш шаҳри худуди ҳозирги кунда тўлалигича замонавий шаҳарнинг турар жойлари, жамоат ва хўжалик бинолари тагида қолиб кетганлиги боис, шаҳарнинг ҳозирги кундаги қиёфасига қараб унинг ўрта асрлардаги тарихий топографияси хусусида бирон-бир жўяли фикр айтиш мушкул.

Кеш (Китоб) шаҳри харобалари археологик жиҳатдан биринчи марта 1949-1950 йилларда С.К.Кабанов томонидан тадқиқ этилган ва деярли бузилиб кетган қадимий шаҳарнинг қолдиқлари Қаландартепадан 100 метрлар чамаси ғарбда жойлашган бўлиб, ўша пайтда унинг майдони 7-7,5 га, шаҳарчанинг умумий майдони эса 15 га бўлган (Кабанов, 1955, с.106). Шаҳарча худудида солинган шурфнинг куйи қатламларидан мил. авв. III-II асрларга оид сопол буюмлар комплекси қўлга киритилган (Кабанов, 1962, с.43-52).

1960-1970 йилларда Китоб шаҳри худудида КАТЭ олимлари томонидан солинган қирқдан ортиқ шурфлар илк ўрта асрларга оид Кеш шаҳри кейинги асрлардаги Китоб беклиги қўрғони худудида бўлганлигини аниқлашга ёрдам берди. Шаҳарнинг шимоли-ғарбий мудофаа деворлари Н.И.Крашенинникова томонидан ўрганилган бўлиб, унинг қалинлиги 7,5 м, девор ичидаги коридорнинг эни эса 1,25 м бўлган. Бу деворлар илк антик даврда бунёд этилган (Крашенинникова, 1968, с.64). Кейинги асрларда пайдо бўлган беклик қўрғонининг деворлари VII-VIII асрларга оид маҳобатли деворлар устига, уларни йўналишлари бўйича қурилган (Массон, 1977, с.24-25).

Қаландартепада солинган шурфларда XVII асрлар маданий қатламлари остида таркибида оз миқдорда XI-XII асрларга оид сополлар парчалари бўлган чимли қатлам учраганлиги қайд этилган. Бу қатламнинг остида эса қалинлиги 3,5 м бўлган илк ўрта асрларга оид қатлам мавжуд (Массон, 1977, с.25). Археологик тадқиқотларнинг шохидлик беришларича, Кеш (Китоб) аркнинг сўнгги маданий қатламлари VIII-IX асрларга оид. Бу ҳолат кўплаб ўрта асрлар шаҳарларига хос бўлган воқеликни, яъни мана шу даврда кўплаб шаҳарларнинг арклари истеъмолдан чиқа бошлаганлигини, Кеш (Китоб) арки Жанубий Суғднинг Насаф (Шуллуктепа), Ғўбдин (Таллисортепа), Қофиртепа каби шаҳарлари арклари каби ўрта асрларда фаолият юргизмаганлигини ва шу билан бирга ўрта асрлар даври муаллифларининг маълумотлари тўғри эканлигини кўрсатади.

Ўрта асрлар сайёҳларининг бу маълумотларини тўлалигича Китоб шаҳри худудидаги Қаландартепанинг географик хусусиятига мос келади. «Наҳр ал-Қассарин» - ҳозирги Оқсув дарёси шаҳарнинг жанубий дарвозаси яқинидан, «Наҳр Асруд» - Қашқадарё эса шаҳарнинг шимолий дарвозаси яқинидан оқиб ўтган. Ҳозирда Кеш (Китоб) арки бўлган Қаландартепадан Қашқадарёгача бўлган масофа 2,5 км эканлигини ҳисобга олсак, «Наҳр Асруд» (Қашқадарё) шаҳарнинг шимолий дарвозасидан анчагина нарироқдан оққан. Юқорида айтганимиздек, Ибн Ҳавқал Кеш (Китоб) шаҳри дарвозаси деганда дарё яқинидан ўтган “Чим девори” даги дарвозани назарда тутган бўлса керак.

Шаҳар албатта «Наҳр ал-Қассарин», яъни ҳозирги Оқсув дарёсининг нариги томонини, яъни чап соҳилидаги худудни ҳам қамраб олган. Лекин бу ҳақда ҳеч бир манбада маълумот учрамайди. Ҳозирги даврда аҳоли турар-жойлари билан бутунлай банд бўлган бу худудда археологик қазилма ва қидирув ишлари умуман олиб борилмаган. Биз томонимиздан олиб борилган суриштирув ишларида маҳаллий кишилар шаҳарнинг бу қисмида қавланган қудуқларда, чуқурларда, хандакларда доимо сопол буюмлар парчалари, суяк, занглаган металл парчалари ва бошқа буюмлар

парчалари учраб туришини айтдилар. Бу маълумотлар асосида шуни таъкидлаш лозимки, Кеш (Китоб)нинг жанубида ва жануби-ғарбида, дарё ортидаги худудда албатта шаҳар рабодининг давоми жойлашган. Бу рабод шаҳар мадинаси билан «Баб Баркнон» - Баркнон дарвозаси орқали боғланган.

М.Е.Массон Кеш (Китоб)нинг инқирозга учраши сабабларини Муқанна кўзғолони билан боғлайди. Чунки бу кўзғолоннинг энг қайноқ нуқтаси мана шу шаҳар эди. Сомонийлар даврида, ислом дини бу давлатнинг расмий динига айлангандан кейин ҳам Кеш шаҳри ва унинг атрофларидаги қишлоқлар аҳолисининг маълум қисми Муқанна динига эътиқод қилишда давом этган. М.Е.Массоннинг фикрича, Сомонийлар ушбу «исёнчилар шаҳри»ни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан инқирозга учрашидан манфаатдор бўлганлар. Мана шу муносабат унинг инқирозига сабаб бўлган (Массон, 1977, с.27-29).

Кеш (Китоб)нинг инқирозга учрай бошлаши жараёнида бу худудлар учун керак бўлган марказ энди унга яқин масофада, йирик савдо йўли устида жойлашган Баркнон қишлоғига кўча бошлайди ва у ривожланиб янги савдо ва хунармандчилик марказига айлана боради, XI-XII асрларда у ерда жомеъ масжиди қурилган. Ш.С.Камалиддиновнинг фикрига кўра Баркнон қишлоғи ҳозирги Шаҳрисабз ўрнида бўлган ва бу қишлоқ сомонийлар даврида, яъни Китоб Кешининг инқирози даврида ривожлана бориб, қорахонийлар даврида шаҳарга айлана борган.

Бизнинг фикримизча, Кеш-Шаҳрисабзнинг кенгайиб шаҳарга айлана бошлаши жараёни X асрдан, яъни Сомонийлар даври охирларидан, асосан Қорахонийлар давридан бошланганлиги ҳақиқатга яқин. Шаҳрисабз шаҳридаги Мирзо Улуғбек томонидан бунёд этилган Кўк гумбаз масжиди ўрнида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида ушбу масжид тахминан XII асрда қорахонийлар даврида пишиқ ғиштлардан бунёд этилган масжид харобалари устига, ўша қадимий тарх асосида қурилганлиги аниқланган (Дресвянская, Лунина, Султанов, Усманова, часть II, 1993, с. 44-45).

Шаҳрисабз шаҳри худудида сомонийлар даврига оид пишиқ ғиштларининг кўплаб учраши Сомонийлар сулоласи давридан бошлаб бу ерда катта майдонни эгаллаган йирик қишлоқ шакллана бошлаганлигидан далолат беради. Лекин бу худудда Сомонийлар даври қишлоғининг мудофаа деворлари учрамаган. Бизнингча, бу қишлоқ Сомонийлар ва Қорахонийлар даврида мудофаа девори билан ўралмаган.

Биз тадқиқотларимиз ва кузатувларимиз натижасида шу хулосага келдикки, Баркнон қишлоғи ўрнида пайдо бўлган янги Кешда (Шаҳрисабз) сомонийлар даврида илк шаҳарлашиш жараёнлари бошланган ва бу жараён қорахонийлар даврида ниҳоясига ета бошлаган ва хоразмшоҳлар даврида тамоман яқунланган ва мана шу сулола ҳукмронлиги даврида шаҳар илк маротаба мудофаа деворлари билан ўраб олинган (Раимкулов, Сиддиқова, 2011, 106-б.).

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Дресвянская Г.Я., Лунина С.Б., Султанов Х.С., Усманова З.И. Шаҳрисабз. Часть I, II. Ташкент, 1993.
2. Ибн Ҳавқал. “Китоб сурат ал-ард. Мовароуннаҳр”. Тошкент, 2011.
3. Кабанов С.К. Археологические разведки в верхней части долины Кашка-дарьи. Труды Института истории и археологии. Вып. 7, Ташкент, 1955.
4. Кабанов С.К. Керамический комплекс из наслоений древнего городища Китаба. ИМКУ, вып.3, Ташкент, 1962.
5. Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX- начала XIII вв. Ташкент, 1996.
6. Крашенинникова Н.И. Разрез крепостной стены древнего Кеша//ОНУ, 1968.

7. Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен (Из работ Кешской археолого-топографической экспедиции ТашГУ (1965-1966 гг.). Ташкент, 1973.
8. Массон М.Е. Работы Кешской археолого-топографической экспедиции (КАТЭ) по изучении восточной половины Кешской области УзССР 1966 г. Археология Средней Азии. Сборник научных трудов ТашГУ, №533, Ташкент, 1977.
9. Раимкулов А.А., Сиддикова Г.Х. Кеш-Шахрисабз худудида шахарсозлик маданиятининг шаклланиши хусусида. Ўзбекистон археологияси. №1 (2), 2011.
10. Шакед Ш. Раннее упоминание о городе Нахшаб. Роль города Карши в истории мировой цивилизации. Материалы Международной научной конференции, посвященной 2700-летию юбилею города Карши. Ташкент-Карши, 2006.

КАБУДАНЖАКЕТ РУСТОҚИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ҳ.Ў.Раҳмонов

ЎЗР ФА Миллий археология маркази,

Н.А.Маҳкамova

СамТИ қошидаги академик лицейи

Ўрта аср манбаларида қайд этилган Кабуданжакет рустоқи Самарқанддан 4 фарсах (28-30 км) узоқ масофада жойлашганлиги, унинг шимолий қисми тоғга туташганлиги, шимоли-шарқий қисми Катвондиз чўлига чегара эканлиги айtilган. Кабуданжакетнинг асосий ерлари сувсиз дашт ерлардан иборат бўлиб, у ўрта аср тарихчи ва географлари томонидан Самарқанд воҳасининг шарқий ва шимолий худудларида жойлашган олти рустоқ орасида санаб ўтилган. Булар - Ёркат, Бурнамад, Бузмажон, Кабуданжакет, Видар ва Марзбон ибн Туркаш рустоқларидир. Манбада ушбу рустоқларнинг шарқдан ғарбга томон жойлашганлиги қайд қилинади.

Мавжуд рустоқларнинг марказларидан фақат учтасида – Бузмажон рустоқидаги Баркет, Кабуданжакет ва Видарда жомеъ масжидлари бўлганлиги учун улар араб сайёҳлари томонидан шаҳарлар сифатида тилга олинади [Бартольд, 1963, с. 193].

Хитойлик буддавий роҳиб Сюань-Цзан (629-630 йиллар) илк ўрта асрлар Суғдидаги йирик савдо шаҳарларини санаб ўтган. Марказ Кан (Самарқанд) Мимокия, Мимохэ (Маймурғ), Цзевудана (Кабудан), Цюйшуанницзя (Кушония), Бухэ (Бухоро), Цзешуанна (Кеш) шундай турар жой маконлари сифатида қайд этилган [Сюань-Цзан, 2012, с. 31-42].

Кабуданжакет рустоқи, Маймурғ ва Абгар рустоқлари қатори араблардан олдин даврларда алоҳида мавқега эга бўлганлиги айтилади. Баркат, Кабуданжакет ва Видар шаҳарлари ўрта аср ёзма манбаларида марказий Кабуданжакет таркибида бўлганлиги қайд қилинган.

Манбаларда Самарқанд беклиги бешта тумандан иборат бўлганлиги, жумладан, Абу Тохирхўжанинг “Самария” асарида Шавдор, Анхор, Суғуди Калон, Офаринкент ва Кобут туманлари тилга олинади. Зарафшон дарёсининг шимолидаги даштсиз ва сувсиз худуд - Кобут тумани, деб аталади ва бу даштлик бошдан оёқ шимол тоғига ёндошдир [Абу Тохирхожа Самарқандий, 2009, с. 120-121]. Шимол тоғи дейилганда айнан Ғўбдинтоғ тизмаси назарда тутилган. Шу ўринда Самарқанд вилоятининг тарихий-географик ҳолатини маҳаллий манбалар асосида ўрганиб чиққан В. Вяткин ҳам ўз асарларида юқоридаги туманларнинг номларини келтириб ўтади ва Шовдор, Анхор, Офаринкент, Кобут, Яр-Яйлоқ, Суғуди Калон, Шероз туманлари тўғрисида маълумотлар беради [Вяткин, 1902, с. 14-15].

Ёзма манбаларда келтириб ўтилган Кабуданжакет рустоқи ҳозирги Мингтепа ёдгорлиги ўрнида жойлашган. Қадимда шаҳар ва қишлоқларни душмандан ҳимоя қилиш учун уларнинг

атрофи калин, мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўраб олинган. [Муҳамедов, 1961, 48 б.]. Ғўбдин тоғининг жанубий этакларидан, Булунғур ариғининг шимолий томонидан мудофаа девори, ғарбга томон йўналишда ўтади.

Кабуданжакет рустокининг тарихий ўрни ҳақида археолог Ҳ. Ахунбабаев ҳам бир қатор маълумотлар келтирган. Унинг ёзишича, Кабуданжакет ҳозирги Жомбой ва Булунғур туманлари чегарасидаги Ғазира ва Қорапичоқ қишлоқларидан жанубий-шарқда жойлашган илк ўрта аср ва ўрта аср ёдгорликлари улкан мажмуасини ташкил этган Мингтепа ёдгорлиги ўрнида бўлган [Ахунбабаев, 1990, с. 26-27].

Айни пайтда Қорамўйин қишлоғининг шимоли-ғарбий чекка қисмида 40 га майдондан кўпроқ ҳудудда йирик шаҳар харобалари мавжуд. Ёдгорликнинг шаҳар ҳудуди Тўрткўлттепа, унинг атрофидаги 60 дан ортиқ майда тепаликлар сабабли бу шаҳар комплекси Мингтепа номи билан аталган. Бу ердаги қадимий шаҳар харобалари илк бор 1983 йилда Ҳ. Ахунбабаев томонидан тадқиқ этилган ва шаҳарнинг топографик плани чизилган. Шаҳар уч қисмдан иборат бўлиб, унинг марказида ўлчамлари 120x140 м, баландлиги 14 м бўлган арки аъло жойлашган. Аркка шарқий дарвозадан кириб келишда, биринчи рабоддан ўтгандан сўнг, чап томондаги кўтарма пандус орқали кирилган. Шаҳристон 420x200 м, баландлиги 8 м. Шаҳарга учта ташқи дарвоза орқали шарқдан, ғарбдан ва шимолдан кирилган. Биринчи ва иккинчи дарвозалардан кирилган йўл ёдгорликнинг қок ўртасидан шаҳристон ва аркни иккига ажратиб туради. Учинчи дарвоза шимолдан тўғридан-тўғри шаҳристонга олиб боради. Рабодлар сони учта бўлиб, биринчи рабод шарқий дарвозадан киришда чап томонда жойлашган, унинг ўлчами 120x160 м, баландлиги 5 м. Иккинчи рабод арки аълодан ғарбда, марказий кўчанинг чап томонида жойлашган, ўлчами 135x160 м, баландлиги 8 м. Учинчи рабоднинг ўлчами 190x110 м, баландлиги 4 м.ни ташкил этади. Шаҳристоннинг шимолий томонида шарқ-ғарб йўналишда баландлиги 6 м., эни таг асоси билан 40 м., узунлиги 200 м, мудофаа деворига параллел равишда аркнинг жанубий томонида узунлиги 200 м., эни 30 м., баландлиги 4 м мудофаа девори сақланиб қолган. Ушбу шаҳар комплексида 2014-2017 йилларда олиб борилган қазув ишлари натижасида топилган археология ашёларига асосланиб, бу ерда шаҳар ҳаёти эр. авв. I - эрамининг VIII асригача узлуксиз давом этган, деган хулосани бериш мумкин. Марказий Суғдга бостириб келиши оқибатида шаҳар ҳаёти тўхтаган. Қазув ишлари пайтида бу ердан XI асрга оид сопол парчаларининг топилиши, шаҳарда ҳаёт Мовароуннаҳрда Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида қайтадан тикланганлигини кўрсатади.

Кейинги давр ёзма манбаларида Кабуданжакет тилга олинмайди. Бунга сабаб, XI асрдан кейин шаҳар ҳаёти бутунлай тўхтади. Эхтимол, бу ҳудудлар Темур ва темурийлар даврида Шероз тумани дейилган бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абу Тоҳирхожа Самарқандий. Самария. Тошкент, 2009.
2. Ахунбабаев Х.Г Древний Кебуданджакет (к вопросу локализации, генезиса этапов развития раннефеодальных владений и средневековых рустаков Самаркандского Согда) // Археология Средней Азии. Тезисы докладов. Ташкент, 1990.
3. Бартольд. В.В. Работы по исторической географии, соч. т. III. Москва, 1965.
4. Вяткин В.Л. Материалы к исторической географии Самаркандского вилаята // Справочная книжка Самаркандского вилаята на 1902. Самарканд, 1903
5. Муҳамедов Х. Ўзбекистоннинг қадимий мудофаа иншоотлари тарихидан. Тошкент, 1961.
6. Сюань-цзан. Записки о Западных странах эпохи Великой Тан. Москва, 2012.

МОВАРОУННАХҲРИНГ МАРКАЗИЙ ШАҲАР ВА КАРВОНСАРОЙЛАРИ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ИНШООТЛАР СИФАТИДА

К.Ғаниев

СамДАҚИ, Самарқанд

Буюк Ипак йўли Марказий Осиё халқларининг иқтисодий ва маданий интеграциялашуви жараёнларида муҳим роль ўйнаган. Бу алоқаларда қадимий шаҳарлар ҳамда карвонсаройларнинг аҳамияти катта бўлган. Ўрта Осиё тарихшунослиги ва меъморчилигида Буюк ипак йўли орқали боғланган ўлкалар меъморчилиги ва шаҳарсозлигининг шаклланиши ва тараққиётига таъсири масаласида ҳозиргача ўрганилмаган қирралар мавжуд. Ю.Ф.Буряков, А.А.Грицина, А.А.Анарбаев, Н.Н.Негматов, Б.Х.Матбабаев, М.Х.Исомиддинов, М.Ҳ.Пардаев, А.С.Ўралов каби аксарият мутахассисларнинг фикрича, Ўрта Осиё меъморчилиги ва шаҳарсозлигининг шаклланишида қадимий, минтақалараро халқаро йўлнинг роли катта бўлган. Жумладан, профессор А.Ўралов таъкидлаганидек, Ўзбекистон шаҳарларининг харитадаги ҳозирги жойлашишига эътибор берсак, қатор тарихий шаҳарлар ва аҳоли масканларининг Буюк ипак йўли ва унинг тармоқлари бўйлаб шаклланишини кўрамиз. Қаровулбозор, Кармана, Каттақўрғон, Жиззах, Самарқанд ва бошқалар ана шундай шаҳарларқаторига киради.

Транзит савдо йўли орқали Самарқанддан Бухоро томон юрилса Жума, Пайшанба, сал чапроғда Чоршанба деган тарихий аҳоли масканларига дуч келинади. Испания элчиси Клавихо ҳам Самарқанддан Бухорогача бўлган масофани 6 кунлик карвон йўлига тенг эканлигини ёзади. Яқшанба куни кечкурун Бухородан чиққан савдо карвони пайшанба ва жума кунлари шу жойлар ўртасидаги масофани босиб ўтиб, шанба куни Самарқандга етиб келган. Маълумки, савдо карвони тўхтаган жойда қудуқ ёки сардоба, тунаш жойида эса бундан ташқари работ ёки карвонсаройлар қурилган, савдо-сотик ишлари амалга ошириб бозорлар вужудга келган. Карвонларнинг ҳаракатланиш имконияти, тўхташ жойлари ва кунларига мос тарзда бозорлар ўрни ва кунлари белгиланган. Масалан, яқшанба бозори Бухорода бўлса, душанба бозор Чоршанбада, пайшанба бозори эса Пайшанбада, жума бозори Жумада ва ҳ.к. ўтказилган. Савдо карвони, савдогарлар ва харидорларга хизмат кўрсатувчи одамлар гуруҳи ва шу мақсадда ташкил этилган меъморий объектлар – савдо иншоотлари таркиб топган. Шу йўсинда, савдо карвонлари йўлидаги тўхташ ва тунаш жойларида шаклланиган бозорлар замирида карвонсаройлар, аҳоли мавзёлари, кейинчалик шаҳарлар тизими ташкил топган. Масалан, Бухородан Хоразмга қараб чиққан савдо карвон йўли Амударё бўйлаб ўтиб, бу йўлнинг савдо карвони тўхтаган жойларда қатор бозорлар, кейинроқ ўша бозорлар негизида аҳоли мавзёлари вужудга келган. Бу бозорлар бир-бирига яқин жойлашиб, улар орасидаги масофа тахминан 30-35 километрни ташкил қилган. Бу савдогарларга ҳам, харидорларга ҳам катта қулайлик туғдирган. Бозорлар ҳафта давомида ушбу аҳоли мавзёларида навбат билан бўлиб турган. Худди шундай бозорлар цикли ва уларнинг ўтиш кунлари Ўрта Осиёнинг савдо карвонлари ўтган бошқа вилоятларида, жумладан, Уструшона ва Шимолий Фароғонада ҳам бўлган. Ана шундай бозорлар асосида кейинчалик шаҳарлар ташкил топган.

Бордию карвон бир “марҳала” йўл босиб ўтгач каттароқ карвонсаройи бор аҳоли мавзесига тўғри келмаса, унинг тўхташ жойида работлар қуришган. Бунга Кармана билан Гиждувон оралиғидаги работи Малик ва Тошработлар мисол бўла олади. Демак, карвон йўлларидаги аҳоли масканлари ва работлар жойлашуви карвон ва у билан ҳаракат қилаётган инсонларнинг бир кунда босиб ўтиши мумкин бўлган оптимал масофага мутаносиб тарзда уйғунлаштириб олинган ва шу тарихи шаҳарлар жойлашуви ва улар орасидаги масофалар ҳам тарихий ва ҳаётий тартиботлар асосида шаклланиган. Тўғри, шаҳарлар ва йирик қишлоқлар фақат карвон йўлларидагина эмас, балки катта сув ҳавзалари: дарёлар, канал, ариқ ва булоқлар бўйларида, уларнинг ҳавзаларида,

шунингдек, ер ости табиий бойликлари очилган жойлар қошида ҳам шаклланган. Бироқ Марказий Осиёнинг аксарият шаҳарлари савдо йўллари, хусусан, Буюк Ипак йўли каби улкан ва муҳим савдо йўллари бўйлаб шаклланганига гувоҳ бўламиз.

Тарихий манбалар биргина шимоли-ғарбий Уструшонада Жиззах (Дизак), Зомин, Харакана, Куркат, Гулакандоз, Ховос, Бунжикент, Сабот каби 12 та шундай шаҳар ва аҳоли мавзелари борлиги ҳақида маълумот беради. [Буряков, Грицина, С,93] Ўрта асрлар даври тарихчиси ва сайёҳи Ал-Яқубийнинг маълумотларига кўра, Уструшона вилоятида IX-X асрларда 400 га яқин қишлоқлар, қалъа-қўрғонлар бўлган. Уструшонада унинг пойтахти Бунжикентдан ташқари Буттам, Зомин, Дизак каби шаҳарлар тилга олинади ва Ипак йўлида жойлашган шаҳарлар сифатида тавсифланади. [Асқаров, 410 б]. X асрнинг охирларида номаълум муаллиф томонидан ёзилган “Худуд ал-Олам” асарида Уструшона шаҳар ва кўплаб рустоқлари бўлган гуллаб яшнаган (ривожланган) ўлка сифатида эътироф этилган. [Грицина, Мамаджанова, Мукимов, 2013.С,48] Манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда Уструшона рустоқларга бўлинган. Уларнинг аниқ сони ҳозирга қадар аниқланган эмас. Манбаларда уларнинг сони 12, 17, 18 та деб кўрсатилган. [Грицина, Мамаджанова, Мукимов, С,49] Уструшонанинг пойтахти Бунжикент шаҳри ҳисобланган. Муқаддасийнинг (X аср) ёзишича у катта, ҳосилдор, сувга сероб, аҳолиси кўп, атрофи боғлар билан ўралган йирик шаҳар бўлиб, [Беленицкий, Бентович, Большаков, 1973, С,191] унинг атрофи бир фарсахни (6-8 км) ташкил қилган ва икки қатор мудофаа деворлари билан ўралган. Шаҳарга Зомин, Марсманда, Нуджикат, Кахлобод номли тўртта дарвоза орқали кирилган. Шаҳарда қўрғонлар, боғлар ҳамда узумзорлар бўлиб, уни кўплаб тегирмонлари бўлган серсув ариқлар кесиб ўтган.[Грицина, Мамаджанова, Мукимов, 2013, С, 49; Пардаев, 2016. 28-30-б.]

Буюк Ипак йўли шимоли-шарқий йўналишининг Чочдан ўтиши ушбу ўлка шаҳарлари ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Чоч савдогарлари суғдийлар билан четга маҳсулот етказиб беришда фаол иштирок этишган. Суғддан асосий савдо йўли Қатвон чўли орқали Дизак, Зомин орқали Чочга келган. Ўрта асрлар муаллифи ал-Муқаддасийнинг фикрича, Дизак бу даврда Шимолий Уструшонанинг Бунжикент, Зоминдан кейин катталиги жиҳатдан учинчи шаҳри бўлган.

Шаҳарлар муҳити деворлар доирасида функционал ва ҳудудий мувофиқлаштирилган ва тартибга туширилган. Марказий Осиё шаҳарларининг ўзаро боғланган уч таркибий қисм: арк, шаҳристон ва рабоддан ташкил топганлиги фикримизнинг далилидир. Бу уч қисмнинг бири шаҳар арки (кўҳандизи) – ҳукмдор қароргоҳи бўлса, иккинчиси шаҳристон (мадина доҳил) бўлиб, шаҳарнинг асосий қисми савдо-ҳунармандчилик расталари, бошқа жамоат ҳамда турар-жой биноларини ўз ичига олган. Учтинчи қисми рабод, деб аталган ва у шаҳардан ташқаридаги савдо-мавзе ҳунармандчилик мавзеини ташкил этган. Лекин VII-VIII аср шаҳарларини ўрганиш натижалари уларнинг кўпчилиги фақатгина икки қисмдан – арк (ёки қалъа) ва шаҳристондан ташкил топганлигини кўрсатади. Олимларнинг фикрича Буюк Ипак йўлида муҳим аҳамият касб этган кўҳна Самарқанд илк ўрта асрларда уч қисмдан иборат бўлган. Шаҳарнинг қалъа қисми шимолий томондан Сиёб ариғи бўйлаб жойлашган бўлиб, 1,5 км узунликдаги мудофаа деворлари билан ўралган. Шаҳарнинг иккинчи – шаҳристон қисми жануброқда жойлашган бўлиб, зодагонларнинг қароргоҳларидан ва жамоат биноларидан ташкил топган. Учтинчи қисм – рабод эса қалъа деворлари ташқарисида жойлашган бўлиб мудофаа деворлари бўлмаган.[Ахмедов, 23-24 б] Шаҳарлар бош кўчаларининг кесишган чорраҳаларида бозор иншоотлари ва бошқа майдонларнинг таркиб топиши, шаҳарларнинг девор билан ўраб олиниши, тўғри тўртбурчак шаҳарларда тўртта ва кейинчалик катталашиб кетган шаҳарларда ундан ҳам кўпроқ дарвозаларнинг жойлашуви, бош кўчаларнинг уфқ томонларига мослаштирилиши ва шаҳар атрофида боғ-саройларнинг

жойлаштирилиши мувофиқлаштириш ва уйғунлаштириш борасидаги тартиб-қоидалар қаторига кирган.

Ўрта асрларда тоғ олди ва чўл ҳудудларида ҳамда магистрал савдо йўллари бўйлаб нисбатан катта бўлмаган шаҳарлар, аҳоли мавзеълари шаклланган. Савдонинг ривожланиб, Буюк ипак йўлининг янада фаоллашиши карвон савдо йўллари ободонлаштириш заруратини келтириб чиқарди. Бу иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан аҳамиятли бўлган кўплаб карвон-саройлар қурилишига олиб келди. Ана шундай карвонсаройлар Шимоли-ғарбий Уструшонанинг транзит савдо йўлларида ҳам пайдо бўлганлигини тарихий манбалар ҳамда археологик тадқиқотлар тасдиқлайди. Ушбу қадимги карвонсаройлар, нафақат Уструшона ва Мавароуннахрнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларида, балки транзит савдонинг юксалишида ҳам муҳим роль ўйнаган. Карвонсаройлар қатор вазибаларни бажарганлар. Уларда савдо карвонлари қабул қилиниб, савдо кўргазмалари ташкил қилинган, савдо-сотик ва мол айирбошлаш ишлари амалга оширилган. Кўп ҳолларда карвонсаройлар қалъа, ҳарбий турар жой, омборхона ҳамда маънавий-маданий марказ вазибаларини ҳам бажарганликлари кузатилган. Айрим карвонсаройларда савдогарлар озик-овқат, от-уловлари эса ем-хашак билан таъминланган [Пардаев, Пардаев, 2019. 149-153-б].

Ёзма манбаларда таъкидланишича Уструшонада IX-XIII асрларда кўплаб карвонсаройлар фаолият кўрсатган, уларнинг кўпчилиги Зомин ва Дизак ҳудудларида жойлашганлиги ҳақида тарихий манбалар маълумот беради. IX асрда Уструшона ҳукмдори афшин Ҳайдар ибн Кавус томонидан бино қилинган Худайсар, ҳамда катта ер эгаси зодагон Бадр Қушайр қурдирган Ҳасан карвонсаройларининг довуғи Шимолий Уструшонадан ўтган транзит карвон йўлида кучли бўлган. XII аср охири- XIII аср бошларида яшаб ижод этган тарихчи олим ва сайёҳ Ёкут ал-Ҳамавий топонимик асари “Мамлакатлар луғати” (“Мужам ал-булдан”)да Худайсарни Уструшонанинг чегара зонасида жойлашган шаҳар деб таърифлаган. [Буряков, Грицина, С,146-147; Пардаев, Пардаев, 2019. 149-153-б].

Суғддан Уструшона орқали Шошга борадиган катта карвон савдо магистрал йўлларида ҳам карвонсаройлар шаклланган. Ҳозирги Ғаллаорол тумани ҳудудида Абу Аҳмад, Абу Саъд, Кичкинақўрғон каби карвонсаройлар жойлашган [Пардаев, Пардаев, 2019. 150-б]. Савдо карвонлари ушбу карвонсаройлар орқали Дизакдан 5 фарсах масофада жойлашган қадимий Харакана (Кўрғонтепа) шаҳарчасига қараб борган. Сомонийлар ва Қорахонийлар даврига оид Сарбозтепа ёки Кунчиқартепа карвонсаройи Сангзор дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган, дарвозаси савдо йўлига қараган бўлган. Савдо карвонлари ушбу карвонсарой орқали Шошга қараб кетган. Савдо йўлида Қалиятепа шаҳарчасидан 7-8 км масофада тўғри тўртбурчак шаклида қурилган, баландлиги 5 метр сомонийлар даврига оид Кўкработтепа карвонсаройи жойлашган. [Буряков, Грицина, С,149] Савдо карвонлари Туркистон тоғ ёнбағрлари бўйлаб Бурнамад рустакининг маъмурий маркази-Кўғонтепадан 3 фарсах масофадаги майдони жиҳатдан энг катта Ёиштлимозоротатепага етиб борган. Пешағор қишлоғидан шарқда жойлашган Тўрткўлттепа карвонсаройи Суғддан Зомин орқали Шош ва Фарғонага боровчи транзит савдо йўли билан боғланган, сомонийлар даврининг йирик карвонсаройларидан бири сифатида тасвирланган. [Буряков, Грицина, С,147-148]

Мухтасар қилиб айтганда, савдо карвон йўлини Марказий Осиё ҳудудларидан ўтиши қадимий шаҳарлар, аҳоли мавзелари, карвонсаройларнинг шаклланиши ҳамда архитектуравий ривожланишига, шаҳарсозлик маданиятининг юксалишига ижобий таъсир қилиб, урбанистик жараёнларни янги поғонага кўтарган.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Аскарлов А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. -Т:Ўзбекистон, 2015.
 2. Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи.- Т.: Ўзбекистон, 1995.
- Белиницкий А.М., Бентович И.А., Большаков О.Г. Средневековый город.-Л.:1973

3. Буряков Ю.Ф., Грицина А. Мавераннхр на Великом шелковом пути / Отв. редактор к.и.н. Ташбаева.-Самарканд, Бишкек, 2006.
4. Грицина А.А., Мамаджанова С.Д., Мукимов Р.С, -Т.: МИЦАИ, 2013.
5. Пардаев М.Х. Уструшона – Буюк ипак йўли тизимида // Самарканд, Циань орасидаги Буюк Ипак йўли. Халқаро конференция материаллари тўплами. Самарканд, 2016.
6. Пардаев М.Х., Пардаев Ш.М. Уструшонанинг ўрта аср работ ва карвонсаройлари хусусида // Марказий Осиё маданияти тарихи ва тарихшунослиги масалалари.Халқаро конференция материаллари тўплами. Тошкент, 2019.

РАШИД АД-ДИННИНГ “ЖОМЪЕ АТ-ТАВОРИХ” ВА «ШУАБ-И ПАНЖГОНА» АСАРЛАРИДА ШАЖАРА МАСАЛАЛАРИ

У. Алибеков,
ГулДУ, Гулистон

Маълумки, этнология ва тарих фанларида араб ва форс тилидаги манбаларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш, туркий халқларининг этник келиб чиқишини, шажарасини тиклашда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Рашид ад-диннинг асарлари қимматли манба ҳисобланади. И.М. Миргалеев Истамбулдаги Топкапа саройи музейидаги архивдан олинган “Шуаб-и Панжгона» асари ҳақида фикр юритар экан, ундаги маълумотлар “Жомъе ат-таворих” асаридаги маълумотларга нақадар тўғри келаётганини А.П.Григорьевнинг ишига таянган ҳолда, таҳлил қилган. Мазкур асарнинг нусхаси 2011 йил 26 апрелда Туркия Маданият вазирлиги ва Топкапа саройи музейи раҳбарлари билан музокаралар натижасида олинганлиги, уни форс тилидан рус тилига Ч.И.Хамидова таржима қилаётганлигини, мазкур турк-мўғул шажараларига оид асари муаллифи ва қўлёзмасига оид ахборот излаётганликларини ёзган. Изланишлар натижасида маълум бўлганидек, Тожикистон, Озарбайжон, Эрон ва Ўзбекистонда қўлёзма нусхалари мавжуд эмаслиги аниқланди. Рашид ад-диннинг мазкур қўлёзмаси биттагина бўлиб, Топкапа саройида сақланмоқда [Энциклопедия “Ираника” электрон ресурси]. Изланишлар давомида Туркияда Рашид ад-диннинг бошқа қўлёзмалари ҳам топилган, бироқ улар орасида “Шуаб-и Панжгона”нинг тўлиқ версияси топилмади. Мазкур асар ҳақида тарихшунослиқда З.В.Тўғон, Т.Султанов, И.В.Зайцевлар эслатиб ўтган эдилар.

2009 йилда таниқли петербурглик тарихчи А.П.Григорьевнинг “Россия ва Эрондаги ўрта асрлар давлат тузилмаларидаги солномали расмни тўпламлар: форс ва чигатой тилидаги чингизийлар шажаралари” [Григорьев, 2009. С.98-123] номли мақоласи чоп этилган эди. Ўз мақоласида у солномали расмни тўпламлар ҳақида, уларни тадқиқ этиш борасида Россия ва форс олимлари ютуқлари ҳақида маълумот келтириб, бутун жаҳон олимларини улардан ўрнак олишга чақиради. Шунингдек, у З.В.Тўғон, Ш.Бира ишларини солиштиради, Рашид ад-дин асарларини сўнги темурийлар шажаралари билан таққослайди. Ўз мақоласида Рашид ад-диннинг “Шуаб-и панжгона” асари ҳақида ёзиб: “Айнан “Бешта шажара”да дастлабки тасвирлар-миниатюралар пайдо бўлган. Улардан Рашид ад-дин “Жомъе ат-таворих” асаридаги Улжайту-хоннинг солномали расмни тўпламини расмлар билан безаш учун фойдаланган эди”, - деб ёзади. Рашид ад-Дин ва унинг ҳар хил тилли ҳаммуаллифлари ўша даврда мўғулларга бўйсунган ва ҳали бўйсунмаган мамлакатларнинг кенг ареалидаги, шу жумладан мусулмон мамлакатларини ҳам ўз ичига киритган мамлакатлардаги шажаралар ва ҳукмронлик тарихларининг монументал тадқиқотини яратишди. “Бешта шажара”да биринчи ўринга мўғуллар – Чигизийлар ва Чингизхоннинг “олтин уруғи” қўйилган. Тўплам Чингизхон, унинг аждодлари ва авлодларининг портрет-миниатюралари билан

безатилганлигини айтган эди. Григорьевнинг қўлида бўлган нусхани Н.Н.Телицин таржима қилгани маълум эди. Бироқ, Н.Н.Телицин ўзи таржима қилган нусхада барча исмлар уйғурча езилганини, форс тилидаги манбада исмлар уйғурча езилгани уни хайратга солганини айтган эди, ammo нусхада миниатюралар бўлгани-бўлмаганини айтмаган эди.

“Шуаб-и Панжгона” (шу’аб – шох, новда, шохобча) – “бешта халқнинг” ҳукмронлик қилаётган сулолаларининг шажараси (1. Араблар; 2. Мўғуллар; 3. Исроил ўғиллари; 4. Христианлар ва франклар; 5. Хитойликлар). З.В.Тўғоннинг маълумотига кўра, бу асарнинг XVI асрдаги қўлезма нусхаси Истамбулдаги Топкапа Саройидаги музейда сақланмоқда [Стори, 1972. С.308]. Қўлезманинг кириш сўзида Рашид ад-дин ўз исмини тўлиқ кўрсатган: Фазлаллоҳ Бин Аби ал-Хайр бин ‘Али Рашид ат-Табиб.

Эрон энциклопедиясини тузган Чарльз Мелвиллнинг фикрича, “Шуаб-и Панжгона” асари “Жомъе ат-таворих”га илова тариқасида ёзилган бўлиши мумкин [Энциклопедия «Ираника» электрон ресурс]. Асарни ёзишда «Жомъе ат-таворих»ни ёзиш пайтида қўлланилган манбалардан фойдаланди, ёки айрим маълумотлар аниқланиб, қўшимчалар киритилган. Масалан, “Жомъе ат-таворих” асарида ёзилганидек, Жўжи-хоннинг “қирқтага яқин ўғиллари бўлган” [Рашид ад-Дин, 1960. С.65], бироқ у буларнинг ҳаммаси ҳақида маълумотга эга эмас. У Жўжи-хоннинг 14та ўғли ҳақида ва уларнинг шажаралари ҳақида батафсил маълумот беради [Рашид ад-Дин, 1960. С.78]. “Шуаб-и Панжгона»да Жўжи-хон ўғиллари 15та бўлган деб, Кугажи қўшилади. Эҳтимол, 40 рақами кочиримли (истиорали) бўлиб, сулола асосчисининг катта авлод-уруғи бўлганлигини билдирса керак. 15 рақами эса ундан олдин яшаб ижод қилган Жузжоний томонидан ҳам тасдиқланган [История Казахстана, 2006. С.48].

“Жомъе ат-таворих”да кўрсатилганидек, Ўрданинг олтинчи ва еттинчи ўғиллари Кутуқуй ва Хулагу бўлишган. Кутуқуйнинг ҳғиллар бўлганими-йўқми, бу номаълум. Хулағунинг ўғиллари эса номма-ном келтирилган. Ammo бунда айтилганки, ҳақиқатда Хулағунинг ўз ўғиллари бўлмаган, унинг болалари, деб ҳисобланган болалар эса Кутуқуйнинг ўғиллари бўлишган. “Шуаб-и Панжгона” қўлезмасида эса Хулағунинг болалари бўлмаган, Кутуқуйда эса 10та бола бўлган, дейилган [Рашид ад-Дин, 1960. С. 70-71]. Яъни,бу ерда “Жомъе ат-таворих”нинг тузатилган версияси келтирилган.

“Жомъе ат-таворих”да Хулағунинг ўғиллари санаб чиқилади. Биринчиси Кублук, унинг ўғиллари ҳақида ҳеч нарса езилмаган, “Шуаб-и Панжгона”да эса 2та ўғли тилган олинган, ҳамда бунинг устига 3та квадрат бўш қолдирилган [Рашид ад-Дин, 1960. С. 71].

“Жомъе ат-таворих”да Жўжининг ўғли Шайбоннинг ўғиллари кўрсатилган. Тўртинчи ўғли Балакон. Балаконнинг тўртинчи ўғли Токдой, унинг 3та ўғли бўлган дейилган бўлса [Рашид ад-Дин, 1960. С. 74], “Шуаб-и Панжгона”да бта ва биттасининг набираси борлиги айтилган. Демак, бу даврга келиб Рашид ад-Дин қўшимча ахборотга эга бўлган.

«Шуаб-и Панжгона»ни тузиш даврига келсак, тадқиқотчилар уни 1310 йилда езилган деб таъкидлашади. Бироқ, И.М.Миргалеевни таъкидлаганидек, кириш сўзидаги парчада ушбу шажарани тузишни буюрган ҳукмдор исми бўлиши керак бўлган жойда бўш жой қолдирилганлигини кўришимиз мумкин. Рашид ад-дин элхон Улжайтуга 10 йилдан кўпроқ хизмат қилган бўлса, кириш сўзини Улжайтунинг вафотидан кейин езган бўлиши мумкин. “Шуаб-и Панжгона”да Ўзбек ҳам келтирилган. “Жомъе ат-таворих” ёзилган пайтда Ўзбек ҳали тахтга чиқмаган эди. Рашид ад-дин ёзганидек, Тўктой “ҳозирги пайтда Жўчи улусининг ҳукмдоридир” [Рашид ад-Дин, 1960. С.73].

Бироқ, агар “Шуаб-и Панжгона”ни кўрсак, унда Тўктойнинг 3та ўғли келтирилган, Элбосарда эса (“Жомъе ат-таворих”да Иксар) Эсон-бука исмли ўғли пайдо бўлиб, Ўзбекдан кичикроқ бўлган. Буларнинг барчаси “Шуаб-и Панжгона”нинг яратилиш даври 1310 йилдан

кейинги даврга тўғри келиши ҳақида далолат беради. Демак, мазкур шажара Рашид ад-дин томонидан вазирликдан четлатилганидан кейин ва умрининг охиригача, яъни 1316-1318 йилларда тузилган бўлиши мумкин [Петрушевский, 1952].

Ҳофизи Абрўнинг “Зайл-и Жомеъ ат-таворих-и Рашиди” номли асарида қайд қилинганидек, 1317 йил сентябрида Рашид ад-динни ҳам вазирликдан четлатишди, 1318 йил июлида эса қатл қилишди [Хафиз Аbru, 2011. С.79-80]. Бу воқеаларнинг барчаси Абу Саид подшоҳлигининг бошларида содир бўлган эди. Рашид ад-дин ҳам вазир бўлиб Ғозонга (1295-1304) ва Улжайтуга (1304-1316) хизмат қилган. 1300-1310 йилларда у “Жомеъ ат-таворих” асарини ёзган. Бундай кенг миқёсли асар устида ишлаш давомида мураккаб ва мустақил шажаравий иш тузишга имкон топилмаган бўлиши мумкин. И.М.Миргалеевнинг фикрича, “Шуаб-и Панжгона” асари Улжайту ҳукмронлигининг сўнгги йилларида тузилган, Абу Саид эса уни тасдиқлашга улгурмаган ва у тугалланмаган ҳолда қолиб кетган бўлиши мумкин [Миргалеев, 2013. С.51].

Рашид ад-Дин унинг асарлари араб тилига таржима қилинишини, улардан нусхалар кўчирилишини, бу нусхалар мусулмон дунесидаги йирик шаҳарларга юборилишини кузатиб борган. Унинг вақфий васиятномасига биноан: “...менинг асарларим ҳисобланмиш ушбу китоблардан ҳар йили бутунлай тўла-тўқис нусхалар кўчирилган ва қуйидаги тартибда...” [Мугинов, 1958. С.368]. Бироқ, ана шу кўрсатилган рўйхатда “Шуаб-и Панжгона” йўқ. Шунинг учун бу асар умрининг охирида, вазир бўлмаган пайтда езилган бўлиши мумкин. Унинг вафотидан кейин асарлари рўйхатини тузганнинг маълумотига кўра, у Рашид ад-Диннинг барча китобларини топа олмаган экан [Мугинов, 1968. С.369]. Бундан ташқари, “Шуаб-и Панжгона” да чингизийларнинг бутун шажараси берилгани боис, асар чекланган миқдорда ҳукмдорнинг саройида сақланиши керак эди.

Афсуски, “Шуаб-и Панжгона”нинг архив тарихи, яъни у қандай қилиб Топкапа саройи музейидаги архивга тушиб қолгани маълум эмас. Асар Ўрта Осиедан юборилгани ҳақида ҳеч қайси манбада маълумот учрамайди. Бироқ, маълум бўлганидек, Рашид ад-диннинг Хожа Жалол ад-Дин исмли битта ўғли Румнинг ҳоқими (ноиб) бўлган [Рашид ад-Дин, 1971]. Рашид ад-диннинг вафотидан сўнг мазкур кўлезма унинг ана шу ўғлига тегишли бўлган бўлиши мумкин ва кейинчалик элхонлар ноибларининг архиви бўлган Топкападаги хазиналарга тушиб қолган бўлиши мумкин.

“Жомеъ ат-таворих”да Рашид ад-дин кўнғиротларнинг афсонавий оталарининг учта фарзанди бўлганлигини, биринчиси Журлик мерган кўнғиротларнинг бобоси ҳисобланишини ёзади. Иккинчиси Кубай ширэ бўлиб, унинг Икирас ва Олкунут, деган ўғиллари бўлган, учинчиси Тусубидавуд бўлиб, унинг Каранут ва Кунклаут ўғиллари бўлган. У кўнғиротлар афсонавий аждоди “олтин идишдан” дунёга келганлигини қайд қилади. [Бегалиев, Туробов, 109-б.] Шунингдек, Рашид ад-дин баҳрин қабиласи туркий уруғлардан бўлганини, дурбан (дўрмон) уруғига яқин эканлигини ёзади. Демак, Рашид ад-диннинг асарларидан ўзбек халқи этник тарихини ўрганишда, ўзбек уруғлари шажараларини тиклашда фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бегалиев Н., Туробов А. Самарқанд топонимияси. Самарқанд, 2015.
2. Григорьев А.П. Летописные лицевые своды в средневековых государственных образованиях России и Ирана: чингизидские родословия на персидском и чагатайском языках // Тюркологический сборник. М., 2009.
3. История Казахстана в персидских источниках. Т. IV. Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды. Алматы, 2006.
4. Миргалеев И.М. “Шуаб-и Панджгона” рашид ад-Дина: перспективы изучения. // Золотоордынское обозрение. 2013.

5. Мугинов А. М. Персидская уникальная рукопись Рашид ад-Дина // Ученые записки Института востоковедения. Т. XVI. М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1958.
6. Петрушевский И.П. Рашид ад-Дин и его исторический труд // Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. 1. Кн. 1. М.-Л.: Издательство Академии наук СССР, 1952.
7. Рашид ад-Дин. Переписка. Пер., введение и коммент. А.И. Фалиной. Сер.: Памятники письменности Востока (ППВ). Вып. XVII. М.: Наука, 1971. 498 с. Режим доступа: <http://www.vostlit.info/haupt-Dateien/index-Dateien/R.phtml?id=2057>
8. Рашид ад-дин. Сборник летописей. Т. II. М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1960.
9. Стори Ч.А. Персидская литература: библиографический обзор. В трех частях. // Пер. с англ., переработал и дополнил Ю.Э. Брегель. Ч. 1-2. М.: Главная редакция восточной литературы, 1972.
10. Хафиз Аbru (Шихаб ад-Дин Абдаллах ибн Лутфуллах ал-Хавафи). Зайл-и Джами ат-таварих-и Рашиди («Дополнение к собранию историй Рашида»). Пер. с перс., предисл., коммент., прим. и указ. Э.Р. Талышханова / Отв. ред. И.М. Миргалеев. Казань, 2011.
11. Энциклопедия «Ираника». Режим доступа: <http://www.iranicaonline.org/articles/jame-althawarikh>

ИЗ ИСТОРИИ ТОРГОВЫХ СВЯЗЕЙ САМАРКАНДА НА ВЕЛИКОМ ШЕЛКОВОМ ПУТИ

Н.И. Каримова
ДГПИ, Джизак

В городах Центральной Азии, таких как Бухара, Самарканд, Пойкенд, Ургенч, Хива, Мерв, Нумиджат, Исфиджаб, Уштуркат, Чаганиян, торговля развивалась с древних времен. Особенно в средние века, не только в городах, но и во многих крупных селениях были многолюдные рынки, называемые тим, токи, чорсу (большая деревня в районе Нарпай на берегу пустыни Карноб называется Тимом. В X веке это был крупный торговый центр. Купольные бригады расположены на самых оживленных перекрестках, что также определяет архитектурный облик города. Было также много команд со светлыми деревянными крышами и колоннами. Примеры команд, построенных на перекрестках, можно увидеть в Самарканде и Шахрисабзе (17 век), Хиве (команда Аллакулихона), Бухаре (команда Абдуллахана). Вокруг Самарканда Чорсу базара и есть такие магазины, как медное, гончарное, камнерезное, красное дерево, нижжорлик, саххофлик, ювелирные изделия. Чорсу и построен как купол. В магазинах продавались ткани и одежда из них. Раста была богата свежими фруктами и сладостями. Огромный купол Чорсу (1598-1602) в Шахрисабзе имел двустенные ворота со всех четырех сторон. Вдоль торговых стеллажей под куполом расположены прямоугольные комнаты, полки предназначены для конкретных товаров или поделок. Иногда продукт производится на месте и продается покупателям, бухарская ювелирная лавка (Тоқи Zargaron), лавка меди, (Токи Мискарон) и др. В средние века в центральной части города Ташкента находилось более 3000 рынков. В Хиве в Хорезмском оазисе было 260, 300 в Ургенче, 315 в Кунграде и др. В городах и деревнях были установлены большие базары на определенный день (например, по вторникам, средам и пятницам), и их посещали торговцы со всей Центральной Азии и из-за рубежа. На рынках торговали, торговцы, ремесленники, крестьяне и мелкие торговцы.

Базары были заняты самыми богатыми купцами и ремесленниками. Крупные караван-сарай и склады считались оптовыми центрами торговли. В зависимости от количества караван-сараяев объем торговли даже определяется (например, в Ташкенте 45 караван-сараяев, около 50 в Бухаре, 25 в Самарканде, более 10 в Хиве и Коканде, и из письменных источников известно, что торговля была

очень развита). В караван-сараях было много охранников, носильщиков, уборщиков и рабочих. Богатые купцы хранили специальные мирзы. Мирза принимал непосредственное участие в регистрации всех видов торговой деятельности, особенно оптовой торговли. Мирза отвечали за бухгалтерский учет. Крупные торговцы были привязаны к специальной команде и его возглавлял старший лидер (сардар, сарбан), караванов, выбранный из числа наиболее уважаемых членов купцов (савдогары). В команду входили крупные представители торгового класса. В свою очередь, некоторые торговые лавки объединялись, чтобы избрать своего старшего (также известного в некоторых местах как председатель) из торговых лавок. Старейшина следил за соблюдением торговых норм и правил и играл важную роль в разрешении споров между покупателями и торговцами, а иногда и в справедливом распределении импортных товаров между рынками.

Многие специи и пряности, широко употребляемые в наши дни, были известны еще древних времен, о чем свидетельствуют письменные источники, датированные III тысячелетием до н. э. Издревле секретами придания блюдам особого вкуса с помощью специй и пряностей владели индусы, вавилоняне, иудеи, арабы и согдийцы. Однако следует отметить, что в те времена пряные травы и овощи использовали главным образом в качестве растительных лекарств от множества недугов. Поэтому на Великом Шёлковом пути торговля ими занимала важное место. История торговли пряностей, специй и разных благовоний насчитывается несколькими тысячелетиями. В Кушанский период широкий размах принимает международная торговля, способствовавшая укреплению Великого шелкового пути. Направление торговых связей определялось следующим образом: на востоке - с Китаем, куда из Средней Азии везли шерстяные ткани, ковры, украшения, лазурит и породистых лошадей; а из Китая доставлялись шелковые ткани, железо фарфоровые изделия, никель, меха, чай, бумага, порох; на юге - с Индией, откуда вывозили специи, пряности и благовония[1с.9]. Ученые полагают, что уже древний человек для улучшения вкуса блюд добавлял в них ароматические растения и плоды и с каждым разом повышалась потребность к ним, что способствовало позже торговать или обменивать их на другие товары.

Экзотические виды специй и пряностей также получили широкое развитие в Средней Азии. Тогда их ценили наравне с драгоценными камнями и металлами, а также дорогостоящими восточными тканями. Популярностью разнообразные растительные приправы благодаря известному венецианскому купцу и путешественнику Марко Поло получили всемирную известность. В своем знаменитом путевом дневнике он поведал европейцам о странах, являющихся родиной большинства пряных трав, которые азиатские гурманы с удовольствием использовали их. Поставщиками пряных трав в Европу на протяжении не одного столетия были арабы, китайцы, согдийцы и др. Как известно, Пайканд, один из крупнейших городов бухарского оазиса, Табари называет его городом купцов. Именно они успешно торговали с Китаем и даже вели морскую торговлю. Известны факты обращения согдийцев к Китаю за помощью против арабских захватчиков. Так, бухарская царица Хатун в 726 г. отправила миссию с подношениями: шафраном, "каменным медом"(сахар), "римским вышитым ковром"[1.с.44-45].

Такую характеристику источники дают только Пайканду. Важное значение в торговле имели и другие крупные по тому времени города – Иштыхан и Арбинджан, продукция которых вывозилась далеко за пределы собственных владений. Так, например, известно, что в 742 году Иштыхан отправил в Китай в качестве дани свои лучшие местные товары[2]. Затем импортировать этот популярный товар в европейские страны стали также венецианцы, для которых вывоз пряных трав в течение длительного времени оставался главной статьей дохода. Однако к XV столетию они уступили первенства в международной торговле пряностями португальским купцам, которые к тому времени смогли наладить торговые отношения с Индией, традиционно считающейся родиной многих известных специй и пряностей.

На сегодняшний день самый известный базар в Самарканде это Сиабский базар, и он считается дехканским, поэтому здесь, в основном, продают овощи, бахчевые культуры, фрукты, выращенные трудолюбивыми земледельцами Узбекистана, а также продуктовые изделия, созданные руками местных жителей Самарканда. Торговые ряды (расталар) условно разделяются по разновидности товаров [3]. Местные продавцы говорят, что Сиабские сухофрукты, сладости и орешки настолько вкусные, что за ними сюда приезжают даже жители столицы, туристы и с удовольствием покупают их. А еще на восточном рынке можно встретить невероятное количество специй, даже самых редких. Особенного внимания заслуживает пряный хлебный ряд, ведь самаркандские лепешки – это особый сорт местных мучных изделий. На Сиабском рынке можно встретить более 17 видов пряного хлеба[4].

Самаркандский базар традиционно не проходит без дегустаций товаров? Здесь, как и на любом другом восточном базаре, добродушные торговцы не только разрешат вам попробовать товар перед покупкой, но и будут настаивать на этом и конечно, главная тонкость восточного базара, особый «рыночный обряд» это- торг, каждый покупатель тут считает своим долгом обязательно поторговаться с продавцом перед покупкой. И дело здесь даже не в том, чтобы снизить цену, а, скорее, привычка, которую азиатские жители формируют с малых лет. И кто проявит в этом деле больше таланта, тот останется в большем выигрыше. И ещё говорят, что купленный товар с помощью торга слаще и обильнее.

Посетив базары, вы окунетесь в ауру самаркандской торговли, таинственности и сможете хорошо понять, чем живет город. Вместе с сочными фруктами и ароматным пряным хлебом, вы увезете с этого рынка частичку восточной характер торговли, которая навсегда останется в вашей памяти приятными воспоминаниями и запечатлится в истории. С течением времени специи, пряности и приправы стали неотъемлемым компонентом национальных восточных блюд Самарканда. Благодаря, особым лечебным свойствам, пикантному вкусу и аромату в наши дни популярность торговля ими велика. Помимо прочего, специи и пряности способны оказывать антибактериальное действие. В общем понятии специями следует называть вещества природного и синтетического происхождения, предназначенные для придания продуктам питания определенного вкуса и аромата. К их числу относятся собственно специи, пряные овощи, пряные травы, а также концентраты, экстракты и искусственные заменители пряностей. А, пряности это исключительно природные растительные вещества, которые используются в медицине, парфюмерии, в промышленности и кулинарии.

В связи с этим спрос на специй и пряных трав повышался с каждым разом и все торговцы спешили занять главенствующую роль на локальном и мировом рынке. Как свидетельствуют ученые специи и пряности способны оказывать влияние на здоровье человека и даже его психическое состояние и настроение. Так, например, фенхель помогает справиться со стрессом, депрессией и усталостью; имбирь придает силы и повышает иммунную систему и лечит от разных инфекций, обладает тонизирующим свойством; кайенский перец избавляет от суетливости и беспокойства, повышает работоспособность. Также, другие пряности и специи использовались для излечения многих болезней и широко применялись в борьбе против эпидемий такие как чума, холера и другие. Поэтому торговля ими охватила весь мир с древних времен и по сей день занимает главенствующую роль в жизни человечества. Из этого можно сделать вывод что, изучения истории торговли пряностей и специй лежит человеческий фактор, и приведенные сведения в статье откроют широкие возможности улучшению здоровья человечества, развития медицины, взглянув на прошлое можно будет сделать выводы что, пряности и специи это не только пищевые добавки, но и лекарственные снадобья, и торговля ими не зря сильно повлияло на политические и

культурные связи всего мира. Изучение и исследовательские работы об истории торговли специями и пряностями будет продолжаться и повышать свою актуальность.

СПИСОК ЛИТЕРАТУР:

1. Advantour.com/rus/Uzbekistan/siab-bazaar.htm.
2. Великий Шелковый путь и Мировая цивилизация. (Учебно-методическое пособие)
Составитель: Кобзева О.П. “Университет” 2002.
3. Classes.Ru узбекско-русский словарь
4. nuz.uz/kolumnisty/40264.

FORISH TUMANI TARIXIGA DOIR AYRIM CHIZGILAR

B. Mirkomilov,
JDPI, Jizzax

O'zbekistonda mamlakat iqtisodiyoti, davlat qonunchiligi xalqaro andozalar asosida rivojlanishda davom etmoqda. Keng xalq ommasini, birinchi navbatda, yosh avlodni yuksak ma'naviyat asoslari bilan qurollantirish va tarbiyalashda ona vatan tarixi va xalqimizning boy madaniy merosi qanchalar ulkan ahamiyat kasb etishini hisobga olgan holda 1998- yil 27- iyulda Vazirlar Maxkamasining “O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Tarix Institutining faoliyatini takomillashtirish to'g'risida” gi 315- sonli qarori e'lon qilindi. Respublikada ana shu qaror asosida “O'zbek xalqi va uning davlatchiligi” ilmiy dasturi ishlab chiqildi. Ana shu dasturga asosan O'zbekistonning birinchi prezidenti I. Karimov o'zining “Tarixiy xotirasiz kelajak yo'q” asarini yaratgan edi. Ushbu asarda yurtboshimiz “Tarix ma'naviyatning asosidir” (Karimov I. A. – Tarixiy xotirasiz kelajak yo'q- T;1998-y.), “Inson uchun tarixdan judo bo'lish hayotdan judo bo'lish demakdir”, “O'zlikni anglash tarixni bilishdan bosqlanadi” (Karimov I. A. – Tarixiy xotirasiz kelajak yo'q- T;1998-y.) degan iboralarga urg'u berar ekan, “Jamiyat taraqqiyotining asosi, uning muqarrar halokatdan qutqarib qoladigan yagona kuch ma'rifatdir” (Karimov I. A. – tarixiy xotirasiz kelajak yo'q- T;1998-y.) degan haqli xulosaga keladi. Darhaqiqat, xalqni ma'rifatli qilishda tarixning o'rni, birinchi navbatda vatanimiz tarixining ahamiyati beqiyosdir. Ana shu ma'noda respublikamizning yirik tumanlaridan biri bo'lgan Forish tumanidagi tarixiy joylar, obidalar, muqaddas qadamjolarini o'rganish tarixni o'rganishda, yoshlarga ta'lim – tarbiya berishda foydadan holi bo'lmaydi. Vatanimizning har qarich hududida yashayotgan xalqarning barchasi o'ziga hos tarixga ega. Bu borada Forishning ham o'z tarixi bor. Shu ma'noda biz Forish xalqining etnik tarixini o'rganishga jazm qildik.

Forish tumani aholisi turli etnik guruhlardan tarkib topgan bo'lib, ularni o'rganish, tuman tarixini yangi ma'lumotlar bilan boyitishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Forish – Jizzax viloyatidagi tuman. 1935- yilda 9- fevralda tashkil etilgan. 1962- yilda Nurota va Jizzax tumanlariga qo'shib yuborilgan. 1964- yilda qayta tashkil etilgan. Forish tumani dastlab Samarqand, 1964- yilda Sirdaryo, 1974- yildan Jizzax viloyati tarkibiga kiritilgan. Shimol va shimoliy- sharqdan Qozog'iston respublikasi, sharqdan Sh. Rashidov, Zafarobod, Arnasoy, Do'stlik, Mirzacho'l tumanlari, janubdan G'allaorol tumani, g'arbdan Samarqand, Navoiy viloyatlari bilan chegaradosh. Maydoni 9.9 ming kv kilometr bo'lib, aholisi 78.8 ming kishi atrofida.

Huddudining kattaligi jihatidan Forish bir qator Yevropa davlatlari (Lyuksenburg, Lixtenshteyn, Monaka, Maltani qo'shib hisoblaganda) dan kattaroq. Birgina Forish tumanining yer maydoni, hududining kattaligi jihatidan salkam respublikamizning Andijon viloyatiga teng keladi. (O'zbekiston Respublikasining ma'muriy- hududiy tuzilishi. T. 1993-y)

Ma'muriy jihatdan Forish tumanida ikki shaharcha (Band, Bag'don) , o'n bitta qishloq fuqarolar yig'ini (Arnasoy, Garasha, Gulzor, Darvoza, Omongeldi, Osmonsoy, Egizbuloq, O'xum, Forish, Qizilqum, Qorabdal) bor. Markazi Yangi qishloq(hozirgi Bog'don) shaharchasi.

Nurota tog'laridan oqib keluvchi Ustixonsoy, Osmonsoy, Bolomonsoy, Uxumsoy, Hayotsoy , Oqtoshsoy, Kattasoy, Chorvoqsoy va boshqalardan tog' etaklaridagi qiya tekisliklarni sug'orishda foydalaniladi.

Mahalliy aholi hozir ham qishloq nomi sifatida Porasht so'zini qo'llaydi. , ammo rasmiy hujjatlarda Eski Forish deb yuritilmoqda. Bu esa Forish nomining tuman tashkil etilgan davrda paydo bo'lganligi vca shu qishloq nomi bilan bog'liqligidan dalolat beradi. (Q. Hakimov Jizax viloyati toponimlari. "Sangzor" Jizzax.2014-y . 114- bet)

Bog'don qishlog'i. (lot. Bog'don) – hozirda tuman markazi bo'lgan Yangi qishloq shaharchasining tarixiy nomi. Bog'don so'zining etimologiyasi anchagina baxstalab . Masalan, V.V. Bartoldning fikriga ko'ra eron tillarida "bog'" xudo ma'nosida. Boshqa manbalarda "bog'" yer, tuproq, xalq, qabila kabi ma'nolarda ishlatiladi.

S.P. Tolstovning fikricha "alon" so'zi o'g'uz- qipchoqlar assimiliyatsiyasidan tashkil topgan urug'dir. (S.P. Tolstov – Osnovnaya problema etnogeneza narodov sredney Azii. S.E.VI-VII. 1947-y)

S. Qorayev fikricha , "Bog'don" qadimiy nomlardan. "Bog'" so'zi hozirgi ma'nosidan tashqari qadimiy eron tillarida "xudo" degan ma'noni anglatgan. "don" unsuri esa idish, ombor, makon ma'nosida keladi. Shu sababdan bu "Xudo maskani" deb ta'riflangan(S.Qorayev, 1970)

B. O'rinboev yozishicha, "Bog'don" toponimini "Bog'i alon " deb tushunish haqiqatga yaqindir. Bog'i alon "Bog'lon" yoki "Bog'don" bo'lib o'zgargan bo'lishi mumkin. Demak, Bog'don alonlar joyi degan ma'noni bildiradi. "alon" o'g'uz- qipchoqlar assimiliyatsiyasidan tashkil topgan urug'dir" degan xulosaga kelgan. (B. O'rinboev Jizzax viloyati toponimlarining izohli lug'ati. 2007.)

Demak, Bog'don so'zini bog'lari ko'p, bog'lar o'lkasi deb tushunish noo'rindir. Chunki tarixiy ma'lumotlarga murojaat etsak, uni Bog'I alon deb tushunish haqiqatga yaqinroqdir. Ya'ni Bog'i alon Bog'lon, Bog'don bo'lib o'zgargan bo'lishi aniqroq.

Hozirgi kunda bog'don tuman markazi hisoblanadi. Ilgarigi Yangiqishloq nomi o'zgartirildi. Sababi, tumanda Yangi qishloqlar ko'p. Tuman markazi esa shaharga aylandi. Tarixiy nom xalqimizning ma'naviy mulki, uning yo'q bo'lib ketishiga yo'l qo'ymaslik kerak.

Forishda Katta Bog'don degan joy nomi ham bor. Bu joyda haqiqatdan ham bog'lar, ko'p uzumzorlar , yong'oqzorlar mavjud. Yong'oq va uzumlarining dong'I uzoq-uzoqlarga tarqalgan. Shu qishloqdan chiqqan yozuvchi Mamadali Mahmudov (Evril Turon) "Bu tog'lar – ulug' tog'lar" (Mamadali Mahmudov (Evril Turon) "Bu tog'lar – ulug' tog'lar" T. yozuvchi nashriyoti 1991-y) nomli romanida quyidagi ma'lumotlarni keltirib o'tadi.: "Yulduzli tog'i kishini hayratlantirar darajada ulug'. Unga o'lmas qoyalar bilan sirli o'rmonlar ko'rk bag'ishlab turadi. Manguga muxrlangan bu tog'da Oqqoyadan ulug' qoya yo'q. Uning uchida shohga kiydirilgan tojdek bir tup qatrang'i qad kergan. Ilohiylik timsoliga aylangan bu chayir daraxtni og'a – ini Qo'nish, Qo'nor bobolar o'tqazishgan. Ular qadim Turonni Chingizxon talagan zamonlarda Turkistondan bu hilvat joylarga kelib qolganlar. Keyinchalik nima sababdandir Qo'nor bobo bola- chaqalari bilan Kesh tomonlarga ko'chib ketishgan. Qo'nish bobo o'z o'g'il- qizlari, kalin- kuyovlari va nabiralari bilan Oqqoyaning shunday tagiga , Qadimbuloq atrofiga omonatgina- omonatgina boshpanalar qurishgan. Sababi ular o'z ona yurtlari Turkistonga qaytish bo'lganlar. "

Biroq , bir kuni Qo'nish boboning suyukli nabirasi – Gulyuzni ilon chaqadi. U uch – to'rt kun azob chekib vafot etadi. Gulyuzni Oqqoyaning kun botishiga yovvoyi bodomzor ichiga dafn qiladilar. Shundan keyin bu yerda Qo'nish bobolar o'troq bo'lib qolishadi.

Qo'nish bobo uning ikkinchi, uchinchi avlodi ham Qadimbuloq atrofida yashaganlar. To'rtinchi avlodi esa qadimbuloqdan ikki- uch chaqirim pastga, Katta Bog'soy sohillariga enishgan. (Enishgan – joylashgan ma'nosida).

Shu taqlid Katta Bog' qishlog'i vujudga keladi. Qishloq ahli bahordan to kuz o'rtalarigacha bog' uylarida yashaydi. Qishni esa Katta bog'da o'tkazadi.” (Mamadali Mahmudov (Evril Turon) 5- 6- betlar).

Agar qishloqda yashaydigan kishilarga e'tibor qaratilsa, ularning uzoq umr ko'rganligi, baquvat – sog'lom odamlar bo'lishganligining guvohi bo'lamiz. Bu yurt chiroyli rivoyatlar, rasm-u rusumlar yurti. Daralar soylar, adirlar, qoyalar, buloqlarnomlarininh har birida sirli mazmun- ma'no mujassam. Oqqoya, Qatrang'i daraxti, Qizuchgan qoyasi, Bo'rilar darasi kabi tarixiy joylar , Oqbuloq, Ko'rbuloq, Yashnarbuloq , Mansur qishloq, Sayyod, Qozito'pi va Bo'g'ombir qishloqlarini ichimlik suvi bilan ta'minlaydi. Katta bog' qishloq ahlining hayot tarzi ham , odob- ahloqi ham shahardagi randalanmagan , samimiy, tabiiy. Qishloqdoshlar bir- birlariga sirtidan qo'rsroq muomala qiladilar, biroq bunday muomalada qandaydir mehr,ochiqko'ngillilik ifodalangandir. (Ochil Tog'ayev f.f.d; prof, o'sha asar, 170-bet.) Shu yerda yashagan qishloq ahli o'rtasida turli hil ertak va rivoyatlar mavjud bo'lib, rivoyatlarga ko'ra qoyatoshlar orasida kattagina qishloq bo'lgan ekan. Bu qishloqning zilol suvlari, bog'-u rog'lari , ko'm – ko'k adirlari o'ziga oro berib turar ekan. Odamlari esa tinch va osoyishta hayot kechirar ekanlar.kunlardan bir kun shu qishloqqa yovuz bosqinchilar to'dasi bostirib kelibdi. Qishloqdagi yosh-u qari, barcha – barchani qirib tashlabdilar. Olisroqda bo'lgan ikki sevishgan yigit va qiz toqqa qarab qochibdilar.Dushman ularni izma- iz quva boshlabdi. Qiz bilanyigit baland qoyaga chiqib ortlariga qarashsa, dushman ham qoyaga chiqayotganini ko'rishibdi. Dushman qo'liga tushib, xo'rlik va azoblarga duchor bo'lishdan , qullikdan ko'ra qiz bilan yigit o'limni o'zlariga afzal bilibdilar. Qiz o'zini qoyatoshdan pastga otibdi, uning ortidan yigit ham o'zini tashlabdi. Qoyatoshdan birinchi bo'lib qiz o'zini tashlagani uchun keyinchalik odamlar uni “Qizuchgan qoya ” deb ataganlar. Agar qoyatoshga e'tibor bersak, qizil va oq rang bo'yoqlarini ko'ramizki, qishloq odamlarining talqinicha, bu yigit va qizning qoni ekan. Shundan buyon o'sha daradagi tog'- u toshlar , dov- daraxtlar, o't- o'lanlar o'zlariga sehrli holda oxistagina “qiz uchdi”, “qiz uchdi” deb takrorlab yurishadi. Shundan buyon bu yerda yashovchi xalq bu qoyaga “qiz uchgan” deb nom berishgan ekan. To'g'risi, o'sha qoyatoshga yaqinroq joyda yashovchi qishloqlardagi xalq yuqoridagiga o'xshash turli xil rivoyatlarbi gapirib yurishadi. Bu rivoyatlarning qay biri haqiqatga eng yaqin ekanini hech kim bilmaydi. Ammo, bu qoyaga yaqinlashgan har bir kishi “Qiz uchgan qoya” turli xil tarixni yoki mudhish bir voqeaning guvohi bo'lganligini yuragidan his qiladi. Tarix dalolat beradiki, ertaklar haqiqatga yetaklaydi, yoki undan so'zlaydi. Rivoyatlarda qisman bo'lsada haqiqat mavjud. Qoyatoshning shundoqqina yonida bolalar oromgohi joylashgan. Oromgohga kelgan bolalar va ularning ota - onalari “Qiz uchgan qoya”ga soatlab tikilib turganining guvohi bo'lamiz.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. B. O'rinboyev Jizzax viloyati toponimlarining izohli lug'ati. 2007.
2. Karimov I. A. – Tarixiy xotirasiz kelajak yo'q- T;1998.
3. Mamadali Mahmudov (Evril Turon) “Bu tog'lar – ulug' tog'lar” T. yozuvchi nashriyoti 1991.
4. O'zbekiston Respublikasining ma'muriy- hududiy tuzilishi. T. 1993.
5. Q. Hakimov Jizax viloyati toponimlari. “Sangzor” Jizzax. 2014 .
6. S.P. Tolstov – Osnovnaya problema etnogeneza narodov sredney Azii. S.E.VI-VII. 1947.

МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ИЛК ЎТРОҚ ДЕХҚОН МАДАНИЯТИНИ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИДАН

Г.Мўминова,
ЖДПИ, Жиззах

Марказий Осиёнинг илк ўтроқ деҳқончилик хўжалигига оид Жойитун маданияти ёдгорликлари ҳозирги Туркменистоннинг Копеттоғ жанубидаги тоғолди водийсига жойлашган. Бу маданиятга хос биринчи маълумотни 1930 йилда Ашхабод темир йўлининг Келат станциясига яқин жойдан нақшли сопол синиқлари ва чакмоқтошлардан ясалган меҳнат қуролларини топган гидрогеолог М.П. Распопов беради. [Муаллифлар жамоаси. 1971. 367 б]

Бу топилмалар, кейинчалик Жойитун маданиятига оид деб эътироф этилади. Шунга ўхшаш археологик ашёлар 1935-йили Янги Нисо ва 1939-йили Тоғалик-тепадан А. А. Марушенко томонидан ўрганилади. [Ляпин. А.А.1997] Аммо Жойитун маданиятини барча хусусиятларини ақс эттирувчи асосий ёдгорликларни топилиши ва ўрганилиши 1952-йилдан жанубий Туркменистонда Б.А.Куфтин раҳбарлигидаги ЮТАКЭ отрядини изланиш ишларини олиб боришдан бошланади. Б.А.Куфтин, А.А.Марушенко билан биргаликда Жойитунга келиб шурф солади. Унинг бу шурфи 2 м.қалинликдаги маданий қатламни кесиб ўтади. Ана шу 2 м.лик шурфдан мезолит қуроллари қиёфасини эслатувчи чакмоқтошлардан ясалган меҳнат қуролларини топилиши Б. А. Куфтинни бироз шубҳа остида қолдиради. Аммо В.М.Массонни таъкидлашча, мутахассисларни хайратга соладиган даражада археологик ашёларни жуда оз миқдорда бўлишига қарамай Б.А.Куфтин ана шу ёдгорликни тарихий аҳамиятини аниқлаб беради. У шундай деб ёзган эди: “Бу ерда яшаган қабилалар овчилик ва термачилик билан эмас, балки кетмонсифат (мотига) меҳнат қуроллари орқали билан ўтроқ ҳолда деҳқончилик билан шуғулланган, қўлга ўргатилган ит ва уйларга эга бўлган ҳамда мураккаб чакмоқтош ўроқлар ёрдамида ўзларини баҳорикор экинларни ўришни билган жамоалар яшаганлар. [Куфтин Б.А. 1954. с 23] Жуда оз миқдордаги материалларга асосланиб, бундай аниқ фикрларни баён қилиниши археологлар орасида бироз бўлсада шубҳа туғилишига олиб келган. Бунинг устига худди шу турдаги Чўпонтета ёдгорлигида С.А.Ершов томонидан шурф солиниши ва 6 м. қалинликда маданий қатлам борлигини аниқланиши ва бу ердан лойдан ясалган мустаҳкам уй-жой қолдиқларини топилмаслиги натижасида С.А.Ершовни Чўпонтетада уй-жойлар енгил-елпи қурилган бўлиб, вақтинчалик, мавсумий мақомда чайласифат бўлган, деган хулосаларни бериши Куфтинни фикрларига яна шубҳа туғдирган. Чунки ўтроқ ҳолда яшаган ва деҳқончилик билан шуғулланган қабилалар мавсумий чайлаларда эмас, балки лойдан қурилган мустаҳкам хоналарда яшаганлар. Юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш учун, ер сатҳидан археологик ашёларни териб олиш билан ёки битта, иккита шурф солиш билан чекланиб бўлмас эди. Шунинг учун ҳам, 1955-йилда В.М.Массон бошчилигидаги ЮТАКЭ (Жанубий Туркменистон Археологик Комплекс Экспедицияси) нинг 14 отряди томонидан тизимли равишда жанубий Туркменистонни илк деҳқончилик тарихини ақс эттирувчи Жойитун ёдгорлигида археология қазилари бошлаб юборилди. Натижада, қидирув ишларининг биринчи йилидаёқ Жойитун ёдгорлигида гувалаклардан бунёд этилган меморий қурилишларнинг қолдиқлари топилади. Шундан сўнг, 1956-йили Чўпонтетада ҳам такрорий қазилари ўтказилиб С. А. Ершов томонидан топилган қурилиш қолдиқлари бу ердан ҳам топилади. 1957-йилга келиб эса Жойитунда ўзига хос бир хонали уйларни қаторасига солинганлари аниқланади. [Мирсоатов Т.М., Мирсоатова С.Т.2002. 105 б] Шундан сўнг, Жойитунда 1958-йилдан бошлаб доимий қазилари олиб борилиб, манзилгоҳни марказий қисмида жуда кўплаб моддий ашёлар топилади ва бу ашёлар Жойитунни археология фанига алоҳида маданият сифатида «Жойитун

маданияти», деб киритишга имкон беради. Худди шу даврларда энг қадимги ўтрок дехқончиликка оид комплексларни ва дехқончилик маданиятини ташкил топиши каби муаммоларни ўрганиш Яқин Шарқ археологиясини марказий масалаларидан эди.

Шуни айтиш жоизки, хозиргача Жойитун маданиятига оид ёдгорликлар сони 17 тага етди. Буларни барчаси табиатни кучли таъсири натижасида текис тепаликларга айланиб, уларни баландлиги ўз атрофларига нисбатан 2,5 м.дан 5 м.гача боради. Ҳажмлари эса 0,5 га.дан 2 га. гача бўлган майдонни ташкил қилади. Бу ёдгорликларни деярли барчасига шурф солиниб, уларда бир нечтадан қурилиш горизонтлари борлиги аниқланди.

Жойитун маданиятига хос бўлган хусусиятлардан бири лой деворлардан қурилган бир хилдаги тўртбурчакли ёки тўғри бурчакли 19- 39 м² кенгликдаги хоналарнинг мавжудлигидир. Бу хоналарни деворларига қадаб катта ўчоқлар қурилган бўлиб, уларнинг пол сатҳи, албатта алебастр билан сувалган қизил охра билан рангланган. Жойитун маданиятига хусусиятлардан яна бири бу хўжаликларда асосан меҳнат қуролларини пластинкалардан ясалиши аниқроғи пластинкаларни учиритиш техникасига мослашганликларидир. Шунинг учун, ясаладиган меҳнат қуролларини аксариятини хом ашёсини чакмоқтош пластинкалари ташкил қилган. Бу хом ашёларни аксарияти узун бўлиб, уларни юқори қисмлари кесик шаклига эга бўлганлар. Хом ашё сифатида қизғиш-жигарранг чакмоқтошлардан фойдаланганлар. Бу чакмоқтошларни сифати жуда яхши бўлиб улардан узун ва тўғри учириндилар олиш мумкин бўлган. Бу турдаги қуроллар Жойитунда топилган меҳнат қуроллари 25-36% ни ташкил қилади. Жойитун тош индустриясини кўпчилигини микролитлар ташкил қилиб, улар трапеция, учбурчак, ва сегментлардан иборат. Жойитун маданиятини сўнгги босқичларини акс эттирувчи ёдгорликларда асосан трапеция шаклидаги микролитлар учрайди. Шунингдек, Жойитун маданиятига хос хусусиятлардан яна бири микроскребки - кичик ҳажмдаги қирғичларни борлигидир. Булар асосан кесувчилар ва қирувчи вазифаларни бажарган. Жойитун маданиятига хос ёдгорликлардаги тошдан ясалган меҳнат қуролларида мезолит даврининг аънаналари яққол кўзга ташланиб туради. Тош қуролларга ишлов беришда ва уларни турларини кўпайишида анча ижобий ҳолатлар юз беради. Териларга ишлов берувчи ва тўқимачиликни тараққий эттирувчи меҳнат қуроллари ҳам такомиллашади. Жойитун маданиятини ўрта босқичини акс эттирувчи ёдгорликлар милодий VI минг йилликни ўртаси билан, сўнгги босқичи эса ана шу минг йилликни охиригача билан даврланади.

Шундай қилиб, Жойитун маданиятини ташкил топишида, деб ёзади В.М.Массон “ерли Каспий бўйи овчи ва термачи қабилалар, ҳамда уй - жой қуришни билган, ўзига хос нақшли сопол идишларни ишлатган қабилалар иштирок этганлар”. [Массон.В.М.1971.с 76] Бизнингча, В.М.Массонни Жойитун маданиятини ижодкорлари ерли Касбий бўйи қабилалари бўлган деган хулосаси тўғри. Чунки бизни Марказий Осиё худудидаги ёдгорликларни 1 млн. йиллик тарихини ўрганишимиз давомида энг қадимий маданиятлардан тош асрини охиригача босқичигача бир маданиятни ичидан иккинчи маданиятни ўсиб чиққанини, барча даврларда маданиятимизни соҳиблари ерли қабилалар бўлганини, биронта маданиятимиз ташқаридан келмаганини кўрсатди. Шундай экан, Жойитун маданиятини ижодкорлари қаторига Яқин Шарқ қабилаларини ҳам қўшиш тўғри бўлмайди, деб ўйлаймиз. Марказий Осиё халқлари аждодларини давомчилари бўлган Касбий бўйи қабилалари Яқин Шарқ қабилалари билан алоқада бўлган бўлишлари мумкин. Аммо бу дегани Яқин Шарқни неолит даври қабилалари Жойитун маданиятини соҳибларидан дегани эмас. Жойитундаги қайд этилган топилмалар асосан 3 та гуруҳга бўлиб ўрганилган :

1. Меҳнат қуроллари ва уларнинг чиқиндилари;
2. Жамоа кундалик ҳаётидаги буюмлар, биринчи навбатда, лойдан ясалган идишлар;

3. Безаклар ва турли тасаввурлар билан боғлиқ бўлган ғоялар ҳамда оддий кўнгилни хушловчи буюмлар.

Булардан ташқари, ёғочлардан ясалган меҳнат қуроллари жуда кўп бўлган бўлиши керак. Аммо улардан биронтаси ҳам табиатни салбий таъсири натижасида бизгача етиб келган эмас. Бундай фикрга келинишга, Жойитун маданиятига оид ёдгорликларни аксариятида, махсус ҳосил ёриқларга, қилинган тирқишларига қаторасига қадаб ишлатилган геометрик шакллардаги микролитлардан ясалган ўроқларни кўплаб топилиши сабаб бўла олади. Бу микролитлар кўп ҳолларда ўроқ ўриш вазифасини бажарганлар, аммо уларни ёғоч ва хайвон қобирғаларидан тайёрланган мосламаларида узунасига ҳосил қилинган ёриқларга қаторасига ўрнаштирилган, яъни микролитлардан ўроқ шаклига келтирмасдан туриб фойдаланиб бўлмаган. [Коропкова Г.Ф., Шелинский. В.Е, 1996. с171]

Шуни айтиш керакки, Жойитун ёдгорлиги тош асрини охириги босқичи бўлгани учун ундаги меҳнат қуроллари аксарияти тошлардан ясалган бўлиб, улар бошқа турдаги хом ашёлардан қилинган меҳнат қуроллари орасида ҳануз тўлиқхукмрон эдилар. Бу тош қурооллар типология жиҳатдан учта гуруҳга бўлинади:

1. Нуклеуслар;
2. Пластинкалар ва улардан ясалган меҳнат қуроллари;
3. Учириндилар ва улардан қилинган меҳнат қуроллари.

Г. Ф. Коропковани аниқлашича, нуклеусларни аксарияти призма ва конус шаклидаги нуклеусларни ташкил қилади. Призма шаклидагиларни жами 39 та бўлиб, буларни ҳаммаси бутун ва жуда ифодали кўринишдадир. Шу типдаги нуклеусларни синиқлари эса 28 та, конус шаклидагилари 7 та холос. Иккинчи гуруҳдагилар асосан пластинкалардан иборат булиб, улар призма шаклида уткир қиррага эга бўлган тўғри кийёфали пластинкалардан иборат. Микропластинка топилма Жойитунда йўқ даражада. Жойитундаги геометрик шаклдаги микролитлар 4 хил: 1. Трапеция; 2. Сегментлар; 3 Учбурчак шаклдагилар 4. Тўғри бурчак шаклидагилардир. Жойитунда учириндилардан қилинган меҳнат қуроллари амалда йўқ даражада бўлиб, борлари ҳам тасодифийдир. [Коропкова Г.Ф., Шелинский. В.Е.1996. с171]

Жойитун маданиятини келиб чиқиш масаласига келсак, бу масала ҳозирги кунда жуда мураккаб масалалардан ҳисобланади. Чунки ҳозиргача Жойитун маданияти билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган бу қадим дехқончилик маданияти билан шуғулланган қабилаларни аждодлари яшаган ёдгорликни топилмаганидир. Аммо археологлар орасида бу маданиятни аждодлари аввал Копеттоғда яшаб сўнг пасттекисликларга тушиб, шу маданиятни яратганлар дегувчилар ҳам бор. Бирок Жойитун маданияти индустриясини Каспий бўйидаги мезолит ёдгорликларини яқинлигини ҳисобга олиб, Жойитун маданиятининг соҳибларини ана шу Каспий бўйларида келиб ўрнашган қабилалар ташкил этган дегувчилар ҳам бор. Аммо бу масала қандай тарзда ўз ечимини топишидан қатъи назар бир нарса аниқ, У ҳам бўлса, Жойитун маданиятининг соҳиблари илк дехқончилик билан шуғулланган Яқин Шарқдаги қабилалар билан яқин алоқада бўлганлар. Шуни таъкидлаш жоизки, қадимги аждодларимизни иқтисодий ҳаётида туб ўзгаришларни юзага келишига сабаб бўлган ўзлаштирувчи хўжаликдан ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтиш жараёни Жойитун манзилгоҳида яққол кўринади, чунки Жойитун манзилгоҳини хўжалигини асосини ишлаб чиқариш ташкил қилиб, бу ишлаб чиқаришда биринчи ўринни дехқончилик, иккинчисини чорвачилик ташкил қилар эди. Овчилик эса гарчи хўжаликдан ҳали сиқиб чиқарилмаган бўлсада, ёрдамчи сифатида давом этмоқда эди. Етакчи ўринни дехқончилик эгаллаган эди. Буни яққол исботи сифатида Жойитундан топилган 1097 та ўроқ сифатида фойдаланилган меҳнат қуроллари кўрсатишимиз мумкин. Бу меҳнат қуроллари Жойитун манзилгоҳидан топилган бир неча меҳнат қуроллари 37 %

ини ташкил қилади. Бу далилий ашёлар Жойитун соҳиблари хўжаликлари асосини деҳқончилик ташкил этганига ҳеч қандай шубҳа қолдирмайи. Жойитун маданиятига оид ёдгорликларни моддий ашёларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, уларни хужалигида биринчи ўринни деҳқончилик эгаллаган бўлса. иккинчи ўринни чорвачилик, учинчи ўринни овчилик эгаллаган.

Жойитун манзилгоҳида яшаган бу қабилалар, балки Жойитун маданиятига оид манзилгоҳларни барча қабилалари “неолит инқилоби”ни бошидан кечирганликларини уларни моддий ашёларини ҳар томонлама ўрганиш натижалари яққол кўрсатди. «Неолит инқилоби» у ёки бу манзилгоҳ эгаларини хўжалигида иқтисодий жиҳатдан тубдан ўзгариш содир бўлгани тушунилади. Ёввойи ҳайвонларни хонакилаштириш ва ёввойи бошоқларни эса маданийлаштиришдаги илк тажрибалар хўжалик фаолиятларини самарадорлик шаклларини юзага келишига сабаб бўлиб, «неолит инқилоби»ни тайёрлашда биринчи босқичи ҳисобланган. «Неолит инқилоби» ни иккинчи босқичида эса, хўжаликлар фаолиятида деҳқончилик билан чорвачилик тўла ҳукмронлик қилган. Жойитун маданиятига оид ёдгорликларда эрадан аввалги VI -IV минг йилликлар давомида юқоридаги ҳар икки босқич ҳам кузатилган.

Шундай экан, бизнинг Марказий Осиё худудидаги Жойитун маданиятига оид ёдгорликларда деҳқончилик ва чорвачиликка асосланган хўжаликларда «неолит инқилоби» содир бўлган бўлса, Ҳисор маданиятига оид ёдгорликларда фақат чорвачиликни ўзига асосланган «неолит инқилоби» бўлган. Қалтаминор маданиятига оид ёдгорликларда эса, гарчи улар ҳам неолит даврини ўз бошларидан кечираётган бўлсаларда, уларда хали эскича анъаналар давом этиб, хўжаликларида туб ўзгаришлар юзага келмаган эди. Уларни хўжалигининг асосини овчилик, балиқчилик ва термачилик ташкил этар эди. Шунинг учун бу турдаги хўжаликларда «неолит инқилоби» содир бўлган деб бўлмайди. Археолог олимларимизни кенг миқёсда олиб борган изланиш ишларини натижалари шуни яққол кўрсатдики, инсониятни илк синфий жамиятга етаклаб боришда «неолит инқилоби» бош йўл ҳисобланган. Ана шу фикрни тасдиғини айнан «неолит инқилоби» содир бўлган, жойларда биринчи бўлиб илк синфий жамиятларни пайдо бўлгани кўрсатади. Марказий Осиё худудидаги неолит ёдгорликлари ҳақида хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, бу даврга оид ёдгорликлар XX асрни иккинчи ярмидан бошлаб, айниқса уни учинчи чорагида жуда кўплаб, ҳатто бир неча юзлаб топилди ва археолог олимларимиз томонидан ўрганилди. Биргина Марказий Фарғона худудини ўзидан юздан ортиқ мезолит ва неолит даврига мансуб ёдгорликлари топилди ва улар ҳам типологик ҳам трасалогик усуллар билан ўрганилди. Энг муҳими ана шу тарихимизни узлуксиз давом этганини, бир маданият ичидан иккинчи маданиятни ўсиб чиққанини ҳеч бир маданият четдан келмаганини, Марказий Осиё худудидаги мавжуд ёдгорликлар орқали исботлаб бериш мумкин дир.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Куфтин Б.А. Работы ЮТАКЭ в 1952г. По изучению культур Джейтуна //ИАН ТССР. Ашгабад. № 1. 1954.
2. Коропкова Г.Ф., Шелинский. В.Е, Методика микро- макроанализа древних орудий труда. Л., ИИМК РАН, 1996.
3. Ляпин. А.А //Древний восток. Раскопки А.А. Марушенко на Ак- Тепе. Ашгабад.1997.
4. Массон.В.М Поселение Джейтун, Л,1971.
5. Муаллифлар жамоаси. Гидрогеология. 35 том. М; 1971.
6. Мирсоатов Т .М., Мирсоатова С.Т. Ўрта Осиё археологияси., Фарғона 2002.

XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА МИРЗАЧЎЛ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ

Н. Мирзаева
ГулДУ, Гулистон

Туркистон ўлкаси халқларининг XIX аср охири – XX аср бошларидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётини комплекс тадқиқ қилиниши Ўрта Осиё жамиятининг демографик ва этник ривожланишига оид объектив тасвирини ўрганилишини талаб қилади. Шунинг учун Туркистон ўлкасида, хусусан Мирзачўлда ҳам, бу даврда истиқомат қилган маҳаллий аҳолининг этник таркиби ва демографик жараёнларини ўрганиш, ўзига хос хусусиятлари ва характерли белгиларини аниқлаш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Бу борада архив маълумотлари, чор Россияси амалдорларининг ҳисоботлари, собиқ совет даврида ва ҳозирги кунда амалга оширилган тадқиқотлар муҳим маълумотларни беради.

XIX асргача Мирзачўл воҳасининг ҳудуди Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасида талаш бўлиб турган эди. Туркистон Россия империяси томонидан босиб олинганидан кейин, Мирзачўл дастлаб Фарғона вилоятининг Хўжанд уездига кирган, 1886 йилдан эса Самарқанд вилояти таркибига ўтказилган эди. 1918 йил 4 июлдаги Туркистон Республикаси ХКК Қарорига биноан Хўжанд уездидаги Иржар, Уральск ва Сават волостларини ҳамда Жиззах уездидаги Кўктепа волости ҳудудининг бир қисмини бирлаштириш воситаси билан мустақил Голодностепский уезди ташкил қилинди. 1922 йилда у яна Мирзачўл деб номланди [Материалы по районированию, 1926. С.78]. Мирзачўл уезди таркибига Романовская, Спасская, Сир-Дарьинская, Иржар, Черняевская, Славянская, Беговотская волостлар киритилди [Материалы Всероссийских..., 1923. С.5-6].

Тарихга назар солсак, Мирзачўл ҳудуди ҳақидаги илк маълумотлар араб сайёҳи Ибн Ҳавкал ёзишмаларида (969 й.) келтирилган. У Сирдаренинг чап қирғоқларида жойлашган бир қатор қишлоқлар ҳақида ёзиб, улар орасида насронийлар қишлоғи Винкерд ҳақида ҳам эслатиб ўтган [Булаевский, 1957. С.161]. Мазкур қишлоқнинг жойлашуви Мирзачўлда тахминан XIX асрнинг иккинчи ярмида асос солинган Нижний Волинский рус қишлоғининг шимолий қисмига тўғри келади.

XVI-XVIII асрларда қозоқлар ва қорақалпоқлар билан бир пайтда Сирдарё бўйларида ва унга туташ бўлган чўл ҳудудларида қалмоқлардан қочиб яширинган қипчоқлар ҳам яшар эдилар. Улар иккита гуруҳга ажралиб, бир қисми Зарафшон воҳасида ўрнашиб қолди, иккинчи қисми эса Тошкент воҳаси ва Мирзачўлга кўчиб кетди [Шониезов, 2001. 417-б.]. Мирзачўл воҳасига қипчоқлар ва қорақалпоқларнинг келишидан олдин, бу ерда қурама, дўрмон, қирқ, юз, минг ва бошқа этник гуруҳлар истиқомат қилишган.

Турмуш тарзи бўйича маҳаллий аҳоли ўтроқ, кўчманчи ва ярим кўчманчиларга бўлинган. Ўтроқ аҳолини тожиклар ва ўзбеклар, ярим кўчманчи аҳолини қурамалар ва ўзбеклар, кўчманчи аҳолини эса қирғизлар, қозоқлар ва қорақалпоқлар ташкил этган [Макшеев, 1871. С.19-20].

1872 йилда махсус статистика тўплами тайёрланиб, унда Мирзачўлдаги аҳоли пунктлари, овуллар ва қишлоқлар ҳақидаги ахборот жамланган эди. Статистик материаллардаги маълумотларга кўра, қарапчи уруғига оид аҳоли Иржар, Халқакўл, Майда жингил, Қолгансир тўқайзорларида, ҳамда Мирзачўлдаги Беговат, Лангар, Чақир, Наминган, Искандар, Сармич, Увоқ, Тарнов, Топқоқ қишлоқларида истиқомат қилган. Иржар тўқайзори Сирдарё бўйлаб 12 верста узунликда, 4 верста кенликда чўзилган. Халқакўл тўқайзори Сирдарё дарёси енида жойлашган бўлиб, узунлиги 4верстани, кенлиги 2 верстани ташкил қилган ва унда 7та ўтов бўлган. Қолгансир тўқайзори

Майда жингилга кўшни бўлган ва унда 5та ўтов бўлган. Ўз навбатида, Майда жингил қишлоғи энг катта ҳисобланиб, унда 35та ўтов бўлган [Материалы для статистики...,1872. С.28].

Парчаюз уруғидан бўлган аҳоли қаропчилар билан бирга Халқакўл, Майда жингил, Иржар, Парча, Оққувоқ, Қизилчангил, Мулла бобо қудуғи ҳамда Ховос қишлоғи ёнида истиқомат қилган.

XIX аср иккинчи ярмидаги архив ҳужжатларда кўчманчи аҳоли, унинг демографик таркиби ва ижтимоий тузилмаси ҳақидаги маълумотлар келтирилади. Масалан, Майда жингил, Оқтепа, Кўкчагалок, Утров овулларидаги аҳоли этник таркиби бўйича қозоқ уруғларига мансуб бўлганлиги кўрсатилган. Қишлоғи улар ўз овулларида ўтказиб, ёзда Бурли, Зуней, Сурузак ва Учтепа деган манзилларга кўчиб кетишган [ЦГА, И-269, л.46 об.-47].

XIX аср охири – XX аср бошларида Мирзачўлда янги қишлоқлар сонининг ўсиши бевосита янги ҳудудларни ўзлаштирилиши билан боғлиқ бўлган. Империя маъмурияти вакиллари билан бири А.Кушакевичнинг ҳисоблашича, Мирзачўлни ўзлаштирилиши Туркистон генерал-губернаторлигига қарашли жанубий ва жануби-шарқий савдо ва сиёсий йўллар бўйидаги ҳудудларда аҳолининг зичлашувига олиб келади [Кушакевич, 1875. С.17]. Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши, рус ва бошқа халқлар вакиллари кўчирилиши, каналлар қурилиши муносабати билан ҳудуддаги демографик жараёнлар кучайиб, аҳоли сони ва таркиби ўсиб боришига олиб келди.

Президентимизнинг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатида “Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш” зарурлиги таъкидланган эди [Ўзбекистон..., электрон ресурс, 2018].

Тарих — босиб ўтилган йўл. Уни орқага қайтариб ҳам, қайтадан яратиб ҳам бўлмайди. Шунинг учун уни қандай мавжуд бўлса, шундай ҳолида, холис ва ҳаққонийлик билан, асл манбалар асосида ўрганиш, тадқиқ қилиш, асл ҳақиқатни очиб бериш, бор тарихий бойликларни асраб-авайлаб сақлаш, улардан халқимизни баҳраманд этиш талаб қилинади [Исҳоқов, 2017].

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018. [Электрон ресурс] <https://president.uz/uz/lists/view/2228>
2. Булаевский В.Ф. Краткий исторический очерк магистрального канала им.Кирова / В кн. Голодная степь. Материалы по производительным силам Узбекистана. – Ташкент: АН Уз.ССР, 1957. – вып.6.
3. Исҳоқов М. Буюк истиқболнинг асоси. // Адолат газетаси. №28. 2017
4. Кушакевич А. Заметки по Ходжентскому уезду. – Ташкент, 1875.
5. Макшеев А.И. Географические, этнографические и статистические материалы о Туркестанском крае. – Спб.: Русское географическое общество, – Т.2.1871.
6. Материалы по районированию Узбекистана. – Самарканд, 1926. – вып.1.
7. Материалы для статистики Туркестанского края. – Спб.: Туркестанс. стат. комитет, – вып.1. 1872.
8. Материалы Всероссийских переписей 1920 года. Перепись населения Туркестанской Республике. Часть1. Поселенные итоги. Поселенные итоги Сыр-Дарьинской области. – Ташкент: Издание ЦСУ Туркеспублики, 1923. – вып.III.
9. Шониёзов К. Ўзбек халқининг этник шаклланиш жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001.
10. ЦГА РУз, ф. И-269, оп.1, д. 3, л. 46 об. - 47.

ШАХС ИЖТИМОЙЛАШУВИ ЖАРАЁНИДА ЭТНОМАДАНИЙ МАНСУБЛИКЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Ё.А.Ортиқов

ЎзР ФА Тарих институти

Дунёнинг барча халқлари бир-бирларидан, албатта урф-одат, анъана, маросим ва қадриятлар тизими каби хусусиятлари билан ўзаро фарқланади. Уларнинг таркиб топиб бориши ривожланиб боровчи мураккаб жараён бўлиб, авлодларнинг алмашиши асносида мерос сифатида ўзидан кейинги авлодга ўтказилиб, давомийлиги сақланиб боради. Бироқ, бу жараён мутлақо ўзгаришсиз амалга ошмайди, балки, вақтлар ўтиши билан унинг таркибидаги эски жиҳатлар ўринини янгилар эгаллайди ва шу билан тараққий этиб боради. Тегишли жамият аъзолари эса ўз маданиятининг мазкур анъанавий ва замонавий шакллари ўз ҳаётида акслантириб кўрсатади. Уларнинг авлодлари ҳам тарбия ва социализация жарёнида ўзини мана шу маданиятга мансублигини ифодалайди.

Этномаданий идентиклик, яъни, мансублик мураккаб жараён ҳисобланиб, унинг шаклланиши энг аввало, тарбия ва ижтимоийлашув орқали амалга оширилади. Бу борада фикр юритиш асносида Маргарет Миднинг қарашларини келтириш ўринли. Унинг айтишича, “...айнан, болаларни қандай ўйлашга, хис қилишга ва жамиятда қандай ҳаракат қилишга ўргатадиган бу маданиятдир” [Мид, 1988. С.225].

Этномаданий идентиклик индивидуал даражада таълим ва тарбия, шахснинг амалда ўз ролини танлаши, у томонидан миллий маданиятни ўзлаштириши, ўзини этник жиҳатдан ва ижтимоий муҳит билан идентификация қилиши натижасида шаклланади. Буни янада соддароқ тарзда тушунтириладиган бўлса, идентификация бола томонидан жамиятдаги социализация жараёнида икки томонлама – яъни мақсадли таълим ва тарбия орқали ҳамда боланинг ўзини жамоа ижтимоий ҳаётида кўрганлари орқали амалга ошади.

Шу ўринда “социализация” атамасининг моҳиятини тушуниб олиш унга ойдинлик киритиш керак бўлади. Мазкур тушунча кўплаб маъноларга эга бўлиб, у ҳақда турли муаллифлар томонидан қилинган шарҳ ва изоҳларнинг барчаси ҳам бир-бирига мос келавермайди [Кон, Ольшанский, 1971; Андреева, 1980]. Умуман олганда, “социализация деганда – муҳитнинг, индивиднинг ижтимоий ҳаётдаги иштирокини таъминлайдиган, ўз маданиятини, жамоадаги хулқ-атвор меъёрларини тушунишини, ўзини қарор топтиришни ва турли ижтимоий вазифаларни бажаришни ўргатадиган даражадаги тўла, кенг қамровли таъсири”ни [Щепанский, 1969. С.51] тушуниш мумкин.

“Социализация” сўзи ўзбекчага “ижтимоийлашув”, деб таржима қилиниб, у “индивид томонидан мавжуд ижтимоий меъёрлар, қадриятлар ва билимлар тизимини ўзлаштириш жараёни”, дея таърифланади [Каримова, 2000. 208-б]. Лекин, таъкидлаб ўтилганидек, ижтимоий меъёрларни ўзлаштириш бир томонлама юз берадиган жараён эмас, балки икки томонлама таъсир ёрдамида юз берадиган, яъни жамоа томонидан уни йўналтириши ҳамда индивид томонидан ўзига хос тарзда қабул қилиниш жараёнидир. Жамоа томонидан йўналтириш маълум тартиб-интизом меъёрлари, тадбир, удум ва маросимлар, шунингдек турли тақиқлар орқали амалга оширилади. Бундай йўналтириш тарбия бериш, деб аталади. Бинобарин, тарбия деганда, аввало, турли ҳатти-ҳаракатларни йўналтириш воситасида исонга онгли равишда исталган хислат ва хусусиятларни сингдириш назарда тутилади. Ёки “Тарбия – шахсда муайян жисмоний, руҳий, ахлоқий-маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий педагогик жараён; инсоннинг жамиятда яшаши учун зарур бўлган хусусиятларга эга бўлишини таъминлаш йўлида кўриладиган тадбирлар йиғиндиси” [ЎЗМЭ, 2004. 270-б]. Шу маънода тарбияни ижтимоий фанлар тилида

“ижтимоийлаштириш” дейилса, мантиқан тўғри бўлар эди. Социализация эса “тарбия билан бир қаторда муайян бир мақсадни кўзда тутмаган, лекин индивидни маданиятга қўшувчи ва шу жамиятга муносиб, унинг тенг ҳуқуқли аъзосига айлантурувчи спонтан (ички сабаб туфайли юз берадиган) таъсир ўтказишни ҳам ўз ичига олади” [Кон, 1988. С.134]. Демак, юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, социализация – тарбиявий таъсирни ҳам, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсиймуҳити таъсирини ҳам ва хатто табиий муҳит таъсирини ҳамқамраб олувчи тадрижий жараёндир.

Бир қатор ўзбекистонлик этнолог олимлар социализация тушунчасини ўрганиб чиқиб, “социализация” атамаси ўзбек тилида моҳиятан “ижтимоийлашув” ва “ижтимоийлаштириш” каби маъноларга мос келиши тўғрисида фикрларини беради [Аширов, 2015. 118-б]. Юқоридаги фикрни тўғри англонадиган бўлса, индивид ёки шахснинг ўз кузатув ва тақлидлари натижасида “ижтимоийлашув”, тарбия орқали эса “ижтимоийлаштириш” жараёнлари юзага келади. Ижтимоийлашув бевосита шу жамиятнинг етилиб келаётган янги аъзоси атроф жамоадаги маданий муҳитга тақлид орқали ўзини мослаштириш натижасида пайдо бўлади. Тақлиднинг ижтимоийлашувдаги ўрни ҳақида А. Г. Ковалев шундай ёзади: “Тақлид гўдак томонидан борлиқни билишнинг нисбатан характерли усули бўлса, тақлид қилиш эса ўсаётган шахснинг асосий хусусиятидир” [Ковалев, 1960. С.146].

Тақлид боланинг ёшига, идрокига боғлиқ равишда онгли ёки онгсиз тарзда юз бериши мумкин. Бола гўдак ёшида катталарга кўр-кўрона тақлид қилади. Лекин у ўсгани сари тақлид жараёни мазмунан ўзгаради ва онгли характер касб этиб боради. Катталар билан бўладиган ҳар кунли мулоқот орқали болалар дастлаб катталарнинг хатти-ҳаракатлари, одатлари, ички сифатлари, фикрлаш тарзлари, ижтимоий бурчни бажаришга ва бошқа шу кабиларга бўлган муносабатларга тақлид қилади ва уларни ўзлаштиради. Демак, бола ўзи яшаб турган маданий муҳитдаги хусусиятларни жамиятда қабул қилинган маълум таълим-тарбия тизими орқали ва стихияли тарзда ўзлаштиради. Шахснинг жамиятга ва шу жамиятнинг маданиятига мослашиб, бу мослашув натижасида ўзини шу маданиятнинг тўлақонли аъзоси деб хис қилиши, бу социализация жараёнида шахснинг маданиятга идентификациясидир. Ёш авлодлар ота-оналар ва тенгқурлардан тақлид орқали муайян ахлоқий стереотипларни қабул қилади. Ҳар бир бола гўдаклик чоғидаёқ ихтиёрсиз равишда ўзи дунёга келган муҳитдаги турли-туман таъсирлар ва таассуротлар остида ўз этномаданиятини ўзлаштира бошлайди. Бу аввало бола ўз она тилини ўрганиб, маданият вакиллари билан ўзаро мулоқот жараёнида ва маиший шароитига қўшилганда юз беради. Боланинг биологик ва рухий (психик) жиҳатдан ривожланиши учун таъсир этаётган бу маълумотлар турли ижтимоий муҳит ва географик шароитларда бир хил бўлмайди [Маматов, 1999. 36-б.]. Мана шу турли муҳит ва ундан келадиган маълумоларнинг ҳилма-хиллиги ўз вақтида бир-биридан фарқ қилувчи локал худудий хусусиятларни шакллантиради. Бинобарин, дунган этномаданий идентиклигидаги худудий фарқланишни ҳам шундай изоҳлаш мумкин. Масалан, Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ва Фарғона водийси дунганларининг идентиклигидаги ўзаро фарқлар маданий ва ижтимоий ҳаётнинг кўплаб жабҳаларида кўзга ташланади.

Этномаданий идентикликнинг шаклланиб бориши мобайнида аввалига катталар таъсири остида, кейин боланинг аста секин ўзини англай бошлаши ва теварак атроф, олам ҳақида тасаввурларининг ортиб бориши натижасида диний омил ҳам таъсир эта бошлайди. Диний омилнинг таъсири албатта барча ёшларда бир хил даражага эга эмас. Унинг даражаларига оила ва жамиятдаги динга нисбатан муносабат ҳам жиддий таъсир ўтказади. Айрим олимлар дин ва идентиклик ўртасидаги боғлиқликларни идентикликнинг шаклланишида тушунчаларнинг чуқурлаштирувчи восита сифатида кўрса, айримлари идентикликнинг шаклланишига тўсқинлик

килувчи манба сифатида кўради [King, 2003. p. 197]. Аслида эса дин шахснинг этномаданий идентиклигининг муҳим таркибий қисмидир. Чунки, айнан дин дунганларнинг шаклланишида энг муҳим омил бўлган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, этномаданий идентиклик мураккаб ва узоқ давом этувчи ижтимоий жараён бўлиб, унинг шаклланишида тарбия албатта муҳим ўринга эга, лекин шу билан бирга унга жамиятнинг таъсири ҳам ўз кучини кўрсатади. Шаклланиши давомида унинг атрофдаги одамларда фарқли жиҳатлари, яъни ўзлиги шаклланиб боради. Бу ўзлик унинг шахсияти ва этномаданий идентиклигини таркиб топдириб боради. Буларнинг якунида шахснинг ўз маданиятига идентификацияси шаклланади. Бу нисбатан ўзгаришга чидамли бўлиб, умри давомийлиги ҳам узоқроқдир. Шаклланган этномаданий идентиклик, инсонни ўзига нисбатан хурмат ва кадр-қимматини ҳис қилишини таъминлайди. Ўз миллати ва маданияти бўлган муносабати ва унга қилинаётган бошқа маданиятдан бўлаётган муносабатларга ҳам акс муносабат кўрсата оладиган қилиб шакллантиради. Шу жиҳатлари билан этномаданий идентиклик шахс ҳаёти ва жамият тараккиёти учун муҳимдир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. King E. Religion and Identity: The role of ideological, social and spiritual contexts. Applied Developmental Science, Vol. 7, No. 3, 2003. pp. 197-204.
2. Аширов А. (Масъул муҳаррир) Мустақиллик йилларида ўзбекларнинг миллий ўзликни англаши ва менталитети. Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2015. 286 б.
3. Каримова В. (Масъул муҳаррир) Социология. – Тошкент, 2000. 403 б.
4. Ковалев А. Г. О стадиях подражательной деятельности ребенка // Вопросы психологии личности. – Москва, 1960. – С. 140-153.
5. Кон И. С. Ребенок и общество: (Историко-этнографическая перспектива). – Москва: Наука, 1988. 366 с.
6. Кон И. С., Ольшанский В. Б. Социализация // Философская энциклопедия. – Т. 5. – Москва, 1970. – С. 66-67; Человек и общество. – Вып. IX. – Проблемы социализация индивида. – Ленинград, 1971. – С. 260; Андреева Г. М. Социальная психология. – Москва, 1980. гл. 15.
7. Маматов М. Миллий психологик қиёфа ва унинг хусусиятлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 202 б.
8. Мид. М. Культура мир детства. – Москва: Наука, 1988. 429 с.
9. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-том. – Тошкент, 2004. 485 б.
10. Щепанский Я. Элементарные понятия социологии. – Москва, 1969. 240 с.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ТАРИХИДАН

Ж.Э.Тошбоев,
ЖДПИ, Жиззах

Мустақиллик йилларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида, Ўзбекистон худудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва сиёсий тарихи бўйича муҳим тадқиқотлар амалга оширилди. Ўзбекистонда кечаётган бугунги янгиланиш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу ҳолат Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Фуқаролик жамияти асосларин ўрганиш учун давлатчилик ва сиёсий тарих билан боғлиқ тадқиқотлар ҳам муҳим ҳисобланади.

Жамият сиёсий тизимида муҳим ўрин тутувчи фуқаролик жамияти юридик, яъни давлат

хукукига оид тушунча эмас. Давлат ўзига маъкул фуқаролик жамияти қиёфасини ўз қонунлари билан «таъсис этиш», «белгилаш», «ўрнатиш»га қодир эмас. Фуқаролик жамияти шахсларнинг турли нодавлат ва нотижорат ташкилотларига бирлашуви асосида ўзларининг барча хоҳиш ва имкониятларини рўёбга чиқишини таъминлайдиган юксак босқич, бошқарувнинг олий шаклидир. Шундай экан, бу қонуниятлар илк давлатлар ташкил топиш жарёнлари билан боғлиқ кетади. Илк давлатларни типларга бўлиш масаласида тарих фанида икки хил ёндашув мавжуд бўлиб, биринчи ёндашувда формацион қарашлар, иккинчи йўналишда цивилизацион қараш асос қилиб олинган (Шайдуллаев, 2009. Б. 66). Биринчи йўналиш асосчилари Марксизм асосчилари бўлса, иккинчи йўналишга инглиз олими А.Тойнби асос солган. А. Тойнби ер юзида инсоният тарихи 21 та цивилизацияни ўз бошидан ўтказганлигини таъкидлайди (Тойнби, 1991. С. 76). Илк давлатлар типологияси масаласида Ўзбекистон тарихида жуда кам иш қилинган.

Ўзбекистон халқлари давлатчилик тарихи сиёсатшунослар ва тарихчилар томонидан тизимли равишда ўрганиб келинмоқда. Бироқ, уларнинг аксарият қисми собиқ совет даврида, ўша пайтда мавжуд бўлган, бир ёқлама назарий методологик асосга таяниб ёритилган. СССР даврида тарих фанларининг ҳам фалсафий методологик асосларини марксча-ленинча фалсафа ташкил этиб у диалектик ва тарихий материализм деб юритилар эди. Бу ўз моҳиятига кўра марксча тушуниш асосида шаклланган тарихий материализм марксча-ленинча ижтимоий фалсафа сифатида моддий неъматларнинг кишилиқ тарихидаги ролини муболағалаштириб юборар эди. Жамиятдаги маънавият каби бошқа омилларнинг ўрни ва ролига иккинчи даражали ходисалар сифатида қаралар ва шу нарса талаб қилинар эди. Жумладан А.П. Абуованинг “Ўзбекистон компартиясининг талаба ёшларни ғоявий сиёсий тарбиялаш бўйича фаолияти: тажриба ва муаммолар (1976-1986)” номли 1990 йилда тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси тадқиқот ишининг методологик асоси қисмида шундай дейилган.: “ марксизм-ленинизм классиклари асарлари, КПСС программаси диссертациянинг назарий ва методологик асоси ҳисобланади” (Абуов, 1990).

Марксизм-ленинизмнинг фалсафий асосини тарихни материалистик тушуниш ва шунинг асосида юзага келган диалектик ва тарихий материализм ташкил этган. Натижада, марксча-ленинча сиёсий иқтисод ва илмий коммунизм фанлари шакллантирилган эди. Бу фанларда мулкчиликдан синфлар, ҳоким синфлардан уларнинг давлатчилиги ва мафкуралари инстик равишда келтириб чиқарилиб тарихга синфий ёндашиш шакллантирилган эди. Бу ҳақда Ҳ.Бобоев шундай деб ёзган эди. “ Ҳамма нарса, шу жумладан, давлат, ҳуқуқ, қонун, сиёсат ҳам ягона ўлчов билан ўлчаниши ва ягона усул билан яъни материалистик нуқтаи назардан ва марксизм-ленинизм таълимотига биноан ўрганилиши керак эди. Унга мос келмайдиган ҳар қандай таълимот ва шу жумладан, давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги дунёқараш шафқатсиз танқид қилиниб, “бошқача” фикрловчилар таъқиб остига олиндилар (Бобоев, 1992. Б. 3).

Сиёсатчилар учун давлатчилик масаласи ва сиёсий қонуниятлар билан боғлиқ тадқиқотлар археолог тарихчилар томонидан амалга оширилмоқда. Бу масалада А.С. Сағдуллаев тадқиқотлари диққатга молик. У Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини бир неча даврларга - типларга бўлиб ўрганган. Унга кўра, биринчи, бронза даврига оид қадимги деҳқончилик ўлкаларида илк давлатчилик белгиларининг пайдо бўлиши даври. Иккинчи, бронза давридан илк темир даврига ўтиш (мил.ав. X-VIII асрлар) даврида Арёшайана - кичик давлат бирлашмаларининг пайдо бўлиши даври. Учинчи, илк темир даврида (мил.ав. VII-IV асрлар) Қадимги Бақтрия типдаги - йирик давлат бирлашмаларининг пайдо бўлиш даври (Сағдуллаев 2000. Б. 22-31). Бу масалада яқинда чоп этилган «Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар» китобида академик Э.В. Ртвеладзе Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги давлатларни бошқарилиш усулига қараб қуйидаги

типларга бўлган: 1.Подшоҳлик, бошқарув усули - мутлақ монархия; 2.Конфедератив подшоҳлик, бошқарув усули - чегараланган монархия; 3.Ер эгаллиги (владения) бошқарув усули - авлоддан авлодга ўтувчи шоҳлик (Ртвеладзе, Саидов, Абдуллаев 2001. Б. 18-19). Худди шу китобда Ўзбекистон худудидаги қадимги давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари олти босқичга бўлинган А.С. Сагдуллаев ҳам Э.В. Ртвеладзе ҳам Ўзбекистон худудида давлатчилик тарихини сўнги бронза давридан бошлайдилар ва мил.ав. II минг йилликнинг иккинчи ярмида давлатчиликнинг илк куртаклари пайдо бўлган деб ҳисоблайдилар. Сўнги йилларда Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон худудида олиб борилаётган археологик ишлар натижасида илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари борасида янги маълумотлар олинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгач Биринчи Президенти И.А. Каримов олиб борилаётган ислохатларнинг принципиал асослари сифатида беш тамойилни илгари суриб (Каримов 1993. –Б. 14), бу тамойил бўйича, нафақат социализм сиёсий иқтисоддан, балки шу билан бирга кишилик тарихини ўрганишда марксизм- ленинизмнинг барча чекланган қарашларидан ҳоли бўлиш ҳақида узил кесил фикр билдирилган. Ушбу мафкуравий жараён бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ҳар қандай илмий ишда методологик асосланганлик тақозо қилинади. Бугунги кунда юртбошимиз Ш. М. Мирзиёев асарлари ва уларда илгари сурилган дастуриламал ғоялар сиёсат ва тарих фанларидаги тадқиқот ишларида ҳам йўлланма олиш учун назарий манба вазифасини ўтамоқда (Мирзиёев 2017). Аммо ҳозиргача кўплаб тадқиқот ишларининг методологик асоси қисмида тадқиқотнинг методлари қайси фалсафий тушунишга асосланганлиги кўрсатилмаган. Чунки сиёсат ва тарих фанларининг биринчи тартибдаги методологик асоси фалсафа, иккинчи тартибдаги методологик асоси ижтимоий фалсафа, учинчи тартибдаги методологик асоси тарих фани принцип-қоидалари ва тўртинчи тартибдаги методологик асоси ёки қуйи даражаси илмий билишнинг метод ва шакллари ҳисобланади.

Аммо уларнинг ўқ илдизини муайян фалсафий тушунишлар ташкил этади. Жумладан, анализ ва синтез методларидан қадимги давр сиёсатшунос тарихчилари ҳам, совет сиёсатчилари ҳам фойдаланишган. Лекин улар бу методларни турли тушунишлар доирасида ишлатишган. Бу методлардан совет сиёсатчилари ва тарихчилари тарихий материализм доирасида фойдаланишган.

Ўз вақтида И.А. Каримов “Фидокор” газетасида биз қайси мафкурадан озикланишимиз керак, деган саволи фанимизнинг методологик асоси ва унинг ўқ илдизини тушунишга ҳам таълуқлидир. Муайян тушунишга асосланган методологик қоидалар тадқиқот ишининг мантиқий яхлитлигини таъминлайди. Чунки ҳар қандай ижтимоий ҳодиса тарихи ила умумий алоқадорликлар – умумий қонуниятлар тизимида юз беради. ” Кези келганда, -дейди, И.А. Каримов,- яна бир айтмоқчиман: мен ҳар қандай инқилобларга қаршиман, мен тадрижий тараққиёт тарафдориман, яъни барча воқеалар мавжуд объектив қонуниятлар асосида ривожланиши керак. Кимдир оғизда бу қонуниятларни инкор этиши мумкин. Аммо шулар ҳам “объектив реаллик мавжуд, объектив қонуниятлар бор”, деган ҳақиқатни тан олишса керак” (Каримов -Б.331).

Жамиятнинг умумий қонуниятлари тарихни материалистик ёки идеалистик ёхуд диний тушунишлар тизимларида тўлиқ ёритилган эмас. Бу умумижтимоий объектив қонунлар юртбошимиз Ш.М. Мирзиёев аъмоли билан боғлиқ ҳолда шаклланаётган тарихни диалектик маданий тушуниш доирасида таҳлил қилина бошланди. Кишилик тарихининг негизини маданият, яъни борлиқнинг инсонлар томонидан ишлов бериб яратилган қисми – маданий борлиқ ташкил этишига таянилган ҳолда умумижтимоий қонунлардан бир қисми –жамиятнинг қаррелацион – функционал ва субстанционал қонунлари мавжудлиги ёритилди (Абдухолиқов 1997). Бу ҳақда З.М. Исломов шундай дейди, “Ҳуқуқ кишилар ўртасидаги муносабатларнинг муайян жиҳатларидир.

Улар объектив хусусиятларга эга. Аслида кишилар ўртасидаги аксарият муносабатлар онгли, мақсадли хусусиятга, яъни маданий аҳамиятга молик бўлади. Бундай муносабатларни муайян даражадаги тушунишга асосланиб, муайян нормаларда акс эттириш ҳам маданий жараён дир.

Шу боис кейинги вақтда тарих жумладан, сиёсат ва ҳуқуқни диалектик маданий тушуниш ҳам таркиб топмоқда” (Исломов 2007. –Б. 18). Бугунги кундаги тадқиқот ишларида шаклланаётган сиёсий тарихни диалектик маданий тушуниш билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш ҳам кузатилмоқда.

Шундай қилиб, сиёсат ва тарихий тадқиқотларда ўтмишни диалектик маданий тушуниш ва унинг провард мақсади – цивилизация ёндашиш доирасида ўрганиш ўтмишни холис ва илмий ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Вокелик жумладан кишилик тарихини диалектик материалистик тушунишда бугунги кунга келиб ўзгаришлар юз берди. Табиатни диалектик материалистик тушуниш бугунги кунда ҳам табиатшунослик фанлари илмий тадқиқот ишларида давом этмоқда. Аммо кишилик тарихини диалектик материалистик тушуниш ўзининг бир томонламалиги билан танқидга учради. Совет давридаги ҳукмрон концепция, мулкчиликдан синфлар, ҳоким синфлардан уларнинг давлатчилиги ва мафкуралари шаклланганлиги тарихга синфий ёндашиш асосида уқтирилган қарашлар бугунги кунда ўзининг аҳамиятини йўқотди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдухолиқов С.О. Виждон эркинлиги: методология муаммолари. –Т.: Фан, 1997.
2. Абуов А.П. Деятельность Компартии Узбекистана духовно-политическому воспитанию студентческой молодёжи : опыт и проблемы (1976-1986) Автореф. Дисс. ... канд. Ист. Наук. –Т.: 1990.
3. Бобоев Ҳ.Б. Амир Темур ва унинг қарашлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1992. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси . –Т.: 2Адолат”, 2007.
4. Каримов И.А. Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким қайтара олмайди. XVIII жилд.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т.: “Ўзбекистон”, 1993.
6. Ртвеладзе Э.В, Саидов А.Х, Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. - Тошкент, Адолат, 2001.
7. Тойнби А.Ж. Постигение истории. - М.: 1991; Сорокин П.А. Человек. Цивилизация. Общество. - М.: 1992.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2017 йил, 23 декабр.
9. Мавлонов Ў, Норкулов Н, Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. I-қисм. - Тошкент, Академия, 2000.
10. Сагдуллаев А.С. Оседлые области на юге Средней Азии.
11. Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (Бактрия мисолида). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2009.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖИЗЗАХ ШАҲРИНИНГ МИЛЛИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРСОЗЛИК ҚИЁФАСИНИ ЯРАТИЛИШИ

Д. Т. Абдурасулова
ЖДПИ, Жиззах

Мамлакатимизнинг марказий қисмида жойлашган Жиззах вилояти шимоли-шарқ ва шарқ томондан Сирдарё вилоятининг Сардоба, Ховос туманлари чегараларидан бошланиб, жануби-ғарб ва жанубда тарафда Нурота ва Туркистон тизма тоғлари, шимолда Арнасой, Айдаркўл оралиғини камраб олган ҳолда ғарбдв Самарқанд вилоятининг Булунғур тумани сарҳадларига қадар бўлган замин билан чегараланган. Вилоят ҳудуди икки томони тоғлар билан ўралган, ўртаси текисликдан иборат узун йўлакни эслатади. Унинг маркази Жиззах шаҳри ана шу йўлакнинг марказида қад ростлаган.

Маълумки, Жиззах шаҳри кичик тоғ ён бағрида ва унга туташ текисликда жойлашган. Одатда, бундай жойларда барпо қилинган шаҳарлар ниҳоятда обод ва кўркем бўлади. Юксаклик, паст-баландликлар ва текисликлар бағрида шаҳар ўзига хос гўзаллик касб этади. Шаҳар бағридан оқиб ўтган дарё, канал ва сойлар унга алоҳида файз бағишлайди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда”, Жиззах деганда, аввало Зарафшон воҳасида жойлашган, ўзининг гўзал ва бетакрор табиати, қадимий тарихи, сервиқор тоғлари, бериён дашту-далалари, энг муҳими, оқкўнгил, ориятли ва меҳнаткаш инсонлари билан одамни ўзига мафтун этадиган бир диёр кўз ўнгимизда намоён бўлади” [Мирзиёев Ш.М. 2017.-345 б;].

Тарихнинг не-не бўҳронларини бошидан кечирган, кўплаб улуғ инсонларга бешик, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк зотларга қўналға бўлган Жиззах, гарчи 1973 йилда янги ташкил этилган вилоятнинг марказига айлантирилган бўлса-да, расман, одамлар назарида ҳам иккинчи тоифа шаҳар ҳисобланарди. Буни шаҳарнинг биргина марказий кўчадан иборат бўлганида ҳам кўриш мумкин эди. Шу кўчанинг марказий қисмида жойлашган маъмурий идоралар, вилоят театри, Жиззах давлат педагогика институти биноларидан бошқа кўзга кўринарли иншоот ҳам, одамлар дам оладиган бирор замонавий хиёбон ҳам бўлмаган. Истиклол йилларида мамлакатимиз Биринчи Президенти саъй-ҳаракати билан Жиззахда қайта қуриш, бунёдкорлик, уни миллий ва замонавий шаҳар сифатида янгидан барпо этиш ишлари кенг қўламда олиб борилди.

Бугунги кунда Жиззах шаҳрининг умумий майдони 9640 га ни ташкил этади. Аҳолиси 172454 та, шаҳарда бугунги кунда 34 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд [Жиззах шаҳар статистика бўлими материаллари.Жиззах: 2019].

Шаҳарнинг янгидан қурилиш, бунёд этилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 30 сентябрдаги “2030 йилгача Жиззах шаҳрининг бош режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ва шу қарор асосида ишлаб чиқилган махсус дастур муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шаҳар марказидаги Мустақиллик кўчаси бўйига узайтирилиб, энига кенгайтирилди. Унинг эни 50 метрга етказилиб, шоҳкўчалардан бирига айлантирилди. Кўчанинг кенгайтирилиши автомобиллар қатнови учун қулайликлар туғдириш билан бирга шаҳар қиёфасига ўзига хос гўзаллик бағишлади. Унинг икки томонида кўкаламзор масканлар, гулзорлар яратилди. Доимо яшил бўлиб турадиган дарахтлар экилди. Эски, кўримсиз уйлар ўрнида 34 та кўп қаватли, чиройли, барча қулайликларга эга турар жой бинолари қад ростлади. Эколандшафт тизимли майдонлар, хиёбонлар яратилди. Худди шундай қайта қуриш, бунёдкорлик ишлари шаҳарнинг Алишер Навоий, Буюк Турон, Шароф Рашидов кўчаларида ҳам олиб борилмоқда. Марказий кўчалар бўйидаги эски, бир қаватли уйлар, ташкилотлар учун қурилган талабга жавоб бермайдиган иншоотлар ўрнида замонавий ва миллий шаҳарсозлик анъаналарига мувофиқ 57 та кўп қаватли

турар жойлар барпо этилмоқда. Шулардан 42 таси тўла қурилган бўлса, 15 тасида шу йилнинг охиригача қурилиш ишлари якунланади. Бу уйларнинг биринчи қаватларида савдо дўконлари, маиший хизмат корхоналари, тамаддихоналар ўрин олади. Бошқача айтганда, бу ерда яшовчилар учун барча қулайликлар яратилади.

Шаҳар марказидаги “Ёшлар шаҳарчаси”ни Жиззахнинг энг кўркам, обод, сўлим гўшаларидан бири дейиш мумкин. Салкам 66 гектар ҳудудни эгаллаган бу шаҳарчада ёшларнинг ҳаёт кечиришлари, фаолият олиб боришлари учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Мавжуд “Камолот” уйларида ташқари шаҳарчада келгусида яна янги турар жойлар қад ростлаши кўзда тутилган. Шу билан биргаликда, бу ерда Ёшлар боғи, Ёшлар сайилгоҳи, Ёшлар маркази, “Ўрда” деб номланган Ёшлар экологик боғи ташкил этилган. Бу шаҳарчада ёшлар анжуманлари, турли тадбирлар уюштирилмоқда, умумхалқ байрамлари, сайиллари ҳам ўтказилмоқда ва аҳолининг барча қатламлари дам олиши учун ҳамма имкониятлар яратилган. Айниқса, Ёшлар экологик боғида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор. Бу ерда вилоят экологиясини асраш, унинг мусаффолигини сақлаш борасидаги ишлардан ташқари Жиззах ҳудудида ноёб бўлган дарахтларни, ўсимликларни етиштириш, уларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан кузатилган асосий мақсад шаҳар экологиясини яхшилаш, уни кўкаламзор масканга айлантиришдан иборат бўлмоқда. Умуман, бу шаҳарчани Жиззахнинг нафақат бугунги замонавий қиёфасининг бир бўлаги, балки унинг келажаги тимсоли ҳам дейиш мумкин.

Жиззахнинг замонавий ва миллий шаҳарсозлик қиёфасини яратишда янги илм-фан даргоҳлари учун иншоотлар ҳамда спорт-соғломлаштириш масканлари қуришга ҳам эътибор берилмоқда. Шаҳарда сўнгги йилларда кўплаб коллежлар, лицейлар, умумтаълим мактабларининг янги бинолари қад ростлади. Жиззах политехника институтининг 4 қаватли ўқув биноси ва спорт зали мукамал равишда тўла таъмирдан чиқарилди. Ҳозирги пайтда институтнинг 700 ўринга мўлжалланган лаборатория биносида қурилиш ишлари давом этмоқда. “Сўғдиёна” стадиони ўрнида салкам 12 минг томошабинга мўлжалланган замонавий футбол майдони, 2 спорт зали ва сузиш ҳавзаси қурилди. Ўнга яқин анъанавий спорт турлари билан шуғулланувчилар учун махсус заллардан иборат янги, замонавий “Сўғдиёна” футбол-енгил атлетика спорт аренаси ишга туширилди. Шу билан бирга, шаҳарда янги йўллар барпо этиш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Бугунги кунгача 17 километрдан иборат автомобиль йўли янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилган [Жиззах шаҳар ҳокимининг “Жиззах шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида”ги маърузаси, 2019].

Кейинги йилларда Жиззах вилояти ва унинг марказида иқтисодий янада юксалтиришга, саноат тараққиёти учун кенг йўл очиб беришга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун саноат корхоналарини барпо этиш асосий масала қилиб белгиланган эди. Мамлакатимиз Биринчи Президентининг 2013 йил 18 мартдаги “Жиззах” махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида”ги фармони ана шу ишларнинг муваффақиятли амалга ошишига асос бўлиб хизмат қилди. Фармонга мувофиқ махсус индустриал зона учун Жиззах шаҳридан 364 гектар ер ажратиб берилди. Зонада хорижий инвестициялар иштирокида жами қиймати 158,2 миллион доллар бўлган 24 та йирик саноат лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган эди. [Халқ сўзи. 2013 йил 19 март.] Бугунги кунгача 63,6 миллион доллар қийматга тенг 21 та лойиҳа амалга оширилди. Янги “Auto Pad Systems” қўшма корхонаси ана шу лойиҳалардан бири ҳисобланади. Марказий Осиёда ягона бўлган бу корхонада йилига 520 минг дона тормоз колодкалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Яна бир йирик лойиҳа асосида “Roish Home White Goods” қўшма корхонаси барпо этилди. Бу қўшма корхонада йилига 650 мингдан ортиқ телевизор, музлаткич, электр печ ва кир ювиш машинаси каби электротехника маҳсулотлари тайёрланмоқда. Бундай лойиҳалар асосида ҳали кўплаб янги корхоналар ишга туширилиши режалаштирилган.

Махсус индустриал зона корхоналари ҳудуд иқтисодий ривожига билан биргаликда аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда. Фаолият юритаётган қўшма корхоналарда 1100 тадан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Бу иш ўринларига асосан касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ишга қабул қилинди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар мамлакат ички бозоридан ташқари хорижга ҳам экспорт қилинмоқда. Ўтган йили зонада фаолият юритаётган 14 та корхонада 102 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, шундан 6,4 миллион долларлик маҳсулот экспортга чиқарилди. “Жиззах” махсус индустриал зонасида ишлаб чиқариш, транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини шакллантириш мақсадида 84 миллиард сўм ҳажмдаги капитал маблағлар ўзлаштирилди. Зонага олиб борувчи 12 километрлик ташқи йўллар тўла таъмирдан чиқарилди. Салкам 6 километр узунликда ичимлик суви, 8 километр узунликда газ тармоғи қурилди. Бу йил 7 километр узунликда ички йўллар қурилиши ва реконструкцияси амалга оширилади. Энг муҳими, замонавий шаҳарсозлик режаси асосида корхоналарнинг мухташам, кўркем бинолари, иншоотлари қад ростлади. Иншоотлар, бинолар атрофлари кўкаламзор масканларга, боғ-роғларга айлантирилди [Вилоятда 2014-2019 йиллар давомида амалга оширилаётган ютуқлар ва ўзгаришлар тўғрисида маълумот].

Хулоса қилиб айтганда, Жиззах шаҳри истиқлол йилларида юртимизнинг йирик иқтисодий, маданий ва маънавий марказларидан бирига айланиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз.- Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.
2. Жиззах шаҳар статистика бўлими материаллари. Жиззах: 2019.
3. Жиззах шаҳар ҳокимининг “Жиззах шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида”ги маърузаси. Жиззах, 2019; Халқ сўзи. 2013 йил 19 ма

МУНДАРИЖА

СЎЗБОШИ	3
I ШУЪБА: ЖИЗЗАХ АРХЕОЛОГИЯСИ: КЕЧА ВА БУГУН – ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР	
Сагдуллаев А.С., Тогаев Ж.Э. Археологическая и историческая география (на примере древней Бактрии).....	5
Пардаев М.Х. Жиззах воҳаси археологияси: ютуқлар, муаммолар, вазифалар.....	7
Холматов А.Н., Хўжаназаров М. Жиззах воҳасининг янги қоятош расмлари.....	14
Грицина А.А. Заамин как идеологический центр раннесредневековой Уструшаны.....	19
Тошбоев Ф.Э. Жиззах воҳаси чорвадорлари катакомба қабрларининг таснифига доир айрим мулоҳазалар.....	21
Ғофуров Ж.И. Уструшона кишлок маконларини шаклланишида сунъий суғориш тизимининг ўрни.....	24
Атаходжаев А.Х. Древний Узбекистан в раннеэллинистическое время (IV-II вв. до н.э.) по нумизматическим данным.....	29
Пардаев М.Х., Пардаев Ш.М. Уструшонанинг Турк хоқонлиги ва илк ислом давридаги ижтимоий-сиёсий ҳаётдан.....	34
Суюнов С.С. Ғарбий Уструшона рустокларининг суғорилишига доир.....	41
Тошбоев Ф.Э. Уструшонада аниқланган янги қабр типлари ҳақида.....	44
Тўйчибоев Б.Б. Фағнон рустоқининг жойлашган ўрни хусусида.....	47
Холбоев З.Т. Қадим ва ўрта аср тарихий манбаларида Уструшона.....	50
Пардаев Ш.М. Джизакский оазис - контактная зона между земледельцев и скотоводов.....	55
Мамиров О.У. Илк ўрта асрларда Уструшона аҳолисининг зоолатрик тасаввурлари (археологик ва этнологик материаллар асосида).....	57
Абдураимов Д. Қадимги ва ўрта аср дехқончилик маданиятини ўрганишда археоботаник топилмаларнинг ўрни.....	60
Пардаев А.Х., Пардаев Ж.А. Жиззахда XVIII асрнинг охири XIX асрнинг биринчи ярмида хунармандчилик ва савдо.....	62
Тиловбоев М. Қоятош расмлари-инсоният бадий тафаккурининг олий маҳсули (Қадимги Уструшона мисолида).....	67
Ҳасанбоев Т.Ф. Жиззах воҳасининг сўнгги ўрта асрлар тарихи манбашунослигига доир.....	69
Қосимов У., Туропова П. Жиззах воҳасида давр ва адабиёт (XIX аср охири – XX аср биринчи чораги мисолида).....	73
II ШУЪБА: ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА АРХЕОЛОГИЯ, ЭТНОЛОГИЯ, ТАРИХШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ	
Холматов Н.У., Холматов А.Н., Исаев Й. Пайариқ тумани янги археологик ёдгорликлари хусусида.....	77
Аширов А.А. Фарғона водийси аҳолисининг сув билан боғлиқ маданияти ва анъаналари.....	80
Омонов А.М. Ўзбекистон палеолитини ўрганишда халқаро ҳамкорликнинг амалий аҳамияти .	83
Хандамова М. Абу Райхон Берунийнинг “Осор ал-бокия” асари манба сифатида	85
Сандибоев А.Н. Қулдортепа ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар хусусида.....	87
Шаймарданов А.З. Нумизматик манбаларда Юнон-Бақтрия ҳукмдорлари титулларининг ифодаланиши.....	89
Хўжамов С.Х. Ўрта Осиёдан топилган сомоний кумуш дирхамлари.....	91
Акчаев Ф.Ш., Жуманазарова Д.У. Жиззах воҳасининг чилла билан боғлиқ зиёратгоҳлари ва урф-одатлари	94
Давлатова С.Т. Ўзбек хунармандчилиги анъаналари маънавий мерос сифатида.....	98
Мўминова Г.И. Ғалларол воҳаси аҳолисининг уй – жой билан боғлиқ урф – одатлар	

хақида.....	101
Холмуратов Б. Доира ва унинг шомонлик маросимларида тугган ўрни.....	104
Раззоқова Г.К. Қадимги даврларда фольклор ва анъанавий кўшиқчилик санъатини шаклланишига доир.....	106
Раимжонов С.Ў., Эшбоева М.Ф. Мамлакатимиз ҳудудида мусиқа санъатига оид намуналарнинг ўрганилиши.....	109
Тўпчиев У.С. Туркистон ўлкасида узумчилик ва узум маҳсулотларини тайёрлаш соҳасининг тарихий тараққиёт босқичлари.....	111
Абдуқодиров С.Б. Жиззах вилояти Фориш тумани тоғ олди қишлоқ аҳолисининг гиламдўзлик анъаналари ва урф-одатлар ҳақида.....	113
Жуманазаров Х.С. Халқ таботати ва этнохудудий омил.....	116
Садуллаев Б.П. Мунис ва Огаҳий асарларида чап қирғоқ Кат-қалъа тарихига доир маълумотлар ҳақида.....	119
Акчаев Ф.Ш. Жиззах воҳаси аҳолисининг зиёрат мавсуми билан боғлиқ қарашлари.....	120
Худойкулов Т.Б. Бухоронинг қадимий дарвозалари хусусида В.В.Бартольднинг қайдлари.....	122
Раҳматуллаев А. Туркистон тарихини европалик олимлар томонидан ўрганилиши тарихидан (XIX аср охири XX аср бошлари).....	125
Аҳмеджонов Н. Ўзбекистон археологиясининг тараққиёти тарихига оид айрим чизгилар.....	128
Юлдашев Ж.Ж. В.А.Шишкиннинг Варахша ва Афросиёб ёдгорликларида ўтказган изланишлари хусусида.....	130
Ҳамраев Ғ.Ғ. Шўролар даврида ўзбек археологиясининг ҳолати хусусида айрим мулоҳазалар.....	133
Олимжонов Х. Ўзбекистон миллий архивида сақланаётган библиограф Е.К.Бетгернинг шахсий фондида.....	135
Намозов А., Эшбоев Ш.Ф. Маънавий қадриятларимиз тикланишида халқ ўйинларининг ўрни.....	137
Хидирова М., Қосимов У. Тарихий воқелик ва реалистик тасвир полифонияси.....	139
Каримова Ю.А. Тарихий ҳақиқат ва бадиият.....	143
Музаффаров А. Глобаллашув шароитида туризм феномени маконий ўлчамларининг трансформацияси.....	146
III ШУЪБА: ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ФАНИНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ (ҚАДИМГИ ДАВРДАН ҲОЗИРГИ КУНГАЧА)	
Бўриев О., Хўжаёров А. Темурбекнинг ўсмирлик даври.....	149
Аҳмедшина Ф.А. Гендер тенглик: муаммолар ва ечимлар.....	155
Нуркулова Р.Р. Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага ўзбек халқининг қўшган ҳиссаси.....	157
Шадманова С.Б. Ўзбекстонда эпидемиология фани ва унинг ривожланиши тарихидан (XIX аср охири – XX аср 40-йиллари).....	165
Холмуродов Р., Холмуродов Д. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги дўстлик алоқаларининг ўрнатилиши ва мустахкамланиши.....	169
Мирзаев Б.Н. Муҳаммад Шайбонийхон юришлари ва унда қўлланилган ҳарбий тактикалар ҳақида.....	174
Дармонова М. Турди Фароғий маънавий мероси.....	179
Бобоев Ф. Туркистон минтақаси ва шарқ давлатларидаги миллий озодлик ҳаракатларининг қиёсий таҳлили.....	181
Болтаев А., Тилавова Г.Л. Россия империясининг Туркистон ўлкасидаги мустамлакачилик сиёсати.....	183
Раҳматуллаев А. В.В.Бартольднинг Туркистонда ўтказган дастлабки археологик тадқиқотлари.....	185

Тоғаева А.З. Туркистондаги тиббий илмий жамиятлар ва уларнинг фаолияти.....	187
Мажидов А.С. Россия империясининг Туркистондаги кўчирувчилик амалиёти хусусида (Сирдарё вилояти мисолида).....	191
Эшбекова Д. 1920-1930-йилларда даврий матбуот суратлари воситасида динга қарши тарғибот.....	193
Эргашева Б.С. Қатағон сиёсати тарихининг аянчли саҳифалари.....	199
Давронов Ш. Қатағон қурбонлари (Жиззах шаҳри мисолида).....	201
Пардаев Ж.А. Иккинчи жаҳон урушининг жиззахлик қаҳрамонлари жасоратига доир дастлабки мулоҳазалар.....	203
Бодиров А. Жиззахликларнинг иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси.....	208
Тошбоев А. Шароф Рашидов фаолияти ҳақида баъзи мулоҳазалар.....	210
Рашидов Ш. Шарқшуносларнинг Тошкентда ўтказилган биринчи бутуниттифок конференцияси хусусида.....	214
Кобзева О.П., Валиев А.Х. Из истории международных нормативных актов по вопросам занятости населения.....	217
Ярматов Р.Б. Замонавий таълим тизимида бўлажак тарих ўқитувчилари тадқиқотчилик компетентлигининг ўзига хос хусусиятлари.....	219
Инатов Х., Инатов З. Ўзбекистонда физика ўқитиш методикасининг тарихи ва ривожланиши.....	222
Соатов Р.М. Тарих фанини ўқитишда ўқувчилар мустақил ишларининг аҳамияти.....	225
Жумаев Ж. Ўзбекистон-Қозоғистон: алоқалари хусусида.....	227
Мажидов А.Ф. Мустақиллик даврида миллий маънавиятимизнинг тикланиши ва юксалиши.....	230

IV ШУЪБА: ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНИК ШАКЛЛАНИШИ, ДАВЛАТЧИЛИГИ ВА ШАҲАРСОЗЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

Асқаров А.А. Советлар империяси даврида ўзбек халқининг этник тарихи билан боғлиқ масалаларнинг ёритилиши.....	234
Матбобоев Б.Х., Хошимов Х.Б. Фарғона водийсида урбанизация жараёнлари ва Андижон.....	238
Пардаев А.Ҳ. Жиззах шаҳрининг этник номлар билан аталувчи маҳаллалари тарихидан.....	243
Раҳимов К.А. Қадимги Бактрия бронза даври жамоаларининг нон пишириш услублари хусусида айрим мулоҳазалар.....	249
Қудратов С.С., Сулаймонов Ҳ. Туркий халқларнинг илк ватани борасида айрим мулоҳазалар.....	251
Раимқулов А.А., Эгамбердиев Ф. Кеш (Китоб) шаҳрининг тарихий топографияси хусусида.....	253
Раҳмонов Ҳ.Ў., Маҳкамова Н.А. Кабуданжакет рустоқи ҳақида айрим мулоҳазалар.....	256
Ғаниев К. Мовароуннаҳрнинг марказий шаҳар ва қарвонсаройлари Буюк ипак йўли йўналишларини белгиловчи иншоотлар сифатида.....	258
Алибеков У. Рашид ад-Диннинг “Жоме ат-таворих” ва “Шуаб-и панжгона” асарларида шажара масалалари.....	260
Каримова Н.И. Из истории торговых связей Самарканда на Великом Шёлковом пути.....	264
Миркомиллов Б. Фориш тумани тарихига оид айрим чизгилар.....	267
Мўминова Г.И. Марказий Осиёнинг энг қадимги илк ўтроқ деҳқон маданиятини ўрганилиши тарихидан.....	270
Мирзаева Н. XIX аср охири – XX аср бошларида Мирзачўл аҳолисининг этник	

таркиби.....	274
Ортиқов Ё.А. Шахс ижтимоийлашуви жараёнида этномаданий мансубликнинг шаклланиши.....	276
Тошбоев Ж.Э. Ўзбекистондаги сиёсий жараёнлар тарихидан.....	278
Абдурасулова Д.Т. Мустақиллик йилларида Жиззах шаҳрининг миллий ва замонавий шаҳарсозлик қиёфасини яратилиши.....	282

**“ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ – МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ТИЗИМИДА”
(ҚАДИМГИ ДАВРЛАРДАН ҲОЗИРГИ КУНГАЧА)**

(Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари)

Муҳаррир: **Б.Мирзаев**
Мусахҳих: **Г.Кодирова**
Саҳифаловчи: **Ф.Раҳмонқулов**

Гувоҳнома № 14-0003, 30.04.2020 йил.
Офсет қоғози. Босишга рухсат этилди 18.05.2020.
Формат А4. Гарнитура «Times New Roman».
Босма табоқ 18.0 Адади 50 нусха. Буюртма №_____.

«Жиззах ДПИ Матбаа» давлат корхонаси.
130002, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 4.
Тел./факс: (+99872) 226–02–93